

1132
П-28



ПЕДАГОГИКА
ЭНЦИКЛОПЕДИЯ



II

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

Т. Н. ҚОРИ НИЁЗИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА
ФАНЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ПЕДАГОГИКА

ЭНЦИКЛОПЕДИЯ


II ЖИЛД

Ж–М

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси»

Давлат илмий нашриёти

Тошкент–2015



УЎК 37.014.252(030)

КБК 74я2

П 29

Масъул муҳаррирлар:

Р. Ғ. Сафарова – педагогика фанлари доктори, профессор;
Р. Ҳ. Жўраев – педагогика фанлари доктори, профессор.

Педагогика: энциклопедия. II жилд / тузувчилар: жамоа. –
Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий
нашриёти, 2015. – 376 бет.

УЎК 37.014.252(030)

КБК 74я2

ISBN 978-9943-07-397-5

© «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»
Давлат илмий нашриёти, 2015

Ж

ЖАВОБГАРЛИК – инсоннинг муайян ф-ят ва хатти-ҳаракати учун, уларнинг оқибатига караб жамоа, ж-ят ёки қонунга таянган ҳолда дав. олдидаги масъуллиги. Мазкур тушунча мазмун-моҳиятига кўра маънавий, ахлоқий ва ҳуқуқий турларга бўлинади. Маънавий-ахлоқий маънода Ж. инсоннинг эл-юрт, ж-ят, давлат ва б. олдидаги масъулияти, маънавий қарзи сифатида намоён бўлади. Ваъдага вафо қилиш, миллий ва умуминсоний қадриятларга садоқат, оила, мактаб, маҳалла, жамоа олдидаги ижт. бурч туйғуси Ж. хиссининг асосини ташкил қилади. Қонун бўйича Ж. интизомий, маъмурий, моддий ва жинсий турларга бўлинади. Жиноятни содир этган шахс ўз қилмиши учун қонунда белгиланган Ж.ка тортилади. Жиноят учун Ж.ка тортиш ваколати судга берилган ва бундай Ж. жиноий жазони қўллаш б-н амалга оширилади. Шу боис таълим муассасаларида узлуксиз пед. тизим ёрдамида ўқувчи ҳамда талабаларда Ж. хиссини шакллантириш муҳим пед. вазифалардан бири ҳисобланади. Ж. хиссига эга бўлишлари учун таълим олувчиларнинг қонунлар, ж-ят ва таълим муассасаларида қабул қилинган меъёрий асослар мазмун-моҳиятини чуқур англаб этишларига, қонунлар бузилиши туфайли юзага келадиган жиноий ҳаракатлар, тартиббузарликлар оқибатларини тушунишларига эришиш лозим.

ЖАВОНМАРДЛИК (фор. жавонмард – мард йигит) – 10–13-а.ларда Хуросон ва Мовароуннаҳрда кенг тарқалган ижт. ҳаракат. Ж. борини йўқсиллар б-н баҳам кўриш, бориға қаноат қилиб, фақат ўз ҳунари эвазига кун кўриш, ўзини дўстлар хизматиға бағишлаш, бошқаларға беминнат ёрдам кўрсатиш, ҳожатбарорликни ҳаётнинг мазмуни деб билиш, дўст-биродарлари номуси, шарафини ҳимоя қилиш, зоҳиран ва ботинан пок юриб, пок яшашни англадиган агама. Ж.да 3 белги мавжуд: вафодорлик, беминнат яхшилик қилиш, ҳожатмандларнинг ҳожатини чиқариш, яъни ҳожатбарорлик. Бундай шахслар аجدодларимиз ва замондошларимиз орасида кўплаб учрайди. Ўтмишда жавонмардлар бир-бири б-н яқин ҳамкорлик ришталарини боғлаб, биргаликда муайян эзгу мақсадларни амалга оширганлар. Уларнинг ўз устозлари ва низомлари бўлган. Улар ҳақида махсус китоблар ёзилиб, гўзал хулқлари намуна қилиб кўрсатилган. Жавонмардлар тасаввуфни ўзлари учун ахлоқ кодекси сифатида қабул қилишган ва кўплари тариқат пешволарига айланишган. Нажмиддин Кубро, Паҳлавон Маҳмуд, Баҳоуддин Нақшбанд Ж. удумларини давом эттирган зотлардир. Ўзбек халқига хос бағрикенглик, меҳмондўстлик, саховатпешалик, ҳимматлилик, Ж. миллий анъаналарда ўз ифодасини топган. Шу боис

таълим муассасаларида муҳим миллий кадрият сифатида Ж. сифатларини ва мазмун-моҳиятини ўқувчи ҳамда талабаларга етказиш педагогларнинг муҳим вазифаларидан биридир.

ЖАВЛОНОВ Ҳикмат (1933. 13. 2, Фориш тумани) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Самарқанд ун-тини тугатган (1955). Фориш туманидаги 1-мактабда физика ўқитувчиси, мактаб директорининг ўринбосари (1955–72), 33-мактабда директор (1972–95), физика ўқитувчиси бўлиб ишлаган (1995 й.дан). У ўқувчилар б-н биргаликда 1200 дан ортиқ кўргазмаларни ўқув куроллари тайёрлаган ва намуналарни физика хонасини ташкил этган.

ЖАДАЛЛАШТИРИЛГАН ТАЪЛИМ – ўқув-тарбия жараёнини жадаллаштириш, тезкорлик, маҳсулдорлик, ресурс ва қувватлардан тўлиқ фойдаланиш ҳисобига амалга ошириладиган таълим. Ўқув-т-я жараёнини жадаллаштириш ўқув-т-я жараёнини самарали ташкил этиш ва такомиллаштириш йўллари, йўналишларини излашдан иборат. Ўқув-т-я жараёнини жадаллаштириш ҳаракатлари ўқув муассасаси эҳтиёжлари, ижт.-иқтисодий ривожланиш талабларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Узок йиллар мобайнида таълимда сифат эмас, балки миқдор кўрсаткичларига эришиш устувор бўлган. Худди шуни назарда тутган ҳолда пед. ёндашувлар ва ўқитиш мет.лари оммалаштирилган.

Ривожлантирувчи ёндашув доирасида миқдорий омиллар орқали мўлжалланган натижага эришиш назарда тутилган.

ди. Бунда ўқув соатларини кўпайтириш, ўқув юктамалари миқдорини ошириш орқали кўзланган натижани қўлга киритиш мумкин. Тарихий тараққиётнинг муайян босқичида шунга ўхшаган ҳар бир ёндашув ж-ят эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилган ва муайян вақт ўтиши б-н у ўз аҳамиятини йўқотган.

Фан-техника ривожланиши баробарида, ахб.лар кўлами кенгайиб, ишлаб чиқариш техн.си мураккаблашмоқда. Натижада интеллектуал бойликлардан фойдаланиш маҳсулдорлигини ошириш зарураги юзага келмоқда. Бу эса, ўз навбатида, таълим жараёнини такомиллаштиришни талаб қилмоқда.

Шу боис таълим соҳасида инсон омилига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Чунки ёшларни ҳаётга ва меҳнатга яхшироқ тайёрлаш таълим-т-я жараёнини жадаллаштиришни тақозо этади. Ж-ят ҳаётининг барча жиҳатларини янгилаш фан-техника тараққиётини янги босқичга кўтаришни талаб қилади. Ж-ятнинг ижодий қувватларини тўлақонли ривожлантириш узлуксиз таълим тизими олдига ўқув-т-я жараёнини такомиллаштириш, янгиликларни фикрловчи соғлом тафаккур эгаси, янги ф-ят услубини ўзлаштирган ижт.-маънавий жиҳатдан етук шахсни шакллантириш вазифасини қўймоқда. Бугунги ёш авлод ижт., ишлаб чиқариш, маънавий, маданий соҳаларга оид муаммоларни самарали тарзда ҳал эта олиш лаяқатига эга бўлиши керак. Бунинг учун ўқитишнинг шундай усулларини излаш керакки, мунтазам ривожлантирилган билимлар ва ахб.ларни ўқувчилар

айян вақт ичида жадал ўзлаштиришга муваффақ бўлсинлар. Шу мақсадда педагоглар ўқувчиларга жадал таълим бериш мет., шакл ва усуллари излашлари керак. Аксарият ўқитувчилар ўқитишнинг бундай мет. ва шакллари билмаганлар. Ж. т. мет. ва шакллари ўқувчиларнинг билиш ф-ятини ривожлантиришга ҳисса қўшиши лозим. Бунинг учун маҳсулдор таълим шакллари-дан фойдаланиш талаб этилади. Демак, таълим самарадорлигини ошириш учун таълим жараёнини жадаллаштириш ва оптималлаштириш зарур.

ЖАДИД ПЕДАГОГИКАСИ (араб. жадид – янги) – 19-а.нинг 2-ярми – 20-а. бошларида туркий халқларнинг зиёли вакиллари орасида юзага келган, маърифат учун курашиш, ж-ятда илм-фан янгиликларини тарғиб қилишга асосланган маърифий ҳаракат. Жадидчилик дастлаб 19-а.нинг 80-й.ларида Кримда вужудга келган. Крим-татар халқининг илғор зиёлларидан бири Исмоилбек Гаспринский раҳбарлигида ж-ятни тараққиётга етаклашга интилган мазкур ҳаракат намояндалари дастлаб ўзларини тараққийпарварлар, кейинчалик жадидлар деб аташган. Жадидчилик ҳаракати ўзига хос шаклланиш ва мағлубиятга учраш даврларини бошидан кечирган. Мазкур даврларни мутахассислар шартли равишда тўртга бўлишган. Бу даврлар Туркистон, Бухоро ва Хива ҳудудида 1895–1905; 1906–16; 1917–20; 1921–29 й.ларни ўз ичига олади.

Миллат истиқболини ўйлайдиган тараққийпарвар инсонлар ж-ятнинг бар-

ча қатламлари – ҳунарманд, деҳқон, савдогар, мулкдор, уламолар орасида бўлган. Миллатпарвар зиёллар чор ҳукуматининг адолатсиз сиёсатига қарши курашишни дастлаб халқни асрий қолоқликдан қутқариш, сиёсий-маърифий онгини юксалтиришдан бошлашга қарор қилишган. Бу даврда Туркистон ўлкасида жадидчилик ҳаракатининг ривожланиши учун қулай вазият юзага келган.

Жадидчилик ҳаракатининг ривожланиши, халқ орасига теран кириб боришида «усули жадид» мактаблари асосий пойдевор вазифасини ўтган. «Янги» маъносини берувчи «жадид» истилоҳи кириб келишининг ўзи айнан янги усулдаги мактаблар б-н боғлиқ. 1895–1910 й.ларда Туркистоннинг Тошкент, Самарқанд, Қўқон каби барча йирик шаҳар ва қишлоқларида, Бухоро амирлиги ва хонликларда ўнлаб «усули савтия» мактаблари очилган. 1903 й.дан жадид мактаблари учун махсус дарсликлар тузила бошланган, лекин бу ишлар ниҳоятда қийин кечган. Мустабид ҳукумат ва маҳаллий мутаассибларнинг қаршилигига қарамай, жадидларнинг саъй-ҳаракатлари б-н «усули жадид» мактабларининг тармоғи кенгайиб борган. Чинакам маърифат ўчоғига айланган, маданий таназзулдан сақланиш ва ж-ят маънавиятини мустаҳкамлашда бсқийс аҳамият касб этган янги усул мактабларининг сони 1917 й. бошларига келиб 92 тани ташкил этган.

Жадидлар орасидан етук олимлар, маърифатпарвар педагоглар, саноат ва зироатчилик соҳаларининг билимдон

мутахассислари, маданият арбоблари этишиб чиқиб, юртнинг обод, Ватаннинг мустақил, ёшларнинг билимли бўлишларини орзу қилишган, шу йўлда фидойиларча курашишган. Жадидларнинг Туркистон мустақиллиги учун курашида, асосан, қуйидаги йўналишлар устуворлик қилган: янги усул мактаблари тармоғини кенгайтириш; қобилиятли ёшларни чет элга ўқишга юбориш; турли маърифий ж-ятлар ва театр труппалари тузиш; газ. ва жур.лар чоп этириш, ўзбек халқининг ижт.-сиёсий онги ва маърифий даражасини ривожлантириш орқали Туркистонда миллий демократик дав. куриш ғоясини илгари суриш.

Махмудхўжа Бехбудий, Абдуқодир Шуқурий (Шақурий), Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Фитрат, Садриддин Айний, Исоқхон Иброт ва б. ёрқин сиймолар Туркистонда янги усул мактабларини очган, улар учун дарсликлар яратган жадид маърифатпарварларидир.

Жадидчиликнинг аксарият вакиллари ёшларга диний таълим б-н бир каторда дунёвий фанларни ҳам ўқитиш масаласига эътибор қаратиш лозимлигини илгари суришган. Улар мусулмон мактабларининг таълим усули ва дастурларини ислоҳ қилган ҳолда, янгича усулдаги мактабларни ташкил этишган. Жумладан, М. Бехбудий, М. Абдурашидхонов, А. Бурҳонов, А. Авлоний ва б. янги усул мактаблари учун дарсликлар ёзиб, нашр этишган.

Жадидларнинг таълим-т-я, одоб-ахлоқ ҳақидаги фикрлари, ғоялари, асосан, қадимдан ислом оламида қарор топган

маънавий-ахлоқий қарашлар негизидан шаклланган. Жадидлар мусулмонларга хос диёнатлилик, саховатлилик, хушахлоқлилик сингари аجدодлардан мерос фазилатлар болалар, умуман инсон т-ясида муҳим аҳамият касб этишини теран англашган. Айни замонда уларнинг пед. қарашларида янги бир тушунча ҳам пайдо бўлган. Бу таълим-т-яда муҳит, замон, шароитнинг ўрни тўғрисидаги қарашдир. Ж. п. ижт. ҳаёт, унинг талаблари, эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, унга қадар мавжуд бўлган Шарқ пед.сига нисбатан бир қадам олға силжишга эришганди. Жадидларнинг таърифига кўра, баркамол инсон – бу, энг аввало, замонавий инсон, замонавий инсон эса, миллат ва Ватан манфаатини барча нарсадан устун кўювчи, маърифатли, диний билим ва замонавий илм-фан ютуқларини пухта эгаллаган, хушахлоқ тарбияли кишидир.

Жадидларнинг таълим-т-я тўғрисидаги, умуман, пед. қарашлари шу б-н характерлики, улар аждодларимизнинг бу борадаги қимматли фикрларини илғор замонавий қарашлар б-н уйғунлаштирганлар. Уларнинг пед. қарашлари теран ижт. асосга, пойдеворга эга бўлганлиги учун ханузгача ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда.

ЖАЗОЛАШ МЕТОДЛАРИ (араб. жазо – қасос; мукофот; сазо) – ўқувчи шахсига таъсир кўрсатиш усули. Таълим муассасаси ва оилада болалар ҳулкидаги салбий одатларнинг олдини олиш ҳамда йўқотишга қаратилган пед. метод. Ж. м. – тарбияланувчиларнинг хатти-ҳаракати ва ф-ятидаги салбий ҳолатларни эъти-

болага олган ҳолда, улардаги бу жараён-ларни ижобий томонга йўналтириш учун фойдаланиладиган тарбиявий таъсир воситалари, йўллари, шакллари, усулларини фойдаловчи атама. Жазолаш тарбияла-ришидаги ахлоқ меъёрларига зид ф-ят хатти-ҳаракатларни муҳокама қилиш шаклларига асосланган ҳолда амалга оширилади. Жазолаш таълим олувчи-ларда номаъқул хатти-ҳаракатларни бар-қарор этиш, ахлоқни тузатиш, жамоа ол-дада уялиш, ўзини гуноҳкор деб билиш касбини уйғотиши лозим.

Ж. м. турлича бўлиб, улар жумласига танбеҳ бериш, койиш, уялтириш, хатти-ҳаракатларни жамоа ўртасида муҳокама қилиш, муайян ф-ятдан четлатиш каби шакллар кирди. Жазолашда муайян пед. та-ъсирларга амал қилиш зарур. Берилаётган жазо тарбияланувчининг айби, салбий хатти-ҳаракатларига қараб белгилани-ши лозим. Жазолаш жараёнида салбий хатти-ҳаракатларнинг сабаблари, унинг жамоага етказадиган зарари, тарбияла-ришининг шахсий хусусиятлари инобат-да олинishi керак.

Пед.да жазолаш тарбиявий чора-лардан бири ҳисобланади. Жазолаш содирланган талабларни бажармайдиган, ҳат ва оиладаги тартиб-қоидаларга қарши этмайдиган ўқувчиларга нисба-тан қўлланилади. Жазолашдан мақсад ўқувчиларга ножўя хатти-ҳаракатлар, қарининг салбий оқибатларини англа-тириш, айбига иқроқ қилиш, оила ва ж-ятда ҳурор топган одоб-ахлоқ меъёрларига амал қилишга даъват этишдан иборат. Жазолаш жисмоний ва маънавий турлар-дан бўлинади.

Оғир жисмоний жазолаш бола шах-сиятига тегади, унинг ғазабини кўзға-тади, катталардан нафратланадиган қи-либ қўяди. Айбдорлигини англаб етган тақдирда ҳам боланинг кайсарлиги ор-тади. Мактаб ва оилада жазолаш бола-га юксак талабчанлик б-н карашни на-зарда тутди. Мактабда, жазолаш мет-ларининг асосан, ўқувчиларни огох-лантириш, синфдан чиқариб юбориш, ўртоклари олдида уялтириш, ножўя хатти-ҳаракатидан ота-онасини хабар-дор қилиш, педагоглар кенгаши муҳо-камасига қўйиш, ҳайфсан бериш, хулқи-га қўйиладиган баҳони пасайтириш, бошқа синф ё мактабга кўчириш, ўзга чора қолмаган тақдирдагина маҳалла фаол-лари, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходим-лари б-н биргаликда чора кўриш каби маънавий турлари мавжуд. Ж. м. бола-нинг айби синчиклаб ўрганилгач, ҳеч кимнинг шахси ва ҳуқуқига ноўрин дахл қилинмаган ҳолда, ҳаққоний, ва албатта, тарбиявий таъсирни кўзда тутган ҳолда қўлланилади. Мактабгача таълим муас-сасаларида болани жамоадан, ўйиндан вақтинча четлатиш, ножўя хатти-ҳаракати учун танбеҳ бериш каби жазо турларидан фойдаланилади.

Оилада болага бериладиган жазо бола жисмига зарар келтирмаслиги, руҳиятига салбий таъсир кўрсатмаслиги, унинг шахсий туйғуларини ҳақорат қилмаслиги, ҳуқуқларини поймол этмас-лиги лозим. Бу борада кўпроқ маънавий йўналишдаги жазо турларини қўллашга эришиш мақсадга мувофиқ.

ЖАМОАВИЙЛИК (араб. – бирлаш-ма; уюшма; гуруҳ) – одамларнинг ўзаро

яқинлиги ва ҳамкорлиги асосида шаклланган ижт. бирлик. Ж. – одамларнинг ўзаро ҳамкорлик, ёрдамга асосланган ҳаёт тарзи бўлиб, индивидуализм, шахсий худбинлик, эгоцентризмнинг акси ҳисобланади. Таълим муассасаларида ўқувчилар, талабалар, педагоглар жамоаси мавжуд. Таълим муассасаларида пед. жараён субъектларининг ўзаро уюшиб, кўзланган мақсад сари интилишлари Ж. руҳи шаклланишининг асосий омилидир. Ж.нинг ёрқин кўриниши сифатида маҳалла деб аталмиш ижт. бирликни олиш мумкин. Маҳалла миллат ва халқ тараққиётини, аҳоли турмуш тарзининг туб моҳиятини, мазмунини белгилаб берувчи энг муҳим омиллардан бири бўлиб, тарихий шарт-шароитлар асосида шаклланган ва юксак маънавий кадрият сифатида қарор топган. Одамларнинг жамоа бўлиб яшаш тамойилларига кад. манбаларда, хусусан, «Авесто»да, шунингдек, Сукрот. Афлотун, Арасту каби Ғарб мутафаккирлари, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Бєруний, Ибн Сино, Баҳоуддин Накшбанд, Мирзо Улуғбек. Алишер Навоий ва б. Шарқ алломаларининг адабий ва илмий меросида алоҳида аҳамият берилган. Абу Наср Форобий ўз асарларида жамоа бўлиб яшашга мойиллик инсоннинг табиий эҳтиёжи эканлигини таъкидлаб, инсон турмуш тарзининг асосий мазмунини ташкил этишини уқтирган. У бу ҳақда қуйидаги фикр-мулоҳазаларни баён қилган: «Ҳар бир инсон ўз табиати б-н шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги стукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, у бир ўзи бундай нарса-

ларни қўлга киритолмайди, уларга эга бўлиш учун одамлар жамоасига эҳтиёж туғилади... Бундай жамоа аъзоларининг ф-яти бир бутун ҳолда, уларнинг ҳар бирига яшаш ва стукликка эришиш учун зарур бўлган нарсаларни стказиб бєради...»

Жамоа кишилар мақсад-манфаатларининг умумийлиги, ўзаро ҳамкорлик қилиш зарурати, меҳнат ва маиший-ҳаётий жабҳаларда ўзаро биргаликда ҳаракат қилиш асосида вужудга кєлади. Инсонларнинг ф-ят турларига мутаносиб тарзда меҳнат, таълим-т-я, маиший ҳаёт, бадий ижод, ҳарбий, жисмоний т-я, спорт, оила каби ижт. ин-тларда жамоалар вужудга кєлиши ва самарали амал қилиши мумкин. Жамоалар донимий ёки муваққат уюшмалар тарзида ф-ят кўрсатиб, мўлжалланган мақсад-манфаатлар ва кутилган маънавий-ахлоқий, таълимга оид кадриятларни яратиш орқали самара кєлтиради. Шунинг учун таълим муассасаларида ўқувчи ва талаба-ёшларни жамоа сифатида биргаликда, ўзаро ҳамкорлик асосида ф-ят кўрсатишга ўргатиш ўта муҳим пед. кадриятдир. Чунки Ж. тамойили асрлар мобайнида Шарқ халқларининг шаклланиши ва ривожланишида асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилган. Ўқувчи-ёшларни Ж. руҳида тарбиялаш уларни ж-ят ҳаётига осон мослаштириш имкониятини бєради. Шунинг учун уз-луксиз таълим муассасаларида ўқувчи ҳамда талабаларни жамоавий ҳамкорлик, ҳамжихатлик руҳида тарбиялаш алоҳида аҳамиятга эга.

ЖАМОАВИЙ БОШҚАРУВ ОРГАН-

ЛАРИ – таълим муассасаси, мувофиқлаштирувчи, илмий-пед. ва илмий-методик кенгашлар ҳамда ўқувчи-талабаларнинг конференцияси ва б. Таълим муассасаси кенгаши – жамоавий-дав. бошқаруви органи, илмий пед. кенгаш – проф. ўқитувчиларнинг ўз-ўзини бошқариш органи, мувофиқлаштирувчи ва илмий-методик кенгаш – ўқув-методик ишлар бўйича мавжуд муаммоларни ҳал этиш мақсадида ишларни ишлаб чиқувчи, юқори маънавлик проф. ўқитувчилар ва раҳбар ходимлар уюшмаси.

ЖАМОАВИЙ ТАРБИЯ – т-я жараёнида тарбияланувчиларнинг жамоа бўлиб бирлашишлари, уларда қизиқишлар, манфаатлар бирлиги, ўзаро ёрдам туйғусини ривожлантириш. Жамоавийлик туйғуси жамоа аъзоларининг қобилият ва истеъдодини ривожлантириш учун кенг йўл очади. Жамоада тарбияланувчиларнинг ҳар томонлама ривожланишлари учун кенг имконият мавжуд бўлади. Тарбияланувчилар аҳил жамоа бўлиб уюшганларидоғина тарбиявий ишларни амалга ошириш анча осон ва самарали кечади. Яхши уюшган жамоада жамоа фикри катта тарбиявий кучга эга. У жамоадаги ҳар бир ўқувчига муайян даражада таъсир кўрсатади. Ўз манфаатини ж-ят манфаати б-н қўшиб олиб бориш, ўзаро ёрдам каби фазилатлар, аввало, жамоада шаклланади. Ўқитувчи ҳамма вақт тарбияланувчилар жамоасига таяниши, уларни жамоа бўлиб турли ишларни бажаришга одатлантириб, жамоада яшаш ва ишлашга ўргатиши лозим.

ЖАМОАВИЙ ЎҚИТИШ ШАКЛИ – ўқувчиларнинг бир-бирини ўқитиш

шакли. Ҳар бир ўқувчи янги дарс мавзуси бўйича бир варақдан кам бўлмаган ҳажмдаги илмий матн ёки мақолани қайта сўзлаб бериши ва мавзунини ҳамма саволларга жавоб қайтара оладиган даражада ўрганиши топширилади. Ҳар бир ўқувчи навбатма-навбат бир неча ўқувчи б-н биттадан хатбоши, мисол, саволни ўзаро муҳокама қилиб, ўзлаштиради. Сўнгра мавзунини кичик гуруҳ ёки бутун синф олдида сўзлаб беради ёки ўқитувчининг саволларига жавоб қайтаради. Улар мавзунини ёзма баён қилиши ҳам мумкин. Бу усулни қўллаш жараёнида яққа ва гуруҳли таълим шакллари ҳам амалга оширилади.

ЖАМОАТЧИЛИК ТАШКИЛОТЛАРИ – ўқувчи-талабалар кенгаши, касаба уюшма қўмитаси, методик бирлашма, ота-оналар қўмитаси.

ЖАМОАТЧИЛИК ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИ – катта ёшдаги қўшнилари, яқин қариндошлар, маҳалла аъзолари томонидан амалга ошириладиган таълим-т-я жараёни. Бу жараёнда, асосан, маънавий-ахлоқий т-я амалга оширилади. «Бир болага етти қўшни ота-она», «Каттага хурматда, кичикка иззатда бўл» каби ўзбек халқ мақоллари Ж. т.-т.нинг моҳиятини яққол ифодалайди. Катта ёшдагилар ёши кичикларга ўз ҳаётий тажрибалари ва шахсий хулосалари асосида кундалик турмуш, ахлоқ-одоб, шахслараро мулоқот масалаларини ҳамда халқ донишмандлиги тажрибаларини ўзлари ўзлаштирган даражада ўргатадилар.

ЖАНАТАЕВА Жумагул (1953. 12. 3, Қорақалпоғистон Республикаси Кегейли тумани) – Ўзбекистон Республикаси

халқ ўқитувчиси (1995). Чимбой пед. билим юртини (1974), Нукус пед. ин-тини тугатган (1983). 1974 й.дан Қораўзақ туманидаги 7-мактабда бошланғич синф ўқитувчиси, 1976 й.дан шу тумандаги 10-мактабда она тили ва ад. фани ўқитувчиси сифатида ф-ят кўрсатган. У қорақалпоқ тили ва ад.и хонасини ташкил этиб, уни замонавий кўрғазмали ўқув қуроллари ва зарур техник воситалар б-н жиҳозлаган. Ж. ўзининг илғор пед. тажрибаларини туман ўқитувчилари орасида оммалаштиришга муваффақ бўлган.

ЖАСОРАТЛИЛИК (араб. – мардлик, жасурлик; шижоат соҳиби бўлмоқ) – инсоннинг ж-ят ва унинг аъзолари манфаатларини ҳимоя қилиш, муайян вазифани адо этишда фидойилиги, бутун куч ва имкониятларини тўла сафарбар этиши. Турли хавф-хатар, тўсиқларни қатъият б-н енгиб ўтадиган, қийинчиликлардан кўрқмайдиган кишилар жасоратли кишилардир. Ер юзидаги барча ўлмас обидалар, инсоният ҳаётини тубдан ўзгартириб юборган жамики улуғ кашфиёт ва ихтиролар, мумтоз ад. ва санъат дурдоналари, мардлик ва қаҳрамонлик намуналари одамзотнинг ақл-тафаккури, салоҳияти ва маънавий жасорати маҳсули ҳисобланади. Энг буюк жасорат – маънавий жасорат эканлигини аجدодларимиз асрлар давомида исботлаб келганлар. Инсон ҳаёти тинимсиз қураш, қийинчиликларни енгиб ўтиш, доимий жасорат кўрсатиш, азму шижоат б-н яшаш орқали маъно-мазмун касб этади. Табиий ва тарихий қонуниятларни, унинг тараққиёт босқичлари ва жараёнларини чуқур тушунадиган одамгина ўз ҳаётини

маънавий жасорат асосига қуришга қодир бўлади. Буни ўқувчи ҳамда талабалар онгига сингдириш узлуксиз таълим тизимининг асосий вазифаларидан бирига айланиши керак. Кундалик турмушда учрайдиган турли хавфли вазиятлар ва таҳдидларда ихтиёрий равишда эл-юрт манфаатлари учун ўз ҳаётини хавф остига қўйиб бўлса-да, фалокатларнинг олдини олиш ҳам жасорат тушунчасининг мазмунини ифодалайди. Жасорат нафақат уруш ва ғавқулда ҳолатларда, балки кундалик турмушда ҳам намоён бўлади. Жасорат моддий ёки маънавий манфаатдорлик эвазига амалга оширилмайди, балки ҳаётини, мақсади ва орзу-умидларини халқ ва ж-ят учун бағишлаб, уни амалга оширган инсон ф-ятининг натижасидир.

Ж. сифати бола шахсини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Ж. фазилатини тарбиялаш учун болада турли сабаблар б-н қутилмаганда вужудга келадиган, катталар учун тушунарсиз бўлган кўрқув ҳолатини бартараф этишни эҳтиёткорлик б-н ўргатиб бориш зарур. Кўрқувни бошидан кечирган боланинг ҳолатини тушуниш, кўрққанлиги учун уни жазоламаслик керак. Қийин вазиятларда боланинг ёнида бўлиш, уни кўрқувдан халос этиш, унга ёрдам бериш болада Ж.ни шакллантиришнинг асосий йўлидир. Ж.ни тарбиялашнинг энг яхши омили – ота-оналарнинг жасоратли бўлиши. Эртақ ва дostonлардаги қаҳрамонлар ҳам болаларни жасоратга ундовчи муҳим восита ҳисобланади.

ЖАСУРЛИК (араб. жасур – ғоят мард, кўрқмас) – ҳар қандай ф-ят жараёнида инсоннинг қийинчилик, тўсиқ ва хавф-

дан кўркмай, ўз мақсади сари ҳар қандай ҳаракат қилиши. Бу фази- ларни атрофдагиларда завқ уйғотиши б-н алоқадорда, ҳар қандай ф-ятни якуни- лашнинг асосий омили ҳамдир. Ж. бўлмаса, бошқа барча фа- зилларга деярли иш бермайди. Шунинг таълим муассасаларида турли во- сеитлар жумладан, халқ оғзаки ижоди- ялари, аждодларимиз тажрибаси, асарларнинг қаҳрамонлари тим- ларимизнинг илғор кишилари аркали ўқувчиларни Ж.ка ундаш аҳамиятга молик ҳисобланади.

ФАЗИЛАТПАРАСТЛИК (араб. + фор. фазилат тарафдори) – илмсиз, қолюқ, қўрқатмасиз; жаҳлга эрк берувчи, ўзини қилолмайдиган шахсга хос хусу- сийлиги. Ифодаловчи салбий ахлоқий сифат. Жоҳил одам – муайян масалани, масалани ҳал этишда фақат жисмоний қўрақ таянадиган, жаҳлига эрк бера- диган, ўзини идора қилолмайдиган, қўрақ тубан шахсдир. Ж. фозил- ларнинг аксидир. Бундай одамлар ҳар қандай юзаки нарсалар – мол-дунё, қўрақий лаззатлар, ҳирсу шаҳват, қўрақ эмал, шон-шуҳратни ҳақиқий қўрақ баровонлик деб ўйлайдилар ва ҳар қандай ҳар бири уларнинг назари- дан мақсад, бахт-саодат бўлиб қўрақибди. Бундай кишилар обрўпараст бўлиб, бир-бирини ўзаро мақташ, кўкка қўрақибди, яхши кўрақдилар, бошқалар қўрақлашларини истайдилар. Жоҳил қўрақансабиараст бўлиб, барча одам- ларга қўрақибди, ўзи эса ҳеч ким- га қўрақмасликни хоҳлайди, унинг қўрақибди-қўрақибди қўрақибди галабалар нашидасини

суришга қаратилган. Ж. ҳиссиётни жи- ловлай билмаслик оқибатида келиб чиқадиган хатти-ҳаракатда, бошқаларга нисбатан бешафқат ва ваҳшиёна муно- сабатда намоён бўлади. Жаҳл эса ин- соннинг ҳис-туйғуга берилиши натижа- сида юзага келадиган салбий хусусият сифатида ўзгаларга нисбатан муросаи- мадора қилишга тўсик бўлади. Жаҳлга берилиш бошқалар б-н келиша олмас- лик, зиддиятнинг келиб чиқишига са- баб бўлади. Инсон ҳаётида ақл ва жаҳл ёнма-ён туради. Ақл инсоннинг дўсти, жаҳл эса унинг ашаддий душманидир. Жаҳл инсон табиатининг енгиллиги- дан далолат беради. Енгил табиатли- лик, иродасизлик инсонда жаҳл учун замин яратади, жаҳл ғолиб келса, уни фалокатга элтади. Жаҳл шундай зарар- ли иллатки, у жоҳилнигина эмас, балки унинг атрофидаги кишилар умрини ҳам эговлайди. Жаҳлнинг энг ёмон томони шундаки, у нозик табиатли, пок инсонга ҳам, бадхулқ инсонга ҳам бир хил тарз- да йўналтирилиши мумкин. Жаҳлнинг тилдаги ифодаси инсондаги барча эзгу фазилатларни йўққа чиқаради, тилни тия билиш эса жамоатчилик олдида эзгу фазилатларни сақлаб қолиш демакдир. Жаҳл хатога йўл очиб беради, у яқин ки- шилар ўртасига нифоқ солади ва паро- кандаликка сабаб бўлади. Шу боис уз- луксиз таълим муассасаларида таълим олувчиларга Ж.нинг салбий оқибатлари ҳақида мунтазам тушунча бериб бориш, Ж.дан сақланишга кўмаклашиш, уларни ақл б-н иш кўришга ўргатиш талаб эти- лади.

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ – халқаро иқтисодий муносабатлар, халқаро ҳуқуқ, халқаро муносабатлар соҳасида мутахассислар тайёрлайдиган олий ўқув юрти ва йирик илмий марказ. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тасарруфида. Тошкент ш.да жойлашган. Таркибида халқаро иқтисодий муносабатлар, халқаро ҳуқуқ, халқаро муносабатлар ф-тлари, 25 каф., Тил маркази (жаҳон тиллари, француз тили, немис тили, ўзбек тили каф.лари б-н), «Маънавият ва маърифат» маркази, Бошқарув ин-ти; таҳрир ва нашриёт бўлими, «Бизнес олами» ва «Зиёкор» ўқув марказлари, «Интернет» клуби ва юридик клиника ф-ят юритади. Жаҳон иқтисодиёти, халқаро иқтисодий муносабатлар, халқаро ҳуқуқ соҳалари, сиёсий ва ижт. муаммолар, дипломатия ва б. ихтисосликлар бўйича мутахассислар тайёрлайди. Илмий кутубхона (300 минг асар) ва АРМ бор. Ун-тда олиб бориладиган ўқув жараёнига хорижий мамлакатлардан проф.лар, мамлакатимиздаги амалиётчи мутахассислар таклиф қилинади, таълим жараёнида замонавий комп. техн.сидан кенг фойдаланилади. Халқаро интернет тизимига уланган. Ун-тда БМТ, ЮНЕСКОнинг Тошкентдаги ваколатхонаси ходимлари, хорижий дав. арбоблари, дипломатлари, чет мамлакатларнинг Ўзбекистондаги элчихоналари вакиллари б-н учрашувлар ўтказилади.

Докторлик дисс.ларини ҳимоя қилиш бўйича ихтисослашган илмий кенгаш ф-ят юритади. Ун-тда докторантура, к. и. х.-изланувчилар ин-ти ф-ят

кўрсатмоқда. Ўқув қўлланмалар, даурлар, илмий ва услубий қўлланмалар чоп этилади, «Халқаро муносабатлар» жур.и нашр қилинади.

Япониянинг Цукуба ун-ти, Сингапурнинг Менежмент ун-ти, Франциянинг Париж-І Пантсон-Сорбонна ун-ти, Будапештнинг Корвинус ун-ти, Япониянинг Нихон ун-ти Иқтисодиёт коллежи Хитой ва Осиё тадқиқотлари маркази б-н ўзаро ҳамкорлик тўғрисида келишув шартномалар имзоланган.

Ун-т таркибидаги Халқаро бўлими Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган элчихоналар ва хорижий ваколатхоналар раҳбарлари, шунингдек, Ўзбекистонга келган машҳур олимлар ва дав. арбобларининг ун-тга ташрифини ташкил қилаштиради. Ун-тга ташриф буюрган юқори мартабали меҳмонларга «Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети фахрий доктори» унвонини бериш анъанага айланган.

Дипломатик курслар очилган (1992). Дипломатик курсларнинг асосий вазифаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ходимларининг назарий билимларини ва амалий малакаларини оширишдан иборат. Бундан ташқари бу ерда бошқарув ҳокимияти ва ҳуқуқ тартибот тизими вакиллари учун қисқ. муддатли махсус курслар мавжуд.

Машғулотлар ишлаб чиқаришдан қисман ажралган ҳолда 2 ойга мўлжалланган 342 соат ҳажмидаги ўқув режаси асосида олиб борилади. Дастур бўйича таълим тугаллангач, имтиҳонлар топширилади, тингловчиларга курсни тугатганлиги ҳақида сертификат берилади.

Дипломатик курслар ҳамда Россия Федерацияси Ташқи ишлар вазирлигининг Дипломатик Академияси, Москва дав. халқаро муносабатлар ин-ти, Миср Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг қошидаги Мустақил Давлатлар Ҳаммуомлашмасининг мамлакатларининг техника ва саноат бунёдкорлик бўйича Миср Фонди ўртасида ҳамда яқин ҳамкорлик муносабатлари таъминланган кўйилган.

ЖАХОН ТАРИХИ ДАВЛАТ ТАЪЛИМ СТАНДАРТИ – жаҳон тарихини бўйича таълим мазмуни ва ушбу таълимнинг предмети юзасидан ўқувчилар эгаллашган билим ҳамда кўникмаларга қўйилган талабларнинг дав. томонидан тасдиқланган эталони, модели.

КЕЖАНОВ Келдибой (1943. 10. 10, Шаҳрихон тумани) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1991). Фарғона пед. ин-тининг тарих-геогр. ф-тини тугатган (1968). Шаҳрихон туманидаги 22-мактабда ўқитувчи (1968–94), директор лавозимларида ишлаган (1994–дан). Ж. ўз пед. ф-ягида ўқувчиларни тан олимида олимпиадаларига пухта тайёрлаш ва уларнинг фан олимпиадаларида муваффақиятли иштирок этишини таъминлашга алоҳида аҳамият берган. Унинг бу борадаги тажрибалари туманида вил. миқёсида кенг оммалаштирилган.

ЖИЗЗАКИЛИК – салга аччиғи, жаҳли кавериш, гап кўтара олмаслик. Ж.нинг ёмон одатлардан бўлиб, инсоннинг атрофдаги одамлардан ажралиб қоллишига сабаб бўлади. Гап кўтара олмай қолган жаззаки одамларда мулоҳаза

юритиш, андиша каби сифатлар бўлмайди. Бундай одамлар «Кўрқоқ олдин мушт кўтарар» кабилида иш тутади. Масаланинг моҳиятини тушуниб етмасдан хулоса чиқаришга уриниш ҳоллари бундай одамларга доимо панд беради.

Жаҳлдор ва жаззаки одамларни ҳатто ўзининг туғишганлари, оила аъзолари ҳам ёқтиришмайди. Жамоадагилар ундан доим ўзларини олиб қочишга ҳаракат қилади. Ж., айниқса, раҳбар кишиларга хос хусусият эмас. Оилада ота-онанинг Ж.и оилада тарбияланаётган болаларнинг саломатлигига салбий таъсир кўрсатади, болалар ҳам шундай муносабатларга мослашиб қолади, уларда руҳий тажанглик иллати илдиз отади.

Ж. оилавий муносабатларнинг бузилишига, ижт. ҳаётда ж-ят аъзолари ўртасида турли низоларнинг келиб чиқишига таъсир кўрсатувчи салбий омиллардан биридир. Таълим муассасаларида ўқитувчининг Ж.и ёмон оқибатларга олиб келади. Бундай ўқитувчилар ўқувчилар кўз ўнгида ўз обрўларини йўқотади. Улар б-н ўқувчилар орасида турли зиддиятлар вужудга келади. Ўқитувчилар сабр-тоқатли бўлиши, шу йўл б-н ўқувчилардаги Ж.ни бартараф этиши зарур. Ж. инсон табиатида бора-бора ёвузлик, тажовузкорлик сингари ноинсоний хусусиятлар юзага келишига туртки бўлади ва ж-ятда содир бўладиган ғайриқонуний, ғайриинсоний ҳолатларнинг бевосита сабабчисига айланиб қолади. Жамоа орасида яққаланиш жаззаки кишиларнинг маънавий сифатлардан йироқлашишига олиб келади.

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ, Абдулла Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институти – педагог кадрлар тайёрлайдиган олий ўқув юрти. 1974 й. ташкил этилган. 1989 й. Абдулла Қодирий номи берилган. Ин-тда 9 ф-т (ўзбек тили ва адабиёти, тарих ва ҳуқуқ, пед., хорижий тиллар, физика, мат., кимё-биол., касб таълими, жисмоний тарбия, тасвирий санъат), шунингдек, малака ошириш ва касбга тайёраш ф-ти, 29 каф., ўқув ва амалий лаб., устахона, тажриба ишлаб чиқариш майдони, профилаторий ва спорт соғломлаштириш муассасалари бор (2015).

Ин-т қошида иқтидорли болалар гимназияси ва академик лицей мавжуд. Ин-т ўзбек тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти, инглиз тили, пед. ва бошланғич таълим услуги, кимё-экология, биол., мат.-информатика, физика-астрономия, касб таълими, тарих, ҳуқуқшунослик, мусиқа-пед., геогр., жисмоний тарбия, ҳуқуқ ва маънавият асослари, мактабгача таълим, тасвирий санъат, пед.-психология бўйича мутахассислар тайёрлайди. 2014/2015-ўқув йилида бакалавр босқичида 6786 талаба таълим олди, 416 проф.-ўқитувчи, жумладан, 14 фан д-ри ва проф., 112 фан номзоди ва доцент, 289 нафар катта ўқитувчи ишлади. 2002 й.гача ин-тда 6 мингдан зиёд мутахассис тайёрланди.

Ин-т ўқув биноларида зарур моддий-техник имкониятлар яратилган. Замонавий техника воситалари б-н жиҳозланган 31 та маъруза зали, 25 та комп. синфи мавжуд бўлиб, комп.лар

локал тармоққа уланган, ин-тда яратилган электрон таълим ресурслари мунтазам равишда интернетга жойлаштирилмоқда, улардан бевосита ўқув жараёнида фойдаланиш имконияти яратилган. Дарс жараёни бевосита кўрсатиб бориш мақсадида 8 та аудитория видеокүзатув тизими ўрнатилган. 50 аудитория замонавий видеопроекторлар билан жиҳозланган. Бундай имкониятлар таълим самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ – кимё технологияси, автомобиль ва автомобиль хўжалиги, биология ва иншоотлар қурилишлари, фермерлик хўжаликлари ва б. бўйича мутахассислар тайёрлайдиган олий ўқув юрти. 1989 й.да Тошкент политехника институти Жиззах бўлими ташкил этилиб, 1992 й.да Тошкент архитектура-қурилиш институти Жиззах бўлимига айлантирилган. 1992 й.да Тошкент кимё-технология институти Жиззах бўлими, Тошкент автомобиль транспорти ва йўллари институти Жиззах умумтехника ф-ти, Тошкент архитектура-қурилиш институти Жиззах бўлимлари бирлаштирилиб, Ж. п. ташкил этилган. Ин-тда автоматизация муҳандислик иқтисодиёти, саноат технологияси ва қурилиш ф-тлари мавжуд. Ин-тда 13 та йўналиш бўйича бакалаврлар, 4 та мутахассислик бўйича магистрлар тайёрланади. 2014/2015-ўқув йилида 2000 дан ортиқ талаба таълим олди; 18 та кафедра ва 4 та илмий лаб. бўлиб, унда 143 проф.-ўқитувчи, жумладан, 1 акад., 13 фан д-ри ва проф., 10 фан номзоди, 20 доцент ишлади. Ин-

кутубхонасида 67 мингдан зиёд асар сақланади.

Ўзбекистонда илк бор электрокимёвий ишлаб чиқариш тех.си ихтисослашган бўйича мутахассислар тайёрлаш ушбу ОЎЮда йўлга қўйилди. Ҳоз. кунга қадар республикамиздаги завод ва корхоналарга электрокимё бўйича малакали кадрлар тайёрлаб берилмоқда.

Ин-гда маънавий-маърифий, ўқув-услубий ишлар, ўқув жараёнига илғор метод. техн.ни жорий этиш, и. т. ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш ишлари, моддий-техник база ва молиявий ҳаволни яхшилаш, вил.даги мавжуд академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида услубий ёрдамлар кўрсатиш, педагог кадрларни шартнома асосида қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

ЖИДДУ ЖАҲД (араб. жид – «мақсадга эришиш учун кўнгилга янги ниятларнинг жо этиш» + жаҳд – «ниятга етиш учун қаттиқ ҳаракат қилиш») – бирор ишга бутун иродасини, жисмоний куч-қуввати, ақл ва тафаккурини йўналтирган ҳолда жон-дили б-н астойдил қиришишни талаб этувчи иродавий сифат даражаси. Ўрта асрнинг машҳур мутафаккир олими Ҳусайн Воиз Кошифий «Ахлоқи муҳсиний» асарининг 13-бобини «Жидду жаҳд баёнида» деб номлаган. Унинг таъкидлашича: «Одамнинг ҳиммати қанчалик улуғ бўлса, мақсадга етиш жидду жаҳди шунчалик кўп бўлади. Ҳиммати баланд киши жидду жаҳд қилишда машаққатлардан қўрқмайди». Ж. ж. муайян даражада филойиликни талаб қилади. Чунки катта

мақсадлар б-н амалга ошириладиган иш ҳамиша меҳнатсеварлик, машаққатдан қўрқмаслик, қийинчиликларни енгиш, қатор мушкулотларни ҳал қилиш, катта куч сарфлаш, муайян иқтидор, қобилият ва лаёқатни, энг муҳими, шу ишни амалга ошириш учун сабр-тоқат ва хоши-истакни тақозо этади. Инсон бирор ишга киришар экан, аввало, унга қурби етиши ёки етмаслигини чамалаб кўриши, ушбу ишни ҳал этишнинг ўзи, оиласи ва ж-ят учун фойдали жиҳатларини аниқ билиши, сўз ва иш бирлигига амал қилиши зарур. Ж. ж. кишидан ҳаракатчанлик, чаққонлик, ишчанлик, бурчга садоқат, ишбилармонлик, ғайрат ва ф-ятни, ши-жоатли бўлишни талаб этади. Ж. ж.да қалб хоҳиши, интилиш ва истаклар қанчалик муҳим бўлмасин, унинг амалий натижаси қилинган ишда кўринади. **ЖИНОЯТЧИЛИК** (араб. жиноят – айб, гуноҳ) – маънавий тамойиллар ва ахлоқий меъёрларга зид бўлган, ҳуқуқий талаблар, қонун-қоидалар, ахлоқий меъёрларни менсимаслик оқибатида, ўзгалар ҳақ-ҳуқуқларини бузиш натижасида содир этилган хатти-ҳаракат. Ж. кишиларнинг нопок мақсадларни амалга ошириш йўлидаги жиноий хатти-ҳаракатларини акс эттиради. Башарият тараққиёти давомида ж-ят ривожига ва равнақи учун хизмат қилувчи эзгу муддаоларни мақсад қилиб олганларга зид равишда, баъзан жиноий ҳаракатлар ҳам содир этилади. Бу ҳодисалар ж-ят тараққиётини таназзулга етаклайди. Шу боис кишилик тарихининг барча босқичларида жиноий ҳаракатлар қораланган ва унга қарши кураш олиб борилган. Ж.ка қарши ку-

рашда уни келтириб чиқарувчи сабаб ва майлларни аниқлаш ниҳоятда муҳим. Зеро, ҳеч бир жинсий ҳаракат тасодифан рўй бермайди. Ҳатто баъзан тасодифан рўй берган ва жиноят дея талқин этиладиган ҳодисалар ҳам, аслида, муайян ижт. асосларга эга бўлади. Шунинг учун Ж.нинг сабабларини аниқламасдан туриб, унга қарши курашиш кўзланган самарани бермайди. Агар жиноятга қарши кураш олиб борилмаса, бир жиноят иккинчисини келтириб чиқариши мумкин. Бу эса ж-ят ҳаётида Ж.нинг илдиз отишига олиб келади, натижада ж-ятнинг маънавий ҳаётига катта путур стказади. Ж. туфайли дав. ва ж-ятга катта моддий ва маънавий зарар этиши, кишиларнинг тинч-осойишта турмуши издан чиқиши, ҳаётда барқарорлик ўрнига беқарорлик ва тартибсизликлар рўй беришини талаба-ёшларга мунтазам тушунтириб бориш лозим. Ж. амалдаги ахлоқий, маънавий, ҳуқуқий тамойилларга ёт хатти-ҳаракатдир.

Ж. ж-ят учун ҳаракат ёки ҳаракатсизлик кўринишидаги хавфли ҳолат, ижт. тузум ҳамда мамлакатнинг сиёсий-иқтисодий барқарорлиги. фуқаролар мулки, ҳуқуқи ва эркинлиги, ҳуқуқ-тартиботга таҳдид солишидир. Ҳар қандай жиноят учун қонунда белгиланган тартибда жазо муқаррар бўлиб, бундай ҳаракатлардан сақланиш лозим. Шу боис педагоглардан мамлакатимизда қабул қилинган ҳамда умумэътироф этилган ҳуқуқий меъёрлардан хабардор бўлиш зарурлигини таълим олувчилар онгига синдириш талаб этилади.

ЖИНСИЙ ТАРБИЯ – жисмоний, эстетик ва ахлоқий нуқтаи назардан ёшлар-

ни тўғри жинсий ривожланишга йўллаш жараёни. Ж. т. – инсонда жинс, жинсий ҳаёт масаласига нисбатан маънан баркамоллик хислатларини, соғлом муносабатларни шакллантиришга йўналтирилган ижт.-маънавий, тиббий ва тарбиявий таъсирлар мажмуасидир. Ж. т.нинг вазифаси – улғаяётган авлодни ҳар томонлама маънавий етук инсон қилиб тарбиялаш, ўз жинсига оид хулқни тўла-тўқис ўзлаштириш ва кейинчалик инсоний вазифаларни тўлақонли ижро эта олиш малакасини шакллантириш, бўлажак никоҳ ва оилавий ҳаётнинг физиологик ва маънавий асосларини ўзлаштиришларига кўмаклашидир.

Ж. т. болаларнинг жинсий балоғатга этишидан анча аввал бошланади ва уни жинсий ҳаёт масаласига оид тарғиботдан фарқлаш лозим. Жинсий ҳаёт масаласи бўйича тарғибот ишлари болаларнинг ўсмирлик давридан, тахм. 8-синфдан бошланади ва бунда ўсмирлар б-н жинсий ҳаёт, жинс физиологияси, санитария-гигиенаси каби масалалар муҳокама қилинади. Ж. т. таълим-т-я жараёнининг асосий принципларига таянади. Ушбу жараён, авваламбор, таълим-т-я муассасаси олиб бораётган тарбиявий ишлар доирасида ва боланинг жинси, ёши ва б. жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда олиб борилиши лозим. Ж. т. самарадорлигини белгиловчи асосий шартлардан бири – ота-она, педагог-тарбиячилар ва тиббиёт ходимларининг ҳамкорликда амалга оширадиган ф-ятидир. Жинсий ҳаётга оид масалаларни муҳокама этиш қанчалик мураккаб, нозик бўлмасин, тиббиёт ходимлари, педагоглар, ота-оналар

болларни муҳокама қилишдан ўзларини қўқиб қочмасликлари ва ёшлар қизикқан ҳолда бир саволга тўғри ва оқилона жавоб бериш олишлари лозим. Ж. т.ни шартли ҳолда бир нечта босқичларга бўлиш мумкин. Болаларда оддий гигиеник талаблар ва саломатликка оид хулқ қўйишларини шакллантириш лозим. Болани чиниқтириш, тўғри овқатланиш ва таъминот саломатлигини таъминлашнинг ҳолда, боланинг жинсий жиҳатдан ҳаётим улғайишини кафолатлайди. Болани ўзаро ҳурмат ва муҳаббатга асосланган маънавий муҳитни яратиш ҳаётда муҳим. Кичик ёшдаги боланинг Ж. т.да уларнинг физиологик ва психологик хусусиятларини ҳисобга олиш лозим. Ж. т.ни тўғри йўналтириш, ўғил ва қиз бола ўртасида ўринли муносабатларни шакллантириш учун болада ўқитчанлик, ўзини тийиш, доимо ёрдамга меъёрлик каби маънавий фазилатларни шакллантириш зарур. Жинсий улғайиш давридаги Ж. т. ўта мураккаб бўлиб, бунда болага нисбатан эътиборли муносабатда бўлган ҳолда, бола организмидаги ўзгаришларни, унга хос шахсий сифатларни назарда тутиш талаб этилади. Шу жиҳатдан, болада ўзга жинс вакилларига нисбатан муносабат маданиятини шакллантириш педагоглар, психологлар, тиббиёт ходимлари ва ота-оналар олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Улар фақатгина гигиеник маслаҳатлар б-н чекланиб қолмасдан, балки бола организмида бўлиб ўтадиган ўзгаришлар ҳақида ёшларга кўпроқ маълумот бериб боришлари лозим. Ўсмирларнинг Ж. т.сига уларни ўраб турган муҳит, китоб-

лар, кино, телевидение ва интернет ҳам таъсир этади. Ушбу омилларни танлашда ота-оналар ва педагоглар турлича йўл тутаяди. Айрим ота-оналар болага ташқи омиллар таъсирини тақиқлаш йўлидан борса, бошқалари эса уларда оқилона танлов малакасини шакллантиришга интилади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам болалар ўзларини қизиқтирган маълумотга эга бўлади. Лекин энг асосий масала, ота-она ва фарзанд ўртасидаги ишонч муҳитини сақлаб қолиш ва зарур бўлган пайтда фарзанд ота-онасига мурожаат эта оладими ёки йўқми деган мураккаб саволга жавоб топа олишда. Ўсмирлик ёшида бола қалбида узоқ вақтгача салбий из қолдирувчи кўнгилсизликларнинг юзага келишига йўл қўймаслик лозим. Бундай кўнгилсизликлар инсоннинг нафақат ёшлиги, балки улғайган давридаги ҳаётида, бўлажак оилавий муносабатларида ҳам акс этган ҳолда унинг тақдирига бир умр ўз таъсирини ўтказаяди. Оиладаги ўғил болалар сингил ва опаларига бўлган муносабат орқали, умуман, аёлларга нисбатан муносабат меъёрларини ўзлаштиради. Отанинг қиз фарзандларга ва онага бўлган муносабати ўғил бола учун намуна ҳисобланади. Шунингдек, онанинг отага ҳурматга асосланган муносабати қизларнинг келажакда ўз турмуш ўртоғига нисбатан муносабатини шакллантиради. Айни пайтда, шундай муносабат орқали ўғил фарзанд ҳам оиладаги ўз ўрни ва ролини англаб боради ҳамда шунга мос равишда улғаяди. Айнан шу омиллар ота-онанинг оилавий ҳаётдаги ва бола Ж. т.сидаги масъулиятлари қанчалик юксаклигини белгилайди.

Ота-оналар, тиббиёт ходимлари, педагоглар, мураббийлар ўз ф-ятларини уйғунлаштириб, болаларнинг ёши, жинси, малакаси ва б.га мос равишда жинсий ҳамда ахлоқий т-яни бир-бирига боғлаб олиб бориши лозим. Мактабгача ёшдаги болалар ва кичик ёшдаги ўқувчилар б-н ишлашда шунга алоҳида эътибор бериш керакки, Ж. т. фақат жинсий ҳаёт асослари б-н таништириш, болаларга гигиеник малакаларни, эркаклар ва аёллар организмнинг тузилиши, унинг ривожланиш қонуниятларини сингдиришдангина иборат эмас. У ахлоқий т-янинг ажралмас қисми бўлиб, пед. ва махсус тиббиёт муаммолари б-н узвий боғлиқ. Ж. т.нинг мақсади ижт. ва маънавий тартиб-қоидаларни, инсоннинг ўзига хос рухий ҳамда физиологик хусусиятларини англашга ва шунга биноан ҳар икки жинсга мансуб одамлар ўртасида ўзаро оқилона муносабатларни ўрнатишга қодир инсон шахсини камол топтиришдир.

ЖИСМОНИЙ МАШҚЛАР – болаларнинг жисмоний ривожланиш даражасини ошириш учун махсус танланган ҳаракатлар ва жисмоний тарбия вазибаларини ҳал этиш воситаси. Мунтазам ва изчил бажариладиган Ж. м. жисмоний т-янинг асосини ташкил этади. Илмий асосда танланган Ж. м. барча ҳаракат аъзоларининг ф-ятини яхшилайди, ўқувчи-ёшларнинг ишчанлик қобилиятларини оширади. Жисмоний т-я амалиётида таркиб топган Ж. м. бадан т-я, енгил ва оғир атлетика, спорт ўйинлари, спорт туризми ва шу қабиларга ўқувчиларда ҳавас уйғотади.

Бадан т-я боланинг жисмоний жиҳатдан ҳар томонлама ўсиши ва саломатлигини мустаҳкамлаш, эпчил, чаққон, ҳаракатчан бўлишига ёрдам беради. Болани 2 ёшидан бошлаб эрталабки бадан т-яга ўргатиш керак. Эрталабки бадан т-я соғломлаштиришга йўналтирилган ва тарбиявий аҳамиятга эга. Бола эрталаб уйқудан сўнг унча мураккаб бўлмаган бадан т-я машқларини бажарса, у кун бўйи тетик бўлади. Бу машғулотлар барча аъзо ва тизимлар ф-ятини яхшилайди, керакли ҳаракат кўникмаларини ривожлантиради, мушакларни мустаҳкамлайди, қаддиқоматнинг чиройли бўлишига таъсир этади. Мактабгача ёшдаги болалар учун эрталабки бадан т-янинг давомийлиги 4–5 дақиқа бўлиб, нонуштадан олдин ўтказилади. Машғулотлар юриш ёки енгил югуриш б-н бошланади. Булар чуқур нафас олиш б-н боғлиқ ва организмни кейинги ишларга тайёрлайди. Ж. м. енгил спорт кийимида, совуқ пайтда шамоллатилган хонада, иссиқ кунлари эса очик ҳавода бажарилади. Агар жисмоний зўриқиш тўғри танланган бўлса, пульс 25–50 % га кўпаяди (тинч ҳолатда сониясига 60 марта урса, зўриққанда 90 марта уради), 3–5 дақиқадан сўнг дастлабки ҳолатга қайтади.

У. ў. т. мактаблари ёш авлодни жисмоний тарбиялашнинг асосий бўғинидир. Ўқув режимида жисмоний т-я дарсларида Ж. м. ва спорт ўйинлари б-н шуғулланиш организмнинг функционал имкониятларини, болаларнинг ақлий ва жисмоний иш қобилиятини оширади, ахлоқий-иродавий сифатларини

ни мустаҳкамлайди. Жисмоний т-я жараёнида аниқ мисоллар асосида айрим машқларнинг маърифий, тарбиявий ва гигиеник-тиббий аҳамиятини кўрсатиб беришга ҳаракат қилиш зарур. Тўғри бажарилган Ж. м. болаларнинг онги ва фаоллигини оширишнинг муҳим омилidir.

ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ – 1) умуминсоний маданиятнинг бир қисми, инсон саломатлигини мустаҳкамлаш, жисмоний қобилиятини ривожлантиришга қаратилган ижт. ф-ят соҳаси. Бу инсоннинг барча табиий ва ижт. қобилиятларини рўёбга чиқарувчи, уни тобора инсонийлаштириб, ҳам жисмонан, ҳам маънан чиниктириб, юксалтириб борувчи жараёндир. Жисмоний т-я – таълим олувчиларда ўз соғлиқларини сақлаш ва мустаҳкамлаш, организмни чиниктириш, унинг жисмоний жиҳатдан тўғри ривожланишини таъминлаш ҳамда ишлаш қобилиятини ошириш борасида ғамхўрлик қилиш кўникмаларини юзага келтириш, уларда янги ҳаракат усуллари ҳосил қилиш, махсус билимлар б-н қуроллантириш, таълим олувчиларнинг ёши, жинсига мувофиқ келадиган (куч, тезкорлик, чакконлик, сабот-матонат, чидам, иродани қарор топтириш) асосий ҳаракатларни ривожлантириш, уларда шахсий гигиенага нисбатан онгли муносабатни тарбиялашдир. Ж-ятдаги Ж. м. ҳолатининг асосий кўрсаткичлари одамларнинг соғломлиги ва жисмонан чиниққанлиги, Ж. м.нинг таълим-т-я соҳаси, ишлаб чиқариш, турмушда кай даражада татбиқ қилинаётганлиги, спортдаги ютуқлар ва ҳ.к.да намоён бўлади.

Ж. м. халқ ўйинлари, жисмоний машқлар, спорт ва туризмнинг фаол ҳаракат талаб қиладиган кўринишларини ўз ичига олади. Ж. м. тиббиёт, экология, пед., психология каби фанлар б-н боғлиқ ҳолда шаклланган ва ривожланган. У ж-ят тараққиёти, одамларнинг самарали меҳнат қилиши, ақлий имкониятларининг равноқ топиши, ахлоқий покланиш, келгуси насларнинг жисмоний камолотига тўғридан-тўғри таъсир ўтказди; 2) олий ўқув юртларидаги ўқув фанининг номи.

ЖИСМОНИЙ МЕХНАТ – бирор мақсад учун қаратилган жисмоний ф-ят. сарфланадиган куч, ғайрат, ҳаракат.

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ, бадан тарбия – соғлиқни мустаҳкамлашга, одам организмни уйғун равишда ривожлантиришга қаратилган умумий т-янинг узвий қисми; ж-ятдаги жисмоний маданиятнинг аҳволини билдирувчи кўрсаткичлардан бири. Асосий воситалари: жисмоний машқлар, организмни чиниктириш, меҳнат ва турмуш гигиенаси. Ж. т. ақлий, ахлоқий, меҳнат ва эстетик т-я б-н уйғун тарзда амалга оширилади. Ж. т. боланинг ақлан ҳамда жисмонан ўсишига ёрдам беради, унинг ахлоқий-иродавий хусусиятларини такомиллаштиради. Оила доирасида шаклланган таркибий қисмлари: кун тартибини тўғри ташкил қилиш, тўғри овқатланиш, маданий-гигиеник кўникмаларни ҳосил қилдириш, спорт б-н шуғулланиш, чиниктириш ва очик ҳавода сайр қилиш кабиларни ўз ичига олади. Болани аниқ белгиланган вақтда овқатланишга одатлантириш зарур.

Турли оилаларда болаларнинг ёши, турмуш шароити ва ота-оналарнинг меҳнатига қараб кун тартибини ташкил қилишда баъзи бир ўзига хос хусусиятлар бўлиши мумкин. Бироқ булар боланинг фаоллиги ва жисмоний жиҳатдан тўғри ривожланишига салбий таъсир кўрсатмаслиги керак. Бир ёшгача бўлган болалар б-н машгулотлар ўтказаетгандя, аввал суест (катталар ёрдамида), сўнгра оддий фаол ҳаракатлар, мас., бошни ўнг ва чапга буриш, эмаклаш, «чапак чалиш» каби оддий ўйинлар ва б.дан фойдаланиш мумкин.

Бола эрталабки гимнастика б-н қадям ташлаб юришни ўрганган заҳоти шуғулланиши керак. Энг кичик ёшдаги (1–2 яшар) болалар учун эрталабки гимнастиканинг тахминий мажмуаси 3–4 та машқдан иборат бўлади («коптoкни ердан олиш», «коптoкни юқорига кўтариш» ва ш. к.). 1 ёшдан 3 ёшгача бўлган болалар б-н ўтказиладиган машгулотларда мураккаб машқлардан (байроқча, таёқча, копток б-н) фойдаланиш мумкин. Бундай ёшдаги болаларни жисмоний тарбиялашда ҳаракатли ўйинларга кўпроқ эътибор бериш керак. 3 ёшдан бошлаб машқлар мураккаблашади, уларнинг сони 5–6 тагача кўпаяди.

Болалар эрталабки гимнастика б-н бир қаторда ҳар кун бошқа турдаги ҳаракатларни ҳам бажаришлари керак. Болалар 3 ёшдан бошлаб югуриш, баландликка сакраш, масофага, мўлжалга улоктириш, 5 ёшдан сузиш, бадминтон ўйнаш, 6 ёшдан стол тенниси ўйнаш, баскетбол ўйинидаги элементларни бажаришни ўрганадилар. Мактабгача ёш-

даги болаларга асаб тизимини чарчатиш, нафас олиш ва қон айланишини бузишга олиб келувчи статик (турғун) ҳолатидаги жисмоний машқлар, куч ишлатиладиган машқларни бажариш ман этилади. Катта ёшдаги болаларга спорт секцияларида шуғулланиш тавсия қилинади.

Ўзбекистонда умумтаълим мактабларидаги Ж. т. пед. жараён ҳисобланиб, дарслар спорт секцияларидаги машгулотлар орқали амалга оширилади. «Умумий ўрта таълим мактаблари учун жисмоний тарбиядан дав. таълим стандарти» бўйича 1–9-синфларда ҳафтасига 2 соатдан Ж. т. дарслари жорий этилган. Ўқувчи-ёшлар ўртасида Ж. т.ни янада оммалаштириш ва уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида 1999 й.да махсус тест синовлари ишлаб чиқилган. Мазкур тестларни муваффақиятли топширганлар учун 3-даражали «Алпомиш» ва «Барчиной» нишонлари таъсис этилган.

Ўзбекистонда Ж. т. ва спорт бўйича кенг тармоқли, уч босқичли узлуксиз таълим тизимига асос солинган. Мазкур тизимнинг таркибий қисмлари сифатида мактаб ўқувчилари учун «Умид ниҳоллари», ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида таҳсил олувчилар учун «Баркамол авлод» спорт ўйинлари, ОўЮ талабалари учун эса «Универсиада» спорт мусобақалари ташкил этилади. Ўзига хос кичик олимпиада мақомига эга бўлган спорт мусобақалари баркамол авлодни шакллантиришда муҳим ижт. пед. восита сифатида хизмат қилади.

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ДАВЛАТ ТАЪЛИМ СТАНДАРТИ – жисмоний т-я фани бўйича таълим мазмуни ва ушбу

Ўқув предмети юзасидан ўқувчилар эгаллайдиган билим, кўникма, малакаларга кўйилган талабларнинг дав. томонидан тасдиқланган эталони, модели.

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ЎҚУВ ФАНИ

– ўқувчи саломатлигини мустаҳкамлаш, жисмоний қобилиятини ривожлантиришга қаратилган ўқув предмети.

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

– 1) жисмоний т-я таълими назарияси ҳамда мет.си бўйича талабаларда муайян билим, кўникма, малакалар ҳосил қилишга йўналтирилган ўқув фани; 2) хусусий пед.нинг асосий соҳаси.

ЖОМИЙ [тахаллуси: асл исми Абдурахмон Нуриддин ибн Аҳмад (1414. 7. 11, Жом – 1492. 8. 11, Ҳирот)] – форс-тожик шоири, нақшбандийлик тариқатининг йирик вакили. Ж.нинг отабоболари асли Даштдан бўлиб, Жомда, кейинчалик Ҳиротда ҳаёт кечиришган. Ж. мадраса ёшидан анча эрта Ҳиротдаги «Дилкаш» (Навоий маълумотига кўра, «Низомия») мадрасасига кириб, ўз даврининг таниқли тил, ад. олимлари ва мударрислари қўлида таҳсил олган. Шу даврдасқ у араб тилини мукамал ўргана бошлаган. Кейинроқ Ж. ўз билимини ошириш учун Самарқандга келган ва Улуғбек мадрасасида буюк фалакиётшунос Қозизода Румий, Али Қушчи, фиксшунос Фазлуллоҳ Абуллайс ва б.дан таълим олган. Бу йилларда у риёзиёт, фалакиёт, фал., ҳуқуқшунослик фанлари, дин асослари, ҳадис ва тафсир илмларини чуқур ўрганган, олимларнинг турли мавзулардаги мунозара ва мубоҳасаларида қатнашиб, етук олим-

лиги б-н танила бошлаган. Ж. Ҳиротга қайтгач, тасаввуф йўлига киришни, ўз билим ва ф-ятини шу йўл, қолаверса, ижод, илм-фанга бағишлашни афзал кўради. У ўзига пир қилиб Шайх Саъдиддин Кошғарий (вафоти 1456)ни танлайди (Саъдиддин Кошғарий тасаввуфда Муҳаммад Нақшбанд сулукига мансуб эди). Ж. машҳур суфийлар б-н яқиндан мулоқотда бўлади. Муҳйиддин ибн Арабийнинг асарларини чуқур мутолаа қилади. Ўзининг мутасаввиflik ф-ятида Баҳоуддин Нақшбанд ғояларини шу сулукнинг иккинчи бир йирик намояндаси – Хожа Аҳрор б-н яқин муносабатда бўлган ҳолда янада ривожлантирди.

Ж.нинг таълимий-ахлоқий қарашлари Саъдийнинг «Гулистон» асари услубида ёзилган «Баҳористон» асари ва «Ҳафт авранг»га кирган «Тухфат ул-аҳрор» ҳамда «Силсилат уз-заҳаб» («Олтин занжирлар») ва б. дostonларида ифодаланган. Бу дostonлар (хусусан, «Баҳористон»)да Ж. ҳақиқий камолотга эришган инсон ҳақидаги қарашларини баён этади.

Ж. ҳам Саъдий ва б. алломалар каби инсон камолотининг биринчи мезонининг билимлилиги дoб таъкидлайди. «Ҳафт авранг»нинг биринчи дostonи «Тухфат ул-аҳрор» ҳам тасаввуф нуқтаи назаридан ёзилган таълимий асардир. У 20 бoбдан иборат бўлиб, ҳар бир бoбда маълум бир ахлоқий қoида илгари сурилиб, шу қoидани ифoдаловчи масал ҳам келтирилади. Ушбу дostonда Ж. инсон ҳаётида илмнинг аҳамиятини, у инсоннинг ҳар қандай муаммоларини ҳал этишга кўмаклашишини айтади.

Ж. машҳур «Силсилат уз-заҳаб» достонида эса «Севимли, азиз фарзандга насихат» бобида, энг аввало, ҳар бир ёш билим олиши зарурлиги, чунки инсон умри жуда қисқа бўлиб, бу умрни беҳуда ўтказиш керак эмаслигини таъкидлайди, аммо билим олгандан сўнг унга амал қилиш лозимлигини ва амалиётсиз илм ҳам беҳуда эканлигини уқтиради.

Аллома илмнинг аҳамияти ҳақида гапирар экан, китобнинг ҳар бир ёшнинг билим олишдаги ўрнига, унинг хислатларига алоҳида тўхтаб ўтади. У билимни ёшлиқдан эгаллаш лозимлигини таъкидлайди, жоҳилликни қаттиқ қоралаб, доно б-н нодонни бир-бирига қарама-қарши қўяди.

«Баҳористон» асарида фойдали илм эгаллаш зарурлигини уқтиради. Ж. илмли ва нодон кишиларни ўзаро қисслаб, нодон шахсларнинг саводсизлигини энгил қулги остига олади. Маълумки, барча алломаларнинг таълимий-ахлоқий асарларида бўлганидек, Ж.нинг ижодида билим олиш б-н бирга касб-ҳунар эгаси бўлиш ҳам инсон камолотининг муҳим мезони сифатида талқин этилади.

Ж. билимсиз, ҳунарсиз кишини ўтиндан бошқага ярамайдиган мевасиз дарахтга ўхшатади. У ҳар бир ёшни ота обрўси, шон-шухратидан мағрурланмай, ўз йўлини танлашга, илму ҳунар ўрганишга ундайди. Шунингдек, ҳунар ўрганиш ҳар бир киши учун, у ёшми, кексами, шоҳми, фуқароми, барчага баробар, деб таъкидлайди. Ж. инсон учун илму ҳунарнинг қай даражада зарурлигини тўғри талқин этган. Аллома илм ва ҳунарни эъзозлайдиган ҳукмдор ҳам

ўз элининг эъзозиди бўлишини, бундай ўлка гуллаб-яшнашини уқтиради. Шунингдек, Ж. меҳнатсеварликни улуглайди.

Ж. инсон камолотида мусиқанинг ҳам ўз ўрни борлигини алоҳида эътироф этади. Аллома «Мусиқа ҳақида рисола» асарида ўз ўтмишдошларининг мусиқий т-я ҳақидаги қарашларини ривожлантиради. Шунингдек, у ўз асарларида т-я масалаларига катта эътибор беради. Ж. т-я ҳақида фикр юритар экан, ҳар бир нарсани парвариш этса, ундан яхши натижа чиқишини, инсонга ҳам яхши т-я берса, у баркамол бўлишини алоҳида таъкидлайди. «Силсилат уз-заҳаб» достонининг «Тарбиянинг аҳамияти ҳақида»ги бобида Ж. бу борада ўз фикрларини баён этган.

Умуман, унинг барча асарларида комил инсонга хос ахлоқий хислатлар ўз ифодасини топган. Мас., яхшилик, саҳийлик, ширинсуханлик, камтарлик, сабр-каноат, дўстлик, ростгўйлик, меҳнатсеварлик кабиларни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратган. Саховат ва карамни энг улуг инсоний хислатлардан дея таъриф этган. «Баҳористон» асарида у: «Саховат бирор нарса умидида ёки эвазига бирор нарса талаби б-н қилинса, ҳатто талаб этилган нарса мақтов ва миннатдорчилик бўлгани тақдирда ҳам, у саховат эмас», дейди.

Ж. инсоний фазилатлардан саналган камтарлик, ҳалоллик, ширинсуханлик, софдилликни тарғиб этар экан, кибру ҳаво, разолат, жоҳиллик каби иллатларни қоралайди.

Ж.нинг ситти дostonдан иборат «Ҳафт авранг» («Етти тахт»), «Тухфат ул-

аҳрор» («Эркинлар тухфаси»), «Сабҳат ул-аброр» («Яхшилар тасбиҳи»), «Хирадномаи Искандар» достони, «Силсилат уз-заҳаб» («Олтин занжирлар») асарларида унинг инсон т-ясига оид пед. қарашлари ўз аксини топган.

ЖОНБОЗЛИК (фор. – жонини хатарга қўйиш: жон фидо қилиш) – бирор ишда астойдил ғайрат кўрсатиш, мардлик, қаҳрамонлик, фидокорлик. Мазкур сифатни таълим-т-я жараёнида аниқ мисоллар ёрдамида ўқувчи-ёшлар онгига етказиш ва уларда ушбу сифатни шакллантириш ахлокий ва пед. жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга.

ЖОНЛИ МУШОҲАДА – ҳиссийлик, ҳиссий билиш. Инсоннинг билиш қобилиятларидан биридир. Билиш жараёни Ж. м. (ҳиссий билиш)дан мавҳум тафаккурга, ундан эса амалиётга ўтиши билан характерланади. Ж. м. деганда сезги, идрок, тасаввур қабиларни, яъни сезги аъзолари орқали ташқи оламнинг инсон миёсига таъсири натижасида пайдо бўладиган инъикос тушунилади.

Гарчи инсон доимо тасаввурлар ва умумий тушунчалар б-н иш кўрс-да, билимнинг дастлабки натижаси фикр ҳисобланади. Фикр нарсалар, уларнинг хоссалари ва ўзаро муносабатларини ҳодисалар даражасида акс эттиради, вазият ва нарсаларни уларнинг бирлигида ва аниқлигида қамраб олади. Воқеликни унинг ранг-баранглигида ва ташқи алоқадорликлари б-н бирга акс эттириш билишнинг «жонли мушоҳада» деб аташ мумкин бўлган босқичига хос.

Ж. м.дан объектларнинг ички моҳиятига томон мавҳум тафаккурнинг

мураккаб йўли бошланади. Бу муайян моҳиятнинг бир томонини билишдан бошқасига томон, уни узук-юлуқ тасвирлашдан бир бутун ифодалашга, саёз моҳиятдан чуқурроқ моҳиятга томон борадиган йўлдир. Бу энди жонсиз ҳиссий аниқлик эмас, балки реал мавҳумликдир. Унинг томонлари фақат охири босқичда тафаккур ёрдамида ягона бир бутунликка, аниқ фикрий ҳолатга бирлашади.

Воқеликни мавҳум-фикрий билишнинг икки жиҳати мавжуд: а) мулоҳазавий; б) ақлий. Шунга мувофиқ равишда инсон қобилиятлари мулоҳаза ва ақлга бўлинади. Бундай бўлиниш маълум асосга эга. Бу ҳақида машҳур файласуф И. Кант шундай деган: «Бизнинг барча билимимиз ҳиссиёт (сезги)лардан бошланади, кейин мулоҳаза юритишга ўтиб, ақл б-н тугайди». Таълим жараёнида ўқувчиларнинг билиш ф-ятларини ташкил этиш ва лойиҳалашда педагоглар худди мана шу фикрдан самарали фойдаланишлари керак. Шундагина ўқувчиларнинг билиш ф-ятларини тизимли ривожлантириш имконияти вуҷудга келади.

ЖОН Локк (1632. 29. 08, Рингтон – 1704. 28. 10, Отс) – инглиз педагоги ва файласуфи. У кўҳна Вестминстр мактабида схоластик ўрта маълумот олган, Оксфорд ун-тида ўқиган. Декарт, Бекон, Ньютон сингари йирик олимларнинг асарларини мутолаа қилган, тиббиёт б-н жиддий шуғулланган. Ж. пед. фанига ҳам салмоқли ҳисса қўшган. У ўз пед. қарашларини «Инсон ақл-идроки борасидаги тажриба» (1690), «Тарбия

тўғрисида фикрлар» (1693) каби асарларида баён қилган. Ж.нинг таъбирича, инсоннинг камолотга стишида т-янинг ўрни бекиёс. У ўзининг «Тарбия ҳақида баъзи фикрлар» асарида ташки муҳитнинг инсон камолотига кўрсатадиган таъсирини асослаб берган. Ж. диний бағрикенглик т-яси ҳақида ҳам қимматли фикрларни илгари сурган. У – ассоциатив психологиянинг асосчиси. Ж.нинг пед. ва психологик қарашлари инсон ақлий камолотини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Ж. билиш назариясининг тадқиқотчиларидан биридир. Унинг таъбирича, инсонда «туғма ғоя»лар бўлмайди. У инсоннинг атроф-муҳитни билиши натижасида пайдо бўлади. Ж. ўз асарларида т-янинг турларини кўрсатиб ўтган. Унинг фикрига кўра, назокатли шахс ўзида жисмоний, ақлий, диний, ахлоқий, меҳнат т-яси натижасида ҳосил бўладиган бир қатор шахсий сифатларни мужассамлаштириши керак.

Ж. дидактик тамойилларга ҳам тўхталган. Ўқитишнинг асосий тамойиллари ўқувчиларнинг қизиқишларига таянган ҳолда танланади. Таълим-т-янинг асосий воситаси сифатида ибрат кўрсатишни ва теварак-муҳитни эътироф этади. У барқарор одатлар ўқувчиларда эркаловчи ширин сўзлар ҳамда қисқа таъсир кўрсатиш йўли б-н тарбияланади, деб ҳисоблайди. Жисмоний жазо фақат мунтазам равишда итоат этмайдиган болаларга нисбатан айрим ҳоллардагина қўлланилиши мумкин, деган ғояни илгари суради.

ЖОНИҚУЛОВА Сайёра (1951, Қўшрабат тумани) – Ўзбекистон Республи-

каси халқ ўқитувчиси (1995). Самарқанд ун-тини тугатган (1973). Қўшрабат туманидаги 82-мактабда (1973–87), 49-мактабда она тили ва ад. ўқитувчиси бўлиб ишлаган (1987 й.дан). Ж. дарс жараёнида кўргазмалли ўқув қуроллари, техника воситалари, илғор пед. техн.лардан унумли фойдаланган. У ўз тажрибаларини вил. ва туман миқёсида оммалаштирган.

ЖОРИЙ НАЗОРАТ – ўрганилаётган мавзуларни ўқувчи ва талабалар томонидан қандай ўзлаштирилганлигини дарс жарёнида мунтазам равишда назорат қилишдан иборат пед. ф-ят усули. Ж. н. синф ва аудитория машғулотлари давомида мустақил бажарилган топшириқларни текшириш, тестлаштириш, коллоквиум, семинар, сўровлар орқали амалга оширилади. Назоратнинг даврийлигини ўқитувчи белгилайди. Ж. н.га қўйилган мазкур вазифа, билимни назорат қилиш босқичлари ичида шакллантирувчи эканлиги б-н ажралиб туради, фаол ўқитишга рағбатлантиришни таъминлайди, шу б-н бир қаторда яқуний назорат асосини қайд этиб, баҳолаш харақтерига эга бўлади.

ЖУЛБОЕВА Зулпин (1951. 29. 3, Шеробод тумани) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Термиз пед. билим юртини (1969) ва Термиз пед. ин-тини тугатган (1984). Термиз туманидаги 42-, Шеробод туманидаги 12-, Қизирик туманидаги 1-мактабларда (1969–83), 2-мактабда бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб ишлаган (1983 й.дан). Ж. синф б-н ишлашдан ташқари ҳар бир ўқувчи б-н алоҳида ишлашга катта эътибор берган. Дарсларни ҳоз. давр талабалари асосида

ташқил этган. Унинг тажрибалари вил. ва туман миқёсида оммалаштирилган.

ЖУМАЕВ Тўхтамурод Муртазосвич (1945. 15. 8, Олот тумани) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Бухоро пед. ин-тини тугатган (1967). Олот туманидаги 3-, Қоракўл туманидаги 8-мактабда мат. ўқитувчиси, мактаб директорининг ўринбосари (1963–90), 164-ихтисослаштирилган лицей (1990–99), 1-ихтисослаштирилган иктидорли болалар интернат мактаби директори бўлиб ишлаган (1999 й.дан). Ж. ўқув-г-я ишларини такомиллаштириб бориб, дарс сифатини яхшилашга эришди. Таълим беришда замонавий ўқув куроллари ва комп.лар асосида янги пед. техн.ни қўлади. Ж. мат. бўйича бир неча дидактик кўлланмалар муаллифи. Унинг кўплаб шогирдлари жаҳон олимпиадаларининг ғолиби ҳисобланади. Ж.нинг тажрибалари вил. ва республика миқёсида кенг оммалаштирилган.

ЖУМАНИЁЗОВ Шомурот Алломович (1941, Шовот тумани) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Хоразм пед. ин-тининг физика-мат. ф-тини тугатган (1964). Шовот туманидаги мактабларда физика-мат. ўқитувчиси, интернат мактаб директорининг ўринбосари (1963–88), 27-мактабда илмий бўлим мудири бўлиб ишлаган (1988–99). У ўз иш ф-ятида дарс беришнинг ноанъанавий усуллари, янги пед. техн., кўргазмалар ўқув куроллари, техника воситаларидан унумли фойдаланган. Ж.нинг тажрибалари туман ва вил. миқёсида кенг оммалаштирилган.

«ЖУМБОҚ КЎЧАСИ» МЕТОДИ – гуруҳлар эътиборига ҳуқуқий мазмундаги ребус ёки кроссворд (бошқотирмалар)-ларни счиш вазифаси ёки жадвал мазмунини ёритиш топшириладиган дидактик ўйин тури. Ўқувчилар ҳукмига савол ва топшириқлар ҳавола қилинади. Мазкур савол ва топшириқлар таълим олувчилар олдига муаммоларни қўйиш орқали уларни ўйлаш, фикрлашга ундаши лозим.

ЖУНУСБЕКОВ Элмурот (1940. 2. 3, Томди тумани) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1997). Бухоро пед. ин-тининг бошланғич таълим мет. си ф-тини тугатган (1967). Томди туманидаги 13-мактабда ўқитувчи (1960–67), 16-мактаб директори бўлиб ишлаган (1967 й.дан). Ж. халқтаълими соҳасидаги янгиликларни мактаб ҳаётига жорий этган. Унинг тажрибалари вил. ва туман миқёсида кенг оммалаштирилган.

ЖУФТЛИКЛАРДА ИШЛАШ – дарс жараёнида ўқувчиларни билим даражаси, фаоллиги ҳамда темпераментига кўра танлаш ҳамда берилган топшириқни жуфт-жуфт бўлиб бажаришларини таъминлаш.

Ривожлантирувчи таълимнинг мақсадларидан бири ҳар бир ўқувчини ўз шахсий ҳаётининг субъекти сифатида шакллантириб, уларнинг ўз олдларига аниқ мақсад қўя олиш салоҳиятини ривожлантиришдан иборат. Ж. и. мет.ини 1-синф ўқувчиларидан бошлаб қўллаш керак. Таълим сифатини оширишда Ж. и. мет.и муҳим ўрин эгаллайди.

Дастлабки жуфтлик ўқитувчи-ўқувчи жуфтлиги бўлиши мақсадга мувофиқ.

Шу аснода синфдаги бошка ўқувчилар ҳам Ж. и. тажрибасини ўзлаштирадilar.

Ж. и. жараёнида ўқувчилар ўзаро мулоқотга киришадilar. Бу жараёнда уларга мулоқотга киришиш, партада ўтириш, суҳбатдошига қараш, паст овозда сўзлашиш, шеригига исмини айтиб мурожаат этиш, ўзаро келишиш, рад қилиш, кўмаклашиш, ёрдам сўраш коидалари ўргатилади. Ж. и. жараёнида жавобларни диққат б-н тинглаш, эҳтиёткорлик б-н тўғрилаш ва тўлдириш, ҳаққоний баҳолаш талаб этилади.

Ўқитувчининг жуфтликни тўғри шакллантириши жуда муҳимдир. Жуфтликлар ўқувчиларнинг билим даражалари, фаолликлари ва темпераментларига кўра танланади. Ж. и. мет.и яхши самара бериши учун ўқитувчи ўқувчиларнинг ўзаро муносабатларини ҳам синчиклаб ўрганиши лозим.

ЖЎРАЕВА Гулсум Темировна (1954. 24. 6, Вобкент тумани) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Бухоро пед. ин-тини тугатган (1975). Вобкент туманидаги 8-мактабда ўзбек тили ва ад.и ўқитувчиси бўлиб ишлаган (1975 й.дан). Ж. таълим-т-я жараёнида янги пед. техн.дан фойдаланган. Мактабда ўзбек тили ва ад.и бўйича синфдан ташқари ишларни ташкил этиб, ўқувчиларнинг ёзма ва оғзаки нутқини ривожлантириш, ўзбек халқининг бой адабий меросини ўргатиш ва шу орқали уларнинг маънавиятини шакллантиришга катта эътибор берган. Унинг тажрибалари вил. ва туман миқёсида оммалаштирилган.

ЖЎРАЕВ Менгниёр Сатторович (1942. 15. 1, Жарқўргон тумани) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Самарқанд ун-тини тугатган (1966). Жарқўргон туманидаги 47-мактабда биол. ўқитувчиси (1966–67), Кумқўргон туманидаги 13-мактабда директор ўринбосари (1967–2000), кимё-биол. ўқитувчиси бўлиб ишлаган (2000 й.дан). Ж. дарсларни замонавий талаблар асосида ташкил этган, таълим жараёнида янги пед. техн.ни қўллаган, кўргазмали қуроллар ва ўқув техника воситаларидан унумли фойдаланган.

ЖЎРАЕВ Нурали (1941. 10. 7, Балиқчи тумани) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1990). Наманган пед. ин-тининг мат. ф-тини тугатган (1966). Балиқчи туманидаги 1-мактабда, сўнгра 14-мактабда мат. ўқитувчиси бўлиб ишлаган (1966–98). Ж. дарсларни қизиқарли тарзда ташкил этиб, машғулотларда кўргазмали қуроллар ва техника воситаларидан унумли фойдаланган; мактабда замонавий мат. кабинетини ташкил этган. Ж. – юқори синф ўқувчиларини фан йўналишлари бўйича ўқитиш ташаббускори. Унинг тажрибалари туман ва вил. миқёсида кенг оммалаштирилган.

ЖЎРАЕВ Раҳмат (1941. 20. 2, Марҳамат тумани) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Андижон пед. ин-тининг бошланғич таълим мет.си ф-тини тугатган (1975). Меҳнат ф-ятини 1961 й.дан бошлаган. Марҳамат туманидаги 4-мактабда (1964–71), 6-мактабда бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб ишлаган (1971 й.дан). Ж. ҳар бир дарсга

шкoдий ёндашган ҳoлда иш жараёнида юзлаб кўргазмaли ўқув қурoллaрини тайёрлаб, ўз ф-ятида самарaли фойдаланган.

ЖЎРАЕВ Рисбой Ҳайдарович (1946. 25. 01. Сирдарё вил.) – пед. фанлари д-ри (1995), проф. (1998). Ж. Тошкент политехника ин-тини тамoмлаган (1968). Тошкент политехника ин-ти гидравлика ва гидромашиналар каф.си ассистенти, аспиранти (1968–75), марказий қўмита фан ва ўқув юртлари бўлими инструктори (1975–77), Республика касб-ҳунар ва техника таълими дав. қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари (1977–87), қўмита раиси (1987–88), Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг ўринбосари (1988–89), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

маданият, халқ таълими ва соғлиқни сақлаш бўлими мудири (1989–92), Гулистон ун-ти ректори (1992–98), Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази раҳбари (1998–2000), Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири (2000–04), ЎзПФИТИ директори (2004–09) лавозимларида ф-ят олиб борган. 2009 й.дан «Узлуксиз таълим» журининг бош муҳаррири.

Ж.нинг 300 дан ортиқ илмий мақолалари, монография ва қўлланмалари халқаро ва республика миқёсидаги илмий жур.ларда чоп этилган, уларда келтирилган таклифлар ва илғор тажрибалар амалиётга жорий қилиниб, кенг оммалаштирилган.

ЗАБУР – диний манбаларга кўра, Довуд (а. с.)га нозил бўлган илоҳий китоб. Библия таркибидаги «Қадимги аҳд»нинг бўлими. Юнон тилида «psalom» («псалом»), «psalterion» («псалтирь»), қад. яҳудий тилида «тахалим» деб аталган «Ҳазрати Довуднинг санолар китоби» номи б-н машҳур бўлган диний-мусиқий оятлар мажмуи. Мил. ав. 1500–500 й.ларга тегишли 3. санолари, асосан, Худога бағишланган мадҳиялар, дуолар, шукрона, илтижо, нола-фигон, душманлардан шикоят ва ҳ.к.дан иборат. Уларга кўра, Худо ҳамма нарсани кўриб-билиб, инсон қалбини доим синаб, имтиҳон этиб турувчи зотдир. Айрим саноларда Исо (а. с.)нинг дунёга келиши, азоб чекиб, жон таслим этиши, сўнг тирилиб, ер юзиде абадий ҳукмронлик ўрнатиши башорат этилган (мас., 2-, 21-, 44-, 71-, 109-санолар). 3.нинг баъзи оятлари Инжилга айнан кўчирилган, Исо (а. с.) мазкур оятлар асосида панд-насихатлар қилган. Куръони каримнинг «Сод» сураси 18–20-оятларида Довуд (а. с.) санолари тилга олинади. 3.нинг асл нусхаси ажойиб шърийат намунаси сифатида Европа халқлари маданияти ва санъатига, оғзаки ижодига баракали таъсир кўрсатган. 3.нинг ўзбек тилидаги тўлиқ матни Библияни таржима қилиш ин-ти (Стокгольм) томонидан 1992 й.да Инжил, Таврот (Ибтидо) 3. китоби таркибида чоп қилинган (таржимон Юсуф Гулқаров).

«ЗАКОВАТ ПЛЮС» МЕТОДИ – таҳсил олувчиларда тезкор фикрлаш кўникмаларини шакллантириш, шунингдек, уларнинг тафаккур даражаларини аниқлашга ёрдам берадиган метод.

Мавжуд билимларни пухта ўзлаштиришда ўқувчиларнинг фикрлаш, тафаккур юритиш лаёқатлари муҳим аҳамият касб этади. Мет. шахсий имкониятларини синаб кўриш истагида бўлган ўқувчилар учун қулай шароит яратлади. Улар ўқитувчи томонидан берилган саволларга қисқа муддатларда тўғри ва аниқ жавоб қайтара олишлари зарур. Саволларнинг мураккаблик даражасига кўра, ҳар бир тўғри жавоб учун баллар белгиланади. Яқуний балларнинг ўртача арифметик қийматини топиш асосида ўқувчиларнинг тафаккур тезлиги баҳоланади.

Бу ўқувчиларнинг ўз шахсий имкониятлари тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлишларини таъминлайди.

Мет. ўқувчилар б-н яқка тартибда, гуруҳ бўлиб ҳамда оммавий ишлашда ҳам бирдек қўлланилиши мумкин.

ЗАМАХШАРИЙ (нисбаси; тўлиқ исм-шарифи Абулқосим Маҳмуд ибн Умар ибн Аҳмад) (1075. 18. 3, Хоразм, Замахшар қишлоғи – 1144, ҳоз. Кўҳна Урганч) – тилшунос, адиб, тафсир ва ҳадис олими. Оиласи исломнинг муътазила таълимотига эътиқод кўйган бўлиб, 3.нинг дунёқараши диндор, тақводор ота-

нинг таъсирида шаклланган, дастлабки билимини ҳам ўз отасидан олган. З.нинг фаннинг турли соҳалари, айниқса, араб тили ва ад.и, диний илмлар, шуларнингдек, ўша даврда илм аҳли орасида қадрланган хаттотлик санъатини ҳам чуқур мамла эгаллаган. Устози – тил, лугат ва ад. соҳасида машҳур олим Абу Мудар Муфакхоний (1113 й. Марвда вафот этган)дан илм ўрганеди. Талабалик ёшига келгач, билимини янада ошириш, ҳар томонлама комил инсон бўлиш мақсадида Бухорога йўл олади. Бу ерда у шайх ул-ислом Абумансур Наср Ҳорисий, Абу Саъд Шаққоний ва Абулхаттоб ибн Абулбатар каби олимлардан сабоқ олади.

З. араб тили грамматикаси ва луғатини ҳамда маҳаллий қабилаларнинг лаҳжалари, мақоллари ва урф-адатларини чуқур ўрганеди, минтақа геогр.сига оид хилма-хил маълумотларни тўплайди. З. кўп асарларини Мақддаси ёзади. Шу боисдан у Жоруллох (Аллохнинг кўшниси) деган шарафли номинга муяссар бўлган.

З. араб грамматикаси, луғатшунослик, ад., аруз илми, геогр., тафсир, ҳадис ва фикҳга оид 50 дан ортиқ асарлар яратган. Уларнинг аксарияти бизгача етиб келган. З.нинг «Ал-Муфасссал» «Грамматика бўйича муфасссал китоб», (1121) асари араб тили наҳву сарфини ўрганишда йирик қўлланма сифатида тилдан Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам шуҳрат топган.

З.нинг Отсиз Хоразмшоҳга бағишлаб ёзилган «Муқаддимат ул-адаб» («Адабнинг муқаддима», 1137) асаридаги арабча сўзлар остида форсий ва туркий

таржималарнинг берилиши ўзбек тарихий пед.си учун қимматлидир.

З.нинг «Атвоқ уз-заҳаб фил-мавоъиз вал-хутаб» («Ваъзлар ва хутбалар баёнида олтин шодалар») асарида насихатомуз мақолалар берилган.

«Навобиг ул-калим» («Нозик иборалар») асари ад., тарих, дидактикага бағишланган.

З.нинг инсон маънавияти ва ахлоқий қарашлар борасидаги фикрлари асосини муътазила мазҳаби ғоялари ташкил қилади. Алломанинг фикрича, «Ҳар қандай мушкул иш ақл эгалари туфайли ислоҳ қилинур, чунончи еру кўк фақат ўз теграси кутблари атрофида айланур». Инсоннинг ўз хатти-ҳаракатида ақл амрига қараб иш тутмоғи, ақл-идрок ва тафаккурнинг ўрни, айниқса, илм эгаллаш З.нинг таълим-т-яга оид фикрларида яққол кўзга ташланади. «Ёки илмий бўл, ёки илмга таяниб иш тутадиган бўл, лоақал илмни тинглаб эшитадиган бўл, бироқ тўртинчиси бўлма, чунки касодга учраб ҳалок бўласан (жувонмарг бўласан)», дейди олим. З. илмнинг ж-ягддаги ўрни, баркамол ва комил инсонларни тарбиялашдаги аҳамиятини очиб берган. З. ўз асарларида нодонлик, жоҳиллик ва саводсизликни қаттиқ танқид қилади, уларни инсоннинг энг тубан иллатлари деб ҳисоблайди. «Илмли бўлиш бир баланд тоққа чиқиш каби кўп машаққатлидир, лекин ундан тушиш осондир, жоҳиллигу нодонлик булоғи чуқур чашма мисоли бўлса-да, бироқ у кўп қийинчилигу азобларга гирифтор қилади». Донишманд инсоннинг ҳалол

меҳнат қилиб, шунинг эвазига кун кўриши лозимлигини уқтиради.

3. тилшунос сифатида, нутқ маданияти ва ўзаро муомала қондасига катта эътибор беради. Унинг одамларга қўйган биринчи талаби кўп сўзламасликдир, зеро, махмадонагарчилик ўзгаларга ёкмайди. Тўғрилиқ ва покликни улуғлайди, уларни инсоннинг энг яхши фазилатлари сирасига киритади.

Унинг «Навобиг ул-калим» рисо-ласида илм-хунар эгаллаш, гўзал фази-латли, хулқ-одобли, баркамол инсонни тарбиялаш тўғрисида фикр юритилган. У инсондаги салбий иллатларни қоралайди. Олимнинг фикрича, одамнинг ботинию зоҳири, дилию тили бир бўлиши керак, шундагина у сахий ва соғлом бўлади. «Одамлар ичидаги энг ярамаси хасисидир, уларнинг ичидаги энг ялқови – пасткашидир», «Такаббурилик ҳеч бир кимсанинг қадр-киммати ва улуғворлигини зиёда қилмайди, у бор-йўғи довул ичидаги шамолдан бошқа нарса эмас», дейди мутафаккир. Айниқса, 3. нопок, гердайдан, билимсиз, такаббур одамларни танқид остига олади. «Эзгулик, хайрли ишларга астойдил кириш, уларни пайсалга солиб, кейин қиларман, деган ўйлардан воз кеч, шайтон йўлдан урадиган шошмашошарлик б-н эмас, тафаккур ва идрок билан иш тут», деб кишиларни савоб ва солиҳ ишларни қилишга ундайди.

ЗАМОНАВИЙЛИК – муайян замон ўзгаришлари ва давр даъватини, тараққиёт талабларининг мазмун-моҳиятини чуқур ҳис этиб яшаш; ҳаётда ҳар томонлама ўткир ва долзарб аҳамият

қасб этаётган масалаларни, даврнинг ўзи кун тартибига кескин қилиб қўяётган янги вазифаларни бажариш борасидаги ҳозиржавоблик. Ушбу тушунча ж-ят аъзоларининг ўзи яшаётган давр б-н ҳамнафас, ҳамфикр эканини, ўзини ўтмиш, бугунги кун ва келажак олдида масъуллигини англаши, замонвий ҳодисаларни аниқ тасаввур қила олиш қобилиятини ифодалайди. Замоннинг барча талабларини чуқур ҳис этиш, яъни тарихни яхши билиш ва ҳис этиш, бугунги кун хусусиятларини теран англаш ва фаол бўлиш, келажакни яхши тасаввур этиш ва аниқ мақсадга эга бўлиш шахс маънавиятининг муҳим кўрсаткичларидир. Айнан шундай салоҳият соҳибларигина замонвий тафаккурга эга бўлиши ва ўз келажакига чуқур ишонч б-н қарай олиши мумкин. Шунинг учун таълим муассасаларида худди мана шу сифатларни сингдириш вазифаси ҳал қилиниши керак.

ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАНИ БОШҚАРИШ – бошқарувнинг асосий функциялари бўлган режалаштириш, ташкил этиш, янгилекларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш жараёнларини назорат этиш ва уларга раҳбарлик қилиш; таълим муассасаси салоҳиятини ривожлантиришни ташкил этиш ва мақсадга йўналтириш, улардан фойдаланиш даражасини кенгайтириш асосида таълим самарадорлигини ошириш ва замонвий талабларга мос келувчи натижаларга эришиш б-н боғлиқ барча ҳаракатларни қамраб олувчи ф-ят.

Таълим муассасаларининг замонвий талабларга жавоб бериши, муваф-

фақиятли ривожланиши учун педагог ходимлар ўртасидаги иш тақсимотини тўғри йўлга қўйиш, ўз вақтида уларни ҳайта тайёрлаш ва малакасини ошириб бориш, ф-ятларини тўғри баҳолаш ва рағбатлантириш, таълим жараёнини ялғин асосда ташкил этишга имкониятлар яратиш ҳамда бошқарув жараёнига инновацион тех.ни лойиҳалаштириш ва жорий этиш раҳбарларнинг билими, пед. ва касбий маҳоратлари ҳамда бошқарув қобилиятларига боғлиқ.

ЗАМОНАВИЙ ЎҚУВ АДАБИЁТЛАРИ – маълумотларни жамлаш, тасвирлаш, янгилаш, сақлаш, билимларни интерактив усулда тақдим этиш ва назорат қилиш имкониятига эга бўлган манба.

ЗАРАРЛИ ОДАТЛАР – шахс ёки бутун бир миллат, ж-ятга тегишли маънавий, маданий, моддий ўзаро муносабатлар, дунёқараш ва ҳ.к. нуктаи назаридан айиринсоний ёки ғайриодатий деб билинадиган хусусиятларни ифодаловчи тушунча. 3. о. инсоннинг маънавийят талабларини яхши англамагани, маънавий тамойилларга риоя қилмаслиги, тўғри тарбияланганлиги оқибатида келиб чиқади. Инсон билим олар экан, олганган билимларининг бир қисми бутун ҳаёти давомида унинг доимий амалий кўникмаларига айланади. Шунга кўра 3. о. инсон ҳаётининг исталган даражасида шаклланишини кузатиш мумкин. Бироқ инсон умри болалик ва ўсмирлик, ўзлик, ўрта ёш ва кексалиқдан иборат ҳаёт босқичга бўлиниб, унинг дастлабки босқичида кўникмаларнинг ҳосил бўлиши кўпроқ жисмоний ва қисман маънавий характерга эга бўлади. Учин-

чи ва тўртинчи босқичда эса аксинча, кўпроқ ақлий моҳият касб этади. Шунга қарамай, инсон онгининг фаоллашуви 3. о.нинг йўқолиши ёки аксинча, кўпайишига олиб келади. Шу жиҳатга кўра, инсон умрининг дастлабки икки босқичида унинг т-ясига катта аҳамият қаратилади. Муайян шахсга тегишли 3. о. индивидуал ёки ижт. тарзда намоён бўлиши мумкин. Бунда шахснинг 3. о.и унинг ижт. ҳаётда тутган ўрни б-н боғлиқ бўлади.

3. о.нинг шаклланишига турли омиллар сабаб бўлади, бироқ унинг ижт. даражада илдиз отишида инсоннинг иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маданий, маънавий-руҳий мавқеи муҳим ўрин тутади. Шунингдек, 3. о. жинс, ирк, табиат, анъаналарга муносабатларда ҳам намоён бўлиши мумкин.

3. о. баъзан ж-ят тараққиётига, инсоний муносабатларга салбий таъсир кўрсатадиган хатти-ҳаракатлар, кўникмалар мажмуи тарзида ҳам намоён бўлади (ҳасад, бахиллик, жанжалкашлик каби).

Таълим муассасаларида ўқитувчилар ўқувчилар б-н 3. о.ни таҳлил қилиб, уларнинг инсон ва ж-ятга келтирадиган зарарларидан таълим олувчиларни хабардор қилиши лозим. Шундагина ўқувчиларни ўз фикрига эга, турли маънавий хуружларга қарши собит тура оладиган, иродаси мустаҳкам ва ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялашга эришилади.

ЗАРАРЛИ ТАЪСИРЛАР – ж-ят, миллат, дав. тараққиётини, инсонлар ф-яти, онги ва тафаккурини издан чиқа-

ришга қаратилган уринишлар, хатти-ҳаракатлар мажмуи. З. т.нинг замонавий услублари: маънавий таҳдид, ахб. майдонларини эгаллаб олиш, мафкуравий хуруж, бузгунчилик ҳаракатларини қўллаш орқали келажакка ишончсизлик уйғотиш, дав. сиёсатини обрўсизлантириш, одамларнинг ўзини Ватан, миллат ҳимоясидан четга тортиши ва ҳ.к. З. т. ўтказишни мақсад қилиб олган ёвуз кучлар бирор хусусий мисолни умумлаштириш, ёлғонни ҳақиқатга ўхшатиб тасвирлаш, кичик хатолардан катта муаммолар ясашга уриниш, ёлғонни такрорлайвериш, шахсий манфаатларни биринчи ўринга қўйиш, ҳокимиятни халққа ёмон кўрсатиш, миллат душманларига раҳмдиллик, ҳамфикрлик туйғуларини уйғотишга ҳаракат қилади. Муайян дав., ж-ят ёки ҳудуд нуқтаи назаридан, аввало, икки хил, яъни ички ва ташқи З. т.ни ажратиш мумкин. Уларнинг объектив ва субъектив, тарихий (анъанавий) ва замонавий, ижт., иқтисодий, сиёсий, маънавий, мафкуравий шакллари ҳам бор. Ҳоз. даврда минтакавий, глобал, техноген З. т. мавжудлиги, уларнинг оқибати тўғрисида хилма-хил фикр ва қарашлар баён қилинмоқда. З. т.нинг маънавий соҳадаги оқибати ва уларнинг олдини олиш, ўқувчи ва талабаларда уларга нисбатан иммунитет ҳосил қилиш лозим. Зеро, ҳар бир шахс З. т.дан сақланиш учун огоҳлик, мафкуравий хавфсизлик, ватанпарварлик, умуммиллий бирлик, фуқаролик ва фидойилик ҳиссига эга бўлиши лозим.

ЗАРАРЛИ ҒОЯЛАР – одамларни халқ, ж-ят, дав.нинг туб манфаатларига зид,

пуч мафкуралар домига тортувчи, уларни таракқиётдан қайтариб, ўз измига солишга уринувчи ёвуз мақсадларни кўзлаган ҳолда четдан тазйик йўлиб-н киритиладиган бегона ғоялар йиғиндиси. З. ғ. ж-ят таназзулига сабаб бўлади, ғайриинсоний мақсадларга хизмат қилади. З. ғ. моҳиятан ёвуз кучлар ф-яти ҳамда ҳукмронлигини ифодалайди. Бундай ғояларга ирқчилик, фашизм, терроризм, мустамлакачилик мисол бўла олади. З. ғ. инсоният тарихида жуда кўплаб салбий оқибатларни келтириб чиқарган. Ҳоз. кунда ҳам турли кўринишларда турли ж-ятлар, дав.лар ва миллатлар ҳаётини издан-чиқаришга хизмат қилмоқда. З. ғ. инсон табиатига зид бўлиб, уни салбий томонга ўзгартиради, унда носоғлом турмуш тарзини шакллантиради, унинг дунёқарашида қарамлик, тобелик, мутелик муҳитини шакллантиради. Миллий тафаккур тарзини ўз негизларида бегоналаштиради, ёт урф-одат ва анъаналарни тарғиб қилади, уларнинг кириб келишига муҳит яратади, мамлакатни, халқни ўз миллий кадриятларида охир-оқибат ўз таракқиёт йўлида четлаштиради, ж-ятда миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенгликка раҳна солиб, парокандаликка олиб келади. Шунинг учун ўқувчи ва талабаларда З. ғ.га нисбатан маънавий иммунитетни ҳосил қилиш, улар онгига миллий ғояни сингдириш узлуксиз ўқу-жараёнининг асосий вазифаларида бири ҳисобланади.

ЗАРДУШТИЙЛИК, зороастризм – мил. ав. 7–6-а.ларда вужудга келган

дин. Сўнгги тадқиқотлар хулосаларига қараганда, З.нинг ватани Марказий Осиё, хусусан, Хоразм бўлган. Шунингдек, З. Эрон, Афғонистон, Озарбайжон ҳамда Якин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида ҳам тарқалган.

З. таълимоти ва унинг муқаддас китоби «Авесто»га кўра, дунёдаги ҳамма тартиблар ёруғлик ва зулмат, яхшилик ва ёмонлик, ҳаёт ва ўлим ўртасидаги курашга боғлиқ. Оламдаги барча яхшилик, эзгулик, ёруғликни Ахурамазда яратади ва бошқаради. Ёмонлик, тубанлик, ёлгончилик ва ҳ.к. кучларни эса Анхрамайну ифодалайди. Анхрамайну Ахурамаздага қарши курашади, лекин уни енгишга ожизлик қилади. Бу кураш абадий давом этади.

ЗАРДУШТИЙЛИК ТАРБИЯСИ – зардуштийлик динининг ғоялари асосида шахс т-ясига йўналтирилган ф-ят тарзи. Шахснинг маънавий-маърифий етуклиги ғояси асосий ўрин тутаяди. Шахс камолотини таъминлашга йўналтирилган қарашлар ифодаси, эзгулик мотивларини қуйловчи тарбиявий ўғитлар ўрин олган «Авесто»нинг барча қисмларига хос бош хусусият – эзгулик ғояси орқали ж-ятни маънавий соғломлаштириш, инсонни манфурлик ва ёмонлик иллатларидан ҳалос этишга интилишдир. Шу боис зардуштийларнинг турмуш тарзи, таълим тизими одамлар орасидаги ўзаро муносабатларнинг асосий мезони ахлоқ меъёрларида эканлиги ғоясини илгари суради.

Зардуштийлар ҳаётида эзгуликнинг таркибий қисмларидан бири – ахлоқий т-я ягона тизим бўлиб, унда таълим жараёни муҳим ҳалқадир. Бу жараён асо-

сини маздапарастлик дини акидалари, Ахурамазда фарзлари ва Зардушт ўғитларини ўрганиш ташкил этади.

Зардуштийлар таълим тизимидаги асосий бўғинлардан бири – якка ва гуруҳли таълимдир.

Зардуштийлар таълим тизимининг асосий бўғинини ташкил этадиган якка ва гуруҳли таълим жараёнида чорвачилик, деҳқончилик, ҳунармандчилик йўналишидаги таълим турлари амал қилган. Таълимнинг кўрғазмали, кўрсатмали, амалий мет.ларидан фойдаланилган. Якка ва гуруҳли таълимнинг асосий тури сифатида меҳнат т-яси алоҳида ахамиятга эга бўлган. Якка ва гуруҳли таълимдаги т-я мет.лари қаторига рағбатлантириш, жазолаш ва тақиқлаш усуллари киритилган.

Умуман, зардуштийлик таълим тизимидаги якка ва гуруҳли таълим йўналишида йигит-қизларни ёшлиқдан меҳнатсеварлик ҳамда касб-ҳунар эгаллаш кўникма, малакаларини эгаллашга даъват этиш б-н бирга, фаол яратувчанлик меҳнати б-н шуғулланишга ундалган.

Проф. Исо Жабборов Хоразмдаги Жонбосқалъа ва Тупроққалъа харобаларида С. П. Толстов раҳбарлигида олиб борилган археологик қазилмалар натижасида топилган ибодатхоналар бир неча иншоотлардан ташкил топганлигини, «иншоотларнинг ўртасида қўш деворлар б-н қуршалган ва ичкарига айланма йўлаги бўлган тўғри бурчакли бино» турганлигини ёзаяди. Шунингдек, қазилмалар натижасида ибодатхона б-н ёнма-ён икки

қават қилиб ишланган, уч бурчакли ажойиб, ҳашаматли бино мавжудлиги аниқланиб, унинг 100 дан ортиқ хоналари борлиги, ҳар бир хона моҳирона безак ва нақшлар б-н зийнатланганлиги, хоналардан топилган тери ҳамда ёғочга ёзилган маъмурий хўжалик масалаларига бағишланган 140 та ҳужжат, 138 та катта-кичик ҳайкал, кишилар, ҳайвонлар, қушлар расми, ўзининг нафислиги ва жозибadorлиги б-н ажралиб турган учбурчак шаклдаги катта соз (арфа) чалаётган аёл ва мусиқа асбоби пардасини ушлаб турган қўл расмларининг мавжудлиги, бинода таълим-т-я иншоотлари б-н бир қаторда, сихатгоҳ, дармонгоҳ, дорихона, козихона (шаҳар додгустари) жойлашганлигининг яққол далилидир.

Зардуштийлар таълим тизимининг асосий бўғинини ташкил этадиган оташкадалар ҳузурдаги мадрасалар русумидаги ўқув даргоҳлари ҳамда мактабларда дунёвий билимларга доир китоблар б-н бир қаторда «Авесто», «Зенд Авесто» нусхалари, ижт., маърифий қимматга эга бўлган қўйидаги китобларнинг дастхатлари ҳам сақланган ва улардан таълим жараёнида фойдаланилган.

Бошланғич таълим жараёнида:

1. Никадум наск (Nikadum) – 54 фаслдан иборат бўлиб, унда ростлик, адолат, эл ҳақи, идора йўсинлари хусусида баҳс юритилган.

2. Китрадад (Kitradad) – инсоният тарихи ва шаҳаншоҳ сулоласи тарихи.

3. Хуспорам – деҳқонлар ва чорвадорлар ҳуқуқи ҳақида.

4. Вендидод – таҳорат расми, кафанлаш ва дафн маросими тартиби, табобат ҳамда табиб бурчи ҳақида.

5. Ҳодуҳн наск – ўлимдан кейинги ҳаёт, жаннат ва дўзах ҳақида.

6. Спенд (Spend) – Зардуштнинг ҳаёти ва ф-яти ҳақида.

Юқори таълим жараёнида:

1. Ганаба-сар-нигад (Ganaba-sar-nigad) – фуқаролик, ҳарбий ва жиной ҳуқуқ ҳақида.

2. Китоби сарнижат – Қозилик низоми ва ҳуқуқ ҳақидаги китоб.

3. Сакадум наск (Sakadum) – шоҳлар ҳуқуматининг тузилиши, адолат, дав. мулки ҳақида.

4. Студ яшт – инсоннинг Тангри наздидаги ва ўтганлар руҳи олдидаги бурчи ҳақида.

Кейинчалик бу китоблар қўшимча маълумотлар киритилиши б-н зардуштий уламолар томонидан паҳлавий тилига таржима қилиниб, бир неча ж.лик китобларда умумлаштирилган.

ЗАРИПОВ Комил (1938. 17. 05, Бухоро – 2015. 02. 03, Тошкент) – пед. фанлари д-ри (1990), проф. Бухоро пед. ин-ти (ҳоз. Бухоро ун-ти) физика-мат. ф-тини тамомлаган, шу ин-тда ўқитувчи (1963), Бухоро пед. ин-тининг «Педагогика-психология» каф.си мудири (1975), Ленинград (Санкт-Петербург)даги Пед. фанлари академияси ҳузурдаги катталар таълими и. т. ин-тида «Узлуксиз таълим шароитида ўқитувчилар малакасини оширишда педагогик ташҳис» мавзусида и. т. ишлари олиб борган.

3. 200 дан ортиқ илмий ишларнинг муаллифи.

3.нинг пед.ни ривожлантиришдаги меҳнатлари юксак тақдирланиб, унга Халқ маорифи аълочиси унвони берилган (1976).

ЗАРУРИЯТ ВА ТАСОДИФ – борликдаги нарса ва ҳодисалар ўртасидаги алоқадорликни ифодаловчи фалсафий категориялар. Инсонларнинг объектив реалликдаги сабаб-оқибат боғланишлари ҳақидаги тасаввурлари анда чуқурлашиши натижасида шаклланади.

Зарурият ҳодисаларнинг ички моҳиятидан келиб чиқади ва уларнинг қонуни, тартиби, тузилишини билдиради. У муайян шароитда, албатта юз бериши лозим бўлган воқеа ёки ҳодисадир. Тасодифнинг асоси ҳодисанинг моҳиятида эмас, балки муайян ҳодисаларнинг бир-бирига кўрсатадиган ўзаро таъсиридадир, бинобарин, у бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам ёки бошқача тарзда юз бериши ҳам мумкин. 3. ва т. ўзаро алоқадор бўлган, бир-бирига ўтиб турадиган ва бири-бирисиз мавжуд бўлмайдиган диалектик қарама-қаршиликдан иборат. Ҳар бир ҳодисанинг ички зарурият тақозоси б-н пайдо бўлиши ташқи шароитлар б-н боғлиқ ва бу шароитларнинг келиб чиқишига уларнинг муайян ўзига хослиги ҳамда бениҳоя хилма-хиллиги сабаб бўлади. Тасодиф муайян ҳодисанинг ўзига хос белгилари ва томонларининг манбаи бўлиб хизмат қилади. Ўзининг ички зарурияти ва ташқи, яъни тасодифий асослари бўлмаса, ҳеч қандай ҳодиса юз бермайди. Шунинг учун зарурият муқаррар равишда тасодиф б-н

тўлдирилади. Пед. жараёнлар ҳам 3. ва тдан иборат ўз асосига эга, унинг юз бериш шаклидир. Тасодиф замирида ҳамшиша зарурият яширинган бўлади ва бу зарурият табиат, ж-ят, инсон онгининг тараққиёти йўналишини белгилайди. 3. ва т. тушунчалари моддий дунёнинг объектив боғланишларини акс эттиради. Улар акс эттирган боғланишлар сифат жиҳатдан ўзига хос хусусиятга эга. Зарурият қуйидаги асосий белгилар б-н характерланади: унинг сабаби ўзида бўлиб, у мазкур ҳодиса ёки жараённинг ички табиатидан келиб чиқади; воқеликдаги нарса ёки ҳодисаларнинг чуқур, муҳим тақдорланиб турадиган ички боғланишларига асосланади; ҳодисаларнинг олдинги ривожланиши орқали қонуний тайёрланган бўлади; зарурият юз бериши муқаррарлик хусусиятига эга бўлиб, албатта, юз беради; умумий, оммавий ва шунинг учун ҳам типик характерга эга. Тасодиф ҳам сабабсиз юз бермайди. Унинг сабаби нарса ва ҳодисанинг ўзида эмас, балки ундан ташқарида бўлади. Тасодиф заруриятдан фарқ қилган ҳолда, қуйидаги хусусиятлар б-н характерланади: тасодиф воқеликдаги муҳим бўлмаган, иккинчи даражали боғланишлардан келиб чиқади; заруриятдан фарқ қилган ҳолда тасодиф ҳодисанинг бутун ривожидавомида тайёрланмайди, балки ўз табиатига кўра турли жараёнларнинг таъсири натижасида содир бўлади; тасодиф нарса ва ҳодисаларнинг ривожланиш майллари белгилаб бермайди ва шунинг учун ҳам муқаррар эмас, у юз бериши ҳам, юз бермаслиги ҳам мумкин; тасодиф типик

бўлмаган, индивидуал характерга эга; тасодиф қонуният б-н боғлиқ эмас.

3. ва т. ўзаро диалектик алоқада. Улар бир-бири б-н чамбарчас боғлиқ бўлади. Заруриятдан мутлако ажралган тасодиф мавжуд бўлмаганидек, тасодиф б-н боғлиқ бўлмаган зарурият ҳам мавжуд эмас. Тасодиф заруриятнинг ички тизимида яширинган бўлади ва улар орқали юзага келади. 3. ва т. ривожланиш жараёнида бир-бири б-н ўрин алмашиб туради, яъни тасодиф сифатида вужудга келган ҳодисалар боғланишлар шароитининг ўзгариши б-н аста-секин заруриятликка айланиб боради ва маълум шароитда зарурият бўлган ҳодисалар аста-секин предмет ривожланишининг ички моҳиятини белгилашдан чикиб, тасодиф ҳолида учрай бошлайди. Ҳоз. замон табиатшунослиги ва ж-ятшунослиги 3. ва т. моҳияти ва алоқалари ҳақидаги хулосаларни янги маълумотлар б-н бойитмоқда.

Пед. жараёнларни ташкил этишда 3. ва т., улар орасидаги алоқадорликни ҳисобга олиш керак.

ЗЕБУННИСО БЕГИМ НОМИДАГИ МАКТАБ – Тошкентда етим ва боқувчисиз қолган қизлар учун очилган интернат мактаб (1920 й.). Шайхонтохур даҳасидаги тараккийпарвар бой Валихўжа ҳожининг ташқи ҳовлисида жойлашган. 1926 й.да Зебуннисо бегим номи берилган. У дастлаб тайёрлов синфидан иборат бўлган ва 12 нафар киз ўқиган. Кейинчалик 2 босқичли мактабга (1-босқич 1–3-синфдан, 2-босқич 4–5-синфдан иборат бўлган), 1927 й.дан 7 йиллик тўлиқсиз ўрта мактабга айлантирилган. Мактабда

ўз даврининг стук зиёлилари: Тўхтаназир Шермухамедов, Ҳусанбой Ибодов, Зарифа Саидносирова, Ойдин Собирова, Аъзамхон Рустамов ва б. дарс берган. Ҳоз. Тешиккофка маҳалласи яқинида яшган Низомиддин бойнинг боғи мактабга қарашли бўлиб, қизлар ёзги таътил даврида дам олишган. Мактабда синфдан ташқари ишларга алоҳида аҳамият қаратилган. Мас., каштачилик, тикиш-бичиш, мусиқа, жўр бўлиб ашула айтиш тўғарақлари бўлган. Айниқса, бастакор Рихси Ражабий раҳбарлик қилган «Кўк кўйлак» бадий ҳаваскорлар гуруҳи шуҳрат қозониб, республика ёш санъаткорлар кўригида 1-мукофотга сазовор бўлган (1928). Мактабни битирганлар саводсизликни тугатиш курсларига ва ўқиш учун техникумларга юборилган. Ўзбекистон халқ артисти Сора Эшонтўраева, илк ўзбек артистларидан раққоса Турсуной Азимова, филолог ва педагог олималар Шарифа Абдуллаева, Гулсум Раҳимова ва б. шу мактабда ўқиган. 1934 й. ушбу мактаб негизида дастлабки мактабгача т-я билим юрти ташкил этилган.

ЗЕХН (араб. – идрок, фаҳм, хотира) – шахснинг нарсалар, ҳодисалар ва жараёнларни тушуниш қобилияти; идрок, фаҳм. 3. шахслараро муносабатларда ўзгаларнинг ҳолати ва муносабатини тез ва тўғри пайқаб олиш хусусияти ҳам бўлиб, бошқа шахс томонидан амалга ошириладиган хатти-ҳаракат шаклини олдиндан кўра олиш кўникмасини англатади. 3. алоҳида шахснинг имкониятлари ва қобилиятларининг яхлит тизимидир. Бундай тизим сифатида 3. инсоннинг кузатувчанлиги,

ўзгалар фикри ва ҳиссиётларини мос тарзда ақс эттириш ҳамда шу ҳолатга мувофиқ жавоб бера олиш лаёқатини назарда тутди. 3. тафаккур фаоллиги, нуқт раволиги, турли одамлар ҳақида тўпланган бой тажрибада намоён бўлади. Шу маънода, тез тушуна оладиган, ақлли, доно кишилар 3.и ўткир инсонлар ҳисобланади.

3. муайян бир ф-ятга ёки кўпгина нарсаларга нисбатан ортиқча кизиқувчанлик, мойиллик, интилишда намоён бўлади. 3. натижалари деганда қобилиятга хос ички имкониятларнинг табиий асосини тушуниш мақсадга мувофиқ. 3.и ўткирлик, фаросатлилик; ингли ёки мураккаб назарий ҳамда амалий масалаларни ҳал қилишининг тўғри йўллари тез топа олишдан иборат ақл сифати бўлганлиги учун ҳам таълим жараёнида ўқувчиларнинг 3.ини чархлашга алоҳида эътибор қаратиш, ўқув материаллари, савол-топшириқларни худди шу мақсадга йўналтирилган ҳолда танлашга ҳаракат қилиш лозим.

«ZiyoNET» ТАРМОҒИ – интернет тармоғининг миллий сегментида таълим берадиган ахб. ресурслари жойлаштирилган ягона жамоат таълим ахб. тармоғи.

Республика мактаб, лицей, коллеж ўқувчиларининг, ОТМ талабаларининг ахб.га бўлган талаб-эҳтиёжларини ҳар томонлама қондириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, шунингдек, интернет тармоғининг миллий сегментида таълим берадиган ахб. ресурсларини ривожлантириш мақсадида 2005 й. 28 сент. да Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жамоат таълим ахборот тармоғини

ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ–191-сонли Қарори қабул қилинди ва республикада ягона «Z.» т. ташкил этилди.

Қуйидагилар «Z.» т.нинг асосий вазифалари этиб белгиланди: ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш самарадорлигини ошириш; ўсиб келаётган ёш авлоднинг Ватанга муҳаббат туйғусини, Ўзбекистоннинг бой тарихи, халқнинг миллий анъаналари ва маънавий қадриятларини билишга асосланган юксак маънавий-ахлоқий фазилатларини мустаҳкамлаш; фаол ҳаётий мавқега эга бўлган баркамол шахсни вояга етказишга қаратилган миллий ахб. ресурсларини шакллантириш ва ривожлантириш; Ўзбекистоннинг миллий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, ёшларнинг маънавий, ақлий жихатдан камол топишига кўмаклашадиган ижт.-сиёсий, ижт.-иқтисодий, таҳлилий, маънавий-маърифий, илмий ҳамда бошқа ахб.дан кенг кўламда фойдаланишни таъминлаш; ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ҳар хил спорт турларини оммалаштириш; республика ўқувчилари ва ёшлари учун масофавий таълим усуллари, бошқа ахб.-коммуникация хизматларининг кенг комплексини таълим тизимига жорий этишда кўмаклашишдан иборат.

Мамлакат мактабларининг 87 % и, АЛ ва КХҚларининг 90 % и, барча ОТМ, ёшлар ташкилотлари, кутубхоналар, музейлар ҳамда бошқа илмий ва маданий-маърифий муассасалар интернет тармоғига «Z.» т. орқали уланган.

2014 й. май ойида порталнинг янги талқини ишга туширилган ва унда ижт.

лик элементлари («Гуруҳлар», «Савол-жавоблар») жорий этилган, шунингдек, «Кутубхона», «Хорижий тиллар», «Арбоблар», «Иқтидорли ёшлар», «Таълим муассасалари», «Сайтлар», «Ўйинлар» бўлимларининг архитектураси янгиланди, фойдаланувчилар учун қулай интерфейс тўлиқ модернизация қилинди.

2015 й.га қадар «Z.» т.нинг «Кутубхона» бўлимига 70 978 та, «Сайтлар» бўлимига 2000 та, «Сайт-сателлитлар»га 18 675 та, Fikr.uz сайтига 23 281 та ва uTube.uz видеопорталига 20 334 та ресурс жойлаштирилган.

ЗИЁЛИ – ақлий меҳнат б-н шуғулланувчи; илми, ўқимишли, маърифатли. Кундалик ҳаётда 3.га нисбатан интеллигент сўзи ҳам қўлланилади. Бунда кўпроқ ўша шахснинг билим доираси, тафаккури, қолаверса, маданий даражаси назарда тутилади. Зеро, интеллигент атамаси интеллект, яъни ақл б-н боғлиқ. Аслида, 3. сўзи ўзбекларнинг оқил, ақл эгаси деган сўзлари б-н маънодош. 3. атамасини интеллигенция атамасининг таржимаси сифатида Ўзбекистонда 19-а.нинг охири–20-а.нинг бошида дастлаб жадидлар қўллашган. Ўзбек халқи орасида 3., маърифатли кишилар кўп бўлган. Улар ўртасида ўқитувчи ва мураббийлар, устозларнинг ўрни, аҳамияти катта.

Чинакам 3. шахс фақат ақл ва билим соҳиби эмас, балки қалб ва маънавият эгаси ҳам бўлмоғи зарур. Умуман олганда, 3. деганда, инсон, айниқса, ёшларга ҳар томонлама ижобий таъсир кўрсатувчи шахслар тушунилиб, улар турли соҳаларга мансуб бўлишлари

мумкин. Кўпинча, ҳаётда таълим-т-я, илм-фан, соғлиқни сақлаш, дав. хизмати тизимларида ф-ят кўрсатаётган инсонлар ҳам 3. сифатида тушунилади. Шунингдек, 3. шахсга нисбатан тарихда ўзига хос талаблар мавжуд бўлган. У оқил, доно ва маърифатли бўлсагина, бутун вужуди, хатти-ҳаракати, ижодий ф-яти б-н зиё ва эзгулик тарата олсагина, 3. деб аталган.

«ЗИГ-ЗАГ» МЕТОДИ – таҳсил олувчилар б-н гуруҳ асосида ишлаш, мавзунини тезкор ва пухта ўзлаштиришга хизмат қиладиган метод. «3.-з.» м.нинг афзаллиги қуйидагилар: 1) ўқувчиларда жамoa (ёки гуруҳ) бўлиб ишлаш кўникмаси шаклланади; 2) мавзунини ўзлаштиришга сарфланадиган вақт тежалди.

«3.-з.» м.ни қўллаш жараёнида бир катор ҳаракатлар амалга оширилади: синф ўқувчилари бир неча (5–7 та) гуруҳга бўлинади; янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн ҳам тегишли равишда 5–7 қисмга ажратилади; ҳар бир гуруҳга мавзунинг муайян қисми (1-матн, 2-матн,... ва ҳ.к.) берилади ва уларни ўрганиш вазифаси топширилади; белгиланган вақт мобайнида гуруҳлар матн устида ишлайдилар; вақтни тежаш мақсадида гуруҳ аъзолари орасидан лидерлар танланади ва улар ўрганилган матнга оид асосий маълумотларни гуруҳдошларига сўзлаб берадилар; лидерларнинг фикри гуруҳ аъзолари томонидан тўлдирилиши мумкин; барча гуруҳлар ўзларига берилган матнни пухта ўзлаштирилганларидан сўнг матнлар гуруҳлараро алмаштирилади; бу босқичда ҳам юқоридаги ф-ят такрорланади; шу тахлитда мавзу моҳиятини

ўқитувчи яхлит матн ўқувчилар томонидан ўзлаштирилади.

ЗИДДИЯТЛАРНИ БОШҚАРИШ ТРЕНИНГЛАРИ

– низоли вазиятларга оид кўпқий кўникмаларга тузатишлар кийратишга имкон берадиган, зиддиятларни ҳал этишда ҳамкорликни тушунган ҳолда низонинг олдини олиш ва ҳал этишга, зиддият кўзгаган шахсдан ўзини ҳимоя қилишга ўргатадиган ижт.-психологик тренинг тури.

ЗИКИРОВА Раҳима Ҳамроевна (1951.

5. 1, Денов тумани) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1999).

Термиз пед. институтининг пед. ва бошланғич таълим бўлимини тугатган (1974).

Денов туманидаги 35-мактабда (1970–74), 79-мактабда бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб ишлаган (1974 й.дан).

Дарса янги пед. техн.ни жорий этган, мунтазам равишда ўқувчиларга экологик билимларни ўргата бориб, уларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга муносиб ҳисса қўшган. 3.нинг илғор тажрибалари туман ва вил. миқёсида оммалаштирилган.

ЗЛОЦКИЙ Георгий Всниаминович – (1938. 20. 7, Украина) – пед. фанлари д-ри (2001).

Самарқанд ун-ти ассистенти, стажёр-тадқиқотчиси (1962–65), Россия ФА и. т. институти аспиранти (1965–68), Самарқанд ун-ти «Олий математика» каф.си катта ўқитувчиси, доц.и (1968–73), «Умумий математика» каф.си катта ўқитувчиси, доц.и, каф. мудири (1973–2005), «Эхтимоллар назарияси ва математик статистика» каф. си проф.и вазифасини бажарувчи (2005 й.дан).

3. математик таълим бўйича тўртта китоб, жумладан, иккита монография ҳамда 200 дан зиёд илмий ва услубий мақолалар чоп эттирган.

ЗОКИРОВ Марат (21. 03. 1939, Жиззах тумани) – илғор ўқитувчи, Ўзбекистон Қаҳрамони (2002), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими (1990).

Самарқанд ун-тининг физика-мат. ф-ти (1961), Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг агрономия ф-тини тугатган (1981).

Жиззах туманидаги 16-мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаган (1961–76), турли ташкилотларда ф-ят юритган (1976–84).

Жиззах туманидаги 36-мактаб (1984–95), Жиззах пед. ин-ти қошидаги иқтидорли болалар лицейи директори бўлиб ишлаган (1995–2014).

Унинг тадбиркорлик қобилияти, ташаббускорлик ф-яти туфайли лицей хоналари замонавий кўرғазмали воситалар б-н жиҳозланган. 2 та илмий методик рисола, 3 та қўлланма муаллифи.

3. «Ҳурмат белгиси» (1978) ордени б-н тақдирланган.

ЗОКИРОВА Маҳфузахон (1952. 19. 10, Ёзёвон тумани) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995).

Фарғона пед. ин-тини тугатган (1980). Ёзёвон туманидаги 31-мактабда бошланғич синф ўқитувчиси, геогр. ўқитувчиси (1970–87), директор бўлиб ишлаган (1987 й.дан).

3. дарс жараёнида таълим ва т-я беришнинг ноанъанавий усулларида самарали фойдаланиб, янги пед. техн.ни қўллашга алоҳида эътибор қаратган, унинг тажрибалари туман ва вил. миқёсида оммалаштирилган.

ЗОКИРОВА Ширмонхон Шокировна (1953. 4. 9, Жалақудук тумани) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Андижон пед. ин-тининг бошланғич таълим мет.си ф-тини тугатган (1980). Жалақудук туманидаги 23-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб ишлаган (1971 й.дан). 3. ф-яти давомида ўзини ўз ишининг устаси, ёш авлодга ўзидаги бор билимини сингдира оладиган меҳрибон устоз сифатида намоён эта олди. У дарсларни кўргазмали ўқув қуроллари ва техника воситалари ёрдамида ташкил этган. Ўз тажрибасида янги пед. техн.дан кенг фойдаланган. Унинг тажрибалари туман ва вил. миқёсида кенг оммалаштирилган.

ЗОҲИРИЙ Ашурали Зоҳирий, (1885 – Қўқон – 1937. 5. 12) – таниқли маърифатпарвар педагог, йирик тилшунос, лугатшунос, адабиётшунос олим, журналист ва таржимон, Туркистондаги жадидчилик ҳаракатининг кўзга кўринган намоёндаларидан бири. У дастлаб Қўқондаги Мадалихон мадрасасида таҳсил олган, араб ва форс тилларини пухта эгаллаган. Ҳар томонлама чуқур билим соҳиби бўлган 3. 1907 й.дан бошлаб рус-тузем мактабида, шунингдек, жадид мактабларида ўзбек тили ва ад.идан дарс берган.

1912–19 й.ларда педагогик ф-яти б-н бирга журналист сифатида ҳам ижод қилган. 1917–1918 й.ларда Туркистон Мухториятининг ташкил этилиши 3. ф-ятига янгича йўналиш бағишлаган.

3. ф-ятининг 1917 й.дан кейинги асосий йўналиши маърифатпарварлик б-н боғлиқ. У Қўқондаги биринчи до-

рулмааллиминнинг ташкилотчиси сифатида Фарғона водийси учун кўплаб ўқитувчиларни тарбиялаган. У асос солган дорулмааллимин кейинчалик пед. техникумга айлантирилган. 1930 й.да шу техникум негизида Фарғона пед. ин-ти ташкил этилган.

3. 1912–1913 й.ларда Россиядаги татар мусулмонларининг янги мактаб ва маориф соҳасидаги тажрибаларини ўрганиш мақсадида Қозонга борган, у ердаги муаллимлар ва уларнинг ўқитиш мет.лари б-н танишган. Қосимия мадрасасида турк-татар тарихидан дарс берувчи Аҳмад Закий Валидий Тўғон б-н учрашган, унинг 1912 й.да босилган «Турк-татар тарихи» китоби б-н қизиққан.

Қўқонга қайтгач, мазкур саёҳат таассуротлари остида бу ердаги тараккийпарвар дўстлари б-н бирга «Ғайрат» номли кутубхона очган.

Қўқондаги рус-тузем мактаби ўқитувчиси Серкибой Оқасев б-н ҳамкорликда 1912 й.да «Туркий хрестоматия ёхуд терма китоб»ини ёзиб, унга янги усул мактабларида ўқийдиган ўқувчиларни маънавий-ахлоқий ва руҳий жиҳатдан тарбиялаш учун осон бўлган турли бадиий, дидактик намуналарни киритган, уларни имло, хатсавод жиҳатдан тўғри тарбиялаш учун 1916 й.да ўзбек тилида биринчи бўлиб бошланғич синфлар учун «Имло» дарслигини яратган (Қозонда нашр этилган).

1924 й.да Алифбе дарслигини яратган, 1925 й.да «Русча-ўзбекча лугат» тuzган.

1917 й. сент.идан бошлаб Фарғона вил. маърифатпарварлари ва маориф

ж-яти аъзолари ёрдамида ташкил этилган мактаблар учун муаллимлар тайёрловчи дорилмуаллиминда Булат Солиев, Ҳоди Файзи, Қори Ниёзий каби педагоглар б-н бирга ишлаган, у ерда ўзбек тили ва ад.идан дарс берган.

3. бу даврда фақат билим юрти-да ад.дан дарс берибгина қолмай, ўлка билим юртлари учун Чўлпон б-н ҳамкорликда 1925–1926 й.ларда «Адабиёт парчалари» номли махсус хрестоматия ҳам тузган.

1937 й.да катагонга учраб, қамоққа олинган ва 4 дек.да отиб ташланган.

ЗООЛОГИЯ ЎҚУВ ПРЕДМЕТИ – ҳайвонот оламининг хилма-хиллиги ва тарихий тараққиёти, ҳайвонларнинг тузилиши, ҳаёт кечириши, ривожланиши. шунингдек, уларнинг яшаш муҳити б-н муносабатларини ўргатадиган ўқув предмети.

ЗОҲИДОВ Иброҳимжон (1936. 15. 9, Олтинкўл тумани) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1997). Фарғона пед. ин-тининг ўзбек тили ва ад.и ф-тини тугатган (1960). Олтинкўл туманидаги 6-ўрта мактабда ўзбек тили ва ад.и ўқитувчиси бўлиб ишлаган (1957 й.дан). 3. ҳар бир дарсни пухта тайёргар-лик б-н кўргазмали ўқув қуроллари ва техника воситаларидан кенг фойдалан-ган ҳолда ўтган. Ўқувчилар билимини баҳолашда биринчилар қаторида тест ва рейтинг усулларини татбиқ этган. Унинг тажрибаси туман ўзбек тили ва ад.и ўқитувчилари семинарларида юксак баҳолашиб, оммалаштиришга тавсия этилган.

ЗУККО (араб. – ақлли, зеҳни ўткир; идрокли, донишманд) – донолик, ақллиликни ифодалайдиган инсоний фазилат соҳибини англатувчи тушунча. Аниқ фикрли, теран тафаккурли, зийрак, «етти ўлчаб, бир кесадагидан», чуқур ўйлаб иш кўрадиган кишини 3. одам дейишади. Зукколик инсонга хос маънавий фазилатлардан бири бўлиб, ибратга лойиқдир. Чунки 3. кишилар ҳар бир ишнинг остида яширинган маъноларни, унинг оқибатларини чуқур ҳис этадилар. Зукколикнинг озиги – илму маърифат. Аммо ўз билимларини ҳаётда тўғри қўллай билган фаросат эгасигина 3. инсон даражасига кўтарила олади. «Донога илм – илм, нодонга эссиз илм», дейди халқимиз. Форобий «Фозил одамлар шаҳри» асарида инсон эга бўлиши лозим бўлган фазилатлар ичида зукколикка алоҳида эътибор қаратган. Ватан ва миллат келажаги ҳақида қайғурган А. Авлоний ҳам келажак 3. кишилар кўлида эканини қайта-қайта таъкидлаган: «Хушёр ва зийрак кишилар куч ва қувватлари бор вақтида келадурган замонларни тушуниб, пул ва молларини ўринсиз ерларга, тўй ва маъракаларга ҳаддан ортуқча исроф қилмаслар, ўзларининг роҳати, бола-чақаларининг саодати учун керак бўладурган ер ва боғларини сотмаслар, замонага мувофиқ киши қилмак тўғрисида ақчаларини асло қизғонмаслар». 3. киши ҳар бир гапини ўрни, вақти, жойини топиб гапиради, сўзларини беҳуда сарфламайди, ёмон сўз б-н ўзгаларнинг дилини оғритмайди: «Ҳар кишининг фикр, идрокин сўзи билдирғуси, Пистаи бсмағз агар лаб

очса, расво бўлгуси» (А. Авлоний). Халқ доимо З. одамларни кадрлаган, уларни ибрат қилиб кўрсатган, зукколикни до-ноликнинг бош белгиси, деб билган. Бун-га ўзбек халқининг кўплаб мақоллари, ҳикматлари мисол бўла олади, жумла-дан: «Доно ҳикмат келтирар, нодон – кулфат», «Йигитнинг зехли бўлгани – адашмай йўлидан юргани» ва ҳ.к. Халқ фаровонлиги ва ж-ят барқарорлиги фуқаро ва раҳбарларнинг ақлу фаросати, зукколигига кўп жиҳатдан боғлиқ. Зеро, зехли, З. одам кенг фикрлайди, ҳар бир ишнинг охирини ўйлаб ҳаракат қилади ва ўз зиммасига юклатилган вазифалар-ни ўз вақтида, ақл б-н адо этади.

ЗУННУНОВ Аскар (1915. 17. 1 – Тошкент – 2007) – пед. фанлари д-ри (1986), проф. (1988). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи. Тошкент ўқитувчилар билим юртини (1929–33), Тошкент пед. ин-тини тамомлаган

(1938–43). Тошкент ш.даги 19-мактабда ўқитувчи (1933–36), Бешарик тумани-даги 3-мактабда илмий бўлим мудури (1936–38), Шахрисабз тумани халқ ма-орифи бўлими мудури (1943–44), Тош-кент туманидаги 33-, 20-мактабларда директор (1944–52), К. Д. Ушинский номидаги ЎМОИ қошидаги номзодлик курсида тингловчи (1952–55), Тошкент шаҳридаги 143-мактабда илмий бўлим мудури (1955–61), ЎзПФТИДа турли масъул лавозимларида ф-ят кўрсатган (1961–2000).

З. 40 дан зиёд монография, дарслик, қўлланмалар яратган.

«Шухрат» медали, «Эл-юрт хурмати» ордени (1998) ва бир қатор нишонлар б-н мукофотланган.

ЗУФУНУН – ўзининг ўта юксак қо-билияти, ақл-идроки, ўтқир зехнлиги б-н барча фанларни эгаллаган шахс, илм соҳиби.

И

ИБН СИНО, Абу Али Хусайн ибн Абдуллоҳ ибн ал-Ҳасан ибн Али (980. 8, Бухоро, Афшона қишлоғи – 1037. 18. 6, Ҳамадон ш., Эрон) – жаҳон фани тараққиётига улкан ҳисса қўшган қомусий олим ва мутафаккир. Ғарбда Авиценна номи б-н машҳур.

Замондошлари И. С.ни «Шайх ур-раис» («Донишмандлар сардори, алломалар бошлиғи»); «Шараф ал-мулк» («Ўлка, мамлакатнинг обрўси, шарафи»), «Хужжат ал-ҳаққ» («Ростликка далил»); «Ҳаким ал-вазир» («Донишманд, тадбиркор вазир») деб атаганлар. Жаҳон фани тарихида И. С. қомусий олим сифатида тан олинган, чунки у ўз давридаги мавжуд фанларнинг қарийб барчаси б-н шуғулланган ва уларга оид асарлар ёзган. Олим асарларини ўша даврда Яқин ва Ўрта Шарқнинг илмий тили бўлган араб тилида, баъзилари (шеърӣй ва айрим фалсафӣй асарлари)ни форс тилида ёзган. Турли манбаларда унинг 450 дан ортиқ асар ёзганлиги қайд этилган, лекин бизгача уларнинг 242 (160) таси стиб қолган. Шулардан 80 таси фалсафага, 43 таси табобатга оид бўлиб, қолганлари математика, психология, табиёт, астрономия, мат., мусиқа, кимё, ахлоқ, ад. ва тилшуносликка бағишланган. Лекин бу асарларнинг ҳаммаси ҳам олимлар томонидан бир хилда ўрганилган эмас. И. С.нинг кўпроқ фалсафа ва тибга оид китоблари жаҳоннинг кўпгина тил-

ларига таржима қилиниб, қайта-қайта нашр қилиб келинмоқда, лекин шу б-н бир вақтда, бошқа кўп асарлари ҳали қўлёзма ҳолида ўз тадқиқотчиларини кутяпти.

И. С.нинг илмий меросини шартли равишда 4 қисмга, яъни фалсафӣй, табиӣй, адабий ва тиббӣй соҳаларга бўлиш мумкин, олим шуларнинг ҳар бирида чуқур из қолдирган. Лекин И. С. асарларининг миқдорӣй нисбатига назар солсак, олимнинг кизиқиш ва эътибори кўпроқ фалсафа ва тибга қаратилганини кўрамыз. Гарчи, уни «Авиценна» сифатида Ғарбда машҳур қилган унинг тиббӣй мероси, хусусан, «Тиб қонунлари» бўлса-да, «Шайх ур-раис» номи, энг аввал, унинг буюк файласуфлигига ишорадир.

И.С. фикрича, ходисаларни чуқур билиш, фан б-н шуғулланиш инсонгагина хосдир. Инсон билимлари нарсаларни билиш ёрдамида вужудга келади. Билиш ҳиссий билиш ва тушунчалар ёрдамида фикрлашдан ташкил топади. Сезгида нарса-ходисаларнинг айрим ташқи белгилари, тайин томонлари билинса, ақл уларнинг моҳиятини, ички томонларини абстракциялаштириш ва умумлаштириш ёрдамида била олади. Инсон ақли турли фанларни ўрганиш ёрдамида бойийди, ривож топади.

И. С. математикани илмий билишнинг мавжудотни ўрганишнинг илмий усули деб билади. «Мантик, – деб ёзади И.

С. – инсонга шундай бир коида берадики, бу коида ёрдамида инсон хулоса чиқаришда хатолардан сақланади». У мантикий усуллар, таърифлаш, ҳукм, хулоса чиқариш, исботлаш масалаларини чуқур ўрганиди, мантиқ фанини Форобийдан сўнг билишнинг тўғри методи сифатида ривожлантирди.

И. С. ҳақиқий ахлоқий фазилатларга ва идеал жамоага шу мавжуд дунёда эришув мумкин, ж-ятда инсонлар ўзаро ёрдам асосида яшашлари керак деб таъкидлайди. Ж-ят кишиларнинг ўзаро келишув асосида қабул қилинадиган адолатли қонунлар ёрдамида бошқарилиши лозимлигини айтади. Ж-ят аъзоларининг ҳаммаси бу қонунга итоат этишлари, қонунни бузиш ва адолатсизлик жазоланиши лозим. Ўзининг ахлоқ тўғрисидаги фикрларида инсонларнинг қундалик ҳаётидаги энг зарур ахлоқий муносабатларга, камтарлик, иззат-ҳурмат, жасурлик, тўғрилиқ, софдиллик каби хулкий қоидаларга алоҳида эътибор беради.

И. С. ўзининг бой ва серқирра илмий мероси б-н кейинги давр Шарқ ва Ғарб маданиятининг ривожига катта таъсир кўрсатди. Шарқнинг Умар Хайём, Абу Убайд Жузжоний, Насриддин Тусий, Фаридуддин Аттор, Ибн Рушд, Низомий Ганжавий, Фахриддин Розий, Тафтазоний, Носир Хисрав, Жалололдин Румий, Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Улуғбек, Бедил, Баҳманёр ибн Марзбон каби мутафаккир ва олимлари ўз асарларида И. С. таълимоти ва илмий ғояларини давом эттирдилар. Европада алломанинг асарлари 12-а. дан бошлаб латин тилига таржима қилиниб,

ун-тларда ўқитила бошланди. Европанинг машҳур файласуф ва табиатшунос олимларидан Жордано Бруно, Гундисвальво, Вильгельм Овернский, Александр Гельский, Альберт фон Больштедт, Фома Аквинский, Рожер Бэкон, Данте ва бошқалар И.С.нинг илғор фикрларидан ўз ижодларида фойдаландилар ва унинг номини зўр ҳурмат б-н тилга олдилар. («Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси»дан олинди).

ИБОДИЕВ Абдуваҳоб, Мулла Абдуваҳоб Ибодий (1877, Қўқон – 1943) – Ўзбекистонда маориф ташкилотчиларидан, тараққийпарвар муаллим. 23 ёшидан маориф ишлари б-н шуғулланган. Мадрасада таҳсил олгач, 1901 й. Қўқонда «Мактаби воқия» («Ҳаёт мактаби») деб номланган янги усулдаги мактаб очган ва унда муаллимлик қилган. Кейинчалик мазкур мактаб «Урфон» («Илм») деб номланди ва 1918/19-ўқув йилидан 1-намуна халқ мактабига айлантирилган. И. бу ерда ҳам мудир, ҳам ўқитувчи сифатида ф-ят кўрсатган.

1919 й. етим ва мухтож болалар учун Қўқонда 100 ўринли интернат ташкил қилиниб, И. унга мудир этиб тайинланган. 1923 й. И. Қўқон шаҳар маориф бўлимининг топшириги б-н 2 босқичли ўзбек мактабини ташкил этган (1-босқич 1–3-синф, 2-босқич 4–5-синфдан иборат бўлган) ва шу мактабда мудир ҳамда ўқитувчи бўлиб ишлаган. 1927 й. интернатлар қайта ташкил этилиши муносабати б-н И. болалар уйида салкам 10 й. мудир бўлиб ишлаган. И. янги усул мактаблари учун нашр қилинган «Таҳсил ул-алифбо» («Алифбо ўқиши»),

Тошкент, 1912) китоби, «Эътиқоди исломия» («Ислом эътиқоди», Тошкент, 1914) қўлланмаси муаллифи. «Меҳнат қаҳрамони» (1936). Қатағонга учраб 1937 й. 16 сент.да қамокка олинган ва ўша ерда вафот этган.

ИБРАГИМОВ Холбой Ибрагимович (20. 01. 1957, Самарқанд) – пед. фанлари д-ри (1996), проф. (2005). Самарқанд пед. ин-ти математика ф-тини тамомлаган (1979). Самарқанд пед. ин-ти «Психология» каф.си лаборанти (1979–80), Москва ун-ти аспиранти (1980–84), Самарқанд ун-ти (СамДУ) «Психология» каф.си ўқитувчиси (1984–86), «Педагогика ва психология» каф.си доц.и (1986–89), «Мактабгача тарбия, педагогика ва психология» каф.си муdiri (1989–92), «Педагогика ва мактабгача тарбия» каф.си муdiri (1992–94), Москва ун-ти докторанти (1994–96), Самарқанд ун-ти «Педагогика ва психология» каф.си проф., кафедра муdiri (1996–2000), «Педагогика» ф-ти декани (2000–03) ЎзПФТИ директори (2003–04), Навоий пед. ин-ти ректори (2004 й.дан).

И. бир неча дарслик ва ўқув қўлланмалари муаллифи.

ИБРАТ, Исҳоқхон Тўра (1861, Тўрақўрғон – 1937) – маърифатпарвар шоир, тилшунос, луғатнавис, тарихшунос олим, илк ўзбек матбаачиларидан бири. Дастлабки маълумотни эски мактабда, сўнгра онасининг қўлида олган. Кейинроқ Қўқонга бориб, мадрасага ўқишга кирган. И. 1886 й.да мадрасани тугатиб, Тўрақўрғонга қайтиб келган. У ўз ф-тини педагог сифатида кишлоқда маърифат тарқатишдан бошлаган. Ўша

йили эски маҳаллий мактаблардан анча фарқ қилувчи янгича мактаб очган.

И. 1887 й.да Шарқ мамлакатлари бўйлаб сафарга отланган. Европанинг Истанбул, София, Афина, Рим каби марказий шаҳарларда бўлиб, анча вақт Жидда шаҳрида ва Бомбей (Мумбай) ҳамда Калькуттада истиқомат қилган. И. араб, форс, ҳинду, урду ва инглиз тилларини мукаммал ўрганган. У 1896 й.да ўз ватанига қайтиб келган. 1901 й.да «Луғати ситта алсина» асарини босмадан чиқарган. Мазкур луғатдан жадид мактабларида шарқ ва рус тилларини ўргатишда бирдан-бир қўлланма сифатида фойдаланиб келинган. И. 1912 й.да ёзувлар тарихига бағишланган «Жомеъ ул-хутут» («Ёзувлар мажмуаси») асарини яратган ва ўз матбаа корхонаси «Матбаи Исҳоқия»да босмадан чиқарган.

И. чин қалбдан ўз халқининг илми, маърифатли бўлишини истаган. Кейинги 20 й. ичида 14 та илмий-тарихий, лингвистик асар ёзган. «Тарихи Фарғона», «Тарихи маданият» ва «Мезон уззамон» илмий асарларини яратган. Бу асарлар ўзбек халқи тарихи ва пед.сини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

ИДЕАЛ (фр. *ideal*; юнон. *idea* – гоя, тушунча, тасаввур; образ, тимсол) – ж-ятнинг, шахснинг энг олий мақсади, энг юксак орзу ва тилак; бирор нарса, воқеа ва ҳодисаларнинг олий намунаси, камолоти, ж-ят аъзолари интилувчи олий мақсад; инсон, халқ ва миллат тасаввурида барча эзгуликлар тимсолига айланган, улар доимо интилиб яшайдиган муқаддас орзу-аъмол.

Кенг маънода, муайян нарса ёки ходисанинг энг яхши, ғоят кадрли ва мукаммал ҳолатини англатади. «И. инсон», «И. жамият» ва ҳ.к. Тор маънода, шахс (инсон) қобилиятларини ифода этадиган мезон. И. алоҳида шахс ёки ижт. гуруҳнинг мукаммалликка доир сифати, хусусияти, хатти-ҳаракати ва ф-ятини ифода этади. И. ахлоқий (шахсга хос ахлоқий сифатлар), ижт.-сиёсий (ижт. тузум, ж-ят), эстетик (ғўзал инсон) ва ҳ.к. шаклларда намоён бўлади. Ҳоз. вақтда жаҳон миқёсида ҳуқуқий демократик дав. ва фуқаролик ж-яти ижт.-сиёсий соҳадаги И. бўлиб қолмоқда.

Инсон И. сари интилади, унинг асосий мезон ва талабларидан келиб чиққан ҳолда, ўзи ва ўзгаларнинг хатти-ҳаракатларига, ж-ятдаги ҳукмрон қараш ва мезонларга баҳо беради. И. инсон ҳаётидаги энг олий маънавий-ахлоқий талаб бўлиб, унга эришиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар шахсни камолотга етказди. Ижт. талабларга боғлиқ ҳолда И.лар ўзгариши ҳам мумкин. Лекин башарият учун ҳеч қачон ўзгармайдиган И.лар ҳам мавжуд. Булар – адолатли ж-ят, тенглик ва дўстлик, дунё миқёсида тинчлик-тотувликнинг ҳукмрон бўлиши, барча халқларнинг ўзаро ҳамкорлик, аҳиллик ва ҳамжиҳатликда яшashi ва ҳ.к.

И. муайян тарихий шароитда ижт. ҳаётнинг барча жабҳалари б-н боғлиқ ҳолда шаклланади. Таълим муассасаларида ўқувчи ҳамда талаба-ёшларда мукаммал И.ни шакллантириш алоҳида аҳамиятга эга. Чунки И. шахс ижт. онгини ўзгартиришнинг кучли восита-

си бўлиб, у инсонни ижт. вазибаларни ечишга сафарбар этади.

ИДЕАЛЛАШТИРИШ – тажрибада ва воқеликда яратиш мумкин бўлмайдиган баъзи мавҳум объектларни тузиш б-н боғлиқ бўлган фикрий ҳаракат. Идеаллаштирилган объектлар бирон-бир аниқ объектни илмий таҳлил қилиш воситаси бўлиб, аниқ объектлар назариясини яратиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Идеаллаштирилган объектлар объектив предмет, жараён ва ҳодисаларнинг инъикоси сифатида майдонга чиқади. И. ўзи чамбарчас боғлиқ бўлган «мавҳумлик» б-н бир қаторда, воқелик қонунларини билишнинг муҳим воситаси сифатида юзага келади. И. фан услубиёти тушунчаси бўлиб, назарий ва эмпирик билим тузилиши хусусиятларини, унинг ўзига хослиги ва вазибаларини ифодалайди. Шу нуқтаи назардан ҳам И. пед. учун қимматли усул ҳисобланади. И. усули ёрдамида пед. жараёнлар моделлаштирилади, уларнинг тимсоллари яратилади.

ИДЕНТИФИКАЦИЯ (лот. – айнанлаштирмоқ, тенглаштирмоқ) – 1) субъектнинг ўзини ўзга объект, гуруҳ, гуруҳ вақилига ўхшатиш ёки тенглаштиришда эмоционал-когнитив англаш жараёни; 2) билимлар, тушунчалар, тасаввурлар ва шахсий хислатлар орқали суҳбатдошини айнан тушуниш жараёни маҳсули. Унда айнан тушуниш ўзини суҳбатдоши б-н солиштириш орқали баҳоланади; 3) тажриба натижасида олинган ахборотларнинг баъзи бир фараз қилинган назарий алоқадорликка мос келиши, яъни назарий тадқиқот натижалари ва тажриба давомида олинган функционал ёки статистик алоқадорликни ўрнатиш жараёни.

ИДРОК (араб. – эришиш, фахмлаш, онг, тушунча; ақл) – 1) ақл асосидаги мураккаб билиш жараёни, руҳий-интеллектуал қобилият. Тафаккур – фикрлаш, таҳлил этиш орқали билиш бўлса, И. нарсаларнинг ҳосса ва хусусиятларини умумлаштириш орқали билишдир. И. этиш жараёни киска ёки узоқ муддатли бўлиши мумкин. Апперцепция ҳодисаси туфайли одамлар ўз идрокининг мазмуни б-н бир-биридан муайян даражада фарк қилади. Яъни улар айнан бир нарсани, ўз билим савияси, маслағи, нуктаи назари, дунёқараши, ижт. келиб чиқишига қараб, турлича И. қилади ёки ақс эттиради.

И. вақт (замон), ҳаракат, фазо (мадон) ёрдамида атроф-муҳит, биосфера ва ижт. турмушнинг моҳиятига дахлдор ҳолатларни қабул қилиб туради. Нарса ва ҳодисаларнинг яшаш шакли, узлуксиз ҳаракатда бўлиши, муайян объектив вақт бирлигида ҳукм суриши инсон онгида бевосита ақс этади. И. этиш жараёнида унинг феноменлари (юн. *phainomenon* – кўриб, гайриодатий ҳолат) ҳодисаларни ақс эттиришда иштирок этади: а) галлюцинация (лот. *hallucinatio* – алаҳлаш, босинқираш, сароб, яъни йўқ нарсаларнинг кўзга кўриниши, эшитилиши, сезилиши); б) иллюзия (лот. *illysio* – хато, адашмиш, янглишиш); в) аттракция (франц. *attraction* – ўзига тортиш, маҳлиё этиш, жалб қилиш); г) яққол кўриниш (рус. *основидение* – олдиндан яққол кўриш, тайибдан аниқ хабар олиш) кабилар шулар жумласидандир. И.нинг предметлиги, яхлитлиги, аниқ таркибий тuzилмага эга эканлиги (структуравийлиги), константлиги (ўзгармаслиги),

анланганлиги, танловчанлиги унинг энг муҳим хусусиятларидир. И. муайян турларга, босқичларга (перцепция, апперцепция, антиципация – олдиндан пайқаш; рефлексия – тушуниш, англаш; субсенсор, субцептив, сенсомотор ва ҳ.к.), қонуниятларга, механизмларга эга бўлган билиш жараёнидир.

2) И. – тирик организмнинг маълумотларни қабул қилиб, қайта ишлаш жараёни. У организмга объектив реалликни ақс эттириш ва ташқи оламдаги янгидан-янги вазиятларни баҳолаб, шунга яраша ҳаракат қилиш имконини беради. И. онгнинг, миянинг ижодий жараёнидир. И.нинг физиологик асоси бош мия ярим шарлари пўстлогининг анализ ва синтез ф-ятидан иборат. Бу ф-ят сезги аъзоларимизга таъсир қилиб турган нарсаларнинг битта хусусияти б-н эмас, балки жами хусусиятларининг таъсири б-н боғлиқ. И. ана шу барча хусусиятлар ўртасидаги муваққат боғланиш натижасида юзага келади. Инсон миясининг умумлаштирувчи ф-ятига асосланган И. жараёнида кишининг тажрибаси, билими, абстракт тафаккурнинг ф-яти ва б. ҳам иштирок этади. Шунинг учун кишилар айни бир нарса ёки ҳодисани ёшлари, маълумотлари, турмуш тажрибалари, касблари, ижт. келиб чиқишлари, характер, қобилият ва қизиқишларида кўринадиган шахсий хусусиятларига қараб ҳар хил И. қиладилар.

И.нинг муҳим хусусиятларидан бири барқарор (констант)лигидир. Инсон бир вақтда идрок қилган нарсани ўз хотирасида сақлаб қолиш ва уни қайта тиклаш қобилиятига эга. Бир нарсанинг ана шундай қайта тикланган тимсоли И. жа-

раёнининг ажралмас қисми. И.нинг хусусияти кўп жиҳатдан ҳиссий кечинмаларга (шодлик, ғамгинлик, тажанглик ва ҳ.к.) ҳам боғлиқ. Мас., кишининг таъби хира вақтида табиат манзаралари унга аллақандай сўниқдек кўринса, таъби чоғ вақтида у бутунлай бошқача кўринади.

И. сезгиларнинг ўсиши асосида ривожланади. Аммо И. айрим сезгиларнинг шунчаки йиғиндиси бўлмаганидек, И.нинг ривожланишини ҳам айрим сезгиларнинг ўсишидан иборат деб бўлмайди, И.нинг ривожланиши анча мураккаб жараёндир. Мактабгача ёшдаги ва кичик мактаб ёшидаги болаларнинг идроки улардаги ҳис-туйғу ҳамда хатти-ҳаракатлар б-н чамбарчас боғлиқ. Бу ёшдаги болалар даставвал ўзининг ёркинлиги б-н хайратга солувчи, ажаблантирувчи нарсаларни И. қиладилар. Кичик ёшдаги болаларнинг идроки, одатда, унча ривожланмаган бўлади. Албатта, И. ёш б-н боғлиқ. Айни вақтда боланинг турмуш тажрибаси, болага берилган таълим-т-я даражаси ва шу қабилар ҳам И. даражасига таъсир кўрсатади. Таълим жараёнида болалар нарсани синчиклаб кўздан кечиришга, унинг асосий ва муҳим хусусиятини ажрата олишга ўрганадилар. И. мақсадга йўналган онгли жараёнга айланиб боради. Ўқувчининг ёши улғайган сари унинг идроки янада мазмунли бўлади. Ўқувчи идрокининг кўлами кенгаяди, ўқувчи нарсаларни ихтиёрий равишда изчил ва ҳар томонлама И. қилишга ўрганиб боради.

Ўсмирлик даврида бола маълум мақсадни кўзлаган ҳолда И. қилишнинг уддасидан чиқа билади — нарса ва

ҳодисаларнинг муайян билимлар олиш учун зарур бўлган томонларини И. қилади. Бу жиҳатдан қараганда, ўқувчининг қизиқишлари биринчи даражали аҳамиятга эгадир. Ўсмирлар ўзларига ёқадиган нарсаларни кунт ва сабот б-н И. қиладилар. Ўсмирларнинг нарса ва ҳодисаларнинг нотаниш томонларини билишга интилиши илк болалик даврига қараганда кучлироқ бўлади. Ёш болалар ўзларига илгари таниш бўлган нарсани И. қилишдан ҳам ҳузурланаверади. Шунинг учун улар бир кўрган мультфильмини қайта-қайта кўраверадилар. Ўсмирга эса нарса ва ҳодисаларнинг янги томонларини мустақил очиш жуда ёқиб тушади. Бу ёшдаги болаларнинг қаҳрамонлар жасорати, буюк воқеалар, улкан кашфиётлар ҳақидаги ҳикоятларни зўр эътибор б-н тинглашларига, қаҳрамонона ишлар, саргузаштлар ҳақидаги ҳамда илмий-фантастик ад.ларни севиб ўқишларига сабаб ҳам шундадир.

Юқори синф, коллеж ва лицей ўқувчиларининг И.и мақсадга кўпроқ йўналган бўлади ва улар И.ларини ўзлари идора қила биладилар. Киши шахсининг И.ка таъсир кўрсатиши мана шу ёшдаги даврда айниқса яққол ифодаланади. Мас., ўзининг бўлажак ихтисосини танлаб олган ўқувчилар шу соҳага алоқадор фанларни тўлароқ, чуқурроқ ва ҳар ёқлама И. қиладилар.

Ўқитувчи-мураббийлар, ота-оналар томонидан бола ф-ятига йўналтирилган мақсад кўзлаган ҳолда, раҳбарлик қилиш жараёнида ўқувчиларнинг идроки муваффақиятли равишда ривожланади.

Катта ёшдаги бола идрокида телевизор ва интернет тармоги таъсири катта эканлигини ҳам эътироф этмоқ керак.

И. қилиш ва кузатишлар жараёнида ўқувчиларнинг кузатувчанлик қобилияти ўсиб боради. Чинакам кузатувчанлик ўқувчининг фан асосларини ҳар томонлама чуқур, пухта ўзлаштиришига имкон беради, ўқувчида синчковлик, зийраклик, ўткир зеҳнлилик каби фазилатларни ўстиради.

ИДРОК ҚИЛИШ – тушунчанинг шаклланиш жараёни. Яъни номаълум бўлган нарсани маълум нарса бўлаги б-н боғлаш ва шу асосда таълим олувчиларнинг маълумотларини кенгайтириш.

Турли ф-ят турларига мос равишда қуйидагича маълумотлар ўқувчилар хотирасида сақланиб қолади, агарда ўқувчи қуйидаги ҳолатларда ф-ят юритса: ўқиса, маълумотларнинг 10 % и; эшитса, маълумотларнинг 26 % и; кўрса, маълумотларнинг 30 % и; кўрса ва эшитса, маълумотларнинг 50 % и; бошқалар б-н муҳокама қилса, маълумотларнинг 70 % и; шахсий тажрибага асосланса, маълумотларнинг 80 % и; бажарилаётганда гапирса, маълумотларнинг 90 % и; бошқаларга ўргатса, маълумотларнинг 95 % и ўзлаштирилади.

ИЕРАРХИЯ (юн. *hierarchia*, *hieros* – авлиё ва *arche* – ҳукмронлик, ҳокимият) – бир бутун нарса ёки ҳодисалар айрим қисмлари ёки элементларининг юқоридан қуйига томон бир тартибда жойлашуви; коинотнинг тузилишидан то дав., ж-ят, табиат, турли тизим ва ташкилотларнинг қуйидан юқорига, юқоридан қуйига, оддийдан мураккабга,

мураккабдан оддий тузилмаларга қараб йўналган погоналари, босқич ва даражалари, ўсиш, юксалиш тартиблари.

И. тушунчаси фанга 19-а.нинг 2-ярмида кириб келди. Дастлаб И. ж-ятнинг синфий табақаланишини ва ҳокимият тузилишини тавсиф этиш мақсадида қўлланилган. 20-адан эса ҳар қандай объект системасини тавсиф этишда қўлланила бошланди.

Пед.да И. атамаси бир гуруҳга мансуб тушунчалар ўртасидаги ўзаро муносабатларни, яъни уларнинг билиш, фаҳмлаш, идрок этиш, тушуниш борасидаги ф-ятини бошқариб турадиган хатти-ҳаракатларни ифодалайди. И. турғун бўлмасдан вазиятга қараб ўзгариб туриши (нисбий доминантлик) ёки мутлақ бўлиши (мутлақ доминантлик) мумкин. Мутлақ доминантлик кўпинча аниқ йўналишли хусусиятга эга (мас., гуруҳ аъзоларининг фикрлаш жараёнида бир-биридан устунликларини ифодалайди) бўлиб, ҳар бир таълим олувчи гуруҳда ўз мавқеига эга бўлади. Номунтазам И.да унинг таркибий қисмлари ўртасида муносабатлар шароитга қараб ўзгариб туради.

Пед. нуқтаи назардан инсон ахлоқий, маърифий, маънавий камолотининг босқичлари даражали тавсифга эга. Ҳар бир шахс ақлий ф-ятга киришгач, у атрофдаги табиатни, иқлим шароитини, наботот ва ҳайвонот оламини ўрганади. Унинг мазкур ф-яти иерархик хусусиятга эга. Таълим тизими ва ўқув материалларини танлашда элементлар орасидаги ўзаро И.га қатъий амал қилиш керак. Ўқув топшириқлари оддийдан мураккабга тамойили асосида тузилади

ва унинг элементлари орасида ўзаро И. таъминланади.

ИЕРАРХИК ТИЗИМ – ихтиёрий табиатли (техник, иктисодий, биологик, ижт. ва ҳ.к.), амал қилиш жараёни (функцияси) кўп босқичли (функционал, ташкилий ва шунга ўхшаш) тизим. У мантиқий кетма-кетлик асосида иш олиб боришга ўргатади ва кўп босқичли боғланишга эга бўлган элементлар ҳамда тизимлар орасидаги қонуний муносабатни белгилаш; билимларни эгаллаш узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлашни амалга оширади.

И. т. таълим ва т-яда билимларни оддийдан мураккабга, осондан қийинга томон эгаллашдаги асосий қонуниятни ифодалайди ва, ўз навбатида, у қуйида олинган билимларни эгаллашга пропедевтик материал бўлишни таъминлайди.

Билимлар, тушунчалар, кўникма ва малакаларни шакллантириш ва уларни умумлаштиришда қўлланилади. Шунингдек, «тизимли ёндашув» тадқиқот усулининг амалиётга татбиқини таъминлашда ҳам фойдаланилади.

Замонавий тадқиқотларнинг деярли барча турларида, яъни «тизимли таҳлил», «тизимли ёндашув» кабиларда И. т.дан фойдаланилади ва у режалаштирилган счимга стиб боришни кафолатлайди.

ИЖОДҚОРЛИК – янгилик учун курашиш, фан-техниканинг энг сўнгги ютуқларини таҳлил қила билиш ва ундан ўзининг ф-ятида оқилона фойдаланишга эришиш, доимо ўз устида ишлаш.

И. – инсоннинг онгли, маълум мақсадга йўналган, ҳаракатчан ф-ятидир.

Шу йўналишли ф-ят б-н у яратувчанликка, ижодқорликка мойил бўлади.

И. – кўпчиликка номаълум ва мураккаб хусусиятларни ўрганишга имкон берувчи инсон тафаккури ва руҳиятининг ҳар хил шароитларда ўзига хос фикрлаш модели. И. – бу ақл гимнастикаси, у нафақат донишмандларга керак, ҳатто оддий ижодқор одамга ҳам зарур. И. – бу, аввало, меҳнатга ижодий муносабатда бўлишни тарбиялаш, янги билимларни ўзлаштиришни уддалай олиш, мақсад сари интилувчанлик, ғалаба учун кураш, ўз-ўзини такомиллаштириш ва ўзликни англашдир. И. – инсониятнинг бир неча минг йиллик тарихий ривожланиши даврида алоҳида кишиларнинг илм-фанда эришган олий неъматни бўлиб, бугунги кунда инсоният яратаётган барча моддий ҳамда маънавий бойликлар ана шу олий неъматнинг у ёки бу кўриниши, яъни маҳсулидир.

И. ижт. ходиса бўлиб, аввало, ижт. эҳтиёж ва ж-ятдаги заруриятлар туфайли содир бўлади. Шу жиҳатдан И.ка асосланган ф-ят натижалари фан, техника ва маданиятни бойитишга хизмат қилади, билимни ривожлантиради. Шунинг учун таълим муассасаларида ўқувчи ва талаба-ёшларнинг И.ка асосланган ф-ятларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш алоҳида пед. кимматга эга.

ИЖОДҚОРЛИК ТАРБИЯСИ – шахсда янги моддий ҳамда руҳий кадриятлар яратишга интилиш туйғусини ва бунга зарур бўлган интеллектуал, амалий малакаларни шакллантиришга қаратилган ф-ят. Ижодқорлик қобилиятини ривожлантириш йўллари ўрганиш инсон

ф-ятининг барча соҳаларида ижодий фикрлай оладиган шахсларни тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун инсонни ҳаётга тайёрлашнинг барча (бошланғич, умумий ўрта, ўрта махсус ва олий) босқичларида И. т.га алоҳида эътибор қаратилади. И. т. баркамолликка интилаётган шахсда чуқур ва мустақкам билимлар тизимини шакллантириш, одамнинг мустақил фикрлашнинг максимал даражада кучайтириш, ижодий изланишларнинг бир мақсад сари қатъий йўналтирилиши, муаммоларни ҳал этишда собитликка эътибор қаратиш йўли б-н амалга оширилади.

И. т. ёшларда яратиш малакаларини шакллантиришга қаратилган макетлар ясаш, моделчилик, расм чизиш, иншо, мақола, тақриз, хогира, таассурот ва мулоҳазалар ёзиш каби кўпдан-кўп шаклларда намоён бўлади. И. т.ни йўлга қўйишда фан тўғараклари, «Баркамол авлод» болалар марказларида ташкил этиладиган ранг-баранг машғулотлар, муسابоқа ва олимпиадалар муҳим ўрин тутади.

Бошланғич синф ўқувчиларининг И. т.да суҳбат мет.и катта аҳамият касб этади. Бу мет. боланинг фикрлаш фаоллигига қаратилган бўлади. Унда кузатувчанликнинг пайдо бўлиши, ташаббускорлик ва ўткир зехн шаклланиши ҳамда ривожлантирилишига қаратилади. Саёҳатлар, техник ижодкорлик юмушлари, нарсаларга қараб ёки тасаввур асосида тасвирлаш ишлари ҳам болага И. т.ни беришга қўмаклашади. У. ў. т. тизимининг юқори синфларида ўқув материалларини муаммоларни тақдим этиш усули, таълим жара-

ёнининг тадқиқот ва илмий изланишлар кўринишида ташкил этилиши, ОЎЮда талабанинг мустақил ишлашини тўғри уюштириш И. т.га хизмат қилади. Талабанинг мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга маърузаларда, семинар дарсларида эътибор бериш лозим. Талаба ёшларнинг И. т.ни тўғри йўлга қўйиш курс ишлари, рефератлар тайёрлаш, диплом ишлари ёзиш, илмий анжуманларда катнашиш, каф. тадқиқотларида иштирок этиш тарзида намоён бўлади.

Турли танловлар, олимпиадалар, синф ҳамда мактабдан ташқари ишларда катнашиш ўқувчи ва талаба-ёшларнинг ўз қизиқиш, қобилият ва имкониятларини тўлиқ намоён этишларига ёрдам беради. Талаба ва ўқувчиларнинг назарий конференциялардаги илмий мунозаралари ҳам уларда илмий ҳодисаларга ижодий ёндашиш ҳиссини тарбиялайди.

Ўқувчиларга И. т.ни бермоқчи бўлган ўқитувчининг ўзида ижодкорлик ва ташаббускорлик хислатлари бўлмоғи лозим. Ўқитувчининг ижодкорлиги ф-ятининг барча қирралари: дарсни ташкил қилиш, маъруза ўқиш, суҳбат ўтказиш, ўқувчиларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини аниқ ҳисобга олган ҳолда уларнинг ҳамжиҳат ва ўзаро ҳамкорликда ф-ят кўрсатишини ташкил этиш, тарбияланувчилар шахсини чуқур билиш ҳамда ҳурматлаш кабиларда ўз аксини топади. И. т. миллий пед. илми ва амалиётининг нисбатан янги соҳаси, унинг хусусият ва йўналишларини аниқлаш ҳамда амалда қўллаш усулларини белгилаш бўйича жиддий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ижоднинг тарбиявий вазифалари – шахс сифатларини мақсадли шакллантириш ва ривожлантиришга йўналтирилган бўлиб, ижодкорлик ф-ятининг ижт. аҳамиятини, яратувчанлик характерини чуқур англаш, амалий муаммоларни ҳал қилишга ижодий ёндашиш, маънавий ва моддий ишлаб чиқаришнинг умумий илмий асосларини ўзлаштириш, табиатнинг яширин қонуниятлари ва унинг сирларини очиб беришдаги ижодкор шахсларнинг хақиқий истисоддини намоён этишдан иборат. Буларнинг ҳаммаси табиат, илм-фан, ижодкор шахслар ва уларнинг меҳнатига талабаларда муҳаббат уйғотади, ўз касбий ф-яти умумий илмий асосларини тушунишга ёрдам беради. Бу, ўз навбатида, бўлажак мутахассисларнинг касбий ф-ятларига онгли, ижодий ёндашишни таъминлайди, уларнинг ф-ят доирасини кенгайтиради.

ИЖОДҚОРЛИК ФАОЛИЯТИ – инсониятнинг узок тарихий ривожланиши даврида алоҳида кишиларнинг илм-фанда эришган олий неъматини, инсоният яратаётган барча моддий ҳамда маънавий бойликлар шу олий неъматнинг у ёки бу кўриниши.

ИЖОДИЙ ЁНДАШУВ – таълим мақсадларини аниқлаштириш, эришиш зарур бўлган натижаларни белгилаш, белгиланган мақсад ва эришилиши кўзда тутилаётган натижалар б-н ўқувчи-талабаларни олдиндан таништириш, ўрганиладиган мавзулар ва уларнинг мазмун-моҳияти бўйича ўқувчи-талабаларнинг бошланғич тушунчаларини аниқлаш, мақсадга эришиш учун янги ва энг қулай бўлган воситаларни танлаш

ҳамда татбиқ этиш, кўзланган натижаларнинг самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари, мезонлари ва усуллари-ни белгилашга асосланган ф-ят.

ИЖОДИЙ ИЗЛАНИШ МЕТОДИ – педагог бошчилигида қўйилган муаммо ва масалаларни ечиш йўллари фаол излашни ташкил этишга хизмат қиладиган мет.лар.

ИЖОДИЙ ТАФАККУР – эркин фикрлаш ва ижодкорлик тамойили устувор бўлган тафаккур шакли; бир-бирига боғлиқ бўлган ички ақлий омиллар асосида янги тафаккурга эга бўлишнинг мантикий изчиллиги маҳсули.

И. т. воқеа-ҳодисаларни қиёслаш, таққослаш, таҳлил этиш асосида фикр-ни ривожлантириш, унинг янги-янги қирраларини очиб, шу тариқа билим ва тасаввур дунёсини бойитишни англатади. И. т. – инсонга хос энг муҳим хусусиятлардан бири. Бу хусусиятдан маҳрум бўлган инсон бамисоли ҳамма ишни кўр-кўрона бажарадиган қулга айланиб қолади. И. т. соҳиби ўз мустақил фикрига эга бўлади. У ҳаётга, одамларга эркин муносабатда бўлиб, ҳар қандай воқеа-ҳодиса юзасидан ўз фикрини эркин ифода қила олади. И. т. – ж-ятни маънавий янгилаш, одамларнинг онгу тафаккурини юксалтириш, эзгу ғоялар тантанасини таъминлашнинг муҳим шартидир. Шунинг учун ҳоз. вақтда мамлакатимизда ҳуқуқий демократик ж-ят куриш жараёнида И. т. ривожига алоҳида эътибор берилмоқда. Мутафаккир сўзининг ўзаги ҳам фикрдир. Лекин фикр юртиш қобилиятига эга бўлган одамларнинг ҳаммасини ҳам мутафаккир деб

Юксак, теран ва қудратли таълим соҳибон бўлиб, миллий ва умум-инсоний кадриятлар ривожига беқиёс ҳисса қўшган буюк ижодкорлар, аллома ва аъло-вазлиялар мутафаккир деб аташга ҳаққондордир.

ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТ – муайян соҳада инсоннинг б-н шугулланувчи инсоннинг таълимнинг бир мақсадга интилувчанлиги, инсоннинг ҳиссий ҳолати – илҳомланиши, инсоннинг руҳий кечинмаси, муаммони ҳал қилиш б-н ҳал этиш истақлари-нинг жамғирлаштирилган ф-ят тури.

ИЖОДИЙ ҲАМКОРЛИК – ўқувчиларнинг таълим олишни, мантикий фикрла-нишни, ривожлантириш ва қўшимча таълим олишга бўлган эҳтиёжларини қўллашга ундовчи ўйин тури. Таълим қилишда вужудга келтирилган муам-моларни вазиятларни ўқувчилар гуруҳининг ҳамкорликда аввал ўзлаштирилган таълим, кўникма, малакаларини ижодий қўллаш ва изланиш орқали ҳал этишга за-мин тайёрлайдиган дидактик ўйинларни ижодий ўйинлар деб аташ лозим.

И. ўдан муаммоли вазиятлар ҳосил қилинган дарсларда фойдаланиш мақ-сади мувофиқ. Бунда ўқувчилар гуруҳ-ларга тенг бўлиниб, уларнинг ҳар бирига шартли равишда ном берилади. Ҳар бир гуруҳ ижодий изланиб, гўёки янгиликлар кашф этадилар. Ўқитувчи томонидан тавсия этилган топшириқларни кўргаз-мати ўқув қуролларига таянган ҳолда бажариб, ўз жавобларини асослайдилар.

Бундай дидактик ўйинли дарсларда барча ўқувчилар ҳамкорликда ишлай-дилар, аввал ўзлаштирилган билимлари-ни янги вазиятларда қўллаб, уларни

бойитадилар. Бу эса ўқувчиларда ўз кучларига ишонч ўйғотади. Натижа-да ҳар бир ўқувчи жиддий тайёргарлик муваффақиятнинг гарови эканлигини англайди ва янада кўпроқ билим олишга киришади.

ИЖОДИЙ ҚАРОРЛАР – таълим му-ассасаси ф-ятини сидқидилдан ўрганиб чиқишни, махсус изланишлар талаб қиладиган ахборотларни жалб этишни ифодалайдиган ҳодиса. Бундай қарорлар кўпроқ эркин ҳаракат қилишни кўзда ту-тиб, таълим муассасаси раҳбарларининг ижодий ф-ятини ифодалайди.

ИЖОДИЙ ҚОБИЛИЯТЛАР – янги-лик яратиш зарурлиги ва мумкинлигини тушуниш, муаммони ифодалай олиш, ғоя фарзани илгари суриш учун ке-рак бўладиган билимларни ишга сола билиш, фарзани назарий ва амалий жиҳатдан тасдиқлаш, муаммони ҳал қилиш йўллари излаш ҳамда топиш, натижада янги оригинал маҳсулотлар яратиш (илмий кашфиёт, ихтиро, санъат асари, тавсифнома ва ҳ.к.) қобилиятлари.

ИЖОДИЙ ҲАМКОРЛИК – икки ва ундан ортиқ шахснинг биргаликдаги ижодий меҳнати. Ижт. ҳаётга муносаба-ти, ҳаётий тажрибаси, эътиқоди, тили, эстетик ғоялари, ижодий услуби ёки йўналиши бир-бирига яқин кишилар му-айян ижодий ишни биргаликда яратиш-лари мумкин.

ИЖТИМОИЙЛАШУВ – 1) бирон-бир воқеа-ҳодиса, шахс ёки ҳаракатнинг ижт. моҳият касб этиб, кўпчиликка дахл-дор бўлиб, ижт. муносабатлар мужас-самига айланиб бориши. И. жараёни ва унинг ўзига хос хусусиятлари фал.,

социология, ижт. психология, пед., тарих ва этнография фанлари томонидан ўрганилади. И.нинг фал. талқинига Г. Тард асос солган. Шунингдек, И. муаммолари З. Фрейднинг классик психоанализида, интеракционизмда, Л. Виготский ва А. Лсонтъев ижодига, Т. Парсонснинг таркибий-функционал таҳлилида тадқиқ этилган. Ҳоз. кунда И. жараёнининг ўзига хос хусусиятлари Чикаго ва Айовадаги символик интеракционизм мактаблари ва «психодрама» йўналиши намояндалари томонидан ўрганилмоқда. Бу масалага пед.да ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

И. кишилиқ маданияти, хусусан, миллий маданият анъаналарини ўзлаштириб бориш жараёни сифатида ҳам талқин этилиши мумкин. Маданий муҳитга мослашиш жараёни сифатида И. инсоннинг бутун умри бўйи давом этади, бироқ бу жараён боланинг 2 ёшдан 6 ёшгача бўлган даврида бошланади. Мазкур даврда бола маданий қадриятларни ўрганиш жараёнидан узиб қўйилса, И. жараёни тўхтаб қолади. Инсоннинг маданий анъаналарни ўзлаштириш жараёни унинг индивидуаллигининг шаклланиши б-н ҳамоҳангдир.

И. жараёни мураккаб пед.-психологик механизмга эга. Бу механизмнинг руҳий, пед. ва ижт.-маданий йўналишлари мавжуд. И. жараёнининг пед.-психологик жиҳатлари шахс томонидан маълум ижт. ролларнинг қабул қилиниши, ўзлаштирилишида намоён бўлади. Унинг пед., ижт.-маданий жиҳати эса инсоннинг тил, санъат, дин, ва шу қабилар орқали маданий қадриятларни ўзлаштиришига

йўналтирилган пед. жараёни қамраб олади. И. жараёни ўз босқичларига эга. Бу босқичларни аниқлашда турли ёндашувлар асос қилиб олинади.

Шахсни ижт.лаштиришга йўналтирилган пед. жараёнларни ташкил этишда онтогенетик, филогенетик ёндашувларни инобатга олиш зарур. И.нинг ижт. функциялари қуйидагилардан иборат: а) ижт.-тарихий жараён субъектини шакллантиради; б) маданият ва цивилизация тараққиётида ворисийликни таъминлайди; в) шахсни ижт. муҳитга мослаштириш орқали ж-ятнинг бир маромда тараққий этишига замин яратади. Бугунги кунда И. муаммоларини ўрганишда фал., социологик, ижт.-психологик ва тарихий-этнографик таҳлил натижасида яратилган услуб ва ёндашувлардан пед.да комплекс фойдаланиш тенденцияси вужудга келмоқда; 2) ж-ятнинг муваффақиятли ривожланиши учун зарур бўлган ижт.-пед. тизим, ижт. меъёр ва қадриятларни шахс томонидан ўзлаштириш жараёни. И. инсоннинг маданият, коммуникация таъсири остида шаклланиш жараёнини ҳам англаиб, субъектларнинг бир-бири б-н мулоқотга киришишларини ҳам англади. Бу жараён инсоннинг бутун умри бўйи давом этади. И. масалалари б-н З. Фрейд ва б. олимлар шуғулланишган. З. Фрейд боланинг ривожланишидаги айрим механизмларга аҳамият беради. Унинг таъкидлашича, боланинг камол топиши, шахс бўлиб шаклланишида ота-оналар б-н бўладиган муносабатлар муҳим. Ж. Пиаже шахснинг ривожланишида айрим даврлар бўлишини тан олади, лекин бир босқичдан

иккинчи босқичга ўтишда ижт. таъсир муҳим деб ҳисоблайди. Унинг таъкидлашича, шахснинг айрим схемалари когнитив структуралар орқали бошқарилгани учун боланинг И.и юқорида кўрсатилган структура, схемаларга мослашади, янги тажрибалар орқали «мувозанатлашади». Т. Парсонс, Р. Бейла ва З. Фрейдлар ижт. таъсир ва ижт. система тушунчаларидан фойдаланиб, ижт. объектнинг таъсири натижасида маданият элементлари, умумий билимлар, билимдонлик, хулқ ёрдамида шаклланишини ифодалаб берганлар.

М. Мид ва Р. Бенедикт индивид ривожланишининг турли даврларида маданият, ота-оналарнинг таъсири қандайлигини текшириб, ҳар бир давр учун алоҳида И. тўғри келишини кўрсатган. И. муаммоларига, айниқса, психологияда кенг аҳамият берилади. Айрим муаллифлар фикрича, И. фақат болалик давригагина хос бўлмай, инсоннинг бутун ҳаёти давомида амалга ошади. И. икки ёқлама характерга эга бўлган жараён бўлиб ж-ят тараққиётига ҳам сезиларли таъсир кўрсатади.

ИЖТИМОЙЛАШТИРИШ – субъектларда юксак маънавият, маданият ва ижодий ф-ятни шакллантиришдан иборат ҳаракат. Мазкур ҳаракат пед. жараёнда ижодий таълим муҳитини яратишга хизмат қилади.

ИЖТИМОЙ БИЛИМДОНЛИК – шахснинг обрў-эътибори, яъни ижт. жиҳатдан стуклиги, маълум ахлоқий сифатларга эгаллиги, шахсий тажриба ва ҳузатишлар асосида ўз мустақил фикрларини шакллантира олиши, атрофдагиларга таъсир кўрсата олиши, шахслар-

аро муносабатларни йўлга қўя олиш соҳасидаги билимдонлик даражасини ифодаловчи тушунча.

ИЖТИМОЙ ИДЕАЛ – ж-ят, миллат ва халқ, Ватан ёки айрим ижт. гуруҳлар ҳаётини энг юксак мезонлар асосида ўзгартириш ҳақидаги орзу-умидлар ва шундай даражага етиш йўлларини кўрсатиб берадиган фикр ва таълимотларни акс эттирадиган тушунча. Дав. ва жамоат арбоблари, мутафаккирлар, файласуфлар, илм-фан ёки санъат аҳли И. и.ни ифода этадиган куч бўлиши мумкин. И. и. қайси ижт. гуруҳ ёки тоифа манфаатларини қўллаши, ҳаётийлиги ва инсониятга нақадар фойдали эканлигига қараб, ижобий, тараққийпарвар, миллий ёки умумбашарий аҳамиятга молик бўлади. «Авесто»да эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амал устувор бўлган ж-ят, қад. юнон фал.сида халқнинг доно вакиллари, донишмандлар бошқарадиган маърифатли дав., ахлоқий баркамоллик, юнон санъатида эса жисмоний гўзаллик ва ҳарбий қудрат, қулларни итоатда сақлаш, Шарқ фал.си ва диний-ижт. таълимотларда адолат, комиллик, тасаввуф таълимотида барча иллатлардан покланиб, фақр ва фано мақомига эришиш И. и. ҳисобланади. Инсоният тарихида умумбашарий И. и.дан ташқари ҳар бир мутафаккир ёки санъаткорнинг ўзига хос қарашлари бўлади. Мас., Шарқ ва Ғарб Уйғониш даврларида ижод қилган мутафаккирлар Имом Бухорий, Имом Термизий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Ибн Рушд, Ибн Туфайл, Рафаэл, Леонардо да Винчи, Сервантес, Лопе де Вега, Микеланжело ва б.нинг илмий ва

бадий асарларидан ўрин олган инсоният бахт-саодати ҳақидаги И. и.лар бутун инсоният учун ҳоз. кунга қадар долзарб бўлиб келмоқда.

Алишер Навоийнинг адолатли ж-ят ва комил инсон тўғрисидаги қарашлари ҳам И. и.дир. Ўзбекистонда дунёдаги энг ривожланган дав.лардаги каби тараққиёт ва ҳаёт даражасига эришиб, ҳуқуқий демократик дав., эркин фуқаролик ж-яти барпо этиш И. и. бўлиб, Ўзбекистон халқи бу эзгу мақсад сари изчиллик ва қатъият б-н илгарилаб бормоқда.

ИЖТИМОЙИЙ МАРКАЗЛАШГАН ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ – таҳсил олувчи ҳаётий ф-ятининг ижт.-пед. шарт-шароитлари ва параметрларини кенгайтириш ҳамда ривожлантиришга хизмат қиладиган таълим техн.си.

ИЖТИМОЙИЙ МОСЛАШИШ – шахснинг ижт. муҳитга доимий фаол мослашиш жараёни ва бу жараёнинг натижаси. И. м. узлуксиз хусусиятга эгаллигига қарамадан, уни одатда, шахснинг ўз ф-ятини ва ўзини ўраб турган ижт. муҳитини ўзгартириш босқичлари б-н боғлайдилар. Шахснинг муҳитга киришиб кетиши унинг ҳулқи, ф-яти, муомаласи орқали содир бўлса, мослашишнинг мукамаллиги вужудга келади. Шахснинг катта ёки кичик гуруҳлар муҳитига мослашиши ишлаб чиқариш самарадорлигини оширади, таълим-т-я жараёнини яхшилашга ёрдам беради.

ИЖТИМОЙИЙ МУНОСАБАТЛАР – ж-ят ҳаётида моддий ва маънавий ф-ят натижасида турли субъектлар ўртасида қарор топадиган ўзаро муносабат ва ҳаракат мезонларини ифодаловчи ту-

шунча. И. м. моддий ва маънавий муносабатларга бўлинади. Моддий несъматлар ишлаб чиқариш ж-ятнинг яшаши ва ривожланишининг асосини ташкил этади. Шу боис И. м. дан энг муҳими ишлаб чиқариш ва иқтисодий муносабатлардир. Ишлаб чиқариш муносабатлари бошқа ҳамма И. м. – сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний ва ҳ.к. муносабатларнинг характерини белгилайди. Барча И. м.нинг ишлаб чиқариш муносабатларига боғлиқ эканини тушуниш ж-ят тарихий тараққиётининг қонуниятларини илмий равишда изоҳлашга имкон берди. Шунинг учун ўқувчи ва талаба-ёшларнинг И. м. ҳақидаги тасаввурларини кенгайтириш, уларни худди шундай муносабатларга муваффақиятли тайёрлаш таълим тизими олдида турган муҳим вазифалардан ҳисобланади.

ИЖТИМОЙИЙ МУҲИТ – 1) инсоннинг ижт. мавжудот сифатидаги асосий билим, тажриба ва қўникмаларини, хусусиятларини шакллантирадиган моддий ва маънавий шарт-шароитлар мажмуаси. И. м. кенг маънода, ижт.-иқтисодий тизимни, ишлаб чиқариш муносабатлари, ижт. ин-тлар мажмуи, ижт. онг шакллари ва ж-ят маданиятини қамраб олади (макромуҳит). Тор маънода, инсон бевосита яшайдиган, меҳнат қиладиган оила ва жамоа, ўқув даргоҳи, маданият масканларини ўз ичига олади (микромуҳит). И. м. шахс маънавиятининг шаклланиши ва ривожланишига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Айни вақтда инсоннинг ижодий фаоллиги, ф-яти таъсирида ижт. муҳит ўзгаради, бу ўзгаришлар жараёнида одамларнинг

ўзлари ҳам ўзгаради; 2) инсонни ўраб турган, унинг шаклланиши, яшаши ва ф-яти юз берадиган моддий, ижт. ва руҳий шарт-шароитлар мажмуи бўлиб, инсоннинг турмуш тарзига ҳал қилувчи таъсир ўтказувчи жараён маҳсули.

ИЖТИМОЙ ПЕДАГОГИКА – 1) жамоатчилик т-я ин-глари ҳақидаги фан; шахсни шакллантиришга йўналтирилган таълим-т-я тизими; 2) шахсни ижтимоийлаштириш, ж-ят ҳаётига тайёрлаш муаммолари б-н шуғулланадиган пед. фанининг алоҳида тармоғи.

ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИЯ – кишиларнинг ижт. гуруҳларга бирлашиши, гуруҳий тавсиф, шахснинг руҳий ф-яти ва хулқ-атвори, ижт. психологик қонуниятлар, ҳолатлар, ҳодисалар, ижт. йўл-йўриқларни тадқиқ қилувчи психология соҳаси. Авваллари ижт. психологияда воқелик фал. нуқтаи назардан ўрганилиб келинган, лекин шахс, гуруҳ, жамоа муносабатлари қамраб олинмаган. И. п. фанига умумий психология, социология, антропология, криминология, фал. каби фанлар асос бўлиб хизмат қилган. 19-а.нинг 2-ярмида И. п.ни фан сифатида ривожлантиришга илк уринишлар бўлган. Жаҳон жамоатчилиги томонидан И. п. 1908 й.дан фан сифатида тан олинган. 2-жаҳон урушидан кейинги йилларда АҚШ ва б. мамлакатларда психология муаммолари юзасидан тадқиқотлар ўтказила бошланди. Айниқса, АҚШда Которнинг ўтказган тажрибаси, Э. Меснинг изланишлари И. п. тарихида муҳим ўрин эгаллади. Бу тадқиқотларга кичик гуруҳлар асосий объект қилиб олинган, тажрибалар эса лаб. шароитида ўтказилган. И. п. фан си-

фатида мулоқот, муомала қонуниятлари, шахслараро муносабат, индивидуал ва гуруҳий ўзаро таъсир, гуруҳларнинг ички ва ташқи тузилиши, уларнинг турлари, таснифи, оммавий ҳолатлар ва ҳаракатлар, ижт. ва миллий онг, менталитет, миллий киёфа, характер, таъб, анъана, одат, маросим ва бошқаларни текширади. И. п. бир неча соҳаларни ўз ичига қамраб олади: этнопсихология, дин психологияси, оила психологияси, бошқарув (менежмент) ва маркетинг психологияси, кичик ва катта гуруҳ психологияси, модалар психологияси, реклама психологияси, инсонни инсон томонидан идрок қилиш психологияси, амалий И. п. кабилар. Ўзбекистонда И. п. йўналишидаги тадқиқотлар, асосан, мустақиллик даврида йўлга қўйила бошланди. Бу ишлар заминида И. п. соҳаларидан бири – «Оила психологияси» илмий мактаби вужудга келди. Ўзбек оиласининг ижт., психологик, этнопсихологик хусусиятлари ҳақидаги маълумотларни ўзида мужассамлаштирган «Оила психологияси» дарслиги яратилди. Мамлакатда Республика «Оила» илмий-амалий маркази ф-ят кўрсатади. И. п.да амалга оширилган тадқиқотларнинг натижаси ижт., пед. ва тарбиявий ишлар назарияси ва амалиётида кенг фойдаланилади.

ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК МЕТОДЛАР – раҳбар ташаббуси б-н ходимларнинг жамоада ўзини эркин тутиши, ўз-ўзини намоён қилиши, турли жараёнларда эркин иштирок этиши, фикр билдириш учун муносиб шарт-шароит ва ижодий муҳит яратилишини англатувчи усул.

ИЖТИМОИЙ-ПСИХОЛОГИК МОСЛАШУВ – субъектларнинг таълимий муҳит таъсирига мослашувини назарда тутувчи, унинг маълум бир гуруҳдаги кадриятлар б-н яқинлашуви. мазкур янги муҳитдаги ижт. меъёрларни, анъана ва гуруҳий маданият элементларини ўзлаштиришини ифодалайдиган ф-ят. И.-п. м. ҳам касбий мослашув сингари маълум бир имкониятлар даражасида субъектнинг ташқи муҳит таъсирини ўз ички дунёси, кечинмалари, мақсад ва эҳтиёжларига мослаштириб олишига боғлиқ.

ИЖТИМОИЙ-ПСИХОЛОГИК САМАРАДОРЛИК – пед. жараёнлардаги таълимий муҳит ҳолатининг тавсифи бўлиб, субъектлар эҳтиёжларининг ривожланиши, уларнинг яратилган шарт-шароитлардан ва ўз ф-ятидан қониқиш ҳосил қилиш даражасини ифодаловчи кўрсаткич.

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҒОЯЛАР – башарият ёки маълум бир халқнинг орзу-умиди, мақсад-муддаоларини ифода этадиган, эркин ҳаёт ва адолатли тузум, дав. ва ж-ят қурилиши, миллат ва элатлар келажаги ҳақидаги умуминсоний ғоялар. Озодлик ва мустақиллик, адолат, ҳақиқат, дўстлик, тенглик ва ҳамкорлик, тинчликсеварлик ва инсонпарварлик ғоялари шулар жумласидан. Асрлар мобайнида бундай буюк, ўлмас ғоялар халқларга куч-қувват ва илҳом бағишлаб, уларни ўз бахту саодати, фаровонлиги учун курашга сафарбар этиб келган. Бундай ғояларни ўқувчи ҳамда талаба-ёшларнинг онгига сингдириш пед. фани олдида турган муҳим вази-

фалардан ҳисобланади. Шу мақсадда мустақиллик йилларида миллий ғоя т-ясининг асослари яратилди ва мунтазам ривожлантирилмоқда. Мазкур мақсадга йўналтирилган пед. тизим ўқув дастурлари, дарсликлар, ўқув ҳамда методик қўлланмалар б-н бойитилмоқда.

ИЖТИМОИЙ ТАРБИЯ – шахс онгу тафаккури, маънавий-маърифий оламини ж-ятнинг мақсад ва вазифаларига уйғун ҳамда ҳамоҳанг равишда шакллантириш ва ривожлантириш жараёни, кишиларни ижт.-иктисодий ва маданий ҳаётда фаол иштирок этишга даъват қиладиган барча эзгу таъсир ҳамда омиллар мажмуи. И. т. – тарбиявий таъсирнинг аниқ мақсад асосида амалга ошириладиган, оила т-яси, маҳалла т-яси, мактаб т-яси, ўрта махсус ва олий таълим т-яси, меҳнат жамоаси т-яси, жамоатчилик т-яси каби т-я интларини қамраб оладиган мураккаб маънавий-маърифий жараёндир. И. т. тизими самарадорлигини ошириш ушбу жараён ташкилотчилари ва тарғиботчиларининг унинг мақсад ва вазифалари, устувор йўналишлари, омил ва воситалари, усул-услуглари ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиши, замон талаблари асосида иш олиб боришига боғлиқ. Мамлакатимизда янги ж-ят асослари барпо этилаётган ҳоз. шароитда И. т.нинг асосий мақсади фуқароларни инсонпарвар демократик ж-ят, ҳуқуқий дав. қуриш ишига сафарбар этиш, ягона умуммиллий ғоя атрофида бирлаштиришдан иборат. Унинг асосий вазифаси эса жисмоний бақувват, маънавий етук, руҳан тетик, мустақил фикрлаш, ишлаш ва яшаш қобилиятига эга бўлган, замонамизнинг илм-фан,

техника-техн. ютуқларини, илғор касб-хунарларни эгаллаган баркамол инсонни шакллантиришдан иборат. Ҳар бир даврнинг ўзига хос И. т. усуллари ва воситалари бўлади. Қадим замонларда И. т. ёш авлоднинг кекса авлод тажрибаларини ўзлаштириб олишидан иборат бўлган. И. т., асосан, меҳнат ф-яти (овчилик, чорвачилик, деҳқончилик каби) жараёнида, турли урф-одатлар ва маросимларни ўтказиш вақтида амалга оширилган. У. асосан, жисмоний бақувват бўлишга қаратилган. И. т. жисмоний, ҳарбий, ватанпарварлик, тарихий т-я, маънавий-маърифий, эстетик т-я сингари турларга бўлинади. Жисмоний, ҳарбий, ватанпарварлик, эстетик, ахлокий, экологик т-я моҳиятида муштараклик ҳам, ўзига хослик ҳам борки, улар шахснинг ижт.лашувини таъминлайди. Жисмоний т-яда инсоннинг гавда ва вужуди чиниктирилади, ҳарбий т-яда инсонга ҳарбий билим берилиб, зарур кўникмалар ҳосил қилинади. Ватанпарварлик т-ясида инсоннинг руҳи тарбияланиб, унда она Ватан тақдири учун масъуллиқ фазилатлари ривожлантирилади. И. т.да ота-она меҳри, Ватан муҳаббати, устоз-шоғирдлик анъаналари, миллий кадриятлар, шунингдек, маҳалла ва жамоат назорати ҳам катта таъсир кучига эга бўлиб, ёшлар камолотида муҳим аҳамият касб этади. Глобаллашув даври т-янинг бошқа шакллари истори И. т. тизимини ҳам такомиллаштиришни талаб этмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда юртимизда самарали И. т. тизими шакллантирилди.

И. т. дастлаб ота-оналар, тарбиячилар, ўқитувчилар, мураббийлар ва кенг жамоатчилик томонидан амалга оширилади. И. т. натижасида шахснинг ижт.лашиш жараёни тезлашади. У ижт. муносабатларга киришиш усуллари-ни ўзлаштиради. Шахсга касб-хунар ўргатиш ва, умуман, кишининг ғоявий ва маънавий кифасини шакллантиришга қаратилган хатти-ҳаракатлар жараёни И. т.дир. И. т. – бола онгини муайян ж-ятнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ равишда таркиб топтириш ва ривожлантириш жараёни ҳамдир. Кишиларнинг ижт.-иқтисодий ва маданий ҳаётдаги фаол иштирокига қаратилган барча таъсирлар И. т. жараёнида амалга оширилади.

И. т. таълим б-н узвий тарзда боғланган бўлади. Оила, турли жамоат ташкилотлари, фан, техника, ад., санъат, оммавий ахборот воситалари, тарғибот-ташвиқот ишлари ҳам И. т. манбаидир. Маълумки, ж-ят яшаши ва ривожланиши учун моддий ва маънавий бойликлар ниҳоятда зарур. Моддий-маънавий бойликларни яратиш учун, аввало, шахсни тарбиялаш лозим. И. т. орқали ўтмишнинг моддий ва маънавий бойликларига авлодларнинг ворислиги таъминланади: ўсиб келаётган ёш авлод ўтмиш тажрибаларини ўзлаштириб, уни янада бойитади. И. т. шахснинг ахлокий, ақлий, жисмоний камолотида муҳим ўрин тутаети.

И. т. умуминсоний характерга эга. Шахс истаган соҳа бўйича таълим-т-я кўриб, ўзи хоҳлаган ихтисосни эгаллашга ҳақли. Бунда чеклаш бўлиши мумкин

эмас. Лекин ундаги хоҳиш б-н ирсий имконият ҳамма вақт ҳам бир-бирига уйғун келавермайди. Одатда, ота касбини, тўғрироғи, бобомерос касбни тутган ёшлар ҳаётда кўпроқ муваффақият қозонганликларига кўп шоҳид бўламыш. Чунки болада отанинг кони, ундаги салоҳиятга монанд уқув мавжуд бўлади.

И. т.нинг анъанавий, замонавий турлари ва усуллари кўп. Ота-оналар, айниқса, мураббийлар болаларни тарбиялашда мана шу усуллардан унумли фойдаланишлари лозим.

ИЖТИМОИЙ ФАОЛЛИК – ижт. субъектларнинг ижт.-сиёсий жараёнлардаги иштироки, меҳнат ҳамда маданий-маърифий ф-ятининг кучайиши, қонунда белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва бурчларини тўлиқ амалга оширишга интилиши; субъектнинг ж-ят ҳаётида онгли ҳолда мустақил иштирок этиши, ижт.-маънавий соҳада вужудга келадиган муаммоларни ҳал этишга қаратилган ҳаракати. И. ф. шахснинг ж-ятда ўз ўрнини топиши ва ҳуқуқатворини онгли равишда бошқаришининг асосий шарти ҳисобланади. И. ф.нинг уч тури мавжуд: ижт.-сиёсий жараёнлар ва маданият, меҳнат ҳамда турмушдаги И. ф. Меҳнат фаоллиги меҳнат муносабатлари соҳасида намоён бўлади ва субъектнинг касбий-ижт. вазифани бажариши б-н боғлиқ ҳолда юзага чиқади. У И. ф.нинг асосий, белгиловчи тури сифатида эътироф этилади. Унинг шакллари куйидагича: тежамкорлик, саранжомлик учун ҳаракат, илмий-техникавий ижодда иштирок этиш, рационализаторлик, ихтирочилик ва б. ҳаракатлар. Ижт.-сиёсий жараёнлар ва маданият ҳамда турмуш

соҳасидаги фаоллик шахснинг ижт.-сиёсий, маданий-маърифий жараёнлардаги, шахсий ҳаётдаги ф-ятида намоён бўлади.

И. ф. ижт. онгнинг шаклланишига оид фундаментал тушунча бўлиб, фуқаролик ж-ятининг муҳим меъёрларидан биридир. Ж-ят аъзоларининг И. ф.и турли шаклларда намоён бўлиши мумкин. Хусусан, конструктив ва деструктив турлари фарқланади. Ж-ят аъзоларининг конструктив И. ф.и улар муайян муаммоларга дуч келганда, уларни мавжуд ижт. тизим ва ҳуқуқий дастурлар ёрдамида ечишга интилади. И. ф. мавжуд қонунлар асосида ўз манфаатларини ифодалаш, муаммоларни ҳал қилиш учун жамоат бирлашмаларини тузишда ҳам намоён бўлади. Деструктив И. ф. мавжуд ижт. тизимга қарши қаратилган бўлиб, уни йўқ қилишга интилишни ифодалайди. У мавжуд ҳуқуқий дастурлар б-н кўзланган мақсадга эришиш, ижт. аҳамиятга эга муаммоларни ҳал қилишнинг имкони йўқ, деб ҳисобланган вазиятда юзага келади. Бундай ҳолларда И. ф. аниқ ҳуқуқий чегараларга эга бўлмайди. Бу эса ижт. бўҳронларнинг кескинлашувига олиб келиши мумкин. И. ф.нинг ушбу тури ижт. муносабатлардаги беқарорлик даврларида кузатилади. Ҳуқуқий дав. ва фуқаролик ж-ятини шакллантириш барча ижт. муаммоларнинг осонлик б-н бартараф этилишини аниқламайди. Бунда шундай ҳуқуқий тизим назарда тутилидики, унинг доирасида доимо вужудга келадиган зиддиятлар барча ижт. қатламлар манфаатлари мутаносибли-

ги сақлангани ҳолда, фуқароларнинг юксак И. ф.и асосида мўътадил тарзда ҳал қилинади. Демократик ж-ятда И. ф. фуқароларнинг ўз-ўзини англаш воситасидир. И. ф. маданияти шахс умумий маданиятининг узвий қисмидир. Манфаатлар ф-ятнинг аниқ мақсадини белгилаш учун асос бўлади. Инсон ёки ижт. гуруҳ учун бутун ф-ят жараёни у ёки бу тарзда кечиши мумкин. Ф-ятнинг жадаллиги фаоллик кўрсаткичи б-н белгиланади. Демак, фаоллик субъектнинг муайян ф-ят тури б-н шуғулланишга мойиллигини ифодалайди. Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислохотлар муваффақиятининг муҳим шarti халқимизнинг, ҳар бир фуқаронинг ижт. фаоллигига таянишдир. Шунинг учун таълим муассасаларида ижт. фаол шахсни шакллантиришга қаратилган узлуксиз пед. тизим амал қилиши лозим.

ИЖТИМОЙ ФИКР – ж-ятда амалга ошаётган жараёнлар, турли вазиятлар, воқеалар ва хатти-ҳаракатларнинг ж-ят ҳолатлари томонидан маъқулланиши ёки маъқулланмаслигини ифодаловчи атама. И. ф. юз берган жараённи баҳолашдир. И. ф. тушунчаси биринчи бор антик дунё фал.сида намоён бўлди. Платоннинг таъъинлашича, «ошкора фикр» аристократлар фикри. Ушбу йўналишлар кейинчалик ижт.-фал. фикрда кенг изланишларга сабаб бўлди. Биринчи йўналиш тарафдорлари И. ф.ни шундай куч деб биладиларки, у халқнинг дав. ишларида фаол иштирок этишини таъминлайди. Иккинчи йўналиш тарафдорлари И. ф.ни ҳукмрон доираларнинг мулоҳазаси,

ж-ятга таъсир кўрсатиб, ҳукмрон доираларни сиёсий жиҳатдан эркинлаштирадиган куч деб биладилар.

Ҳоз. ижт.-фалсафий таълимотларда И. ф.нинг бир қанча концепциялари мавжуд. Уларга Луман концепцияси (коммуникация назарияси асосида таҳлил қилинадиган) ҳамда Ю. Хаббермас томонидан ишлаб чиқилган ахлоқийлаштириш меъёри концепцияси мисол бўлади. И. ф. экспрессив, назорат ва маслаҳат вазифаларини бажаради, муайян ижт. масалалар бўйича маслаҳат беради, қарор қабул қилади, у ёки бу тасаввур, қадрият ва мезонларни қўллаб-қувватлаш ёки рад этиш орқали индивид, жамоа ва ижт. муассасаларнинг хатти-ҳаракатини бошқаради. И. ф. баён қилиш мазмунига кўра, ижобий ва салбий ҳулосалар б-н ифодаланади. И. ф.нинг шаклланиш ва амал қилиш жараёнлари стихияли кечиши мумкин. Кўпинча, И. ф. онгнинг теранлиги турлича даражаларда бўлган (бир томондан, фан ва мафкура, иккинчи томондан, кундалик онг) ҳоз. ж-ятдаги кўп сонли ижт. муассасалар, сиёсий ташкилотлар, оммавий ахб. воситалари ва ш. к.лар таъсирига учраб, ўзгариши мумкин. И. ф. ж-ят ҳаётидаги ҳақиқий ҳолатни акс эттириш омилидир.

Таълим муассасаларида турли пед. воситалар ёрдамида таълим олувчиларда ижобий мазмунга эга бўлган И. ф.ни шакллантириш талаб этилмоқда. Чунки И. ф. шахс ва ж-ят таракқиётининг асосини ташкил этади.

ИЖТИМОЙ ҲАМКОРЛИК – турли миллат, ирқ ва динга мансуб ки-

шилар ҳамда гуруҳларнинг умумий мақсад йўлида биргаликда, бир ёқадан бош чиқариб ф-ят олиб бориши, уларнинг ўзаро ҳамжиҳатлигини ифода этадиган атама. И. ҳ. ж-ятда тинчлик ва барқарорлик, юксак тараққиётни таъминлашнинг муҳим омилидир. И. ҳ. бўлмаган ж-ятда бошбошдоқлик, турли миллат ва элат вакиллари ўртасида ишончсизлик ортиб, қарама-қаршилик ва зиддиятлар кучайиши, бу эса охиروқибатда оғир инқирозга олиб келиши мумкин. И. ҳ. ғоясини амалга ошириш йўлида ғов бўладиган энг хатарли тўсиқлар ақидапарастлик, терроризм, экстремизм, айирмачилик, маҳаллийчилик, тажовузкорлик, миллатчилик ва шовинизмдир. Бундай зарарли ғоялар таъсирига тушиб қолган ж-ят табиий равишда ҳалокатга юз тутди. Бунга узоқ ва яқин тарихдан қўплаб мисоллар келтириш мумкин. Мафкуравий курашлар кучайиб бораётган бугунги кунда фуқароларимиз ўртасида И. ҳ.ни кучайтириш долзарб аҳамият касб этади. И. ҳ. масаласи биз учун янги тушунча бўлмай, ўзининг тарихий илдизларига эга. Маълумки, Ўзбекистон диёрида қадимдан турли цивилизация вакиллари, маданий қатламлар, хилма-хил эътиқод ва дунёқарашга эга инсонлар ёнма-ён яшаб, И. ҳ. асосида тараққий топиб борган. Бу заминда жаҳонни ҳайрагга солган цивилизациянинг илдизлари вужудга келган, инсоният тарихининг энг қад. даврларига мансуб диний ва фал. анъаналар шаклланган. Қад. юнон файласуфи Гераклит бу юртни «фалсафий тафаккур бешиги», деб бежиз таъриф-

ламаган. Шунини таъкидлаш жоизки, бизнинг цивилизациямиз ўзига хос толерант тафаккурга таянган. Она заминимизда узоқ вақт оташпарастлик, буддавийлик, яҳудийлик, христианлик, ислом дини бир қаторда ривожланиб келгани И. ҳ. мевасидир. Бугунги кунда мамлакатимизда турли миллат ва дин вакиллари манфаатларини уйғунлаштириш, улар орасида тотувлиқни таъминлаш асосида И. ҳ.ка эришиш тараққиётнинг ҳал қилувчи омилларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 8-моддасида «Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади», деб аниқ белгилаб қўйилган. «Ўзбекистон халқи» тушунчаси мамлакатимизда яшаб, ягона мақсад йўлида меҳнат қилаётган турли миллат ва элатларга мансуб кишилар ўртасидаги ўзаро ҳурмат, дўстлик, ҳамжиҳатлик асосида ж-ятда И. ҳ.нинг таъминланиши учун ҳуқуқий-маънавий пойдевор бўлиб хизмат қилади. Миллий ғоямизнинг асосий тамойилларидан бири ҳам И. ҳ.дир. Бугунги кунда ана шу тамойил асосида юртимизда турли миллат, гуруҳ ва қатламлар ўртасидаги ҳамкорликни янада кучайтириш миллий тараққиётимизда тобора устувор аҳамият касб этмоқда. Ж-ят аъзолари орасида И. ҳ.ни таркиб топтиришнинг муҳим шарты таълим муассасаларида ўқувчиларнинг миллатлараро мулоқот, ҳамжиҳатлик, ҳамкорликка ўргатиш, уларда толерант дунёқарашни шакллантиришдан иборат. Шу мақсадга қаратилган пед. жараён узлуксиз характер касб этиб, миллатлараро мулоқот ва толерантлик т-ясининг маз-

муни, воситалари, шакллари, усуллари, мет. ва техн.си аниқ белгилаб берилиши лозим.

ИЖТИМОЙ-РОЛЛИ ТРЕНИНГ-ЛАР – инсонга ж-ят томонидан қабул қилинган ва самарадор деб ҳисобланган ижт. меъёрлар, ўзаро муносабат ҳамда ҳулқ усулларини ўзлаштиришга ёрдам берадиган ижт. психологик тренинглари. Ижт. тренинглари кўпроқ шахснинг рефлексив хусусиятларига гуруҳ б-н қарши алоқага киришганда ўз-ўзини бошқаришни ривожлантиришга йўналтирилади, яъни у аксарият ҳолларда индивидуалликни намоён қилишга эмас, умумий масала ва усуллари ишлаб чиқишга қаратилади. И.р.да гуруҳларни мустақамлашга, ҳаяжон ва зўриқишни босишга, самимий муҳитни юзага келтиришга қаратилган ўқини элементлари қўлланилади.

ИЗЛАНИШ – янгилик топиш, яратиш ҳаракатида бўлиш, шундай мақсадли ҳаракат, ф-ят. У ижодий ф-ят юритиш натижасида бирор янгиликка эришиш жараёнидир.

ИЗЛАНИШ МЕТОДИ (эвристика) – таълим олувчиларни аста-секин муаммоларни ҳал этишга яқинлаштириш учун тадқиқотнинг айрим босқичларини бажаришга ўргатиш, кўникма ҳосил қилиш методи.

ИЗЛАНУВЧИ – янгилик изловчи, ахтарувчи, қидирувчи; муайян тадқиқот объектини ўрганувчи ва ундаги жараёнларни таҳлил қилувчи шахс. Ушбу қобилиятга эга бўлган шахс муайян жараённи кузатиш орқали унга таъсир этувчи омилларни аниқлайди ва шу асосда янги тавсия

ёки тузатишларни ишлаб чиқади, яъни шуғулланаётган соҳасининг ривожланишига ҳисса қўшади.

ИЗОҲЛИ ЛУҒАТ– 1) лингвистик луғат турларидан бири. Унда, биринчидан, луғатга киритилган ҳар бир сўзнинг (бош сўзнинг) маъноси, кўп маъноли бўлса, маънолари белгиланади ва қайд этилади. Иккинчидан, бу маъно (маънолар) изоҳланади, яъни тушунтирилади – тавсифий йўл б-н қайд этилади. Худди шу хусусиятига кўра «Изоҳли луғат» деб аталади; 2) тартибга келтирилган сўзларнинг мазмунини изоҳлайдиган, ҳар бир сўзнинг грамматик, этимологик ва стилистик тавсифи берилган, улардан амалиётда фойдаланишга оид мисоллар ва б. маълумотлар киритилган, қўшимча ад. сифатида фойдаланиладиган нашр.

И. л.га муайян сўз иштирокида ҳосил бўлган иборалар ҳам киритилиши мумкин (чунки улар ҳам, умуман олганда, лугавий бирлик ҳисобланади). Мас., «қўл» ёки «гул» сўзлари учун тузилган луғат мақоласидан бирида «қўли гул» ибораси ҳам берилади, маъноси белгиланиб қайд этилади ва изоҳланади. Лингвистик луғатларнинг бошқа турларида ҳам (мас., терминологик, таржима луғатларида) уларга киритилган лугавий бирликларнинг, яъни сўз ва турғун бирикмаларнинг маъноси (маънолари) белгиланиши, қайд этилиши ва изоҳланиши мумкин. Бундай луғатлар ҳам ана шу хусусияти б-н И. л.лар қаторига қиради. Улар, одатда, лингвистик луғатнинг қайси турига мансублигига ва изоҳли эканига кўра номланади. Мас., «Педагогик атамаларнинг изоҳли луғати» каби.

Ўзбек тилидаги пед. атамаларнинг И. л.и тарихда биринчи марта ЎзПФТИ томонидан яратилган. Барча мавжуд И. л.лардан таълим-т-я жараёнида муҳим дидактик восита сифатида фойдаланилади. Шунингдек, И. л.лардан ўқув дастурлари, дарсликларнинг муаллифлари ҳам самарали фойдаланиш имкониятига эга.

ИЗОҲЛИ-ТАСВИРЛИ ЁНДАШУВ – пед.да замонавий йўналиш бўлиб, ўқитувчининг маълум ахборотни таълим олувчига етказиши ва қобилиятига яраша таълим олувчининг уни эслаб қолиш жараёни.

ИЗОҲЛИ ЎҚИШ – бошлангич синф ўқувчиларида онгли ва ифодали ўқиш малакаларини шакллантириш мақсадига қаратилган ўқитиш усули.

«ИЗҚУВАРЛАР КЎЧАСИ» УСУЛИ – гуруҳларга 8 ёки 10 та юридик сўз иштирок этган ҳикоя тузиш вазифаси топшириладиган дидактик ўйин тури.

ИКРОМ ДОМЛА, Мулла Икромча (тахаллуслари; асл исми Муҳаммад Икром ибн Абдусалом, 1847 – Бухоро – 1925) – Бухородаги тараққийпарвар уламолардан, муфти ва мударрис. Бухоро мадрасаларида таҳсил олган. Аҳмад Донишнинг маърифатпарварлик ғояларига қўшилиб, мадрасалардаги таълим тизимини танқидий ўрганган, уни ислоҳ қилиш йўлларини ишлаб чиққан. 20-а. бошларида муфти сифатида Бухородаги жадид – янги усул мактабларини мулла Абдураззоқ бошчилигидаги қадимийчиларнинг гуруҳларидан ҳимоя қилган. «Бедорин хобидагон ва оғаҳи нодонон» («Уйкудагиларнинг уйғониши ва нодонларнинг огоҳ бўлиши», 1910)

рисоласида Бухородаги амирлик тузумидан норозилик кайфиятлари акс эттирилган. Ушбу рисоладан сўнг И. Д. Бухородан сургун қилиниб, Пешкуга қозни қилиб жўнатирилган (1912–14). Бухородаги 1917 й. апр. намоёнишидан кейин И. Д. Ғузурда қамоққа олинади. БХСР тузилгач, қисқа муддат маъмурий идораларда хизмат қилади.

И. Д. Бухорода кўплаб шоирларга, жумладан, Айнийга устозлик ва хомийлик қилган. Файзулла Хўжаев ва Айний ўзларининг Бухоро инқилоби тарихига бағишланган асарларида И. Д.нинг тараққийпарварлик ф-ятига юксак баҳо беришган.

ИЛК УЙҒОНИШ ДАВРИ – 9–12 а.ларда Марказий Осиёдаги маданий юксалиш даври. Бу даврда Мовароуннахр ва бутун мусулмон оламида илмий-маданий, маърифий ҳаёт, мактаб-маориф ривожланди, қадимий анъаналар б-н араб, форс, қисман хинд ҳамда қад. юнон илмий-маданий анъаналари қоришуви асосида исломий фал. ва табиий илмлар, ахлоқшунослик ва дидактик қарашлар – асрономия, мат., тиббиёт, кимё, дорিশунослик, жуғрофия кабилар тараққий этди. Махсус ҳадисшунослик ва ислом фикҳшунослиги мактаблари шаклланиб, тарихшуносликда ҳам муҳим аҳамият касб этувчи асарлар вужудга келди.

Бу давр маънавиятининг муҳим томонларидан бири шундаки, олим, донишманд, шоир ва мударрисларнинг аксарияти комусий билимларга эга бўлиб, илмлар бир-биридан ажралмас, узвий боғлиқ ҳолда ривожлантирилди. Шу боис Абу

Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Замахшарий, Исмоил Журжонийлар жуда кўп соҳаларда ижод қилиб, тарихда ўчмас из қолдирдилар. Мат., астрономия, тиббиёт, мантиқ, тилшунослик, тарих каби илмлар, маданият, маънавиятнинг ривожидан ниҳоятда муҳим аҳамият касб этган, ислом динининг назарий масалалари б-н бирга ахлоқий томонлари ҳам ривожланган.

9–12-а.ларда Марказий Осиё ҳудудидан тарқалган ва ривожланган тасаввуф таълимотлари, оқимлари ҳам ж-ят маънавий-ахлоқий ҳаётининг ривожини учун хизмат қилиб, унинг ўзига хослигини белгилашда муҳим аҳамият касб этган.

Марказий Осиё ҳудудидаги И. у. д.га хос омиллар қуйидагилардан иборат: а) 9–12-а.ларда араб халифалиги тобеъидан халос бўлган мустақил давларнинг вужудга келганлиги; б) ягона дин – ислом туфайли катта ҳудуд – Яқин ва Ўрта Шарқдаги турли халқлар, мамлакатлар ўртасидаги алоқаларнинг ривожланиши, маданият, маънавиятда умумийлик, муштараклик вужудга кела бошлаганлиги; в) халқаро маданий алоқаларда «Ипак йўли»нинг аҳамияти ошганлиги, мамлакатлараро савдо-сотиқ, маданий-маърифий алоқалар кўламининг кенгайганлиги; г) жаҳон маданиятида қирилган аввалги ютуқлар, хусусан, Греция, Юнон, Ҳинд, Эрон маданияти ва илм-фани ютуқлари инкор этилмай, аксинча, таъриблик давом этирилганлиги, ундан фойдаланилганлиги ва ҳ. к.

ИЛЛЮЗИЯ (лот. *illysio* – хато, адашган, янглишиш) – тана аъзоларимиз-

га бевосита таъсир этиб турган нарса ва ҳодисаларни нотўғри (ноадекват) идрок қилишдан иборат билиш жараёни; воқеликни нотўғри, янглиш идрок этиш; хомхаёл; пуч, амалга ошириб бўлмайдиган режа.

Сароб ҳодисаси И.нинг бир кўринишидир. Идрок ҳодисаси кўрув, эшитув, ҳаракат идроки каби ҳодисаларга хосдир. Психологияда кўриш б-н боғлиқ И.нинг олти тури мавжуд экани таърифлаб берилган. И. шахснинг таъсирларга берилувчанлиги, эътиқоди ва мавқеига, ўзини ўзи баҳолаш тизими ва руҳий ҳолатига ҳамда юзага келган вазиятга боғлиқ. Ижт. жойлашув, ассоциация, эҳтиёж, тажриба, эмоциоген омил, трансформация, толиқиш, ахб. кабилар И. манбаидир.

Соғлом одамларда И. ўткинчи ҳолат; айрим психик касалликлар (макропсия, метаморфопсия, гиперпатия ва ҳ.к.) натижасида пайдо бўладиган И. анча турғун. И.ни йўқ нарсалар бордек бўлиб туюладиган ҳолат – галлюцинациядан фарқлаш керак.

И. хусусиятларини билиш бундай касалликка учраган ўқувчиларни аниқлаш, уларни коррекциялаш ва таълим жараёнини ташкил этишда ҳисобга олиш имконини беради.

ИЛЛЮСТРАТИВ ҶУҚУВ МАТЕРИАЛЛАРИ – дарслик, ўқув қўлланмалардаги матнларнинг мазмунини таълим олувчилар тушуниб олишларига хизмат қиладиган расмлар, суратлар. И. ў. м. дарсликларда матнга қўшимча тарзда унинг мазмунини образли ёритишга, тўлдиришга хизмат қилади.

Иллюстрация (лот. illustratio – ёритиш, кўргазмали тасвирлаш) – тасвирий санъатнинг адабий асар (китоб, жур., газ.)нинг образли талкини б-н боғлиқ соҳаси. Ўқув материалнинг матнли қисмига қўшимча тарзда унинг мазмунини образли ёритиш, тўлдиришга хизмат қилади. Илк қўлёзма китоблар пайдо бўлган даврларда юзага келган. Дастлаб қўлёзмалар миниатюралар б-н безатилган. китоб нашр этиш ва ксилографиянинг юзага келиши иллюстрацияни графиканинг етакчи соҳасига айлантирди. Хитойда 6–7-а.ларда дастлабки ксилографияга оид иллюстрация, 16-а. охирида рангли гравюра юзага келган. Японияда китоб графикаси 17-а. бошларида пайдо бўлган, гуллаб яшнаган даври 18–19-а. бошларига тўғри келади. Европада (15-а.) иллюстрация миниатюра санъати б-н узвий боғлиқ бўлган, диний, дидактик, кейинчалик инсонпарвар ғояларни тарқатувчи воситага айланган. 16-а. охирига келиб иллюстрация мустақил композицияга айланди, алоҳида вараққа ишланиб, матнга ёпиштирила бошлаган. 18-а.да иллюстрация китобат санъати б-н бирга ривожланди, ранг-баранглиги ортди, усул ва услублари кенгайди, туркум безаклар яратиш қоидалари ривожланди. 18–19-а.лар чегарасида тасвирий восита – кўндаланг, кесмалли гравюра ва литография юзага келди; 19-а. учун тугалланган иллюстрация – алоҳида варақлардаги композициялар ҳамда матндаги енгил чизгилар хос бўлди. 20-а.га келиб рассомлар бир адабий матнга турлича ёндошиб, уни турлича талқин эта бошладилар.

20-а.нинг 20-йилларидан иллюстрация ғоявий ва эстетик т-я воситаларидан

бири сифатида муҳим аҳамият касб этди, техник имкониятлари кенгайди: ксилография, расм тараккий этди, фотомонтаж юзага келди, плакатчилик хусусиятлари намоён бўлди, китоб ва иллюстрация бирлиги кучайди, болалар китоблари ва дарсликлар иллюстрацияси ривожланди. Кўпварақли туркумлар яратилиши иллюстрацияни дастгоҳли графика б-н яқинлаштирди.

Шарқда, жумладан, ўзбек санъатида иллюстрация ишлаш қадимдан мавжуд бўлган. Ўрта асрларда классик шоирларнинг асарларига иллюстрация ишлаш кенг тарқалган. Камолиддин Бехзод, Маҳмуд Музаҳҳиб, Мурод Самарқандий ва б. моҳир рассомлар шу соҳада самарали ижод қилиб, Алишер Навоий, Бобур ва б. классик шоирларнинг асарларини нафис миниатюралар б-н бегаганлар. Ўзбек иллюстрациясининг ривожини 20-а.га тўғри келади. Бу даврда ўзбек иллюстрацияси услуб ва усул жиҳатидан бойиди, тур ва жанрлари кенгайди. Усто Мўмин (А. Николаев), В. Кайдалов, Л. Абдуллаев, В. Кедрин, Ч. Аҳмаров, И. Икромов, Қ. Башаров ва б. рассомлар шу соҳада самарали ижод қилдилар. Ўзбекистонлик рассомлар бутунги кунда ҳам бадиий, сиёсий ва болалар ади намуналари, дарсликлар, ўқув қўлланмаларининг замон талабларини асосида эстетик жиҳатдан гўзал безалишига самарали ҳисса қўшмоқда.

Ўқув материаллари мазмунини образли, эстетик жиҳатдан юксак даражада ифодалайдиган, маърузаларда фикрни тасаввур қилишга ёрдам берадиган кўргазмали тасвирлар (репродукция, фотосуратлар, турли чизмалар) ҳам таълим

олувчиларнинг ўқув материалларини осон идрок этишига хизмат қилади.

ИЛМ (араб. – билим; фан: назария) – ўқиш-ўрганиш ва тадқиқот, таҳлил этиш б-н эришиладиган билим; кўникма, маълумот; иш-ф-ятнинг илм б-н боғлиқ соҳаси; табиат ва ж-ят ҳақидаги билимлар тизими; фан.

И. – инсоннинг ўқиш, ўрганиш ва шахсий ҳаётидаги тажрибалар, кузатишлар натижасида шаклланган билим ва маълумотларнинг мажмуи. Инсоннинг И. эгаллаш қобилияти унинг улкан фазилатларидан бири ҳисобланади. Чунки инсон И. б-н ўз қисмолоти ва келажагини белгилайди.

ИЛМ ал-ҲАДИС, ҳадис илми, ҳадисшунослик – ҳадисларни ўрганишга бағишланган илм соҳаси. Сохта ҳадислар сонини илк ислом давридаёқ аниқ кетгани мусулмон уламолари орасида уларга нисбатан танқидий ёндашиш лозим эканини кўрсатди. Муҳаддислар муомаладаги сохта ҳадисларни аслдан ажратиш учун уларни синчиклаб ўрганиш заруриятини англаб етганлар. Мусулмон танқидчилигининг асосий эътибори ҳадиснинг мазмуни (матн)га эмас, балки ровийлар занжири (иснод)га қаратилган, исноднинг сифатли бўлиши таъкидланган маълумотнинг тўғрилигига алоқасиз ҳисобланган, муҳаддислар учун ровийлар (ар-рижол) занжири (силсила) узлуксизлигини белгилаш муҳим бўлган. Ровийларнинг исми, яшаган жойлари, таржимаи ҳолларини билиш ва ҳаракат қилганлар. Уларнинг имони, ахлоқлиги ва ахлоқий сифатлари алоҳида таъкидланган. Ровийлар ҳақида таъриф ва батафсил маълумот тўплаш ва уларни

танқидий ўрганиш И. ал-Ҳ.да алоҳида йўналиш – маърифат ар-рижол (ровийлар ҳақида билим)ни вужудга келтирган. Бу билимни ҳар бир билимдон муҳаддис эгалламоғи лозим ҳисобланган. Ровийларни аниқлаш махсус дугат ёки иснодларда номи зикр этилган шахсларнинг таржимаи ҳоллари битилган табакот кўринишидаги маълумотномаларнинг яратилишига олиб келган. Бу турдаги асарларнинг бизгача етиб келгани Ибн Саъд (вафоти 845)нинг «Китоб табакот ал-кабир» асаридир. Шу б-н бир каторда «заиф» ҳадис ровийлари ҳақида ҳам маълумотномалар ёзилган, мас., Имом Насайининг «Китоб ад-дуъафа» асари.

Ҳадислар танқиди жуда пухта бўлган, шу муносабат б-н махсус ислохотлар пайдо бўлган. Ҳадислар бир хил қимматга эга бўлмасдан, «саҳиҳ» (ишончли), «ҳасан» (яхши) ва «заиф» (кучсиз) каби турларга бўлинган.

«Саҳиҳ» ҳадис деб тўлиқ, ҳеч қандай узилишсиз ровийлари бўлган, ровийларининг имони ва фазилатлари ҳеч қандай эътирозга сабаб бўлмайдиган ҳадисларга айтилади. «Ҳасан» ҳадис деб, ровийлари занжирида узилиш бор бўлган ҳадисларга айтилади. Бундай ҳадислар гарчи «саҳиҳ»лардан пастроқ даражада турса-да, ҳар ҳолда илоҳиёт – ҳукукий масалаларни ечишда қабул этилиб, улардан фойдаланилган. «Заиф» ҳадис деб ҳадиснинг мазмуни шубҳа тўғдирса ёки ровийлардан бири ишончга нолайиқ деб топилса, шундай деб аталган. Бундай ҳадислар фақатгина улардан турли хилдаги ўғит-насиҳат ёки яхши

одоб-ахлоққа оид мисоллар келтирилган ҳолдагина қабул қилинган.

Ҳадислар танқидига 9-а.нинг йирик алломалари, мусулмон оламида энг ишончли деб ҳисобланган 6 саҳиҳ ҳадис тўпламларининг муаллифлари: Бухорий, Имом Муслим, Ибн Можа, Абу Довуд Сижистоний, Термизий, Насайи ва б. катта ҳисса кўшганлар.

ИЛМИЙ АСОСЛАНГАНЛИК ТАМОЙИЛИ – таълим-т-я жараёнини замонавий талаблар даражасида ташкил этиш ва бошқариш, таълим жараёнини ўзгартириш ёки инновацион ф-ятни ташкил этишда вақт бўйича режалаштириш, воқеаларни олдиндан илмий кўра билиш тамойили. Мазкур тамойил асосида бошқарув жараёни илмий асосланган услублар ва ёндашувларни қўллаш орқали амалга оширилади.

ИЛМИЙ БИЛИШ МЕТОДЛАРИ – маълум бир ўрганилувчи объект ёки у б-н боғлиқ жараён ва ҳодисаларни ўрганиш усуллари мажмуи. Ўрганиладиган объектнинг ўзига хос хусусиятлари ва ф-ят йўналишига, белгиланган мақсад ва вазифаларга кўра танланган мет.лар ўзига хос жиҳатларига кўра умуммиллий, хусусий ва махсус мет.лар сифатида фарқланиши мумкин.

И. б. м. – ўрганилаётган объект ёки у б-н боғлиқ жараён ва ҳодисалар ҳақидаги турли хил маълумотлар асосида умумлаштирилган илмий фараз, назариялар ва қонуниятларни шакллантиришни ҳам англатади. Мазкур маълумотларни ўрганиш, таҳлил қилиш, объектив баҳолаш ва қайта ишлаш ёрдамида уларнинг ўзига хос томонларини тушу-

ниш ҳамда илмий хулосалар чиқариш мумкин бўлади.

ИЛМИЙ ДАРАЖА – муайян фан соҳасидаги мутахассиснинг илмий малака даражаси. Ўзбекистонда 2012 й.га қадар фан номзоди ва фан д-ри, 2012 й.дан фан д-ри илмий даражаси бериш тизими амал қилади. Пед. соҳасидаги И. д. юқори малакали илмий педагог-ҳодимларга фанни бойитувчи тадқиқот ишлари, илмий муаммоларни назарий-эмпирик жиҳатдан ҳал қила оладиган мустақил и. т.и ёхуд янги муаммоларни илмий асосланганлигига бағишланган дисс.ларнинг махсус илмий кенгашларда очиқ ҳимоя натижаси асосида илмий кенгаш ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси (ОАК) экспорт кенгаши тавсиясига биноан, олий маълумотга эга бўлган шахсларга ОАК томонидан берилади. Ўзбекистон Республикасида бошқа дав.ларнинг муайян муассасалари томонидан берилган И. д. мувофиқлаштирилгандан сўнг ҳақиқий ҳисобланади. Шунингдек, Ўзбекистонда чет дав.лардаги илмий муассасалар томонидан берилган фахрий И. д.ларга эга мутахассислар ҳам бор. Бундай И. д.лар Ўзбекистонда фан, техника ва маданият соҳасидаги ютуқлари учун чет эллик олимларга ҳам берилади. Хорижий мамлакатларнинг олий таълим муассасалари ва и. т. муассасаларида лицензиат, бакалавр, магистр, фан д-ри И. д.лари мавжуд.

ИЛМИЙ ИШЛАНМАЛАР БОЗОРИ – илмий-техникавий ишланмалар ва турли лойиҳалар олди-сотди қилинадиган

бозор, бозорнинг йирик сегменти. И. и. б. тендерлар ўтказиш, шартномалар тузиш, грантлар, дарсликлар танловини ўтказиш, ярмарка ва кўрғазмалар ташкил этиш, янгиликларни, инн-он техн.ни фирмалар, и. т. муассасалари ва биржалардан сотиб олиш шаклида амалга оширилади. Ушбу бозорда сотувчи сифатида ун-тлар, ижт. т-я муассасалари, конструкторлик, технологик, лойиҳалаштириш фирмалари ф-ят кўрсатади. Улар ўзи ишлаб чиққан гоаялар ва лойиҳаларни таклиф этадилар. Харидор вазифасини эса турли ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фирмалари ва дав. идоралари, таълим муассасалари бажаради. Сотувчи ва харидорлар И. и. б. нинг субъекти бўлса, илмий-техникавий ишланмаларни ўзида мужассам этган патент-лицензия ва ноу-хаулар унинг объекти ҳисобланади. Ишланмалар бутунлай сотилганда, эгасининг интеллектуал мулкidan харидор мулкига айланади. Улар қисман сотилганда, мулкий эгаллик ҳуқуқи мулк эгаси қўлида қолади, аммо улардан маълум муддатда фойдаланиш ҳуқуқи харидорга ўтади. И. и. б. да аввал улардан фойдаланиб, сўнгра уларни тўлатқис сотиб олиш юзасидан ҳам битимлар тузилади. И. и. б. фан-техника, таълим ва ишлаб чиқариш тараққиётининг муҳим омили ҳисобланади.

ИЛМИЙ МАВЗУ – тадқиқот учун танланадиган мавзу. Пед. соҳасидаги и. т. мавзулари таълим тизими олдида қўйилган ижт. буюртма, шахс, дав. ва ж-ят, фан, ишлаб чиқариш ҳамда узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш вазифаларидан келиб чиққан ҳолда танланади.

ИЛМИЙ МУАММО – илмий билишнинг ҳали билиб олинмаган, ҳал қилинмаган ва ҳал қилиниши лозим бўлган шакли. И. м., одатда, тадқиқотчи муайян соҳага оид янги далилларни тўпласа-да, бироқ, уларни мавжуд билимлар б-н изоҳлашнинг имкони бўлмаса, мазкур далиллар шахснинг мавжуд билимлари тизимига сиғмай, янги баён талаб қила бошласа, туғилади. И. м.нинг туғилиши ва ўртага қўйилиши илмий билиш жараёнининг энг муҳим ҳолатларидан биридир.

ИЛМИЙ ИЗЛАНИШ – и. т.нинг ўзига хос кўриниши. И. и. натижаси тадқиқотчининг ижодий жасорати, қатъияти ва интилишига боғлиқ. Тадқиқотчи ўз замонасининг илгор гоаяси б-н қуролланган, мустақил фикрлайдиган, савияси, билим даражаси юқори, янгиликни ҳис қиладиган бўлсагина, изланиш самарали ва фойдали бўлиши мумкин. И. и. ишлаб чиқариш талаби ва фаннинг ички имкониятлари асосидаги ривожланишидан келиб чиқади. И. и. фан олдида илмни маълум бир ижт. мақсад сари ривожлантириш каби янги вазифа ва масалаларни қўяди. Ҳоз. даврда И. и. замонавий фан ривожланишининг асосий шакли сифатида майдонга чиқмоқда. Фан ж-ят тараққиётини олға силжитувчи куч, яъни дав., халқ, ж-ят ривожига хизмат қиладиган восита, ж-ятдаги барча техник-иктисодий ўзгаришларнинг муҳим омили ва бошлангич нуқтаси, деб тушунадиган бўлсак, И. и. нақадар катта аҳамиятга эга эканини англаш қийин эмас. Ишлаб чиқариш фан негизида, айниқса, назарий фундаментал фан асо-

сида қайта қуроллантирилмаса, мамлакат таракқиётини жадаллаштириш мумкин эмас. Натижада илм-фан б-н ишлаб чиқариш ўртасида жуда катта узилиш пайдо бўлади.

ИЛМИЙ ПЕДАГОГИК ТАДҚИҚОТ – пед. соҳасидаги янги билимларни ишлаб чиқиш жараёни, билиш ф-яти турларидан бири. И. п. т. объективлик, ишончлик, аниқликка асосланган бўлиши, ҳамма шартларга амал қилиб такрорланганда, ҳамиша бирдек натижа бериши, ечимни назарда тутилаётган масалани исботлаши лозим. И. п. т. бир-бири б-н боғланган икки қисм – назария ва тажрибадан иборат. И. п. т.нинг асосий компонентлари: мавзунини белгилаш, мавжуд ахб.лар, тадқиқот соҳасидаги шарт-шароит ва мет.лар, илмий фаразларни олдиндан таҳлил этиш, тажриба ўтказиш, олинган натижаларни таҳлил этиш ва умумлаштириш, келиб чиққан фаразларни олинган далиллар асосида текшириш, янги далил ва қонунларни ифода-лаб бериш, илмий башорат қилишдан иборат. И. п. т.ларни фундаментал ва амалий, инн-он тадқиқотларга ажратиш кенг тарқалган. И. п. т.ларнинг мет. ва тажрибалари таълим амалиётидагина эмас, балки кўпгина ижт.-гуманитар, маънавий-иқтисодий масалаларни ҳал қилишда ҳам кенг қўлланилади.

ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЧИЛИК ФАОЛИЯТИ – таълим олувчининг мустақил изланиши, муайян илмий муаммони ҳал қилишга қаратилган ф-яти.

ИЛМИЙ УНВОН – олий ўқув юрлари ўқитувчилари ва и. т. ин-глари илмий ходимларига бериладиган унвон.

Ўзбекистондаги ОЎЮда доц. ва проф., ижт. т-я муассасаларида к. и. х., проф. И. у.лари жорий этилган. Проф., доцент ва к. и. х. ун-вони илмий даражаси бўлган ва ОЎЮ ёки ижт. т-я муассасасида пед. ёки ижт. т-я ишларини бажариш жараёнида старти малакага эга бўлган шахсларга ОЎЮ ва и. т. ин-тларининг илмий кенгашлари тавсиясига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан берилади.

ИЛМИЙ ХОДИМ – и. т. муассасалари ёки олий ўқув юрларида фаннинг бирор соҳаси бўйича тадқиқотлар олиб борувчи мутахассис. Илмий тадқиқот ин-тларида бош И. х., етакчи И. х., кичик И. х. лавозимлари амал қилади.

ИЛМИЙ ҒОЯ – и. т. иши ва илмий билиш жараёнининг дастлабки ҳаракатлантирувчи омили. И. ғ. тадқиқот мақсади, йўналиши ва моҳиятини англа-тадиган илмий билиш шаклидир.

ИЛМИЙ-ЁРДАМЧИ БИБЛИОГРАФИЯ – библиография турини ифодаловчи тушунча. И.-ё. б. илмий ва ихтисосли ишлаб чиқариш ф-ятига кўмаклашади. Алоҳида хизмат кўрсатиш соҳалари б-н узвий боғлиқ, шу туфайли у ҳамиша аниқ китобхонлар гуруҳига эга. И.-ё. б. мутахассис, илмий ходимларга уларни қизиқтирган масалаларга оид ад.лар ҳақида тўлиқ маълумот беради; зарур ҳолларда асарнинг мазмунини ҳам (аннотация, реферат ёрдамида) ёритади. И.-ё. б.да библиографиянинг универсал, ретроспектив; тармоқ кундалик ёки ретроспектив; ўлкашунослик кундалик ёки ретроспектив ва б. шахсий турлари жамланади.

ИЛМИЙ-ОММАБОП АДАБИЁТ – халқ оммасини фан ва техника масалалари, ютуқлари ҳамда фан арбоблари таржимаи ҳоллари б-н таништириш учун мўлжалланган нашрлар (китоб, рисола, жур. ва б.). Бу нашрлар илмий масаланинг моҳиятини тўла сақлаган ҳолда, уни кенг омма учун тушунарли услубда баён этади, шахснинг ғоявий-илмий савиясини ўстириш, дунёқарашини кенгайтиришга ёрдам беради.

И.-о. а. тарихи китоб босиш ихтиро қилинганидан кўп асрлар муқаддам (Хитойда мил. ав. 12–10-а.лардан, қад. Мисрда мил. ав. 2-минг йилликнинг ўрталаридан) бошланган. Абу Наср Форобийнинг «Илмларнинг келиб чиқиши ва таснифи», Абу Райҳон Берунийнинг «Минералогия», Абу Али ибн Синонинг «Донишнома», «Тиб қонунлари», адабиётшунос олим Озод Шарафиддиновнинг «Наввий ҳаёти ва ижоди» асарлари, педагог олимлар томонидан яратилган «Тарбия» энциклопедияси И.-о. а.лар сирасига киради.

Ўзбекистонда И.-о. а. нашр этиши 20-а.нинг 60–70-й.ларида кенг эвж олди. Республикада бундай китоб ва рисолаларни «Ўзбекистон», «Фан», «Ўқитувчи», «Қомуслар» бош таҳририяти (ҳоз. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти) чоп этади. Мазкур нашриётларда «Фан тарқида суҳбатлар», «Саломатлик – туман бўйлик», «Ёш файласуфлар кутубхонаси» каби туркумларда И.-о. а.лар нашр этилади. Республикада «Фан ва турмуш», «Тафаккур» жур.лари илмий-оммабоп вақтли нашрлар саналади.

ИЛМИЙ ФАРАЗ – муайян илмий пед. ходиса ҳақида олдиндан, тахминан чиқарилган ҳукм, хулоса, мулоҳаза.

ИЛМИЙЛИК ТАМОЙИЛИ – таълим мазмуни ва ўқув воситаларининг илм-фан ютуқларини ўзида мужассамлаштиришини тақозо қиладиган дидактик тамойил. Илмий билимлар – воқеликнинг ҳаққоний ифодаси бўлиб, теварак-атрофни ўраб олган дунёнинг қонуниятлари, нарса ва ходисаларнинг ички муҳим хоссалари ва ўзаро алоқаларини акс эттиришга хизмат қилади.

И. т. ўқувчининг ўқув материални тушуниши ва ўзлаштириши учун тўғри шароит яратиш мақсадини кўзлайди. Назарий қоидаларни тушуниш – материални илмий асосда изоҳлаб беришнинг муҳим белгиси бўлиб, у ўқувчининг фикрлаш ф-яти хусусиятларини белгилайди. Илмий билимлар воқеликни турли даражада акс эттириш имкониятига эга. Таълимнинг барча босқичларига мансуб ўқув материаллари таркибида И. т. бажараётган вазибалардан бири – назарий маълумотлар тизимида теварак-атрофдаги дунё қанчалик чуқур акс этганлигини билиб олишга кўмаклашишдир.

И. т. барча ёшдаги таълим олувчиларга илмий жиҳатдан ишонарли, амалда синаб кўрилган маълумотлар берилишини тақозо этади. Илмий билимларни эгаллаш жараёнида таълим олувчиларда илмий дунёқараш, эътикод таркиб топади. Тафаккур ривожланади. Таълимнинг И. т. ўқувчиларга ҳоз. замон фан-техника тараққиёти талабига мувофиқ қиладиган илмий билимларни бериш, ёшларни и. т.

усуллари б-н таништириб боришни таъминлашга қаратилган.

Дидактиканинг И. т. таълим мазмунигагина алоқадор бўлиб қолмасдан, ўқитиш усуллари, мет.лари ва техн.ига ҳам алоқадордир. У таълим жараёнида фан-техника ютуқларидан фойдалана оладиган ўқитиш усуллари ва мет.ларини такомиллаштиришни ҳам талаб қилади.

ИЛОВА – 1) баён этилган асосий фикр ёки расмий ҳужжатга қўшимча изоҳ, тафсилот. Мас., қарорнинг иловаси; 2) китоб, газ. ёки жур.га қўшиб чиқарилган алоҳида нашр. Мас., «Мактаб ва ҳаёт» жур.ининг иловаси (тавсияномалар).

ИЛОҲИЁТ (араб. – Худо тўғрисидаги таълимот) – Худо, унинг сифатлари, белгилари ва хусусиятлари тўғрисидаги диний таълимот. Муайян диний ақида ва улар ҳақидаги илоҳий кўрсатмаларни ўргатади. И. муқаддас китоблар, ривоятлар келиб чиқишининг илоҳий эканлини, шунингдек, ибодатни бажариш б-н боғлиқ бир қатор амалий билимлар йиғиндисини ўз ичига олади. И.нинг барча тизимлари дунёни яратган ва уни инсон билалмайдиган қонунлар орқали бошқарадиган Яратганни тан олишга асосланади. Ислом динида И.нинг шаклланиш даврида хилма-хил И. оқимлари (жабарийлар, қадарийлар, муътазиллийлар, муржибийлар ва б.) вужудга келган. Исломда И. илк шаклланиши давридан бошлаб қалом деб аталган. И. фан сифатида диний характердаги таълим муассасаларида ўқитилади.

ИЛГОР ПЕДАГОГИК ТАЖРИБА – ўқитувчининг таълим-т-я соҳасидаги билим, кўникма ва малакаларни ижодий

ўрганиб бориши, ўз устида ишлаши ва таълим-тарбияни замонавийлаштириш имкониятларини ифодаловчи ф-ят тури. **ИЛҲОМ** – одамнинг руҳий ҳолати; ундаги барча ижодий кучларнинг қуйилиб келиши, руҳий жараёнларнинг фаоллашуви. Бундай ҳолатда бутун руҳият айни бир вақтда ишга солинади. И. пайтида онг тиниклашиши қузатилади, фикрлаш ва ижодий ҳаёлот сермахсул бўлади, ҳис-туйғулар тўлиб-тошади, эътибор буткул ижод объектига қаратилган бўлади. И.нинг физиологик асоси доминанта (вақтинча ҳукмронлик қилувчи рефлектор тизими) ҳисобланади.

И.ни «илоҳий руҳланиш» б-н боғловчилар уни фақат бадиий ижодда намоён бўлади, деб ҳисоблайдилар. И.га моддиончилик нуқтаи назаридан ёндашувчилар уни каттик меҳнат қилиш натижаси деб биладилар, ижодиётнинг ижт. ва индивидуал омиллари, атроф-муҳит ва шахснинг ижт. шарт-шароитлари б-н боғлайдилар. Меҳнат ф-ятининг ҳар қандай кўриниши илҳомбахш ва ижодий бўлиши мумкин. И.нинг пайдо бўлиш сабаблари, намоён бўлиш шакллари хилма-хил. Барча фан соҳибларида И. бўлади. И. ижоднинг қудратли омили, у ижодкорларнинг ҳамма кучларини ишга солади, ижодий самарадорликка ёрдам беради.

ИМБЕЦИЛЛИК (лот. imbecillus – заиф) – ақли норасоликнинг ўртача даражаси: руҳий жиҳатдан бир қадар ривожланмай қолиш (олигофрения). Бунда бемор болаларнинг сўз бойлиги оз бўлиб, уларни ҳисоблаш ва ўқишга ўргатиб

бўлмайди, лекин уларда жўнроқ меҳнат кўникмаларини ҳосил қилиш мумкин.

ИМКОНИЯТ ВА ВОҚЕЛИК – нарса ва ҳодисалар ривожининг асосий босқичларини ифодаловчи фал. тушунчалар.

Воқелик реал ҳаётда мавжуд бўлган нарса ва юз берган ҳодисалардир. Лекин бу нарса ва ҳодисалар ривожланиш жараёнида бирданига ҳоз. ҳолатида бўлмай, имконият сифатида пайдо бўлган, улар ўзининг муайян келиб чиқиш даврига, тарихига эга. Воқелик пайдо бўлишдан олдин имконият тарзида мавжуд бўлади.

Имконият воқеликнинг куртак ҳолидаги ҳали юзага чиқмаган кўринишидир. Имконият воқеликни келтириб чиқарувчи, ривожланишнинг объектив ва субъектив шарт-шароитларидан иборат, ҳали амалга ошмаган, лекин юзага чиқиши мумкин бўлган ҳодисадир. Имкониятнинг воқеликка айланиши ривожланиш жараёнини ифодалайди.

Имконият бирдан воқеликка айланмайди. У эски воқелик бағрида ривожлана боради ва муайян шарт-шароитлар пайдо бўлгач, воқеликка айланади. Имконият реаллаша борган сари унинг мавжуд эски воқелик б-н кураши кескинлашиб боради. Шунга кўра, формал (расмий), абстракт (мавҳум) ва реал имкониятларни бир-биридан фарқ қилмоқ керак.

Формал имконият фақат фикрий изчиллик жиҳатдангина тўғри бўлган, лекин реал асосга эга бўлмаган истак шаклидаги имкониятдир. У объектив ривожланиш қонунидан келиб чиқмайди, шунинг учун ҳеч қачон воқеликка айланмайди.

Абстракт имконият амалга ошиши учун ҳали зарур шарт-шароитлар етилмаган, лекин амалга ошиши қонуний бўлган нарса ва ҳодисаларнинг ўзгариш ва ривожланиш мантиқидан келиб чиқувчи имкониятдир. Абстракт имконият ривожланиш жараёнида, муайян шарт-шароитлар етилганда реал имкониятга айланади. Реал имкониятнинг амалга ошиши учун барча зарур шарт-шароитлар мавжуд бўлади ва у доим аниқ характерга эга.

Имконият б-н воқелик ўртасида диалектик боғланиш мавжуд. Бу боғланиш ҳар иккаласининг бир-бирига ўтиб туриши, имкониятнинг маълум шарт-шароитларда воқеликка айланиши, воқеликнинг эса янгидан-янги имкониятлар яратишида ифодаланади. Имкониятнинг воқеликка айланиши табиатда ўз-ўзидан, стихияли равишда амалга ошади. Ж-ятда эса имкониятнинг воқеликка айланиши учун объектив шарт-шароитлардан ташқари субъектив омилларнинг роли катта.

Кишилар ўзларининг амалий ф-ятида ҳар доим реал имкониятларга суяниб иш юритсаларгина, ўз мақсадларига эришишлари мумкин. Бунинг учун мавжуд реал имкониятларни тўғри ҳисобга олиш ва уларни воқеликка айлантириш йўлида барча субъектив омилларни сафарбар қила билиш муваффақият гарови ҳисобланади. Шу боис педагоглар таълим-т-я жараёнини самарали ташкил этиш, таълим олувчиларни ҳар томонлама ривожлантиришга эришиш учун пед. имконият ва пед. воқеликни аниқ тасаввур қилишлари керак.

ИМИЖ (инг. image – қиёфа, тасвир; лот. imago – тимсол, кўриниш) – оммалаштириш, реклама қилиш ва ҳ.к. мақсадларда шахс, ҳодиса, нарсанинг одамларга ҳиссий-руҳий таъсир кўрсатишини кўзлаб шакллантириладиган қиёфаси; тарғиб қилиш воситаларидан бири (мас, сиёсий арбоб имиж); одамлар онгида муайян шахс, ташкилот ёки бошқа ижт. объектга нисбатан юзага келадиган, идрок этилаётган объект ҳақидаги ахб. ни ўзида мужассамлаштирган ва ижт. хулқ-атворга даъват этадиган муайян синтетик образ. И. турлари: корпоратив И. (компания, фирма, корхона, муассаса, сиёсий партия, жамоат ташкилоти ва ҳ.к.ларнинг И.и) ва индивидуал И.(сиёсатчи, бизнесмен, артист, раҳбар, ижт. ҳаракат етакчиси каби алоҳида шахсларнинг И.и)ни фарқлаш мақсадга мувофиқ. Иккала ҳолда ҳам, яъни ташкилотга нисбатан ҳам, шахсга нисбатан ҳам ташқи ва ички И. бўлади.

Шахснинг ташқи И.и вербал, визуал, ахлокий, эстетик ифода усуллари ва хулқ-атворнинг ҳар хил шаклларида таркиб топади, у б-н бевосита ёки билвосита алоқага киришадиган одамлар эса бу И. субъекти ҳисобланади. И. масаласида функционал ёндашув тарафдори бўлган инглиз олими Ф. Жевкинз И.нинг қуйидаги турларини таклиф қилган эди: 1) кўзгусимон – бизнинг ўзимиз ҳақимиздаги тасаввуримизга хос бўлган И.; 2) жорий – четдан ташланган назарга хос бўлган И.; 3) мақбул И. – шахс нимага интилаётганини акс эттирадиган И.; 4) корпоратив – ташкилотнинг айрим бўлинмалари ёки унинг иш натижалари

ри эмас, балки умуман ташкилот И.и; 5) кўп сонли – ягона корпорация ўрнида бир қанча мустақил тузилмалар мавжуд бўлган ҳолда юзага келадиган И. И. масаласида контекстли ёндашув ҳам бор. У И.нинг мувофиқлаштирилган ҳолда яхлит хусусият касб этиши, рўёбга чиқариш шарт-шароитларини ҳисобга олиниши, айрим жиҳатлари эса бир-бирига зид бўлмаслиги лозимлигини англатади. Инглиз олимаси Э. Сэмпсон шахсий И. тўғрисида сўз юритар экан, ташқи ва ички омилар уйғунлигига қараб, И.ни уч турга – ўз-ўзининг И.и, идрок этиладиган И. ва талаб қилинадиган И.га ажратади. Ўз-ўзининг И.и ўтмиш тажрибасидан келиб чиқади ва ўзига нисбатан ҳурмат, ишончнинг ҳоз. ҳолатини акс эттиради. Идрок этиладиган И. – бошқа одамларнинг бизга бўлган муносабатидир. Талаб қилинадиган И. айрим касблар (роллер)нинг муайян хусусиятларни талаб қилишини англатади. Айрим ҳолларда бунга кийим тури кўмаклашади. Ўқитувчининг расмий либоси, судьянинг мантияси, подшонинг тожи – буларнинг барчаси шахснинг муайян ролларни бажарувчи эканига ишора қиладиган И. белгиларидир.

Умуман, И. тушунчаси энг муҳим гносеологик муаммо бўлиб, бошқа барча назарий-амалий ва технологик муаммолар кўпроқ мазкур муаммонинг ечимига боғлиқ.

ИМИЖЕЛОГИЯ (инг. имиж – қиёфа, тасвир, логия – таълимот, фан) – одамларни ёқимли ва жозибали бўлишга, инсонларга нур ва ёруғлик етказишга ундаш: ҳар бир фуқаронинг олийжаноб қиёфаси

хақидаги орзу ва унга эга бўлиш – демократик ва инсоний ж-ят қуришнинг зарур шarti; таъсир этиш техн.си; таълим тизимида ўқитиладиган фан. Француз олими Блез Паскаль инсонларга таъсир ўтказишнинг ишонтириш ва ёқиш усули мавжуд бўлиб, иккинчиси энг самарали деб таъкидлаган. И. ўзида психология, менежмент, нотиклик, ахлоқ, ишчан этикет каби бир қатор соҳалардаги билимларни синтез қилган ҳолда мужассам этган. И. фани инсон, ходим, раҳбар, ташкилот, жамоа, фирма, шахар, миллат, давлат каби индивид ва тузилмаларнинг мазмун-моҳияти асосида вужудга келган уларнинг ташқи кўриниши, қиёфаси, шуҳрат ва обрўга эришиш борасидаги тарихий тақрибалари, илмий асослари, шаклларини ўрганади. Имижмейкерлик ф-яти ёрдамида уларнинг шуҳратини, нуфузини ошириш имкониятларини очиб беради. И. шахс, раҳбар, ижодкор ва ишбилармон одамнинг қиёфаси, нуфузи, обрўси, фикри, сўзи, ҳаракатлари ва иш ф-яти ёрдамида обрў орттириш, ҳурматга сазовор бўлиш, шуҳрат қозониш, инсоннинг иш яхши томонларини очиш ва тарғиб қилиш, ўз даражасига яраша мавқега эга бўлиш каби масалаларни тадқиқ этади. И. инсон, ходим, раҳбардаги ёмон иллатларни йўқотиш, сохта обрў орттириш усулларини фoш қилиш, инсондаги энг қийин ижобий хислатларни умумлаштирилган ҳолда гўзал ва баркамол, жозибали, кўркем, истарали, ёқимтой одам бўлишни ўргатади. И. шахс ёки ижт. муҳим хақидаги визуал таассуротдир. И. илмий маданиятнинг фундаментал аъёнчаларига асосланади. Ўз имижи сари ин-

тилиш, жозибадор, хушмуомала бўлиш инсон ва ж-ят учун ёқимлидир. Ўзимизга ва бошқаларга ёқмаслик туфайли атрофимизда кўпгина муаммоларга дуч келишимиз мумкин. Ғарбда имиж прагматик характерга эга бўлиб, имижмейкер хизматидан сиёсий арбоблар ҳам, таникли санъаткорлар, бошқа касб эгалари ҳам фойдаланади. И. педагог ва тарбиячилар учун асосий манба ҳисобланади. И. нинг ўзига хос хусусият ва техн.си шундан иборатки, бунда этика, психология ва б. фанлар узвий уйғунликда ўқитилади. И. ҳоз. замон кишисини тарбиялашнинг муҳим таркибий қисми; турли соҳа мутахассислари касбий маҳоратининг муҳим элементи; касбий ф-ятнинг пиар (PR – public relations – жамоатчилик б-н ишлаш) бўйича мутахассис, стилист, имижмейкер каби турларини фарқлаш учун назарий-услубий асосдир. И.га хос шахсий жозибадорлик техн.сининг энг муҳим вазифаси турли ёшдаги одамларга имиж хақида билимлар бериш, уларга бу билимларни ўзлаштиришда ҳамда шахслараро ва ишга доир муносабатларни йўлга қўйишда бу билимлардан моҳирона фойдаланишда кўмаклашишдан иборат. Шахс ўз ижобий имижини яратишда қанча кўп муваффақиятга эришса, ҳуқуқатвори кўлами шунча бой бўлади ва одамларнинг таассуротларини самарали бошқаради. Одамлар бир-бирига ёқишга ҳаракат қиладиган мулоқот жабҳаларида зиддиятлар келиб чиқмайди. Натижада одамларнинг ташқи таровати, мафтункорлиги соғлом турмуш тарзининг муҳим омили сифатида намоён бўлади. Инсоннинг ҳаётдаги муваффақиятлари

хам унинг ташки таровати, жозибадорлиги, бошқа одамларга ёкиш маҳорати б-н узвий боғлиқ. Бунга эришишда И. улкан роль ўйнайди. Шундай экан, И. нинг қўйидаги шиорига сўзсиз риоя этиш мақсадга мувофиқдир: «Токи тирик экансан, одамларга ёкиш учун мавжуд барча имкониятлардан фойдалан». Буюк мутафаккир Сукрот: «Инсоннинг баркамол ҳаёти – олий санъат», деганида тўла ҳақ эди. «Баркамол ҳаёт» тушунчаси шахснинг муносиб имижини ҳам муҳим элемент сифатида ўз ичига олади. Владимир Даль И.нинг луғавий маъносини образ ва чехра тарзида изоҳлаган. Унинг фикрича, образ – мустаҳкам, турғун ҳолат, чехра эса – бу шахснинг ўзгарувчан ташки кўринишини ифода этади.

Ҳар бир педагог хушмуомала, кўнгли очик бўлиши, суҳбатдоши б-н сўзлашганда ўзининг фикрларини эркин ифода эта олиши лозим. Унинг учун асосий сифатлардан яна бири – эмпатиядир. Бу ўқувчиларнинг ички дунёсини ҳис этиш, уларни тушуниш, олдиндан бўладиган музокаралар ечимини ҳис этишда ёки ўз суҳбатдошининг кайфиятини ҳис этган ҳолда, суҳбат мавзусини ўзгартиришда намоён бўлади.

ИМИТАЦИОН ҰЙИНЛАР – имитацион ўйинлар сценарийси, ҳодиса сюжетидан ташқари, имитация қилинадиган жараён ва объектлар таркиби ва аҳамияти ҳақидаги тафсилотларни ўз ичига олган бўлим, цех, корхоналарнинг ф-ятини имитация қилишга асосланган дидактик ўйин тури.

ИМИТАЦИЯ (лот. *imitatio* – тақлид) – 1) бирор нарсага тақлид қилиш,

ўхшатма; 2) мусикада – бирон овозда садоланган кўп овозли мусика асари куйини бошқа (юкори ёки паст) овозда айнан ёки ўзгачароқ қилиб такрорлаш. Пед.да И.дан кенг фойдаланилади.

ИМЛЮ (араб. – тўғри ёзиш), о р ф о г р а ф и я – сўз ва гапларнинг, сўз қисмларининг графика воситалари ёрдамида тўғри ёзилиши; муайян тилдаги тўғри ёзиш қоидалари мажмуи. Сўзларнинг товуш таркиби ҳамда сўз ва унинг морфологик таркибининг ёзилиши, сўзларни кўшиб ёки алоҳида ёзиш, бош ҳарфларни тўғри қўллаш, бўгин кўчириш ва бевосита ёзув б-н боғлиқ б. қоидаларни ҳам ўз ичига олади. Шу боис И. қоидалари вазиятга кўра ўзгариб ҳам туради.

Кирилл ёзувидаги ўзбек адабий тилининг И. қоидалари 1940 йдан шакллана бошлаган бўлса, 1956 йда мукамал қоидалар тўплами қабул қилинган. Ўзбек адабий тилида фонетик, морфологик, тарихий-этимологик И. қоидалари амал қилади. Фонетик ёзув И. қоидаларига мувофиқ, айрим сўзларнинг ўзак ва кўшимчаларидаги ўзгаришлар ҳисобга олиниб, талаффузга мувофиқ ёзилади (кўк + га = кўкка, боғ + га = боққа, булоқ + га = булоққа ва б.). Морфологик И. қоидасига кўра, айтилиши ва эшитилишидан қатъи назар, айнан ўз ҳолича ёзилади (ичди, тушди, бориб-ди; бунда кўшимчалар – ти – ипти тарзида талаффуз қилинса ҳам, ди, – ибди шаклида ёзилади). Тарихий-этимологик қоидага амал қилинганда эса сўзлар ўз ҳолича ёзилади (китоб, Мухаммад, кимё, товар, география, Корея, Франция ва б.).

Ўзбек тилининг лотин графикаси асосидаги (1995 й. да қабул қилинган) алифбоси бўйича асосий И. қоидалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 й. 24 авг. даги Қарорига асосан қабул қилинган.

«ИМОН ал-БУХОРИЙ САБОҚЛАРИ» – Имом Бухорий халқаро жамғармасининг маънавий-маърифий, илмий-адабий журнали. 2002 й. дан Тошкентда уч ойда бир марта нашр этилади. Унинг вазифаси – ўзбек халқи, айниқса, ёшларнинг миллий-диний қадриятларни соғлом идрок этишига ёрдам бериш, миллий-маънавий меросимиздан баҳраманд этиш. Жур. нинг «Абадий барҳаёт китоб», «Муҳаддислар султони», «Ҳадисларнинг улғу ҳикмати», «Мовароуннаҳрлик бутюк элломалар», «Ислом ва маърифат», «Истиқлол ва ислом» каби рукнлари бор. Жур. кўп нусхада нашр этилади.

ИМОН, и й м о н (араб. – ишонч, эътиқод) – Худога бўлган ишонч-эътиқод; кўнгилда ишониш ва тилда иқроор бўлиш; муайян фикр, олий ғоянинг ҳақиқатлигига қимил ишониш, шу ишончни эътиқодга айлантириш; умуман, ишонч. И. исломнинг 5 рукни (асоси)дан бири – Аллоҳга, унинг фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига, қиёмат кунига, тақдирга ва ўлгандан кейин тирилишга ишониш. Бу «иймони муфассал», яъни имоннинг муфассал таъбири деб ҳам аталади. И. мотуридийлик таълимотига кўра, 2 нарсанинг бутунлиги — эътиқод (динга ичдан чуқур ишониш), иқроор (буни сўзда тан олиш)дан иборат деб ҳисобланади. Исломда И. талаблари «аркон ал-иймон» («эътиқод асослари») саналади. И. асос-

ларига, у ақлимизга хоҳ сиғсин, хоҳ сиғмасин, барибир уларга шак-шубҳасиз эътиқод қилиш талаб қилинади. И. талаблари, яъни ақидалар исломининг диний дунёқараш асосларини ташкил этади. И. тушунчаси исломда муҳим ва баҳсли масалалардан бири ҳисобланиб, уни турли илоҳиёт ва диний-ҳуқуқий мактаб вакиллари турлича талқин қилганлар.

И. сўзи эътиқод сўзи б-н ёнма-ён келиб, имон-эътиқод тарзида ишлатилади. И. инсон онги ва руҳиятига сингган, ундан мустаҳкам ўрин олган дунёқараш сифатида қудратли ҳаракатлантирувчи куч, инсон иродасини мустаҳкамлаш воситасидир. И. туйғайли одам руҳи эзгулик сари интилади, ижт.-сиёсий ҳаётнинг инсонийлашувида муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, ҳар қандай ғоя ва дунёқараш инсоннинг имон-эътиқодига айлангандагина ҳаракатлантирувчи моддий ҳамда руҳий куч сифатида намоён бўлади. Умуминсоний ахлоқий қадриятлар – сўз б-н иш (амал), тил ва дил бирлиги, инсоф, диёнат, ҳалоллик-поклик, виждонлилик, садокат, муҳаббат, ватанпарварлик, оила, ж-ят, халқ ва бутун инсоният олдидаги бурчни англаш каби фазилатлар имонлилик шартлари ҳисобланади. «Ишонч» б-н «имон» тушунчалари одатий (қундалик) онгда кўпинча бир маънода қўлланади. Назарий онгда улар ўртасидаги яқинликдан ташқари тафовут ҳам борлиги эътиборга олинади. Ишонч одамлар ва уларнинг уюшмалари ўртасидаги ахлоқий-руҳий ҳолат сифатида ўзаро муносабатлар инсоний тус олишига хизмат қилади. Ишонч муҳити қарор топган жойда кўп муаммолар осонроқ,

беозорроқ ҳал бўлади, одамларнинг кўп вақти ва қуввати беҳуда сарфланмайди. Ишончсизлик ва шубҳа барқарор муҳитда инсоннинг шахс сифатида шаклланиши кийинлашади. И. ишончга нисбатан чуқур фал. пед. мазмун-моҳиятга эга. У дунёқараш ва эътиқод б-н узвий боғлиқ бўлгани сабабли алоҳида нодир руҳий ҳолат сифатида намоён бўлади. Ҳоз. даврда бутун жаҳонда диний дунёқараш б-н бирга илмий-фал. дунёқараш ҳам мавжуд. Айрим одамларда диний онг устувор бўлиб, уларда И. диний ақидалар ҳақлигига ишонч асосида шаклланади, баъзи кишиларда эса илмий ҳақиқатларга ишонч устувор бўлгани сабабли, уларда И. дунёвий билим, фал. дунёқараш негизида юзага келади. Имонли инсонлар қуйидаги сифатларга эга бўлади: мўмин, ҳалим, итоаткор, сўзи б-н амали бир, поклик ва ҳалолликка интилувчи, ўз ваъдалари, шартномаларига риоя этувчи каби.

Эътиқод одамнинг онги, аҳволи, руҳияти б-н боғланадиган, оламдаги нарсаларга ҳодиса ва жараёнларга алоҳида муносабатни қарор топтирадиган маънавий-руҳий ҳолатдир. Муайян ғоя ва дунёқарашга ҳис-ҳаяжон асосида ёндашув маъносида эътиқод И.га яқин туради, шунинг учун ҳам баъзан эътиқодни «Имон» тушунчасининг маънодоши ёки уни тўлдирадиган тушунча сифатида қўллайдилар. И. уч нарсанинг мужассамлашувидан ҳосил бўлади: эътиқод, иқрор ва амал. Эътиқод – чин дилдан ишониш; иқрор – сўзда буни тан олиш; амал – ишончни яхши ишлар б-н исботлаш.

Шахснинг эътиқоди масаласи муҳим муаммолардан бўлиб, унинг шакллани-

ши, идроклилик даражаси кўп жиҳатдан ижт. пед. омилларга бевосита боғлиқ. Инсон, айниқса, ёшлар учун ғоят зарур бўлган мафқуравий иммунитетнинг шаклланишида ундаги имон-эътиқод муҳим аҳамият касб этади. Агар таълим муассасаларида ўқувчи ҳамда талаба-ёшларда соғлом эътиқод ва юксак дунёқараш асослари шакллантирилса, улар маънавийти бой, мустақил фикрли ва олийжаноб шахслар бўлиб камолга етадилар.

ИМПЕРАТИВ АХЛОҚ (лот. *imperativus* – фармон) – ахлоқшунослик тарихида муайян из қолдирган немис файласуфи И. Кант қарашларида тавсифланган ахлоқий қонун. Кант гносеологияда бўлгани каби ўз фал.сида ҳам инсон ф-яти ва хатти-харакатларини асослайдиган умумий ва зарурий қонуниятларни топишга уринган. Унинг фикрича, И. а. мутлақ, умумий, барча учун аҳамиятли бўлиши шарт, яъни қонун шаклига эга бўлиши керак. Фақат И. а.нинг тамойил ва қоидаларига мос келадиган хулқ-атвор ахлоқийдир. Кант талқинидаги И. а.нинг мазмуни Конфуций ва Гоббснинг «Ўзингга раво кўрмаган нарсаларни бировга ҳам раво кўрма», Локкнинг «Ўзингга раво кўрган нарсани бошқаларга ҳам раво кўр!» деган ҳикматларига ўхшаб кетади. Аслида бундай фикр ва хулосалар бошқа халқлар, даврлар ва мутафаккирлар таълимотларида, жумладан, ислом динининг асосий манбаларидан бўлмиш ҳадисларда ҳам мавжуд.

ИМПРОВИЗАЦИЯ (итал. *improvvisazione, improvisus* – олдиндан қутилмаган, кўрилмаган; тўсатдан, бирдан) – ол-

диндан тайёрланмасдан, лозим бўлган пайтнинг ўзида шеър, куй, мусикий пьеса ижод этиш; ижро жараёнининг ўзида яратилган бадиий асар (шеър, мусикий пьеса ва ш. к.); фавкулдда тезкор ижодкорлик. И. – пед. ф-ятни олдиндан тайёргарликсиз, ижодий амалга ошириш; ўқитувчи ф-ятида бехосдан пайдо бўладиган илҳом, ижодий фантазия, руҳий кўтаринкилик, фикр, сўз, оҳанг ва маҳоратнинг эркинлиги. И. педагог ф-ятидаги ижро этилаётган ролни жонлантиради, унга янги маъно беради.

И. – тайёргарликсиз баён этиш бўлиб, ўқитувчи томонидан берилган савол ва топшириқларга таълим олувчиларнинг тайёргарликсиз жавоб бериши ҳам И. га киради. Бунга «Ақлий хужум» – ўқитувчи томонидан берилган саволларга таълим олувчиларнинг бирин-кетин жавоб беришлари, мультимедиа-видеотасвирлар (тастурли, овозли, кўргазмали, телевизор, видеоқурилмалар) ёрдамида дарс ўтиш кабиларни киритиш мумкин.

ИМПУЛЬСИВ МАЙЛЛАР – эс-хушни ва шахснинг ҳамма хатти-ҳаракатларини ўзига бўйсундирадиган, энгиб бўлмайдиган ва ҳеч бир асоссиз, мақсадсиз интилишлар. Вақти-вақти б-н тўсатдан пайдо бўлади. И. м. рўй берганда киши ҳар қандай соғлом фикрлар (мулоҳазалар), тасаввурлар ва хоҳишларни энгиб, улардан устунлик қилади. Бу ҳолатда содир этилган хатти-ҳаракатларини у кейинчалик эслай олмайди ёки айқаш-уйқаш ҳолда эслаши мумкин. И. м.нинг бир неча тури фарқланади.

Дипсомания, майзадалик – спиртли ичимликларга ружу қўйиш; улар-

ни бетўхтов ичавериш. Бундай ҳолат тўсатдан бошланиб, бир неча кун ва ҳатто бир неча ҳафта давом этади. Бемор бирдан ичкилик ичишни тўхтатиб қўяди, баъзан ундан жирканади ҳам. У ичкиликка муккасидан кетганда, уларда дромомания ва физиологик қўзғалишлар (экспесслар) кузатилиши мумкин. Дипсомания сурункали алкоголизмга мубтало бўлган кишиларгагина хос бўлмай, балки кўпгина бошқа касалликлар, эпилепсиянинг аффектив пароксизм кўринишидаги ҳолатларда, психопатияларнинг айрим турларида ва шизофренияда ҳам учрайди. Шу боис дипсоманияни симптоматик алкоголизмнинг алоҳида тури деб ҳисоблаш мумкин.

Дромомания (дайдиллик) – беморнинг вақт-вақти б-н ўзи яшаб турган жойни ташлаб, боши оққан томонга, ҳеч бир мақсадсиз дайдиб кетиши, тентираб юриши. У ўқишга, ишга бормай қўяди. Бу ҳолат бир неча кун ёки ҳафталаб давом этади.

Клептомания – кишининг гоҳида ўғрилик қилишга интилиши. Ўғрилланган нарсалар беморга мутлақо кераксиз бўлиши, ҳатто уни кейин ташлаб юбориши ёки эгасига қайтариб бериши ҳам мумкин; айрим руҳий касалликлар (шизофрения), қарилиқдаги эси пастлик ва б.нинг бир кўриниши сифатида кузатилади.

Промания – ҳеч бир мақсадсиз тўсатдан ўт қўйиш майли. Бундай кишилар ўз уйи ёки бошқа бировнинг мулкига ҳасад б-н қараб, ўт қўяди, кейинчалик бу қилган ишидан пушаймон бўлиб юради.

Беморда И. м.ларнинг қайси тури мавжудлигидан қатъи назар, унга сабаб

бўлган асосий касалликни мутахассис врач даволайди.

ИМТИҲОН – ўқувчи ва талабалар билимини текшириш усулларидан бири. И.лар дав. имтиҳони, кириш, синфдан-синфга (курсдан-курсага) кўчириш, танлов имтиҳони ва б. турларга бўлинади. Дастлаб Хитойда Хань сулоласи ҳукмронлиги даври (мил. ав. 206 – мил. 220 й.)да пайдо бўлган. И. ўқимишли кишилар орасидан амалдор бўладиганларни ажратиб олиш заруриятидан келиб чиққан. Амал талабгорлари Конфуций китоблари бўйича билимдонликларини кўрсатувчи дав. имтиҳонини топшириш ва илмий даража олишлари зарур бўлган.

И. ўрта асрлардан бошлаб Европа ун-тларида бакалавр ёки магистрлик даражасини олишга даъвогарларнинг билимини синаш учун киритилган. 19-а. бошларига келиб, Европанинг барча мамлакатларига ёйилди.

Ўзбекистондаги умумий таълим мактабларида синфдан-синфга кўчириш ва битириш И.лари топширилади. Кўчириш И.лари таълим муассасалари томонидан ишлаб чиқилган ва тегишли ташкилотлар тасдиқлаган Низомга мувофиқ ўқишнинг муайян босқичида олинади. Битириш И.лари эса, таълим тизимининг бирор бўғинида ўқиётган ўқувчи томонидан ўқув юртини тугатиш пайтида топширилади. Битириш И.ларини И. комиссиялари қабул қиладилар. И.ларнинг қайси фанлардан топширилиши, қачон, қай тарзда ўтказилиши муайян ҳуқуқий ҳужжатлар орқали белгиланади. И.даги ёзма иш мавзулари ва оғзаки И. савол-

лари таълим тизими ф-ятини ташкил этувчи ва йўналтирувчи ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилади. Мактабларда йиллик ва И.га қўйилган баҳолардан пед. жамоа якуний баҳо чиқаради. Бу баҳо у. ў. т. муассасасини тугатганлик тўғрисидаги ҳужжатда қайд этилади.

Олий, ўрта махсус касб-ҳунар ўқув юртларига ўқишга кириш учун танлов асосида кириш И.лари ўтказилади. Ўзбекистон Республикасида 1992 й.дан кириш И.ларини олиш тест усулида амалга оширилмоқда. Олий мактаб талабалари ҳамда АЛ ва коллежларнинг ўқувчилари ҳар бир семестр ёки курс охирида И. топширадилар. Бу даргоҳларнинг битирувчилари эса дав. имтиҳони топширадилар. ОЎЮнинг бакалавриат босқичида дав. имтиҳонлари б-н бирга битирув иши ҳам химоя қилинади. Ижодий ёндашув ва алоҳида тайёргарлик талаб этиладиган олий мактабларда қўшимча И. жорий этилади.

ИМТИҲОН СЕССИЯСИ – олий, ўрта махсус касб-ҳунар ўқув юртларида муайян мутахассислик бўйича ўқув режаси асосида белгиланган имтиҳонларни топшириш даври. Бир ўқув йилида иккита – қишқи ва ёзги И. с. бўлади. Қишқи И. с., одатда, янв.–фев., ёзги И. с. май-июнь ойларида ўтказилади. Сессияга киритиладиган имтиҳонлар ўқув режасида белгиланади; ОЎЮда имтиҳонлар, одатда, 5 тадан, ўрта махсус касб-ҳунар ўқув юртларида эса 4 тадан ошмайди. Лекин олий таълим амалиётида мазкур чеклашга қатъий амал қилинмайди. И. с.га ўқув режаси бўйича мазкур семестр учун мўлжалланган барча синовларни

муваффақиятли топшириб, ўқув дастурларида белгиланган амалий ишларни бажарган талабалар, ўрта махсус касб-хунар ўқув юртиларида ўқиш жараёни якунида қониқарсиз баҳо олмаган ўқувчилар қўйилади. И. с. ўқув юртининг ректори ёки директори томонидан тасдиқланган жадвал асосида ўтказилади. Мазкур курснинг ўқув режасини тўлиқ бажарган ва имтиҳонларни муваффақиятли топширган талаба (ўқувчи)лар кейинги босқичга ўтказилади.

ИНВЕРСИОН ТАЪЛИМ – (лот. *inversio* – ўгириш, ўрнини алмаштириш) ўзгартириш, жойини алмаштириш, таълақкур тизимини шакллантириш йўналишидаги таълимни ифодаловчи атама.

ИНГЛИЗ ТИЛИ ДАВЛАТ ТАЪЛИМ СТАНДАРТИ – инглиз тилидан ўқувчиларга тақдим этиладиган таълим мазмунининг минимал даражасини ифодалаган ва шу соҳадаги ўқув дастурлари ва дарсликларни тузиш учун асос бўладиган ўқув-меъёрий ҳужжат.

ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ – инглиз тили фанини ўқитишнинг назарий асослари, методлари, усуллари ва техник сини ўргатишга хизмат қиладиган ўқув фани.

ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎҚУВ ФАНИ – инглиз тилидан ўқувчи ва талабаларга тақдим этиладиган билим, кўникма ва талақаларини, назарий тушунчаларни ўқитишга олган ўқув фани. Мазкур ўқув фани 2013/14-ўқув йилларидан бошлаб Ўзбекистондаги умумтаълим мактабларининг 1-синфидан ўқитила бошланди. И.т. ва б. хорижий тилларни ўқитиш

жараёни бу соҳадаги ўқув дастурлари, дарсликлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 й. 10 дек.даги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–1875-сонли Қарорига мувофиқ компетенциявий ёндашув асосида амалга оширилмоқда.

ИНДИВИДУАЛ ТАЪЛИМ – ўқитувчининг ўқувчига педагог таъсирини амалга оширувчи ўқув машғулотлари шаклларида бири. Ўқитувчининг ўқувчи б-н синф ва синф жамоасидан ташқарида олиб борадиган ф-яти тушунилади. И.т. таълим шаклларида энг қадимийси бўлиб, у қад. давр ва ўрта асрларда ҳам кенг қўлланилган.

Ўзбекистон таълими тарихида И.т.нинг самараси, айниқса, амалий санъат, хунармандчиликда устоз-шогирд таълими тарзида намоён бўлган. Машҳур халқ усталари Тошпўлат Арслонқулов, Уста Ширин Муродов, Қодиржон Ҳайдаров, Максуд Усмонов, Ҳамро Раҳимовлар шу тарзда таълим олганлар. И.т. да бола руҳиятининг индивидуал хусусиятларини, фан соҳалари ва касб эгаллашга бўлган табиий мойилликларини тўлиқ эътиборга олиш имконияти таъминланади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, И. т.га эътибор сезиларли даражада ортди. Айниқса АЛ, касб-хунар коллежлари ва ОЎЮга киришнинг тест тизими жорий этилиши И.т. нинг репетиторлик шакли ривожланишига туртки бўлди.

ИНДИВИДУАЛИЗМ (лот. *individuum* – бўлинмас) – инсоннинг шахсий ҳаётини жамоага боғлиқ бўлмаган, фақат унинг ўзига тегишли алоҳида бир ҳодиса деб

қарайдиган, ж-ят манфаатларидан инсон ҳуқуқларини мутлақ устун қўядиган фал.-ахлокий таълимот; инсон индивидуал ҳаётининг алоҳидалигини таъкидловчи фал.-ахлокий тамойил.

И.нинг назарий талқини негизда ҳар қайси шахснинг ягона, беқиёс экани, унинг ҳуқуқларини мутлақлаштириш ётади. Аксарият ҳолларда инсон табиати-нинг ўзида И. мавжуд деб ҳисобланади. И.нинг моҳиятини асослашга қаратилган қарашлар шахсни жамоага қарши қўйиш, шахсий манфаатларини ж-ят манфаатларидан устун қўриш б-н боғлиқ ҳолда қад. замонлардан бошлаб шаклланган. Айрим файласуфлар антик даврлардаёқ шахсий ва ж-ят манфаатлари ўртасида кескин зиддият вужудга келиши мумкинлигига эътибор қаратган. Бу зиддият турли фал. оқим ва мактаблар вакиллари томонидан ўзига хос тарзда талқин этилган. Мас., Афлотун ва унинг мактабига мансуб файласуфлар шахс манфаатлари ж-ят манфаатларига тўлиқ бўйсундирилиши зарурлигини асослашга интилган. Киниклар эса, аксинча, ижт. ҳаёт кадриятларини бутунлай инкор этиб, шахс эркинлиги ва манфаатлари устуворлигини ёқлаб келган. Мазкур таълимотга юнон файласуфи Антисфен асос солган бўлса-да, фал. адабиётда унинг шогирди, кинизм оқимининг ёрқин вакили – ғайриодатий хатти-ҳаракати ва юриш-туриши б-н шуҳрат қозонган Диоген бу масалада кўпроқ тилга олинади. Унинг қарашлари ўта бирёқламалиги б-н ажралиб турган. Диогеннинг фикрича, инсон эркинлиги чексиз бўлиши, дав. ҳам, оила-никоҳ муносабатлари ҳам, ахлокий кадриятлар ҳам унга тўсқинлик

қилмаслиги керак. Бундай ёндашув ж-ятнинг маънавий-ахлокий асосларини емириб, турли бузғунчиликларга сабаб бўлади. (Бугунги кунда айрим Ғарб мамлакатларида индивидуал ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш баҳонасида қип-яланғоч бўлиб намоён бўлишга чиқадиган ёшлар, бир жинсдаги одамларнинг никоҳдан ўтишини қонунийлаштиришни талаб этаётган баъзи гуруҳлар киниклар таълимоти, уларнинг ғоялари ҳамон бошқача шаклларда яшаб келаётганидан далолат беради.) Ушбу мактаб вакилларида Антисфен, Синоптик Диоген, Кратетнинг фикрича, инсоният тарихи давомида шаклланган барча ижт. муносабатларга, маданий кўникмаларга, жумладан, ахлоқ ва одоб меъёрларига ҳам барҳам бериш зарур экан. Ғўёки, улар инсоннинг асл моҳиятини ташкил этадиган табиий майл ва интилишларнинг эркин намоён бўлишига тўсқинлик қилар эмиш. Индивид маънан фақат ўзига, ўз вужудидаги табиий эҳтиёжларга таяниши мумкин эмиш. Ҳатто инсон учун энг муқаддас бўлган туйғу – ватанпарварликка зид равишда ўзларини «дунё фуқаролари» – космополитлар деб эълон қилган киниклар ҳар қандай ж-ятда инсон ўз билганича, ўз қонунлари асосида яшashi керак, деган ғояни илгари суриб, ҳар қандай ахлокий чегараларни инкор этганлар. Бугунги кунда бу фикрлардан оммавий маданият намоёндалари ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар.

Уйғониш даврида И. илмий концепция сифатида шаклланди. Гоббс, Гельвеций, Гольбах каби Европа маърифат-

парварлари эса, И.ни инсон фаоллиги, айниқса, тадбиркорлик ф-ятининг универсал мезони сифатида эътироф этади. Уларнинг фикрича, ҳатто инсон томонидан ўз яқинларига яхшилик қилиш замирида ҳам ўз манфаатларини тўғри англаш ёки «оқилона худбинлик» (Гольбах) туйғуси этади. Кант инсон табиатига хос бўлган худбинликни «ўтакетган бадбахтлик» сифатида баҳолаб, бу тоифадаги одамларни фақат ўз фойдаси ва манфаатини кўзлаб яшайдиган «ахлокий эгоист» деб атайди. Шопенгауэр ҳар бир инсоннинг ўзига хос яшаши учун йўналтирилган ирода-интилишни И.нинг асоси деб ҳисоблаган. Шунингдек, Штирнер, Ницше, Сартр, Бергсон ва Ясперс сингари Ғарб файласуфларининг қарашларида ҳам И. масалалари ёрқин ифодасини топган. Кишилар дунёқарашини бошқариш, уларнинг қалби ва онгига оммавий маданият тоялари талабларига жавоб берадиган стандартларни сунъий равишда зўрлаб сингдириш йўлидаги уринишлар тобора кенж олаётган ва кенг микёс касб этаётган хоз. глобаллашув даврида Ғарб мамлакатларида И. нигилизм, скептицизм, эгизм, волюнтаризм, анархизм, эгоизм, авторитаризм каби кескин кўринишларда тасмоён бўлмоқда.

Умуман олганда, шахс ҳулқи, ф-яти, эркинлиги, ҳақ-ҳуқуқлари устуворлиги ва автономияси муайян меъёр доирасидагина ижобий характерга эга бўлади. Ундан ташқарида эса индивиднинг шахс сифатида барбод бўлишига замин яратадиган ғайриинсоний моҳият касб этади.

Шу боис таълим муассасаларида ўқувчи ҳамда талабаларга И.нинг ижо-

бий ҳамда салбий жиҳатларини тушунтиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

ИНДИВИДУАЛ ЁНДАШУВ МЕТОДИ – пед. жараёни ўқувчининг индивидуал ўзига хос жиҳатлари (мижози, характери, қобилияти, мойиллиги ва б.)ни эътиборга олган ҳолда амалга ошириш методи.

Таълимни индивидуаллаштириш – уни ҳар бир ўқувчининг ўз индивидуал хусусиятларига мослаб ташкил этиш демакдир.

Индивидуаллаштириш деганда ҳар бир ўқувчининг индивидуал-психологик хусусиятларини ҳисобга оладиган, ўқувчиларнинг ўқув-билув ф-ятини бошқариш тизими тушунилади.

Таълим жараёнида ўқувчиларнинг индивидуал тайёргарликларини таъминлашда уларнинг лаёқатларини алоҳида эътиборга олиш лозим. Ўқувчи ўз тайёргарлиги давомида фаол ҳаракатда бўлмас экан, унинг лаёқати ташқи таъсир ва шароитлар таъсирида ўз-ўзидан қобилиятга айланиб қолмайди.

Таълим жараёнида И. ё. м.дан фойдаланиш замонавий таълим тизимини такомиллаштириш йўлларида биридир. И. ё. м.нинг аҳамияти шундаки ўқувчи таълим жараёнининг асосий субъекти сифатида ўқитувчи ҳамда ўқув материаллари б-н мулоқотга киришади. И. ё. м.дан фойдаланиш: шахснинг ижобий фазилатларини аниқлаш; шахсни мунтазам психологик-пед. ташхислаш; таълим-т-я жараёнида шахс хусусиятларини ҳисобга олиш; шахс ривожланишини башорат этиш ва б.ни камраб олади.

ИНДИВИДУАЛ ОНГ – муайян гуруҳ, элат, миллатга мансуб бўлган алоҳида шахснинг онги. Вокелик ва реал борлиқнинг алоҳида олинган шахс онгида акс этишидир. И. о. соҳиби, субъекти алоҳида олинган индивиддир. И. о. тараққиётига ижт. онг б-н бирга шу шахсгагина хос бўлган темперамент, характер каби хусусиятлар, моддий ҳолат, оилавий, диний, миллий-маданий мансублик, ўқимишлилик даражаси каби омиллар ҳамда ижт. муносабатлар характери ҳам муайян даражада таъсир кўрсатади. И. о. алоҳида индивиднинг туғилиши б-н шаклланиб, таълим-т-я ва ижт. муносабатлар натижасида ривожланади. И. о. айрим соҳаларда ижт. онгдан ўзиб кетиши ёки орқада қолиши мумкин. Фан тарихида кескин бурилишлар ясаган олимлар, ж-ят тараққиёти истиқболларини олдиндан айтиб берган мутафаккирларнинг қарашлари И. о. баъзан ижт. онгдан нечоғлик илгарилаб кетишига ёрқин мисол бўла олади.

ИНДИВИДУАЛ РИВОЖЛАНИШ – индивиднинг туғилганидан бошлаб то ҳаётининг сўнгигача давом этадиган ўзига хос шаклланиш жараёни.

ИНДИВИДУАЛЛАШТИРИЛГАН ЎҚИТИШ – ўқув жараёнини ташкил этишда индивидуал ёндашиш асосида танланган ўқитиш йўллари ва турли ўқув-услугий психологик-пед. ҳамда ташкилий бошқарув тадбирлари орқали таъминланган ўқув жараёни.

ИНДИВИДУАЛЛАШТИРИЛГАН ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ – ўқув жараёнини ташкил этишда индивидуал ёндашиш ва ўқитишнинг индивидуал

шакли устувор бўлган таълим технологияси.

ИНДИВИДУАЛЛИК – 1) муайян ҳодиса ва нарса, шахс ва жониворнинг ўзигагина хос, бетакрор, хусусий белгилари; 2) инсон руҳиятининг ўзига хослиги, бетакрорлиги.

ИНДИКАТОР (лот. indicator – кўрсаткич) – кузатилаётган жараён, объектларнинг ҳолатини, унинг сифат ва сон кўрсаткичларини қайд этувчи қуролма, ускуна, жиҳоз. И. т.ларда техникавий жараёнлар, физик ва кимёвий экспериментларнинг боришини, унинг натижаларини кўрсатувчи мослама.

Бу атама таълимнинг турли босқичлари ва пед. ҳодисаларга нисбатан қўлланилади. Унда алоҳида ўқувчининг, бир синф ёки мактабнинг, тизимнинг кўрсаткичлари, таълим мазмунини ўзлаштириш даражаси, таълим сифати ва самарадорлиги кўрсаткичи индикатор тарзида қўлланилади. Бу атама ўз мазмуни ва моҳиятига кўра таълим сифати ва самарадорлиги мониторинги тарзида талқин этилиши мумкин. Пед. да индикатор атамаси таълим босқичлари ва сифатлари ҳақидаги маълумотларни жамлаган якуний кўрсаткич сифатида баҳоланиб, таълимда эришилган ютуқлар ҳамда йўл қўйилган камчиликларни кўрсатиб беради.

ИНДУКЦИЯ МЕТОДИ (лот. inductio – буриш, тўғрилаш, кўзгатиш) – хусусий фикрлар (тасдиқлар)дан умумий хулосалар (тасдиқлар) чиқаришнинг тадқиқот усули. Таълимда фикрлашнинг И. м.дан фойдаланиш воситасида жараённинг хусусий омиллар, кўрсаткичлар

ва хусусиятлар, элементлардан умумийга ўтиш ҳодисаси содир бўлади. Ўқитишда индукция дедукция б-н мантикий алоқадорликда қўлланилади. Таълимда ўқув фанининг хусусиятлари, унинг мазмуни ва қўлланиладиган мет. лар, ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига алоҳида эътибор қаратилади. Шу маънода, бошланғич синф ўқувчилари хусусий ҳолатлар, алоҳида жараёнлар, буюм ҳамда ҳодисаларга кўпроқ кизиқишлари туфайли бошланғич таълимда И. м.дан фойдаланиш ўқитишнинг дидактик имкониятларини кенгайтиради. Таълимда индукциядан фойдаланиш орқали босқичма-босқич хусусий ҳолатлардан умумий ҳолатларга ўтилади, хусусий ҳулосалар асосида умумлаштириш жараёнлари содир бўлиши натижасида ўқувчиларнинг мантикий фикрлаш кўникмалари таркиб топади.

Индукцияда кузатувлар, тажрибалар асосида олинган натижаларга таянилади. Бирок илмий назариялар яратиш учун индуктив умумлашмалар камлик қилади. Шунинг учун билишнинг И. м. аналогия, дедукция, таққослаш каби мет. лар б-н алоқадорликда қўлланилади.

ИНЖИЛ – Аллоҳ таоло томонидан Исо (а. с.)га Жаброил орқали оғзаки тарзда нозил қилинган китоб. Мусулмонлар бунга имон келтирадилар. Бу ҳақда Қуръонда бир неча оятлар бор: «Ва унга китобни, ҳикматни, Таврот ва Инжилни ўргатади» («Оли Имрон» сураси 48-оят).

Уларнинг изларидан Исо ибн Марямни ўзидан олдинги Тавротни тасдиқловчи қилиб юбордик. Унга Инжилни бердик. Унда ҳидоят ва нур бор. У ўзидан ол-

динги Тавротни тасдиқлагувчидир. У такводорлар учун ҳидоят ва мавъизадир» («Моида» сураси 46-оят). Қуръонга кўра, И.да Муҳаммад (с.а.в.)нинг келишлари ҳақида башорат қилинган, бироқ И. матни насоролар томонидан бузилган. Лекин ўша илоҳий китобнинг асл нусхаси ҳозирда йўқ. Чунки Исо (а.с.) вақтларида И. китоб шаклида бўлмаган. Ҳеч ким ҳеч нарсани ёзмаган. У зотдан кейин баъзи кишилар ўзлари китоб ёзиб, мана шу И. менга ваҳий қилинди ва уни мен ёзиб олдим, деб чиқдилар. Аста-секин «И. ваҳий қилинганлар» сони жуда ҳам кўпайиб кетди. Уларнинг ҳар бири ўзининг И.и ҳақ эканини даъво қилар эди. Орада гапсўз, ихтилофлар кучайди. Шунда император Константин мил. 325 й.да Никея (Nicea)да катта мажлис чақирди. Бу мажлисда 2048 патриарх қатнашди. Сўнгра турли жамоалардан 2000 дан ортик руҳоний ўнлаб И.ларни кўтариб келдилар. Император мажлис аҳли олдиға мавжуд И.лардан энг ишончлисини танлаб олиш вазифасини қўйди. Улар узоқ талашиб-тортишишлардан кейин 4 дона И.ни танладилар. Ҳозирда насоролар эътиқод ва амал қиладиган И.лар ана ўша 4 И.дир:

1) Мутто (Матфей) И.и. У. энг қад. И. ҳисобланади. У Исо (а.с.)дан 4 й. кейин иброний тилда ёзилган эди. Асл нусхаси йўқ. Таржимаси бор, аммо таржимон ҳам, қайси матндан таржима қилингани ҳам ҳозиргача маълум эмас. И.нинг муаллифи Мутто Исо (а.с.)нинг ҳаворийларидан бўлмаган. Кейинроқ уни хоин Якузонинг ўрнига сайлашган;

2) Маркос (Марк) И.и. Бу И. юнон тилида Исо (а.с.)дан 23 й. кейин ёзилган.

Аммо уни ким ёзгани ноаниқ. Баъзи насоролар, уни Пётр, Пётрнинг ўлимидан кейин Маркос ёзган, дейишади;

3) Лука И.и. Бу китоб Исо (а.с.)дан 20 й. кейин ёзилган. Лука у зотнинг шогирдларидан эмас, Полнинг шогирди. Пол ҳам Исо (а.с.)ни кўрган эмас. Бунинг устига Пол насороликка душман бўлган яҳудийлардан эди. Шунинг учун ҳийла б-н насороликка қарши кўп бузғунчиликлар қилган;

4) Юҳанно (Иоанн) И.и. Бу И. Исо (а.с.)дан 32 й.дан кейин ёзилган. Баъзи насоро тоифалари уни Исо (а.с.)нинг шогирдларидан бири Юҳанно ибн Забдий ёзган, дейдилар. 500 таниқли насроний олим иштирокида ёзилган «Британия энциклопедияси» бу китобни, қалбаки китоб, деган. Мусулмон инсон И.ни Аллоҳ томонидан Исо (а.с.)га туширилган илоҳий китоб деб имон келтирмаса мусулмонлиги қолмайди. Шу б-н бирга, мусулмон киши асл нусхадаги И.нинг йўқлиги ва ҳоз. И.лар бузилган эканига ишонади. И.нинг ўзбек тилидаги тўлиқ нашри кирилл ёзувида 1992 й.да сўзбоши, луғат, жадвал ва рангли суратлар б-н бирга Библияни таржима қилиш ин-ти (Стокгольм) томонидан чиқарилган (таржимон – Иброҳим Абаев).

Дунё динлари тарихи фанидан дарс берадиган ўқитувчилар И. ҳақидаги маълумотларни ўқувчиларга объектив тарзда етказишлари талаб этилади.

ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМ (фр. *inclusif*, лот. *include* – қўшаман) – умумий ўрта таълимнинг имконияти турлича бўлган ўқувчиларнинг эҳтиёжларини камраб олишга йўналтирилганлиги, ҳамма учун

бирдеклиги; болаларнинг имкониятлари, индивидуал психологик, жисмоний нуқсон ва ўзлаштириш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этиладиган махсус таълим жараёни; ўқитувчи б-н ўқувчининг ўзаро муносабатларида тенглик асосида таълим-т-я жараёнини ташкил қилиш.

И. т.нинг асосий принциплари сифатида инсоннинг кадр-қиммати унинг иқтидори ёки эришган натижалари б-н ўлчанмаслиги; ҳақиқий таълим фақат ўқувчилар ўртасидаги реал алоқадорликда амалга оширилиши мумкинлиги; барча одамлар ўз тенгқурларининг қўллаб-қувватлаши ва дўстона муносабатларига эҳтиёж сезишлари эътиборга олинади. Таълимнинг принциплари, сиёсати ва амалий ф-яти б-расида Саламанка декларациясига кўра алоҳида эҳтиёжга эга ҳар бир бола таълим олиш ҳуқуқига эга ҳамда унга ўз учун ўзлаштирилиши мумкин бўлган даражада билимга эга бўлишини таъминловчи имконият тақдим этилиши лозим. Шу маънода, Ўзбекистондаги у. ў. т. мактабларида алоҳида эҳтиёж мавжуд ўқувчиларни мактабларга жалб этиш борасида мақсадли ишлар амалга оширилмоқда. И. т. – ҳар бир ўқувчи учун мактабда бир хил шароит яратиб, барча ўқувчиларнинг мақсадларини камраб олувчи таълим тизимини таъминлаш, ҳар бир ўқувчини у. ў. т. олишига тўсқинлик қилувчи барча омилларни бартараф этиш, уларни максимал қўллаб-қувватлаган ҳолда имкониятларини тўлақонли рўёбга чиқаришни назарда тутати.

ИНКОРПОРАЦИЯ (лот. incorporatio – бутунга қўшиш; бирга қўшиш) – амалдаги тарқоқ қонун ва меъёрий ҳужжатларни, уларнинг мазмунини ўзгартирмаган ҳолда, хронологик ёки шифбо тартибда, мавзулар бўйича тартибга солиш (тизимлаштириш); тизимли ёндашув асосида турли фанларга оид билимларни уйғунлаштириш; турли мазмун ва мақомдаги норматив ҳужжатлар мажмуи (тўплами)ни тайёрлаш ҳамда нашр этириш. Одатда, бундай ҳужжатлар тўплами ихтисослаштирилган бўлиб, соҳага оид ўзгаришларга сўра қайта нашр этиб турилади. Таълим соҳасида шундай тўплам сифатида таълимнинг Давлат таълим стандартлари, ўқув дастурларидан иборат норматив ҳужжатлар мажмуини эътироф этиш мумкин. 1999 й.да «Таълим тараққиёти» кураторининг махсус сонлари сифатида ёллон қилинган у. ў. т.нинг Давлат таълим стандартлари ҳамда ўқув дастурлари такомиллаштирилганлиги, модернизация қилинганлиги ҳамда оптималлаштирилганлиги муносабати б-н мажмуа сифатида қайта нашр этилган.

ИНКОРНИ ИНКОР ҚОНУНИ – диалектиканинг асосий қонунларидан бири. Табиат, ж-ят ва тафаккур тараққиётининг бўналишини, шаклини ва натижасини ифодалайди. Биринчи бўлиб Гегель ривожланиш қонуни сифатида таърифлаб берган. Инкор ҳар қандай тараққиётда қаррар ва қонуниятли равишда содир бўладиган жараёндир. Ҳеч бир соҳада ўзининг илгариги мавжудлик шакллари инкор қилмайдиган тараққиёт бўлмайди. Гегель фикрича, «ички ин-

кор» тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучидир. Диалектик инкорнинг объектив характери шундаки, у ҳар бир нарса ва ҳодисанинг ўз ичидан, уларнинг ички заруриятидан келиб чиқади ва ҳар қандай емирилиш ва йўқ бўлиш (инкор) ни ифодаламай, балки тараққиёт учун замин бўлиб хизмат қиладиган инкорни ифодалайди. Бу қонуннинг икки марта такрорланувчи инкорда (инкорни инкор) ифодаланиши нарса ва ҳодисаларнинг доимий равишда ўзгариб, бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиши ва оқибатда ривожланиши узлуксиз эканлигидан келиб чиқади. Ҳар бир мавжуд бўлган нарса ва ҳодиса ўзигача бўлган нарса ва ҳодиса инкор этилишининг маҳсули, айтилиш вақтида шу нарса ва ҳодисаларнинг ўзи ҳам шароитнинг ўзгариши ва вақтнинг ўтиши б-н диалектик инкор этилишга маҳкумдир. Ҳар бир нарса ва ҳодисанинг ўзгариши қўшалок, яъни ҳаммиша икки ёки ундан кўпроқ инкор этишлар б-н амалга ошади.

Инкорни инкорнинг яна бир муҳим белгиси шуки, тараққиётдаги даврийликнинг тугалловчи ҳалқасида, иккинчи инкор босқичида унинг олдинги босқичидаги баъзи белгилари қайта тикланади (дон – ўсимлик ва яна дон). Бошланғич шаклни инкор қилган нарса яна инкор этилганлиги сабабли мазкур бошланғич шаклдаги баъзи томонларга хос белгиларнинг қайта тикланишига олиб келади.

Инкорни инкорнинг моҳиятини илгарилама ҳаракат ва ворисликнинг узвий бирлигидан иборат, деб таърифлаш мумкин. Инкорни инкор туфайли тараққиёт

тўғри чизик шаклига эмас, балки доира шаклига эга бўлиб, бу доирада охириги нукта бошланғич нуктага яқинлашади. Лекин бу яқинлашув юқори асосда содир бўлиши туфайли тараққиёт бурама (спирал) шаклга эга бўлади. Бу бураманинг ҳар бир доираси, айланмаси юқорирок тараққиёт ҳолатини билдиради, шу маънода тараққиётнинг диалектик назариясида «бурамасимон» сўзи ишлатилади.

Кўпинча инкорни инкор жараёнини «тезис» (тараққиётнинг бошланғич нуктаси), «антитезис» (биринчи инкор) ва «синтез» (инкорни инкор) шаклида ифодалаб, тараққиётнинг моҳиятини ана шу учликда деб тушунтирадilar.

Инкорни инкор жараёнида оддийдан мураккабга, қуйидан юқorigа қараб борувчи ривожланиш содир бўлади.

Бу таълим жараёнининг ривожланиши ва шахс тараққиётига хос хусусиятдир.

ИННОВАЦИЯ (инг. *innovations* – кiritилган янгилик, ихтиро) – олдин мавжуд бўлмаган предмет, тузилма, кадрият ва ф-ят мет.лари (технологияси) ни яратиш, пайдо бўлган янгиликларни белги, рамз ва тимсолларда ифодалаш, ижт. ўзлаштириш ҳамда тарқатиш орқали ж-ят ва инсон ҳаётининг барча соҳаларига татбиқ қилиш жараёни; янгиликларни, ўзгаришни амалда таълим тизимига жорий этиш жараёни ва ф-яти.

И. атамаси дастлаб маданиятшунослик фанида маданий ўзгаришлар, турли конкрет-тарихий ижт. уюшмаларда янгиликни қабул қилиш ҳамда ўзлаштириш феноменини ифодалаш ва тушунтириш мақсадида қўлланилган.

Моҳиятига кўра, И. ҳозиргача мавжуд бўлган барча ижт. тизимлар, шу жумладан, цивилизацияларнинг вужудга келиши ва тараққиётини таъминлаб бердиган ижт.-маданий, ижодий таълимий жараёни билдиради. И. инсоният тарихининг «биринчи саҳифасида» дастлабки меҳнат ва ф-ят қуроли, мулоқот тили, санъат, мифологик тасаввурларнинг яратилишида намоён бўлади. Инноватика фанида инновацион жараён ва инновацион ф-ят тушунчалари фаркланади. Инн-он жараён янгиликларнинг технологик томонини билдиради, янгиликларнинг пайдо бўлиши, қабул қилиниши, ўзлаштирилиши, тарқатилиши ва татбиқ қилинишини ўз ичига оладиган кенг қамровли ходисадир. Инн-он ф-ят янгиликларнинг ижодий томонини билдириб, мавжуд тафаккур ва ҳаёт тарзи меҳнат воситалари, предмет ва усуллар ижт. тузилма ва техн.ни ўзгартиришга қаратилган ҳар қандай ижодий фаолликда намоён бўлади. Ҳар қандай И.нинг заминиде инсоннинг ижодий ф-яти ётади. Ижодий ф-ятнинг тафаккур ва ҳаёт тарзини ўзгартиришга олиб келадиган инновацион ф-ят даражасига кўтарилиш И.га сабаб бўлган субъектив (мотив эҳтиёж) ва объектив омилларнинг мавжудлигини тақозо этади.

И. – эскиликнинг янгилик б-н ўзара ўрин алмашинишига хизмат қиладиган тезкор жараён бўлиб, таълим муассасаси ф-ятининг турли соҳаларига янгиликларни жорий этишни ифодалайди. И.ларнинг ижобий тавсифи ва ўзига хос хусусиятларидан бири тизим ости ижт.-маданий ва ижт.-психологик инн-он жа-

жараёнларнинг асосий рамзлари, функцияси ва белгилари сифатида тасвирланади.

Бошқарувда ўзаро таъсир этиш маданиятининг ривожланиши инн-он ўзгаришлар б-н узвий боғлиқ бўлади. И.лар бошқарув маданиятининг энг муҳим ва асосий рамзларидан бири сифатида намоён бўлади ва улар инновацион жараёнларда нафақат ўзининг тавсифи ва хусусиятлари б-н балки, бошқарув маданиятининг энг муҳим хусусиятлари сифатида ҳам белгиланади. Бу, ўз навбатида, И.лар сифатини белгилаш б-н бир қаторда уларнинг намоён бўлиш шактларини ҳам олдиндан белгилайди.

ИННОВАЦИОН ВАЗИЯТ – пед. янгиликларни яратиш, ўзлаштириш ва татбиқ этишга қаратилган вазият.

ИННОВАЦИОН ЖАРАЁН – инновацияларни вужудга келтириш, амалиётга татбиқ этиш ва оммалаштириш ф-яти б-н боғлиқ жараён. Инн-он салоҳиятига кўра янгиликлар; модернизация, ф-ятни такомиллаштириш, шаклан ўзгартириш, ривожлантириш б-н боғлиқ бўлган модификацион инновациялар, олдиндан маълум бўлган мет.лар элементларининг янги тизимга бирикишини назарда тутувчи бириккан инновациялар; рақобатчилик ва умумийликка эга бўлмаган радикал инновациялар пед. жараёнлар самарадорлигининг асоси сифатида белгиланади.

ИННОВАЦИОН МЕНЕЖМЕНТ – менежмент курсларидан бири, «менежмент» ихтисослиги бўйича юксак малакали мутахассислар тайёрлаш дастурининг таркибий қисми. Таълимнинг янги раёнда бошқарув тизими.

ИННОВАЦИОН МУҲИТ – пед. янгиликларнинг вужудга келиши, уларнинг жадал ўзлаштирилиши ва амалиётга татбиқ қилиниши.

ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК ЛОЙИҲА – қабул қилинган ва қисмларга ажратилган инн-он пед. ғоя, фикр.

ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК РЕЖА – тасдиқланган инн-он ўқув лойиҳаси.

ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК ҒОЯ – тизимлаштирилган пед. ғоялар, ўқув жараёни прогностикаси, маълумотлар.

ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ МОДЕЛИ – илмий техникавий салоҳиятидан кенг ва самарали фойдаланиб, фундаментал ва амалий фанларнинг ютуқларини чуқур ва илм талаб қиладиган техн.ни амалиётда кенг жорий этиш, юқори малакали, иқтидорли илмий кадрлар сонини кўпайтириш модели.

ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ (ингл. innovation – янгилик киритиш) – янги техн.ни қўллашга асосланган таълимий ёндашув. Унда таълимнинг фундаментал асосга эга бўлиши, профессионализм, акмеологик ёндашув, техник ва гуманитар маданиятларни уйғун тарзда қўллашга йўналтирилган янги техн.ни қўллаш асосий кўрсаткич саналади. Аслида, санаб ўтилган компонентлар таълимда анъанавий тарзда қўлланилиб келинади. Улар ичида акмеологик ёндашув таълимда профессионализмнинг юқори поғонаси, ф-ят натижаларининг мунтазам тарзда юқори даражада бўлишини таъминлаш, ишончлилик омили саналади. И. т.ни янги информацион техн. сиз жорий этиб бўлмайдиган, яъни И. т.

жараённи комп.лаштириш, таълимнинг автоматлаштирилган тизимини яратиш. интернет тармоғидан кенг миқёсда фойдаланишни тақозо этади. Шунинг учун таълимнинг интерфаол тизимларини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этиш И. т.нинг муҳим шартларидан бири сифатида эътироф этилади.

ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ – янги типдаги таълим муассасалари. И. т. м. – бу ижт.-пед. тизим бўлиб, тизимли қайта ташкил этиш натижасида оддийдан мураккабга, эскиликдан янгиликка қараб ривожланган янги имкониятларга, таълим ва т-я услубларини ва воситаларини танлаш мустақиллигига, замонавий таркибий тузилишга, функционал вазифаларга, мақсадларга, стратегия ва тактика, таълим сиёсатига эга бўлган янги сифатдаги таълим муассасаси. Замонавий таълим муассасасининг асосий белгиларидан бири, ихтиёрий интегратив тизимларга хос бўлган ҳаётий ф-ятни таъминлаш, уни ҳаракатга келтириш ва ривожлантиришдир.

ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР – пед. таракқиётини таъминлашга қаратилган ташкилий фаоллик жараёни.

ИННОВАЦИЯНИНГ АСОСЛАНГАНЛИК ДАРАЖАСИ – сифатли ўзгаришларнинг миқдори б-н ифодаланадиган тушунча. Инновация мавжуд бўлган ҳаракатдаги стандартлардан қанчалик кўп фарқ қилса, уни ўзгартириш салоҳияти ва асосланганлик даражаси шунча юқори бўлади.

ИННОВАЦИЯНИНГ АҲАМИЯТЛИЛИГИ – инн-он жараён даврида ташкилот раҳбарларида ходимларнинг

янгиликларга бўлган муносабатларини объектив баҳолаш имкониятини берувчи ф-ят. Мазкур ф-ятни амалга ошириш жараёнида жамоада ички муносабатларнинг ўзгариши, кескинлашуви вужудга келади ва, ўз навбатида, мазкур жараёнга мос келувчи бошқарув тактикаларини ишлаб чиқиш имконияти яратилади.

ИННОВАЦИЯНИНГ ВАЗИЯТГА АЛОҚАДОРЛИЛИГИ – инновацияни муваффақиятли амалга ошириш кўп жиҳатдан жамоа аъзоларининг типологик хусусиятларига ҳамда ташкилий муҳитнинг янгиликларни қабул қилиш учун тайёргарлик даражасига боғлиқ бўлган пед. ҳодиса.

ИННОВАЦИЯНИНГ ДАВРИЙЛИГИ – пед. жараён субъектлари онгида муҳим аҳамиятга эга бўлган маданий анъаналарнинг мақсадга мувофиқ ҳолда, тадрижий тарзда алмашинишини ифодалайдиган ҳаракат. Мазкур жараёнда мустаҳкам ўрнашиб қолган тушунчалар, фикрлар, идрок ва ҳулқ-атворнинг бирданига ўзгариши инсоннинг шахсий хислатларига салбий таъсир кўрсатиши ва ундаги маънавий-ахлоқий, ўзини ўзи англаш асосларининг бузилишига олиб келиши мумкин.

ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ БОШҚАРИЛУВЧАНЛИГИ – янгиликларни татбиқ этишда ташкилий вазиятларни ривожлантиришнинг дастурлаштириш имкониятларига боғлиқ бўлишини ифодалайдиган ташкилий пед. ҳодиса.

ИННОВАЦИЯЛАР ДИФФУЗИЯСИ – пед. жараён субъектлари ўртасида янгиликларнинг коммуникацион воситалар орқали вақти-вақти б-н узатилиш жараё-

ни. Бу жараёнда муайян бир субъект учун янги бўлган гоёлар, ҳодиса ва технологиялар янгиликларни ташкил этиши мумкин. Диффузия – аввал ишлатилган ва ўзлаштирилган инновацияларни янги шароитда ёки янги жойда оммалаштиришни билдиради.

ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ МЎЛЖАЛЛАНГАНЛИГИ – индивидуал мақсад ва вазифаларни ташкилий тизимнинг мақсад, вазифалари б-н мувофиқлаштириш асосида инн-он жараён субъектларининг ўзини ўзи ривожлантириши, шахсий ривожланиш астиқболларини белгилашини ифодалайдиган тушунча.

ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ ҚИЗИҚИШЛАРГА КЎРА ТАБАҚАЛАНИШИ – тарихда шахс ва гуруҳлар учун инновациянинг турли хил муносабатлари мавжудлигини ифодалаб, муайян педагогларнинг қўшимча имкониятларга эга бўлиши туфайли бошқаларнинг имкониятлари камайишини англатадиган тушунча. И. қ. к. т, ўз навбатида, янгиликларни қабул қилиш учун аниқ тартиб белгилашга таъсир кўрсатади.

ИННОВАЦИЯНИНГ ИХТИЛОФЛИЛИГИ – ихтиёрий янгиликни киритиш ўзига хос хусусиятларга боғлиқ бўлмаган ҳолда, ихтилофли вазиятлар вужудга келтириши мумкинлигини ифодаловчи маъно. И. и. ваколат ва имтиёзлар муносабатларининг мураккаблашишига боғлиқ ҳолда, ташкилотда одат тусига келтирилган ўзаро таъсир ва муносабатларни ўзгартиради.

ИННОВАЦИОН МАҚСАДЛАР – таълим-т-я жараёнига янгиликлар киритиш,

янги пед. ва ахборот техн.сини қўллаш ҳамда бошқаришга инн-он техн.ларни жорий этиш бўйича белгиланадиган мақсадлар.

ИННОВАЦИЯЛАР ОРҚАЛИ БОШҚАРУВ – пед. жараёнларда субъектлар ташаббуси ва янгиликларини рағбатлантириш асосида барча учун қулай ҳисобланган таълимий муҳитнинг ривожланишига хизмат қилувчи инновацияларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этишни ифодалайдиган тушунча.

ИННОВАЦИОН УСЛУБЛАР СТРАТЕГИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ – инн-он дастурларни амалиётга татбиқ этишнинг самарадорлиги, инновациялар субъектларининг қизиқишларига ва улар натижасида инн-он жараёнларга индивидларнинг психологик тайёргарлиги ҳамда унинг даражаси ривожлантирилишини ифодаловчи ҳодиса.

ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ СТРУКТУРАВИЙЛИГИ – янгиликлар б-н танишиш, баҳолаш, синаш, маъқуллаш ва тўла қабул қилиш инновацияни амалиётга татбиқ этишнинг асосий босқичларини ифодалайдиган ҳодиса.

ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ – шахс томонидан маълум бир янгиликларнинг қабул қилиниши, ҳаракатдаги мавжуд тизимнинг ўзига хос хусусиятларига қай даражада мос келиши ҳамда имкониятларни шакллантиришда субъект ҳолатининг ўзгариши.

ИННОВАЦИОН ТАВАККАЛЧИЛИК – инновациянинг эҳтимоллик хусусиятлари б-н боғлиқ тушунча. Мазкур тушунча доирасида натижавийликка ишончсизлик инновация субъектида таваккал-

чилик ва хавотирланиш ҳиссиётларини вужудга келтиради ҳамда татбиқ этиш ф-ятининг натижаларига ўз таъсирини кўрсатади.

ИННОВАЦИОН ЎҚИТИШ – 1) янгича ўқитиш тизими; 2) ўқувчи ва талабаларни янги киритилган техн. асосида ўқитиш жараёни.

ИНОМОВА Малика (1946, Самарқанд – 2007. 01. 02, Тошкент) – пед. фанлари д-ри (2000), проф. (2001). Самарқанд пед. ин-тининг англиз тили бўлимини тамомлаган (1969). Тошкент ун-ти (ҳоз. ЎЗМУ)нинг аниқ фанлар бўйича чет тиллар каф.сида катта лаборант ва ўқитувчи (1970–73), ЎзПФИТИда кичик илмий ходим, бўлим мудир (1973–82), Тошкент автомобиль йўллари ин-тининг пед. ва муҳандислик психологияси каф.си доц.и (1988–93), ТДПУнинг «Педагогик назарияси ва тарихи» каф.си доц.и, проф. (1993–2007).

И. 80 дан ортиқ монография, дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар муаллифи.

ИНОЯТОВ Улугбек Илясович (1962. 06. 08, Тошкент) – пед. фанлари д-ри (2004), проф. (2006). Тошкент политехника ин-ти ассистенти (1985–89), Тошкент политехника ин-ти аспиранти (1989–93), Тошкент архитектура қурилиш ин-ти иқтисодиёт ф-ти декани ўринбосари, декани, «Иқтисодиёт ва менежмент» каф.си доц.и (1993–99), Тошкент молия ва иқтисодиёт коллежи директори (1999–2003). Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фан, таълим, соғлиқни сақлаш ва спортни ривожлантириш масалалари бўйича дав. маслаҳатчиси.

«Таълим тўғрисида»ги Қонун ва КТМДни амалга ошириш бўйича ишчи гуруҳининг бош консультанти (2003–06), Тошкент молия ва иқтисодиёт коллежи директори (2006–11), ТДПУ ректори (2011–13), Халқ таълими вазири (2013 й.дан).

И.нинг хориж ва республика матбуотида 70 дан ортиқ илмий мақолалари ҳамда бир қатор монография, дарслик ва қўлланмалари чоп этилган.

«Шухрат» медали б-н мукофотланган (2006).

ИНОҒОМОВ Хайрулла Мансурович (1938. 06. 07, Қибрай тумани) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Тошкент пед. ин-тини тугатган (1970). Тошкент ш.даги 41-мактабда мусика ўқитувчиси (1961–63), Қибрай туманидаги 16-мактабда мусика ва геогр. (1963–91), геогр. ўқитувчиси бўлиб ишлаган (1991 й.дан). И. республикада машҳур бўлган «Гуллола» ансамбли ҳамда «Ёш ўлкашунослар» тўғараги ташкилотчиси. Геогр. бўйича янги ўқув дастури муаллифларидан.

ИНОҒОМОВ Ҳотам (1940. 20. 8, Тошкент тумани) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Тошкент пед. ин-тини тугатган (1968). Тошкент туманидаги 9-мактабда бошланғич синф ўқитувчиси, мактаб директори ўринбосари (1962–83), директор вазифаларида ишлаган (1983 й.дан). И. мактаб моддий-техника базасини мустаҳкамлаш синф хоналари ва фан кабинетларини жиҳозлаш, техника воситаларидан унумли фойдаланишга катта эътибор берган. Ўзи она тили ва ад.дан дарс бериб, заманавий ад. кабинетини ташкил этган.

ИНСАЙТ (инг. insight – зийраклик, тушуниш) – объектив дунёнинг умумий, киндий ва зарурий хусусият ва муносабатларини илғаб олиш. Бу атамани фанга 1925 й.да америкалик психолог В. Кёлер муаммоли вазиятда шахснинг намунали (типик) хатти-харакатини белгилаш учун киритган. Гешталт психология назариясида И. объектни қисм ва бўлақлар орқали идрок этишдан фарқли равишда уни бутунлигича фикран англаш деб тушунилади. И. мантиқ ёрдамида ёки дискурсив тарзда шаклланмаган тасаввур сифатида онгда, ҳатто тушда тўсатдан пайдо бўлади. И. интуиция лаҳзаси, онг ва онгсизликнинг ўзаро таъсири маҳсулидир. И.нинг таҳлилий, синтетик (умумлаштирувчи) ва аралаш кўринишлари мавжуд.

«ИНСЕРТ» СТРАТЕГИЯСИ (инг. interactive noting system effective reading thinking) – таълимда қўлланиладиган ўқув стратегияси, матнни ўқиш самардорлигини оширишнинг инн-он тизими. Таълимнинг ушбу стратегияси ўқиш жараёнининг табиий ва тушунарли бўлиши учун қўлланилади. Унда геогр., биол. сингари табиий фанларга тааллуқли матн ахб.га бой бўлиши назарда тутилади. Ўқилиши режалаштириладиган матн ҳажми 3–7 саҳифадан иборат бўлиши мақсадга мувофиқ. Аксинча, таркибида турли формула ва б. график элементлар кўп бўлган математик тенглама ва теоремалар, кимёвий формулалар мавжуд матнлар, шунингдек, англаш учун алоҳида эътибор талаб қилинадиган фал. мазмундаги матнлардан иборат ўқув материалларини «И.» с. воситасида ўқитиш кадар самара бермайди.

«И.» с.да ўзлаштирилиши кўзда тутилган янги мавзу бўйича ўқувчиларнинг муайян тушунчаларга эгаликларини аниқлаш ва уларда матнга нисбатан таҳлилий ёндашув кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади.

«И.» с.да синф ўқувчилари гуруҳларга бўлинади, гуруҳлар номланади. Ўқитувчи ҳар бир гуруҳ ўқувчиларидан мавзуга оид иккитадан фикр билдиришларини сўрайди. Гуруҳлар навбати б-н (ушбу жараёнда гуруҳнинг барча аъзолари фаол иштирок этишларини таъминлаш мақсадга мувофиқ) фикр билдиради. Баён этилган фикрлар ёзув тахтасига ёзиб борилади. Ф-ят яқунлангач, ўқитувчи мавзунини ёритишга хизмат қилувчи матнни ўқувчиларга тарқатади. Матнда шундай топшириқ берилган бўлади:

- а) матн б-н танишиб чиқинг;
- б) матннинг ҳар бир қаторига Z, S, D, ? белгиларни қўйиб чиқинг:

Z – матнда гуруҳлар томонидан билдирилган фикр ўз аксини топган бўлса;

S – матнда гуруҳлар томонидан билдирилмаган фикр ёритилган бўлса;

D – матнда бир-бирига зид фикрлар мавжуд бўлса;

? – матн б-н танишиш жараёнида тушунмовчиликлар юзага келса.

Сўнгра гуруҳ аъзолари шахсий қарашларини ўзаро ўртоқлашади, гуруҳ бўйича белгилар сони умумлаштирилади. Лидерлар ёрдамида ҳар бир белгининг миқдори баён этилади ва изоҳланади. Ўқитувчи гуруҳлар томонидан қайд этилган сонларни уларнинг номлари ёзилган устунга ёзиб боради.

Ҳар бир гуруҳ лидери фикрини тугатгач, юзага келган карама-қаршилик ва тушунмовчиликларни ўқитувчи ва ўқувчилар тўғри ҳал этишларига, тушуниб олишларига ёрдам беради.

Гуруҳлар дарсликда берилган матн б-н танишиб чикиб, асосий тушунчаларни ажратади ва улар ўртасидаги мантиқий муносабатларни очиб беришга ҳаракат қилади (моделлаштиради). Гуруҳларнинг фикрлари умумлаштирилиб, лидерлар томонидан синф жамоасига етказилади.

Стратегия ўқувчиларда мантиқий фикрлаш, шахсий хатолар устида ишлаш кўникмаларини шакллантиришга ёрдам беради.

ИНСЕРТ МЕТОДИ – ўқув материални идрок этиш (матнни ўқиш) жараёнидаги тўрт таркибий қисмдан иборат метод. Унда матн хошияларига қўйидагиларни билдирувчи белгилар қўйиб чиқилади ва шу белгилар асосида жадвал тузилади: 1) ўқувчи томонидан идрок этилаётган материал (ўқилаётган матн) унинг билганларига мослиги; 2) ўқилаётган матн ўқувчининг билганларига зидлиги (ёки ўқувчи «буни биламан», деб ўйлайди); 3) ўқилаётган матн ўқувчи учун янгилик эканлиги; 4) ўқилаётган матн тушунарсиз ёки шу масала юзасидан ўқувчи батафсилроқ маълумот олмоқчи эканлиги. Жадвалда қайси белги кўпроқ бўлса, демак, ўқитувчи ўқувчилар б-н ўша йўналишда кўпроқ ишлаши лозим. Ўқув материални матн ўқиш орқали ўзлаштиришга йўналтирилган мазкур мет. ўқувчиларнинг матн б-н ишлаш самарадорлигини оширишга хизмат

қилади, уларда фаол ва онгли ўқиш малакаларини таркиб топтиради, мавжуд билимларни мантиқий такомиллаштириб боришга ўргатади. Таълимда И. м.ини «Ақлий ҳужум», ўқувчилар б-н индивидуал, жуфт бўлиб ёки кичик гуруҳларга бўлиниб ўқитиш каби таълимий мет. ва шакллардан фойдаланган ҳолда қўллаш яхши самара беради.

ИНСОН (араб. унутмок) – оламдаги бошқа биологик мавжудотлардан ажралиб турадиган муҳим хусусиятларга, яъни ақл, маънавият, маданият, ахлоқ, тафаккур, тил ва б. жиҳатларга эга бўлган ижт. вужуд, одам зоти; ҳар бир якка шахс; барча жонзотларнинг энг юқори поғонасида турадиган мавжудот. ижт. жараёнлар субъекти; ижт. меҳнат асосида шаклланган тафаккур ва нутққа эга бўлган, атроф-муҳитга фаол таъсир кўрсата оладиган олий даражадаги тирик мавжудот.

И. наслига хос барча генетик хусусиятлар, ахлоқий меъёрлар, унинг ф-ятини бошқарувчи хислатлар аждодлардан авлодларга узатилади. И.нинг бошқа тирик мавжудотлардан тубдан фарқ қилишини кўрсатадиган хусусиятлардан яна бири унинг ўз амалий ф-ятини тартибга сола билишидир. Бу ҳолат И.нинг инсонийлигини белгиловчи энг муҳим хусусият, маданият белгисидир. Шунингдек, И.нинг ўз турмуши учун зарур бўлган моддий ва маънавий бойликларни ишлаб чиқариш малакасига эга эканлиги ҳам унинг устувор хусусиятларидан бири ҳисобланади. И. ҳаётида меҳнат ва таълим-т-я муҳим ўринни эгаллайди. У таълим-т-я жараёнида ривожланади, ка-

молга етади, ижт. ф-ят кўникматарини жаллайди, ўзи мансуб бўлган миллатнинг маданияти, маънавияти ва ахлоқ шеърларини ўзлаштиради. Меҳнат туйғайди И. ўзи яшаётган табиий муҳитни яраттиради, моддий ва маънавий бойликлар яратади, ўзини такомиллаштиради. Шу боис И. таълим-т-я ва ижт. ф-ят субъекти хисобланади. И.нинг маданияти, маънавияти ва билим даражаси в-ятдаги шарт-шароит ва омиллар натижасида шаклланган фазилатлар, хислатлар, қобилиятлар, билим, кўникма ва талакалар йиғиндиси бўлиб, И.нинг мураккаб, бир бутун биоижтимоий жонзот эканидан далолат беради. Шунинг учун И. – шахс, одам, киши тушунчаларининг умумлашмаси, инсонийлик фазилатларини ўзида мужассамлаштирган маънавий етук, фозил ва улуғ мавжудот маъносини англатади.

И. – онгли мавжудот. У ўйлайди, фикр қилади, теварак-атрофида бўлаётган воқеа-ҳодисалар асосида хулосалар чиқаради. И.нинг кўрган-билган, ўзлаштирган нарсалари унинг қалби ва ақлида ўзига хос образ – тимсол, тасаввурга айланади.

ИНСОН ГЎЗАЛЛИГИ – инсоннинг ташқи ва ички дунёси, жисмоний ҳамда маънавий хусусиятлар уйғунлиги асосида намоён бўладиган умумий гўзал кифоаси. И. г., одатда, унинг муомаласи, ахлоқ-одоби, исмининг жисмига мослиги, касбу кори, меҳнатқашлиги, ҳам жисмоний, ҳам маънавий барқарорлиги б-н белгиланади. Инсон пайдо бўлганидан буён унинг моҳияти, камолоти, гўзаллиги хусусидаги баҳслар

давом этиб келади. Бу борадаги фикрларнинг хилма-хил эканлигига муайян сабаблар бор. Маълумки, инсон – ўзида жисмоний ва маънавий хусусиятларни уйғунлаштирган мавжудот. И. г.нинг маънавий-ахлоқий моҳиятига икки хил нуқтаи назардан ёндашиш мумкин. Биринчиси – мавжудлиги муайян ички ва ташқи таъсирларга, воситаларга боғлиқ бўлмаган гўзаллик. Бунда кўпроқ инсоннинг ташқи кифоасига дахлдор хусусиятлар назарда тутилади. Иккинчиси – муайян ижобий ф-ят, хатти-харакатлар, амаллар, ботиний туйғулар орқали пайдо бўладиган гўзаллик. И. г.ни эзгуликдан ажратиб қўйиш, айниқса, инсоний муносабатларда бу масалага эътиборсиз бўлиш, унинг моҳиятини бир томонлама талқин қилишга сабаб бўлади ва ҳаётда ижобий натижа бермайди.

ИНСОН-ИНСОН МУНОСАБАТЛАРИ – икки шахснинг ўзаро тенглик асосида мулоқот, муносабатга киришиши. Бунда мулоқот ва мулоқотсиз ўзаро таъсир жараёнларини тўғри ташкил этиш б-н бир қаторда, раҳбар ва проф.ўқитувчилар ўз ўқувчи-талабаларининг ф-ятини тўғри баҳолай билиши зарурлиги назарда тутилади.

ИНСОН КАМОЛОТИ – инсоннинг кенг маънода ички ва ташқи омиллар таъсирида шаклланиш жараёни. Бу жараёнда таълим-т-я муҳим аҳамият касб этади.

ИНСОН МАЪНАВИЯТИ – инсонга хос ички руҳий ҳолат ва унинг ижт.лашган шакллари; миллат, дав. ва ж-ят маънавиятининг таркибий қисми; инсоннинг руҳий ва ақлий олами. И. м. шахснинг

ахлокий, маданий, фал., ҳуқукий, илмий, бадий, диний тасаввурларини ўз ичига олади. И. м. ж-ятда мавжуд бўлган кўп қиррали муносабатлар, ижт.-иқтисодий, сиёсий шарт-шароитлар асосида, турли ин-тлар таъсирида шаклланади. У ж-ят аъзоларининг ўзаро муносабатлари, уларнинг ҳаётий тажрибалари давомида сайқалланиб, ривожланаётган кадриятлар тизими сифатида қундалик ҳаётда муҳим ўрин тутати. Инсон ўз маънавиятини ўзини шахс сифатида англаганидан бошлаб ҳаётининг охиригача шакллантириб, ривожлантириб боради. Инсоннинг ташқи кўринишини қадди-қомати, гавдаси, хатти-ҳаракати ва кийиниши ташкил этса, унинг ички олами фикр юритиши, орзу-истаклари, интилишлари, ҳис-туйғулари, эътиқоди, дунёқараши ва мақсад-муддаоларидан иборат. Маълумки, инсон кўп минг йиллик тараққиёт жараёнида ўзини ўраб турган табиатни, турли воқеа-ҳодисалар, реал ҳаётий жараёнларни кузатиб, уларнинг вужудга келиш сабаблари ва ривожланиш қонуниятлари тўғрисида мушоҳада қилиши натижасида турфа тасаввур ва тушунчаларга эга бўлган. И. м. унинг маърифати ва маданиятлилик даражаси б-н боғлиқ. Чунки у маънавиятга муттасил ўқиш, ўрганиш, идрок этиш, тажриба орттириш орқалигина эришади. И. м. қанчалик мукаммаллашиб борса, у шунча баркамол бўлиб, ж-ят равнақига кўпроқ ҳисса қўшади. Маънавиятли инсон нима мақсадда яшаётганини аниқ тасаввур этиб, умрини мазмунли ўтказиш йўлини ахтаради, ж-ят аъзолари б-н муомала қилиш мада-

ниятини эгаллайди. Маънавиятли инсон ҳар бир масала ва муаммога ақл-идрок инсоф ва адолат нуқтаи назаридан ён-шади, «виждон», «инсоф», «имон», «орномус», «тўғрилиқ» ва «ёлгон», «ҳалол» ва «ҳаром» тушунчалари моҳиятини тушунишга интилади. Шу тариқа у яшшиликка бошловчи амалларни бажариб ёмон хатти-ҳаракатлардан ўзини тияди. Она юрти, миллати ва халқини севиш демакки, ватанпарварлик, миллатпарварлик ва халқпарварлик хислатлари И. м.нинг асосий ижт. омилларидир. Маънавиятли инсонлар кўпайган ж-ят ақл, соғлом фикр, яхши ҳулқ, инсоф ва адолат тантана қилиб, турли салбий итлатлар барҳам топади. Натижада ж-ят аъзоларининг келажакка ишончи ортиб, улар ўз ф-ятларини Ватан ва халқ равнақи йўлида сафарбар этади. И. м.ни у мансуб бўлган миллатнинг алар давомида шаклланган илдизлари ижт.-маданий тараққиёти, миллатнинг тарихий-сиёсий тажрибаларидан олинган руҳий қуч-қувват, ҳар қайс даврнинг илғор янгиллик ва анъаналар бойитиб боради.

Ушбу тажрибалар, анъаналар, шахсонгига таълим-т-я воситасида сингдирилади. Шунинг учун И. м. таълим-т-я маҳсули сифатида намоён бўлади.

ИНСОН ОНГИ – инсоннинг идрок ақли орқали ҳаётий ва дунёвий ҳаққатни фаҳмлаши асосидаги маънавий ф-ят даражаси.

ИНСОН ҚАЛБИ ВА ОНГИ УЧУН КУРАШ – ҳоз. замонда турли усул ва шаклларда кўрсатилаётган ғоявий-мафқуравий таъсирнинг асосий объект

ва мақсадини ифода этадиган ибодат. Ғоя ва онг муносабати ҳақида фикр келтирилган экан, қўйидаги ҳолатларга эътибор бериш зарур. Биринчидан, ҳаққоний ғоя инсон томонидан қабул қилинмаслиги мумкин. Иккинчидан, муайян ғоя шахс онгида фақат ахб. сифатида сақланиб қолиши, инсон онгининг бундан четида қолиши мумкин. Биринчи ҳолатда, ғоя инсон онгида ҳеч қандай ҳолда қолдирмайди. Иккинчи ҳолатда эса, шахс учун ҳеч қандай ижт. аҳамиятга эга бўлмайди. Бундан чиқадиган хулоса шунки, ғоя фақат инсон қалбини эгаллашга унинг маънавий-руҳий ҳолатининг муайян қисмига айланган тақдирдагина амалдаги кучга айланади. Шунинг учун ҳаққоний кунда мафкуравий курашнинг бош мақсади инсон қалбини забт этиш сифати унинг онгини эгаллаш бўлиб келимоқда.

Шунга қўра, узлуксиз таълим-т-я амалиётида ўқувчи ҳамда талабаларнинг ёт ғояларга қарши курашувчанлик кўникмаларини шакллантириш талаб қилинмоқда.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ – одамларнинг инсонлик шону шарафига муносиб тарзда яшаш ва ф-ят олиб бориши учун зарур бўладиган ҳақ-ҳуқуқлар мажмуи. Бу ҳуқуқлар табиий ҳуқуқлар ва дав. томонидан қонуний асосда кафолатланган ҳуқуқларга бўлинади. Табиий ҳуқуққа яшаш ҳуқуқини мисол қилиб келтириш мумкин. Дав. томонидан кафолатланган ҳуқуқларга сайлов ҳуқуқи, билим олиш ҳуқуқи, нафақа олиш ҳуқуқи каби инсоний ҳуқуқлар киради. И. ҳ. ҳар бир дав.нинг Конституцияси ҳамда амалдаги

қонунларида белгиланиб, улар шахсий, ижт.-иқтисодий ва сиёсий ҳуқуқларга бўлинади. Шахсий ҳуқуқларга – яшаш ҳуқуқи, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи, турар-жой дахлсизлиги ҳуқуқи, эркин кўчиш ҳуқуқи, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқи, виждон эркинлиги ҳуқуқи; сиёсий ҳуқуқларга – дав. бошқарувида иштирок этиш ҳуқуқи, митинглар, йиғинлар ва намойишлар ўтказиш, уларда қатнашиш ҳуқуқи, касба уюшмаси, сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатларга бирлашиш ҳуқуқи; ижт.-иқтисодий ҳуқуқларга – мулкдор бўлиш ҳуқуқи, меҳнат қилиш ҳуқуқи, дам олиш ҳуқуқи, ижт. таъминот хизматлари, тиббий хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқи, билим олиш ҳуқуқи киради. И. ҳ. инсоннинг дав. б-н муносабатидаги ҳуқуқий мақомини, иқтисодий, ижт., сиёсий ва маданий соҳалардаги имкониётлари ҳамда орзу-интилишларини тавсиф этадиган тушунча сифатида ҳам намоён бўлади. И. ҳ.ни эркин ва самарали тарзда амалга ошириш фуқаролик ж-яти ва ҳуқуқий дав.нинг асосий вазифаларидан биридир. И. ҳ.ни мутлақ ва нисбий ҳуқуқларга бўлиш мумкин. Яшаш ҳуқуқи, кийноқларга, зўравонликка, инсон шаънини ерга урадиган бошқа муомала ёки жазо турларига дучор этилмаслик ҳуқуқи, шахсий ҳаётнинг дахлсизлиги ҳуқуқи, шахсий ва оилавий сирларни сақлаш ҳуқуқи, ўз шаъни ҳамда обрў-эътиборини ҳимоя этиш ҳуқуқи, виждон эркинлиги ва динга эътиқод қилиш ҳуқуқи, шунингдек, суд томонидан ҳимоя қилиниш ва одил судлов ҳуқуқи ҳамда шулар б-н боғлиқ энг муҳим про-

цессуал ҳуқуқлар мутлак И. х. сирасига киради. Қолган барча И. х. нисбий бўлиб, фавқулодда ёки ҳарбий ҳолат тартиби жорий қилинган вазиятда чеклаб ёки тўхтатиб қўйилиши мумкин. Демократик дав. да мутлак И. х. ни ҳар қандай вазиятда ҳам чеклаш ёки вақтинча тўхтатишга (бекор қилишга) йўл қўйилмайди. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинлик ва бурчлари, жумладан, шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, сиёсий ҳуқуқлари, иктисодий ҳамда ижт. ҳуқуқлари, шунингдек, И. х. ва эркинликларининг кафолатлари белгилаб берилган (18–52-моддалар). Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижт. келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижт. мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар (18-модда).

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда И. х. ва эркинликларининг устуворлигидан келиб чиқадиган, халқаро миқёсда қабул қилинган янги юридик тамойил ва талабларга асосланган кенг ҳуқуқий муҳит вужудга келди. Узлуксиз таълим тизимида ўқувчи ҳамда талабаларга И. х., улардан фойдаланиш йўллари сингдириш, шу асосда уларда фуқаролик позициясини шакллантириш, ж-ятимиз аъзоларининг ҳуқуқий билимларини юксалтириш Ўзбекистон Республикаси дав. сиёсатида устувор ўрин эгаллайди.

ИНСОНПАРВАРЛИК (араб. инсон + фор. парвар + ўзбекча -лик – кишига ғамхўрлик, гуманизм) – инсоннинг юк-

сак ижт. мақомини белгилаб, бу борадаги диний ва дунёвий, ғоявий-мафқуравий миллий ва умумбашарий қарашлар, мезонлар, туйғу ва тушунчалар, қадриятлар ва аънаналар тизими, ф-ят даражасини асослаб берадиган таълимотлар, умуман, инсонийликка асосланган ф-ят ва хатти-ҳаракат.

Ғарбда И. тамойилини дастлаб Европа Уйғониш даври мутафаккирлари илгари сурган, деган қараш мавжуд. Аслида, И. даставвал Шарқда пайдо бўлган. Бундан 3–4 минг йиллар аввал амал қилган қад. шумер, миҳхат ёзувларида инсонийлик, И. деган маъноларни билдирадиган «намлулу» сўзининг учраши, «Авесто»даги «Эзгу фикр. эзгу сўз ва эзгу амал» ғояси бу фикрни тасдиқлайди. Жаҳон динларининг барчасида И. ғоялари устувордир. Айниқса, муқаддас ислом динининг асоси ва моҳияти И.дан иборат. Чунончи, ҳадиси шарифда «Одамларга раҳмли бўлмаган кишига Аллоҳнинг ҳам раҳми келмайди», деган сўзлар орқали И.ка даъват этилади.

Кейинги йилларда И. ғояларини кенг тарғиб қилиш борасида халқаро миқёсда янада қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, БМТ, ЮНЕСКО халқаро ташкилотларининг бу борадаги ф-яти И. ғояларининг дунё халқлари ўртасида ёйилишига асос бўлмоқда. Мустақил Ўзбекистоннинг ижт.-сиёсий ҳаётида ҳам И. принципларига етакчи ғоя сифатида қаралмоқда. Унда И. нинг асосий талаб ва шартларига қатъий амал қилиш сиёсати қўлланилиб, тарихан шаклланган Шарқона фал. таълимот

жаҳон тажрибасининг интеграцияга асосланган И.ка амал қилинмоқда. Ўзбекистонда амал қилинаётган ижт. таълим сиёсатида И. ғоялари асосий менталитетнинг асосий компонентларидан бири сифатида эътироф этилиб, бу сиёсат кўп миллатли мамлакатимизнинг барқарор ривожланишини, аҳоли аъзолари ўртасида тотувлик ҳамда ҳар қандай таъминлашнинг асосий шартларидан бири сифатида қаралмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва КТМДда белгиловчи узлуксиз таълим принципларидан бири сифатида И. тамойилига амал қилиниши эътироф этилган. Бугунги кунда мамлакатимиздаги узлуксиз таълим тизимида қандайдиган келган, таълим парадигмасида И. ғояси етакчи ўрин эгалламоқда.

ИНСОНИЙ СИФАТЛАР – инсонийликнинг эзгулик, чидамлилик, виждонлилик, ҳалоллик, жавобгарлик, ҳаққонийлик, беғаразлик, саҳийлик, инсонларга нисбатан ҳурмат, юксак ахлоқлилик, ҳар қандайдиган ҳаётдаги аҳтиёж, хайрихоҳлик ва шу ҳаётда инсонга хос сифатлар мажмуи.

ИНСОНПАРВАРЛИК ПЕДАГОГИКАСИ – 20-а.нинг 50–60-й.ларида пайдо бўлган, психологиянинг инсонпарварлик ғоялари асосида шаклланиб келган тарбия назарияси ва сиёсатида янги йўналиши бўлиб, эркин, барқарор инсон шахсини шакллантиришга қаратилган пед. қарашлар мажмуини билдиради.

ИНСОФ (араб. – адолат, одиллик, беғаразлик) – адолат ва виждон билан ҳаётни тутиш туйғуси. ҳаётда, ишда инсонларга муносабатда ҳалоллик ва

тўғрилиқни англатадиган тушунча. Инсофлилик, очиққўнғилиқ, самимийлик халқимизнинг энг қад. маънавий фазилатларидан ҳисобланади. Инсофли одам олди-бердида ҳам доимо ҳалол, тўғри сўз, тартиб-интизомли бўлади. Инсофли киши эзгуликка, яхшиликка, савоб ишга ташна бўлиб яшайди. Бировга яхшилик қилиш, мурувват ва саховат кўрсатиш, ўз ҳаракатидан маънавий баҳра олиш инсофли кишининг ҳаётий мезони.

И. кишининг муайян ж-ятдаги ахлоқий меъёрлар нуктаи назаридан ўз хулқ-одобини назорат қилиши ва ахлоқий баҳолаши, шунингдек, ўз хулқ-атвори учун бошқалар олдида маънавий жавобгарлик ҳиссидир.

Муайян кишининг шахсий ёки ижт. хулқ-атворида учрайдиган ҳар қандай сохталик, мунофиқликни жамоа инсофсизлик сифатида қаттиқ қоралайди. Одатда, етарли таълим-т-я кўрмаган, маърифатсиз, жоҳил одамлар ўртасида инсофсизлик ҳолати кўп учрайди. Шунинг учун ёшларда инсофлилик ҳислатини камол топтириш катта ижт.-пед. аҳамиятга эга.

ИНСТИНКТ (лот. – *instinctus* – кўзғатиш; ишонтириш; илҳом) – тилак, майл, тирик организмнинг ташқи ва ички муҳит таъсирларига нисбатан онгсиз равишда, аммо туғма, мақсадли ҳаракатлари йиғиндисини ифодаловчи атама; бир-бирига боғлиқ бўлган туғма рефлекслар.

И. мавзуси зоопсихологияда чуқур ўрганилади ва унинг қуйидаги турлари қайд этилади: 1) озуқа топиш ва озикланиш; 2) ҳимояланиш; 3) пода

(гала) бўлиб яшаш; 4) насл қолдириш; 5) ўз наслига ғамхўрлик. Дунёдаги ҳар бир жонзот И. асосида яшайди. Инстинктив ҳулқда рефлекслар бирин-кетин амалга ошади. Ч. Дарвин «Турларнинг келиб чиқиши» асарида И. мавзусига катта боб бағишлайди. Унга кўра И. «турларнинг танланиш хусусияти асосида вужудга келган, яшаш учун кураш натижасида давом этаётган хатти-ҳаракатлар йиғиндисидир. И. табиий шароит ўзгаришларига мослашиб, шунга қараб ўзгариб бораверади».

Ч. Дарвиннинг фикри бўйича, И.лар маълум бир тур учун ҳулқ-атворнинг стереотип ҳаракатларидир (мас., ариларда уя қуриш). Бундан ташқари, И. ҳайвонни ф-ятга ундовчи импульс, майл вазифасини бажаради. 3. Фрейднинг қарашлари ҳам Дарвин концепциясига ўхшайди. Фрейд инсонларни маълум бир мақсадни кўзлаб яшашга улардаги ички майл ва интилишлар мажбур қилади, деган фикрни ёқлаган. Лекин у И.лар фақат эҳтиёжларни қондиришга хизмат қилади, деган фикрга қарши чиққан.

ИНСТИТУТ (лот. institutum – ўрнатиш, тузиш, таъсис этиш) – 1) баъзи олий ўқув юртлари ва илмий-текшириш муассасаларининг номи; турли соҳаларга ихтисослашган олий таълим муассаси; фаннинг муайян йўналишида и. т. ишлари амалга ошириладиган илмий муассаса. И.ларнинг ўз мақомига кўра, шу ном б-н аталадиган муассасалари мавжуд. Уларда муайян соҳалар учун белгиланган Дав. таълим стандартлари асосида мутахассислар тайёрланади. Хусусан, пед. И.ида мактаб-

гача ва мактабдан ташқари таълим, ў. т. муассасалари учун педагог кадрлар тайёрланади. И.ларнинг бевосита соҳаларга ихтисослашган и. т. муассасалари ҳам мавжуд. Мас., Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги ЎзПФТИ ва ҳ.к; 2) муайян доирадаги ижт. муносабатлар, ҳуқуқ нормалари мажмуи; 3) ж-ятнинг ижт.-сиёсий, маънавий-маърифий соҳаларидаги функцияларини мувофиқлаштирувчи ж-т бирлашма, қўмиталар. Мас., оила И.и маҳалла И.и, олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш И.и. **ИНТЕГРАЦИЯ** (лот. integratio – титлаш, тўлдириш) – турли қисм ва элементларни бир бутунликка бирлаштириш жараёни. Инглиз файласуфи Т. Спенсер фал.сига кўра, И. сочилган сезилмайдиган нарса-ҳолатнинг ички жараёнлари секинлашуви натижасида зичлашиши ва сезиладиган даражага ўтиши бўлса, дезинтеграция – бунинг акси, яъни зич жойлашган нарсанин ҳаракати тезлашиши натижасида сочилган ҳолатга ўтишидир. Спенсер «Интеграция» сўзини кўпинча, агрегация тушунчаси б-н тенг маънода қўллайди. Унинг таълимотига кўра, Қуёш тизими сайёралар, организм, миллат ривожини ва дезинтеграциянинг бирин-кетин ўрни алмашинуви натижасидир.

Психологияда И. деганда, руҳий ҳаёт айрим хусусиятларининг бутун маънавий ҳаёт мажмуига таъсири тушунилади. Ижт. И. шахс, гуруҳ, ташкилот ва дав.лар ўртасида тартибли муносабат мавжудлигини англатади. И.жараёнини таҳлил қилишда у б-н боғлиқ тизим

соҳанинг мураккаблиги эътиборга олинади. Мас., ж-ятда интеграциялашувчи фанда, таълимда интеграциялашувчи ҳиссалари ва ҳ.к. Ж-ят ёки айрим даврлар И.си мажбурий, ўзаро манфаат ёки мақсад, интилиш, қадрият кабилар асосда жорий этилади. Ҳоз. вақтда таълимда фанлараро И.ни амалга оширишга катта эҳтиёж сезилмоқда.

ИНТЕГРАЦИЯЛАШ (лот. *integer* – умумийлик, *integera* – умумийликни қилтириш, яратиш, тиклаш) – билим, тушунча, кўникма ва малакаларни шакллантиришни умумлаштириб, қонун ёки қонунда кўринишига келтириш. Таълим мазмунида уйғунликни таъминлаш мувофиқлари И.нинг бош мавзуси, асосий соҳаси ҳисобланади. И. тушунчаси ҳам илмий термин сифатида умумлаштириш, хулосалашда методологик асосда ҳисобланади, чунки унинг ёрдамида жараён ва ҳодисаларнинг мазмуни орасидаги умумийлик, уйғунлик теоретиклари яратилади. Пед. изланишларда тадқиқот объекти ва методологик асосда тегишли маълумотлар ўртасидаги муносабатликни ўрнатиш (функционал баҳолашни) масалаларини ҳал қилишда И.дан фойдаланилади. Тадқиқот натижаларини бажаришда ва турли фанларда таълим мазмунини умумлаштириш ва қилтиришда И. жараёни доимо қўлланади ва кўзланган мақсадга эришишни амалга оширишга ёрдам беради.

ИНТЕГРАТИВЛИК – ҳаракатланиш ва қиланишга хизмат қилувчи ички ва ташқи омилларнинг ўзаро бирлиги.

ИНТЕГРАТИВ МАҲОРАТ – умумлаштирилган бошқарув маҳорати. Таъ-

лим муассасаси раҳбарига бошқарув ф-ятида ижобий натижаларга эришиш, таълим-т-я жараёнини ривожлантиришга йўналтирилган ташкилот ички бошқарув мақсадларини тизимли режалаштириш ва амалга оширишда зарур ҳисобланади. Мазкур кўникмага эга бўлмасдан мақсадга эришиш йўллари, воситалари ва муддатини аниқ белгилаш мушкул. Пед. фанининг ва олдинги тажрибаларнинг интегротив асосдаги хулосалари ҳамда тавсиялари янги ғояларнинг манбаси ҳисобланади, улар ўз навбатида инн-он жараёнларни бошқариш самарадорлигига ўз таъсирини кўрсатади.

ИНТЕГРАЦИОН ЁНДАШУВ – таълим-т-я жараёнини ташкил этиш ва бошқаришда бошқарилувчи объектга бир неча ёндашувлар (вазиятли, тизимли, инновацион ва ҳ.к.)ни биргаликда қўллаш. Мазкур атама умумлаштирилган ёндашувларни ифодалайди.

ИНТЕГРАЛ (лот. *integer* – бир бутун, бузилмаган; қайта тикланган) – 1) олий мадда: чексиз кичик сонлар йиғиндиси сифатида қараладиган бутун миқдорни аниқлашувчи атама; 2) чамбарчас боғлиқ, бутун, ягона; чексиз кичик қисмлар йиғиндиси.

ИНТЕГРАТИВ ЙЎНАЛИШ – ахборотларни ташкил қилувчи кўп миқдордаги кичик қисмларнинг ўзаро ажралмас боғлиқлиги, уларнинг яхлитлиги, бир бутунлиги асосида ягона тўғри хулосани аниқлаш жараёни.

Мазкур ҳодиса ўрганилаётган билимларнинг дидактик тизими чуқур мазмунга эга бўлиши, билимларга тизимли нуктаи назардан ёндашиш, ўқувчиларга

билимларни эгаллашнинг энг мақсадга мувофиқ йўлларини ўргатишдан иборат пед. ҳаракатлар мажмуидир. И. й. таълим-т-я жараёнларига комплекс ёндашув, тизимли ёндашув, тизимли таҳлил, тадқиқот усулларини жорий этишда қўлланилади ва билишнинг индукция ҳамда дедукция усулларидан фойдаланиш имконини беради. И. й. таълим ва т-яни иерархик тизим сифатида қараб, улар устида олиб бориладиган тадқиқотларни амалга оширишда ижобий пед. самараларни кафолатлайди.

Пед. техн. ҳам билимларни ўзлаштиришнинг барча жиҳатларини камраб олувчи муаммони таҳлил қилиш ва режалаштириш, унинг ечимини баҳолаш ф-ятини ташкил қилиш усулларини ўз ичига оладиган комплекс интегратив жараёндан иборат.

ИНТЕЛЛЕКТ (лот. intellectus – ақл, идрок, зеҳн) – кишининг воқеа-ҳодиса моҳиятини тўлалигича билишига асосланган ва у орқали намоён бўладиган ф-яти; инсоннинг ақлий қобилияти; ҳаётни, атроф-муҳитни онгда айнан акс эттириш ва ўзгартириш, фикрлаш, ўқиш-ўрганиш, дунёни билиш ва ижт. тажрибани қабул қилиш қобилияти; турли масалаларни ҳал қилиш, бир қарорга келиш, оқилона иш тутиш, воқеа-ҳодисаларни олдиндан кўра билиш лаёқати.

И. кишиларнинг ақли, идроки, заковати, маънавий жиҳатдан етуклик даражасини ҳам ифодалайди; тасаввур, идрок, синчковлик орқали жамланган материални билиш усуллари (таққослаш, абстракция, тушунча, ҳукм ва ҳ.к.) орқали асосли билимга эга бўлиш

ёки мавжуд билимни танқидий таҳлил этиш қобилиятини ҳам англатади. Тафаккур тарихида И. тўғрисидаги фикр-мулоҳазалар турлича бўлган. Ўрта асрларда интеллект иродага бўйсунадими ёки ирода интеллектгами деган масала бўйича қизгин мунозаралар авжигачиккан. Ўша даврларда И. билишнинг энг юксак – илоҳий усули сифатида инсон тафаккурига қарши қўйилган. Биринчи нуқтаи назар тарафдорлари Дун: Скот ва Уильям Оккам бўлса, иккинчи қараш тарафдорларидан бири Фома Аквинский эди. Ҳоз. замон фал.сида И. ҳам, ирода ҳам мавжуд ҳолатга асосланган ҳолда намоён бўлади ёки И. маънавиятга тааллуқли бўлгани учун руҳий ҳолат маҳсули сифатида иродадан устуруради, деган тасаввурлар мавжуд. Интеллектуал ресурс инсонларда билим ҳаётий тажриба ва идрок ҳамда зем асосида, аввало, ўз ақлий-омилкорлик салоҳиятини, турмуш тарзини турлайтириш ва шаклларда янада бойитишнинг янги қирраларини очиш, мукамаллаштириш имкониятидир. Инсон бош мия қобиғида ўн тўрт миллиарддан ошиқ нейронлар мавжуд. Уларнинг вазифаси инсон ф-ятини ҳар томонлама тўла бошқаришдан иборат. Кишининг бажараётган ҳар бир ҳаракати нейронлар ф-яти маҳсулидир. Бу жаҳон тиббиётида чуқур ўрганилган ва тўла таъминланган ҳақиқатдир. Шунинг учун ҳар айташ мумкинки, инсоннинг ўзлигини намоён қилишида И.нинг имкониятлари – ресурсларнинг ўрни беқиёс. Лекин инсон ана шу интеллектуал имкониятларини ресурсларнинг бор-йўғи 4–4,5 ф-

дан фойдаланади. Шундан 4 фоизи 8–11 ёшгача бўлган даврда олади ва қолган ярим фоизини бутун умри давомида қабул қилади. Табиатан иктидорли кишилар эса ўша қолган ярим фоиз маълумотни 11 ёшдан кейинги умрига тўғри тақсимлай олиш имкониятига эга бўлади. Инсон бош миясининг физиологик таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, унинг миёсидаги интеллектуал куч атом ядросидagi бекиёс кучга тенг бўлар экан. Гап шундаки қандай ривожлантириш ва қай даражада ишлата билишда. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, бешикдаги кўп бир гўдакда даҳо бўлиш имкони мавжуд. Асосий масала унга қандай таълим беришда. Бугунги кундаги илм-фан соҳасига кўра, инсоният тарихида атиги 400 га яқин киши даҳолик мақомига эришган бўлган, холос. Бу эса даҳо инсонларни тарбиялаш қанчалик қийин эканини кўрсатади. Гап шундаки, даҳоларни тарбиялаб вояга етказишда афзақат бир оила ёки бир халқнинг, балки бутун инсониятнинг маънавий ютуқ ва тажрибаларидан фойдаланиш керак.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ (лот. intellectus – фид-идрок, билиш; тушуниш) – 1) маънавий эҳтиёжлар б-н яшовчи ёки ақлий ф-ятнинг энг юксак ва мураккаб турлари б-н шуғулланувчи шахс; 2) интеллектга эгил: ақлий, маънавий.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ АХБОРОТНИ ИЗЛАШ ТИЗИМЛАРИ – тадқиқотчи ёки мутахассиснинг ўз иш жойида туриб тегишли билимлар омборидаги кераклик ахб.ни топишига имконият берувчи тизим. Бунда тадқиқотчи учун ўзининг шуғулланаётган соҳаси бўйича дунё-

нинг турли бурчагидаги янгиликлардан ўз вақтида хабардор бўлиш имконияти туғилади. Мутахассислар ўзларининг касбий ф-ятлари учун зарур бўлган ахб.ларни ўз вақтида олиш имкониятига эга бўлади.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК – ижодий-ақлий ф-ят маҳсули. Ихтирочилик ва муаллифлик ҳуқуқи объектлари сирасига кирувчи, фан, ад., санъат ва ишлаб чиқариш соҳасидаги, ижодий ф-ятнинг бошқа турларига мансуб адабий, бадиий, илмий асарлар, ижрочилик, актёрлик санъати, жумладан, овоз ёзиш, радио, телевидение асарлари, кашфиётлар, ихтиролар, рационализаторлик таклифлари, саноат намуналари, комп.лар учун дастурлар, маълумотлар базаси, ноу-хаунинг эксперт тизимлари, товар белгилари, фирма атамалари ва б. ақлий мулк объектларига киради. Ҳоз. даврда И. м.ни муҳофаза қилиш муҳим вазифа ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси 1991 й. дек.да Жаҳон интеллектуал мулк ташкилотига аъзо бўлди, 1993 й.дан саноат мулкни муҳофаза қилиш Париж конвенциясига қўшилди.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ТИЗИМЛАР – инсоннинг, инсониятнинг интеллектуал мулки асосида шаклланган билимлар омбори ёрдамида муаммоларни ҳал қилишнинг ақлий-манتيкий ф-яти тизими.

ИНТЕЛЛИГЕНЦИЯ (лот. intellegens – билимли, ақлли) – фан, техника, маданият соҳасида махсус билимга эга бўлган, маълумотли, бирор касб бўйича ақлий меҳнат б-н машгул кишилардан иборат ижт. гуруҳ, қатлам; шу гуруҳ (қатлам)га

мансуб кишилар; зиёлилар; ижт. тизимда муайян ўринга эга бўлган, асосан, ақлий меҳнат ф-яти б-н шуғулланадиган зиёлиларнинг ижт. табакаси.

Ақлий, ижодий меҳнат соҳасини асосий касб сифатида танлаган одамлар гуруҳи қадимдан ижт. меҳнат тақсимоти натижасида алоҳида ижт. табақа сифатида шакллана бошлаган ва бу жараён ўрта асрлардан янги даврга ўтиш палласида тугалланган. И.га мансуб одамлар аввал эркин билим олиш орқали ақлий меҳнат ф-ятини бошлаган. Кейинчалик улар ўқув юртларида билим олиш б-н бирга, меҳнат соҳасини муайян тизимга туширишга ҳам эришган. И. вакиллари барча ижт. гуруҳлардан келиб чиққан бўлиши мумкин. «Компьютер асри», «янги техника асри», «ахборот асри» деган номлар б-н аталаётган бу замонда И.нинг ўрни ва аҳамияти янада ортиб бормоқда. Айниқса, ривожланган мамлакатларда ижт. тизим тобора интеллигенциялашиб (зиёлилашиб), унинг миқдор ва сифат даражалари ортиб бораётгани ҳоз. давр жаҳон цивилизациясига ҳос умумий қонуният сифатида эътироф этилмоқда.

ИНТЕЛЛИГИБЕЛ (лот. intelligibilis – ақл б-н англамоқ) – фақат ақл ёки интеллектуал интуиция б-н англонадиган нарса ва ҳодисани билдирадиган фалсафий атама; схоластика ва И. Кант фалсафасида кенг қўлланилади. И.нинг акси – сенсибел; бу тушунча ҳиссиёт б-н пайқаш, сезиш маъносини ифодалайди.

ИНТЕРАКТИВ ТАЪЛИМ – таълим берувчи ва таълим олувчи ўртасидаги фаол ҳамкорлик мулоқотида асосланган пед. жараён.

ИНТЕРВЬЮ (инг. interview – суҳбат, мулоқот) – тадқиқотчининг респондентлар б-н бевосита оғзаки мулоқоти натижасида ижт.-пед. ҳамда психологик маълумотлар олиш усули.

«ИНТЕРВЬЮ» МЕТОДИ – ўқитувчи ёки тадқиқотчининг олдиндан тузилган муайян режа асосида ўқувчи ёки ўқувчилар гуруҳи б-н ўтказадиган мулоқоти. «И.» м. – савол-жавоб усули ёрдамида ўзаро мулоқотга асосланган ф-ятни амалга ошириш йўли. «И.» м. асосида ишлашда социологик сўровлардан фойдаланилади. Бунда бир қатор саволларга кўплаб жавоблар олиш кўзда тутилади. Мазкур мет.дан, асосан, тадқиқотнинг дастлабки босқичида мавжуд ҳолатни аниқлаш мақсадида фойдаланилади.

«И.» м.га бундай тарзда ёндашиш тадқиқотнинг фақат биринчи, муаммо б-н дастлабки танишиш босқичига тўғри келади. Бироқ респондентларнинг билим даражаларини ҳисобга олиб тузилган саволлар ўрганилаётган ҳолатларни аниқлашда муайян натижалар бериши мумкин.

«И.» м. асосида тўпланган маълумотлар келгусида пед. ф-ят мазмунини таҳлил қилиш, моҳиятини изоҳлаш ва кенг оммалаштиришга хизмат қилади.

ИНТЕРИОРИЗАЦИЯ (лот. interior – ички) – ташқи ижт. ф-ятни ўзлаштириш туфайли инсон ички психикасининг шаклланиши. И. атамаси француз психологлари П. Жане, Ж. Пиаже, А. Валлон томонидан фанга киритилган. И. тушунчаси инсон ф-яти ва онгининг ўзаро боғлиқлигини, инсоннинг ўз меҳнати

маҳсули б-н ўзаро муносабат жараёнида
 тарихий тажрибани ўзлаштириши
 имконлигини кўрсатади. Сўзлашишга
 боғлиқ И.нинг муҳим омили
 ҳисобланади; бунда ҳам аввалги авлод-
 лар тажрибасининг умумлашган шаклда-
 ни кўриниши бор. И. инсонга айна пал-
 лани унинг идроки доирасида бўлмаган
 масаларни тимсоллар орқали англаш,
 экран ўтмишга, келажакка, маконга ва
 келажикга ўтиш имконини беради. И. шахс
 соний кадрятларни ўзлаштириши ту-
 рли ҳақиқий инсон психикаси шакл-
 ланилигини кўрсатади.

ИНТЕНЦИЯ (лот. *intentio* – интилиш)
 – онг, тафаккурнинг бирон-бир пред-
 мет объектга йўналтирилганлиги. И. ту-
 рли ҳақиқати ўрта асрлар схоластикасида, Ф.
 Бекетано, Э. Гуссерль асарларида, нео-
 платонизм фал.сида қўлланилган.

ИНТЕНСИВ ТАЪЛИМ (фр. *intensif*,
 лат. *intensio* – ғайрат қилиш; кучайиш)
 – келадил, тезкор амалга ошириладиган
 муносабат жараёни.

ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗМ, байнал-
 лавалчилик (лот. *inter* – аро, *natio*
 – миллат) – турли ирқ ва миллат вакилла-
 рининг халқаро бирдамлиги. И. тарихий
 шарт шартнинг маълум босқичида, мил-
 латларнинг келиб чиқиши ва миллатла-
 шув муносабатлар натижасида муома-
 лалар киритилган тушунчадир. И.нинг
 асосий моҳиятини инсонпарварлик, толе-
 рантлик ғоялари, халқаро ҳамдўстлик,
 ҳамжамлик, ҳамжиҳатлик каби умумин-
 соний тамойиллар ташкил қилади. И.ни
 тарихий даврларининг келиб чиқиши б-н
 алоқадор ҳолда изоҳлаш масалага нотўғри
 қарашиш демакдир. Тарих сабоқларига

кўра, халқаро ҳамдўстлик ва ҳамкорлик
 тамойиллари жаҳон халқларининг тур-
 муш тарзида ҳаммаша мавжуд бўлган. И.
 ғояси Афлотун, Арасту, Форобий, Ибн
 Сино, Низомий, Навоий ва б. алломалар-
 нинг асарларида атрофлича баён этилган.
 И. ғоялари ва тамойилларининг ўзлуксиз
 ривожланиб бориши умуминсоний демо-
 кратик кадрятлар таъсирининг кучайи-
 ши, жаҳонда халқаро толерантликнинг
 барқарорлиги б-н боғлиқ. Ўзбекистонда
 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари-
 нинг ўзаро аҳил, тинч-тотув яшаб кела-
 ётгани, Ватан ва мамлакатнинг гуллаб-
 яшнаши учун бир ёқадан бош чиқариб
 меҳнат қилаётгани И. ва миллатлараро
 мулоқот, ҳамжиҳатликнинг амалдаги
 ҳақиқий ифодасидир.

ИНТЕРНАТ МАКТАБ (лот. *internus* –
 ички) – Ўзбекистонда оила, мактаб ва
 мактабдан ташқари таълим-т-я ўчоғи
 вазифасини ўтайдиган умумий ўрта
 таълим мактаби. И. м.да болалар яшаб
 тарбияланади ва ўқийди (болаларнинг
 бир қисми дам олиш ва таътил кунла-
 рини уйларида ўтказиши). Айрим И.
 м.лар муайян мутахассислик бўйича
 ихтисослашади, мас., мусиқа И. м.и,
 спорт И. м.и. Унинг яхши жиҳозланган
 ўқув бинолари, тажриба участкала-
 ри, ишлаб чиқариш устахоналари, лаб.
 лари ва б. бўлади. И. м.да таълим-т-я
 ишлари меҳнат б-н узвий боғланган
 ҳолда амалга оширилади. И. м.га бола-
 лар ота-оналари ёки уларнинг ўрнини
 босувчи шахсларнинг ихтиёрлари б-н
 қабул қилинади. Жисмоний имконияти
 чекланган болалар учун ҳам махсус И.
 м.лар мавжуд.

ИНТЕРНЕТ [лот. inter – аро ва net (work) – тармоқ] – катта (глобал) ва кичик (локал) компьютер тармоқларини ўзаро боғлайдиган бутунжаҳон комп. тизими, дунё бўйлаб ф-ят кўрсатадиган халқаро ахб. алмашувининг глобал компьтер тармоғи; турли-туман масалалар ва соҳалар бўйича маълумотларни камраб оладиган, узоқ масофалардан туриб алоқани амалга ошириш, электрон тижорат, масофавий таълим, аудио, видео, телетасвир айирбошлаш ва умуман, кўпдан-кўп янгилик ва маълумотларни жамлайдиган электрон ахб. воситаси ва дастури. И. кенг қўламдаги янгиликларни турли йўналишларда тарқатиш ва телеконференцияларни ташкил этиш каби муаммолар ечимига амалий ёрдам беради. Қайдномалар тизими б-н бошқариладиган бошқа барча тармоқлар ҳамкорликда истеъмолчиларга информацияни сақлаш, эълон қилиш, жўнатиш, қабул қилиш, излаш ва маълум бўлган барча вариантлар, жумладан, матн, товуш, видеотасвир, фотосурат, графика, мусиқа тарзида ва б. кўринишларда информация алмашинуви учун имкон яратади. Ўзбекистонда глобал И. тармоғига уланиш масалаларини ҳал этишга 1997 й.дан бошлаб киришилган. Бу тармоққа уланган истеъмолчи таълим муассасаси, иш жойидаги ёки уйидаги комп. орқали хоҳлаган дав.даги И. тармоғига уланиши ва улардан ахб. ларни матн, сурат, графика, жадвал ёки видеотасвир кўринишида олиши мумкин. «Интернет» тушунчаси 20-а.нинг 60-йилларидан шакллана бошлаган. 1969 й.да ARPA (Истикболли тадқиқот

лойиҳалари) агентлиги тўпламлар коммутация қилинадиган экспериментал тармоқ яратиш мақсадида тадқиқот бошлаган. Тармоқ яратилиб, у гоят олдий ҳамда қисқа ном – ARPANET, яъне агентлик тармоғи номини олади. Тармоқ алоқа тизимида маълумотлар оқимини мустақил узатиш техн.ини ўрганиш учун барпо этилган. Тадқиқот лойиҳаси муваффақиятли амалга ошгани боис уни яратишда қатнашган кўпгина ташкилотлар бу тармоқдан ўз қундалиқ мақсадларида фойдалана бошлаганлар. 1975 й.да мазкур тажриба ишчи тармоққа жорий қилинган. Бунда тармоқ учун жавобгарлик DCA (АҚШ Мудофаа вазирлигининг алоқа агентлиги) зиммасига юкланади. Айни вақтда, мутахассислар TCP/IP (Transmission Control Protocol, Internet Protocol – Маълумотларни узатиш жараёнини бошқариш протоколлари) Интернет-протокол асосларини ишлаб чиқишга киришади. Айнан аш шу вақтнинг ўзида «Internet» атамаси (Interconnected Networks – бирлаштирилган тармоқлар сўзларининг қисқартмаси) қўлланилган. Ҳолбуки, бу вақтда ARPANET иккита алоҳида тармоққа MILNET (Ҳарбий тармоқ) – Маълумот узатиш глобал мудофаа тармоғининг номахфий қисми (DDN) ва янги (ҳажми кичрайтирилган) ARPANETга бўлинган эди. Ўша вақтда бирйўла ҳар иккита тармоқ назарда тутилиши керак бўлган ҳолларда Internet атамаси қўлланган.

20-а.нинг 90-й.ларида «Бутунжаҳон ўргимчак тўри» – Worldwide Web гиперматн саҳифалари тизими вужудга келган. CERN (Европа ядровий тадқиқотла

«Мозаика») ходими Тим Бернерс-Ли гипер-
 текстли ишора (белги)лар тили – HTML
 (Hypertext Markup Language) дастурини
 ишлаб чиққан. 1993 й. да NCSA (National
 Center for Supercomputing Application)
 компаниялари Марк Андрессен ва Эрик
 Бимс илк браузер – «Mosaic X»ни иш-
 лаб чиқишади. Кейинчалик Mosaic
 Communications И. саҳифалари брау-
 зернинг биринчи версияси – Netscape
 Navigator 1.0 версиясини тақдим этади.
 1995-й. ларга келиб Майкрософт компа-
 нияси бутун дастурий таъминот бозо-
 рини бошқаради, Netscape Navigator да-
 стури эса ўзининг online имкониятлари
 билан Windows б-н рақобатлашиши
 мумкин эди. Шунда Билл Гейтс улар-
 нинг рақобатчи эканини англаб, ходим-
 ларига бу компанияни дарҳол «ўйин»дан
 четлаштириш тўғрисида буйруқ беради. Шу
 й. ларга браузерлар карама-қаршилиги
 бошланади. 1995 й. 7 дек. да Майкрософт
 Internet Explorer (IE) браузерини ишлаб
 чиқаради. 1997 й. сент. ойида браузерлар
 карама-қаршилиги Майкрософт компа-
 ниясининг ғалабаси б-н тугайди. Ўша
 й. ларда Луис Монье Alta Vista қидирув
 системини ишлаб чиқади. Шу вақтнинг
 охирида эса Сиэтлдаги бўлажак «Интернет-
 компаниялар қироли» – Amazon иш бош-
 лади. 20-а.нинг 90-йилларига келиб,
 Интернет-рақ компанияси қидирув тизимини
 миллион доллар эвазига сотиб олади.

Мамоат ва тижорат тузилмалари
 И. дан фойдаланиш имконияти ош-
 ди. Бундан сари провайдерлар (И. б-н алоқа
 қилишга хизмат кўрсатадиган компа-
 ниялар), И. информацияси истеъмол-
 қилувчи сони ҳам кўпаймоқда, информа-

ция манбаи ва оммавий ахб. воситаси
 сифатида И. кун сайин оммалашмоқда.
 Буларнинг барчаси ноширлар, журна-
 листлар, информация агентликлари, иш-
 лаб чиқариш ҳамда савдо компаниялари
 ва фирмалари муҳитида рақобатнинг
 шаклланишига ижобий таъсир қилди.
 Телефон симларидан ташқари, оптик
 толали кабеллар, радио тармоғи ёки
 сунъий йўлдош орқали И. га чиқиш мум-
 кин бўлди. Бунинг учун И. б-н алоқа
 ўрнатишга хизмат кўрсатадиган компа-
 ниялар – провайдерлар бўлиши лозим.
 Ўзбекистонда И. га улашга доир инфор-
 мация хизматлари 1997 й. дан кўрсатила
 бошлади. Дастлаб Найтов (<http://www.naytov.com>), Узнет (<http://www.uznet.net>) ёки Истлинк (<http://www.eastlink.uz>) каби провайд-компаниялар ф-ят бош-
 лади (1999). Ўзбекистонда жадал ривож-
 ланаётган компьютерлаштириш ва авто-
 матлаштириш соҳалари И. тармоғининг
 алоқа функциясидан кенг фойдаланишга
 имкон беради. И. га уланган абонент уйда
 ёки таълим муассасаси, иш жойидаги
 комп. орқали дунёнинг барча дав. лари-
 даги комп. ларга киритилган хилма-хил
 мавзудаги зарур маълумотларни матн,
 сурат ёки видеотасвир кўринишида оли-
 ши мумкин. Бу маълумотлар И. тизи-
 мида олдиндан киритилади. Дунёнинг
 турли чеккаларида жойлашган махсус
 ихтисослашган компаниялар қидирувни
 тезлаштиришга ёрдам беради. Улар
 «қидирув двигатели» деб аталади, маъ-
 лумотларнинг мундарижасини маълу-
 мотнома (справочник) каби сақлайди ва
 ўша маълумотлар жойлашган «Интернет
 адреси»ни абонентга беради. Мазкур

адрес бўйича маълумотлар «Интернет саҳифалари»да сақланади. Абонент бирор маълумотни, мас., «таълим» сўзини қидирув двигатели орқали қидирса, шу сўзга тегишли маълумотларни, таълим б-н иш олиб борадиган муассасалар рўйхатини абонент комп.ида чиқариб беради. И. саҳифалари шахсий ва расмий бўлиши мумкин. Шахсий саҳифалар алоҳида шахслар томонидан тузилади ва шу шахслар ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олади. И. саҳифалар таълим муассасалари, ташкилотлар, компанияларга тегишли бўлади, уларда зарур маълумотлар сақланади.

Ўзбекистондаги таълим муассасалари И.га уланган бўлиб, ўқувчилар, талабалар, педагоглар ўзлари учун зарур бўлган маълумотларни қидириб топиш имкониятига эга.

ИНТЕРНЕТ ТАЪЛИМ ПОРТАЛИ – таълим олувчилар ва педагогларнинг ахб.га бўлган талаб-эҳтиёжларини қондириш ҳамда интернет тармоғи миллий сегментида таълим ва билим берадиган ахб. ресурсларини ривожлантириш тармоғи.

Жумладан, ХТВ ҳузуридаги Ахборот таълим портали Вазирлар Маҳкамасининг 2006 й. 7 июндаги 110-сонли Қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Порталнинг асосий вазифаси халқ таълими тизимида мультимедиа умумтаълим дастурларини яратиш маркази ҳамда ташки ташкилотларда ишлаб чиқилган ва ишлаб чиқилаётган таълим мазмунидаги мультимедиа иловаларини тарқатишдан иборат. Таълимий ахб. дастурлари онлайн режимида тақдим

этилиши кўзда тутилган. Шу қаторда турли таълим мазмунидаги интернет тармоқларини ташкил этиш ва б.қўшимча хизматлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси ХТВ веб-сайтига боғловчи вазифасини бажариш режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси ХТВнинг ягона ахб. таълим муҳити қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим: ўқувчиларни таълим воситалари ҳамда масофавий таълим шакли б-н таъминлаш; дарс жараёнида ўқув-методик материалларни қўллашга имконият яратиш; ахб. ресурсларига регламент асосида киришни таъминлаш; бошқа вазирлик ҳамда ташкилотларнинг сайтлари б-н интеграция қилиш.

ИНТЕРНЕТ-ПРОВАЙДЕР – ўзининг интернет-сервери орқали Интернет тармоғига улаш хизматини кўрсатувчи ташкилот. Фойдаланувчилар (мижозлар)нинг комп.лари провайдернинг сервери б-н телефон сими, уяли алоқа тўлқинлари ёки WI-FI тўлқинлари орқали боғланади. Ўз навбатида, провайдер сервери интернет б-н юқори тезликдаги алоқа линиялари ёрдамида мунтазам боғланган бўлади.

ИНТЕРНЕТ ВА БОЛА – вояга етмаган шахс б-н интернет ўртасидаги муносабат. Бугунги кунда бутун дунёда бўлган каби Ўзбекистонда ҳам жуда кўплаб болалар комп. ёки мобиль телефон орқали интернет тармоғига уланиб, аксарият вақтларини интернетда ўтказмоқдалар. Мамлакатимизда 3 миллиондан зиёд киши интернетдан фойдаланмоқда (2010). Болалар ота-оналарга қараганда янги техн.ни тез ўзлаштиради. Ўз нэ

зида, ота-оналар фарзандларининг интернетдан фойдаланиш ф-ятини ташвиш ҳам назорат эта олмайди. Интернет тармоғида болалар учун хавф ҳам кўпд. Ғаразли мақсадларда зўрлик, қўрқоқликни тарғиб этувчи, бола онгига таъмин ёмон таъсир кўрсатадиган турли секторларнинг ташвиқотлари, гиёҳвандлик ва порнографиялар акс этган интернет сайтлари жуда кўп.

Интернет орқали ҳаракат қилувчи товламачилар борлигини ҳам унутмаслик керак. Улар мурғак боланинг ҳали маънавий жиҳатдан тўла ҳимояланмаганидан фойдаланиб, мобиль телефонига қанчалар кизиқарли ўйин ёки мусиқани юз олишни тавсия этишади. Бола кўрсатилган телефон рақамига хабар кўради ва ҳисоб рақамидаги ҳамма пулни сарф қилганини ўзи билмай қолади. Шундай товламачилар бўладикки, улар қанчали хийла-найранг б-н ижт. тармоқ ёки электрон почтадан кимнингдир махфий ҳисобини билиб олиб, болангиз номига унга қиради ва ғараз мақсадларини амалга оширади (комп. дастурини ишдан кўчирувчи вируслар киритади, банк, интернет-магазин ҳисобидан пул ечиб олади ва ҳ.к.).

Интернет хавфидан қутулиш учун қандагиларга риоя этиш керак: комп. сайтни филтрлаш воситаси (нохуш ахб. кўришини чеклайдиган махсус дастур) тўғри созланганлигига ишонч ҳосил қилиш, уни вақти-вақти б-н текшириб қўриш, болаларга нотаниш кишилар билан хатни очмаслик ва унга жавоб қилиш лозимлиги, тармоққа шахсий ахб.лар (уй манзили, телефон рақами ва

шу кабилар)ни киритмасликни, фото-суратларни жойлаштирмасликни доимо эслатиб туриш; болаларни интернет хавфидан огоҳ қилиш; уларда ахб.ларни саралаш кўникмасини шакллантириш, тармоқда танишган шахс б-н фақат ота-она иштирокида учрашиш лозимлигини уқтириш, болага интернет орқали кимдир тазйик ўтказганида ёки унинг товламачи тузоғига илиниш хавф-хатарини сезганида, дарҳол мутасадди идораларга хабар беришини уқтириш ва ҳ. к.

ИНТЕРНЕТ МИЖОЗЛАРИ – интернетдан фойдаланувчиларнинг шахсий компьютерлари. Улардан серверларга у ёки бу ахб.ни юбориш ҳамда сервердан келган ахб.ни қабул қилиш учун фойдаланилади. Одатда, бундай комп. интернетга мунтазам эмас, зарурият туғилганида уланади. Интернетга уланиш учун махсус ташкилотлар – интернет хизматини кўрсатувчи провайдерларга мурожаат қилинади.

ИНТЕРПРЕТАЦИЯ (лот. interpretatio) – 1) шарҳлаш, изоҳлаш, тушунтириб (изоҳлаб) бериш; матнни изоҳлаш; 2) талқин қилиш, очиш, талқин.

ИНТЕРФЕРЕНЦИЯ (лот. inter – ўзаро ва ferens – кўтариш, урилиш) – 1) тўлқинларнинг фазода устма-уст тушиб қўшилган ҳолда бир-бирини кучайтириши ёки сусайтириши; 2) меъёрида кечаётган жараённинг бошқа жараён аралашуви сабабли бузилиши.

ИНТЕРФАОЛ ВОСИТАЛАР – таълим жараёни субъектларини икки томонлама фаол мулоқотга ундайдиган воситалар. И. в.га аудио, видео ва электрон анжуманлар, овозли ва ёзувли икки томон-

лама мулоқот қила оладиган оддий ва йўлдошли алоқалар, телеанжуманлар ва ҳ.к. киради.

ИНТЕРФАОЛ МАШҒУЛОТ – таълим жараёни субъектлари ўзаро фаол иштирок этадиган машғулотлар. Бундай машғулотлар сирасига баҳс-мунозара, диалог, кичик гуруҳларда ишлаш, жуфтликларда ишлаш мет.ни, ўйинларни киритиш мумкин. И. м.нинг характерли хусусияти шундаки, бу жараёнда ўқувчилар ўзаро бир-бири ҳамда устозлари б-н яқин ҳамкорликда ишлайди.

ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАР – таълим берувчи ва таълим олувчиларнинг ўзаро яқин ҳамкорлиги ва мулоқотига асосланган дарс жараёни ҳамда шундай дарсларни ташкил этиш усули. «Интерфаол» сўзи «интерактив» сўзининг ўзбек тилидаги баёни. «Интерактив» сўзи инг.даги interact сўзидан олинган бўлиб, inter – «ўзаро», act «ҳаракат, таъсир, фаоллик» маъноларини билдиради.

И. м. нафақат таълим берувчи ва таълим олувчи ўртасидаги фаол ҳамкорликка асосланади, балки таълим олувчиларнинг ҳам бир-бири билан ўзаро яқин мулоқотини таъминлайди. Унда таълим олувчи ва таълим берувчи бир-бирини тўлиқ тушунишига эришилади. Мазкур усул ёрдамида таълим олувчиларнинг мустақил фикрлаш қобилиятлари ривожлантирилади ва бу орқали уларнинг эркин фикрлашига кенг йўл очилади. Бу ўқувчи ҳамда талаба-ёшларнинг мустақил равишда оптимал қарорлар қабул қила олишлари, ижодий фикр юритишларига имконият яратади.

И. м. бир қатор мақсад-вазифаларга

эга. Улар: таълим олувчиларни эркин, мустақил, танқидий, таҳлилий, мантиқий, ижодий фикрлашга ва улар асосида тўғри қарорлар қабул қилишга ўргатади; таълим олувчиларнинг муаммоли вазиятлардан қийналмай чиқа олишига, назарий, амалий ҳамда касбий (ҳаётий) топшириқларни бажаришга, фикрлашга ундайди ва бу орқали уларни изланишга ва ижодкорлика йўналтиради. таълим олувчиларда ҳамкорликнинг самарали йўлларини излаш, касбий билим кўникма ҳамда малакаларни эгаллашга бўлган ҳатти-ҳаракатларни фаоллаштирилади; таълим олувчиларни ташкилотчилик, бошқарувчанлик (раҳбарлик) ва йўналтирувчанликка ундайди.

И. м.дан фойдаланиш шакллари машғулот топшириқларини индивидуаллаштириш; таълим олувчиларни ўзаро фаол ва ижодий ҳамкорлик қила оладиган майда гуруҳларга ажратиш; гуруҳдаги таълим олувчиларни интеллектуал салоҳиятларига қараб табақалаштириш ва улар орасидаги фарқларни эътибор қаратиш; таълим-т-я жараёнида эркин мулоқот ва ҳамкорлик муҳитини яратиш.

Таълим жараёнида И. м.ни қўллашда бир қатор воситалардан фойдаланилади: касбий дидактик ўйинлар; роля ўйинлар; касбий комп.ли ўйинлар; интерфаол техника воситалари; методик маҳсулотлар; интеллектуал маҳсулотлар.

И. м.дан фойдаланиш ўқитиш жараёнига самарали таъсир кўрсатиб, ўқувчи жараёнини жонли ташкил этишни таъминлайди. Шу б-н бирга, аввалги билимлар ва янги ахб.лар ўртасида боғланиш

қилиб, ўқув материалларини самардорлик билан ўзлаштириш учун асос яратади.

ИНТЕРФАОЛЛИК – ўзаро фаоллик, ҳаёт ва таъсирчанлик, ўқувчи ва ўқитувчи мулоқотлари. Интерфаол усули ўқувчиларни комп. тармоғи орқали қабул қилиш ёки узатишга асосланган. Интерфаол усулнинг бош мақсади ўқув жараёнида ўқувчи учун энг қулай вазият яратиш орқали ўқувчининг фаол ва эркин фикр юритиши учун зарур бўлган пед. муҳитни яратишга келтиришдан иборат. Мазкур усулда таълим олувчилар ўзларининг интеллектуал салоҳиятлари, имкониятларини намоён этадилар. Натижада ўқув жараёнининг сифати ва самарадорлиги ошади. И. асосида ўтиладиган дарсларда бирорта ҳам ўқувчи эътибордан қолмайди. Улар дарс жараёнида фаол кўрган, билган, ўйлаган фикрларини очик баён қилиш имкониятига эга бўлади.

ИНТИЗОМ (араб. – тартиб, тартибли бўлиш; изчиллик) – ж-ятнинг ёки маънавий жамоа аъзоларининг амал қилиши, қилиниши лозим бўлган қатъий тартиб, тартибда. И. – мақсадга эришиш йўлида, тартиб ф-ят жараёнида ж-ятда ёки муносабатда бир жамоада ўрнатилган тартиб-қоидаларга мувофиқ равишда бажариладиган хатти-ҳаракат. И. шахс ф-ятида тартиб сифатларни амалга оширишда, ўқувчиларнинг мақсадга эришишда, ўз кучини таъминлашда, бошқаларнинг ёрдамида ўз вазифаларни ҳал этишда, мустақил равишда олишда, бирон ишни бажаришда бошқа томонга чалғитмоқчи бўлган ўқувчиларнинг таъсирига берилмаслик, қарашлари ва ишончлари асосида

ҳаракат қилишда ва ўз вазифаларини ҳал этиш кўникмаларини эгаллашда муҳим аҳамият касб этади.

ИНТИЗОМЛИЛИК – интизомни маҳкам тутиш, унга амал қилиш, бўйсунуш, тартибли бўлиш. Интизомли киши турмуш қондасига онгли равишда муносабатда бўлади. Ўз ф-ятида аниқ ва интизомли бўлиб, меҳнат вазифаларига, жамоат топшириқларига масъулият б-н қарайди.

ИНТРОВЕРСИЯ – шахснинг тафаккур ва диққат-эътиборини ўз-ўзига қаратишини ифодаловчи атама.

ИНТУИЦИЯ (лот. – синчиклаб, диққат б-н қарамоқ) – тажрибага асосланган ғайриихтиёрий ҳис, фаҳм-фаросат, зийраклик; ҳақиқатни тажриба ва асосларсиз бевосита англаш, тушуниш, пайқаш; олдиндан сезиш – аввалдан эгалланган билим ва маълумотларга асосланган билиш жараёни; шахснинг ҳақиқатни далил б-н исботламасдан, бевосита фаҳм-фаросат б-н англаб олиш қобилияти.

Замонавий ёндашувларда И. билим б-н бевосита ва билвосита диалектик тарзда боғланган жонли мушоҳада сифатида талқин этилади. И.ни ақлдан устун турадиган, мистик билиш қобилияти деган қараш рад этилади. И. ҳақиқатни пайқашнинг оддий йўлларида оғиш эмас, балки у мазкур оддий жараёнлар юз беришининг мантиқий шакли ва амалиёти б-н боғлиқ ҳолатдир. Ҳақиқатни гўёки «тўсатдан» пайқаш замирида тўпланган тажриба, илгари ҳосил қилинган билим ётади. И.нинг психологик механизми кам ўрганилган, лекин мавжуд тажрибавий маълумотлар унинг замирида

индивидуалнинг атрофидаги муҳит б-н информация, сигналли ўзаро таъсир жараёнида бевосита анланган натижа б-н бир қаторда ёрдамчи (анланмаган) натижани акс эттириш қобилияти бор деб ҳисоблашга имкон беради. Бироқ муайян шароитда амалиёт натижасининг мазкур (илгари анланмаган) қисмини индивид томонидан анлаш имконияти туғилади ва вақти келиб бундай интуитив билиш натижалари амалиётда текшириб кўрилади ҳамда мантикий равишда исбот қилинади.

И.нинг ҳиссий, аклий, эмоционал ва мистик турлари бор. Аклий мушоҳада ва б. сезги образларига боғлиқ бўлмаган ҳолда тушунчадан олдин келадиган интуитив сезиш ҳиссий интуиция дейилади. Э. Гуссерлнинг фикрича, ҳодисаларнинг моҳиятини бирданга ақл б-н илғаб олиш интеллектуал ёки аклий И. дейилади. М. Шелернинг фикрича, бирор нарсанинг кадр-қимматини ҳиссиёт орқали анлаб етиш жараёнида эмоционал И. намоён бўлади. Ж. Маритеннинг таъкидлашича, И. илоҳий кудрат б-н мулоқот жараёнида вужудга келадиган мутлақо онгсиз илоҳий илҳом ва кашфиётдир. Интуитивизмда эса И. субъектнинг объект б-н бевосита қўшилиб кетиши оқибати деб тушунтирилади (А. Бергсон). «Ҳаёт фалсафаси» вакиллари эса И.ни инстинктив билиш деб тасаввур этишади. Психоанализда И. ижоднинг онгсизликдаги илк тамойилидир деб талкин этилади (З. Фрейд). Шарқ фалсафасида И.ни «илоҳий илҳом» ёки «илоҳий зехн» деб аташган (Ибн Сино). И.ни ўрганиб ҳам, бошқариб ҳам бўлмайди. У тўсатдан

мияга келиб қолувчи фикрдир. Инсон миясида рўй берувчи рефлексив жараёнлар шу қадар мураккаб занжирлар боғланишлар ҳосил қиладикки, баъзан турли сабаб-оқибатли занжирлар тизимидаги халқалар бир-бирига туташиб кетади. Ана шундай туташув жараёнида инсон миясига ярқ этиб янги фикр келиб қолади. Мана шу ҳолат И.нинг асаб-физиологик асоси ҳисобланади. Бу кутилмаганда, бехосдан рўй берганлиги учун кишилар И.ни илоҳий ва ғайритабиий моҳиятга боғлаб тушунтиришга уринишади, лекин унинг замирида ётган асаб-сабаб – онг замиридаги психик жараёнлар номаълумлигича қолаверади. Инсон миясида рўй берувчи ўз-ўзини сошлаш, ўз-ўзини мувофиқлаштириш механизми б-н боғланган. Миядаги жараёнлар муайян пайтда автоматик тартибда ишлашга ўтади ва ўз-ўзича янги билимни ишлаб чиқади. Бу жараён онгли назорат қилмаганимиз туфайли миямизга тўсатдан янги фикр қуйилиб келгандай туюлади. Аслида эса, бу фикр ни миямизнинг ўзи автоматик тартибда ҳисоблаб чиққан бўлади. Бу механизм ижт. билиш жараёнида содир бўлиши мумкин. Ижт. жараёнларни бирдан онгда қамраб олиш кийин, шунингдек ижт. ҳодисалар нисбатан узоқ вақт давомида шаклланиши, ўзгариши ва қайта вожланиши мумкин.

ИНТУИТИВИЗМ (лот. *intuitio* – диққат б-н кузатмоқ) – моддий ва маънавий борлиқни тажриба ва тафаккурга таянмаган ҳолда, фақат интуиция ёрдамида билиш мумкин деб даъво қилувчи фен-сафий оқим. И. онгни ижт. амалиёт

тафаккурга алоқаси бўлмаган алоҳида бир хусусият деб ҳисоблайди. И. асосчилари: Афлотун, Демокрит, 19-а.дан бошлаб Гегель, Фейербах, З. Фрейд, Ф. Шеллинг, Э. Гартман, 20-а.да эса А. Бергсон, Э. Гуссерль ва б.дир. И. тарафдорлари яъни мутлак кимматга, ўзгармас моҳиятга эга деб талқин этадилар. Уларнинг назаридан, умумий ахлоқий тушунчалар ўз-ўзидан, исботсиз қабул қилинадиган, интуиция орқали англанадиган ҳолатдир. 20-а.да И. иррационализмнинг бир тури сифатида юзага келди. И., асосан, икки шаклда намоён бўлган: 1) интеллектуалликка қарши шаклда, яъни интуиция ва интеллектни қарама-қарши қўйиш; 2) интуиция ва интеллектни бирлаштириш (Н. О. Лосский, С. Л. Франк, Е. Н. Трубецкой, француз неотомистлари Э. Жильсон, Маритен, маълум даражада Э. Гуссерль ва феноменология мактаби асқиллари: М. Шиллер, Н. Гартман ва б.). А. Бергсон таълимотида кўра, интуиция ва мантикий тафаккур бир-бирига яқин, чунки интуиция субъект б-н объектининг қўшилиши натижасида уларнинг ўртасидаги зиддиятнинг ечилиши, бар-тараф этилишидан келиб чиқади. Экзистенциализм (Марсель) тарафдорларининг фикрига кўра, интуиция ҳиссиёт дунёсини тарқ этиб, маънавий соҳанинг (диний, мистик) «тажриба»сига асосланади. И. ғоялари дастлаб 17–18-а.ларда неоплатончиларнинг (Р. Прайс, Р. Кэдворт, С. Кларк) Кембриж мактаби томонидан тизимлаштирилди. Сўнгра ушбу таълимот Европа ва АҚШда кенг тарқалади. И. бир гуруҳ ахлоқшунослар томонидан ривожлантирилган. Уларнинг

фикрича, энг умумий ахлоқий тушунчалар (мас., яхшилик ва ёмонлик) «нодир» характерга эга бўлиб, уларга ҳеч қандай бошқа сифатни нисбат бериб бўлмайди, ҳаттоки улар тўғрисида шубҳаланиш ҳам мумкин эмас, чунки улар «ўз-ўзидан маълум» тушунчалар деб ҳисобланади. Ушбу таълимотга кўра, ахлоқий тушунчалар мутлак характерга эга бўлиб, фан ва ижт. ҳаёт томонидан исбот қилиниши талаб этилмайди.

ИНФОРМАТИКА ВА ҲИСОБЛАШ ТЕХНИКАСИ АСОСЛАРИ ДАВЛАТ ТАЪЛИМ СТАНДАРТИ – информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари фанидан таълим мазмуни ва ушбу ўқув предмети бўйича ўқувчилар эгалладиган билим, кўникма, малакаларга қўйилган талабларнинг дав. томонидан тасдиқланган эталони, модели.

ИНФОРМАТИКА АСОСЛАРИ ЎҚУВ ФАНИ – математик мет.лар ва ҳисоблаш техникаси воситалари ёрдамида маълумотларни йиғиш, ўлчаш (баҳолаш), сақлаш, қайта ишлаш ва узатишнинг метод ва қонунларини ўргатадиган ўқув фани.

ИНФОРМАТИКА ВА ҲИСОБЛАШ ТЕХНИКАСИ АСОСЛАРИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ – 1) информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари таълими назарияси ҳамда мет.си бўйича талабаларга муайян билим, кўникма, малакалар ҳосил қилишга йўналтирилган ўқув фани; 2) информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари ўқитиш мет.си хусусий пед.нинг асосий соҳаси.

ИНФОРМАЦИОН ПЕДАГОГИКА – пед. кибернетикага асосланган таъ-

лим, назария ва техн.ларини уйғунлаштирган педагогика. И. п. – пед.нинг мазмунига турли концепция ва назарияларни бирлаштирувчи тизимга асосланган йўналиш, таълим ва т-я жараёнида қўлланиладиган маълумот (ахб.)ларни олиш, қайта ишлаш, узатиш ва ўзлаштиришнинг назарий асоси. И. п.нинг назарий асосини замонавий шароитда ж-ятни ахб.лаштириш, ундан эмпирик устқурма сифатида фойдаланиш, ахб.ларни узатиш, қайта ишлаш, сақлаш, умумлаштиришнинг илғор тажрибаларини ўзлаштириш ташкил этади. И. п.га қўйиладиган замонавий талаблар тизимида информацион-таълимий макон ва муҳитни вужудга келтиришни мақсад қилган назариялар, қонуниятлар, мет.лар ва техник воситаларни ўзаро алоқадорликда қўллаш учун қулай шароит яратиш муҳим ўрин тутаяди. И. п.га хос тамойиллар ичида умумий (методологик), соҳага хос ҳамда ташкилий-пед. даража тамойиллари устувор ўрин эгаллайди.

Умумий (методологик) даража И. п.нинг ўзига хос жиҳати – информацион ж-ятда шахсни шакллантиришга йўналтирилган ахб.лар, маълумотларнинг методологик асосини ташкил этади. Олам ҳақидаги билимларнинг бир бутунлиги, таълимнинг инсонпарварлиги, қўшимча маълумот олиш, уларни таҳлил қилиш имкониятининг тақдим этилиши И. п. методологик тамойилининг асосий компонентларидан бири ҳисобланади.

И. п.нинг ўзига хос тамойили сифатида унинг фан тармоғи сифатида шаклланиши ва ривожланишининг илмий

асоси, шунингдек, мазкур фан тармоғига оид тажрибаларни инобатга олиш ҳамда улар ўртасидаги алоқадорлик қонуниятларига асосланилади.

И. п.нинг муҳим тамойили тез ўзгарувчан информациялар шароитига мослашувчан, ижодий фикрловчи шахсларни тарбиялашга йўналтирилган таълим жараёнини ташкил этишдан иборат. Бунда таълимнинг илмийлиги, пед. ва информацион техн.нинг интегративлиги, ахб.ларни идрок этиш (қабул қилиш) манбаларининг кўп тармоқлилиги, таълимнинг мос ф-ятга асосланганлиги, ўзини ўзи назорат қилиш ҳамда ф-ят натижаларини таҳлил этиш принциплари етакчи ўрин тутаяди.

Таълим ва т-я жараёнида қўлланилаётган информация (ахб.)ларнинг ўқув материали сифатида ўзлаштирилиши самарадорлиги ўқувчи томонидан уларни идрок этиш, ахб.ни англаганлик, хотирада сақлаб қолиш, умумлаштирилган бир тизимга солиш ҳамда улардан амалий фойдалана олиш б-н белгиланади.

ИНШО (араб. – ташкил этиш; яратиш, қуриш, барпо қилиш; ижод, баён, таҳрир) – ўқув юртларида она тили ёки адабиётдан ёзма иш; ўқувчилар мавзунини мустақил ёритадиган ёзма иш турларидан бири. Она тили ва ад. дарсларида таълимий ҳамда назорат мақсадларида умумий таълим мактаблари, АЛ ва КХҚнинг барча босқичларида ўтказилади. Бажарилиш шаклига кўра, синф ва уй иншоларига бўлинади. И.ларнинг ўқувчилар гуруҳи б-н биргаликда ёзиладиган ва ҳар бир ўқувчи мустақил бажарадиган

турлари мавжуд. И. ўқитувчи томонидан ўтилган бирор мавзу ёки эркин мавзуда бўлиши мумкин. И. ўқувчилар бадиий адини тўғри идрок этишларига, фикрнинг ақчам, мантикий ифодалашларига, уларнинг ёзув саводи ўсишига ёрдам беради. **ИНЪИКОС** (араб. – акс этиш) – ойнада сузда ва умуман, ялтироқ нарса берида акс этган тасвир, акс; объектив воқеликнинг, борликнинг киши онгида акс этиши; воқеликни акс эттириш, фалсафий маънода объектларнинг ўзаро таъсири натижасида модда, энергия ва ахб. алмашиш жараёни; нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро таъсирлашуви жараёнида ҳосил бўладиган ҳодиса, ҳолат, жараён ва ўзгариш. Бу категория фал. ва пед.да муҳим аҳамиятга эга бўлиб, инсон онги, тафаккури ва билиш жараёнини тушунтиришга хизмат қилади. И. борликнинг барча ҳодисаларига ҳосил бўладиган муҳим хусусиятдир. Зеро, уларнинг барчаси таъсирлашувда ва ўзгаришда. Нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро таъсири ва уларнинг бир-бирида акс этиши ҳар қандай эканлиги И.нинг турли даражалари-ни фарқлаш имконини беради.

И.нинг энг содда шакли ўзаро механик таъсирдир. Жонли организмларда И.нинг мураккаброк тури – таъсирлашувчи ҳодисаси содир бўлади. Мураккаб жонли организмларда психик И. рўй беради. Бу И.нинг олий шаклидир. Одамнинг орасида эса сўзлар орқали фикр алмашиш ҳодисасига асосланган ижт. мавжуд. Ижт. гуруҳларнинг ўзаро таъсири оқибатида ижт. И.нинг мураккаб шакллари намоён бўлади. Ижт. ҳаётда инсоннинг руҳий, ижодий, ин-

теллектуал ф-яти б-н боғлиқ жамоавий хатти-ҳаракатларда, ижт. ўзгаришларда умумбашарий миқёсдаги муаммоларнинг вужудга келиши шаклида рўй беради. Мас., ҳоз. замонда бутун сайёра-миз миқёсида вужудга келган экологик вазият ҳам ж-ят ф-ятининг табиатдаги И.идир. И.нинг оний, бир лахзали, давомий, узоқ муддатли ва занжирли кечувчи турлари бор.

ИОНИЯ ФАЛСАФАСИ – мил. ав. 6–4-а.ларда юнон файласуфлари томонидан яратилган фалсафа. Асосан, Милет мактаби вакиллари ва Гераклит фал.си назарда тутилади. Иони денгизи бўйида жойлашган Милет ш.да вужудга келган. И. ф., умуман олганда, қузатувчанлик табиатига эга бўлган. Афсонавий тимсолларнинг қўплиги, атропоморфизм, пантеизм унсурларининг мавжудлиги, мажозий ибораларнинг қўлланилиши, ахлоқий муаммоларга кенг ўрин берилиши И. ф.нинг муҳим хусусиятини белгилайди. Унинг вакиллари бутун борликнинг ягоналигини, борликдаги барча яралмишларнинг ибтидоси битта эканлиги тўғрисидаги гоёни илгари сурганлар. И. ф.да мифологик тимсоллар мавжуд бўлишига қарамасдан, у рационалистик рух б-н суғорилган. Зеро, уларда сув, тупроқ, ҳаво, олов, логос, зарурият каби тушунчалар қўлланилган. И. ф. ҳокимият учун зодагонларга қарши кураш олиб борган шаҳар савдогар ва ҳунармандларининг дунёқарашидир. И. ф. Юнонистоннинг ижт.-фал. фикри ривожига муҳим аҳамият касб этган. Милет мактабининг йирик вакиллари – Фалес, Анаксимен, Анаксимандр ҳамда

Гераклит И. ф.ни янги ғоялар б-н бойитганлар.

Бугунги кунда ахлокий т-я масалаларини хал қилганда И. ф. назарияларига таяниш мақсадга мувофик.

ИРОДА (араб. – қасд, ният, истак) – мақсадни юзага чиқариш учун кишида бўлган матонат ва қатъият; ихтиёр, хоҳиш; одамнинг ички ва ташқи интилишлари, имконият ва салоҳиятини мақсад йўлида сафарбар этиш. қатъият б-н ҳаракат қилиш, синов ва машаққатларни енгиб ўтишга, ҳар қандай шароитда ҳам руҳий мувозанатни сақлашга асос бўладиган маънавий фазилат.

Инсон И. туфайли турли кераксиз ҳаваслардан воз кечади, ўз ҳаёт йўлини белгилаб олади. И. инсон маънавий ф-ятининг юксак босқичи бўлиб, уни ҳар қандай мураккаб вазиятда ҳам ўз шаънига муносиб ҳолда ақл-идрок, ақл-заковат б-н иш тутишга ундайди. И. орқали инсон ўз хоҳиш-истаклари, хатти-ҳаракатларини қатъий назорат қилади, турли маънавий ва моддий қийинчиликларга бардош беради.

Кўзланган мақсадга эришишга бўлган ишонч И.нинг муҳим кучи, бош мезонидир. Қатъий ишонч мақсад йўлидаги қийинчиликларни енгиш учун маънавий асос яратади. Ҳар бир ж-ят тараққиёти, унинг илғор ғояларини амалга ошириш мазкур ж-ят аъзоларининг иродасига боғлиқ. Шунинг учун халқ ва миллат иродасини шакллантиришга, И. т-ясига аجدодларимиз азалдан катта эътибор қаратганлар. Иродали бўлиш эътиқодли бўлиш б-н чамбарчас

боғлиқ. Чунки ҳаётда маълум бир қараш ва таълимотлар эътиқодларнинг ғоявий асосини яратиб беради. Эътиқоднинг заиф ёки мустаҳкамлиги, умуминсоний ва миллий манфаатларга мос келиши ёки келмаслиги ҳам И.нинг мустаҳкам бўлиб шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. Тарихдан маълумки, даҳо зотлар, умуман ўзини шахс сифатида намоён эта олган барча инсонлар кучли И. эгаси бўлган. Улар ўзида хатти-ҳаракатини онгли равишда тартибга солиш ва кўзланган мақсади йўлидаги ҳар қандай тўсиқларни бартараф этиш лаёқатини шакллантирган. Негаки, бу ҳаётда мен шунни хоҳлайман, деган б-н иш битмайди. Иродали одам шу ишни бажаришим шарт, деб ўз олдига қатъий вазифа қўяди ва уни амалга ошириш учун дадиллик б-н киришади. Ҳоз. кунда одамларимиз, авваламбор, ёшларимизнинг имон-эътиқодини мустаҳкамлаш, иродасини бақувват қилиб тарбиялаш устувор вазифа ҳисобланади. Бунинг учун эса уларда ўзлигини унутмаслик, ота-боболарнинг муқаддас қадриятларини асраб-авайлаш ва ҳурмат қилиш каби фазилатларни қарор топтириш лозим. Улар кучли И.эгаси бўлиши лозим. Шундагина уларни ҳеч қандай зарарли оқимлар, вайронкор кучлар йўлдан ура олмайди. Шу маънода, И. баркамол инсоннинг шаклланишида муҳим ўрин тутаети.

Инсон иродавий ҳаракатини амалга ошираркан, ўзида ҳукмронлик ўрнатишга уринаётган эҳтиёж ва хоҳишларига қарши туради: И. учун «мен хоҳлайман» деган кечинма эмас, балки «керак», «бажаришим шарт» деган кечинма ҳосдир.

Инсон ф-ятининг барча турлари, кумладан, билим олиш ҳам кишидан мустақкам И.ни талаб қилади. И. ўқиш, меҳнат жараёнида пайдо бўлади ва тобора янади. И.нинг онгдаги ф-яти ҳаракат мақсадини белгилашда, мақсадга эришиш воситалари ва йўл-йўриқларини шундан аниқлаб, маълум қарорга келишда ҳамда бу қарорни ижро этишда намоён бўлади. Одамда И.нинг қай даражада эканлиги мақсадни қандай бўлаётганга чиқаришида кўринади. Иродавий ҳаракат жараёнларида киши ички ва ташқи тўсиқларга дуч келади. Ички тўсиқлар кишининг ўзига, унинг ички қайилларига хос ҳолат. Кишининг ички қайилларини енга олиш, ўзини бошқариш ва ўз устидан ҳукмронлик қила билиш қаракати ички И. деб аталади. Теваракатрофда, ижт. ҳаётда ҳар қадамда учрайётган турли зиддиятли ҳолатлар ташқи тўсиқлар дейилади. Кишининг ана шундай ташқи тўсиқларни енга олиш қаракати ташқи И. деб аталади. Иродавий ф-ятда ташқи тўсиқларни енгил (ташқи И.) ички тўсиқлар (ички И.)ни енгил б-н узвий боғлиқ.

И.нинг муҳим сифатлари: ташаббус, ўз хоҳиши б-н хатти-ҳаракат кўрсата билиш; қатъиятлилик – иккиланмаслик, ҳар томонлама ўйлаб қарор қабул қила олиш ва уларни изчил суръатда амалга ошира билиш; саботлилик – қийинчиликларга қарши курашда қиратни бўшаштирмасдан мақсад ортадан доимий ва узок вақт қува билиш, кўзланган иш режасини қандай бўлмасин амалга ошириш; йиғинчоклик – ўз амалий ишларини режалаштира

олиш; ижро этишда унга амал қила билиш, саранжом-сарийштали, тартибли иш тутиш; дадиллик – қўйилган мақсадни амалга оширишда фурсатни ўтказмасдан кўрқувга қарши тура олиш; таваккал қила билиш; ишчанлик – қийинчиликка қарамай, ишни охирига етказа билиш.

И. кучи шу сифатларнинг қай даражада намоён бўлишига қараб белгиланади. Киши юксак ғояларга асосланган онгли қатъият ва сабот б-н ўз қаракати йўлидаги тўсиқларни енгил экан, у кучли И. эгаси ҳисобланади. И. кишининг қарактери б-н узвий боғлиқ, унинг шаклланишида муҳим роль ўйнайди.

Иродасизликнинг ҳам ўзига хос сифатлари бор. Булар – ташаббуссизлик, журъатсизлик, ялқовлик, қатъиятсизлик ва б.

Бола иродали бўлиб туғилмайди, албатта. И. ҳаёт жараёнида таълим-т-я натижасида аста-секин шаклланиб боради. Мактабгача таълим ёшидаги даврда болада иродалилик хислатини шакллантиришда оила муҳити ғоят катта аҳамият касб этади. Бунда ота-она боланинг маслак ва қизиқишларини аниқлай олиши, ижт. ҳиссиётларини ўстириб бориши ва шу асосда бола қалби ва онгида И. ҳиссини тарбиялашга эътибор бериши керак.

Боланинг иродавий хулқ-атвор лаёқати дастлаб катталар талабини бажариш жараёнида юзага келиб, одатта айлангач, у энди ўз-ўзига қўйган хусусий талабларини бажара бошлайди.

Иродавий хулқ-атвор кўникмаси бола фақат маълум даражада мустақил бўлганда – ўз олдига мақсад қўйиб, унга эришиш усулларини қўллаб бил-

ганда ривожланиши мумкин. Шу нарса маълумки, болага катталар томонидан хаддан зиёд ғамхўрлик кўрсатилса ёки у ҳадеб, бўлар-бўлмас тергайверилса, у ўз мустикаллигини йўқота боради ва унинг иродаси қарамлик ҳолатида қолади. Болага ҳурмат ва эътибор б-н муносабатда бўлиш, унинг имкониятларига ишониш бола мустикаллиги ва характеридаги иродавий хусусиятларнинг ривожланишига ёрдам беради. И. т-яси, албатта, ёшга қараб фарқланади. Бунга педагоглар ва ота-оналар қатъий риоя этишлари керак.

ИРОДА ЭРКИНЛИГИ – ҳар бир шахснинг индивидуал эрки, иродавий майли, хоҳиш-истаги ва улар орқали намоён бўладиган эркин ф-яти. Бу тушунча фал. категория сифатида умумий маънода инсоннинг ўз хатти-ҳаракатларини ўз дунёқарашига кўра, мустикал белгилаб олиши, ўз қарорига асосан иш юритишини билдиради. Инсон бирор ишни бажаришни мўлжаллар экан, яхшилик ва ёмонлик, ахлоқийлик ва ахлоқсизлик ўртасидан ўзига йўл танлайди. Бу танлов кишининг ўзига боғлиқ бўлгани учун инсон ахлоқий масъулиятга эга, шунга кўра, унинг ф-яти қораланади ёки олқишланади. Этика тарихида И. э. муаммоси кўпинча идеалистик тарзда талқин этилган. Антик давр мутафаккирларидан бири Эпикур яхшилик ва ёмонлик фақат инсон ақлидагина мавжуд, шу боис бизни танлаш эркинлигидан маҳрум қила оладиган куч йўқ деган хулосага келган. И. э. муаммосига тарихда турли ёндашувлар мавжуд бўлиб, мутафаккирлар бу муаммони нотўғри ҳал этишда-

ги кескин қарашлар волюнтаризм ёки фатализмга олиб келиши мумкин деб ҳисоблашган. Инсоннинг ўзи танлаб олган мақсад асосида амалга оширадиган ф-яти охир-оқибатда табиат ва ж-ятнинг ривожланиш қонуниятлари, яъни объектив заруратни ифодалайди. Ушбу заруратга кўра, инсонга фақат ташқи ҳодиса деб қарамаслик лозим, чунки фақат инсон ф-яти табиат ва ж-ят қонуниятларига асосланади. Ўз навбатида, инсон ҳам атроф-муҳитга таъсир ўтказиш, уни ўзгартиришга ва шу тариқа эркин бўлиш ва танлаш имкониятига эришади. И. э. дав. ва ж-ят қурилишида, сиёсий жараёнларда баркамол авлод т-ясида, айниқса, фуқароларнинг ўз бурч ва масъулиятини чуқур ҳис қилишида муҳим аҳамият касб этади. Таъкидлаш жоизки, маърифатли, маънавиятли кишилар ўз ф-ятида эркин бўлиб, олдига қўйган мақсадга эриша олади. И. э.га эга бўлган шахс ҳар қандай вазиятда эҳтиросларини жиловлайди, собитқадамлик ва қатъият кўрсатиб, ақл ва идрокка, қонунга, виждон амрига таяниб иш кўради. И. э. ҳамиша шахс маънавияти ва тафаккур тарзининг узвий қисми сифатида намоён бўлади. Шарқда диний илм, хусусан, калом фал.си ривожланган даврда И. э. Имом Мотуридий ҳамда Имом Ашъарий томонидан қайта таснифлаб ўрганилган ва кўпчилик томонидан маъқулланган. Улар И. э. борасида турли бузғунчи ғоя ва қарашларга қаттиқ зарба бериб, дин ва унинг ақидавий масалаларини тўғри ҳал этиш йўлларини асослаган. Бугунги глобаллашув ва модернизация даврида давлатлараро, қитъалараро ахб. кўламининг мисли кўрилмаган дара-

қала кенгайиши инсоният, айниқса, ёшлар олдида яшаш учун кураш ва танлов масаласини қўймоқда. Интеллектуал аспирантланган 21-а. мавжуд муаммоларни бартараф этишда барча халқлар, миллат ва шахсларнинг И. э. кучига таянган ҳолда башариятнинг умумий тақдири учун масъулиятни чуқур қис қилиб яшашни такозо этмоқда. Ўзбекистонда ҳам қўзланган эзгу мақсадларга эришишда И. э. тамойили бекиёс аҳамият касб этади. Юртимиз фукараларининг И. э. дахлсиз бўлиб, қонун муҳофазаси остидадир.

ИРОДА ҚУВВАТИ – муайян мақсадни эришга чиқариш учун кишида шаклланган матонат ва қатъият; инсоннинг маълум мақсад йўлида ўз хатти-ҳаракати, ихтиёр ва хоҳишини онгли равишда йўналтириб туриши, шу йўлдаги қатъияти, мавжуд тўсиқларни енга олишга қодир бўлган рухий-маънавий салоҳияти. Инсон ички дунёси ва И. қ. унинг маънавияти юксаклигидан дарак беради. Глобаллашув жараёнининг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, хоз. шароитда у мафкуравий таъсир кўрсатишнинг ўткир урролига айланиб, ҳар хил сиёсий кучлар ва марказларнинг манфаатларига хизмат қилаётганини соғлом фикрлайдиган ҳар қандай одам яхши англайди. Мана шундай вазиятда инсон ўз мустақил фикрига замонлар синовидан ўтган миллий қадриятларга, соғлом негизда шаклланган дунёқараш ва мустаҳкам иродага эга бўлмаса, турли маънавий таҳдидларга, шахсларнинг хилма-хил кўринишдаги таъсирига бардош бериши амримаҳол. Инсон ўз ҳаёти давомида турли муаммоларга, ҳатто кескин вазиятларга дуч

келади. Бунда, биринчи навбатда, ўз кучига ишонган, рухий дунёси, маънавий олами бақувват бўлган инсонгина қийин ҳолатдан чиқиб кета олади. Маънавий бойлик ана шундай пайтда кишига куч ва мадад беради. Шу маънода, инсоннинг маънавияти юксалиши б-н унинг иродаси ҳам мустаҳкамланиб, товланиб боради. И. қ. боис инсон ўзига ишонади, ҳар қандай мураккаб вазифани зиммасига олишдан кўркмайди. Шу боис юксак иродали инсонга суяниш мумкин. Бундай инсонлар бошингизга бирор-бир ташвиш ёки муаммо тушса, лоқайд қараб туролмайди. Лекин бировнинг ҳаётига, ён-атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга бетараф ва бепарво қараб, шунчаки кузатувчи бўлиб яшайдиган кишилардан кўрқиб керак. Чунки уларда на имон, на ирода бўлади. Улар ҳатто ўз халқи ва Ватани тақдирига ҳам бамисоли бегонадек қарайди.

ИРОДАЛИ – иродаси кучли, бирор мақсад учун матонат ва қатъият б-н курашадиган шахснинг сифати.

ИРОДАСИЗ – иродаси йўқ, иродаси суст; бардошсиз шахснинг сифати.

ИРОДАСИЗЛИК – иродасиз одамга хос хусусият, хатти-ҳаракат, ҳолат; қатъиятсизлик; кишининг ўзини ўзи идора қила билмаслиги, ўз хулқи ва ф-ятини тартибга сола олмаслиги ва ўзини ўзи бошқариш, зарур пайтда ўзини тутишга, жасорат, мардлик, матонат кўрсатишга қурби етмаслиги б-н боғлиқ ҳолатлари.

И. инсон озгина муваффақиятсизлик ёки тўсиқдан кўрқиб мақсадидан воз кечади, олдинга юриш ўрнига орқага тисарилади. Вазиятга қараб ўзгараверади.

Ўзига, ўзининг куч-имкониятларига ишонмайди. Шу боис вазият мураккаб-лашиши б-н ўзига ҳам, бошқаларга ҳам хиёнат қилади. Лекин вазият ижобий томонга ўзгара бошлаши б-н уятни бир чеккага йиғиштириб қўйиб, яна майдонга чиқмоқчи, ўзини фидойи қилиб кўрсатмоқчи бўлади. Бундай одамлар жуда хавфли. Чунки уларнинг дўст ёки душманлигини тезда билиб бўлмайди. Улар ҳар қандай қабиҳликлар – сотқинлик, фирибгарлик, тухмат ва бўҳтондан ҳам қайтмайди. Халқимиз бундай одамларни «Оғирнинг устидан, енгилнинг остидан юради», деб таърифлайди. И. одам ҳеч қачон масъулиятни зиммасига олмайди, ташаббус кўрсатмайди, берсанг ейман, урсанг ўламан деган ақида асосида яшайди. И. инсоннинг хатти-ҳаракати, хулқи унинг ўзидан кўра б.ларга кўпроқ зарар келтиради. И. кишида тушқунлик кайфияти устун бўлади. У дунёга ва ҳаётга умидсизлик б-н қарайди, барчанинг фақат салбий, ёмон тарафини кўради. Ўзидаги камчилик ва муваффақиятсизликларнинг сабабчиси ўзгалар деб билади. Замонавий психология фанида И. ҳодисаси кенг ўрганилган. Жумладан, унинг бир тармоғи бўлган патопсихологияда ироданинг ҳар хил даражадаги сусайиш ҳолатлари кузатилади. Мас., абулия иродага хос ҳар қандай ҳаракатнинг тўхташи ва барча хоҳиш-истакларнинг йўқолиши б-н боғлиқ ҳолда кечадиган касаллик ҳисобланади. Бунда инсон фақат стереотипга айланган бир хилдаги ҳаракатларни амалга оширади. Натижада, у энг оддий физиологик эҳтиёжларни

амалга оширишга қаратилган ишларни ҳам бажара олмай қолади. Гипербулия иродавий хатти-ҳаракатларнинг камрок даражада сусайиши бўлиб, унда ф-ятнинг гўё кучайиб кетгандек бўлиб туюлиши кўзга ташланади. Гипербулия ҳаддан ташқари кайфичоғлик ҳолати бўлиб, маниакал ҳолатга тушган беморлардагина кузатилади. Буюк аждодларимиз мустақил ирода соҳиби бўлганликлари учун ҳам И.ни қаттиқ қоралаган.

И.ка чек қўйиш учун инсонларни ёшлигидан тарбиялаш лозим. Бунда оила, мактаб, маҳалла ва, умуман, ж-ятдаги муҳит ҳамда инсонларга бўлган муносабат муҳим ўрин тутаети, чунки атрофдагиларнинг бир-бирига бўлган муносабатларини кўрган бола шунга қараб шаклланиб боради. Улар аввал катталарга тақлид қилади, сўнг секин-аста қилаётган ишларининг моҳиятини англайди. Ёшлар иродасини тўғри тарбиялашда ота-онанинг онги, маънавияти, билими, т-я кўргани муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, спорт, ҳарбий машқлар б-н шуғулланиш, ибратли бадиий китоблар ўқиш, кино ва санъат асарларини томоша қилиш, ҳалол меҳнат иродани тоблайти, инсонни маънан чиниктиради.

ИРРАЦИОНАЛИЗМ (лот. irrationalis – онгсиз, ақлга асосланмаган, ақлга зид, ғайришуурий) – билиш жараёнида ақлнинг имкониятларини чеклайдиган ёки инкор этадиган фал. оқим; фал.да рационализмга зид бўлган оқимлар номи. Дунёни билишда инсон маънавий ҳаётининг тафаккурдан ташқари томонлари: ирода, бевосита мушоҳада ҳиссиёт, интуиция, хаёл (фантазия), инс-

т ва шу кабиларни биринчи ўринга қўлди.

19-а.нинг 1-ярмида Европадаги таракқиёт фаннинг турли соҳаларида яшылган ютуқ ва кашфиётлар натижаси бўлиб, бу жараён, ўз навбатида, тафаккурдаги ноанъанавий ёндашувларнинг шаклланишига ҳам катта таъсир кўрсатган. Шундай ёндашувлар орасида фал. муаммолар доираси кенгайиб, турли оқим ва йўналишлар пайдо бўлишига олиб келган. Шунингдек, бу жараёнда ижт.-сиёсий ҳаётда кечган муаммолар жараёнлар таъсирида маърифат-парварлик ғоялари ва қарашлар инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, ҳаётнинг мазмуни, кўркув, масъулият, яшашдан мақсад, демократия, плюрализм каби масалаларга ўрнини бўшатиб бера бошлайди. Муаммоларнинг баъзилари бундай қарашларни таҳлил қилар экан, анъанавий фал. ёндашувлардан четга чиқиш зарурлигини ва асосий эътиборни инсоннинг иррационал моҳиятига қаратиш зарурлигини исботлаш ва асослашга ҳаракат қилган. Чунки анъанавий фал. ёндашувларда ақл инсон моҳиятини тўғри билдириб берувчи асос сифатида эътибор берилган бўлса, ноанъанавий ёндашувларда ақл эмас, балки инсоннинг маъжудлиги, иродаси, руҳияти, онгсизликнинг унинг моҳиятини билишда муҳим асос ҳисоб этилади. Бундай қарашларни таъсирчан олиган фал. йўналиш эса И. номинан равиоҷлантирилди. И. йўналиши, ўз навбатида, волюнтаризм (А. Шопенгауэр) ва экзистенциализм диалектикаси (С. Кьеркегор) ўз ифодасини топди. Европадаги И.нинг равиоҷи эса фал.даги

янги йўналишларнинг шаклланишига олиб келди. Улар жумласига фал. антропология (М. Шеллер, К. Юнг), феноменология (Э. Гуссерль), руҳий таҳлил (З. Фрейд, К. Юнг), структурализм ва постструктурализм (К. Леви Стросс, Ф. Лаунсбери, Ж. Мердок, М. Фуко, Л. Альтюссер, Ж. Деррида, У. Эко), экзистенциализм (М. Хайдеггер, А. Камю, Ж. Сартр, К. Ясперс, Г. Марсель, Н. Бердяев) каби оқимларни киритиш мумкин. И. ғоялари 20-а.нинг бошларидан мафкуравий қарашларга ҳам таъсир кўрсатиб, либерализм таълимотида ҳам маълум даражада намоён бўлган. Лекин И.нинг мафкуравий асослари бир томонлама ёндашув ва қарашлардан иборат бўлган ортодоксал ғоялар мажмуи сифатида неорационализм вакиллари томонидан кескин танқид қилинган. Чунки И. ж-ят тараққиётига оид дастурларнинг фан, техника, техн. б-н боғлиқ жиҳатларини танқид қилиши истиқболдаги стратегик мафкуравий ислохотларни белгилаб олишда турли муаммоларни юзага келтириши мумкин. Фан, техника, техн.нинг ўрнини тўғри баҳоламаслик, инсонларнинг ж-ятдан бегоналашуви, келажак тўғрисида қайғурмаслик, ақлнинг одамзод ҳаётидаги ўрнини камситиш, ҳиссиётга берилиш ва б. шулар жумласидандир. И. билишнинг ақл доирасидан ташқари босқичлари ҳам маъжудлигини тан олади ва шу босқичлар мазмунининг таҳлилига алоҳида эътибор беради. И. инсон руҳий ф-ятининг рационаллик доирасидан ташқарига чиқувчи хилма-хил жиҳатларини биринчи ўринга сурадиган турли хилдаги фал. тизим ва

йўналишларни бирлаштиради. Мас., прода (волонтаризм), интуиция (интуизм), онгсизлик (психоанализ)ни ва ҳ.к. Барча динларнинг мистик йўналишлари И. (норационал) табиатига эга. Ислом динида бу тасаввуф бўлса, Ҳиндистонда шаклланган динларда йога, Хитойда эса дзен-буддизмдир. Диний ақида ва унинг расмий жиҳатлари (шакллари) эса рационал табиатга эга. Шу маънода, И. ўз табиатига кўра жуда қадимийдир. Фақат 17–18-а.ларга келиб унинг рационалистик жиҳатлари етакчи ўринга чиқиб, 19-а. охирларига қадар ҳукмронлик қилиб келди. Ҳоз. давр фани рационалликка асосланган. Билишнинг рационалликдан (интеллектуалликдан) бошқа юқори шакллари мавжудлиги ҳақидаги фикр-мулоҳазалар энг қад. манбалардан бири бўлган хинд фал. меросида батафсил баён этилган. Унда энг олий ҳақиқатга ривожланган ақл ёрдамида ҳам эришиб бўлмаслиги, унга эришиш учун олий реалликка сингиб, у б-н уйғунлашиб кетиш кераклиги каби ғоялар илгари сурилган. Бундай сингиб кетиш натижасида инсон онги ёришади дейилади. Тасаввуфда буни «ишроқ», яъни Ҳаққа (Аллоҳ висолига) етишиш дейилади. 20-а.нинг йирик файласуфи Ҳиндистонлик олим А. Гхош, ақл инсон табиатини тубдан ўзгартира олмайди деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, ақл турли тизим ва таълимотларни яратишдан нарига ўта олмайди, чунки бу тизимларда ифода этилган ғояларнинг ўзи тўлиқ эмас, нисбий ҳақиқатдир. Ҳаёт эса ҳеч қандай формула ва тизим доирасига сиғмайди, у инсон интеллектининг продасига бўйсунмайдиган мураккаб ва

чексиз яширин имкониятларга тўлиқ. А. Гхош онг эволюциясининг ақлдан юқори ва ақлдан қуйи кўп поғоналари мавжудлигини ва ҳоз. давр Европа иррационалистик фал. оқимлари, хусусан, психоанализ онгнинг ақлдан бошқа шакллариини ўрганиш учун эндигина ил. кадамлар қўяётганини таъкидлайди.

ИРСИЯТ (араб. – ворисийлик, меросийлик, ирсийлик) – тирик организмларнинг ўз белгилари ва ривожланиш хусусиятларини авлодларига ўтказиши, яъни организмларнинг ўзига ўхшаш наслларни бунёд этиш хоссаси. И. туфайли авлодлараро моддий ва функционал изчиллик таъминланади. И. ҳар хил турга мансуб организмлар белги ва хусусиятларидаги тафовутларнинг авлодлар оша сақланиш қилишини ҳам таъминлайди. Хуллас И. организмдаги барча физиология ходисаларни белгилаб беради; ҳаётнинг турли-туман шаклларда бўлиши ва тирик табиат эволюциясининг олдинга қараб боришини ўзгарувчанлик б-н бириликда таъминлайди. И. деганда, одада, фарзандларнинг ўз ота-оналарига ва бир-бирига ўхшашлиги, шунингдек ота-онадаги белги ва хусусиятлар (мас одамнинг юз тузилиши, қулоқ шакли, кўранги)нинг келгуси наслга ўтиши тушунилади. И. аҳб. аждодлардан авлодларга ҳар бир тухум ҳужайра ядроси ва ҳар бир сперматозонд таркибидаги минглаб генлар орқали ўтади. И. қонуниятларини генетика фани ўрганади.

И. тўғрисидаги таълимотнинг пайдо бўлиши туғма белги ва муҳит аҳамияти тўғрисида бир-бирига зид назарияларни келтириб чиқарди. Хусусан, т-я масала

гап кетганда: «Жинойятчининг ўғли, баббати, жиноятчи бўлади», дейилди. Шунингдек, инсон туғилгунга қадар ҳама нарса генетик кодлар орқали – темперамент, характер, қобилият ва б. ш. орқали ўтган бўлади дейдиганлар ҳам айдо бўлди. Бугунги кунда И., ижт. ҳаёт, ва таълим-т-я шахснинг шаклланишига бирдек тенг таъсир кўрсатиши эътироф этилмоқда. Таълим-т-я жараёни тўғри ташкил этиш учун ирсий белгиларни педагоглар яхши билишлари ва шу асосда уларга индивидуал ёнатишлари мақсадга мувофиқ. Чунки қуйидагилар наслдан-наслга ўтади:

- анатомик-физиологик тузилиш ва тузилиши, органлари ҳолати, қадди-омади, асаб тузилиши хусусиятлари, тери, соч ҳамда қўлларнинг ранги);

- нутқ ва тафаккур қилишга оид қобилиятлар;

- ихтиёрий ҳаракатлар ва амаллар, вертикал ҳолда юришлар;

- меҳнат ва ижод қилиш қобилияти ҳамда бошқа истеъдод белгилари.

Кўпинча ота-оналар болага табиатга ўтган қобилиятни ҳисобга олмай, фарзандларини ўз хоҳишларига кўра касб танлашга мажбур қилади. Бу пед. ҳаётга назардан нотўғри бўлиб, болани бошқа соҳаларда ўз қобилиятини намоён қилиш имкониятидан маҳрум қилади. Бу ҳолат кўпинча ота-оналарнинг фарзандлари б-н ўзаро муносабатлари мураккаб-чиқинчишига олиб келади.

Шунингдек, таълим-т-я жараёнида И.нинг тиббий жиҳатларини ҳам эътиборга олиш зарур. Айрим ноинфекцион (аскумсиз) касалликлар, мас., ақли нора-

солик ҳам наслдан-наслга ўтиши мумкин. Авлоддан-авлодга ўтувчи айрим касалликларга мойиллик ҳам хавфли. Буларнинг ҳаммаси бола соғлиғига унинг илк гўдаклик чоғидан бошлаб ниҳоятда эътиборли бўлишни талаб қилади.

ИРФОН (араб. – билиш, англаш) – билиш, билиб олиш, таниш, қайтадан таниш, тушуниш ва билим. И. юзаки илмга қарши бўлиб, бир нарсани аниқ ва ҳар томонлама билиб олишни ифода этади. И. илоҳий илмлардан бири сифатида Ҳақнинг зоти, унинг исмлари ва сифатларини ишроқ (кўнгил ёруғлиги) орқали билиб олишга қаратилган илм ҳамдир. Айрим олимларнинг фикрига кўра, тасаввуф И.нинг бир бўлаги бўлиб, у шахснинг маънавий-ахлоқий т-ясида муҳим аҳамият касб этади.

ИСАЕВ Жаббор (1935, Сирдарё вил.) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2003). Сирдарё туманидаги 25-мактабнинг директори бўлиб ишлаган (1966 й.дан). Унинг мактаб ўқитувчиларининг малакасини ошириш, ободонлаштириш, ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, ўқувчилар билимини юқори даражага кўтариш борасидаги ишлари туман, вил. ва республика миқёсида кенг оммалаштирилган. И. «Эл-юрт хурмати» ордени б-н мукофотланган (1999).

ИСАҚУЛОВА Нилуфар Жаниқуловна (1979. 08. 04) – пед. фанлари д-ри (2012). Самарқанд дав. чет тиллар ин-тининг мактабгача таълим йўналишини (1995–99), ТДПУ бошланғич таълим ф-тининг магистратура босқичини (2000–02), Ўрта махсус, касб-хунара таълими тизими

кадрлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш ин-тининг пед. назарияси ва тарихи ихтисослиги аспирантурасини (2003–05), касб-хунар таълими назарияси ва мет.си ихтисослиги бўйича доктарантурани тамомлаган (2009–11).

И.нинг 95 номдаги илмий ишлари нашр этилган.

ИСБОТ (араб. – далил, хужжат б-н аниқлаш) – фикр, даъво, фараз ва шу кабиларнинг чинлигини тасдиқловчи факт, далил; бирор қоида ёки даъвонинг тўғрилигини бошқа маълум қоидалар асосида, мантикий мулоҳаза ва далиллар б-н тасдиқлаш усули, тизими; далил, асос, бирон-бир даъвонинг чинлиги ёки ёлғонлигини асослаб бериш.

И. таянадиган ҳукмлар И.нинг далиллари (асослари) деб аталади. Далиллар чин деб қабул қилинади, аммо уларнинг И.и ғояга таянмаслиги лозим, акс ҳолда, И.да мужмаллик деб аталадиган хато келиб чиқади. Ғоянинг чинлигини аниқлаб берадиган И. оддийгина И. деб аталади. Ғоянинг нотўғрилигини аниқлаб берадиган И. эса раддия деб аталади. И. бир қатор хулосалардан иборат бўлиши ҳам мумкин. Бу хулосаларнинг асослари далиллар ёки улардан келиб чиқадиган қоида ёки қўшимча фаразлар ёрдамида амалга ошириладиган И.дир. Бу – сўнгги И. куйидагича тузилади; фаразлар ёрдамида, айрим қоидалар И. этилади, сўнг бу қоидаларнинг И.и махсус қоидалар ёрдамида ўзгартирилиб (фаразларсиз), дастлабки И. шаклига солинади. И.да хатолар бўлиши мумкин, бу хатолар тезисни сохталаштиришдан, асоссиз, ёхуд хато далилларни қабул қилишдан,

И.нинг нотўғри усулидан келиб чиқади. Хатоси бўлган И. асоссиз ҳисобланади. Бирок И.нинг асоссизлиги ҳали ғоя ёлғонлигининг И.и эмас. Ғоянинг чинлигини ишончли далиллар б-н эмас, балки талқин ва эҳтимоллар б-н аниқлаб берадиган И.лар ҳам бўлиши мумкин. И. фаннинг тараққиёт даражасига ҳам боғлиқ. Маълумки, 19-а.нинг охирларигача атом борлиқнинг энг кичик бўлинмас заррачаси экани исбот қилиб келинган эди. Лекин илм-фаннинг кейинги тараққиёти бундай хулосани рад этди. Борлиқ каби атом ҳам чексиз майда заррачалардан иборат экани, атом ичидаги ҳар қандай майда заррача ҳам янада чексиз майда заррачаларга бўлиниши мумкинлиги И. қилинди. Шу боис И. қилишда ўрганилаётган масаланинг моҳиятига янада чуқурроқ кириб бориш талаб этилади.

ИСБОТ МЕТОДИ – мулоҳаза, ҳукм. назариянинг чинлигини пед. жихатдан аниқлаш мет.и. И. м.ни танлаш; зарур ва етарли далилларни саралаш, хулосаларни таърифлаш (қарши усул, классификация), сабаб-оқибат алоқаларини аниқлаш, исбот, фикр, алгоритм, чизма, модель ва б. натижаларни белгили расмийлаштиришни ўз ичига олади.

ИСЛОМ (араб. – бўйсунуш, итоат этиш, ўзини Аллоҳ иродасига топшириш) – дунёда энг кенг тарқалган динлардан бири. И. динига жаҳонда қарийб 1,5 миллиард киши эътиқод қилади. И. Қуръони карим ва Ҳадиси шарифда айтилишича, инсонларни тўғри йўлга солиш учун Аллоҳ томонидан юборилган охирги илоҳий диндир. Қуръони каримга кўра

таблар ва яҳудийларнинг бобокалони Иброҳим (а. с.) Аллоҳга биринчи бўлиб имон келтирган. Демак, И. батамом янги эътиқод эмас, балки Муҳаммад (с. а. в.) аврида қайта тикланган диндир. И. динининг келиб чиқиш, қайта тикланиш тарихи (генезиси)ни ўрганишда унинг тект., иқтисодий, диний ва маданий-маърифий ҳаётда муҳим ўрин эгаллаганлигини ҳисобга олиш керак.

И. дини 5 асос ёки устун (аркон аҳддин ал-исломий)га эга: 1) имон келтириш; 2) намоз ўқиш; 3) рўза тутиш; 4) закят бериш; 5) ҳаж килиш. Шулардан биринчиси имон ва қолганлари ибодат деб эътироф этилган.

И. инсонларни эзгу амалларга ундовчи таълимот ҳисобланади. И.нинг экидалари, эътиқод талаблари, ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрлари, чеклов ва тақиқлари Қуръон б-н бирга унинг тафсириларида, Ҳадис тўпламлари ва шариат қўлланимларида, шунингдек, 8–12-а.ларда вужудга келган илмий-бадий манбаларда ўз ифодасини топган.

И.нинг ривожланишига Мовароуннаҳрда етишиб чиккан алломалар катта ҳисса қўшди. Имом Бухорий китоб ҳолига келтирган ҳадислар тўплами – «Ал-Жомийъ э-саҳиҳ» И. динида Қуръони каримдан кейинги иккинчи манба ҳисобланади. Бухорий ва унинг сафдошлари И. ахлоқиятининг барча йўналишлари бўйича муҳим тадқиқотлар қилди. Жумладан, И. назариётчилигида юқори баҳоланадиган «Лал аш-шариат ва хатм ул-аслиёт» рисоласини таълиф этган Ҳақим Термизий, И. ҳуқуқшунослигини ўрганишнинг асосий қўлланимаси ҳисобланган «Ҳидоя»нинг

муаллифи Бурҳониддин Марғиноний, И. ақидаси асосларини муайян тартибга солган, калом илмида мактаб яратган Имом Мотуридий, буюк фақиҳ Абу Лайс Самарқандий, мусулмон дунёсининг энг эъзозли муҳаддисларидан Исо Термизий, қомусий илмлар соҳиби, хусусан, тафсири, ҳадис, шариат қонуншунослигида салмоқли асарлар битган Замахшарий, тасаввуфда ўзига ҳос из қолдирган Абдулхалиқ Гиждувоний, Аҳмад Ясавий, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Накшбанд, Хожа Аҳрор, Маҳдуми Аъзам, Сўфи Оллоёв ва б.ни мисол қилиб келтириш мумкин. Улар мусулмон эътиқодини халқ дунёқараши б-н уйғунлаштирганликлари туфайли Марказий Осиё ҳудудида маданий-маърифий ҳаётнинг таълим-т-я, ад., меъморлик, мусиқа каби соҳалари тараққий этди.

Мазкур алломаларнинг асарлари кўп асрлар давомида ўзбек халқи маънавияти ва маърифий дунёқарашини юксалтиришда муҳим пед. восита вазифасини ўтади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, И. дини халқ маънавияти ва маърифатини юксалтиришнинг муҳим воситаси эканлигига алоҳида эътибор қаратилди. Шу мақсадда, таълим мазмунига ҳадислар ва буюк аждодларимизнинг маънавий-ахлоқий қарашларини сингдириш, мусулмонларнинг диний ибодат ва маросимларни адо этишлари учун шароит яратиб берилди. Қуръони карим 2 марта ўзбек тилида чоп этилди (1992, 2001 й.лар), ҳадис тўпламларининг таржимаси, И. уламоларининг юзларча китоблари халққа етказилди. И. тарихи

манбалари ва маросимларини ҳар томонлама, илмий, холисона ўрганишга киришилди, мутахассис кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Шу мақсадда Тошкент шарқшунослик ин-тида «Исломунослик» каф.си очилди (1992), деярли барча вил.ларда диний ўқув юртлари ф-ят кўрсата бошлади, Тошкент ислом ун-ти ташкил қилинди (1999), унинг таркибида Исломунослик и. т. маркази ф-яти йўлга қўйилди. Муқаддас қадамжолар обод этилиб, уларнинг ёш авлоднинг маънавий-ахлоқий тарбиясидаги аҳамияти кенг тарғиб қилина бошлади.

«ИСЛОМ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ» – ислом муаммоларига доир универсал энциклопедия. Ислому дини, тарихига оид барча масалалар ва истилоҳларни ҳамда мусулмон мамлакатларига доир маълумотларни ўз ичига олган. 20-а. бошларидан нашр этила бошланган. Немис, голланд, француз, инглиз шарқшунослари унинг асосий ташаббускорлари бўлган. 1913–38 й.ларда «И. э.» бир вақтнинг ўзида немис, инглиз ва француз тилларида 4 ж.ли қилиб Лейденда нашр этилган. «И. э.» 1954 й. қайта чоп қилинган. 1933–65 й.ларда араб тилига таржима қилиб босилган. 1950 й.дан Истанбулда турк тилида қайта ишланган ва тўлдирилган ҳолда чоп этилган. Европа ва Американинг йирик исломунослари «И. э.»нинг янада мукамал янги наشري устида иш олиб боришмоқда. Ҳозирда турк тилида «Ислому фикҳи», «Ҳадис энциклопедияси» нашрдан чиққан.

Ўзбекистонда «И. э.» 2003 й.да «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти томонидан 5000

нусада З. Ҳусниддинов таҳрири остида чоп этилган.

«И. э.» исломни ва Шарқ тарихини ўрганувчи тадқиқотчилар, таълим-т-я соҳасида ф-ят олиб борадиган кўп сонли педагоглар учун муҳим манба ҳисобланади.

ИСЛОМИЙ ТАЪЛИМОТ – исломга оидга кўрсатмалар, йўл-йўриқлар, фармойишлар.

ИСЛОМИЙ ТАРБИЯ – ислому дини б-н кириб келган, Қуръони карим ва Ҳадиси шариф асосида ишлаб чиқилган диний, ҳуқуқий, фуқаролик ва ахлоқ-одоб қоидалари мажмуини ўқувчи ҳамда талаба-ёшларга сингдириш тизими. Исломуий ахлоқ-одоб меъёрларини таълим олувчиларга ўргатиш И. т.нинг асосини ташкил этади.

ИСЛОМОВА Насиба Турсунбаевна (1955. 16. 5, Чиноз тумани) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Гулистон ун-тини тугатган (1994). 1972 й.дан Янгийўл туманидаги 91-мактабнинг, Гулистон ш.даги 1-, 3-мактабларнинг бошланғич синф ўқитувчиси, илмий бўлим мудирини, 1997 й.дан 1-мактаб директори бўлиб ишлаган. У дарсларни ўзига хос равишда ташкил этиб, ноанъанавий усуллардан фойдаланган.

ИСЛОМХЎЖА (1872–1913. 9. 8, Хива) – Хива хонлигининг бош вазири. Хоразмда жадидчилик ҳаракати ўнг оқими раҳбарларидан бири. И. Муҳаммад Раҳимхон II ва Асфандиёрхон ҳукмронлиги даврида Хива хонлиги делегациясини таркибида Санкт-Петербург ва Москва ш.ларида бир неча марта бўлган (1907–12). Илғор Европа маданиятини тарғиб

Худойберган Девоновга Хоразмда кино ва фотосурат олиш ишини ўргатишда кўйишда хомийлик қилган. Унинг ташаббуси б-н Хива ва б. шаҳарларда Хоразмхўжа мадрасаси ва минораси, Нурали Аббой саройи, касалхона, электрофикация қурилган, жадид мактаблари, Хоразм рус мактаблари очилган (1908–12). Абдураҳмон Ахмедов хукмронлиги даврида Хоразм вазири бўлиб (1910–13), хонликнинг жанубий қисмини идора этган бўлиб, унда хорижий дав.лар б-н алоқаларни ўрнатган. Хонликни идора этишдаги қўйишлари учун вазири акбар унвони берилган. 1910 й. у хонликда ислохот ўргатиш тўғрисидаги фармонни ишлаб чиқишда фаол иштирок этган. Суғорма ташаббусчиликка асосланган Хоразмда хонларнинг аҳволини енгилатиш учун уларга солигини камайтиришга ҳаракат қилган. Ёш хиваликлар партиясининг раҳбарчилигида Полвонниёз Ҳожи Юсуповнинг ёзишича, И. тараққийпарварлик учун уларга унинг ўз куёви Асфандиёрхоннинг қўйишлари б-н ваҳшиёна ўлдирилган. **ИСНОД** (араб. – таянч, тиргак; далил; ҳужжат; нисбат бериш, тааллуқли қилиш) – ҳужжатга ёки таънага қолдирадиган, ноҳақликни доғ туширадиган иш; шундай ишнинг қўйиш бўладиган (келадиган) уятли ҳолат; ҳужжатда ҳар бир ҳадиснинг таркибий қисми. И. – айтилган сўзни айтиувчиликнинг боғлаш. Муҳаддис олимлар саноати б-н И.ни бир маънода қўллашади. Ҳадиснинг бошланишида уни биринчи бўлиб айтган ва эшитган кишидан ташаббусчилик, ҳадисларни тўпловчига қадар қўйишча шахсларнинг исмлари бирма-бир қўйишга қўйишга чикилади ва бу ҳадиснинг

асоси, датили ҳисобланади. Ҳадиснинг ҳақиқий ёки сохта эканини уламолар шу исмларни таккослаш йўли б-н текширган. Ҳадисни нақл қилувчи кишиларнинг яшаган йиллари ва ижобий сифатлари шартга тўғри келса, И. тўғри, демак, ҳадис ҳам тўғри деб ҳисобланган. **ИСМАИЛОВА** Мубарро Собировна (1953. 10. 10, Ургут тумани) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Самарқанд ун-тини тугатган (1976). Ургут туманидаги 1-мактабда (1976–84), 121-мактабда она тили ва ад. фани ўқитувчиси бўлиб ишлаган (1984 й.дан). И. дарс жараёнида таълимнинг илғор ва ноанъанавий усулларида фойдаланган. **ИСМАТОВА** Мавлуда (1943. 7. 5, Тошкент вил.) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995), Ўзбекистон Қаҳрамони (1999). Тошкент пед. ин-тининг филология ф-тини тугатган (1968). Тошкент вил.даги 26-мактабда (1961–87), Тошкент ш. Юнусобод туманидаги 273-мактабда бошланғич синф ўқитувчиси (1987 й.дан), мактаб директори ўринбосари, директор бўлиб ишлаган (1983 й.дан). И. раҳбарлик қилган мактаб 1995 й. республикада «Йилнинг энг яхши мактаби» деб эълон қилинган. Мактаб жамоасининг янгилик сари интилиши, ташаббускорлик ф-яти, илғор тажрибалари бевосита И. раҳбарлигида амалга оширилган ва у республика миқёсида кенг оммалаштирилган. **ИСМЕТОВ** Жоллибой (1944. 30. 11, Қорақалпоғистон Республикаси Шуманай тумани) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2000). Нукус пед. ин-тини тугатган (1971). Шуманай тумани-

даги 2-мактабда қорақалпоқ тили ва ад. фани ўқитувчиси бўлиб ишлаган (1970 й.дан). И. дарсларни замонавий усулда ташкил этган, ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш қобилиятини ўстиришга алоҳида аҳамият берган. Мактабдаги «Ёш каламкаш» клубига раҳбарлик қилган.

ИСМОИЛОВ Содикжон (1942. 29. 4, Қўрғонтепа тумани) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1999). Андижон пед. ин-тининг физика ф-тини тугатган (1964). Қўрғонтепа туманидаги 15-мактабда (1964–67), 3-мактабда физика ўқитувчиси бўлиб ишлаган (1967 й.дан). И. ўзи ишлаган мактабларда физика фанидан лаб. машғулотлари ўтказиш учун тўла шарт-шароит яратган. 7-синфда лаб. машғулотлари ўтиш учун ўқувчилар кучи б-н энг оддий жиҳозлар ясашга эришган.

ИСОМИДДИНОВА Дилбархон Самижоновна (1951. 2. 11, Чуст тумани) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Наманган пед. ин-тининг бошланғич таълим ф-тини тугатган (1975). Чуст туманидаги 7-мактабда бошланғич синф ўқитувчиси (1970 й.дан), илмий бўлим мудири, директор лавозимларида ишлаган (1995 й.дан). У раҳбарлик қилган даврда мактаб моддий-техника базаси яхшиланган, 180 ўринли 4 та синф хонаси қурилган, мониторинг ва маънавият хонаси ташкил этилган.

ИСОМОВА Евгения Ивановна (1948. 28. 1, Мордовия Республикаси Игнатово ш.) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Қозон пед. ин-тини тугатган (1970). Татаристон Республикаси мактабларида ишлаган (1970–80). Тошкент ш.даги 1-пед. билим юртида

директор ўринбосари (1980–87), Чилзор туманидаги 103-мактаб директори лавозимларида ф-ят юритган (1987 й.дан). И. мактабда таълим-т-я ишларини юксак даражага кўтарган. Унинг ўқувчилари турли йилларда Республика олимпиадаларида информатика, рус тили ва ад.и, ўзбек тили ва ад.и фани бўйича 1-ўринни эгаллаган.

ИСОҚЖОНОВ Муҳаммаджон Салимович (1942. 15. 3, Янгикўрғон шаҳарчаси) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1994). Тошкент пед. ин-тини тугатган (1964). Янгикўрғон шаҳарчасидаги 10-мактабда кимё-биол. фани ўқитувчиси (1964–94), Янгикўрғон туманидаги лицейда кимё фани ўқитувчиси бўлиб ишлаган (1994 й.дан). У ф-яти давомида кимё хонасини намунали жиҳозлаган, бир қанча кўرғазм ўқув қуроллари тайёрлаган. Унинг «Мактабларнинг электрокимёвий қаторида уни ишлатиш жадвали» мамлакат миқёсидаги барча мактабларда кўрғазм ўқув қуроли сифатида фойдаланилган келинмоқда.

ИСОҚОВА Шарофат Жабборовна (1941. 1. 5, Гулистон тумани) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Андижон пед. ин-тини тугатган (1970). Гулистон туманидаги 5-, 1-мактабларда (1971–80), 14-мактабда кимё-биол. ўқитувчиси бўлиб ишлаган (1980 й.дан). У пед. ф-яти даврида бир қанча гербарий ва альбомлар тайёрлаган, замон талабига мос кимё хонасини ташкил этган. Дарсларни янги пед. техн. асосида кўрғазм ўқув қуроллари, техник воситалар ёрдамида ташкил этган.

ИСПАН ТИЛИ ДАВЛАТ ТАЪЛИМ СТАНДАРТИ – испан тили бўйича таълим мазмуни ва ушбу ўқув предмети юзасидан таълим олувчилар эгаллашган билим, кўникма, малакаларга йўналтирилган талабларнинг дав. томонидан белгиланган эталони, модели.

ИСПАН ТИЛИ ХОНАСИ – испан тилини ўқитишда дарс ва дарсдан ташқари ўқув-ўқулотларни самарали ташкил этиш ва таълим махсус жиҳозланган ўқув хонаси.

ИСПАН ТИЛИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ – 1) испан тили таълими назарияси ҳамда мет.си бўйича талабаларга йўналтирилган билим, кўникма, малакалар ҳосил қилишга йўналтирилган ўқув фани; 2) ҳуқуқий пед.нинг алоҳида соҳаси.

ИСТАК – инсон ф-ятида муҳим аҳамият касб этувчи рухий ҳолат, шахсда бирор-бир бўюм, ҳодиса ва инсон ф-яти б-н боғлиқ жиҳатларни ўрганишга нисбатан рағбатнинг мавжудлиги, шахснинг йўналишини белгилашга таъсир қилган эмоционал ҳолат. И. инсоннинг бирор-бир йўналишдаги ф-ятини белгилаштирувчи қўшимча омил сифатида намоён бўлади. Шу боис таълимда инсоннинг ўқув фанлари асосларини белгилаштиришга бўлган истагини рўёбга келтириш ва уни ўз вақтида қондириш зарурати жараён самарадорлигини таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланади. И. таълимчиларда айрим ўқув фанларини белгилаштиришга нисбатан И. юқори, аксинча, таълимчиларига нисбатан паст бўлиши мумкин. Шу боис И.нинг мазмунини таҳлил қилишда коррекциялаш, таълим-тарбия қилишда уни шахс истеъдодини тўлақонли раёбга чиқаришга йўналтириш ло-

зим. И. сифат даражасига кўра ҳавасдан юқори, қизиқишдан паст кўрсаткич ҳисобланади. И.нинг самараси унинг кучи (унчалик ҳам англамаган И., кучли И. ва ҳ.к.)га боғлиқ. Бироқ И.нинг кучлилиги муайян ф-ятнинг асоссиз, кўр-кўрона ф-ят тарзида кечмаслиги, биринчи навбатда, инсоннинг табиий майллари, мақсадлари, дунёқараши, хатти-ҳаракатининг мазмун-моҳиятига монанд бўлмоғи лозим. Шунинг учун И.нинг тўғри йўналтирилишида унинг мазмуни мантикий асосга эгаллиги муҳим ўрин тутди. И.ни бошқаришнинг муҳим шартлари инсоннинг қизиқишлари, унинг табиий мойиллиги ва эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилганлиги б-н белгиланади. Шу боис таълим-т-яда И.нинг муайян қизиқишга айланишини таъминлашга йўналтирилган пед. жараёнга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

ИСТЕЪДОД, т а л а н т (араб. – тайёргарлик, тайёрлик; мойиллик; қобилият) – ниҳоятда зўр қобилият, бирор соҳада юксак даражадаги лаёқат.

У идрок, тасаввур, тафаккур, хотира, кузатувчанлик бениҳоя ўсганлигида, воқеа-ҳодисаларнинг янги қирраларини, уларнинг замиридаги мураккаб алоқадорликни кашф этишда кўринади. Кишининг билимларни ўзлаштириши, назарий ва амалий масалаларни ҳал этиши, ижоди, ўз билими ва малакаларини амалиётга татбиқ қила билишидан унинг И.ини билиш мумкин. И. ҳақида турли назариялар мавжуд. Уларга кўра, И. Аллоҳ томонидан берилади; ирсият орқали ўтади; т-я орқали пайдо қилинади; инсондаги табиий, туғма анатомик физиологик

лаёқат муайян ф-ятда шаклланади ва ривожланади.

И. инсонни муайян бир ф-ятни намоеън этади. Билим, кўникма, малака, тажрибалар И. ривожда катта роль ўйнайди. Қобилият ёки лаёқат ўсишига ижт. шароит яратилганда, уни тарбиялаб камолга етказилгандагина И. юзага чиқади. И.га шахснинг меҳнатсеварлиги ҳам кўшилган тақдирда янгилик ва кашфиёт пайдо бўлади. Даҳолик И.нинг юксак намунаси ҳисобланади. Бундай И. эгаси батамом ўзгача янгилик ижод этиб, ўз соҳасида оригинал йўналиш яратади.

И., одатда, барча қобилиятларнинг эмас, бир ёки бир неча қобилиятнинг юқори даражада ривожланганини англатади. И.нинг борлиги ёки йўқлиги тўғрисида инсон ф-ятининг натижаларига қараб хулоса чиқарилади. И.ли кишиларнинг ф-яти ўзининг мутлақо янгича ёндашуви, оригиналлиги ва самарадорлиги б-н ажралиб туради.

ИСТЕЪДОДЛИ – истеъдодга эга бўлган; қобилиятли, лаёқатли шахс.

ИСТИҚЛОЛ (араб. – кўтариш, қаддини ростлаш, ўсиш, юқори жойга эришиш, озодлик, мустақиллик, эркин бўлиш) – инсон, миллат, дав.нинг бошқаларга тобе бўлмай, эркин яшаши, ривожлана олиши имкониятини ифодаловчи тушунча.

«И.» сўзи «бошқаларга тобе бўлмай, ўз эрки б-н яшаш, ўзини ўзи идора қилиш, эркинлик» маъносини, «Мустақиллик» эса «ихтиёри ўзида бўлган, тобе эмас, қарам эмас, ўзганинг ёрдами ва раҳнамолигисиз ўз муаммоларини ҳал қила оладиган» деган маъноларни билдиради.

«И.» сўзи «мустақиллик» сўзининг ўзаги ҳисобланади ва унга нисбатан билламчи асос вазифасини ўтайди. Араб тилидан кириб келган бу сўзлар асрлар давомида қўлланиб, ўзбек халқи тафаккурига сингиб кетган. Мустақиллик эришиш истиқлолнинг тўла маънода воқеликка айлангани, яъни бошқаларга тобе бўлмай, ўз эрки б-н яшаш, ўзини ўзи бошқариш ва ўз тақдирини ўзи белгилаш каби тамойилларнинг тўла амалга ошганини билдиради. И., асосан, сўзсиз сий жиҳатдан эркин бўлишни англатади, мустақиллик – барча соҳаларда тўла озодликка эришилгани, ихтиёри ўзини эканини ифодалайди.

Ўзбекистон 1991 й. 31 авг.да мустақиллигини эълон қилди ва ривожланишнинг ўзига хос йўлидан борлиги ҳуқуқий демократик дав. барпо этмоқда. Шу даврдан бошлаб Ўзбекистон пед. фани ва тизими мустақил ривожланиш йўлига ўтди. 1997 й.да қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва КТМ асосидаги узлуксиз таълим тизими асос солинди. Узлуксиз таълим тизими олдида дав. томонидан ижт. буюртма сифатида баркамол шахсни шакллантириш вазифаси қўйилди. Худди шу даврдан бошлаб пед. фани узлуксиз таълим тизимини назарий жиҳатдан таъминлаш йўлига ўтди.

ИТОАТҚОРЛИК (араб. – бўйсунуш) – бировга бўйсунувчи, итоат қилувчи, ифтихорли маъноларини англатувчи тушунча. Итоатгўй киши бир тарафдан иродаи султ, ҳар қандай шароитда ҳам сўзсиз бўйсунувчи, тобе одамни билдиради. Маънода изоҳланса, бошқа тарафдан

ониятлари ўта чекланган бўлганидан болакалар раҳбарлигидагина бирор ишни амалга оширишга қодир, тўғри, софдил шахсни назарда тутати. Бу маъноларга нисбатан беришда инсоннинг туғма табиати ва қисмати, ёшлиқда олган т-яси ҳисобга олиниши керак. Бундай одамларда шижоат, журъат ва қўлишлари суёт бўлади, улар хато қилиб қилишдан кўрқадилар, масъулиятли ишларни бажариш ҳам улар учун қийин келиши мумкин. Улар ижрочиликни яхши кўради, аммо боис улар учун буйрукни бажариш қийин келиши мумкин. Бундан кўра афзал ва осонроқ. Ҳар қандай ж-ятда И.нинг қонуний меъ-яри мавжуд. Ҳар қандай муассаса, ширкат, корхона, ж-ят ва жамоаларда қонуний қонунчилик ёки ички низом ҳисобида белгиланган И. мезонлари бор. Бу мезон. низом, тузукларда ёзилган ёки қонун бўйича шаклланган бўлиб, бундай мезонларга риоя қилиниши шарт. Лекин бу бошлиқ қонунга хилоф тарзда талаб қилинган бўлса, унга И. қилиш нотўғри бўлади. Баъзида бундай И. жинойий ишларга ҳам олиб келиши мумкин. Қонун бўйича И. қилиш умумий И.ни таъ-минлашда муҳим бўлиб, ишни тўғри бажариш ва белгиланган мақсадга эри-шишга зарур омил.

Оиладаги муносабатларда И. ва ито-натдорлик фарзандлар т-ясига ижобий ёки манфий таъсир этиши мумкин. Умуман, қўрқакчаб ва нозик масала бўлиб, уни ҳал қилиш, изоҳлаш ҳамда моҳиятини аниқлаштириб беришда ҳар бир ҳодиса ва ҳолатнинг хусусиятидан келиб чиқиши керак.

И. болаларда ахлокий тушунчалар-нинг шаклланиши ҳамда шахснинг

ахлокий т-яси б-н узвий боғлиқ. И. бо-ланинг гўдақлик даврида юзага келса-да, мактабгача бўлган ёшида фаоллашади. Аммо бу кичкинтой катталарнинг ҳар бир талабига бўйсунуши зарур дегани эмас. Ота-оналар ва ўқитувчиларни бо-лаларнинг фақат фаол И.и қониктириши мумкин; бундай И. асосида талабларни қонгли равишда бажариш, ахлокий майл ётади.

И.ни тарбиялаш болалар томонидан «мумкин» ва «мумкин эмас» каби од-дий тушунчаларни аниқлашдан бошлана-ди. Ана шу тушунчалар ёрдамида ота-оналар ҳамда педагоглар болаларнинг хатти-ҳаракатини йўлга солиб туради ҳамда теварак-атрофдагилар б-н мулоқот қилиш тажрибасини эгаллашларига ёр-дам берадилар. Бола 9–10 ойлигидан «мумкин эмас» сўзини тушуна бошлай-ди. Шу вақтдан бошлаб бу сўзни, жуда ҳам суиистеъмом қилмасдан, таълим-т-я амалиётига киритиш лозим.

Ота-оналар, энг аввало, ўзлари учун «мумкин–мумкин эмас» тушунчасини аниқ белгилаб олишлари ва бола б-н мулоқотда унга қатъий риоя қилишлари лозим. Тақиб ҳеч қачон ота-оналар қай-фиятига боғлиқ бўлиши керак эмас.

Ота-оналар қатъий равишда қуйи-даги қоидага амал қилишлари зарур: болаларнинг фақат номаълум «бер», «хоҳлайман» сўзларига рад этиш, тақиб б-н жавоб бериш мумкин. Бар-ча оқилона ва мақсадга мувофиқ иш-ларга руҳсат бериш керак, боланинг мустақил ф-ятига имконият яратиш за-рур. Доимий тақиблар болаларни гап-га кирмайдиган қилиб қўяди, уларда

хамма нарсанинг тескарисини қилиш хоҳиши пайдо бўлади. Агар болага тез-тез танбеҳ бериб турилса, бундай т-я натижаси, одатда, салбий оқибатларга олиб келади.

Болаларда *И.ни тарбиялашга пед. жиҳатдан нотўғри ёндашиш* уларда ёмон хулқнинг ривожланишига олиб келади: айримларида инжиклик, жиззакилик, йиғлокилик ёки, аксинча, уятчанлик, кўркоқлик, қатъиятсизлик пайдо бўлади. *И. бола шахсини тўғри шакллантириш* учун зарур. Аммо улар улғайгач, бола ўз итоаткорлигини катталарнинг оқилона талабларига онгли равишда бўйсунушига ўтказиш керак.

ИФОДАЛИ ЎҚИШ – муайян бадиий асар ёки ундан олинган парчани муаллиф ҳиссиётини ифодаладиган даражада ўқий олиш маҳорати. *И. ў. атамаси ўқувчи ёки талабаларни дарс ва дарсдан ташқари ўтказиладиган адабий-бадиий машғулотларда тўғри ва таъсирли ўқишга одатлантиришга қаратилган ф-ятни англатади.*

И. ў. онгли мутолаанинг табиий маҳсули, холис кўрсаткичи саналиб, муайян асарни ҳам фикрлаб, ҳам ҳиссий ўзлаштиришни таъминлайди, асарнинг тарбиявий таъсирини кучайтиради. Ўқувчиларнинг нутқ маданияти шаклланишига ижобий таъсир кўрсатади. Ёшларни тилнинг частотаси ва тўғрилигига эътибор қаратишга одатлантириб, уларда бадиий сўз сезгирлигини шакллантиради. Нутқ жозибадорлигига эришишга ёрдам беради.

И. ў. бадиий асарда ифодаланган руҳий ҳолатларни аниқ тасаввур қила

олиш, улардан чинакамига таъсирлашиш, бефарқлик ҳолатидан чиқиш, ўқувчунинг тингловчиларга ўтказиладиган тарзда ўқиш маҳоратини эгаллашни кўзда тутади. Бундан ташқари, ўқувчи асарнинг ҳақиқий ифодавийлигини сақлаб қолиш, етарли баландликдаги овоз, айрим товушларнинг аниқ-тиниқ талаффуз этилиши ҳам талаб қилинади.

Мактабда *И. ў. болаларнинг ёш хусусиятлари, имкониятлари даражасидан амалга оширилади. Ўқувчиларга ифодали ўқишни ўргатишда тушунтириш суҳбат, машқ, айтиб кўрсатиш каби усуллардан фойдаланилади. Болаларнинг ўқитувчи И. ў. усулига тақлиди қилиб, ундан нусха кўчиришларига йўналтирилади. Бу жараёнга ота-оналар ҳам кўмаклашишлари, ўз навбатида, улар ҳам маълум даражада И. ў. кўникмаларига эга бўлишлари керак. И. ў.ни урғуларга тўғри амал қилиб, тиниқ белгиларини назардан қочирмаган ҳолда жарангдор овоз б-н ўқиш тарзидаги тушуниш хато. И. ў., биринчи навбатда муаллиф ҳолатини ифодалаб бериш дамакдир. Асарларни баланд овозда ўқиб уларнинг бадиий тароватини йўқотиш чикариши мумкин. Шу боис И. ў. самимий ўқиш, табиий овоз б-н муаллиф ёни адабий тимсол ҳолатини ифодалай билишидир.*

ИФОДАЛИ ҲАРАКАТЛАР – турли психик (айниқса, ҳиссиётли) ҳолатлар юзага келиб, шу ҳолатларнинг ташқи аломати ва ифодаси бўлган ҳаракат. Мимика, пантомимика яққол намоянча ён бўлади. Кенг маънода ҳиссиёт кечинмаларни ифодаловчи товуш

қадимларини, шунингдек, бу кечинма-
 б-н айна вақтда қон томирлари, на-
 азольлар, секреция безларида содир
 бўладиган ўзгаришларни ҳам ўз ичига
 олади. И. қ. ҳиссиётли кечинмаларни му-
 ҳассал ва таъсирли ифодалашда, турли
 ҳолатлар тафсилотини бошқа кишиларга
 таълиқда муҳим роль ўйнайди. Ундан
 кўра, сўз усталари, педагоглар кенг
 фойдаланади.

ИФТИХОР (араб. – фахрланиш, мақта-
 ниш) – улуғ бир нарсага дахлдорлик-
 ни фахрланиш, қувониш, ғурурланиш
 туйғуси. Миллий И. ўз миллати, унинг
 тарихи, миллий қадрият ва анъанала-
 ри б-н фахрланиб яшаш туйғусидир. И.
 абаб тарихий бирлик, қон-қардошлик,
 миллат маданият, маънавият, иқтисодий
 ҳаёт, тақдир ва келажақнинг муштарақ-
 ланиши миллат вакилларининг қалбидан
 кўра ўрин олади. Миллий бирдам-
 лик туйғуси миллий онгининг негизи-
 дир. Мустақил тараққиёт йўлидаги
 муваққатларимиз кўпайгани сари юртдош-
 ларимизда Ватанимиз б-н фахрланиш
 ҳисси – миллий И. туйғуси ҳам кучайиб
 бораверади. Ўқувчиларда И. туйғуси
 шаклланиши учун барча педагоглар
 ҳаётсўлдир.

Миллий И. туйғуси – ўз миллий
 ҳуқуқидан фахрланиш, ўз миллати-
 нинг бой тарихи, маданият ва маънавий
 қасосидан, унинг жаҳон цивилизация-
 га қўшган ҳиссасидан ғурурланиш
 ҳиссияти. И. туйғуси – ўзликни ан-
 г-ни ва ўзгаларни тушунишга даъват
 қувватли куч. Миллий ифтихор
 туйғусининг яна бир жиҳати шундаки,
 шахсининг ўзи яшаб турган заминга,

фуқаролиги дахлдор бўлган мамлакатга
 муносабат белгиси ҳамдир.

Шунинг учун таълим муассасалари-
 да ўқувчи ҳамда талабаларда миллий И.
 туйғусини шакллантириш биринчи да-
 ражали аҳамиятга эга бўлган вазифалар-
 дандир. Миллий И. фуқаролик позиция-
 сининг асосини ташкил этади.

ИФФАТ (араб. – соф, покиза, беғубор,
 яхши ҳислат; тийилиш) – халқимизга
 хос азалий фазилат бўлиб, маънавий
 поклик, ор-номус ва ҳаё каби маъно-
 ларни англатади. И. кўпроқ аёлларга
 хос фазилат бўлиб, боқиралик, шар-
 му ҳаё тимсолидир. И. соҳибаси би-
 ровнинг кўзига тик қарашга ҳеч қачон
 ботинмайди. И. туғма фазилат бўлиб,
 таълим-т-я, соғлом муҳит таъсирида ри-
 вожланиши мумкин. И.ли аёлнинг юзи-
 дан имон, инсоф, диёнат, оққўнгиллик,
 номус, ҳаё ва беғуборлик нури ёғилиб
 туради. И. сўзининг луғавий маънола-
 ридан бири тийилишдир. Яъни И.ли
 инсон ўзини барча нопок, одоб до-
 ирасидан ташқарида бўлган хатти-
 ҳаракатлардан тийишга қодир бўлади.
 Бундай одам ўта андишали бўлиб, у
 ҳамма вақт беҳуда баҳсларга кириша-
 вермайди. Улар бошқаларга чиройли
 ва гўзал муносабатда бўлади. Биров-
 нинг нафсониятига тегишдан ўзларини
 сақлайди, ҳаммага бир хилда ҳурмат
 ва эҳтиром кўрсатади. Бундай хулқ
 соҳибаси бўлган аёлларнинг малоҳати
 ва латофати, ибоси ва ҳаёси уларга
 ўзгача гўзаллик бахш этади. И.ли, но-
 мусли одам б-н мулоқот қилиш кишига
 ҳузур бағишлайди. Сухбатдошни му-
 лойим сўзлашишга ундайди. Агар И.ли,

хаёли инсон оқил, олиму ориф бўлса, унинг ички маданияти ҳам шунга қараб ошаверади. Унинг ж-ятда тутган ўрни юксак ва қадрли бўлади.

ИХЛОС (араб. – самимийлик, кўнгли очиклик; бирор нарсага эътиқодли, эътиборли бўлиш) – чин юракдан, ишонч б-н берилиш; астойдил муҳаббат, меҳр кўймоқ. И. соҳага, инсонларга, санъат аҳлига, китобга ва б.га нисбатан бўлиши мумкин. Таълим-т-я жараёнида шахснинг И.и аҳамиятли бўлиб, у таълим олувчининг ўзига ҳослигини ифода қилади. Ўқувчиларнинг И., эътиқодини аниқлаган ҳолда педагоглар уларга индивидуал ёндашиши лозим.

ИХТИЛОФ (араб. – ҳар хиллик, тафовут; ўзгарувчанлик; қарама-қаршилик, келишмовчилик) – қарама-қарши ҳолат; келишмовчилик, зиддият, низо. Шахслараро И.лар шахсларнинг бир-бирини англамаслиги, манфаатларининг турлилиги, тушунчаларнинг номутаносиблиги, бир-бирини ёқтирмаслиги, қизиқишлари, қарашлари ва интилишларининг ўзаро мос келмаслиги натижасида намоён бўлади. Ҳар қандай И. маълум вақт мобайнида содир бўлади, этилади ва бартараф этилади.

ИХТИЛОФЛАРНИ БОШҚАРИШ – ихтилофни вужудга келтириши мумкин бўлган сабабларни олдиндан аниқлаш ва уларга барҳам бериш йўналишида аниқ мақсадли таъсир кўрсатиш ёки ихтилоф қатнашчилари ҳулқ-атворини ўзгартиришга қаратилган ҳаракатлар. Мазкур жараёнда ихтилофни келтириб чиқарган сабабларни тўлиқ ёки қисман бартараф этиш, ёхуд ихтилоф

қатнашчилари мақсадларининг ўзгариши ихтилофларнинг ҳал этилишини ифода қилади.

ИХТИЛОФЛИ ВАЗИЯТ – томонларнинг бирон-бир йўналишдаги қарама-қарши, зиддиятли нуқтаи назари; ўзаро умумий манфаатларга мос келмайдиган мақсадларга интилиш, уларга эришиш учун турли-туман воситалардан фойдаланиш ёки ф-ятни амалга оширишни режалаштириш жараёни.

ИХТИРО (араб. – янгилик; янгилик яратиш, ўйлаб чиқариш) – халқ хўжалигининг турли соҳаларида, ижт. маданий, қурилиш ва муҳофаа соҳаларида ижобий самара берадиган, ўзига хос техникавий ёки технологик ечимга эга бўлган янгилик. Тор маънода – давтомонидан тан олинадиган ва тегишли қонун б-н муҳофаза қилинадиган янги техникавий ечим. Ҳар қандай янгилик И. бўлавермайди. Мас., қуруқ илмий қоидалар, таклифлар И. ҳисобланмайди.

Ҳал қилинадиган масала фақат назарий эмас, балки амалий эҳтиёжларни қондирадиган бўлиши лозим. И. қону б-н муҳофазаланадиган давларда ҳар бир таклифнинг И. бўлиш шартли белгиланади.

Ўзбекистон Республикасида ихтирочи бўла олиш шароитлари ва уни таснифлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан 1994 й.да тасдиқланган «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари ҳақида»ги Қонунда белгиланган. И. бўйича талабномаларни экспертиза қилиш, муатлифлик гувоҳномаси ва патент бериш ишлари Ўзбекистон Республикаси Дав-

патент идоралари томонидан амалга оширилади.

ИХТИРОЧИЛИК – шахснинг ихтиро қилиш, янгилик очиш, кашф этиш ф-яти.

ИХТИСОСЛИК (араб. ихтисос – иш-ишга доираси; чуқур билимлардан хабардорлик; ўзига хос хусусият) – бирор-бир касб доирасида маълум бир ф-ят тури учун махсус тайёргарлик ва иш тажриба-лари б-н эришилган зарурий билимлар, қўникма ва малакалар мажмуаси.

Белгиланган таълим стандартлари асосида ўқув муассасасини тамомлаганда бериладиган мутахассислик дипломи. Одатда, КХК ёки ОЎЮни берилган мутахассиснинг И.и унга берилган дипломда қайд этилади. Фан тармоқлари бўйича И. унинг соҳаларга классификацияланишини англатади. Дипломда мое шифрлар б-н фарқланади. Пед. фанида «Педагогик назарияси ва методикаси». Таълимда менежмент» (13. 00. 01), «Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси» (соҳалар бўйича) (13. 00. 02), «Махсус педагогика» (13. 00. 03), «Жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари назарияси ва методикаси» (13. 00. 04), «Касб-ҳунар таълими назарияси ва методикаси» (13. 00. 05), «Электрон таълим назарияси ва методикаси (таълим соҳалари ва босқичлари бўйича)» (13. 00. 06) каби И.лар мавжуд. Айрим ҳолларда И. номларига ўзгартириш киритиш амалиёти қўлланилади.

ИХТИСОСЛАШГАН ТАЪЛИМ – таълимнинг муайян фан асослари ёки ўқув предметидан чуқурлаштирилган билим беришга йўналтирилган ўқув-т-я жараёни.

И. т. фақатгина ихтисосли табақалаштириш ёки ихтисослашган ҳамда даражали табақалаштиришнинг негизида ташкил этилиши мумкин. Бундай таълим жараёни юқори синфларда амалга оширилиши керак. Ташкилий нуқтаи назардан эса ташки табақалаштиришга асосланиши лозим.

И. т.ни ташкил этиш тамойиллари индивидуал ўқув режасини танлаш асосида белгиланади. Таълим жараёнини индивидуал ўқув режа асосида ташкил этиш у. ў. т. муассасаси ўқув режасини тузиш тамойилларининг ўзгаришига ҳам асос бўлади. Бу, ўз навбатида, машғулотлар жадвалини тузишга ҳам таъсир кўрсатади. Бунинг учун, аввало, ўқув предметлари ва курсларининг умумий йиғиндисини аниқлаш лозим. Шундан кейингина ҳар бир ўқувчи учун индивидуал ўқув режаси шакллантирилади. Фанлар чуқурлаштирилиб ўқитиладиган таълим муассасаси учун ўқув режаси ва машғулотлар жадвали аниқланади.

Бугунги кунга келиб дунёнинг барча ривожланган мамлакатларида иқтидорли ўқувчилар учун ихтисослашган мактаблар мавжуд. Бундай мактаблар АҚШ, Япония, Германия ва Англияда кўплаб ташкил этилган. Мазкур таълим муассасалари турли-туман номлар б-н аталишига қарамасдан, улар ягона вазифани – иқтидорли болаларни ўқитиш вазифасини бажаришга мўлжалланган.

ИЧКИ МОТИВАЦИЯ – ўқув жараёнида таълим оловчилар учун асосий ҳаракатлантирувчи кучга, эҳтиёжга айланиш истагининг шаклланиши.

ИШЧАН ҲИЙНЛАР – ўқувчини ҲИЙН асосида фаоллаштириш ва билимларни чуқур ўзлаштиришга йўналтирилган таълим мет.и.

И. ў. тушунчаси остида касбий ф-ятнинг ижт. асослари намоён бўлади. Бундай ҲИЙНлар ёрдамида ўқувчиларда ижобий муносабат тажрибасини моделлаштириш кўникмаси таркиб топади. Бу эса ўқувчиларда шаклланадиган ижт. тажрибанинг асосини ташкил этади. И. ў. ҲИЙНга асосланган имитацион модел бўлиб, ўқувчиларни ижт. ҳамкорликка тайёрлашда алоҳида қимматга эга. Улар ёрдамида муайян ижт. ф-ятнинг шарт-шароитлари, мазмуни, муносабатлар тизими, динамикаси намоён бўлади. И. ў. фаол ўқитиш мет.и сифатида вужудга келади. И. ў. қабул қилинган қарорларни имитациялаш воситаси сифатида намоён бўлади. Турли нуқтаи назардан ёндашган ҳолда ташкил этилган ф-ят режасини ўзида мужассамлаштиради. И. ў. жамоавий ўқитиш мет.ининг бир кўринишидир. Бунда ҲИЙН иштирокчилари муайян ролларни бажариш орқали ишчан қарорлар қабул қилиш ва зиддиятларни бартараф этиш тажрибасини ўзлаштиради. И. ў. чоғида махсус воситалар ёрдамида ўқув жараёнини фаоллаштириш ва индивидуаллаштириш учун хизмат қиладиган дидактик вазиятлар вужудга келтирилади.

И. ў. жараёнида ўқувчилар фаоллашиш б-н бир қаторда, улар орасида дўстона муҳит ва ижт. ҳамкорлик муносабатлари ҳам шаклланади. И. ў. ва ҲИЙНларга асосланган ўқув машғулотлари қутилган самарадорликка эришиш имкониятини бериши учун улар-

ни амалга ошириш жараёнида қандай вазифаларни ечиш мумкинлиги пед. жиҳатдан тўғри белгиланиши керак. Бундай ҲИЙНларни ташкил этишни имкон қадар бошланғич синфлардан бошлаш лозим. Педагоглар ҳамда психологларнинг таъкидлашларича, ўқувчининг ўзи қизиқмасдан туриб эгаллаган билимлари унинг ҳиссиётларига ижобий таъсир кўрсатмайди ва интеллектуал жиҳатдан ривожлантиришга хизмат қилмайди. Шунингдек, ўқувчилар маъмур билимларни ўзлаштириш жараёнида синфдошлари б-н манфаатли ҳамкорлик ўрната олмайди.

И. ў.нинг ўзига хос хусусиятлари сифатида уларнинг алоҳида пед. қимматга эгаллиги, эркинлиги ва ихтиёрийлиги эътироф этилади. ҲИЙНлар амалий жиҳатдан йўналтирилган бўлиб, кафолатланган натижа олишга хизмат қилиши б-н алоҳида пед. аҳамият касб этади.

И. ў. таълимнинг технологик йўли сифатида алоҳида пед. қимматга эга. Янги ҲИЙН шакллариининг вужудга келишида телевидение ва комп. технологияси самарали таъсир кўрсатди. Шу боис бугунги кунда ҲИЙНлар янги, янада юқорироз даражага кўтарилмоқда. Таълим жараёнида фойдаланилаётган ранг-баранг И. ў. алоҳида пед. самарадорликка эга. Шу нуқтаи назардан, таълим жараёнида фойдаланиладиган И. ў.ни қуйидаги турларга бўлиш мумкин: 1) жисмоний ҳамда психологик ҲИЙНлар ва тренинглари: ўқувчиларни ҳаракатга ундовчи ҲИЙНлар, спорт ҲИЙНлари, ҳаракатчан ҲИЙНлар, завқ-шавққа йўғрилган қувноқ

раги ўйинлар, қизиқарли, қулгили ўйинлар, даволовчи ўйинлар; 2) интеллектуал-ижодий ўйинлар: қизиқарли бўш ўйинлар ёрдамида ўйналадиган ўйинлар, сюжетли-интеллектуал ўйинлар, дидактик ўйинлар, қурувчиликка асосланган ўйинлар, меҳнат ф-ятини тавсифловчи ўйинлар, техник характердаги ўйинлар, конструкторлик характердаги ўйинлар, электрон ва комп.лашган ўйинлар, ўқитишнинг ўйин методи; 3) с.экт. ўйинлар: иждодий сюжетли-ролли ўйинлар, И. ў.; 4) мужассамлаштирувчи ўйинлар: жамоавий-ижодий ва б.

ИШЛАНМАЛАР – муайян мақсадга қўйилган ўқув жараёни ёки ўқув материалнинг лойиҳаси.

И. бир-бири б-н алоқада бўлган усуллар (фикрлар, натижалар, нарсалар) қўллаидир. Кўпинча бир-бирининг ўқини босадиган натижалар, алгоритмлар, моделлар, тавсиялар тайёрланади. Фикрлаш натижасидаги И. ўқитишнинг мақсадларига хизмат қиладиган тамойиллар, услубиятлар шунда бир-бирининг ўрнини босиш имконини беради.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ АМАЛИЁТИ – ўқув машғулотлари тури. И. ч. а.да ўқувчи (талаба)лар корхона, тиббий, с.экт. и. т. ва б. муассасаларда ўқув дастурларида белгиланган ишлаб чиқариш амалиёти мустақил равишда бажариладилар. И. ч. а. талаба ёки ўқувчилар назарий билимларини амалий, унумли меҳнат б-н боғлаб, уларда кўникма ва малакалар ҳосил қиладилар. И. ч. а. муддатли муайян ўқув юртининг тасдиқланган ўқув режасида белгиланади.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ПЕДАГОГИКАСИ – пед. фанининг ўқув жараёнида ўқувчи ҳамда талабаларга ишлаб чиқариш техн.сини ўргатишнинг назарий асослари, қонуниятларини ўрганишга ихтисослашган муҳим тармоғи. **ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАЪЛИМИ** – ўрта махсус касб-ҳунар таълимининг таркибий қисми бўлиб, ўқувчиларга муайян йўналишда ишлаб чиқариш техн.сини ўргатадиган ва уларни аниқ касбга йўналтирадиган таълим жараёни.

И. ч. т.нинг асосий вазифаси келгусида малакали мутахассис бўлиб етишадиган ўқувчиларни муайян касб соҳасида бевосита ф-ят кўрсатишга тайёрлаш, яъни билимларни амалиётга татбиқ этишга ўргатиш, зарур касб кўникмалари ва малакаларини шакллантиришдан иборат. И. ч. т.ни амалга оширишда назарий таълимнинг аҳамияти катта. И. ч. т. уч асосий босқич (ўқув устахоналари, ўқув майдонлари, ўқув лаб.лари, ўқув хўжаликларидаги И. ч. т.; ишлаб чиқариш шароити – корхона, қурилиш, хўжаликлардаги И. ч. т.; ишлаб чиқариш тажрибаси)га бўлинади. Ҳар бир босқич ўзига хос мақсадга ва ўқув жараёнида ўз ўрнига эга бўлиб, касб хусусиятига қараб улар турли муддатли бўлади ва И. ч. т. дастури б-н белгиланади. И. ч. т. ишлаб чиқариш устаси раҳбарлигида ва ўқувчиларнинг унумли меҳнати давомида амалга оширилади. И. ч. т. мазмуни муайян касбдаги кичик мутахассисларнинг меҳнат ф-яти ҳамда малака даражасини таҳлил қилиш асосида белгиланади. Ўқувчиларга И. ч. т. беришдан асосий мақсад, уларга ўз касб-

лари учун хос бўлган ишлаб чиқариш жараёнини режалаштириш, тайёрлаш, амалга ошириш, назорат қилиш, ишлаб чиқариш жараёнига хизмат кўрсатишга ўргатишдан иборат. Кичик мутахассис бажарадиган ана шу вазифаларнинг муайян касб ва малака даражасига мувофиқ аниқ мазмуни маҳорат тавсифномасида акс этади. Бу ҳужжат кичик мутахассис бажарадиган иши ва касб-ҳунар бўйича «Ўзбекистон Республикаси касб-ҳунар таълими ДТС» асосида тузилади. Унда ўқувчи касб-ҳунар ўқув юртида таълим олиши давомида эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малакаларга қўйиладиган талаблар қайд этилади. Маҳорат тавсифномаси касб-ҳунар ўқув юртида кичик мутахассисларни тайёрлаш моҳиятини белгиловчи асосдир. Кичик мутахассисларнинг меҳнат ф-ятини таҳлил қилиш натижасида ажратиб олинган меҳнат жараёнларини бажариш йўллари ва усуллари муайян тарзда тартибга солинади ҳамда И. ч. т. мазмуни белгиловчи И. ч. т. дастурида баён қилинади. И. ч. т. дастури ўқувчиларга нимани, қандай изчиллик ва ҳажмда ўргатишни белгилаб беради. И. ч. т. дастурини ишлаб чиқишга корхоналарнинг етакчи муҳандис-техник ходимлари, ижт. т-я муассасалари ва вазирликлар, касб-ҳунар ўқув юртларининг малакали ходимлари жалб қилинади. И. ч. т. таълимнинг турли усулларидадан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

ИШОНЧ – маънавий интилиш, эътиқод асоси; анъанавий, маданий, ахлоқий, ижт., сиёсий ва б. тамойиллар, меъёрлар, анъаналар, кадриятларни онгли равиш-

да ўзлаштириш йўли б-н тарбияланишнинг асосий усуллари, шахсда эътиқодни шакллантириш омили. И. ўзаро тўғрилиқ: адолатлилик, инсофу диёнат, ҳалоллик, самимийлик ва имонга асосланади. Кишилар ўртасидаги муносабатлар аниқ маъно-мазмун касб этиб бориши б-н И. мустаҳкамланади ёки, аксинча, бузилади. Инсонга асоссиз равишда ишонмаслик маънавий савиянинг етарли эмаслиги б-н боғлиқ. И. – нимагадир, қандайдир ғоя ёки мафқурани тўлиқ билиш, унга меҳр-мухаббат қўйишга қаратилганидан қатъи назар, маънавий интилиш, эътиқод асоси.

И. баъзида инсон ҳаракатини олдиндан белгилаб, сабабга айланади. И.нинг шаклланиши турмуш тарзи, таълим-т-я, ташқи муҳитнинг инсонга таъсири, ижт.лашув жараёнининг қанчалик самарали эканига, ҳар қайси одамнинг ижт. ва амалий ф-ятига боғлиқ. И. ижт. ҳаётнинг барча соҳаларидаги ф-ятнинг, инсон ҳаётининг асосий шarti ва мезони ҳисобланади. Шунинг учун ота-оналар ва фарзандлар, ўқитувчилар ҳамда ўқувчилар орасида ўзаро И.ни шакллантириш шахс маънавий камолотининг асосини ташкил қилиши лозим.

ИШОНТИРИШ МЕТОДИ – педагогларнинг ўқувчилар онги, рухияти, иродасига таъсир этиш йўли б-н уларнинг характеридаги ахлоқий, интеллектуал ва б. ижобий хислатларни шакллантирувчи мет.

И. м.дан фойдаланиш натижасида тарбиявий жараёнларда ўқувчи ҳамда талабалар шахсига таъсир ўтказиш орқали киши иродаси ва онгидан қатъи назар, унда муайян ҳолат, ҳиссиёт, муно-

таълим ва таъбир ва ф-ят тамойилларидан бевосита келиб чиқмайдиган хатти-ҳаракатлар бўлади.

Таълим муассасасида ва оиладаги таълимий жараёнларда И. м. таъбир сифати шунинг бир тури сифатида катта аҳамиятга эга, чунки болалар ўта ишончликлари – бошқа кишилар таъбирининг осонгина тушишлари б-н ажралиб туради; улар муайян кайфият, ҳиссиёт ва эҳтиш-хоҳишни осонгина ўзлаштиради. Таъбир фақат уларнинг соддаликлари, ишончликлари, турмуш тажрибаси билан алоқалигида эмас, балки психик хусусиятлари (мантийкий тафаккурга нисбатан таъбир таъбир этишнинг кучлилиги) б-н боғлиқ. Таъбир ота-оналар ёки педагоглар бирор нарса эмас, «илон» сўзини айтганда бола он-онининг (агар у бу сўзни билса) «илон»нинг таъбирини қиёфаси намоён бўлади. Агар катта болани шу сўзни кўрkitиш оҳангида билдирса, бола ҳақиқий ваҳимага тушади. Таъбир мактабгача ёшдаги болаларда бу нарса 2-3 марта қайтарилса, унда ҳақиқий фобия – илонни кўрганда ёки унинг номини эшитганда олинганда ғайририхтиёрий кўрқув намоён бўлади.

Ишонтириш фақат болани тинчлантириш мақсадида қўлланиладиган метод эмас, балки рағбатлантириш имконияти бўлади. Агар бола таълимнинг дастлабки кўрсаткичларида қийналаётган, ўқиши ёки бирор иши кўнгилдагидек бўлмаётган бўлса ҳам, катталар уни мактаб, далда олиб турсалар, унда ўз кучига ишонч билан сабот-матонат кўрсатишга тайёрлик намоён қийинчиликларни енгиб ўтиш имконияти уйғонади. Болаларни ўзларининг

кучлилиги, жасурлиги, чаққонлиги, илдамлигига ишонтириш лозим.

Ота-оналар ва педагоглар бола т-ясида И. м.дан ўз ўрнида фойдаланишлари мақсадга мувофиқ.

ИШЧАНЛИК – ишчан хусусият, ишчан ҳолат; меҳнатсеварлик. И. шахснинг юксак тартиблилиги ва ташаббускорлигидир. Унинг индивидуал-психологик хусусиятлари, ахлоқий сифатлари ва дунёқараши б-н боғлиқ. И. инсоннинг бутун ҳаёти ва ф-яти давомида амалга ошириладиган жараёндир. Меҳнат кишилиқ ж-ятининг энг зарур яшаш шартидир, инсон нима б-н фахрланса ёки эъвозланса, барчаси И. натижасида вужудга келади.

И. умуминсоний, миллий ва маънавий кадриятлар таракқиётининг негизи ҳисобланади. Шаҳсадаги маълум қобилиятлар, кўникма ва имкониятларнинг ўқув ҳамда меҳнат ф-яти жараёнида бошқаларникига нисбатан юқорироқ даражада намоён бўлиши И.ни белгилайди. И., энг аввало, ирсий имкониятлар б-н боғлиқ ҳолда соғлом, ижобий ижт. муҳитда шаклланади. Ирсий имконият қанчалик юқори бўлмасин, у муайян ижт. пед. муҳитда ривожлантирилмаса ёки ижт. пед. муҳитнинг ижобийлигига қарамадан табиатан ирсий имконият берилмаган бўлса, шахснинг юқори И.ка эга бўлиши қийин.

Психологларнинг кузатишлари шунини кўрсатадики, тарихда буюк даҳо шахс сифатида из қолдирган инсонлар кўп нарсага ота-оналари ёки устоз-мураббийларининг таъсирида эришган. Баъзан шундай ҳолатлар ҳам кузатиладики, каттагина ирсий имкониятларга эга бўлган

бола ота-онасидан эмас, балки тарбиячиси, баъзан эса ижт. пед. муҳит туфайли ўзида катта И.ни шакллантиришга эришади.

Табиатан ирсий И. ато этилган, бироқ муносиб ижт. пед. муҳит йўқлиги натижасида, айтарли ютуқларга эриша олмаган болалар б-н бир қаторда, ирсий имконияти чекланган, шунга қарамасдан, маҳоратни оширувчи мактаблар, курслар ва б. тўғарақларга катнаш, ўз устида тинимсиз ишлаш орқали ўзида И.ни юзага чиқарган болалар ҳам талайгина. Илмий хулосаларнинг кўрсатишича, 65–75 фоиз болалар ҳаёти давомида яхши натижаларни қўлга киритиши мумкин.

Албатта, таълим-т-я, ота-онанинг ижт. маъқеи, билим даражаси ва энг муҳими, ирсий имкониятлари болага таъсир қилади. И. хусусиятига эга бўлган болалар ҳақида фикр юритилганда кузатувчилар шунини таъкидлайдики, уларнинг саломатлиги ва жисмоний ривожланиши меъёрида бўлади. Ақлий куч-қувват имконияти, ҳаракатчанлик, асаб тизимлари ф-яти бошқаларникига қараганда анча юқорироқ бўлар экан. Ахлоқий меъёрлар, мослашувчанлик, психик тараққиётнинг бошқаларга қараганда устунлиги, тиришқоклик, ташаббускорлик ва мулоҳазакорлик сингари сифатларнинг яхши шаклланганлигини баъзи ҳолларда флегматик темперамент вакилларида ҳам учратиш мумкин.

ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ – муайян ўқув предмети учун намунавий ўқув дастури асосида ишлаб чиқилган, ўқитишнинг тўлиқ мазмунини очиб берувчи ҳужжат.

ИШЧИ ЎҚУВ РЕЖАСИ – муайян таълим муассасаси учун ўқитиш жараёнининг календарь – таквим тузилмаши ва босқичларини ифодалайдиган намунавий ўқув режаси асосида ишлаб чиқилган ҳужжат.

ИЧКИ КОММУНИКАЦИЯ – таълим муассасаларида вертикал ва горизонтал ахб. алмашинуви мавжуд бўлиб, таълим муассасаси ф-ятини ташкил этиш ва тақомиллаштириш учун зарур бўлган алмашинуви, яъни ички коммуникация.

ИҚТИДОР (араб. – куч-қувват, қудрат, қодирлик, қобилият; ҳолат) – шахснинг ижодий хусусияти ва ақлий ф-яти. Шахс ф-ятида турли кўринишларда намоён бўлади. Илмий, бадиий, техник ижодкорликда, спорт ва касб маҳоратини яққол кўринади. Шунингдек, И. инсон амалий ф-ятидаги барча соҳаларда ўзининг хос тарзда акс этади. И. ҳар бир соҳа мутахассисида ўзига хос тарзда ривожланган ёки ривожланмаган бўлиши ҳам мумкин. Шу боис инсон ф-яти давомида билим ва тажрибасини муттасил ошириб бориши лозим. И. ахлоқий меъёрлар б-н уйғунлашгани сари мукамаллашиб бераверади. Бундай И. соҳиби ж-ят учун айниқса, зарур бўлади. И. кўпроқ ақл б-н боғлиқ ҳодиса ҳисобланади. Қобилият эса айрим кишилар ф-ятида акс этади. И. ва қобилият бир-биридан фарқ қилувчи жиҳатларга эга бўлса-да, лекин улар бир-бирисиз мавжуд бўла олмайди. Шу маънода, И. ва қобилиятнинг уйғун бўлиши маънавий баркамолликнинг асосий шартларидан биридир. И. ва қобилиятнинг шакллантиришда биофизиологик омиллар (жисмоний соғломлик, мия ф-ятидаги

маромдаги ўзгаришлар, ҳатто экологик муҳит ва б.), табиий жараёнлар, ижт. муҳит (зиёлилар, ҳаётий тажрибага эга бўлган инсонлар, мутахассислар, ва б. ижт. муносабатлар), интуитив ва маънавий-руҳий поклик ўзига ўрин тутди. И., биринчи навбатда, психологик вазифани бажаради. Яъни инсон И. орқали ўзи яшаётган дунёни таниш, воқеликни яхлит ҳолда идрок қилиш, уни ижобий ўзгартиришга интилади. Бугунги кунда юртимизда ёзувчилар, шоирлар, илм-фан, маданият ва ҳаёт аҳли, барча ижодкорларни, И.ли қўллаб-қувватлаш масаласига аҳамият берилган. И.ли болаларнинг алоҳида мактаблар, синфлар ташкил этилиб, улар зарур пед. воситаларнинг тўлиқ жиҳозланган.

ИҚТИДОРЛИ БОЛАЛАРНИ ЎҚИТИШ

– иқтидорли болаларга таълим олиш беришга йўналтирилган пед. ф-ят. Иқтидорли ўқувчилар ўзига хосликка эга бўлиб, ўзларининг иқтидорлари ва қобилиятлари б-н ажралиб туради. Шу сабабдан уларга ҳар доим таълимнинг инновацион талаблари тўғри келавермайди. Иқтидорли болаларга хос бўлган хусусиятлар сирасига қизиқувчанлик, билишга қизиқ, битмас-туганмас куч-қувват ва истақилликни киритиш мумкин. Бундай ўқувчилар интеллектуал ҳамда ижодкор ривожланишда ўз тенгдошларидан олдин кетади. Шу боис пед. фани олдида иқтидорли ўқувчиларга «Нимани қандай ўқитиш керак?», «Иқтидорли болаларни қандай тарзда ривожлантириш йўллари ва қобилиятлари нималардан иборат?» деган саволлар долзарб бўлиб туради.

Бу соҳада АҚШда жуда бой илмий-амалий тажриба тўпланган. Иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш мақсадида ташхислаш ва тестлаштириш соҳасида қатор ютуқлар мавжуд. И. б. ў. методлари ишлаб чиқилган. Улар учун чуқурлаштирилган ўқув дастурлари ва махсус тайёргарликка эга бўлган ўқитувчиларни тайёрлаш тизими йўлга қўйилган.

Иқтидорни юзага чиқариш ҳамда ривожлантиришнинг турли усул, метод ва технологиясидан фойдаланиш: иқтидорли болаларнинг яширин қобилиятини юзага чиқариш ва ривожлантириш; иқтидорли болаларнинг ривожланишида уларга ҳалақит берадиган ҳиссий, шахсий ҳамда бошқа руҳий тўсиқларни бартараф этиш; ҳар хил турдаги иқтидорларнинг ривожланиши; иқтидорли болалар б-н ишлайдиган педагог ва психологларни касбий тайёрлашга ёрдам беради.

Шу б-н бирга, иқтидорлилик муаммосининг комплекслилик характерини ҳам алоҳида инобатга олиш лозим. Комплекслилик, бир томондан, иқтидорли болаларни юзага чиқариш, ўқитиш ва ривожлантириш бўлса, иккинчи томондан, иқтидорли болалар б-н ишлайдиган педагог, психолог ҳамда таълимни бошқариш б-н шуғулланувчи ходимларни касбий тайёрлашдан иборат.

Иқтидорнинг турли-туман кўринишлари, ўзига хослигини инобатга олган ҳолда, иқтидорли болалар б-н психофизик ишлаш методларини танлаш жараёнида қуйидагиларни аниқлаб олиш лозим:

- 1) чуқурлаштирилган таълим жараёни

иктидорлиликнинг қайси турини ривожлантиришга йўналтирилган (интеллектуал, ижодий, академик, лидерлик қобилиятлари каби); 2) иктидорлилик қандай тарзда намоён бўлади (аниқ, яшрин, ёшга боғлиқ); 3) чуқурлаштирилган таълим жараёнида ўқувчилар иктидорини рўёбга чиқаришда қандай усул ва методлар устувор ўрин эгаллайди. Қизиқишлари асосида таълим бериш, дунёқарашини ривожлантириш, намоён бўлган қобилиятларни янада ривожлантириш, намоён бўлмаган қобилиятни рўёбга чиқариш, ўқув-т-я жараёнида ўқувчини пед. қўллаб-қувватлаш ва иктидорининг намоён бўлишига кўмаклашиш ва б.; 4) таълим муассасасининг тури ҳамда ишлаш шарт-шароитларини танлаб олиш. Умумий ўрта таълим, И. б. ў.га мўлжалланган махсус мактаблар, қўшимча таълим.

Шундан келиб чиққан ҳолда, иктидорли болаларга чуқурлаштирилган таълим беришга йўналтирилган учта муҳим ёндашувга таянилади: а) дидактик; б) дидактик-руҳий; в) руҳий-дидактик.

ИҚТИДОРЛИЛИК – инсонга янада юксалиш, ф-ятнинг бир ёки бир неча соҳалари бўйича бошқаларга қараганда юксак натижаларга эришиш имконини берувчи тизимли, ривожланувчан руҳий хусусият.

ИҚТИДОРЛИ ЎҚУВЧИ (ТАЛАБА) – катта қобилиятга эга, ўз тенгдошларидан бир ёки бир неча соҳаларда ўзиб кетган, интеллектуал даражаси, иқтисодий фикрлаш, лидерлик қобилияти юкори бўлган таълим олувчилар.

ИҚТИСОДИЙ БИЛИМДОНЛИК – иқтисодий билимларни чуқур ўзлаштирган, уни татбиқ этиш кўникма ва малакасига эгаллик хусусияти. Бундай сифатга эга бўлган таълим олувчиларда иқтисодий таълим-т-я натижасида олинган ва тизимлаштирилган билим, ҳосил қилинган кўникма, малакалар ҳамда шаклланган дунёқарашлар мажмуи таркиб топган бўлади.

ИҚТИСОДИЙ БИЛИМЛАР АСОСИДА ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ –

1) иқтисодий билимлар асосида таълим назарияси ҳамда мет.си бўйича талабаларга муайян билим, кўникма, малакалар ҳосил қилишга йўналтирилган ўқув фани; 2) иқтисодий билимлар асосида ўқитиш мет.си хусусий пед.нинг асосий соҳаси.

ИҚТИСОДИЙ БИЛИМ АСОСЛАРИ ДАВЛАТ ТАЪЛИМ СТАНДАРТИ

– иқтисодий билим асослари фанида таълим мазмуни ва ушбу ўқув предмет бўйича ўқувчилар эгаллайдиган билим кўникма, малакаларга қўйилган талабларнинг дав. томонидан тасдиқланган эталони, модели.

ИҚТИСОДИЙ МЕТОДЛАР – ўзара боғлиқ бўлган иқтисодий кўрсаткичларни йиғиндисини тавсифлаб, ҳар бир педагог ва бутун муассаса учун талаблар белгилаш б-н биргаликда яхши ишлаш учун шароитлар яратиш имконини берадиган мет. Иқтисодий қайта ташкил этишлар мазкур мет.ларни кучайтиришга йўналтирилади.

ИҚТИСОДИЙ ТАРБИЯ – 1) таълим олувчиларни асосий иқтисодий тушунчалар б-н таништириш, уларда

иқтисодий тафаккурни ривожлантириш ва иқтисодий муносабатларга киришиш кўникмаларини шакллантирадиган т-я б-ри; 2) ж-ят аъзоларини иқтисодий билимлар б-н қуроллантириш, уларда ўз-жатик юритиш кўникмаси ва малака-сини шакллантиришга йўналтирилган таълим жараёни.

ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМ – узлуксиз таълим жараёнида ёшларга иқтисодий таълим беришга йўналтирилган ўқув-тарбияни, таълим соҳаси; махсус тайёргарликка эга бўлган педагоглар томонидан амалга ошириладиган ўқув-т-я жараё-

ни. Мазкур жараёнда таълим олувчига иқтисодий билимларни тақдим этиш, мамлакат иқтисодий таракқиётининг ривожланиш тенденциялари, ўзига хос хусусиятлари, тамойиллари, қонуниятлари ҳақида маълумот беришни назарда ту-тади.

И. т.нинг асосий мақсади – ўқувчи (талаба)ларга истиқболдаги иқтисодий ф-ятнинг субъекти сифатида қараган ҳолда уларда зарур ҳаётий кўникмаларни ҳосил қилиш, иқтисодий маданиятни шакллантиришдан иборат.

Й

ЙИЛЛИК ИШ РЕЖА – йил давомида амалга ошириладиган ўқув-тарбиявий тадбирларнинг муайян изчилликда, тартиб б-н кетма-кет баён этилган шаклини ифодаловчи ҳужжат.

ЙИЛЛИК ТАҚВИМ РЕЖА – ўқув режасини бажариш учун аниқ хатти-харакатлар мазмунини ўз ичига олган, таълим олувчиларнинг ўқиши ва зарур амалий кўникмаларга эга бўлишига қаратилган мақсадларини ифодаловчи ҳужжат. Унда ўқув фанларининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, чорак, ярим йиллик, йил давомида ўтиладиган дарсларнинг мавзулари, уларнинг мазмуни, ўқитиш мақсадлари, дарсда фойдаланиладиган усуллар ва техн., унинг аниқ вақти ҳамда таълим олувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш мезонлари каби таркибий қисмлар ифодаланadi. Унинг асосий мақсади тўғри йўналишни белгилаб олиш, шу асосда самарали натижаларга эришишдан иборат.

ЙЎЛДОШЕВ Жўра Ғаниевич (1963, Тошкент) – пед. фанлари д-ри (1996), проф. (1998). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими (1996). Тошкент пед. ин-тининг кимё-биол. ф-тини тамомлаган (1963). Тошкент вил. ва шаҳридаги бир қатор мактабларда ўқитувчи, ХТВ тизимидаги малака ошириш ин-тларида ўқитувчи, ректор.

халқ таълими вазири лавозимларида ишлаган. Ҳоз. вақтда ТДПУда пед. ф-ятини олиб бормоқда. 100 дан ортик мақолалар, монография ва қўлланмалар яратилган. Олим Россия Пед. ва ижт. фанлар академияси, АҚШ Халқаро фан ва таълим академиясининг ҳақиқий аъзоси.

«Меҳнат шуҳрати» ордени б-н тақдирланган (1999).

ЙЎЛДОШЕВА Жамилахон Турғунбоевна (1955. 26. 6, Риштон тумани) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Кўкон пед. ин-тини тугатган (1983). Риштон туманидаги 40-мактабда иш юритувчи (1972–73), бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб ишлаган (1973 й.дан). Й. ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш қобилиятини ўстиришга алоҳида аҳамият берган, дарсда тест ва ноанъанавий дарс усуллари, янги пед. техн.дан унумли фойдаланган.

ЙЎЛДОШЕВ Иброҳим (1941, Жаркўрғон тумани) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Самарқанд ин-тини тугатган (1965). Жаркўрғон туманидаги 15-мактабда она тили ва адб. ўқитувчиси бўлиб ишлаган (1965–96). У ўқувчиларга замон талаблари асосида билим бериш б-н бирга, уларнинг ёзма нутқини ўстириш, луғат бойлигини оширишга катта эътибор берган.

ЙЎЛДОШЕВ Қозоқбой (1949. 09. 05, Сирдарё) – пед. фанлари д-ри (1997), проф. (2000). Сирдарё пед. ин-тининг

Ўзбек филол.си ф-тини тамомлаган (1970). Гулистон туманидаги 1- ва 15-мактабларда тил ва ад. ўқитувчиси (1970–77), 9-хунар техника билим юр-тида ўқув бўлими мудир, директор ўринбосари (1977–79), Гулистон ун-тида ўқитувчи, катта ўқитувчи, доц., «Педагогика ва бошланғич таълим методикаси» каф.си мудир, ўзбек филол.си ф-ти декан (1986–92), ЎзПФИТИда бўлим мудир, илмий ишлар бўйича директор ўринбосари (1994–98), Ўзбекистон Миллий ун-ти ўзбек филол.си ф-ти декани (1998–2000), «Хозирги ўзбек адабиёти» каф.си мудир (2000–2005), «Матншунослик, миллий ҳаёти ва ҳозирги ўзбек адабиёти» каф.си проф.и (2005–13).

Юкори синфлар учун «Ўзбек адабиёти» дарсликлари ҳаммуаллифи. Қозоқистон ва Қирғизистон республикаларидаги ўзбек мактаблар учун дарсликлар яратган. 41 китоб, 539 номдаги илмий мақола муаллифи.

ЙЎЛДОШЕВА Ҳайитгул (1948. 8. 10, Амударё тумани) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1998). Ленинград ун-ти кимё-биол. ф-тини тугатган (1972). Амударё туманидаги 30-ўрта мактабда (1973–75, 1985–88), 48-ўрта мактабда кимё-биол. ўқитувчиси (1975–85). Ў. кимё фанидан дарсларни чуқурлаштирилган дастур асосида ташкил этган. У тест синовлари асосида ташкил қилинган синфларда дарс-маъруза, дарс-суҳбат, семинар усулларини қўллаган; бу усуллар ўқувчиларнинг мустақил фикрлаши, билим доирасининг кенгайишида ўз самарасини кўрсатган.

ЙЎЛДОШЕВ Ҳамидулла Қаюмович (18. 08. 1937, Тошкент ш.) – пед. фанлари д-ри (1994). «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими» (1979), «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тренер» (1989). Тошкент дав. жисмоний т-я ин-тини тугатган (1960). Тошкент ш.даги 36-мактабда жисмоний т-я ўқитувчиси (1956–1970). Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори, туман халқ таълими бўлимида мудир ўринбосари, (1964–71), Тошкент шаҳар маориф бўлимида мудир ўринбосари (1971–74), шаҳар ижроия қўмитасининг Халқ маорифи бошқармасида бошлиқ (1974–86), Ўзбекистон халқ маорифи вазири ўринбосари (1986–90), Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси бошлиғи (1990–2000), Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясида проф. (2001–02). Тошкент шаҳар ПКҚТМОИ ректори (2002–13) лавозимларида ишлаган. 100 дан ортиқ илмий ишлар муаллифи.

«Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллиги» кўкрак нишон б-н тақдирланган (2011).

ЙЎЛ ХАРАКАТИ ҚОИДАСИ – ҳайдовчилар, пиёдалар, йўловчилар, йўл таъмирловчилар, чорва молларини ҳайдаб боровчиларнинг автомобиль йўллари ва шаҳар кўчаларида муайян белгиларга қараб ҳаракатланишини тартибга соладиган қоидалар тизими. Мазкур қоидалар бошланғич синфлардан бошлаб ўқувчиларга тизимли тарзда ўргатиб борилади.

ЙЎНАЛТИРУВЧИ САВОЛЛАР – ўқувчилар изоҳлашга қийналган нарса

ёки ҳодисани тўлиқ ва тўғри ёритишга йўлловчи саволлар. Бундай саволлардан ўқув-т-я жараёнида педагоглар, уй вази-фаларини тайёрлатишда эса ота-оналар фойдаланади.

ЙЎРИҚНОМА – 1) конун ёки бошқа меъёрий ҳужжатларни тушунтириш мақсадида чиқариладиган ҳуқуқий ҳужжат; 2) бирор нарсани, унинг амал-га ошириш, бажариш тартиби ва усу-

лини белгиловчи қоидалар тўплами кўрсатмалар.

ЙЎРИҚНОМА ХАРИТА – машқларни бажариш изчиллиги, ҳаракатлар тар-тиби ва меҳнат усуллари бўйича йўриқномаларни ифодаловчи ҳамда таълим олувчиларнинг ишлаб чиқариш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилувчи технологик босқичлардан иб-рат бўлган ўқув йўриқномаси.

К

КАДРЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА УЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ

– узлуксиз таълимнинг бир тури; мутахассисларнинг касб билимлари ва кўникмаларини янгилаш ҳамда қуқурлаштиришга, уларни замон талабларига жавоб бера оладиган даражага етказишга қаратилган таълим жараёни.

К. м. о. ва у. қ. т. муассасаларидаги ўқиш натижаларига кўра, дав. томондан тасдиқланган намунадаги гувоҳнома ёки сертификат топширилади.

К. м. о. ва у. қ. т. тизимини ташкил этиш ва ривожлантириш учун тизим ф-ятини мазмунан янгича таркиб асосида йўлга қўйиш ҳамда бу тизимни бошқаришни шакллантириш; юқори малакали ўқитувчи-мутахассис кадрлар тайёрлаш ва соҳани кадрлар б-н таъминлаш; тизимнинг рақобатга асосланган муҳитини шакллантиришни ва самарали ф-ят олиб боришини таъминловчи меъёрий базасини яратиш; таълим муассасаларини дав. аттестацияси ва аккредитациясидан ўтказиш тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш; иқтисодиётнинг дав. ва нодав. секторлари, мулкчиликнинг турли шаклидаги ташкилот ва муассасаларнинг талаб-эҳтиёжларига мувофиқ кадрлар ва мутахассисларни илдам қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни таъминловчи дав. ва нодав. таълим муассасаларини ташкил этиш ва ривожлан-

тиришга кўмаклашиш; касбий тренингларнинг илғор техн. ва жиҳозларини, шунингдек мураккаб, фан ютуқларини талаб қилувчи техн. жараёнлар имитаторларини ишлаб чиқиш, яратиш ва амалий ўзлаштириб олиш лозим.

Мустақиллик йилларида педагог кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, КТМД ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 й. 16 фев. даги 25-сонли «Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори ҳамда кўплаб қонун ости ҳужжатлари асосида узлуксиз ривожлантирилиб, тизимнинг илмий асослари такомиллаштирилмоқда.

КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ

ДАСТУРИ

– таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қолиплардан тўла халос этиш, юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг ривожланган демократик дав.лар даражасидаги юксак маънавий-ахлоқий талабларга жавоб берадиган миллий тизимни яратишдан иборат бўлган вазифаларни ўз ичига олган дастур. У 1997 й. 29 авг.да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 9-сессиясида Президент Ислам Каримов ташаббуси б-н қабул қилинган.

К. т. м. д. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни

(1997)га мувофиқ тайёрланган бўлиб, миллий тажрибанинг таҳлили ва дунё мамлакатлари таълим тизимидаги ютуқларга таянади ҳамда юксак умумий ва касб-ҳунар маданиятига, ижодий ва ижт. фаолликка, ижт.-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истиқбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилган. Дастур кадрлар тайёрлаш миллий моделини рўёбга чиқаришни, ҳар томонлама камол топган, ж-ятда турмушга мослашган, таълим ва касб-ҳунар дастурларини онгли равишда танлаш ва кейинчалик пухта ўзлаштириш учун ижт.-сиёсий, ҳуқуқий, психологик-пед. ва б. тарздаги шароитларни яратишни, ж-ят, дав. ва оила олдида ўз жавобгарлигини ҳис этадиган фуқароларни тарбиялашни назарда тутди.

Кадрлар тайёрлаш миллий модели катор ноёб, такрорланмас ўзига хос хусусиятларга эга. У Ўзбекистоннинг халқаро андазалардаги замонавий тараққиётини таъминлай оладиган دادил, мустақил фикрли, малакали, билимли мутахассис, айна пайтда эзгу инсоний сифатларга эга кадрларни тайёрлаш мақсадини кўзлайди. К. т. м. д. 5 бўлимдан иборат: муаммолар ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш омиллари; миллий дастурнинг мақсади, вазифалари ва уни рўёбга чиқариш босқичлари; кадрлар тайёрлашнинг миллий модели; кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари; миллий дастурни

рўёбга чиқаришга доир ташкилий чора-тадбирлар.

Дастурнинг 1-бўлимида Ўзбекистон Республикаси дав. мустақиллигига эришиб, иқтисодий ва ижт. ривожланишнинг ўзига хос йўлини танлаши кадрлар тайёрлаш тизими ва мазмунини қайта ташкил этиш зарурлиги, бу ҳол катор чора-тадбирлар кўришни тақозо этиши қайд этилган. Кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг муҳим омиллари баён этилган.

Дастурнинг 2-бўлимида унинг мақсади, вазифалари ва дастурни рўёбга чиқариш босқичлари аниқ ифода этилган. Мақсад ва вазифаларни рўёбга чиқариш 3 босқичдан иборат бўлиб, 1-босқичи (1997–2000)да мавжуд кадрлар тайёрлаш тизимининг ижобий салоҳиятини сақлаб қолиш асосида ушбу тизимни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш учун ҳуқуқий, кадрлар жиҳатидан, илмий-услубий, молиявий-моддий шарт-шароитлар яратиш; 2-босқич (2001–2005)да миллий дастурни тўлиқ рўёбга чиқариш, меҳнат бозорининг ривожланиши ва реал ижт.-иқтисодий шароитларни ҳисобга олган ҳолда унга аниқликлар киритиш; 3-босқич (2005 ва ундан кейинги йиллар)да тўпланган тажрибани таҳлил этиш ва умумлаштириш асосида, мамлакатни ижт.-иқтисодий ривожлантириш истиқболларига мувофиқ кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш назарда тутилади.

Дастурнинг 3-бўлимида кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмлари шахс, дав. ва ж-ят, узлук-

таълим, фан ва и. ч.дан иборат эканлиги кўрсатилган. Бунда шахс – кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объект, таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчиси; дав. ва ж-ят эса таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг ф-ятини тартибга солиш ҳамда назорат қилишни амалга оширувчи кадрлар тайёрлаш ва уларни қабул қилиб олишнинг кафилининг сифатида баён қилинган. Узлуксиз таълим эса, малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асоси бўлиб, у мактабгача таълим, у. ў. т., ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими (АЛ ва КХҚлари), олий таълим (бакалаврият ва магистратура), ОЎЮдан кейинги таълим, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш, мактабдан ташқари таълим ушларини ўз ичига олади. Фан юқори малакали мутахассислар тайёрловчи ҳамда улардан фойдаланувчи, илғор пед. ва ахб. техн.ини ишлаб чикувчидир. И. ч. кадрларга бўлган эҳтиёжни, шунингдек, кадрнинг тайёргарлик сифати ва савиясига нисбатан қўйиладиган талабларни белгиловчи асосий буюртмачи, кадрлар тайёрлаш тизимини молия ва моддий-техник жиҳатдан таъминлаш жараёнининг катнашчисидир.

Дастурнинг 4-бўлимида кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари баён қилинган. Булар таълимнинг узлуксизлигини таъминлаш, педагог ва илмий педагог кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг замон талабларига мослашувчан, таълимнинг юқори сифати ва барқарор ривожлани-

шини кўзловчи тизимини вужудга келтириш, таълим жараёнини мазмунан ислох қилиш, ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялашда халқнинг бой миллий маданий-тарихий анъаналарига, урф-одатлари ҳамда умумбашарий кадриятларга асосланган самарали ташкилий, пед. шакл ва воситаларини ишлаб чиқиб амалиётга жорий этиш, иқтидорли болалар ва истеъдодли ёшларни аниқлашдан иборат. Шунингдек, узлуксиз таълим тизими ва кадрлар тайёрлашнинг дав. ва нодав. таълим муассасаларини таркибий жиҳатдан ўзгартириш ҳамда уларни изчил ривожлантиришни дав. йўли б-н бошқариш, касб-ҳунар таълими сифатини назорат қилиш тизимини шакллантириш, таълим тизимини молиялашни такомиллаштириш, мавжуд таълим муассасаларини капитал таъмирлаш ва янги таълим муассасалари қуриш, уларнинг меъёрий талабларга мувофиқ, замонавий техника ва техн. даражасини ҳисобга олган ҳолда жиҳозланишини таъминлаш, таълим тизимининг яхлит ахб. маконини вужудга келтириш, таълим хизмати кўрсатиш бозорини ривожлантириш, таълим соҳасида ижт. кафолатларни таъминлаш ҳамда бу соҳани дав. томонидан қўллаб-қувватлаш, фан б-н таълим жараёни алоқалари, ишлаб чиқариш ва таълим тизимининг интеграциялашуви, таълим ва кадрлар тайёрлашда халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ҳам таълим тизими тараққиётининг асосий йўналишларидир.

Дастурнинг 5-бўлимида миллий дастурни рўёбга чиқаришга доир ташкилий чора-тадбирлар белгиланган.

КАЗАКОВ Жуматой Жуммиевич (1938. 15. 7, Беруний тумани) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Чоржўй пед. ин-тини тугатган (1969). Беруний туманидаги 15-мактабда (1969), 39-мактабда туркман тили ва ад.и ўқитувчиси бўлиб ишлаган (1974–97). Дарсларни янги пед. техн. асосида кўргазмали ўқув қуроллари воситасида ўтган.

КАЙКОВУС, Унсурулмаолий Кайковус (11-а.) – аллома. Ҳаёти ҳақида тўлиқ маълумот йўқ. У Фарбий Эрон подшоҳи Шамсулмаоний Қобуснинг набираси бўлган. 60 ёшида ўғли Гилоншоҳга атаб «Қобуснома» асарини ёзади. Асар панд-насихат тарзида ёзилган бўлиб, унда ёшлар т-ясида жавонмардлик талабларидан энг муҳими – ахлоқ т-ясига алоҳида эътибор берилади. К. ёшларда юксак ахлоқий фазилатларни таркиб топтиришни истайди, ёшларни доимо тўғрилиққа, яхшилиққа, одилликка ундайди. Асарда, асосан, ўзгаларга нисбатан инсоний муносабатда бўлиш уқтирилади. Ушбу асар мазмунини талабаларга етказиш натижасида талабаларда сахийлик, самимийлик, инсонпарварлик, қаноатлилик каби ижобий сифатларни таркиб топтириш мумкин.

КАЙФИЯТ – инсон руҳий дунёсининг ижобий ёки салбий эмоциялар, ҳистуйғулар кўринишида юзага чиқадиган, нисбатан узоқ давом этадиган турғун психик ҳолати. К. қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эга: заиф интенсив К. – мамнун К.да ҳам, ғамгин К.да ҳам аниқ кўринишга эга эмас ва бундай ҳолатда К. интенсив асаб хуружларига сабаб бўлмайди; узоқ муддатли К. секин ри-

вожланади ва узоқ вақт давомида хис қилинади; ноаниқ К.да муайян ҳолатни хис қилган киши, одатда, бундай К. сабабларини англамайди; ўзига хос дифуз характерли К. – одамнинг фикрлари хатти-ҳаракат ва муносабатларига таъсир кўрсатади. К. ситуатив эмоция ва аффектлардан ҳам фарқ қилади. У маълум ҳодисаларнинг бевосита натижаси ўлароқ юзага чиқадиган эмоционал реакция бўлмасдан, балки инсоннинг ўз олдига қўйган режалари, қизиқиш ва кутган ишларининг аҳамиятига қаратилган эмоционал реакциядир К., ўз навбатида, содир бўлаётган воқеаларга таъсир кўрсатади. Бунда у одамдаги фикрларнинг йўналишини ўзгартириб юбориши мумкин. К. келтириб чиқарувчи сабабларнинг англаниш даражасига боғлиқ ҳолда муайян ноаниқ эмоционал фон кўринишида (кўтаринки К., тушқун К. ва х.к.) ёки аниқ фарқланган ҳолат (зериқиш, қайғу, соғиниш, кўрқув ёки, аксинча, мамнунлик, қувонч, ҳайрат ва х.к.) кўринишида юзага чиқади.

Ўз К.ини назорат қилиш, уни онгли равишда ўзгартира билиш ўзини ўзи тарбиялашнинг муҳим шартларидан биридир. К.нинг сабабсиз ўзгариб туриши патологик ҳолат ҳам бўлиши мумкин. Бу ҳолат ўта асабийлик, беқарорлик, ўта таъсирчанлик ва б. кўринишларда намоён бўлади. К.га таъсир этувчи омиллар ОАВ, газ. ва жур.лардаги янгилик-хабарлар, турли фикрлар, маънавий-маърифий билимлардир. Улар, биринчидан, К.га таъсир этиб, ўзига хос таскин берса.

инчи томондан, К.нинг ўзи, унинг таринкилиги кишини янги-янги ишларга ундайди.

Пед. жараёнларнинг самарадорлигини таъминлаш учун ўқитувчилар ўқувчиларнинг кайфиятларини аниқ бириктириши, уни ҳисобга олган ҳолда таълим ўқувчиларга ёндашиши лозим.

КАЛОМ ИЛМИ (араб. – равон нутқ, кўчма, гап, сўз) – ислом илоҳиёт илми; 13-а.да Араб халифалигида пайдо бўлган диний илм. К. и. ислом диний таълимоти асослашга ҳаракат қилади. К. и. тарғабдорлари мутакаллимлар дейилади. К. и. умавийлар ҳукмронлиги даврида расмий ҳокимият б-н хорижийлар, мазҳаблар, муржибийлар ва б. диний-сиёсий гуруҳлар орасида юз берган ижтимоий-саноатий воқеалар, баҳслар жараёнида пайдо бўлган ва ривожланган. К. и.га таълим услуб ва мавзулар мажмуи илк бор Абдуллоҳ ибн Дирҳам (742 й. қатл этилган) ижодида кузатилади. У доимо ақл-идроққа таяниш талабини илгари сурди ва фақат инсон ақли ожизлик қилган ҳоллардагина Қуръон оятларини рамзий-мажозий маънода талқин қилиш мумкин деб ҳисоблади. Жаҳм ибн Сафвон (745 й. қатл этилган), Абул-Ҳасан Райл (841 ёки 849 й. вафот этган) ва Абдулқадир ибн Муътамир (825 й. вафот этган)нинг ғояларини ривожлантирдилар. Қадимнинг қарашлари муътазилийларга таълим бўлгани боис, одатда, бу икки таълимотни бир-биридан фарқламайдилар. К. и. тарихида муътазилийлар мактабларининг таълимоти муҳим ўрин эгаллайди. Қадимнинг таълимоти Маъмун (827–848) даврида дав. таълимоти даражасига

кўтарилган бўлса, Мутаваккил (847–861) даврида таъкибга учради.

Маълум вақтгача суннийликда муътазилийларнинг фал. далилларига қарши курашда ғоявий қурол ролини ўйнаши мумкин бўлган ақоид тизими мавжуд эмас эди ва фақат Қуръон ҳамда ҳадисларга ҳавола қилиш б-н чекланиларди. Айнан муътазилийлар ўзларининг мантиқий-фал. исботлаш услублари б-н ҳақиқий ислом йўли шаклланишига бевосита таъсир кўрсатдилар. Бундай тизим 10-а.га келиб ишлаб чиқилди ва уни К. и.ни ақидапарастлар б-н муросага келтиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган Ашъарий (873–935) ва Мотуридий (870–944) амалга оширди. Натижада К. и.нинг ашъария ва мотуридийлик мактаби вужудга келди.

Боқилоний (вафоти 1013 й.), Жувайний (вафоти 1085 й.), Шаҳристоний (вафоти 1153 й.) ва Розий (вафоти 1209 й.)лар ашъария мактабининг йирик намояндаларидир. Ашъарийлар зоҳиран ўзларини муътазилийларга қарши қўйиб, ханбалийлар б-н муроса қилишга интилган бўлсалар-да, дунёқараши бўйича муътазилийларнинг ақл-идроққа асосланган йўлини давом эттирдилар. К. и.нинг иккинчи йирик мактаби – мотуридийлик ҳам мустақил тарзда тараққий этди. Ашъария мактаби, асосан, шофийийлар орасида тарқалган бўлса, мотуридийлар ханафийлик доираларида кўплаб тарафдорларга эга бўлди ва, хусусан, Мовароуннаҳр муслмонларининг асосий ақидасига айланди.

13-а.дан К. и. Ибн Сино асос солган шарқ фал.си б-н яқинлаша бошлади. На-

тижада, Ибн Халдун таъбири б-н айтганда, К. и. ва фал.ни бир-биридан ажратиш мушкул бўлиб қолди. Бу ҳол Байдовий (1286 й. вафот этган), Исфаҳоний (1349 й. вафот этган), Ижйий (1355 й. вафот этган), Тафтазоний (1390 й. вафот этган), Журжоний (1413 й. вафот этган) ижодида ўз ифодасини топди. Янги ва энг янги даврларда Жамолиддин Афғоний, Муҳаммад Абду, Аҳмад Амин, Ҳасан Ҳанафий каби мусулмон ислохотчиларининг асарларида К. и. ва айниқса, муътазиллийлар гоёлари мафкуравий асос вазифасини бажариб келди.

Пед. фани учун эса каломнинг ақл-идроққа асосланган далилларга таяниб мантикий таҳлил қилиш усули сифатида и. т.ларнинг моҳиятини очишда алоҳида ўрни бор.

«КАМАЛАК» – «Камолот» ёшлар ижт. ҳаракати таркибида ф-ят кўрсатадиган мактаб ўқувчиларининг ижт. уюшмаси.

КАМОЛОВ Жанобиддин Қиронович (1930. 12. 1, Чуст тумани) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2001). Тошкент пед. ин-тини тугатган (1959). Поп туманидаги 11-мактабда (1952–53), Чуст туманидаги 1-мактабда (1953–54), 17-мактабда мат. фани ўқитувчиси бўлиб ишлаган (1954 й.дан). К. дарсларни ноанъанавий усулда олиб борган; бир қанча методик қўлланмалар ва тавсиялар муаллифи.

КАМОЛОВА Наила Адельшина (1951. 22. 9, Когон тумани) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Бухоро пед. ин-тини тугатган (1973). Бухоро ш.даги 21-мактабда (1973–76), 23-мактабда жисмоний т-я ўқитувчиси

бўлиб ишлаган (1976 й.дан). К. томонидан ташкил этилган жисмоний т-я дарслари ўзининг ноанъанавийлиги, мазмунан бойлиги б-н ўқувчилар диққатини жалб қилган. Унинг ташаббуси б-н миллий спорт турлари, гимнастика бўйича машқлар, спорт мусобақалари, спартакиадалар низомлари, сайёҳлик йўналишлари ишлаб чиқилган. Мураббий сифатида соғлиғи заиф болалар учун реабилитация гуруҳи ташкил этиб, уларнинг соғлиғини тиклаш учун ўзи ишлаб чиққан машқлар мажмуидан унумли фойдаланган.

КАМОЛОТ (араб. – тўқислик, бекам, кўстлик, юксак натижа, етуклик) – инсонлар ўртасида жисмоний ва руҳий етукликнинг юксак даражасини исботлашда этиш б-н бирга ҳаётдаги ҳар қандаш мукаммал ҳодиса, иш ва ҳаракатга нисбатан ҳам қўлланадиган тушунча. Инсоннинг бир ёки бир неча соҳаларида ёхуд муносабатларда яққол кўзга ташланадиган, бошқаларникидан ижобий жиҳатлари б-н кескин фарқ қиладиган ўзгалар томонидан юксак эътироф этиладиган маънавий ёки жисмоний етуклик даражасидир. Тарихда турли соҳаларда инсоннинг К.га етгани ёки К.га етишини белгилаб берадиган турли мезонлар бўлган. К. шунчаки комилликка эришиш камол топиш эмас, балки узоқ давом этадиган таълим-т-я, умр давомида олинадиган билим ва тажриба, шаклланадиган ақл-идроқ, ахлокий фазилатларнинг бири-бирини тўлдириб борадиган бир неча босқичдан иборат тизимидир. Комил инсонни вояга етказишда маънавий т-я муважжидлик ва қатъийлик билан қўлланувчи ўрин тутаети. Замоनावий қоғоз

Инсон концепциясига асосан, баркамол шахс юксак маънавият соҳибидир. К. бўли зиддиятлар, синов ва машаққатлар, етуклар, қувончу изтиробларга тўла бўлиши керак. Инсон ўзининг К. даражасига баҳо бериши ва бу баҳо атрофдагилар, педагог мураббийларнинг баҳоси б-н тўла мос келиши мумкин. Бунинг учун шахсда танқидий тафаккур шаклланиши керак. Комиллик ахлоқий етуклик мезони сифатида ҳар бир шахснинг багалар б-н бўлган муносабатида кўзга ташланади. Комил инсон бошқалар б-н фарқро муносабат, таълим-т-я жараёни ҳамда ижт. муҳит таъсирида шаклланади. Инсон К.ида жисмоний гўзаллик, интеллектуаллик муҳим аҳамият касб этади. Жисмонан бақувват, соғлом бўлиши тафаккат шахсий, балки ижт. қадриятдир. Унинг яна бир муҳим белгиси Ватан, миллат, эл-юртга садоқат б-н хизмат қилишидир. К. инсоний фазилатларнинг муқомлигини ифода этади.

Маънавий-маърифий ишлар, таълим-т-я, тарғибот ва ташвиқот шахс К.ига қўлган таъсир кўрсатади. Таълим-т-я муҳим жасасалари, санъат ва маданият намоёнчиликлари, шахс К.ини таъминлашда муҳим ўрин эгаллайди.

«КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ. Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати – Ўзбекистон ёшларининг ихтиёрийлик асосида вужудга келган, ўзини ўзи бошқарадиган давлат нотижорат ташкилоти. Ҳаракат 2001 й. 25 апр.да бўлиб ўтган Таъсис қўрултойи қарори б-н ташкил топган. Таъсис қўрултойида Ҳаракатнинг Дасту-

ри ва Низоми қабул қилинди. Ҳаракат ф-ятининг асосий мақсади Ўзбекистон ёшларини бирлаштириш, соғлом турмуш талаблари асосида тарбиялаш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, ёш йигит-қизларнинг ўз ақл-заковати, куч-ғайратини тўла намоён этиши, ж-ятда муносиб ўрин эгаллашлари учун шарт-шароит яратиб беришдан иборат. Ҳаракатга унинг дастурий вазифа ва мақсадларини ҳамда Низом талабларини тан оладиган, уларни амалга ошириш йўлида фаол ҳаракат қиладиган, Ватан тараққиёти, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги йўлида меҳнат қилиш ва курашишни ўзи учун ҳаётий эътиқод деб биладиган, ўқишда, меҳнатда, ҳарбий хизматда, жамоатчилик ишларида бошқаларга ўрнак бўладиган, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, шахсий ва ижт. мавқеидан қатъи назар, қоида тариқасида, 14 ёшдан 28 ёшгача бўлган Ўзбекистон фуқаролари аъзо бўлиши мумкин. Ҳаракатнинг олий органи – 5 й.да бир марта чақириладиган Қурултой, раҳбар органи – 6 ойда бир марта чақириладиган Марказий Кенгаш, ижроия органи – 2 ойда бир марта чақириладиган Ижроия Кўмити ҳисобланади.

Ҳаракатнинг юридик шахс мақомига эга бўлган (Қорақалпоғистон Республикаси, вил.лар ва Тошкент ш.) бўлимлари, шунингдек, туман, шаҳар бўлимлари бўлиб, уларнинг юқори органи 2,5 й.да бир марта чақириладиган Конференциядир. Ҳаракат таркибида унинг ҳомийлиги асосида ишлайдиган, 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган ўқувчиларни бирлаштирадиган Болалар ташкилоти тузилган. Болалар

ташкilotи Ҳаракат Марказий Кенгаши томонидан тасдиқланган Низом асосида ф-ят кўрсатиб, ўз ф-ятини т-янинг ўзига хос ёндашув ва усулларидан фойдаланган ҳолда, болаларнинг қалби ва онгига Ҳаракатнинг асосий мақсад-муддаоларини сингдиришга қаратган.

Ҳаракат Ёшлар муаммолари ин-ти, «Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа марказини таъсис этган. «К.» ё. и. ҳ. муассислигида «Туркистон», «Молодёжь Узбекистана» газ.лари, «Ёш куч», «Сирли олам», «Синфдош», «Ғунча», «Ёшлик», «Қалб кўзи» жур.лари нашр этилади.

Ҳаракатнинг негизи бошланғич ташкилотлар бўлиб, улар мамлакатдаги барча ўқув муассасалари, меҳнат жамоалари, шунингдек, Куролли кучлар, ҳуқук-тартибот органлари тизимларида ёшларнинг хошиш-иродасига асосан тузилади. Ҳар бир бошланғич ташкилотнинг бир йилда бир марта ўтказиладиган умумий ҳисобот йиғилишида кўпчилик овоз б-н сайланадиган етакчиси бўлади.

«КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ ЕТАКЧИСИ – «Камолот» ёшлар ижт. ҳаракатини бошқарувчи шахс. Етакчилар, биринчи навбатда, ёшлар б-н тўғри муносабат ўрнатишлари, зарур вазиятларда таълим-тарбиявий мет.лар ва усуллардан унумли фойдалана олишлари керак.

Ҳар бир етакчи ўз ф-ятини самарали ташкил эта олиши, ёшлар унинг фикрини қўллаб-қувватлашига эришиши, ўзи бошқараётган гуруҳдагиларнинг имкониятларини намоён қилишга шароит яратиши лозим. Яхши етакчи бўлиш учун истакнинг ўзи кифоя қилмайди. Бу-

нинг учун етакчи ёшлар б-н ишлашнинг ўзига хос жиҳатлари ва қоидаларини билиши зарур. Ранг-баранг фикрловчи ёшлар б-н ишлашда юзага келадиган баъзи хато ва камчиликларнинг сабаби, аввало, етакчиларнинг улар б-н ишлашда зарур билимлардан беҳабарликлари ва тажриба орттирмаганидадир.

Етакчилар ф-ятини бевосита кузатиш ва ўрганиш натижасида айрим фикрлар вужудга келди. Дуч келадиган муаммоларни бартараф этишда қўйидагиларга эътибор қаратиш етакчилар ф-яти самардорлигини оширишга хизмат қилади: етакчи ж-ятимизнинг бугунги ҳаётидаги жараёнлар ва қўйилаётган талаблар моҳиятини чуқур англаб етиши; ёшлар б-н ишлаш, уларни бошқаришнинг асосий қонун-қоидаларини билиши; ёшлар б-н ишлаш жараёнидаги ўз бурчлари ва вазифаларини тўлиқ тушуниб етиши; ёшлар б-н муваффақиятли ишлаш учун ўз устида мунтазам ишлаши, нутқини ривожлантириши, билим, кўникма ва малакасини ошириб бориши муҳим аҳамиятга эга.

КАМГАП – кўп гапиришни ёқтирмайдиган, кам гапирадиган шахсларга нисбатан ишлатиладиган таъриф.

КАМТАРЛИК (фор. камтар – озроқ, камроқ; сийракроқ; мақтанишни истемайдиган, ўзини бошқалардан паст олтидиган, мағрурланмайдиган) – шахснинг кишиларга ва ўзига муносабатини ифодалашда, ўзига нисбатан ортикча хурмат ёки алоҳида эътибор талаб қилмаслик ва намоён бўлувчи фазилатни ифодалайди.

К.нинг зидди – мақтанчоқлик, манманлик, кибру ҳаво. К. кишилар б-н

яхши муомалادا бўлишда, ўзгаларга ҳурмат б-н қарашда, ўзини атрофдагилардан устун қўймасликда, ўзининг муваффақияти б-н мақтанмасликда, ўз хатти-ҳаракати ва хулқига танқидий кўз б-н қарашда намоён бўлади. Камтар инсон унинг хизматиға, ютуғиға берилган ҳар қандай баҳо ёки мукофот нисбий эканлигини яхши тушунади. Шу боис мақтовларға кеккайиб кетмайди, ҳушомадға учмайди. Камтар бўлиш – кишининг ўзи, ўз қобилияти ва хулқ-атвориға нисбатан талабчан бўлиш демақдир.

Камтар киши ўзининг шахсий хизматларидан кўра, ўз жамоаси эришган муваффақиятлар каттарок аҳамиятға эга эканлигини тушунади. У ғурурланмайди, ўз хизматлари, қобилиятлари ва ўзининг бошқалардан устунлигини пеш кўлмайди. Камтар киши ўз фикри ва маслагини зўрлаб ўтказишға уринмайди, балки бошқаларни ишонтириш бўлларини ахтаради ва фақат шу тарзда мақсадға эришади. У бировларнинг камчиликлариға қатъият б-н ёндашади. Шу б-н бирға, уларнинг шаъниға тегмаслик бўлгани тутиб, ҳушмуомалалик қилади. У бировни ҳушомад қилиб мақтамайди, лекин ҳам савлат тўкиб мақтанмайди.

Лекин К., хокисорлик бобида меъёрлар унутмаслик лозим. Ортиқча К. кишининг ғашига тегади, энг ёмони, ундай кишиларни атрофдагилар ожизликка қўлади, менсимай қўяди.

Оилада ота-оналар ўзларининг камчиликлариға юриш-туриши б-н болаларига ҳақ ҳаққатдан ибрат бўлиши керак.

К. шахсининг маънавий оламида сабр-тоқат б-н ёнма-ён туради. Сабр-тоқатсиз

одам камтар бўла олмайди. Камтар одам ўзгалардан камчилик ахтармайди, балки ўзининг хатоларига танқидий ёндашади. Камтар инсон шухрат топиш учун эмас, одамлар, оила, ж-ят, халқ ва Ватан олдидаги инсоний бурчини бажариш учун ҳаракат қилади. Эл-юрт, халқ учун бе-миннат хизмат қиладиган инсонларни халқ кадрлайди.

Ватаннимиз ва жаҳон тарихида К.нинг буюк тимсолиға айланган шахслар кўп бўлган. Имом Бухорий, Абу Райҳон Беруний, Аҳмад Фарғоний, Муҳаммад Мусо Хоразмий, Алишер Навоий, Абдуҳолик Гиждувоний, Аҳмад Яссавий, Али Қушчи, Бобораҳим Машраб сингари азиз-авлиё ва алломаларимиз шулар жумласидандир. К. зоҳирий ва ботиний бўлиб, уларни фарқлаш зарур. К.ка бир неча маънавий-ахлоқий сифатлар асос бўлади. Маънавияти бойи-ган сари одам камтарлашиб бораверади. Инсонларда К.нинг шаклланишида таълим-т-я, бадий ад. ва санъат муҳим ўрин эгаллайди. Камтар одам андишали ҳам бўлади. К. б-н андишалилик бири-бирдан фарқ қилади.

КАНТ Иммануил (1724. 22. 4 – Кенигсберг – 1804. 12. 2) – немис файласуфи, немис классик фал.си асосчиларидан бири. Кенигсберг ун-ти проф. (1770–96). Ижоди икки даврга бўлинган. «Танқидгача бўлган давр» 1770 й.гача давом этган. Бу даврда у фал. б-н бирға табиатшуносликка ҳам кизиқиб, бу соҳада бир қатор буюк ғояларни илгари сурган ҳамда «Осмоннинг умумий табиий тарихи ва назарияси» асарини ёзган (1755). Унда Н. Коперник, Ж. Бруно, Г. Галилей,

И. Кеплер ва И. Ньютон таълимотларига таяниб, Қуёш тизимининг газ ва чангдан тузилганлиги, ўрама шаклида муайян ўқ атрофида айланадиган катта булутдан пайдо бўлганлиги ҳақидаги гипотезани яратган. Кейинчалик улардан Қуёш ва сайёралар пайдо бўлганлигини тахмин қилган. К. тирик жонзотлар турларининг ривожланиши борасида фикр билдириб, уларнинг муайян кетма-кетликда пайдо бўлиши ҳақидаги ва инсон ирқлари табиий келиб чиққанлиги ҳақидаги ғояларни илгари сурган. К. танқидгача бўлган даврида Ж. Ж. Руссо, Р. Декарт, Г. Лейбниц каби файласуфларга ҳамоҳанг равишда рационализм ва гносеологик оптимизм руҳида фикр юритган. К. ижодининг «Танқидий даври» 1770 й.дан бошланиб умрининг охиригача давом этган. К. дунёқарашининг бундай ўзгаришида Д. Юм фал. таълимотининг таъсири катта бўлган. Танқидий даврда К. инсон тафаккури ва руҳи имкониятларини тадқиқ қилган бўлиб, бу К.нинг пед. га қўшган муҳим ҳиссаси ҳисобланади. К. инсон образини янгича тасаввур этиб, уни қарама-қаршиликларга тўла ўз дунёсининг буюк яратувчиси сифатида талқин этади. Унинг пед. қарашлари «Соф ақлнинг танқиди» (1781), «Амалий ақлнинг танқиди» (1788), «Муҳокама қобилиятини танқид» (1790) асарларида ифодаланган. Бу таълимот асосида борлиқ, ахлоқ каби муҳим масалаларни таҳлил қилиш учун инсон билими имкониятлари ва чегараларини аниқламоқ керак деб ҳисоблайди. Унингча, агар инсон мутлақ билимга эга бўлса, унда ахлоқий бурчни бажариши учун кураш ҳам, инти-

лиш ҳам бўлмасди. К. таълимоти бўйича макон ва замон ғоялари инсонга унинг тасаввурларидан олдин, яъни априор (лат. a priori – тажрибагача) шаклда маълум. Макон ва замон реал эмас, балки факт тушунча ва ғоялардadir, улар ҳиссий мушоҳаданинг априор шаклларидир. Билиш назариясида диалектикага катта ўрин беради. К. билиш жараёнининг бир қатор антиномияларини, яъни зиддиятларини кўрсатиб беради ва қарама-қаршиликни билишнинг зарур омили сифатида қарайди. К.нинг пед. қарашлари бугунги кун учун ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

КАРАКОЗОВА Сайде Эмировна (1954. 8. 3, Самарқанд) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Самарқанд ун-тини тугатган (1972). Самарқанд туманидаги 57-мактабда мат. ўқитувчиси (1972 й.дан). К. дарсда кўرғазмали ўқуқурулларидан унумли фойдаланган. Дарсларни янги пед. техн. асосида таъқил этишда алоҳида муваффақиятлар қозонган.

КАРИМОВ Абдуҳаким Каримович (1944, Нарпай тумани) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Бухоро пед. ин-тининг филология ф-тини тугатган (1970). Конимех шаҳарчасидаги 9-, Бухоро ш.даги 20-, Нарпай туманидаги 1-мактабларда (1970–76), Октебр ш.даги 2-мактабда рус тили ва адабиёт ўқитувчиси бўлиб ишлаган (1976 й.дан). К. дарс жараёнида таълимнинг ноанъанавий усулларидан ва техника воситаларидан унумли фойдаланган.

КАРИМОВ Бахтиёр Рауфович (1960. 04, Тошкент ш.) – Ўзбекистон Республикаси

тикаси халқ ўқитувчиси (2014). Тошкент техника ун-тини тугатган (1982). Шайхонтохур туманидаги 53-умумтаълим мактабининг мат. ўқитувчиси (1982–86). Чилонзор туманидаги 138-мактабда (1986–2003), Чилонзор туманидаги 90-мактабда информатика фани ўқитувчиси (2004 й.дан).

«Иқтисод алифбоси» (1996), «Информатика татбиқлари» (1996) қўлланмалари муаллифи. «Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари» фани бўйича ДТС яратиш ва тажриба-синовдан ўтказишда фаол иштирок этган (1991–97). «Иқтисод алифбоси» рўқибатида «Бошланғич таълим» жур.ида 30 дан ортиқ мақолалари chop этилган.

«Шухрат» медали б-н тақдирланган (1998 йил).

КАРИМОВ Жўра (1946. 17. 12, Қарши тумани Яккаёғоч қишлоғи) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1999). Қарши пед. ин-тининг физика-мат. ф-тини тугатган (1968). Қарши туманидаги 12-мактабда (1968–79), 9-мактабда физика ўқитувчиси бўлиб ишлаган (1979 й.дан). К. физика дарсини ўзи ясаган кўرғазмали ўқув қуроллари асосида ташкил этган. Унинг баҳолар кўрсаткичи, электр ҳаракати кўрғазмалари танловларда совринли ўринларни эгаллаган. К. янги пед. техн. асосида физика фанини ўқитишда «конференция», «мулоқот», «миллий ўйинлардан фойдаланиш» каби замонавий усулларни қўллаган.

КАРИМОВА Зулфия Бўроновна (1948. 26. 8, Бекобод тумани) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2000). Республика рус тили ва ад.и ин-тини ту-

гатган (1974). Ширин ш.даги 2-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб ишлаган (1967 й.дан). К. дарсларни замонавий усулда ташкил этган, ноанъанавий дарс усулларидан, янги пед. техн.дан унумли фойдаланган.

КАРИМОВА Мунисхон (1950. 28. 6, Бекобод тумани) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Тошкент ун-тини тугатган (1972). Бекобод туманидаги 11-мактабда (1972–80), 6-мактабда кимё ўқитувчиси бўлиб ишлаган (1980 й.дан). К. дарс жараёнида янги пед. техн., халқ пед.си усулларидан унумли фойдаланган.

КАРИЦКИЙ Владимир Дмитриевич (1930. 27. 1, Самарқанд вил.) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Тошкент пед. ин-тини тугатган (1959). Турли мактабларда рус тили ва ад.и ўқитувчиси (1956–66), Ўзбекистон Маориф вазирлигида методист, туман халқ маорифи бўлимида йўриқчи (1966–77), Миробод туманидаги 31-мактабда (1977–87), 263-мактаб директори вазифасида ишлаган (1987 й.дан). У мактабда физика, мат., ЭХМ бўйича чуқур ўзлаштирадиган ўқувчилар учун лицей-синфларини очган.

КАРНАП Рудольф (1891. 18. 5, Вупперталь – 1970. 16. 9, Санта-Мария, АҚШ) – мантикий позитивизм ва фан фал.сининг етакчи вакили, файласуф ва мантиқшунос. Вена тўғарагининг фаол иштирокчиси. 1935 й.дан АҚШда яшаган. К. фал.нинг дунёқарашлик хусусиятини инкор этади ва уни математик мантиқ аппаратига асосланган «фан тилининг мантикий таҳлили»дан иборат қилиб

қўяди. К. фикрича, бу таҳлилнинг назарий-билиш асоси – эмпиризмни конвенционализм б-н бирлаштиришдан иборат. К. асарларида неопозитивизмнинг фал. концепцияси мантиқ назарияси ҳамда фаннинг мантикий-методологик таҳлил соҳасидаги тадқиқотлар б-н чирмашиб кетади. К.нинг табиатга қарашлари эволюциясида мантикийликни икки босқич – синтактик босқич ва семантик босқичга ажратиш мумкин. Синтактик босқичда К. мантиқ фанини тилшунослик фанининг мантикий синтаксиси сифатида олиб қарайди. Семантик босқичда фан тилининг фақат формал жиҳатини эмас, балки мазмун томонини ҳам тадқиқот предмети қилиб қўяди. Бу босқичда К. мантикий семантиканинг бошланғич тушунчалари асосида формал мантикнинг ягона бир тизимини тузишга уринади. К. ўзининг сўнгги асарларида назарий прагматика (семиотика)ни ишлаб чиқиш мумкинлигини исботлашга ҳаракат қилган. К. асарлари шахснинг мантикий фикрлаш ф-ятини ривожлантиришда алоҳида аҳамият касб этади.

КАРРИКУЛЯР ВАЛИДЛИК – тестнинг ўқув фани режаси ва дастурига мос келиш тавсифи, тест топшириқларининг дарслик, ўқув қўлланмалар ва назарда тутилаётган ўқув фани бўйича ишчи дастурга қай даражада мос келишини ифодаловчи ҳодиса.

КАРТОЧКАЛАР БИЛАН ИШЛАШ МЕТОДИ – таҳсил олувчилар б-н оммавий ва гуруҳ шаклида ишлашда қўлланиладиган интерактив мет.

КАРТОГРАФИК ТАДҚИҚОТ УСУЛИ – халқ пед.сининг худудлар б-н

боғлиқ жиҳатларини ўрганишда ва хариталаштиришда фойдаланиладиган и. т. усули.

КАРТОТЕКА УСУЛИ (юн. kartis – папирус барги + theke – омбор; кути) – 1) маълум бир нарсага, соҳага оид маълумотлар ёзилган ва тартибга солинган карточкалар мажмуи; 2) дарсларда шундай карточкалар б-н ишлаш усули. К. унинг асосий мақсади изланаётган объектни топишни осонлаштиришдан иборат.

КАР-СОҚОВ БОЛАЛАР МАКТАБИ – кар-соқов болаларга таълим-т-я беришга ихтисослашган махсус ўқув-т-я муассасаси.

КАРНЕГИ Дейл – америкалик педагог, психолог ва ёзувчи. К. ўз даври психологларининг назарий қарашларини амалиётга татбиқ этган ҳамда мулоқот назариясини яратган. У ўз кўникмаларини такомиллаштириш бўйича психологик курсларни ишлаб чиққан, самарали мулоқот, нотиклик санъати курсларини ҳам яратган. К. ёшлигидан ўқитувчи бўлишни орзу қилган. «Самарали нотиклик санъати ва инсоний муносабатлар» ин-тини ташкил қилган. Кўплаб мамлакатларда унинг филиаллари мавжуд бўлган.

К.нинг «Қандай қилиб дўст орттириш ва одамларга таъсир ўтказиш мумкин» деб номланган асари шахслараро муносабатларни йўлга қўйиш ва мулоқот маданиятини ривожлантиришда катта аҳамиятга эга бўлиб, у дунёнинг кўплаб тилларига таржима қилинган.

КАСБ – махсус тайёргарлик ва иш тажрибаси натижасида маълум бир соҳада

касбий ф-ятни амалга ошириш учун назарий билимлар мажмуасини, амалий кўникма ва малакаларни эгаллаган шахснинг жисмоний имконият, ақлий қobiliят ва юридик ҳуқуқлар асосида амалланадиган меҳнат ф-ятининг тури.

КАСБ ОДОБИ – кишилар ўртасидаги касбий ф-ят б-н боғлиқ муносабатларга маърифий тус берадиган ҳуқуқсозор кодекси; ж-ят томонидан қабул қилинган ахлоқ қоидаларини кишиларнинг ихтисосликларига нисбатан татбиқ қиладиган касбий бурч, шаън, ор-номус, с-др-қиммат каби хатти-ҳаракатларнинг мажмуи.

К. о. барча учун бирдек тааллуқли бўлмаган, балки муайян касб-кор эгаллигига тегишли ижт. ҳуқ-атвор қоидалари, меъёрларидир. Педагогнинг К. о., аввало, нима учун бу касбни танлаганини теран англамоғи, инсонларни қандай тарбиялаш кераклигини тушуниб етмоғини англатади. Бу эса пед. ф-ят ва этикетнинг асосий омилidir. Боланинг ички дунёсига кира билиш, эшонган дўсти бўлиш, уни эзгуликка йўналтириш, ж-ятга фойдали инсон этиб эътиборга етказиш, унда масъулият ҳиссини шакллантириш пед.нинг бош тамойилидир. К. о. қонун-қоидалари меҳнат ф-яти жараёнида шаклланади, такомиллашиб боради. Касбий омилкорлик, ўз ишини яхши билиш, қайси касб бўлишидан қатъи назар, ахлоқий меъёрларнинг бошланишидир. К. о. меъёрлари айнан эволюция, амалиёт б-н узвий боғлиқлиги билан соҳада, шу жумладан, пед.да юзага келадиган мураккаб масалалар ечимини топишда ёрдам беради. Илғор педагог-

ларнинг ижодий ф-яти бунга мисолдир. Ўқув-т-я жараёнидаги асосий тамойиллардан бири – болани ўз кучига ишонадиган, эркин ва мустақил фикрлайдиган инсон этиб тарбиялашдир.

Таълим муассасаларида ўқувчиларни касбга йўналтириш жараёнида уларга касблар ҳамда уни бажаришда амал қиладиган ахлоқ-одоб меъёрлари ҳақида маълумот бериш мақсадга мувофиқ.

КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШ – таълим тизими муассасасалари, педагог, психолог, тиббиёт ходимлари, ота-оналар ва жамоатчиликнинг ёшларни ўз жисмоний, интеллектуал ва руҳий хусусиятларига мувофиқ келадиган касбни онгли равишда танлашга ўргатишга қаратилган биргаликдаги пед. ф-яти; умумий таълимнинг таркибий қисмини ифодаловчи тушунча. К. й. турли касб-ҳунарлар ва уларнинг ўзига хосликлари ҳақида ёшларга тушунча бериш ҳамда уларда индивидуал имкониятларга мос келадиган касбга қизиқиш уйғотишни кўзда тутати.

Ҳаётда кўпинча ёшлар ўз қизиқиш ва иқтидорларига мос касб танлай олмайдилар. Натижада, ота-она тавсияси, тенгдошлардан ажралиб қолмаслик ёки уйга яқин бўлган таълим муассасасида ўқиш ва шу қабилар ортидан эгалланган касб унга ёқмайди, бажараётган ишига бефарқ бўлиб қолади. Бундан меҳнат унумдорлиги пасаяди. К. й. бундай ноқоиз ҳолатларнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга. Шунинг назарда тутилган ҳолда 19-а.нинг охири 20-а.нинг бошларида олимлар ёшларни касбга тўғри йўналтириш жуда муҳим деган ҳу-

лосага келганлар. Уларнинг қарашлари бўйича ёшларнинг касб танлаши К. й. ва касбий маслаҳатлар орқали амалга оширилиши керак. Ўз даврида К. й.нинг илмий асослари ҳам ишлаб чиқилган. Бунинг учун ҳар бир касб эгасидан талаб этиладиган психологик ва жисмоний ўзига хосликларни ўрганиб чиқиш ҳамда ўсмир ва ўспиринлар табиатидаги майл, қизиқиш ва иқтидорнинг қайси касбга мувофиқлигини аниқлаш лозимлиги белгиланган.

Ўқувчиларни К. й. – ўқитувчи ва ота-оналар томонидан амалга ошириладиган ақлий ва жисмоний ҳаракатлар кечимидан иборат бўлиб, ёшлар меҳнат предметлари ва жараёни ҳақида амалий кўникма ва малака эгаллашади, ўзларида онгли равишда касб танлаш ижт. меҳнат ф-ятига тез ва осон қўшилиб кетишни таъминлайдиган шахсий сифат ва қарашларни ҳосил қилишади. Бу жараён ёшларга муайян касб тўғрисидаги илк тасаввурларни беради ва келажакда бирор касбни танлашида муҳим ўрин тутди. К. й. ёшларни меҳнат ф-ятига тайёрлашдан иборатдир.

К. й.да ота-оналар, меҳнат илғорлари б-н суҳбатлар ўтказиш, ишлаб чиқариш корхоналари, ўқув юртларига экскурсиялар уюштириш, турли касблар тўғрисидаги махсус ўқув фильмлари ҳамда телекўрсатувлар намойиш этиш муҳим аҳамиятга эга. К. й.да ҳар бир касбнинг ўзига хосликлари б-н биргалликда унинг келажаги, бизнинг шароитимизда ушбу касбга бўлган эҳтиёж ҳақида ҳам ёшларга маълумотлар берилиши зарур. К. й.да тарғиб қилинаётган

касб хусусиятларидан ташқари ёшларнинг шахсий сифатларини ҳам чуқур билиш муҳим. К. й. ёш нуқтаи назаридан чегараланмайди. К. й.да маҳаллий шарт-шароит ва эҳтиёж ҳам тўғри ҳисобга олиниши аҳамиятли.

Мактаб ўқувчиларини К. й.да таълим муассасаси б-н бир қаторда оила муҳити муҳим роль ўйнайди. Оила кутубхонасидаги ад.лар б-н танишиб бориш, оила даврасидаги касбий суҳбатлар болани ота ёки онанинг касбига йўналтириши унга нисбатан меҳр уйғотиши мумкин. Албатта, бу ўринда бунга рағбат бериш керак. Ёки аксинча, болада қобилият бўлмаса, ота-она касбини эгаллашга «зўрлаш» келажакда яхшиликка олиб келмайди.

Фарзанднинг умумий лаёқати (юксак интеллект, яхши хотираси, ижодий тасаввури ва ҳ.к.)дан ташқари шахсий лаёқати (мат. ёки техникага, санъатга ёки гуманитар фанларга қизиқиш)га ҳам эътибор бериш лозим. Келажакдаги ф-ятида боланинг соғлиғи муҳим аҳамиятга эга. Баркамол авлодни камол топтириш, фарзандларни ҳар жиҳатдан етук этиб тарбиялаш уларнинг ўзлари танлаган ҳар қандай касбда муваффақиятга эришишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси КТМДда асосий касбий йўналиш б-н бир қаторда, болага ҳунар ўргатишга алоҳида аҳамият берилган. Ўқувчиларнинг умумтаълим ва касб-ҳунарга тайёргарлигини бирлаштиришни КХК ва АЛларда амалга ошириш ўқиш жараёнида фанлараро алоқадорликни ўрнатиш имкониятини анча кенгайтиради.

КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШ ТИЗИМИ

– дав. ва жамоат ташкилотлари, муассасалар, мактаблар, шунингдек, оилавий ташкилий ва бошқарилувчан ф-яти бўлиб, у ж-ят манфаатлари ва таълим вазчиларнинг шахсий қизиқишларига эришади. Ўз-ўзини касбий ҳамда ижт. муваффақиятга эриштиришга жараёни.

КАСБИЙ ЙЎНАЛГАНЛИК – шахснинг муайян касбга мойиллиги, интилиши ва ифодаловчи тушунча.

КАСБИЙ БИЛИМДОНЛИК – мутахассиснинг илмий асосланган, ўқув методларида белгилаб берилган билим, кўникма ва малакаларга эгаллиги, касбий ф-ят кўрсата олиш лаёқати, мавжуд вазитни амалга ошириш жараёнида вазитни келадиган муаммоларни ечишнинг қулай йўллари топа олиш имкониятини намоён бўлиши.

КАСБИЙ ВАЗИФАЛАР – муайян ўқув муассасаларининг битирувчиларига теъдилли бўлиб, шахснинг ҳаётда эгаллашга соҳасида ф-ят кўрсата олиш, ўз касби соҳасидаги билимларни ўзлаштириш ва қисмни амалда қўллаш олиш лаёқатини ифодаловчи тушунча.

КАСБИЙ ИДРОК – мутахассиснинг ўз касбининг нозик сир-асрорларини билиши, тушуниш, уни яхлит ҳис этиши.

КАСБИЙ КЎНИКМА ВА МАЛАКА – маҳсус тайёргарлик ва иш тажрибаси соҳасида маълум бир соҳада касбий вазитни амалга ошириш учун назарий билимлар мажмуаси ҳамда амалий кўникма ва малакаларни эгаллаган шахснинг касбий имконият, ақлий қобилият ва юридик ҳуқуқлар асосидаги инсоний қобилият ф-ятига лаёқатлили эканлигини

ифодаловчи тушунча. К. к. ва м. кишидан меҳнат ф-яти, доимий машғулот, иш турини малакали бажаришга имкон берадиган билим, маҳорат ва тажрибани талаб этади.

КАСБИЙ МАДАНИЯТ – инсоннинг олган билими ва тажрибасига асосланган малакали ҳаракатлари ёки меҳнат ф-ятининг маҳсулидан бунёд бўлган нарсалар, ўзгаларда завқ уйғота оладиган ижт. ҳодиса. Шахснинг К. м.и билими, малакаси, кўникмаси, қобилияти, ахлокий ва эстетик ривожланиши, дунёқараши, одамлар б-н ўзаро мулоқот қилиш усул ва шакллари, истеъдоди даражасида амалга оширадиган кучи ва салоҳиятни ўз ичига олади. К. м.ни ўзлаштириш кўрсаткичлари ва натижалари кишининг касбий лаёқатлилиги, ишлаб чиқариш, фойдаланиш, ишчи ҳолатида сақлаб туриш қобилиятлари, касбий ҳаракатчанлик; ўқиш, билимларни ва техн.ни қўллаш малакасини ошириш; ихтисослашиш қобилияти; ташкилий – касбий ф-ят масалалари борасида ўзини ўзи ахб. б-н таъминлаш, ўз хатти-ҳаракатларини ҳамкасблари б-н мувофиқлаштириш, қарор қабул қилишда ўзини ўзи идора қилиш, мустақиллик, якуний натижага йўналтирилган ўзини ўзи текшириш, расмий шахслар б-н иш юзасидан олиб бориладиган муносабатларни амалга оширишда, ишга қабул қилиш ҳужжатларини расмийлаштиришдаги касбий, ахлокий кўриниши, иш жойи ва жиҳозларни тутиши, илғор тажриба, инн-он жараёнлар, замонавий техн.ни англаши ва қўллаши б-н ижодий қобилиятларидир.

Ўқитувчининг касбий маданияти унинг барча билимлари, лаёқати, мулоқотга киришувчанлиги, пед. маҳорати, ўқувчилар б-н муносабатини ўзида муҷассамлаштиради.

КАСБИЙ МАҲОРАТ – 1) таълим жараёнида пед. стратегия, стратегик мақсад ва вазифаларни тўғри белгилаш, қарорлар қабул қилиш, таълим жараёнини лойиҳалаштириш, инн-он педагогик ф-ятни ташкил этиш, таълимни бошқариш жараёнига тизимли ёндашувларни лойиҳалаш техн.сини жорий этиш ҳамда бошқарув усуллари, мет.лари ва тамойилларидан самарали фойдаланишдан иборат касбий техника даражаси; 2) бошқарувда стратегия, стратегик мақсадлар ва вазифаларни тўғри белгилаш, қарорлар қабул қилиш, муассасанинг умумий ф-ятини лойиҳалаштириш, инн-он ф-ятни ташкил этиш, бошқарув жараёнига тизимли ёндашувларни лойиҳалаш техн.сини жорий этиш ҳамда бошқарув усуллари, мет.лари ва тамойилларидан самарали фойдаланиш.

КАСБИЙ ЛАЁҚАТ – бирор касбга яроқлилиқ, қодирлик, қобилият. Шахснинг муайян касбга қобилиятлилиги.

КАСБИЙ МОЙИЛЛИК – шахснинг муайян касбни эгаллашга бўлган хоҳиш-истаклари, майллари.

КАСБИЙ ОНГ – муайян касб-ҳунар эгасининг ўз ф-яти сирлари, хусусиятларини тушуниши, сезиши ҳамда унга муносабатини ифодаловчи атама.

КАСБИЙ ТАВСИФНОМА – касбнинг таърифий модели. Касб-ҳунарга тегишли бўлган мутахассисликлар номлари: касбнинг вазифаси ва қўллаш дои-

раси; малакани ошириш истикболлари, ўқитиш чегаралари (касб-ҳунарга эга бўлиш учун талаб этиладиган умумий таълим даражаси); касбий аҳамиятга эга бўлган шахс сифатларининг психологик-физиологик минимуми (тиббий ва ёшга оид чеклашлар); касбий ф-ятнинг таркибий предметлари мажмуасини ифодаловчи тушунча.

КАСБИЙ ТАЖРИБА – аждодларнинг касбий тажрибасини ўзлаштириш ва уларни амалиётда қўллашни таъминлаб берувчи тушунчалар тизими. К. т. ижт. тажрибанинг таркибий қисмини ифодалайди. Ижт. тажриба раҳбар ёки педагогнинг ўз ф-яти давомида фан-техника янгилликларига, илғор тажрибаларга таяниши ҳамда мазкур тажрибалар асосида ўзининг кўникма ва малакаларини шакллантириб бориши б-н бир қаторда пед. жараён иштирокчилари ф-ятини мувофиқлаштиришини аниқлатади.

КАСБИЙ ТАЙЁРГАРЛИК – таълим олувчиларнинг муайян иш ёки ишлар мажмуини бажариш учун зарур малакаларни жадал эгаллаш мақсадини назарда тутадиган пед. жараён. К. т. – аниқ касбий ф-ят доирасида иш бажаришга имкон берувчи билимлар, кўникма ва малакаларни шакллантирувчи жараёндир.

КАСБИЙ ТАЪЛИМ – муайян соҳага оид иш ф-ятини шакллантириш ва ривожлантиришга йўналтирилган таълим соҳаси.

КАСБИЙ ТАРБИЯ – инсон касбий маданиятига оид стратегия, усул, малака касбий-шахсий сифатларни шакллантириш жараёни.

КАСБИЙ ФАОЛИЯТНИНГ МАЗМУ- НИЙ ПАРАМЕТРЛАРИ – ф-ят модели

муайян касб-ҳунар (мутахассислик) моделларининг таърифий мажмуи. Касбий ф-ят турлари ва ўқитиш предметларига мувофиқ билим, кўникма ва малакалар шундаги маълумотларни ўз ичига олади.

КАСБИЙ ФАОЛИЯТ СОҲАСИ – касбий билим, малака ва кўникмаларнинг белланиш доираси. Унинг номланиши шунисодий-ижт. соҳалар номлари б-н беллаштирилади.

КАСБИЙ ЎЗ-ЎЗИНИ АНГЛАШ – шахс ўзининг танланган, ўзлаштирилган ва бажарилган меҳнат ф-ятида ифода-лашини англатувчи тушунча.

КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ – ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юрти. Ўзбекистон Республикасида 1997 й. 29 авгда қабул қилинган КТМД ва «Таълим қисмида»ги Қонунга мувофиқ, ушбу мактаблари (9-синф)ни тугатган ўқувчилар қабул қилинади.

К. х. к.га умумий ўрта таълим мактаблари 9-синфи битирувчиларининг якуний ҳисоб-китоб аттестацияси натижасига биноан берувчи томонидан йиғилган рейтинг ҳисоб-китоблари ҳамда пед.-психологик таҳлил марказлари тавсиялари асосида қабул қилинадилар. Таълим муддати 3 й.

К. х. к.да таълим худди АЛларда қилинади ва каби мажбурий-ихтиёрий. Мажбурийлик – бу икки йўналишдан бирида таълим олишни давом эттиришнинг шартлиги. Ихтиёрийлик эса ўқувчининг ўзи танлаётган ҳамда лаёқатига мос йўналиш (касб-кор)ни эркин танлашидир.

К. х. к. ўрта махсус, касб-ҳунар таълими беради; ўқувчиларнинг касб-ҳунарга

мойиллиги, билим ва кўникмаларини чуқур ривожлантириш, танлаб олинган касб-ҳунар бўйича бир мутахассислик ва 2–3 ишчи касб кўникма ва малакаларини эгаллаш имконини яратади. К. х. к.да таълим олиш ўқувчиларга ўз билимларини чуқурлаштириш ва танлаган ихтисосликларига эга бўлишни таъминлайди. К. х. к.ларида ўқув дастурлари олдинги ўқув босқичи – умумтаълим мактаблари ва кейинги поғонада турган ОЎЮнинг ўқув дастурлари б-н ўзаро муносибликда бўлиб, таълимнинг узлуксизлик ва изчиллик тамойилига амал қилади.

К. х. к. замонавий ускуналар, ўқув-услугий, кўргазмали воситалар, ахб. техн.си ва комп.лар б-н жиҳозланган. К. х. к.да ишчи кадрлар эмас, балки кенг ихтисосликдаги кичик мутахассислар тайёрланади ва уларни тайёрлашда ҳар бир худуднинг ўзига хос географик ва демографик шарт-шароитлари ҳамда мутахассисларга бўлган маҳаллий эҳтиёжлари ҳисобга олинади. Ўқувчиларга бериладиган ишлаб чиқариш таълими ўқув муассасасининг замонавий жиҳозланган устахоналарида ва корхоналарида ишлаб чиқариш амалиёти б-н узвий боғлиқ ҳолда олиб борилади. Умумий билимлар асосларини бериш, ёшларнинг дунёқарашини кенгайтириш, уларни ҳар томонлама ривожлантириш ва замон талабларига жавоб берувчи мутахассис бўлиб етишиши учун берилаётган таълим миллий кадриятларга ҳурмат, мустақил дав.имизга содиқлик ва ифтихор туйғулари руҳидаги т-я б-н муштаракликда амалга оширилади.

К. х. к.нинг битирувчиларига дав. томонидан тасдиқланган намунадаги диплом берилади. Бу дипломлар таълимнинг кейинги босқичларида ўқишни давом эттириш ёки эгалланган касб-ҳунар бўйича меҳнат ф-яти б-н шуғулланиш ҳуқуқини беради.

КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИДА ТАЙЁРЛОВ ЙЎНАЛИШЛАРИ – аниқ касбий йўналиш ф-яти соҳасида мутахассисларга касбий таълим бериш доираси. Мутахассисларни касбий ф-ятнинг аниқ соҳаси бўйича тайёрлаш йўналишининг номи меҳнат ф-ятининг мазмуни ва хусусияти орқали аниқланади.

КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ – ўқувчиларга ўрта махсус касб-ҳунар таълими беришга йўналтирилган пед. жараён. Ўрта махсус таълим КҲКларида амалга оширилади. Унинг асосий мақсади ишлаб чиқаришнинг биринчи бўғинидаги ташкилотчи ва иш бошқарувчиларни, олий тоифали мутахассисларнинг ёрдамчиларини, юқори малака ва кўникмаларни талаб қилувчи маълум бир турдаги ишни мустақил бажара олувчи мутахассисларни тайёрлашдан иборатдир.

Ўрта махсус таълим у. ў. т.да эгалланган амалий ва назарий билимлар б-н бир қаторда касб-ҳунарга оид кўникма ва малакаларни маълум бир соҳада ривожлантиришга хизмат қилади.

Ўрта махсус касб-ҳунар таълими 2009 й.дан бошлаб мажбурий ҳисобланиб, у. ў. т. мактабининг битирувчилари хоҳишларига биноан ўқиш йўналишини – АЛ ёки КҲКни танлайдилар. Ўрта махсус К. х. т. битирувчиларнинг меҳнат бозорида ўз ўринларини топишлари учун

аниқ бир йўналишда ва умумтаълим фанлари бўйича билим беради. Касб-ҳунар коллежлари касб таълими б-н бир қаторда АЛлар каби ўрта махсус таълим ҳам бериб, бу кейинчалик узлуксиз таълимни давом эттириш ёки мутахассислиги бўйича иш б-н шуғулланиш имконини беради.

КАСБИЙ ПЕДАГОГИКА – педнинг ёшларга касбий таълим беришнинг назарий-амалий асосларини ўрганадиган соҳаси. К. п. касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ва ОЎЮ талабаларига касбий билим, кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, уларни ҳар томонлама ривожлантириш муаммолари б-н шуғулланади. К. п. таълим олувчиларни касбий ривожлантириш қонуниятларини ўрганади. таълим-т-я, пед. ва ахборот техн.ини қўллаш мезонларини ишлаб чиқади. касб таълими муассасалари турларини ва уларни бошқариш тизимини назарий эмпирик жиҳатдан асослайди. Пед.нинг ушбу соҳаси инсонни касбий ф-ятга тайёрлаш, ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаш, малакали мутахассисларни янги талаблар даражасига мос равишда тайёрлаб боришни кўзда тутади.

КАТЕХИЗИС (юн. – оғзаки ўргатаман таълим бераман) – Европада бир неча асрлар давомида мактабларда қўлланиладиган бошланғич диний билимларни савол-жавоб тарзида ўргатувчи курс.
КАТТАЛИК – бирор объектни характерловчи ва унинг муайян бир нусخаси учун берилган сонли ёки матнлик қийматни белгиловчи кўрсаткич.

КАТТА ИЛМИЙ ХОДИМ – Ўзбекистонда ижт. т-я муассасалари ва ОЎЮда илмий унвон ҳамда лавозим. К. и. х. унвон танлов бўйича ёхуд аттестация тартиби асосида ижт. т-я бўлими (бўлимси, сектори, лаб.) мудир, бош илмий ходим, ёштакчи илмий ходим, К. и. х. ёхуд илмий котиб лавозимига тайинланган, камида 3 йиллик илмий иш стажи, ихтиролар ёки босма илмий асарларга, шу жумладан, дисс. ҳимоясидан кейин эълон қилинган илмий асарларга эга ва ана шу лавозимларда камида 1 й. муваффақиятли ишланган фан д-рлари ва номзодларига беришди. К. и. х. унвонини, қайси идорага бўйсунушидан қатъи назар, республика ОЎЮ ва и. т. муассасалари илмий (илмий-техника) кенгашларининг тавсиясига биноан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси беради. К. и. х. ларга белгилаб қўйилган намунадаги аттестатлар топширилади.

КАТТА ИЛМИЙ ХОДИМ-ИЗЛАНУВЧИ – олий таълим ёки и. т. муассасасига К. и. х.-и. лавозимига белгиланган тартибда қабул қилинган шахсни билдирувчи атама.

ОЎЮдан кейинги таълим ин-тига К. и. х.-и.лар сифатида қирувчи шахслар ҳақидаги талабларга жавоб бериши келтирилади:

– камида 2 йиллик илмий ёки илмий-педаг. иш стажига;

– ОТМ магистратураси дипломига ёки унга тенг бўлган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академияси, Ички ишлар академияси ва Ўзбекистон

Республикаси Миллий ҳавфсизлик хизмати олий таълим муассасалари дипломига ёхуд фан номзоди илмий даражасига ёки магистр даражаси жорий этилгунгача олинган олий маълумот тўғрисидаги дипломга;

– илмий изланишлар ва илмий-педаг. ф-ят б-н шуғулланиш лаёқатига;

– муайян илмий натижаларга, жумладан, илмий журналлар ва нашрларда чоп этилган камида учта илмий мақолага ва илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва давра суҳбатлари тўпламларида, тегишли илмий йўналишлар бўйича илмий ишлар тўпламларида фан д-ри илмий даражаси олиш учун дисс. тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган иккита тезисга эга бўлиши;

– хорижий тилни магистратура битирувчисининг тегишли даражасида билиши;

– замонавий ахб.-коммуникация технологиясидан, интернетдан фойдалана олиши талаб этилади.

К. и. х.-и.лар ўқишнинг биринчи йилида танланган мутахассислик бўйича назарий ва методологик дастурни ўзлаштирадилар.

Мутахассисликлар бўйича назарий-методик дастурлар К. и. х.-и.ларнинг илмий маслаҳатчилари томонидан ишлаб чиқилади ҳамда олий таълим ёки и. т. муассасаларининг илмий кенгаши томонидан тасдиқланади. Назарий-методик дастур умумий концепцияни ва методология масалаларини, назарий асосларни ҳамда ушбу фан бўйича и. т.лар усуллари ўз ичига олиши лозим.

Ўқишнинг кейинги йилларида К. и. х.-иларнинг махсус билимларини ошириш мақсадида олий таълим ёки и. т. муассасаларининг илмий кенгашлари томонидан фан соҳаларига кўра Олий аттестация комиссияси томонидан белгиланадиган фанлар бўйича малака ўқув дастурлари ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Малака ўқув дастурлари К. и. х.-илар томонидан мустақил равишда ўзлаштирилади.

К. и. х.-илар учун назарий ва и. т. ишлари бўйича юклама ҳажми ҳафтасига 36 соатни ташкил қилади, улардан 12 соатдан ортик бўлмаган юклама аудитория машғулотларига ажратилади.

К. и. х.-иларнинг сифатли тайёрла-нишини таъминлаш, шунингдек, уларга илмий ва ўқув-методик ёрдам кўрсатиш мақсадида улар фаол илмий ва илмий-пед. ф-ят олиб борувчи, жумладан дав. илмий-техник дастурлари доирасида илмий-техник лойиҳаларни амалга оширишда қатнашувчи фан д-рлари жумласидан бўлган консультантларга бириктирилади.

К. и. х.-илар докторлик дисс.сини ҳимоя қилгунга қадар: Ўзбекистоннинг янги тарихи, чет тили, шунингдек, фан соҳаларига кўра Олий аттестация комиссияси томонидан аниқланадиган фанлар бўйича имтиҳон топшириши; дисс. натижаларининг халқаро ва республика илмий ва илмий-амалий конференцияларида, семинарларида ва давра суҳбатларида апробация (муҳокама) қилинишини таъминлаши, шунингдек, дисс.сининг асосий натижаларини акс

этирадиган, Олий аттестация комиссияси талабларига мувофиқ равишда chop этилган бир нечта илмий мақолаларга эга бўлиши керак. К. и. х.-илар дисс. ҳимоя қилгунга қадар, бутун ўқиш даври давомида таълим муассасаларида камида 300 соат ҳажмида пед. иш тажрибасига эга бўлиши лозим.

Дисс.ни расмийлаштириш ва уни ҳимоя қилиш К. и. х.-и. танлови бўйича ўзбек, рус, қорақалпоқ ва инглиз тилларида ёхуд Олий аттестация комиссияси б-н келишган ҳолда бошқа тилда амалга оширилади.

КАТТА ИЛМИЙ ХОДИМ-ИЗЛАНУВЧИЛАР ИНСТИТУТИ – ишлаб чиқаришдан бўшаган ҳолда мутахассисликни чуқур ўрганиш ва докторлик диссертациясини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш мақсадида фан д-ри даражаси изланувчилари учун илмий изланишлар олиб бориш бўйича олий таълим муассасалари ва и. т. муассасаларида ташкил этиладиган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрловчи таълим шакли.

Мазкур ин-т Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 2012 й. 24 июлдаги ПФ-4456-сонли Фармони асосида ташкил этилган. Ин-тда ўқиш муддати 3 й.

КАФЕДРА (юн. *kathedra* – ўриндик, курси) – ўқитувчи, маърузачи, нотик учун мўлжалланган ҳамда ОЎЮда бир ёки бир-бирига яқин бир неча фанлардан ўқув, методик ва ижт. тарбия ишлари олиб борувчи, шунингдек, илмий-

кадрлар тайёрловчи, мутахас-
слар малакасини оширувчи асосий
ўқувчи. К.га, одатда, проф., фан д-ри
раҳбарлик қилади (доц., фан номзо-
ди ҳам раҳбарлик қилиши мумкин). К.
тадқиқотига проф., доц., ассистент, катта
ўқитувчи, катта ва кичик илмий ходим,
ассистент ва б. қиради. К. ўз лаб. ва каби-
нетига эга бўлади. Унга лекциялар, лаб.
ишлари, амалий ва ўқув машғулоти, семинарлар
ўтказиш, ўқув ва ишлаб
чиқариш амалиёти, тадқиқот ишла-
ри курс ва диплом лойиҳа (иш)лари-
ни раҳбарлик қилиш ва б. вазифалар
вазифаси берилган. К.лар умуминститут (ун-т)
ва ф-т К.ларига бўлинади. Умуминсти-
тут (ун-т) К.лар ОЎЮнинг барча ёки
бир қисми ф-тларида ўқитиладиган уму-
ий илмий фанлар, ф-т К.лари муайян
ҳолда ўқитиладиган махсус фанлар б-н
шарҳланади.

КАФОЛАТЛАНГАН НАТИЖА (ка-
волат араб. – кафиллик; таъминлаш, га-
раанти) – таълим жараёнида кўзда тутилган
натижага эришишни таъминлаш. Кафо-
латланган натижа олиш таълим техн.си
ҳисобида ўқув жараёни мақсадларига
эришишнинг гарови ҳисобланади.

КАШФИЁТ – изланиш, текшириш, и.
натижасида, баъзан эса тасодифан
келтирилган, яратилган илмий янгилик.
Кашфиётчилик эса мазкур илмий ян-
гиликни амалга оширишнинг доимий-
лигини ифодаловчи атама. Унга табиат
қонунилари ва ж-ят қонуниятларини
табиатда равишда илмий идрок қилиш на-
тижасида эришилади. К. туфайли мод-
давий дунёнинг илгари инсониятга маълум
бўлмаган объектив қонуниятлари, хос-

салари ва ҳодисалари маълум бўлади.
К. инсониятнинг билиш жараёни да-
ражасини тубдан ўзгартиради. К. фан-
техника инкилобининг асосини ташкил
этади, фан ва техника тараққиётига янги
йўналишларни олиб қиради. Инсон бо-
сиб ўтган тарихий жараёнда жуда кўп
К.лар қилинди. К. б-н ихтирони бир-
биридан фарқлай билиш керак. К. нати-
жасида муайян қонуниятлар яратилади,
ихтиро натижасида эса муҳим янгилик-
лар яратилиши мумкин.

Ҳар қандай ихтиро ҳам К. бўла
олмайди, лекин ихтиро К.га суянган
ҳолда қилинади. К. ҳам, ихтиро ҳам
қонунчиликда муҳофазаланади. Илмий
К.лар ва ихтироларни рўйхатга олиш,
муаллифлик ҳуқуқини қонунларда
мустаҳкамлаб қўйиш дав. тизими мав-
жуд. Ўзбекистонда К. ва ихтироларни
муҳофазалаш ишлари б-н Ўзбекистон
Республикаси Давлат патент идораси
шуғулланади.

КЕЛИШУВ – ўзаро маслаҳатлашиб
баён этилган фикр, хулоса, қарор; битим,
шартнома. Педагог ходимларни ва б. му-
тахассисларнинг таълим муассасасида
ф-ят кўрсатиши учун маълум муддатга
тузилган шартнома, бошқа ташкилотлар
ва таълим муассасалари б-н илмий-амал-
лий ҳамкорлик йўналишлари бўйича ол-
диндан шартнома тузиш тизими.

Пед. ҳамкорлик жараёнида К. муҳим
аҳамиятга эга. Томонларнинг ўзаро ман-
фаатларини мувофиқлаштирган ҳолда,
ўзаро муносабатларни ижобий жиҳатдан
ривожлантириш, бир-бирига ён бериш
асосида К.га эришилади. Шундагина
зиддиятли жараён иштирокчилари му-
аммога ечим топишлари мумкин.

Келишувчанлик ва ўзаро ҳамкорлик пед. зиддиятларни самарали баргараф этиш имконини беради. Уларни қўллаш орқали зиддиятларнинг дастлабки босқичидаёқ кутилган натижага эришиш мумкин. Бу жараёнда зиддиятли вазиятлар муҳокамасига барча ўқувчилар жалб этиладилар ва тарафларни каноатлантирувчи ечим топишга муваффақ бўлинади. Баъзи ҳолларда вужудга келган муаммолар жараён иштирокчилари учун у қадар катта аҳамият касб этмайди. Бундай шароитда мослашиш ёки чекиниш стратегияларидан фойдаланилади. Шунинг учун муаммолардан узоқлашиш мақсадида мослашиш ва чекиниш стратегияларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Чунки ушбу стратегиялар бу жараёнда ижобий йўналишларга эга.

Пед. ҳамкорлик жараёнини ривожлантирувчи стратегиялар ичида энг самарадори ўзаро К.га асосланган стратегиялар, ҳамкорлик стратегиялари, чекиниш ва мослашиш стратегияларидир. Қўлланиладиган стратегияларнинг муваффақияти ҳамкорлик жараёнининг муайян даражада инсонпарварлик тамойилларига таянган ҳолда амалга оширилишига боғлиқ. Бунда ҳамкорлик жараёни иштирокчиларининг қизиқишлари, эҳтиёжлари, таянадиган кадриятларини аниқ ҳисобга олиш талаб этилади.

«КЕЙС-СТАДИ» МЕТОДИ (инг. case – аниқ вазият, study – таълим) – аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил этиш ва ижт. аҳамиятга эга натижаларга эришишга асосланган таълим мет.и. Мазкур мет. муаммоли таълим мет.идан фарқли ра-

вишда реал вазиятларни ўрганиш орқали аниқ қарорлар қабул қилишга асосланади.

«К.-с.» м. янги билим, кўникмаларни ўзлаштиришга эмас, ўқитувчи ва таълим олувчиларнинг умумий интеллектуал ҳамда коммуникатив салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган.

«Кейс-стади»ни тузиш амалиётида асосан, бир манбанинг устунлик қилиши кузатилади. Ушбу ёндашув, манбаанинг таъсирига кўра, «Кейс-стади» тех.си доирасида кейсларнинг таснифида асос сифатида хизмат қилиши мумкин. Бунда амалий кейсларни ажратиш лозим, улар мутлақ ҳаётий вазиятларни тавсифлайди; бундан ташқари, таълимга хос кейслар гуруҳини ҳам ажратиш мумкин, уларнинг асосий вазифаси таълим беришдир; илмий тадқиқотчилик кейслари, тадқиқотчилик ф-ятини юзасига келтириш мақсадини кўзловчи кейслар сирасига киради.

Кейс техн.си – ўқувчиларнинг мустакил қарорлар қабул қилишлари муаммоли саволларга тўғри ва ҳаққоний жавоблар топишларига қаратилган ўқитувчи кузатувчи (эшитувчи) вазифасини бажарадиган таълим техн.си.

КЕМБРИЖ УНИВЕРСИТЕТИ – Бунда Британиянинг Кембриж ш.даги қадимий ун-тлардан бири (1209). 16-а.да ун-т Англиядаги Реформация, 17-а.да ўн-т даврдаги илғор фан марказига айланган. 1669–1702 й.ларда И. Ньютон К. у. профессори бўлган. 19-а. охири – 20-а. б.да ун-тнинг физикадаги илмий инқилобида ун-тнинг Кавендиш лаб.си муҳим роль ўйнаган; бу лаб.да Ж. Максвелл, П. Д.

рак. Ж. Томсон, Э. Резерфорд ишлаган. Филол., мусика, шарқшунослик, иктисод ва сиёсат, тарих, ҳуқуқ, фал., инженер-тик геол. ва геогр., мат., физика, кимё, археология, биол., тиббиёт, пед., антропология ва б. ихтисосликлар бўйича мутахассислар тайёрлайди. Фицуильяма музейи, классик археология, археология ва этн., зоол., геол., фан тарихи музейлари, расадхона, ботаника боғи, қишлоқ кўжалиги станцияси ва б. бор. 13 мингга яқин талаба таҳсил олади. Кутубхонасида 3 млн дан ортиқ асар сақланади.

«КЕНГАШ» – ижт.-сиёсий газета. Тошкент ш.да чиққан (1917, июнь–сент.). Туркистон мусулмонлари Марказий шўросининг нашри. «Нажот» газ.нинг (1917 й. март–июнь) ўрнига чоп этилган. Газ.га дастлаб тарихчи олим Закий Вазидий, кейинчалик Мунавварқори Абдурашидхонов муҳаррирлик қилган. «К.» Туркистон мухторияти ғоясини кенг тарғиб қилган. Жами 16 сони чиққан. 1917 й. окт.да «Турон» газ. б-н бирлашиб, «Турк эли» номи б-н нашр этилган. «КЕНГАШ» – тараққийпарвар адабий журнал. 1917 й. Кўқонда бир гуруҳ маърифатпарвар муаллимлар ташаббуси б-н нашр этилган. Биринчи муҳаррири – Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий. Жур. 2 мафтада 1 марта чиққан. 1-сонида Ҳамзанинг «Кенгаш» радифли шеъри босилиб, унда таҳририятнинг мақсади баён қилинган. «К.»нинг 1-сони чиққач, Ҳамза маҳаллий ҳукумат томонидан тазкиб остига олиниб, жур.дан кетишга мажбур бўлган. Кейинчалик жур.га М. Ризойи муҳаррирлик қилган. Унда

Муҳаммаджон Холикий, Ҳакимжон домла, Рижойзода, Муҳаммад Ҳоди ва б.нинг асарлари чоп этилган. «К.» маърифатпарварлик ғояларини илгари сурган. Тошбосмада 400 нусхада нашр этилган. Жами 6 сони чиққан.

КЕРИМОВ Фикрат Азизович (1955. 06. 07, Бухоро вил.) – пед. фанлари д-ри (2005), проф. Ўзбекистон жисмоний т-я ин-тини тамомлаган (1973–77). Тошкент автомобиль йўллар ин-ти ўқитувчиси (1977–80), Ўзбекистон дав. жисмоний т-я ин-ти марказий илмий-методик лаб. си катта лаборанти (1980–81), «Спорт кураши» каф.си стажёр-ўқитувчиси (1981–82), Ўзбекистон дав. жисмоний т-я ин-ти «Спорт кураши» каф.си катта ўқитувчиси вазифасини бажарувчи (1984–85), «Спорт кураши» каф.си катта ўқитувчиси (1985–88), «Миллий ва халқаро кураш» каф.си мудири (1989–2001), ин-тнинг илмий ишлар бўйича проректори (2001–04), Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги спорт таълим муассасалари ва фан бошқармаси бошлиғи (2004–06), Ўзбекистон дав. жисмоний т-я ин-ти «Миллий ва халқаро кураш турлари» каф.си проф.и (2006–07), «Жисмоний тарбия назарияси ва услубияти» каф.си мудири (2007–10), Фан ва техн.ни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси ҳузуридаги илмий техника ахб. дав. унитар корхонаси директори (2010).

К. – 150 га яқин илмий ишлар муаллифи.

КЕЧИНМАЛАР – кишининг рухий ҳолатига таъсир қиладиган ҳис-туйғулар, ўй-хаёлларни ифодаловчи атама.

КЕЧКИ МАКТАБ – катта ёшдаги ўқувчиларнинг иш вақтлари тугагач, таълим-т-я жараёни бошланадиган мактаб. Бу мактабларда ўқувчилар билим б-н биргаликда малакаларини ҳам ошириб борганлар. Кечки мактабдаги дарслар пед.си ўзига хосликка эга бўлган. Бундай мактабларда таълим-т-я жараёни умумтаълим фанлари дастурлари асосида амалга оширилган.

Ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг дунёқарашини ривожлантириш техника фанларини ўргатиш б-н бирлаштириб олиб борилган. Кечки мактаблардаги 7–8-синфларда дарсни ташкил этиш шакллари кундузги мактаблардагидек, 9–11-синфларда эса ин-тлардагидек. 7–8-синфларда суҳбат, лаб. тажрибалари, китоб б-н ишлаш кабилар; 9–11-синфларда бошқа мет.лар: маъруза, семинар ва амалий дарслар, синовлар қўлланилган. Кечки мактаб ўқувчилари йил охирида синов ва имтиҳон топширганлар.

КИБЕРНЕТИК КИТОБЛАР – математик моделлаштириш воситалари ёрдамида ҳодиса ва жараёнлар ҳамда манбаларни ҳар томонлама ўрганиш, тадқиқ қилишга ёрдам берувчи китоблар.

КИБРЛИ (араб. кибр – мағрурлик, катталиқ, такаббурлик) – кибр-ҳаво, манманлик, димоғдорлик, ўз шахсиятига, қобилиятига ортикча баҳо бериш, ўзини бошқалардан юкори қўйиш, калондимоғлик оқибатида намоён бўладиган салбий ахлоқий сифат. Бу сифат кишиларни менсимаслик, уларга паст назар б-н қараш, ўринсиз ғурурга берилиш, ўзининг арзимас ютуқларини

бўрттириб кўрсатиш ва б.да кўринади. К. киши ўз айби, нуқсонларидан кўз юмади, манмансирайди. Манман киши ўзгаларнинг насихатини ёқтирмайди, залолат ботқоғига ботади. К.лик камчилик, нуқсонидир. У одамлар ўртасида бирдамлик, аҳиллик ва муҳаббатни йўқ қилади, адоват уйғотади. К.лик одобсизлик белгиси бўлиб, у доимо қораланган. Қуръонда кибру ҳаволи кишиларнинг жойи жаҳаннам эканлиги («Зумар» сураси, 60-оят) таъкидланган. Ҳадисда айтилишича, димоғдор одам аҳли дўзахдир. Шу боис таълим муассасаларида К.ликнинг салбий оқибатларини ҳар томонлама тушунтириб, таълим олувчиларни аниқ мисоллар ёрдамида кибр-ҳаводан узоқлашишга ундаш педагогларнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

КИЙИНИШ МАДАНИЯТИ – инсоннинг ташқи кийим-кечаси, шунингдек, маънавий дунёси, эстетик диди, ахлоқий сифатлари ва ақлий салоҳияти. Кўхна битикларда кийим билим, дид, фаросат уят каби инсоний фазилатлар б-н боғлиқ ҳолда талқин этилган. Кийим – инсон маданий даражасининг асосий белгиларидан бири. К. м. инсоннинг гўзаллик, нафосат, назокат, одоб борасидаги қарашларини акс эттиради. Шу боис баъзи халқларда «Кийимига қараб кутиб оладилар» деган нақл бор. Кишининг кийинишига қараб, унинг нафақат маънавий-маданий даражаси, балки моддий аҳволи, касби, мавқеи, ҳатто эътиқодини ҳам аниқлаш мумкин. Ўтмишда кўпгина маънавиятларда турли тоифа ва табақа вақтларининг ўзига хос кийиниш усули бел-

таб қўйилган. Ҳаёт суръати тезлашган, бера мулоқотга жуда оз вақт сарфланадиган ҳоз. замонда киши ўзини, ўз ақлий алоҳиятини тўлиқ намоён этишга имконияти чеклангани туфайли баъзан фақат К. м. орқали жамоатчиликда яхши таассурот қолдириш имкониятига эга бўлиши мумкин. Шунинг учун К. м. бугунги замонда алоҳида илмга айланган. Амалий алоҳияносликда имижни яратиш б-н алоҳиялик муаммолар ўрганилади. Кийим-кечма нафақат қулай, фойдали жиҳатлари, балки ўзгалар б-н мулоқотда шахснинг алоҳиятини намоён этиш нуқтаи назаридан фойдаланилади. Имиж бўйича мутахассислар атрофдагиларда яхши таассурот уйғотишнинг асосий воситаси каторида К. м.ни тилга олишлари бежиз эмас. Кийим-кечма одамнинг кайфияти ва руҳий ҳолатига таъсир этиб, унинг хатти-ҳаракати, феъл-аъдини ҳам ўзгартиришга қодир. К. м.нинг эътиборсизлик, нотўғри танланган, қўриқилган кўринишга мос келмаган уст-кишим кишини ноқулай аҳволга солиш б-н мулоқотга, ўзига нисбатан ишончсизликни келтириб чиқариши мумкин. Мас., қўриқилган ёши, гавдаси, характери ёки иқлим, қўриқилган фасли ва борган жойига (театр, тўй, мажлис, хизмат жойи ва ҳ.к.) мос келмаган либоси б-н кулгили аҳволга тушибориши мумкин. К. м. кишининг дидини танлашилади. Дид кишининг ўзига ярашадиган ҳамда ўзи ва ўзгаларга ёқадиган кийим танлашида яққол кўринадиган. Кишининг диди кийим-бош услубини танлаш услубларини қай даражада билиши, кийим-кечма б-н мулоқот қилиши ва ўзи ҳақида қандай таассурот уйғотмоқчи экани б-н мулоқотлик. К. м. ҳам санъат. Тантанабоқ

кийимни ишчан мулоқот пайтида кийиш кишининг маданияти ҳақида салбий фикр уйғотиши мумкин. Киши кўзланган мақсадга яраша кийинган бўлиши лозим. Танланган кийим-бош одамнинг ҳақиқий кийим-кечмасига, маънавий дунёсига мос бўлиши керак. Бунинг учун инсон ўзига тўғри, ҳолисона баҳо бера олиши керак. К. м. инсоннинг маънавий дунёси ва ҳақиқий кадр-қиммати унинг модага мос ва қимматбахо кийинишида эмас, аввало, ораста, тоза, тартибли, ўзига ярашадиган кийинишида намоён бўлади.

КИМЁ ЎҚУВ ПРЕДМЕТИ – моддаларнинг тузилиши, асосий хусусиятлари, ривожланиши ва ўзгаришини ўргатишга қаратилган ўқув предмети.

КИМЁ ФАНИ ЎҚУВ ДАСТУРИ – ўқувчи (талаба)га айтилган фаннинг зарурий тушунчалари ва қонунлари асосида кимёвий жараёнларни бошқариш, замонавий усуллар б-н янги-янги моддалар олиш ва улардан нафақат саноат, кишлоқ ҳўжалиги микёсида, шунингдек, кундалиқ турмушда, оилада фойдаланишнинг умумий йўналишларини кўрсатиб беришга қаратилган билимлар мажмуини ўзида мужассамлаштирган ўқув-меъёрий ҳужжат.

КИМЁ ТАЪЛИМИ ДАВЛАТ ТАЪЛИМ СТАНДАРТИ – кимё таълими мазмуни ва ушбу ўқув предмети бўйича ўқувчилар эгаллайдиган билим, кўникма, малакаларга қўйилган талабларнинг дав. томонидан тасдиқланган эталони, модели.

КИМЁ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ – 1) кимё таълими назарияси ҳамда методлари бўйича талабаларга муайян билим,

кўника, малакалар ҳосил қилишга йўналтирилган ўқув фанини ифодаловчи тушунча; 2) ҳусусий пед.нинг муайян соҳаси.

КИНОШРИФТ – кар-соков болаларни ўқитадиган мактабларда оғзаки нутқ материални шрифтлар орқали кўрсатиш учун қўлланиладиган кўрғазмали восита.

КИРИЛЛ ЁЗУВИ – қад. славянларнинг икки алифбосидан бирининг номи. «Кирилл» атамаси христианликнинг славянлар орасидаги тарғиботчиси Кирилл номи б-н боғлиқ. К. ё. юнонларнинг унциал ёзуви асосида пайдо бўлган. Славянлардаги товушларни ифодалаш учун юнон ёзувида ҳарфлар (жами 24 та) етишмас эди. Бу товушлар учун славянларнинг иккинчи алифбоси бўлган глаголица б-н боғлиқ ҳолда махсус белгилар яратилган.

К. ё.нинг қад. ёдгорликлари қад. болгар Мостич (10-а.), шоҳ Самуил (11-а.) қабртош хатлари, Супрасль (16-а.) йилномаси ва б.; шарқий славянлар бўйича эса Остромир Инжили, Береста (қайин пўстлоғига ёзилган) ёрликлари ва б.дан иборат. К. ё.ни дастлабки православ славянлар, шунингдек, руминлар (19-а. гача) қўллаган. К. ё.нинг таркиби ва шакллари вақт-вақти б-н ўзгартириб турилган. Россияда 1708 й. Петр I фармойишига кўра, босма К. ё. рақами истеъмолдан чиқарилган. Болгар, белорус, рус, серб, украин ёзуви славян К. ё. асосида (қўшимча ҳарфлар ва диакритик белгилар киритиш б-н) яратилган. Кўпгина халқлар рус тилида 1930–40-й.ларда амалда бўлган К. ё.га айрим ўзгартишлар

киритиб, ўз ёзувларини белгиладилар. Ўзбекистонда 1940 й. мазкур ёзувдан ш, ы ҳарфларини чиқариб ташлаб, ў, к, ғ, х ҳарфларини илова қилган ҳолда рус К. ё. қабул қилинди. 1996 й. лотин ёзуви асосидаги ўзбек алифбосига ўтила бошлангунга қадар мазкур алифбо амалда бўлган. Бугунги кунда Ўзбекистонда лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбоси б-н бир қаторда К. ё.га асосланган ўзбек алифбоси ҳам амал қилмоқда.

КИТОБ (араб. – ёзилган, муқоваланган асар) – ахб.ларни, ғоя, образ ва билимларни сақлаш ҳамда тарқатиш, ижт.-сиёсий, илмий, эстетик қарашларни шакллантириш воситаси; билимлар тарғиботи ва т-я қуроли; бадиий, илмий асар, ижт. ад. Халқаро статистикада ЮНЕСКО тавсиясига кўра, ҳажми 48 саҳифадан кўра бўлмаган, табоқлаб тикилган нодаврий нашрни, шартли равишда, К. дейиш қабул қилинган.

К. иши К.ни яратиш, тайёрлаш, уни тарқатиш, сақлаш, тавсифлаш ва ўрганиш б-н боғлиқ катта жараёни ташкил қилишга олади. Фан, ад., санъат асарларидан матбаада кўпайтириш ва тарқатиш учун танлаш, уларга илмий ва бадиий нуқтаи назардан ёндашиш, таҳрир қилиш, бадиий безаш, матбаа ижроси билан белгилаш ва нашрга тайёрлаш ноширинликнинг вазифаси. К.ни кўплаб чиқариш – китоб босиш иши полиграфия саноатида амалга оширилади. К.ларни тўплаб сақлаш, ўқувчилар ўртасида ташвиқ қилиш, улардан китобхонлар фойдаланишлари учун қулай шароит яратиш кутубхона ишига қарайди. К. ва б. босма асарлар ҳақида муайян мақсад б-

хувчиларга маълумот бериш ва уларни шавикот қилиш библ.нинг вазифасидир.

К.нинг пайдо бўлиш тарихи ёзувнинг шаклланиши ва шаклланиши жараёни б-н тевий боғлиқ. Ёзувнинг тузилиш хусусиятлари (белгилар тизими, уларнинг тартиби), ёзув материали ва ёзувнинг ўзига хос томони ва б. маълум даражада К. тузилишини ҳам белгилаб беради. Қад. Миср, Рим, Юнонистон ва Ўрта Осиёда кишилар тош, пальма шохлари, сопол ва б. материалларга ёзиб фикр изҳор этганлар. Ҳар бир К. ўнлаб шундай материаллардан тайёрланган плиталардан иборат бўлиб, вазни бир неча кг бўлган. Ёзув материали сифатида папирус ўсимлиги шаклланиши (мил. ав. 4–3-минг йилликларда) б-н ўрама К.лар пайдо бўлди. Бундай К.ларнинг узунлиги ўртача 10 см атрофида бўлиб, ингичка, юмалоқ шаклларга ўралган ва махсус чарм ёки тош ёлғоқларда сақланган. Шарқ мамлакатлари, Қад. Рим ва Юнонистондаги қўпгина нодир асарлар папирусга битилган. Мил. ав. 2-а.га келиб К. материали сифатида пергамент (тери)дан фойдаланиш кенг расм бўлган. Дастлаб бундай К. ўрама ҳолда сақланган. Айрим маълумотларга қараганда, Марказий Осиёда, Масҳудасан, Хоразмда мил. ав. 1-минг йилликнинг 1-ярмида вужудга келган зарқаштийлик динининг муқаддас китобларидан «Авесто»нинг қад. нусхаси ҳам 12-минг мол терисига битилган.

2–4-а.лардан Қад. Римда худди ҳоз. К.ларнинг варақалари сингари буклаб, тайёрланган ва бир-бирига би-

риктирилган, муқовали К.лар – кодекс пайдо бўлган. Улар дастлаб папирус, сўнг пергаментга ёзилган. Бундай К.лар оғир ва бесўнақай эди. 6-а.дан бошлаб кодекс шакли асосида ҳоз. кўринишдаги К.лар пайдо бўлган. Терига ишланган ноёб К.лардан бири – Мусҳафи Усмон. Қуръони каримнинг бу нусхаси 644–656 й.ларда халифа Усмон кўрсатмаси б-н Муҳаммад (с. а. в.)нинг котиблари Зайд ибн Собит, Амир ибн Ос ва Ҳишом ибн Ҳаким томонидан қуфий хатида ёзилган. Мазкур Мусҳаф Амир Темур томонидан Самарқандга олиб келинган. Жами 353 варақ, ҳажми 68 × 53 × 22 см. Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонасида сақланади.

Қоғознинг кашф қилиниши К. тарихида янги давр очди. Айрим маълумотларга қараганда, 650 й.лардаёқ Самарқандда қоғозли К.лар бўлган. 13-а.дан Европада қоғоз асосий ёзув материали бўлиб қолди. Қоғоз К.нинг кўпайишига ва тарқалишига янги имконият очди. К. безашга алоҳида аҳамият берилди. Унинг саҳифаларига турли миниатюралар, ҳошияларига безаклар ишлана бошланди. Аста-секин хаттотлик (каллиграфия), муқовасозлик каби касблар ажралиб чиқди. Айниқса, Марказий Осиё худудида ўрта асрларда хаттотлик санъати кенг ривожланди. Машҳур хаттотларнинг кўп авлодлари К. тайёрлаш усулини – материаллар, сиёҳ, хат кўчириш техникасини такомиллаштириб бордилар.

10–12-а.ларда Мовароуннаҳрда алоҳида соҳа сифатида шаклланган китобат санъати 14–15-а.ларда янги тараққиёт

босқичига кўтарилди. Ҳар бир К. қоғозидан тортиб муковасигача, сиёҳдан то буюкларини-ю зарҳалигача маълум меъёрдаги модда, режа ва қоида асосида тайёрланади, ҳатто К.дан хушбўй ҳид анкиб туриши учун баъзан сиёҳга гулоб ёки анбар қўшилган. Қўлёзмалар нафис ҳуснихат, зарафшон (тилла суви сочиш), сувли буюклар б-н хошияга нафис нақшлар ишлаб бадий безатилган. 15–16-а.ларда бир қанча истеъдодли хаттот, мусаввир, лаввоҳ ва саҳҳофлар етишиб чиққанлар. Улар: Абдурахмон Хоразмий, Султонали Машҳадий, Султонали Хандон, Мирали қилқалам ва б.

Туркистонда нашр ишлари Марказий Осиё Чор Россияси томонидан босиб олингандан сўнг бошланган. Бу давргача ўлкада босмаҳона ҳам, литография (тошбосма) ҳам бўлмаган. Ад.га бўлган эҳтиёж эса Туркистонга ташқаридан кириб қолган айрим шарқий тошбосма қўлёзмалар б-н қондирилган, холос. Россияда араб, форс ва туркий тиллардаги К.ларни босиш 18-а.нинг 20-йилларидан бошланди. Мусулмон (араб) ёзувидаги биринчи рус босмаҳонаси 1723 й. Астраҳанда пайдо бўлади, сўнгра Петербург, Москва, Қозон, Қрим, Кавказ минтақаларида ишга туширилади. Шарқда К. нашри Европадагига қараганда, ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, асосан, тошбосма усулида чоп этилар эди.

КИТОБХОН (араб. + форс. – ўқувчи, ўқийдиган) – китоб ўқувчи.

КИТОБХОНЛИК – китоб ўқиш, биргаликда китоб ўқиш.

КИТОБ МУТОЛААСИ – китобхоннинг илм олиш ёки эстетик завқланиш мақсадида ўзи танлаб олган бирор мавзудаги китобни ўқиш жараёни. Мутолааб ўш вақтдан унумли фойдаланишнинг энг кенг тарқалган тури бўлиб, барча ёшдаги ва барча касбдаги кишиларнинг сеvimли машғулотиدير.

Бадий асарлар мутолааси илмий ва илмий-оммабоп асарлардан фарқ қилади. Бадий асар шахснинг руҳий ҳиссиётларига таъсир этади, унда ўз онглиги муҳаббатини шакллантиради, асар қаҳрамонларига қайғудош бўлиш, уларнинг кечинмаларини ҳис эта олиш қобилиятини вужудга келтиради.

Мутолаага киришишдан олдин, биринчи навбатда, гигиеник омилларга эътибор бериш керак: хонанинг ҳавоси тоза ва яхши ёритилган бўлиши лозим. Мириқиб китоб ўқишнинг энг асосий шarti тинчликдир. Аммо тинч осойишта шароит доим ҳам мавжуд бўлавермаслиги мумкин. Шу босқичда иложи борича ҳар қандай шароитда ҳам (қўшниларнинг баланд овоздаги сўхбатлари, баландлатиб қўйилган радио ёки телевизор, бошқа шовқинлар) диққат б-н ўқишга ўрганиш керак. Ўқув жойини кўнгилдагидай ташкил этиш ҳар қатта аҳамиятга эга. Столнинг энг қўлай баландлиги тирсақлар столга бемалум ётган вазият ҳисобланади. Жойлашнинг эркин бўлиши лозим. Стол лампаси ёки бошқа ёритиш манбалари чап томонда бўлиб, ёруғлик кўзга эмас, балки китобга тушиб туриши керак. Ўқиш жараёнида китоб учун тагликдан фойдаланиш (айниқса, болаларга) тавсия этилади.

К. м.дан чарчаган пайтларда дам олиш учун бошқа ишлар б-н машғул бўлиш керак. Ҳар бир соатда (энг узоғи б-н ҳар 1-3 соатда) китоб ўқишдан тўхташ, дам олиш зарур.

Илмий ва бадиий соҳага оид ад.лар, жур.ларни навбати билан, алмаштириб ўқиб борган маъқул. Эсда сақлаб қолиниши лозим бўлган махсус китоблар эрталаб ёки куннинг биринчи ярмида ўқилгани яхши. Кечки пайтдаги ўқиш унчалик самарали бўлмайди. Китобларни, айниқса, даврий нашрларни бақатгина уй шароитида ўқиш шарт эмас. Узоқ муддатга уйдан чиқилганда китоб, жур. ёки газ.ни ўзингиз б-н олганингиз маъқул, чунки кун давомида мутолаа учун қулай вазият вужудга келиб қолиши мумкин.

Болаларда китобга муҳаббат ҳиссини уйғотиш ғоятда муҳим. Бола ўқишни ўрганишидан олдинроқ катталар воситасида у б-н мулоқотда бўлади. Болаларнинг китоб оламига киришишида эҳтиёткорлик билан, уларга мос китобларни танлаш, бунда болаларнинг ёшини ҳисобга олиш керак. Боланинг 6-7 ёшидан бошлаб уни китобга ўргатиш, мутолаани ижодий жараён сифатида унинг онгига сингдириш лозим. Ҳар бола ёшлигида тингловчи сифатида фаол бўлмаса, ўқишни ўрганиб олганидан сўнг ҳам шундай қолавериши мумкин.

Болаларнинг китобга нисбатан муҳр-муҳаббати катталарга, уларнинг китоб танлаш, ўқиб беришдаги тавоффақиятларига боғлиқ. Бу ишда болалар кутубхонаси энг яқин ёрдам-

чи бўла олади. Китобни овоз чиқариб ўқиб беришнинг давомийлиги боланинг ёши, унинг ўзига хос хусусиятлари, ўша пайтдаги кайфияти ва китобнинг енгил ёки жиддийлигига боғлиқ. Китоб ўқиш бола учун оддий бир ҳол, шунчаки бир иш эмас, балки сирли, гўзал, эртакнамо, қувонч ва шодлик бағишловчи бир жараён бўлмоғи лозим. Баъзи китобларни болага бир неча марта ўқиб беришдан бош тортмаслик керак. Катта ҳажмли, яхлит бир мавзунини ўз ичига олган, бир неча кунлар давомида ўқиладиган китобларни ўқиб беришда уни энг қизик жойларида тўхтатиш керак. Чунки шундай қилинганда боланинг бу китобга бўлган қизиқиши пасаймасдан, балки унинг давомини сабрсизлик б-н қутади.

КИЧИК МАКТАБ ЁШИ – болаларнинг бошланғич синфда ўқиш даврига мос келадиган ёшларини ифодаловчи атама.

КИЧИК МАКТАБ ЁШИДАГИ БОЛАЛАР – 6-7 ёшдан 10-11 ёшгача бўлган кичик ёшдаги болаларнинг мактаб даври. Бу даврда болалар мактаб ўқувчиларига қўйиладиган турли талаблар б-н танишадилар, фан асосларини ўрганиш учун биологик ва психологик жиҳатдан тайёрланадилар. Уларнинг руҳияти билим олишга етадиган даражада ривожланади. Шу ёшдаги болалар идрокнинг ўткирлиги, равшанлиги, софлиги, аниқлиги, ўзининг қизиқувчанлиги, ишонувчанлиги, хаёлининг ёрқинлиги, хотирасининг кучлилиги, тафаккурининг яққоллиги б-н бошқа ёшдаги болалардан ажралиб туради.

К. м. ё. б.нинг асосий ф-яти ўқиш ҳисобланади. Боланинг мактабга бориши

унинг психологик ривожланиши ва шахсининг шаклланишидаги ўрни ниҳоятда катта. Бола ўқув ф-ятида ўқитувчи раҳбарлигида инсон ф-ятининг турли шакллари мазмунини ўзлаштиради ва ўрнатилган ахлоқий меъёрлар доирасида ҳаракат қилади. Ўқув ф-ятида бола ўз иродасини ўқув мақсадларига эришиш учун машқ қилдиради. Ўқув ф-яти боладан нутқ, диққат, хотира, тасаввур ва тафаккури зарур даражада ривожланишини талаб этган ҳолда, бола шахси ривожланиши учун янги шароитларни яратади. Биринчи бор мактабга келган бола ўз атрофидагилар б-н психологик жиҳатдан янги муносабат тизимига ўтади. У ҳаётининг тубдан ўзгарганлиги, унга янги мажбуриятлар, нафақат ҳар куни мактабга бориш, балки ўқув ф-яти талабларига бўйсунуш ҳам юклатилганлигини ҳис эта бошлайди.

Оила аъзоларининг бола ўқув ф-яти, ютуқлари б-н қизиқаётганлиги, шунингдек, уни назорат қилаётганлиги, унга қилинаётган янги муомала, муносабат унинг ижт. мавқеи ўзгарганлигини тўла ҳис этиши, ўзига нисбатан муносабатининг ўзгаришига асос бўлади. Катталар болани амалий жиҳатдан ўз вақтини тўғри тақсимлаш борасида яхши ўқиш, ўйнаш, сайр қилиш ва б. нарсалар б-н шуғулланишга ўргатадилар. Демак, оилада бола у б-н ҳисоблашадиган, маслаҳатлашадиган янги бир ўринни эгаллайди, ўқувчининг мактабдаги муваффақияти унинг кейинги рухий ривожланиши ва шахсининг шаклланишида тўлиқ ижобий асос бўлади.

Бола инсоний муносабатлар тизимида ҳам алоҳида ўрин эгаллаётганлигини, ота-онаси, яқинлари, атрофидагилари унга ёш боладек эмас, балки ўз вазибалари, мажбуриятлари бор бўлган, ўз ф-ят натижасига кўра ҳурматга лойиқ алоҳида шахс сифатида муносабатда бўлаётганликларини ҳис эта бошлайди. Бунинг натижасида бола ўз-ўзидан оиласи ва жамоасида ўз ўрни борлигини англай бошлайди. Бу даврда боланинг «Мен шуни хоҳлайман» майлидан «Мен шуни бажаришим керак» хоҳиши устунлик қилади. Мактабда биринчи синфга келган ҳар бир ўқувчида рухий зўриқиш ҳосил бўлади. Бу нафақат унинг жисмоний саломатлигида, балки хатти-ҳаракатида ҳам кўрқувнинг кучайиши, иродавий фаолликнинг сусайишида намоён бўлади.

Бу даврга келиб бола атрофидагилар б-н ўзаро муносабатда маълум бир натижаларга эришган, ўзи хоҳлаётган нарсаларни ҳамда ўз оиласида ўзи эгаллаган ўрнини аниқ биладиган бўлади. Шунингдек, у ўзини ўзи бошқариш кўникмасига эга бўлади, вазият ва ҳолатга қараб иш юрита олади.

Мактабга келиш арафасида боланинг сўз бойлиги ўз фикрини баён эта оладиган даражада ортади. Агар бу ёшда меъёрида ривожланаётган бола ўз нутқида 500–600 сўзни ишлатса, олти ёшли бола 3000–7000 сўзни ишлатади. Бошланғич синф ўқувчиларининг нутқи, асосан, от. феъл, сифат, сон ва боғловчилардан иборат бўлиб, ўз нутқларида қайси сўзларни ишлатгани афзал-у, қайсиларини ишлатиш мумкин эмаслигини фарқлайди. 6–7

шли бола ўз жумлаларини мураккаб грамматик таркиб асосида туза олади. Бола бутун болалик даврида нутқни жад равишда эгаллаб, уни ўзлаштиради. 7-9 ёшли бола нутқда ўз фикрини баён қилишда қолмай, балки суҳбатдошининг сўзларини ўзига жалб қила олади.

Бу даврда ёзма нутқ ҳам шакллана бошлайди. Бола сўзларни қандай эшитилган бўлса, шундайлигича ёзилмаслигини билдириши, уларни тўғри талаффуз этишга ва ёзишга ўрганиши зарур. Ёзма нутқни қўлдан келтириш асосида болада турли матнлар шаклида маълумотлар юзага келади. Бу даврда ёзма нутқ эндиgina шакллана бошлаганлиги боис болада ҳали ўзи ёзилган фикрларни, сўз ва ҳарфларни назорат этиш кўникмаси етарлича ривожланмаган бўлади.

Шу б-н бир қаторда, унга ижод қилиш имконияти берилади. Мустақил ҳар қандай ишлар бошланғич синф ўқувчиларида берилган мавзунинг аниқлаш, мазмунини аниқлаш, фикрини баён этиш учун маълумот тўплаш, муҳим жиҳатларини ажратиш олиш, уни маълум кетма-кетликда амалга ошириш, режа тузиш кўникмасини ҳосил қилади. Жумлаларни тўғри тузиш, айнан шу мазмунга мос сўзларни топиш ва уларни тўғри ёзиш, тиниш белгиларини тўғри қўйиш, ўз ҳолатларини топа олиш ва тўғри ақлий ривожланишнинг заруратидан ҳисобланади.

Ўқиш ф-яти кичик ёшдаги мактаб ўқувчисининг ақл-идроки, сезгирлиги, эстетик ва бадиий қувватчанлиги, эслаб қолиш ва эсга олиш имкониятларининг ривожланиши учун муҳим шарт-шароитлар

яратади, ҳисоблаш малакаларини шакллантиради. Таълим жараёнида унинг билимлар қўлами, қизиқишлари кенгайди, ижодий изланиш қобилияти ривожланади, унда тафаккурнинг фаоллиги, мустақиллиги ортади, ақлий имкониятини ишга солиш вужудга келади. Мазкур ёшдаги бола ўз идрокининг аниқлиги, раволиги, ўткирлиги б-н бошқа ёшдаги инсонлардан кескин фарқ қилади. У ҳар бир нарсага берилиб, ўта синчковлик б-н қараши сабабли идрокнинг муҳим хусусиятларини ўзлаштириш имкониятига эга бўлади.

7-10 ёшдаги ўқувчининг идрокининг хатти-ҳаракати, ўйини ва меҳнат ф-яти б-н бевосита боғлиқ, у ўзининг эҳтиёжи, майли, қизиқиш ва интилиши, турмуш шароитига мос, шунингдек, ўқитувчи тавсия этган нарсаларни идрок қилади.

Биринчи синфга келган бола нарсаларнинг ранги, шакли ва катталигини, уларнинг маконда жойлашини билиш б-н бир қаторда ўзаро таққослай олади. Мактабда муваффақиятли ўқиш учун болада сенсор ривожланиш даражасининг юқори бўлиши жуда муҳим. Мактаб ёшига келиб, меъёрида ривожланаётган бола расм ва суратлар реал ҳаётни акс эттираётганлигини яхши тушунади. Шунинг учун сурат ва расмларда нималар акс этганини реал ҳаётга таққослаган ҳолда билишга ҳаракат қилади. Бола расмларда атроф-муҳитдаги нарсаларни кичиклаштириб тасвирланганлигини англай билади. Бу тасвирлар болада эстетик ва бадиий дидни ривожлантиради. Чунки бола шу расмлар орқали олам

ғўзаллигини, унинг турфа ранглардан иборат эканлигини англайди, ажратади ва ўз муносабатини билдира олади.

Тафаккурнинг ривожланишини К. м. ё. б. руҳиятининг соғломлигида, уларнинг билиш фаоллигида кўриш мумкин. Боланинг кизиқувчанлиги, асосан, атроф-оламни билиш, ўрганишга қаратилгандир. Бола ўйнаб туриб, олам сир-синоатларидан хабардор бўлишга интилади. Мас., бола ўзи мустақил равишда қандай нарсалар сувда чўқиши, қайсилари эса сузишини тадқиқ қила олади. Бола ақлий муносабатларда фаол бўлса, у шунчалик кўп савол беради ва бу саволлар, асосан, хилма-хил бўлади. Болани қор, ёмғир қандай ёғиши, қуёш кечаси қаерда бўлиши, машина қандай қилиб юриши, ердан осмонгача бўлган масофа қанчалиги жуда қизиқтиради. Бу ёшдаги бола, асосан, ўзи кўриб турган нарса ҳақида чуқурроқ фикр юрита олади, унда ифодали тафаккур ривожланади.

Боланинг мактабда мунтазам равишда ўқишга ўтиши унинг атроф-муҳитдаги нарса-ҳодисаларга нисбатан муносабатларининг ўзгаришига олиб келади. Унинг тафаккури мантикий фикрлаш, мулоҳаза юритиш, ҳукм ва хулоса чиқариш, таққослаш, таҳлил қилишнинг турли усулларини қўллашдек ўзига хос хусусиятлари б-н мактабгача ёшдаги болалар ҳамда ўсмирлардан фарқ қилади. Таълим жараёнида уларни мустақил фикрлашга ўргатиш камол топтиришнинг муҳим шарт ҳисобланади.

КИЧИК МУТАХАССИС – умумтаълим ва касб-ҳунар таълими дастурини

муваффақиятли ўзлаштирган ўрта махсус касб-ҳунар таълими ўқув муассасалари битирувчиларига бериладиган малака даражаси. К. м. тегишли ижт. ишлаб чиқариш соҳасида унумли ф-ят кўрсата олишни таъминлайдиган назарий ва амалий билимлар мажмуаси, касбий билим, малака ва кўникмалар ҳамда мазкур ж-ятда ўзининг муваффақиятли ҳаёт даражасини таъминлайдиган умумий ва касбий маданият, ижт. аҳамиятли хусусиятлар ва шахсий сифатларга эга бўлиши лозим.

КИЧИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР – ўқув-т-я жараёнининг алоҳида қисмларини ўз ичига оладиган техн. Улар айрим дидактик ва тарбиявий масалаларни ҳал қилиб. таълим техн.си; дарс техн.си; билим ва тушунчаларни шакллантириш техн.си; таълим олувчилар ўзлаштиришини назорат қилиш кабиларни ўз ичига олади. Мазкур техн.нинг вазифаси янги билим бериш, янги билимларни ўзлаштириш ва мустақил ишлаш техн.ини, ҳаттоки, айрим, ф-ят турлари ва алоҳида шахсий ҳамда касбий сифатларни тарбиялаш техн.ини ҳам ўз ичига олади.

«КИЧИК ГУРУҲЛАРДА ИШЛАШ» МЕТОДИ – таълим олувчиларни фаоллаштириш мақсадида уларни кичик гуруҳларга ажратган ҳолда ўқув материални ўрганиш ёки берилган топшириқни бажаришга қаратилган дарсдаги ижодий иш шакли. Ушбу мет. қўлланилганда таълим олувчи кичик гуруҳларда ишлаб, дарсда фаол иштирок этиш ҳукуки. бошловчи ролида бўлиш, бир-биридан ўрганиш ва турли нуқтаи-назарларни кадрлаш имконига эга бўлади.

«К. г. и.» м. қўлланилганда таълим берувчи бошқа интерфаол мет.ларга қараганда вақтни тежашга эришади. Чунки таълим берувчи бир вақтнинг ўзида барча таълим олувчиларни машғулотга жалб этиб, баҳолай олади.

«КЛАСТЕР» (ТАРМОҚЛАР) МЕТОДИ – 1) ўқувчиларни мантикий фикрлаш, умумий фикр доирасини кенгайтириш, атамалар, тушунчалар ва воқеаларнинг бир-бири б-н боғлиқлигини англаб олишга ўргатувчи мет.; 2) пед., дидактик стратегиянинг муайян шакли бўлиб, тахсил олувчиларга ихтиёрий муаммо (мавзу)лар хусусида эркин, очиқ ўйлаш ва шахсий фикрларни бемалол баён этиш учун шароит яратишга ёрдам берилган метод.

КЛАССИК ТАЪЛИМ – қад. латин, юнон тиллари, антик ад. ва мат.ни ўрганишни асос қилиб олган умумий ўрта таълим тури. Антик маданиятга қизиқиш сиши муносабати б-н Уйғониш даврида пайдо бўлган. 16-а.нинг ўрталаридан Ғарбий Европада дастлабки классик гимназиялар ташкил топган. К. т.нинг назарий тизимини 19-а.нинг 1-ярмида немис педагоги И. Ф. Гербарт ишлаб чиққан. Унинг таъсирида Ғарбий Европада ва Россияда гимназия, лицей, коллеж ва б. номларда К. т. тўлиқ шаклланган. Бу ўқув юрларида латин ва юнон тилларини ўрганиш ўқув режасининг 40 % ини ташкил этган. 19–20-а.ларда саноат ишлаб чиқаришнинг ривожланиши реал таълимнинг амалга ошиши ва К. т.нинг текшириш-аста қисқаришига олиб келди. У бир қанча мамлакатларнинг ўрта мактаб-

ларида таълим йўналишларидан бири сифатида сақланиб қолган.

КЛАССИК ПЕДАГОГИКА – 1) антик давр – Юнонистон, Эллинизм ва Қад. Рим таълим-т-яси; 2) пед. меросдаги оламшумул қимматга эга бўлган таълим-т-яга оид мукамал асарлар.

КЛАССИФИКАЦИЯ (лот. classis – туркум ва facio – бўламан) – тушунчаларнинг мантикий мазмунига кўра турларга бўлиниши. К. бирор-бир фан тармоғи ёки амалий ф-ятда қўлланилади. Илм-фан (объектлар, жараёнлар, ҳодисалар)нинг мазмунига кўра алоқадорлик тизими. К. умумий кўрсаткичлар, хусусиятлар, тармоқларнинг алоқадорлик қонуниятларига кўра тузилади. Пед. ҳодисаларни классификациялаш муайян тамойиллар асосида уларнинг ўзаро мантикий алоқасини тавсифлайди. Бу эса илмий, ўқув-пед. ф-ятда муҳим ўрин тутди.

КЛАССИФИКАТОР – ҳар бири ўзига тегишли рақам (код)лар б-н белгиланган объектлар номларининг рўйхати. Таълимда К. тушунчаси ўқув юртининг кадр тайёрлаш борасидаги йўналишини ҳамда мазкур таълим муассасасида таълим стратегияси ва мазмунини белгилашда асос қилиб олинган меъёрий кўрсатма. К.лар мақомига кўра турлича таснифланади: бир соҳа миқёсида ишлаб чиқиладиган ҳамда фақат шу соҳа учун амалда бўладиган К.лар; ишлаб чиқаришнинг барча соҳалари учун амал қиладиган К.лар ва ҳ.к. К.лар даражаларига кўра ҳам таснифланади: дав.лараро К.лар. Улар халқаро К.лар мақомига

эга бўлиб, бутун дунё микёсида қўлланилади. Миллий ёки соҳага оид К.ларга асос бўлган параметрлар халқаро К.лар параметрларига зид бўлмаслиги лозим. Айниқса, глобаллашув ва интеграциялашув шароитида касб-ҳунар йўналишларига оид К.ларнинг бири-бирига мувофиқлиги муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, унинг дав. таълим стандартларини ишлаб чиқиш, модернизациялаш, таълим мазмунини оптималлаштириш ва мет.сининг самарали йўллари таълим амалиётига жорий этиш каби масалаларда халқаро тажрибаларга асосланилади. К. шахс (мутахассис)ларга нисбатан ҳам қўлланилади.

КОГНИТИВ – шахснинг мустақил ижодий фикрлаш жараёнини ифодаловчи атама.

КОГНИТИВ ТАЪЛИМ – атроф-муҳит ҳақидаги билим доирасини кенгайтириш, дифференциалловчи тафаккурни шакллантириш, билиш эҳтиёжларини ривожлантириш таълими. Психологик тадқиқот соҳаларидан ҳамда пед.нинг йўналишларидан бири. К. тнинг асосий мақсади индивиднинг интеллектуал қобилиятларини ривожлантириш ҳисобланади. Ўқувчининг янги билимларни ўзлаштиришга мослашиш имкониятларини оширишга қаратилган таълимий стратегиялар мажмуига асосланган ўқитиш.

КОГНИТИВ УСЛУБ – 1) шахснинг билиш жараёни стратегиясида қўллайдиган ўзига хос билиш хусусиятлари; 2) махсус танланган тестлар тўпламига кўра

назорат қилиш усули ёки хусусий билиш кўрсаткичлари мажмуини ифодаловчи тушунча.

КОДЛАШТИРИШ – ахб.ларни фойдаланиладиган кодга мос шартли белгилар. тасвирлар ва б.га айланттириш; ахб.ларни кодлар шаклида ифодалаш.

КОЛЛЕЖ (инг. college) – 1) Буюк Британия, АҚШ ва айрим бошқа мамлакатларда олий, ўрта, юқори ўрта ўқув юрти (айрим ҳолларда ун-т таркибида). Дастлаб 13-а. бошларида Буюк Британияда вужудга келган; 2) К. Франция, Швейцария, Бельгия, шунингдек, Африка ва Осиёнинг илгари француз мустамлака империяси таркибига кирган бир қанча мамлакатларидаги ўрта ва тўлиқсиз ўрта ўқув юрти. Францияда дастлабки К. ўрта асрда ун-тларда пайдо бўлди; 3) Ўзбекистонда ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юрти. Ўзбекистон Республикасининг 1997 й. авг.да қабул қилинган КТМД, «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 й. фев.даги қарорига мувофиқ, КХК сифатида ташкил этилган.

КОЛЛЕГИАЛЛИК (лот. collegialis – бирлашган, биргаликдаги) – коллегияга тааллуқли; яккабошчилик асосида эмас, бир қанча киши б-н биргалашиб, кенгашиб амалга ошириладиган. бошқарувнинг раҳбарий ваколатли шахслар гуруҳи (коллегия) томонидан амалга ошириладиган усули; коллегиял тарзда иш тутиш.

К.да таълим жараёнини ташкил этиш, бошқариш ҳамда муассаса ф-ятида мавжуд камчиликларни бар-

граф этиш, турли муаммоларни ҳал қилишда қарорларни жамоа аъзолари фикри асосида биргаликда қабул қилиш, шунингдек, таълим муассасаси ф-ятини такомиллаштиришда жамоа аъзоларининг ҳамкорлигини йўлга қўйиш ва биргаликда бошқариш амалга оширилади.

КОЛЛОКВИУМ (лот. colloquium – сазаро суҳбат) – 1) таълим тизимида ўқувчиларнинг, талабаларнинг билим даражасини аниқлаш ва ошириш мақсадида ўқитувчининг улар билан ўтказадиган суҳбати, имтиҳоннинг бир тури; 2) маъруза юзасидан баҳс-мунозара ўтказиладиган илмий мажлис. йиғилиш.

КОМЕНСКИЙ Ян Амос (1592. 28. 3, Жан. Моравия, Нивнице – 1670. 15. 11, Амстердам) – чех гуманист-педагоги, замонавий ўқитиш жараёни асосчиси. Ф-яти немис дворянлари ва католик черкови зулмига қарши қаратилган «Чех қардошлари» диний уюшмасига мансуб оилада туғилган. Мазкур уюшма аъзоси сифатида таъқибга учраб, тоғ ва ўрмонларда яшириниб юришга мажбур бўлган. К. дастлабки маълумотни қардошлик мактабида олган. 1608–10 й.ларда латин мактабида, кейинчалик Херборн академияси ва Гейдельберг ун-тида ўқиган. Католик черкови таъқиби натижасида Польшанинг Лешко ш.га келган ва у ерда гимназия ташкил этган. 1631 й. «Тиллар ва ҳамма фанларнинг очиқ эшиги», 1632 й. «Буюк дидактика», «Оналар мактаби» дарслик ва қўлланмаларини яратган. К.нинг «ҳамма нарсани билиш, ҳаммага билим бериш» шиори остида ёзилган асарлари илғор фикрли инглизларда

зўр қизиқиш уйғотган. У латин тили дарслиги ва тил ўқитиш мет.си бўйича қўлланма яратган. 1650 й. Венгрияга келган ва пед. назарияси тараққиётида муҳим аҳамиятга эга бўлган «Пансофия мактаби» (1651), «Яхши ташкил этилган мактаб қонунлари» (1653) китобларини, ўқув жараёнида расмлардан фойдаланишнинг самарали натижалари ақс этган «Ҳислар воситасида идрок қилинадиган нарсалар тасвири» (1658) асарини ёзган.

К. ҳар бир бола таълим олиши лозимлигини уқитган, умумтаълим деганда хотин-қизларнинг ҳам таҳсил олишини кўзда тутган. У болага самарали пед. таъсир кўрсатиш учун ёш хусусиятини ҳисобга олиш лозимлигини таъкидлаган. К. болаларнинг ўқиш ёшини она мактаби (туғилгандан 6 ёшгача), халқ мактаби (6–12 ёш), гимназия (12–18 ёш), академия (18–24 ёш) каби босқичларга бўлган. К. пед.сининг моҳияти ўқитишни бола ёши, билим даражаси, руҳий ҳолатига уйғун ҳолда ташкил этишдан иборат. Унинг бу қарашлари «Буюк дидактика» асарида ўз ифодасини топган.

К. жаҳон таълими тарихида биринчи бўлиб таълимнинг синф-дарс тизимини назарий жиҳатдан асослаган, таълим бериладиган вақтнинг давомийлиги, билим оладиган ўқувчилар сони, ёшини белгилаган. Дарсни режалаштириш, мақсадга мувофиқ тарзда ташкил этиш, таълим бериладиган вақтни ўқув йили, чораклар ҳамда ўқиш кунларига ажратиш йўллари кўрсатган. Таътиллар ва уларнинг давомийлиги, кундалик ва йиллик ўқув соатлари миқдорини белги-

лаб берган. Унинг пед. қарашлари бугунги кун таълим тизими учун ҳам алоҳида аҳамиятга эга. К.нинг «Буюк дидактика» асари педагог олим, проф. Малла Очилов томонидан ўзбек тилига таржима қилинган.

КОМИЛЛИК – меҳр-мурувват, адолат, тўғрилиқ, виждон, ор-номус, ирода, тadbиркорлик, матонат каби кўплаб асл инсоний хислат ва фазилатларнинг мажмуини ифодаловчи атама. К. инсоннинг ҳаётлигида амалга оширилган барча ишларнинг пок эътикод б-н суғорилиши, ҳаққа интилиш, ҳақиқатга, ёруғликка яқинлашгани сари ҳаёти ва виждонидаги доғлар, нуқсонлар, гуноҳларини равшанроқ кўра билиш йўлидир. К. етуклик, бекаму кўстлик, онгли инсонга хос ва мос хислат бўлган ақлий-маънавий даражадир.

К. хислатлари: нодонга нисбатан ақлли; лоқайдга нисбатан сергак; бахилга нисбатан сахий; танбалга нисбатан серғайрат; қўрқоққа нисбатан ботир бўлиш ва ҳ.к.

К. жиҳатлари: Ватанга содиклик; миллатга садоқат; юртга ғамхўрлик; Ватанни севиш; миллат тарихини яхши билиш; миллат тақдирига лоқайд бўлмаслик ва ҳ.к.

К. мезонлари: кишининг ички ва ташқи дунёси уйғун ҳолда бўлиши; соғлом фикрга эгалиги; оқилона ва одилона сўзи борлиги; амалий ф-ятда тил ва дил бирлиги ва б.

К.да маънавий ва жисмоний гўзаллик уйғунлашган бўлади, шунинг учун у ижт. кадрият саналади. Умуман, К. инсоний фазилатларнинг уйғунлашуви асосида шаклланиб боради.

КОМИЛ ИНСОН – тасаввуф фал.сининг асосий тушунчаларидан бири; хар жиҳатдан етук киши. Ахлоқий жиҳатдан олий покликка эришган, борлик ва Аллоҳни англашда тўлиқ билимга эга бўлган, натижада Ҳаққа етишган (ёки Куръон оятларининг туб моҳиятини тушунадиган) инсон. Тасаввуф таълимотига кўра, Аллоҳ К. ида ўзининг барча хислат ва аломатларини бамисоли кўзгуда кўргандек кўриб туради. К. и. ҳақидаги таълимот суфий файласуф Ибн Арабий томонидан яратилган, кейинчалик унинг издошлари, жумладан, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбандий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий ва б. томонидан ривожлантирилган.

К. и. ғояси ва уни амалга оширишга бўлган интилиш инсоният цивилизациясининг маъно-мазмунини ташкил қилади. К. и. ҳақидаги таълимот инсоннинг маънавий, ахлоқий, интеллектуал ва жисмоний жиҳатдан етуклик даражасига кўтарилишини кўзда тутди. Юртимизда К. и.ни вояга етказиш масаласига азалдан катта эътибор б-н қаралган. Шунинг натижаси ўлароқ тарихимизда ўзининг маънавий фазилатлари, жисмоний имкониятлари б-н жаҳон аҳлини ҳайратга солган буюк баркамол инсонлар кўплаб етишиб чиққан. Улар қолдирган бой илмий, ижт.-фал.й, маънавий мерос халқимизнинг бебаҳо мулкига айланган.

Инсондаги комиллик, энг аввало, унинг фикр, тафаккур ва амалий ф-ят эркинлигини англашидадир. Шу маънода, буюк юнон файласуфи Сукротнинг «Ўз-ўзингни англа», деган даъвати ҳам инсоннинг насл-насабини, ҳаёт маз-

инини, кишининг келажак авлодлар олиндаги масъулият ва мажбуриятини таъминлашга қаратилган чақириқдир. К. ининг моҳияти, аввало, ж-ятни баркамол килиш йўлидаги саъй-ҳаракатларда намоён бўлади. К. и. ва ж-ят муносабатларида ўзаро боғлиқ бўлган икки жараёни кўриш мумкин. Биринчиси, К. ининг ж-ят тараққиётига ижобий таъсир қилиши. К. и. ғоясининг мавжудлиги ва унинг боғлиқ амалиёт ж-ят ривожланиш даражасини белгилайдиган мезон сифатида намоён бўлади. Чунки биз ҳар қандай ж-ятни унда яшаётган кишиларнинг қатти-ҳаракатига қараб баҳолаймиз. Иккинчиси, ж-ятнинг характери, унинг К. инини тарбиялаш борасидаги имкониятларида, унга бўлган муносабатида намоён бўлади. Яъни эркинлик, мустақиллик К. и. ғоясини амалга ошириш учун тегишли шарт-шароит яратади. Шу боис Ўзбекистонда К. и.ни тарбиялаш учун иқт. сиёсий, иқтисодий, маънавий, ташкилий вазифалар дав. сиёсатининг энг муҳим устувор йўналиши этиб белгиланган. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, К. и.ни вояга етказиш миллий иқтисод мафқурасининг асосий вазифаларидан қилиб қўйилди.

КОММУНИКАЦИЯ (лот. communicatio – умумлаштираман, боғлайман) пед. маънода – ахб.ларни алмашиш жараёни; фикр алмасув, алоқа. Ижт. нуқтаи назардан белгилашладиган К. гуруҳ, ташкилот ёки таълим муассасаси, бутун жамоа ичидаги алоҳида шахслар ўртасида ахб. алмашиш жараёнини ўз ичига олади. Қандай турдаги К., асосан, табиий тил алоқасида амалга оширилади. Яқка К.да

инсон ахб.ни аниқлаши ва идрок этиши (ўзлаштириши) катта аҳамиятга эга. Гуруҳ ёки ташкилот ичидаги К. учун шу гуруҳ ёки ташкилот аъзолари орасида муносабатларнинг тақсимланиши, қабул қилинган К. қоидаларининг хусусиятлари аҳамиятли.

К. маълум бир муассасани бошқаришда ўзига хос мураккаб тизим бўлиб, таълим муассасаси раҳбарлари бошқарув жараёнида амалга ошираётган барча ишлар ахб.ларнинг самарали алмашишини талаб қилади. Шу боис у ўзининг функционал даражаси б-н тавсифланади ва бошқарув маданиятининг ташкилий сифатини белгилайди.

Таълим муассасаси К.си ўзига хос мураккаб ва кўп босқичли тизим бўлиб, нафақат таълим муассасаси ичидаги, балки унинг ташқарисидagi ахб. алмасувини ҳам қамраб олади.

КОММУНИКАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ – икки ва ундан ортиқ инсонлар ўртасидаги ахб. алмашиш жараёни. Мазкур жараёнда инсонлар орасида оғзаки ва ёзма мулоқот амалга оширилади. Бу жараёнда самарадорликка эришиш учун ўқитувчилар ўқувчиларга топширикнинг мазмун-моҳияти тўғрисида маълумот бериши, топшириқларни қандай ва қай тартибда бажариш ҳамда қандай натижаларга эришиш лозимлигини тушунтириши зарур. Таълим муассасаларида мавжуд К. ж., асосан, ташқи ва ички коммуникацияларга бўлинади.

КОММУНИКАБЕЛЛИК – шахснинг алоқа ва муносабатлар ўрнатиш, мулоқотга мойиллик лаёқати. К. хусусиятига

эга бўлган шахс мулоқотда ёқимли таассуротлар қолдириб, атрофдагилар б-н осон муносабат ўрната олади.

КОММУНИКАТИВЛИК – пед. тизимнинг ташки муҳит ва б. тизимлар б-н ўзаро таъсир этиш хусусиятларига эга эканлиги.

КОММУНИКАТИВ БИЛИМДОНЛИК – ўқитувчининг таълим олувчилар б-н алоқага киришиш, фикрларини тушунарли ифодалаш ҳамда эркин мулоқот қила олиш қобилиятлари мажмуи.

КОММУНИКАТИВ МАДАНИЯТ – шахснинг юксак даражадаги мулоқот кўникмаларига эга эканлиги.

КОММУНИКАТИВ ҚОБИЛИЯТ – педагогнинг самимий мулоқотда бўлиши, мулоқотни тўғри ташкил этиши, таълим олувчилар б-н дўстона алоқа ўрнатиш учун тўғри йўл топа билиши, улар б-н пед. нуқтаи назардан мақсадга мувофиқ ўзаро алоқа боғлашига қаратилган қобилият.

КОММУНИКАЦИОН МОЙИЛЛИК – бошқарувнинг маслаҳатга асосланган шакли. Мазкур тушунча доирасида ўқитувчилар ўқувчиларга турли хил саволларни бериши, ўз фикрларини билдириши учун имкониятлар яратиши англашилади. Ўқувчилар томонидан берилган таклифлар, уларнинг фикрлари, улар томонидан бажарилган топшириқларнинг натижалари ўрганиб чиқирилиши сабабли тақдим қилинган топшириқлар ўз вақтида бажарилади.

КОММУНИКАЦИОН ТИЗИМ – тармоқдаги комп.лар орасида ахб.ларни узатиш учун йўналишларни белгилаш ва боғланишларни бириктириш вазифасини бажарадиган тизим.

КОМПЕТЕНЦИЯ (лот. *competo* – эриш-япман, муносибман, лойиқман) – 1) муайян дав. органи (маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органи) ёки мансабдор шахснинг қонун, устав ёки бошқа ҳужжат б-н белгиланган ваколатлари, ҳуқуқ ва бурчлари доираси; 2) у ё бу соҳадаги билимлар, тажрибалар; 3) шахснинг бирор-бир соҳадан хабардорлиги, шу соҳани билиши даражаси.

КОМПЕТЕНТЛИЛИК – 1) маълум ҳолат хусусида тўғри мулоҳаза юритишга имкон берадиган билимга эга бўлиш, далил-исботли фикр, кишининг муайян соҳадаги савияси; 2) педагогнинг барча имкониятлардан фойдалана олиши, ўзига ва ўз ишига нисбатан талабчанлиги, мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлигини йўлга қўя олиши, ўз ишининг устаси бўлган, соҳасининг сирларини ҳар томонлама чуқур билган, ўзини ўзи ривожлантирувчи ҳамда ўз қобилияти ва имкониятларини тўла ишга сола биладиган пед. лаёқати.

КОМПЛЕКС ЁНДАШУВ (лот. *complexus* – алоқа, боғланиш; қўшиб, қамраб олиш) – бир бутунни ташкил қилувчи нарсалар, ҳодисалар, белги-хусусиятлар мажмуи, йиғиндисига яхлит тарзда ёндашиш. К. ё. таълим-т-я жараёнини самарали ташкил этиш ва пед. ҳодисаларни ҳар томонлама чуқур таҳлил қилишда муҳим аҳамиятга эга.

КОМПЬЮТЕР (инг. *computer*; лот. *computare* – ҳисобламоқ, ҳисоблаб чиқмоқ) – мураккаб қурилмага эга бўлган электрон ҳисоблаш машинаси. У ҳозирда фақат ҳисобловчи бўлмасдан, математик амаллар, товуш, видео ва б. маълум

мотлар устида ҳам амаллар бажаради. Шунга қарамасдан, ҳозирда унинг эски номи сақланган. Унинг асосий вазифаси турли маълумотларни қайта ишлашдан иборат.

КОМПЬЮТЕР ВОСИТАСИДА ЎҚИТИШ ТИЗИМИ – комп. воситасида амалга ошириладиган таълим тизими. К. в. ў. т. қуйидаги вазифаларни бажаришга имкон берувчи ўқув методик ва дастурий-техник воситалар комплекси ҳисобланади: билимнинг аниқ предмет соҳасини ўрганиш; ўқув курсларида ишланмаларни қўллаш; ўқув жараёнини бошқариш.

Бугунги кунда ўқув жараёнини ташкил этишда қўлланилаётган К. в. ў. т.ни қуйидаги синфларга ажратиш мумкин: маърузани иммитацияловчи ва ўрганувчи материални баён этишда аниқ режага эга бўлган маърузачи тизимлар; семинар, лаб. машғулотларини иммитацияловчи ассистент тизимлар; билимларнинг бошланғич даражасини ва ўқувчининг психологик ҳолатларини текширишга имкон берувчи репититор тизимлар; ўрганилаётган ва ёндош фанлар бўйича фойдаланишга мўлжалланган маълумотлар базасини ташкил қилувчи маслаҳатчи тизимлар.

КОМПЬЮТЕР ГРАФИКАСИ – график дисплей (монитор) экранида тасвирий информацияни визуаллаш («кўринадиган» қилиш), шунингдек, ўрганилаётган объект бўйича моделларни ва уларнинг тасвирларини яратиш, сақлаш ҳамда керакли мақсадда уларни қайта ишлаш жараёнини амалга оширишдаги универсал техник-дидактик

восита. Тасвирни қоғозда, фотоплёнкада, кинолента ва б.да акс эттириш усулидан фарқли равишда К. г.да ҳосил қилинган тасвирни дарҳол ўчириб ташлаш, унга тузатиш киритиш, исталган йўналишда торайтириш ёки чўзиш, яқинлаштириш ва узоклаштириш, ракурсни ўзлаштириш, буриш, ҳаракатлантириш, рангини ўзгартириш ва б. амалларни бажариш мумкин. Китобларни безаш, расм ва чизмаларни тайёрлаш, буюмларни лойиҳалаш ва моделларни ясаш, телерекламалар яратиш, телевизион кўрсатувлардаги тўлдирувчи тасвирий лавҳаларни, мультфильмларни яратиш, кинофильмларда кизикарли кадрлар ҳосил қилиш ва б. кўп соҳаларда қўлланилади.

КОМПЬЮТЕРДА ДАСТУРЛАШ – комп. учун дастур тузиш жараёни; комп. дастурлари, дастурлар тузиш усуллари, уларни текшириш ва мукамаллаштириш ҳақидаги фан.

КОМПЬЮТЕРЛАШТИРИШ – инсон ф-ятининг турли соҳаларига комп.ларни жорий этиш, уларни комп. б-н ишлашга ўтказиш жараёни. К. жараёни маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва узатиш ишларини автоматлаштиришни қамраб олади. Натижада шахснинг интеллектуал салоҳияти ривожланади; ақлий меҳнатни илмий асосда ташкил этиш имкониятлари кенгайди; таълим-т-яда кафолатланган натижага эришиш учун қулай шароитлар яратилади.

КОМПЬЮТЕР МАДАНИЯТИ – одамнинг ўз ф-ятида ахб. техн.си мажмуидан тегишли тарзда фойдалана олиш лаёқати даражаси. Юксак ижт. ва ишлаб

чиқариш маданиятисиз комп. техн.ининг ривожланиши мумкин эмас, комп.лардан кундалик ф-ятда самарали ва оқилона фойдаланиш эса комп. соҳасида муайян билим ва кўникмаларга эга бўлишни тақозо этади.

КОМПЬЮТЕРЛИ МОДЕЛЛАШТИРИШ – комп. воситасида муайян ўқув моделларини яратиш жараёнини ифодаловчи атама.

КОМПЬЮТЕР ТАРМОҚЛАРИ – ахб.ларни уйғунлаштириб алмашиши мақсадида узатиш йўналишлари орқали боғланган алоҳида комп.лар мажмуи. Ҳар қайси ахб. истеъмолчисига ахб.захиралари (маълумотлар базаси, процессор, хотира ва ҳ.к.) дан биргаликда фойдаланиш учун қўшимча имконият яратади. Кичик ҳудуд (корхона, ташкилот) доирасида фойдаланиладиган К. т. локал (маҳаллий), кенг ҳудуд (ўлка, дав., китъа ва б.)ни камраб оладиган К. т. глобал (умумлашган) деб аталади (яна қ. Интранет, Интернет).

КОМПЬЮТЕРЛАШТИРИЛГАН ҲИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ – комп. воситасида амалга ошириладиган таълим тизими.

КОМПЬЮТЕР ҲИИНЛАРИ – комп. ёрдамида ўйналадиган кўнгилочар ўйинлар ва бошқотирма эрмакларни ифодаловчи атама. Ҳйин майдони комп. орқали бошқарилади ёки дисплей ва телевизор экранида намоён бўлади. Турли ўйинлар (мас, автомобилни бошқариш, теннис, футбол ўйнаш ва б.)нинг кечиши ва вазиятлари моделлари (дас-турлари) тузилиб, К. ў. шулар асоси-

да ташкил қилинади. Моделда ўйинга жалб қилинган объектлар ва улар орасида бўлиши мумкин бўлган муносабатлар акс этади. Мас., бир оддийрок ўйин савиясидан юқорирок ўйин савиясига ўтиш шартларини ўз ичига олган ўйин қоидалари ишлаб чиқилади. К. ў. ривожланиб ва мураккаблашиб бориши, яққоллиги ва вазиятларнинг сон-саноксизлиги б-н бошқа ўйинлардан ажралиб туради. «Ўйинчилар»нинг маҳорати ва кўникмалари ошган сари К. ў. қизиқарли ва мазмунлироқ бўлиб боради.

КОНАНТ ПЕДАГОГИКАСИ – пед. тарихида алоҳида ўрин эгаллаган, таълим олувчиларнинг синфий фарқларига эътибор қаратилмайдиган, миллий бирликка ундайдиган йўналиш.

КОНВЕНЦИОНАЛИЗМ (лот conventio – битим, шартнома, келишув) – 19-а. охири ва 20-а. бошларида шаклланган фал. илмий йўналишлардан бири. Илмий соҳада ф-ят олиб бораётган олимларнинг ўзаро келишуви ва ҳамкорлигини ташкил этишга асосланган концептуал ёндашувларни ишлаб чиққанлиги б-н бошқа фал. оқимлардан ажралиб туради. Бу йўналишнинг асосчиси А. Пуанкаре ҳисобланса-да, унинг асосий тамойилларини файласуф олимлар Р. Карнап ва К. Айдукевич ишлаб чиққан. К.нинг айрим ғоялари неопозитивизм, операциялизм, прагматизм каби оқимларда ўз аксини топган. К.нинг асосий мақсади – илмий назария ва тушунчалар объектив дунёнинг акси эмас, балки олимлар ўртасидаги ўзаро келишув маҳсули, деган фикрни асослашга қаратилган эди.

Гояларининг фаол тарғиботчиси Э. Беруа «Фан ва фалсафа», «Позитив фан ва фалсафий тўплам», «Янги позитивизм», «Ақида ва танқид» каби асарларида бу йўналишнинг назарий асослари ва категорияларини аниқлаштиришга ҳаракат қилган. Ўз навбатида, Пуанкаре ҳам «Фан ва гипотезалар», «Фанлар баҳоси» асарларида К.нинг асосий тушунча ва тамойилларини илмий ҳақатдан таҳлил қилишга уринган. Олимпнинг фикрича, нарсаларнинг табиғатини билиб бўлмайди. Умуман олганда, К. илмий-фал. йўналиш илмий тамойиллар тизими сифатида 20-а.нинг иккинчи ярмида Гарб фал.си, шунингдек, мантик ва фан методологиясидан кенг ўрин олади. Жумладан, илмий-фал. методология йўналишида тадқиқот олиб борган Поппер, И. Лакотос, П. Фейерабенд каби олимларнинг асарларида конвенционалистик қарашлар ўз ифодасини топган. К. маъно-мазмунига кўра, чуқур ва ҳақматга бой фан фал.си сифатида ҳам атироф этилади. К.да илмий билиш динамикаси чуқур таҳлил қилиниб, илмий ф-ятда тараққиётга нисбатан аниқ баҳолаш, мақсадлар бўлиши лозимлиги ҳақида таъкидланади.

КОНДУКТИВ ПЕДАГОГИКА – пед.нинг ногирон ёки имконияти чекланган болаларни ўқитиш масалалари б-н шуғулланувчи тармоғи. К. п. доирасида индуктив ўқитиш, тарбиялаш ва даъватлаш йўллари, усуллари, воситалари қўрилди. Бу соҳадаги тадқиқотларда индуктив таъсир орқали ички нутқ ва ҳаракатни ритм ёрдамида ташкил қилиш имкониятлари очиқ берилди.

К. п. таъсир жараёнида катталар б-н болалар ўртасида ҳиссий-ижобий мулоқот вужудга келади.

КОНСЕРВАТИЗМ (лот. conservativisme – химоя қилмоқ) – луғавий маънода: а) тараққиётга, янгиликка, илғор гояларга душманлик; б) эскиликни, эски тартиб-қоида ва тамойилларни сақлаб қолиш, тиклашга интилиш; в) мавжуд тартибот муассасалари ва ижт.-маънавий қадриятларни химоя қилувчи ижт.-сиёсий таълимот ва сиёсий қарашлар тизими. К. радикализмнинг зидди ҳисобланади. Консерватив гоялар Местр ва Бональд каби мутафаккирларнинг илмий ишларида ўз ифодасини топган. Одатда, анъана ва янгиликлар ҳақида гап кетганда, консерватор, албатта, анъаналар тарафдори бўлади. Тадқиқотчилар орасида «консерваторлик» тушунчаси бўйича умумий қараш йўқ. Анъанавий қарашларга мувофиқ, буюк француз инқилоби даврида ж-ятда бўладиган нотинчликдан азият чеккан кишилар қатлами консерватор сифатида баҳоланган. Берк ва Мэл томонидан ривожлантирилган К. гоялари ҳоз. кунгача ўз таъсирини йўқотмаган. 20-а.да К. гояси Германияда Мюллер Вандер Бург томонидан ривожлантирилди. У собиқ совет ж-ятини сақлаб қолиш учун уринган коммунистларни ҳам консерваторлар қаторига қўшади. Бу К.нинг асосий мазмунига бирмунча тўғри келмайди. Негаки коммунистлар консерватив эмас, балки кўпроқ реакционерлардир. Консерваторлар ж-ятда ўзгариш қилишга қарши эмас. Лекин уларни бу ўзгаришлар қай усул б-н амалга оширилиши ташвишлан-

тиради. Э. Берк бу ҳақда бундай дейди: «Ўзгаришга тайёр бўлмаган ж-ят ўзини сақлаб қолишга қодир эмас». К. ғоялари ривожни ҳеч қачон бир текис ва силлиқ кечмаган.

КОНСПЕКТ (лот. conspectus — кўринарли; нуқтаи назар; қараш) — китоб, мақола, маъруза ва шу кабиларнинг қисқа ёзиб олинган мазмуни, баёни.

КОНСПЕКТЛАШТИРИШ — муайян назардаги нуқтаи назарлар, қарашларни жамлаган ҳолда ёзиб олиш, тартибга солган ҳолда баён этиш. К. бирор материални (мас., маърузани) яхшироқ эсда сақлаб қолиш учунгина зарурдир, деган фикр мавжуд, бироқ бу ўринда ўзлаштираётган материални чуқурроқ ёки унинг янгича (яъни бошқачароқ нуқтаи назардан) ўрганиш мақсадида К. янада муҳимроқ тадбирлардан ҳисобланади. Бунинг учун конспект қисқа, раво, тўлиқ ва аниқ бўлмоғи керак.

КОНСТИТУЦИЯ АЛИФБОСИ — у. ў. т. мактабларининг 1–4-синфларига Конституцияга оид дастлабки тушунчалар ва маълумотларни тақдим этишга мўлжалланган ўқув курси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2001 й. 4 янв. даги «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги фармойиши асосида у. ў. т. мактабларининг бошланғич синфларида «Конституция сабоқлари» ўқув курси жорий этилиб, бошланғич синф ўқувчиларининг ҳуқуқий билимдонликларини оширишга хизмат қиладиган билимларни ўз ичига олган дастур ва «Конс-

титущия сабоқлари» ўқув қўлланмаси ёрдамида сабоқ бериш йўлга қўйилган.

КОНСТИТУЦИЯ (лот. constitutio — ўрнатиш, тузилиш) — дав.га, ж-ятга ва инсонга оид энг асосий ҳуқуқий муносабатларни комплекс тартибга соладиган, шуборада бошқа қонунлар учун ҳуқуқий пойдевор вазифасини ўтайдиган, олий юридик кучга эга бўлган, қатъий тизимлаштирилган, мамлакат мустақиллигининг кафолати бўлган асосий қонун. К. қабул қилиш дав. қурилишининг асосий хусусиятларини аниқ белгилаш имконини яратади, ҳуқуқий ислохотларни соддалаштиради. К. ҳуқуқий тартибга солишнинг энг асосий ва мақбул юридик шаклидир. Мустақил Ўзбекистоннинг К.си 1992 й. 8 дек.да қабул қилинган. У 128 моддадан иборат. К.нинг барча моддалари ва қоидаларини тизимли тарзда қамраб олган ўқув дастурлари, ўқув қўлланмалари ва дарсликлар ёрдамида ўқувчи ҳамда талабаларга дав.имизнинг асосий қонунлари, ҳуқуқий билимлар таълим олувчиларга тизимли тарзда тақдим этилади. Ўзбекистон Республикасининг К.сида мамлакат аҳолиси айниқса ёшларнинг билим олиш ҳуқуқи тўла кафолатланган. Жумладан, К.нинг 41-моддасида: «Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш дав. томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари дав. назоратидадир», деб белгиланган.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ БУРЧ — ҳуқуқий демократик дав. ва фуқаролик ж-яти қуриш ҳамда уларнинг ривожини таъминлаш учун адо этилиши, бажарилиши мажбурий бўлган вазифа ва мажбуриятлар. Барча ривожланган дав.лар консти-

қиясида фуқароларнинг бурчларига алоҳида ўрин ажратилган. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида фуқаролар ва дав.нинг бурчларини белгилашда миллий тарихий хусусиятлар, ривожланган мамлакатлар тажрибаси инобатга олинган. К. б. Ўзбекистон дав.и ва фуқароларининг Конституцияда белгилаб қўйилган, бажарилиши шарт бўлган мажбуриятларидир.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ – асосий ижт. муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндиси, ҳуқуқ тизимининг етакчи соҳаси. К. ҳ. нормалари дав.нинг ижт.-иқтисодий, сиёсий ва ҳудудий тузилиши, унинг фуқаролик ҳаёти ин-тлари б-н муносабатлари тартибидини, фуқаро ва шахс ҳуқуқ ҳамда эркинликлари амалга оширилишининг асосий тамойилларини, дав. ҳокимияти органлари тизимини белгилайди.

К. ҳ., айтилиши вақтда, Конституция, унинг мазмун-моҳияти, аҳамияти, ж-ятдаги ўрни ҳақида маълумот берувчи фан ҳамдир. Кенгрок маънода, у конституциявий ин-тлар ҳақидаги тасаввур ва билимлар, конституциявий нормалар, улар орқали тартибга солинадиган муносабатлар ҳамда қонунчиликни ривожлантирувчи қарашлар тизимидир. Бу фан конституциявий-ҳуқуқий муносабатларга баҳо беради, конституциявий ин-тларни ўрганади, муаммоларни аниқлаб, уларни ҳал қилиш йўллари кўрсатади.

КОНСТИТУЦИОНАЛИЗМ (лот. *constitutio* – ўрнатиш) – ж-ят ҳаётини қабул қилинган қоида ва қонунларга катъий риоя этган ҳолда ташкил этиш ва бошқариш жараёнини ифода этувчи тамо-

йил. К. ғояси фақат ж-ятнинг қонуний-ҳуқуқий асосларига таяниб қолмасдан, балки ижт., сиёсий, иқтисодий, маънавий, ахлоқий тамойилларнинг уйғунлигини ҳам ифода этади. Ёки дав. тузуми, унинг таркибий тузилиши, ж-ятдаги умумий қонун-қоида ва талабларнинг иқтисодий ривожланиш жараёнлари, инсонларнинг маънавий камолоти, юксак ахлоқийлиги б-н уйғунлашган ҳолда мамлакатнинг конституциясида акс этиши К. ғоясининг моҳиятини акс эттиради. Бунда ж-ят аъзоларининг К. ни, демократик ўзгаришларни амалга оширишнинг тарихий заруратини англабгина қолмай, балки уни чинакам эркинлик, мустақиллик ва фаровонлик асоси, деб билишига эришиш муҳим аҳамиятга эга. Бу ғояни амалга ошириш ва унинг самарадорлиги ж-ят аъзоларининг ҳуқуқий маданият даражаси ва билимдонлигига боғлиқ. Чунки қабул қилинган қонунларнинг ижро этилиши муҳимдир. Шу боис бир томондан, К. ҳуқуқий маданиятнинг намоён бўлиши, иккинчи томондан, ҳуқуқий маданият ривожини сифатида ифодаланади. Ҳақиқий К. қонунлар устуворлиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари даражаси, ижт.-сиёсий кафолатлар характери, уларнинг умуминсоний тамойилларга мослиги б-н белгиланади. Чинакам демократияга интилаётган ж-ят ўз халқи манфаатларини, уларнинг ор-номуси, кадр-қиммати ва эркинликларини К. ғояларига асосан муҳофаза қилишга қодир бўлган тақдирдагина қучли, қудратли давлатчиликнинг ҳуқуқий асосларини ўрнатади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда К. ғоясига асосланган дав. тузумининг демократик тамойиллари шаклланди. 1992 й. 8 дек.да Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинди. Бозор муносабатларига ўтиш, эркин демократик ж-ят қуришнинг ҳоз. босқичида ҳаёт талабларига жавоб берадиган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш механизмлари вужудга келди.

КОНСТРУКЦИЯЛАШ МЕТОДИ (лот. constructs – тўплаш, йиғиш; тузилиш, қурилиш) – таълим олувчиларнинг ихтиро ва талқинларни амалга ошириш жараёнига жалб этишга хизмат қиладиган йўллар, усуллар мажмуи.

КОНСТРУКЦИЯЛАШ ФАОЛИЯТИ – ўқувчи ёки талабанинг ихтиро ва талқинларни амалга ошириш жараёни.

КОНФЛИКТ (лот. conflictus – ихтилоф, тўқнашув, низо, келишмовчилик) – инсон ф-ятининг турли жабҳаларида содир бўладиган карама-қаршилик. Уларнинг келиб чиқишига инсонларнинг муайян вазият, ҳолат ва жараёнларга нисбатан турлича қарашлари сабаб бўлади. Зеро, инсонларнинг дунёқарashi, муайян вазиятларда амалга оширадиган хатти-ҳаракатларидаги ўзига хослик натижасида карама-қаршиликлар келиб чиқади. Айрим ҳолатларда К. кучли эҳтирослар, драматик тўқнашувлар, зиддиятлар тарзида кузатилишининг асосий омиллари ҳам айнан кишиларнинг турли феъл-атвор ва дунёқарашга эгаллиги ҳисобланади. К. кенг маънода яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва ёвузлик, адолат ва адолатсизлик ўртасидаги тўқнашув,

зиддият, янгиликка интилувчанлик ва эскиликни сақлашга интилиш сифатида намоён бўлади. Тор маънода санъатнинг турли соҳаларида (бадий адабиётда ижобий ва салбий образлар ўртасидаги зиддият, тасвирий санъатда контраст ранглар воситасидан фойдаланиш ва ҳ.к.) бадий асарнинг таъсирчанлигини ошириш учун қўлланиладиган ўзига хос метод. К. шаклидаги зиддият, карама-қаршиликлар илм-фан, шу жумладан, пед. ва психология соҳасида ҳам кузатилади. Кўп ҳолларда турлича ёндашув ва дунёқарашлар ўртасидаги зиддиятлар илм-фан ривожига ҳам таъсир ўтказди. Инсоният ҳаёти шундай мазмунга эгаки, унда К. сиз ж-ят бўлиши мумкин эмас. К.нинг таснифига кўра, бир шахснинг ички дунёсидаги зиддиятлари, икки шахс ўртасидаги зиддиятлар, гуруҳлар ўртасидаги карама-қаршиликлар, миллатлараро келишмовчиликлар, мамлакатлараро К. лар, диний мансубликка кўра зиддиятлар каби тоифалари мавжуд. Таълим жараёнидаги конфликтларни пед. конфликтология ўрганadi.

КОНФОРМИЗМ (лот. conformis – ўхшашлик, мос келиш, мослашувчанлик) – шахснинг хулқ-атвори ва фикр-мулоҳазасини бошқа одамларнинг талабларига, хулқига мувофиқ бўлиш учун уларга мослаштиришга қаратилган мойиллик, унинг мавжуд ҳолатга, фикр-мулоҳазаларга мослашувчанлиги, уларга нисбатан суэт муносабат; мавжуд ижт. тартиб, ҳукмрон ғоя ва фикрларга мослашиш, уларни пассив қабул қилиш. Конформистларнинг ўз мавқеи бўлмайди.

таъйиқ кучига эга ҳар қандай намунага принципсиз, нотанкидий, кўр-кўрона эргашаверади.

Умумий қарорларни қабул қилишда шахснинг фаол иштирок этишини тақозо қиладиган, жамоавий кадриятларни сингариб олиш, ўз хатти-ҳаракатлари ҳамда манфаатларини жамоа манфаатлари билан уйлантиришни талаб қиладиган жамоавийликдан фарқли ўларок, ўз нуқтаи назарига эга бўлмаслик, зўр таъсир кучига эга андазалар (мас., кўпчиликнинг фикр-мулоҳазаси, тан олинган эътибор ва кишининг нуқтаи назари, тарихий маъна ва ҳ.к.)га кўр-кўрона эргашиш, аварак-атрофдаги воқеа-ҳодисаларга танкидий муносабатда бўлмаслик тушунилади. Ахлоқий-сиёсий К.ни психологик мослашувчанлик билан аралаштириб юбормаслик керак. Чунки муайян меъёрлар, урф-одат ва кадриятларни уйлантириш шахс ижтимоийлашувининг зарурий жиҳати ҳамда ҳар қандай ҳаёт тизим самарали ф-ятининг қаражатларидан биридир. Қундалик ҳаётда К. «мослашувчанлик» маъносида қўлланилади. Бунда К.нинг мезонини атроф-муҳит талабларига шахснинг мослашувчанлиги билан айнан бир хил қанлиги тушунилади. Натижада шахс аруҳ таъйиқи остида ўзаро муносабатларни амалга оширувчи, ташқи кучларга қарши тобе инсон сифатида тасаввур қилинади. Шахслараро муносабатларнинг унинг мустақил фикрлаши, қарор қабул қилиши, онгли хатти-ҳаракати, қарор қабул қилиши, меъёраши, маслағи инобатга олинмайди. Шу боис ҳоз. замон олимлари ташқи таъйиққа нисбатан шахс томонидан уч

хил муносабат билдирилиши мумкинлигини таъкидлашмоқда: шахснинг таъсирланувчанлиги, яъни ҳеч қандай можаросиз (низоларсиз) гуруҳ фикрини қабул қилиш; ичдан норози бўлган ҳолда онгли равишда ташқи кўринишдаги яқдиллик аломати, ифодаси; жамоавий ўзини ўзи аниқлаш (шахснинг жамоа билан бирдамлиги, унинг кадриятлари, меъёрлари, маслақлари ва идеалларининг шахс томонидан онгли равишда қабул қилиниши) ҳамда фаол ҳимоя қилишни киритиш мумкин.

КОНФУЦИЙ, Кун Фуцзи, Кун-цзу, Кун Цю, Кун Чжунни (мил. ав. тахм. 552 – Цюйфу ш., Хитойнинг Шаньдун вил. – 479) – кад. хитой файласуфи, конфуцийчилик асосчиси, сиёсий арбоб. Камбағаллашиб қолган аристократ ва ҳарбийлар оиласида туғилган. 22 ёшида таълим бериш билан шуғулланиб, Хитойнинг энг машҳур ўқитувчиси сифатида шуҳрат қозонган. К. ўзи очган мактабда 4 та фан: ахлоқ, тил, сиёсат ва адабиёт ўқитилган. 50 ёшида К. сиёсий ф-ятини бошлаб, Лу давлатида юқори лавозимда хизмат қилган. Фитналар натижасида хизматдан кетиб, 13 й. мобайнида Хитойнинг турли ўлкаларига борган, бироқ у жойларда ўз ғояларини қўллай олмагач, мил. ав. 484 й. Луга қайтиб келган. Таълим беришдан ташқари кад. Хитойнинг 5 та мумтоз асари – «Шуцзин», «Шицзин», «Ицзин», «Юэцзин» ва «Лицзин»ни тўплаш, таҳрир қилиш, тарқатиш билан шуғулланган. К. таълимоти унинг «Лунь юй» («Сухбатлар ва мулоҳазалар») китобида баён этилган. Бу китоб, аслида, К.нинг фикрлари ва

сухбатлари асосида шогирдлари ва издошлари томонидан яратилган.

К. таълимотида инсонпарварлик (жэнь), одоб коидалари (ли), фазилат (дэ) тушунчаси муҳим ўрин эгаллайди. Инсонпарварлик тушунчасига кўра, одамлар ахлоқий ва ижт. муносабатларда ёши улуг, мавқеи баланд кишиларни хурмат қилишлари, подшоҳга садокатли бўлишлари керак. Одоб коидалари тушунчасига кўра, у туфайли юксак фазилатлар шаклланади, ж-ят ривож топади, адолат тантана қилади. Бурчни адо этиш туфайли инсон камолотга эришади. Унинг негизида «сен ўзинг нимага эришишни истасанг, унга бошқаларнинг эришишига кўмаклаш», «сен нимани орзу қилмасанг, уни бошқаларга раво кўрма» каби ҳаётий тамойиллар ётади. «Буюк таълимот» ва «Ўрталик ҳақида таълимот» деган асарларни Конфуций ёзган деб тахмин қилинади. Бу китобларга кўра, одамларнинг биргаликда оқилона яшаши тартибининг муҳим шартини 5 та оддий ва буюк фазилат ташкил этади: донолик, инсонпарварлик, садокат, катталарни хурмат қилиш, жасорат. Бу фазилатлар ўзига ва б.га нисбатан ҳалол ёндашув ва чуқур хурматни англатади. Фақат мумтоз ва комил инсонларгина бундай фазилатга эга бўлади.

К. таълимотида таъкидланишича, қонун инсон манфаатларига хизмат қилмоғи лозим.

КОНФЕРЕНЦИЯ ДАРСЛАРИ – конференция шаклида ташкил этилиб ўтказиладиган дарслар. Дидактик ўйинли дарслар орасида К. д. ҳам муҳим ўрин тутаяди. К. д. ўқувчиларнинг би-

лиш ф-ятини фаоллаштиришда, ил-дунёқарашини кенгайтиришда, ил-ва илмий-оммабоп ад.лар б-н муста-ишлаш кўникма ва малакаларини ор-риш, мустақил ҳаётга онгли тайёрла-муҳим аҳамият касб этади.

Ўқитувчи конференция дарс-ўтишдан аввал дарс мавзусини, ма-ва вазифаларини белгилаб, шу мав-оид кўшимча илмий ва илмий-омма-ад.ларни кўздан кечиради. Мазкур д-ни ўтишдан 10 кун олдин дарс ма-си эълон қилиниб, унга тайёргар-кўриш учун ад.лар тавсия этил-Эълон қилинган дидактик ўйинли д-да «Олимлар» ролини танлаш, мавз-ҳар томонлама ёритиш, маъруза та-лаш ўқувчиларнинг ихтиёрида бўл-Дарсга тайёргарлик даврида ўқиту-томонидан ижобий рағбатлантириш-мулоқот маданиятини шакллантир-ўқувчиларнинг дарсга қизгин иштир-муҳим омил саналади.

КОНФЕРЕНЦИЯЛАР (лот. *konferentia*) – бир жойга тўплаймак) – дав. ёки тия, жамоат ва олимлар вакилларини муайян масалани муҳокама этиш у-йиғилиши. 19-а.нинг 2-ярмигача Фар-Европада, асосан, маъмурий-техник, даний, иқтисодий ва ҳуқуқий масала-га оид йиғилишлар ҳам К. деб атал-Кейинчалик К. тушунчаси конгресс-маси ўрнида ҳам қўллана бошланди.

КОНЦЕРТ ДАРСЛАРИ (фр. *concerto*, итал. *concerto* – уйғунлик, келишув, *concertare* – қизгин мусобақалаш-баҳслашмоқ) – ўқувчилардаги, мав-муסיқий билимларни амалда қўл-ўзлари ва бошқаларнинг билимла-

қо бериш, сахнада ўзини тутиш, жамоа бўлиб ва якканавозликда куйлаш малакаларини шакллантириш, болаларнинг қизиқий қолғуларга жўр бўлиш, рақам элементларини бажариш ва х.к.ларни намоён қилишларига мўлжалланган дарс.

КОНЦЕНТРИЗМ ТАМОЙИЛИ (концентр – лот., «concentrum» – «умумий марказга эга бўлган») – ҳодисаларнинг марказга тўпланишини ифодаловчи атама. К. т. битта умумий марказга айтилган таълим мазмуни, таълим нажоясида ўқув предметининг муайян тартидаги ўқув материалининг алоҳида-алоҳида блок (гурух)ларга ажратилган ҳолда берилишини ифодалайди.

Ушбу блоклар муайян ўқув предметига бўйича белгилаб бериладиган ўқув материалининг ҳажмини ифодалайди. Шунинг маънода К. т. асосида белгилаб бериладиган ўқув материалининг мазмуни ўқувчиларга тақдим этиладиган ўқув материалларининг ҳажми ва миқдорини белгилаб бериш имконини яратади. К. т. асосида ўқув материалларини ўзида қамраб олувчи жассамлаштирган дарсликлар, ўқув материалларида матн, машқ ва масалалар, савол-жавоблар, таълимий топшириқлар ва тартибдорлиқ асосда муайян изчилликда тақдим этилади. Ўқув материалларини танлашда К. т.га таяниш натижасида ўқув материаллари аниқ концентрда жассамлаштирилган ҳолда муайян тема-кетликда жойлаштирилади. Бу ўқувчиларда ўқув кўникмаларининг янги тарзда ривожланиб боришига шартли равишда ёрдам беради. К. т. асосида танланган ўқув материаллари тизимида аниқ бир таълим билим ва тушунчаларнинг турли

даражада ифодаланиши намоён бўлади. Бунда ўқув материаллари тизимидаги билим ва тушунчалар концентр характердаги таълим мазмуни доирасида, таълим жараёнининг муайян босқичларида ўқувчиларнинг ёш ва тараққиёт даражалари, фикрни англаш, уни ифодалаш б-н боғлиқ эҳтиёжлар ҳамда имкониятларни ҳисобга олган ҳолда тақсимланади. Шунинг нуктаи назардан ёндашилганда, таълим жараёнида ўқувчиларнинг мустақил фикрлаши, сўз бойлигининг бир қадар жадал ривожлантирилиши кўзда тутилади. Натижада таълим тизимида аниқ блокларни ташкил қилувчи таълимий материалларни ажратиш имконияти яратилади. К. т.да танланган ўқув материалларининг афзаллиги шундаки, бундай ўқув материалларининг ўқувчилар томонидан тўлиқ ўзлаштирилишига эришилади. Айни бир тушунча ва таърифни бир вақтнинг ўзида ҳар томонлама чуқур ўзлаштириш мумкин эмас. Мазкур тушунчанинг барча томонларини муайян концентрлар доирасида ўрганишни назарда тутган ҳолда ўқув материалларини танлаш, дарсликларни таркибий жиҳатдан такомиллаштириш ва таълим жараёни самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Ўқув материалларини муайян концентрлар доирасида тақдим этишнинг бошланғич босқичида, ўқувчиларнинг билимларни ҳиссий қабул қилишлари, уларнинг таълим жараёнида тўплаган нутқий кўникмалари ва малакалари тизимли тарзда ривожланади.

КОНКУРЕНТ (МУҚОБИЛ) ГИПОТЕЗА – нолинчи гипотезага зид бўлган H_1 гипотеза. Агар нолинчи гипотеза нор-

мал таксимотнинг математик кутилмаси $a = 10$ га тенг деган тахминдан иборат бўлса, у ҳолда К. г. $a \neq 10$ деган тахминдан иборат бўлиши мумкин: $H_0 : a = 10$; $H_1 : a \neq 10$.

К. г.га оид билимлар пед. тажриба натижаларини таҳлил қилиш ва унинг самарадорлигини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга.

КОНФЕССИОНАЛ МАКТАБЛАР – муайян диний таълим-т-яни амалга оширишга қаратилган ўқув муассасалари. Марказий Осиёда К. м. барча хонликлар ҳудудида мавжуд бўлган. Мазкур мактаб ва мадрасалардаги таълим мазмуни эски китоблардаги баҳслар, мусулмонча қарашлар ва таълимотларни ўзида ифодалаган. Ушбу ўқув муассасаларида ўқувчи ва талабаларга мусулмон ахлоқига хос бўлган меъёрлар сингдирилган.

КОРАТОНОВА Лидия Николаевна (1951. 18. 2, Охунбобоев тумани) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Фарғона пед. ин-тини тугатган (1972). Бўз туманидаги 22-, 37-мактабларда она тили ва ад.и ўқитувчиси (1972–74), Улуғнор туманидаги 14-мактабда директор ўринбосари, директор (1974–87), она тили ва ад. фани ўқитувчиси бўлиб ишлаган (1987 й.дан). К. мактабда синфдан ташқари ишларни ташкил этиб, ўқувчиларнинг ёзма ва оғзаки нутқини ривожлантиришга катта эътибор берган. Унинг тажрибаси туман ва вил. миқёсида оммалаштирилган.

КОРЕЙС ТИЛИ ДАВЛАТ ТАЪЛИМ СТАНДАРТИ – корейс тили бўйича таълим мазмуни ва ушбу ўқув предмети

юзасидан ўқувчилар эгаллайдиган билим, кўникма. малакаларга қўйилган талабларнинг дав. томонидан тасдиқланган эталони, модели.

КОРРЕЛЯЦИЯ (лот. *correlatio* – нисбат, нарса ва тушунчаларнинг ўзаро муносабати) – нарса ёки тушунчаларнинг ўзаро боғлиқлиги, бир-бирига тобелиги нисбати, шунингдек, математик статистикада қатъий функционал характерга эга бўлмаган тасодифий миқдорлар орасидаги эҳтимолий (статистик) боғланиш. К. атамаси илк бор 18-а.да француз палеонтолог Жорж Кювье томонидан фанга киритилган. 19-а. охирида эса мазкур атамани инглиз олими Фрэнсис Гальтон статистикага киритган.

К.дан пед. тадқиқот натижаларига математик ишлов беришда фойдаланилади.

КОРРЕКЦИЯ (лот. *correctio* – тузатиш, яхшилаш) – руҳий, жисмоний камчиликларни бартараф этиш ва тузатишга йўналтирилган даволовчи пед. тадбирлар тизими.

КОРРЕКЦИОН ПЕДАГОГИКА – жисмоний ва руҳий ривожланишида нуқсонли болаларнинг психофизиологик ривожланишидаги хусусиятларини ўрганадиган, уларнинг таълим-т-яси б-н шуғулланадиган фан. Жисмоний ва руҳий ривожланишида нуқсонли болаларнинг ўқувчилар махсус ёрдамга муҳтож болалар тоифасига киради. Ҳоз. кунда ушбу болалар имконияти чекланган болалар деб ҳам юритилади. Аномалияларнинг келиб чиқиш сабаблари, турлари, аномал болаларнинг психофизиологик ривожланишидаги хусусиятларини ўрганиш

тар асосида дифференциал ва интеграциялашган таълимни ташкил этиш, тарнинг таълим-т-яси б-н шуғулланиш ва фанининг вазифаси ҳисобланади. Фанининг мақсади аномал болаларга дифференциал ва интеграциялашган таълимни ташкил этиш учун зарур бўлган шарт-шароитларни ўрганиш, тардаги нуқсон ва камчиликларни бартараф этиш, компенсациялаш, иложи бўлганда коррекциялаш усуллари белгилаш ва амалиётга татбиқ этиш шарт-шароитларини ўқитувчи ва тарбиячиларга кўрсатишдан иборат. Аномалияларнинг характерига қараб, баъзилари таркиб бартараф этилади, баъзилари коррекцияланади, бошқалари эса компенсацияланади.

КОРРЕКЦИОН ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР – аномал болаларни соғломлаштиришга қаратилган таълим-т-явий тадбирлар тизими. Унда махсус ишлаб чиқилган пед. тизим воситасида руҳий ва жисмоний ривожланишида нуқсонли болаларга ўқувчиларни тузатиш тадбирлари амалга оширилади. Ақлий ва жисмоний ривожланишда нуқсонли болаларнинг ўқувчилар б-н олиб бориладиган К. т. и. нинг қанча барвақт бошланса, таълимий ва тарбиявий жараённинг самараси шунчалик юкори бўлади.

К. т. и. нинг мақсад ва вазифалари тар бир индивидда мавжуд бўлган ақлий ва жисмоний нуқсонларнинг тавсифига қара белгиланади. Айрим ўқувчиларда ақлий ривожланишда нуқсонлар кузатилади, айримларида бу ҳолат жисмоний ривожланишда кузатилади. Айни пед. тизимда, бу тоифага мансуб болалар б-н

айрим йўналишдаги таълим-тарбиявий тадбирлар учун ягона тизимдан ҳам фойдаланилади. Мас., аномал бола шахсини ривожлантиришга йўналтирилган пед. тадбирлар, унинг организмни жисмоний жиҳатдан чиниқтириш, меҳнат кўникмаларини таркиб топтириш, нутқидаги нуқсонларни бартараф этишда универсал методдан фойдаланилади. К. т. и. да заиф эшитувчи ҳамда заиф кўрувчи болалар б-н ишлашга қаратилган К. т. и. га алоҳида аҳамият берилади.

Кўзи ожизлар б-н олиб бориладиган К. т. и. да сезги аъзолари орқали идрок этиш кўникмаларини таркиб топтириш, айниқса, мустақил тарзда муайян ҳаракатларни бажариш, атрофни идрок этиш орқали тўғри мўлжал олиш малакаларини шакллантиришга алоҳида эътибор берилади. Шунингдек, сезги анализаторлари воситасида атроф-муҳитни англаш жараёнида ишлайдиган мушакларни ривожлантиришга йўналтирилган жисмоний машқлар тизими К. т. и. нинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

К. т. и. тизимида қар, соқов ва кўзи ожиз болалар б-н олиб бориладиган тадбирлар ўта муҳим аҳамиятга эга. Чунки бу тоифадаги болалар б-н ювиниш, кийиниш, овқатланиш, юриш, ўтириш, бу ҳолатларда гавдани тўғри тутиш каби элементар малакаларни таркиб топтириш ишлари амалга оширилади. Бу ишнинг мураккаблиги шундаки, мазкур тоифадаги болалар б-н мулоқот ўрнатиш имкониятлари кескин чекланган. Қар, соқов ва кўзи ожиз болалар б-н амалга ошириладиган К. т. и. нинг кейинги босқичларида уларнинг ҳаракат кўникмаларини ривож-

лантириш, бу борадаги нотўғри шаклланган дастлабки малакаларни тузатиш, оламни билишга йўналтирилган тадбирлар амалга оширилади.

Талаффузида нуқсони бўлган болалар б-н амалга ошириладиган К. т. и. да сўзларнинг товуш таркибини таҳлил қилиш воситасида оғзаки ва ёзма нутқни, ёзув саводини тўғрилашга алоҳида эътибор қаратилади. Нафақат нутқида нуқсони бўлган болалар, балки катта ёшдагилар б-н ҳам К. т. и. олиб борилади. Мас., «р», «з», «с» каби товушларни тўғри талаффуз қилишга ўргатувчи махсус машқлар мавжуд.

Ҳаракат аъзоларида нуқсони бор болалар б-н олиб бориладиган К. т. и. да махсус ишлаб чиқилган жисмоний машқлар тизими воситасида тўғри ҳаракатланиш тартиблари ўргатилади. Қўлланиладиган машқлар тизимини яратишда болаларнинг индивидуал кўрсаткичларига асосланилади.

К. т. и. тизимида энг мураккаби, шубҳасиз, ақли заиф болалар б-н олиб бориладиган таълим-тарбиявий ишлардир. Зеро, бу нуқсон боланинг барча кўрсаткичларига таъсир ўтказди. Шу боис бу тоифадаги болалар б-н ҳам сезги аъзолари, сезиш тажрибалари, нутқи, талаффузи, ҳаракатланишда кузатиладиган нуқсонларни бартараф этишга йўналтирилган машқлар тизимидан фойдаланилади. Ақли заиф болалар б-н олиб бориладиган тадбирларнинг дастлабки босқичлари устувор тарзда К. т. и. б-н тўлдирилади. Унда идрок этиш, атроф-муҳит, ундаги содир бўлаётган ҳодисаларни кузатиш,

таҳлил этиш ҳамда хотирада сақлаш малакаларини таркиб топтириш асосий компонентлари бўлган билиш ф-ятини ривожлантириш бош мақсад сифатида қаралади.

Пед. фанида К. т. и. га муҳтож болалар б-н ишлашда унинг тармоқлари сифатида сурдопедагогика (заиф эшитувчи болалар б-н ишлаш), тифлопедагогика (заиф кўрувчи ва кўзи ожиз болалар б-н ишлаш), логопедия [нутқида нуқсони бўлган (дудук) болалар б-н ишлаш], олигофренопедагогика (ақли заиф болалар б-н ишлаш) каби махсус соҳалари мавжуд бўлиб, пед. ОЎЮда ушбу соҳа мутахассислари тайёрланади.

КОРПОРАТИВ АСОСЛАР – ўқувчи-талабаларда зарур билим, кўникма ва малакаларни мунтазам шакллантириб ва ривожлантириб бориш зарурияти йўналишидаги мавжуд талаблар тизими.
КОРПОРАТИВ ЁНДАШУВ – маълум жараён ёки воқеа-ҳодисанинг вужудга келиши ҳамда мазкур жараёндаги ўзаре таъсир умумга тегишли хусусиятларга эга эканлиги ва барчанинг дахлдорлигига асосланган ёндашув.

КОСМОПОЛИТИЗМ (юн. kosmopolites – дунё фуқароси) – дунё фуқаролигини даъво қилиш, шунингдек, миллий ва дав суверенитетини рад этиш, турли миллий анъана, маданият ҳамда ватанпарварлик туйғусидан воз кечиш ғоясини илгар сурадиган қараш. К.нинг негизлари антик давр фал.сида вужудга келган. Қад юнон файласуфи Лаэртийнинг таъкидлашича, «космополит» илк бор киниклар таълимоти вакили синоплик Диоген теомонидан қўлланган. Бошқа бир юнон

стаффакири Плутархнинг фикрича, Ушбу тушунчани китионалик Зенон килган. Эпиктет назарида эса, К. атаманининг муаллифи Сукрот бўлган. Айрим таркилотчиларнинг фикрига кўра, К. асарлари софистлар таълимотининг таълиқдорлари асарларида ҳам ифодаланган.

Хар бир миллат, катта-кичиклигидан қатъи назар, инсониятнинг бойлигидир. Ушбу боис уларнинг тили, маданияти ва б. ғуссиятларининг йўқ бўлиб кетиши Ер шаридаги генофонднинг, шахс имкониятларининг қашшоқлашувига олиб келади. Бу ҳақиқатни асло инкор этиб бўлмайди. Аҳолонинг микёсида юз бераётган ҳоз. жараёнлар миллий дав.ларнинг бир-бирига қўшилмаслиги, иктисодий, сиёсий, ижт., мад. ва маърифатий ҳамда маданий жиҳатдан интеграциялашувини тақозо этмоқда. Ушбу тенденциялар, маълум даражада К. кўринишида бўлиб, глобаллашув жараёнлари таъсирида янада яққолроқ олмақда. Бугунги кунда кишилик инсониятнинг глобал яқинлашувини, аввало, техник тараққиёт, транспорт воситаларининг алоқа ва коммуникация тармоқлари, микроэлектрониканинг ривожланиши билан боғлиқ. Посткоммунистик маконда инстабил дав.ларнинг вужудга келиши, дав.ларнинг бозор иктисодиётига ўтиши ва жаҳон хўжалик алоқалари тизимига фаол киришиши глобаллашувнинг яна бир кучли омилига айланди. Ҳоз. даврда глобаллашув жараёнининг кенгайиши ва аҳолининг ижт.-иктисодий фаоллиги, иқтисодий сиёсатининг яқинлашувини, иқтисодий сиёсатининг яқинлашувини, ишчи кучининг миграцияси билан боғлиқ таъсир килмоқда. Дунёнинг барқарорлиги ҳам давлати миграция жараён-

ларидан четда қолаётгани йўқ. Бунинг ҳам ўзига хос сабаблари бор. Аввало, донор дав.лар, яъни мигрантларни етказиб берадиган мамлакатларда аҳолининг тез ўсиши, меҳнатга лаёқатли аҳоли орасида ишсизлик даражасининг юкорилиги, маошнинг пастлиги, етарли даражада ҳаёт кечириш учун зарур бўлган юкори иш ҳақи тўланадиган иш топиш ва ўз касбий маҳоратини ошириш имкониятининг чеклангани шулар жумласидандир. Реципиент – қабул қилувчи дав.лар учун қўшимча арзон иш кучига, юкори малакали мутахассисларга эҳтиёж, ҳаёт шароитлари ва маошнинг юкори даражадалиги меҳнат миграцияси учун қулай шароит яратмоқда. Аҳолининг силжиши, ўз навбатида, объектив ҳодиса бўлиб, маълум маънода халқаро алоқалар ва иқтисодий ҳамкорликка кўмаклашадиган жараёнларнинг ривожланишига, халқаро транспорт ва коммуникация воситаларининг такомиллашувига, шунингдек, аҳолининг халқаро молиявий тузилмалардан кенг фойдаланишига, ахб. тарқатиш суръати-га ижобий таъсир этади. Аҳоли миграцияси билан боғлиқ салбий жиҳатлар ҳам намоён бўлмоқда. Бу эса ноқонуний миграция тўлқинларининг дав. томонидан доимий равишда назорат қилинишини талаб этмоқда. Муҳожирлар орасидаги уюшган жиноятчилик, ўз маданиятини ва қадриятларини тарғиб қилиш ва зўрма-зўраки сингдириш, низолар ва б. қонунбузарликлар кўпгина дав.ларнинг барқарорлигига салбий таъсир этмоқда. Кўпгина мамлакатларда бўлаётган оммавий тартибсизликлар, экстремистик

ҳаракатлар, миссионерлик ҳаракатлари бунга мисол бўла олади.

Шу боис ёш авлодга ватан туйғусини сингдириш уларни ватанпарварликка ундаш, миллий кадриятлар ва урф-одатларнинг муқаддаслигини англатиш, аждодаларимиз меросига ҳурмат б-н қараш туйғусини шакллантириш К.га нисбатан муросасизлик муносабатини таркиб топтириш алоҳида пед. аҳамиятга эга.

КОШИФИЙ Ҳусайн Воиз (1440, Хуросон, Сабзавор ш. Байҳақи кенти – 1505) – машҳур воиз ва нотик. Болалик ва ёшлик йиллари Сабзавор, Нишопур ва Машҳад, Хуросон ш.ларида ўтган, у ердаги мадрасаларда таҳсил олган. К. Ҳусайн Бойқаронинг воизи (нотиғи), таъбирчиси, маслаҳатчиси бўлган. У ваъз айтиб, хулқ-одоб қоидалари. Қуръон ва ҳадис масалаларини шарҳлаб, халқ орасида ҳурмат-эътибор қозонган. К. Жомий ва Навоий б-н ижодий ҳамкорликда бўлган.

Асарлари: «Ахлоқи муҳсиний», «Ахлоқи Карим», «Сухайлий», «Жавохирнома», «Рисола дар илми эъдод» («Сонлар ҳақида рисола»), «Равзат уш-шуҳадо» («Шаҳидлик боғи»), «Ойнаи Искандарий», «Тафсири Ҳусайний», «Рисолати Ҳотамий ёки Китоби Ҳотамнома» («Ҳотамтой ҳақида рисола»), «Саҳифаи шода», «Бадое ал-афкор фи саное ал-ашъор» («Шеърӣ санъатлар ҳақидаги нодир фикрлар»). Унинг асарлари араб, форс, татар, урду, эски ўзбек тилларида чоп этилган. Олим ахлокий т-янинг назарий асосларини яратган. К.нинг «Ахлоқи муҳсиний» асари нусхалари Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ кўлэмалари маркази фондида

(3022, 2036, 2051, 13430, 4826, 3021 рақамли) сақланмоқда. К.нинг инсоният бурч, ота-она қадри ҳақидаги фикрлари ҳам салмоқли ва бугунги кунда ёшлар т-яси учун ўта аҳамиятлидир.

КРЕАТИВЛИК, и ж о д и й л и к (лот. creation – яратувчанлик, ижодкорлик) – қандайдир янги, бетакрор нарса ярати олиш лаёқати, бадиий шакл яратиш, фикрлаш, ғоя ва ечимга олиб келувчи ақлий жараён; шахснинг янги ғояларни яратиш ва қабул қилишга тайёрлигини тавсифловчи ижодий қобилияти.

Шахс хатти-ҳаракати, ф-ятида К. мавжудлигини амалдаги анъанавий ҳолатлар, тажрибалардан фарқли ўлароқ муаммони янгича ёндашув асосида, ностандарт тарзда ечиш юзасида мустақил қарор чиқара билиш иқтидор мавжудлиги б-н белгиланади. Аслида, К. ка мойиллик туғма тарзда барчада мавжуд бўлиши мумкин. К. намоён бўлиши (ёки намоён бўлмаслиги)нинг бир қатор омиллари мавжуд. Атроф-муҳит ҳам таълим мазмуни ва мет.си К.нинг намоён бўлиши ва ривожланишининг бош омил ҳисобланади.

Ўқувчиларда К. қобилиятини бахшашнинг тест сўровномалари, суҳбатлар, савол-жавоблар, пед. кузатув, ўқув ф-яти натижаларини таҳлил қилиш каби мет.лари мавжуд. Ўқувчиларда К. мавжудлиги унинг турларига кўра баҳоланади. Жумладан, К.нинг вербаллиги, мослашувчанлиги, образлилиги, оригиналлиги асосий кўрсаткичлар ҳисобланади. Хусусан, мослашувчанлик ғоя, назарий ва стратегияларнинг турли-туманлиги, мантикий тарзда бир йўналишда

инчисига ўта олиш, оригинал-
эса анъанавий, амалдаги, муқим
да қўлланиб келинаётган маълум
лардан фарқ қилувчи ғояларни асос-
тарзда илгари сура олиш қобилияти
белгиланади.

Таълимда ўқувчи-ёшларда К. қоби-
лиятини ривожлантириш муқим. Бу-
нинг учун муайян муаммонинг очик
дирилиши алоҳида аҳамиятга эга. Бу
жараёнда турли инн-он ва интеграци-
ёндашувларни қўллаш имкониятини
минлаш ҳамда муайян вазиятлар-
юзуга келтириш натижасида таълим
вчиларнинг ижодий қобилиятлари
ривожлантирилади.

КРЕАТИВ ТЕСТЛАР – шахснинг
қобилиятларини аниқлаш ва баҳолаш
тестлари мажмуаси; пед. ва психоло-
гик тадқиқотларда шахснинг ижодий
қобилиятларини аниқлаш учун махсус
ишлаб чиқилган тестлар. К. т. дастлаб
19-а.нинг 50-й.ларида қўлланила бош-
ланган. Таълим жараёнида ўқувчиларда
билиш қобилиятининг мавжудлиги,
қарнинг ижодкорликка мойиллигини
аниқлашга йўналтирилган К. т. Д. Гил-
берд, Е. Торранс ва Д. Б. Богоявленская-
томонидан ишлаб чиқилган.

КРЕАТИВ ВАЗИФА – педагогнинг
шарҳ тажрибалар, и. т. натижаларини
таълими ва оммалаштириш, шу асосда ўз
таълимларини бойитишга йўналтирилган
ижодий ф-ят шакли.

КРЕАТИВ ФАОЛИЯТ – шахс ёки
группанинг табиий, ижт., маънавий ола-
мидани инсоннинг мақсад, вазифалари,
маънавиятлари, эҳтиёжлари ва имкониятла-
рига мувофиқ равишда ўзгартиришга

йўналтирилган, бунёдкорликка асослан-
ган хатти-ҳаракатлар тизими.

КРЕАТИВ ТАЪЛИМ – таълим олувчи-
ларнинг ижодий қобилиятини ривожлан-
тириш, такомиллаштиришга йўналти-
рилган ўқув-т-я жараёни.

КРИТИЦИЗМ (лот. *critique* – фикр, му-
лоҳаза юритиш маҳорати ёки санъати)
– инсоннинг билиш жараёнидаги ф-яти
тўғри ёки нотўғри ташкил этилганини
этироф этадиган таълимот. Шунингдек,
бу йўналиш инсоннинг билиш ф-ятини
ўзини ўзи танқид қилиш орқали такомил-
лаштириш лозимлигини ҳам кўрсатиб
ўтадиган мезонларни ишлаб чиққани б-н
ҳам алоҳида ажралиб туради. К.нинг илк
фундаментал асослари ва методология-
си немис файласуфи И. Кантнинг «Соф
ақл танқиди» асарида баён этилган. У
билиш қобилиятини илмий-фал. нуктаи
назардан таҳлил қилиб, инсоннинг би-
лими қамрай оладиган чегараларни
танқидий тадқиқ этиш лозимлигини
маълум қилган. К.нинг кейинги ривож
К. Г. Топпер, Ж. Уоткинс, И. Лакатос, Ж.
Агасси, Х. Альберт ва П. Фейерабенд, У.
Бартли қарашларида давом эттирилган.
Шунингдек, К. ғояларини асос қилиб
олган оқимлар танқидий рационализм,
Франкфурт мактаби, танқидий реализм
каби йўналишларга оид турли концеп-
туал ёндашувларни ишлаб чиққан. Ле-
кин бу таълимотлар кейинчалик кескин
танқидга учраган. Жумладан, Кант
қарашларида кўпгина тушунчалар ме-
тафизик маънода акс эттирилган бўлса,
Франкфурт мактаби вакиллари таълимоти
буржуа ж-ятини марксистик ғоялар
асосида танқид қилишга асосланган эди.

Танкидий рационализм илмий билиш жараёни ва фал. тафаккурнинг рационал мағзини танкид қилишга асослангани б-н алоҳида ажралиб турган. 1930 й.дан бошлаб К. неопозитивизмни танкид қилиш ва фан тарихининг тадрижий ривожланиш босқичларини ўрганиш асосида янги босқичга олиб чиқилган. Бунда М. Полани, Т. Кун, С. Тулмин каби файласуфларнинг концепциялари муҳим ўрин тутган. К.нинг асосий тамойиллари фал. ва фан тараққиётига фақат ижобий таъсир қилиб қолмасдан, кўпгина янги илмий ғоялар, гипотезалар, парадигмаларнинг шаклланишига салбий таъсир кўрсатган. Натижада бундай ёндашувларнинг амалиётда акс эттирилишига чек қўйилган ёки кечроқ ўз тасдиғини топишига олиб келган. Мас., ҳоз. вақтда янги парадигма сифатида эътироф этилаётган синергетика йўналиши доирасида олиб борилаётган илмий баҳс-мунозараларда бу таълимот, яъни синергетикага «сохта фан» ёки «сохта ғоя» деган ёндашувлар ҳам илгари сурилмоқда. Бу эса К.нинг доғмаллашиб бораётганлиги натижасидир. К.ни ж-ятдаги мафкураравий ўзгаришларга бўлган муносабатларда ҳам кўриш мумкин. Жумладан, мустамлакачилик сиёсатидан қутулган ёш мустақил дав.ларда янгича муносабатнинг шаклланиши мураккаб кечиши туфайли ж-ятнинг баъзи қатламлари орасида эски тузумни қўмсайдиганлар амалга оширилаётган ислохотларни асоссиз танкид қилишга уринади. Бундай ҳолат, ўз навбатида, маънавий т-я жараёнида ҳам турли мураккабликларни келтириб чиқариши мумкин. Шу

боис тафаккурдаги бундай қолипларга қарши курашда миллий ғоянинг улкан бунёдкорлик салоҳияти ва имкониятларига таяниш муҳим пед. аҳамият касб этади.

КУБРО Нажмиддин (тахаллуси; асл. исми Аҳмад ибн Умар ибн Муҳаммад ал-Хивакӣй ал-Хоразмӣй) (1145 – Хива – 1221) – ўртаосиёлик шайхулмашоҳ-йихлардан бири, кубровийлик тариқатининг асосчиси. Шариат ва тариқат илмининг машҳур намояндаси бўлган. Учун Нажмиддин Кубро (Диннинг улдуз юлдузи) тахаллусини олган. Истеъдодли муридларни тарбиялаганлиги сабабли уни Шайхи валитарош (валиларни вояга етказувчи) ҳам деганлар. Хива ш.да илм асосларини эгаллагач, Ҳамадон, Бағдод, Дамашқ, Табриз, Қоҳира, Нишопур, Тус шаҳарларига бориб, атоқли ҳадисшунос олим, файласуфлардан илми калом, ҳикматни ўрганади, тасаввуфга қизиқиб, тариқат одобидан таълим олади. 1185 й. уйланиб, Хоразмга қайтади ва у ерда катта хонақоҳ қурдириб, муридлар т-яси б-н шуғулланади. Мўғуллар Хоразмга бостириб келганда, муридлар б-н душманга қарши курашади ва босқинчилар қўлида шаҳид бўлади. Қабри Кўҳна Урганчда.

К. пед. фикр тараққиётига катта ҳисса қўшган. Унинг мақсади одамларни ҳам жисмонан, ҳам ақлан, ҳам руҳий-маънавий жиҳатдан етук қилиб тарбиялаш бўлган. Тариқат ва саховатлиликни бир-бирига қўшган, ахлоқий поклик, мардлик, хожатбарорлик ғояларини тарғиб этган. Илоҳни севиш б-н яхши инсонларни севишни бирга олиб қараган.

нафси каттик қоралаб, улуг такво пири деган ном чиқарган.

Билиш назариясида аклий ва инстинктив билишни бирлаштирган, тасаввуфда хушёрлик (сахв) маслагини танлаб, беҳуд – девоналикни инкор этган. У инсонни кичик олам деб, унинг камолоти чексиз эканини таъкидлаган, тасаввуфда орифлик рутба (мартабасини олдинга суриб, макомат, яъни даражаларга ажратишнинг ўнга босқичини жорий этган. Ўз карашларини бир неча араб тилидаги рисолаларида баён этган. К.нинг форс тилида ёзган рисоласи ҳам бор. Форсда рубойларида жавонмардлик, пок хлоқ ғоялари ифодаланган.

К. асослаган кубровийлик тариқати Осиё ва Африкадаги мусулмон мамлакатларига тарқалиб, минглаб мухлисларга эга бўлган. К. машҳур руҳоний шайх, ароматли донишманд, файласуф ва Ватан учун жон фидо қилган ажойиб инсон сифатида фахр ва ибрат намунасиدير.

К. таълимотини ҳар томонлама таҳлил қилиш ва унинг Марказий Осиё маънавий пед. фикр тараққиётидаги ҳақиқатини кўрсатиш учун олим илгари турган ғояларни ҳар томонлама таҳлил қилиш ҳамда ёшларга етказиш зарур.

У ўзининг ахлоқий карашларини «Фавойиҳ ал-жамол ва фавотиҳ ал-калол» («Жамол хушбўйликлари ва жамолнинг кашфи»), «Ал-усул ал-ашара» («Ўнга усул»), «Фи одоб ус-соликин» («Солиқлар одобиди») номли китобларида жамлаб тасниф этган.

К. шахси ва мероси Ўзбекистонда муқтадирлик шарофати б-н ўрганила

бошланди. 1995 й.да Ўзбекистонда К. таваллудининг 850 йиллиги нишонланди.

КУБРОВИЙЛИК – тасаввуф тариқати. 13-а. бошида Хоразмда Нажмиддин Қубро асос солган. Унга кўра, инсон ўз моҳияти б-н кичик оламдир, у катта олам бўлган коинотдаги барча нарсаларни ва сифатларни ўзида мужассамлаштиради. Аммо илоҳий сифатлар юқори самовий доираларда бирин-кетин ўзига хос макомларда жойлашганлигидан, ҳақиқат йўлини қидирувчилар бундай камолотга эришиш учун маълум риёзатли йўлларни ўтишлари зарур. Бу йўлда унга пири комил раҳнамолик қилиши керак. Кубро камолотга эришиш асосларини қуйидаги ўнга талаб («Ўнга усул»)да ифодалаб берган: тавба – барча амалларнинг боши бўлиб, Аллоҳ олдида тавба қилиш, бундан кейинги ҳаётни илоҳий эзгулик ва хайрга бағишлашга аҳд қилиш; зуҳд – такво, парҳез, ҳаромдан ҳазар қилиб, ҳалолликка юз тутиш, Аллоҳ ман этган ишларни қилмаслик; таваккул – барча ишларни қилишда Аллоҳнинг меҳрибонлиги ва қудратига таяниш; қаноат – ҳаёт кечиришда оз нарса б-н қаноатланиш, мўътадиллик, тубан майллардан озод бўлиш; узлат – танҳоликда бўлиш, хилватда руҳни поклаш; таважжух (юзланиш) – бутун вужуд б-н Аллоҳга юзланиб, Ундан мадад сўраш, у сари қалбан интилиш; сабр – солиҳнинг ўз эътиқоди, ниятини синаши. Ҳақ йўлининг азобу изтиробига чидаган кишиларгина мақсадга эришади: мурукаба (тафаккурга ғарқ бўлиш) – қалб поклангани ва тубан эҳтирослардан холилигини туйиб, хотиржам ҳаёлга чўмиш, Ҳақ та-

оло раҳм-шафқатини кутиб туриш; зикр – Аллоҳнинг исмини тилдан қўймаслик, калимаю дуоларни мунтазам такрорлаб туриш; ризо – Аллоҳ қудратини чуқур ҳис қилган ҳолда, ўзини буткул унинг иродасига топшириш ва бундан ҳузурланиш.

Кубро эътиборни тафаккурга асосланган ақлий билимга қаратади. Кубро инсон руҳий кечинмалари, нозик ҳолатларини пухта билган. Шунга мувофиқ латоиф (нозик таъблилик) назариясини ишлаб чиққан. Бу назарияга кўра, инсон руҳи кўзга кўринмас латиф марказлардан иборат. Бу онг ва туйғу, руҳ ва жисм орасидаги бир нарса. Уни илғаб олиш мушкул. Аммо инсон ҳаётида бу марказларнинг аҳамияти муҳим.

«КУТУБ УС-СИТТА» – саҳиҳлиги даражасига кўра энг мўътабар саналган 6 ҳадис китоби. Муҳаммад (с. а. в.) нинг ҳадисларини жамлашга кўп уламолар қўл уришган. Шу ниятда бир қанча ҳадис китоблари яратилган. Лекин бу тўпламларнинг барчаси ҳам бирдек қиймат қасб этмаган. Кейинги давр олимлари бу китоблардаги ҳадисларнинг саҳиҳлик даражаларини ўрганишган ва 6 ҳадис тўпламини эътиборга молик топишган. Мўътабар тўпламларнинг энг ишончлиси Имом Бухорийнинг «Ал-жомеъ ас-саҳиҳ» асаридир. 2-мўътабар манба Имом Муслимнинг «Саҳиҳ»идир. Имом Муслим тўпламини тузишда Бухорийга эргашган. Доруқутний бу 2 улугъ имомга «Одамлар учун қуёш ва ой» деб таъриф берган. Улар яратган тўпламлар эса «Саҳиҳайн»

(«Икки саҳиҳ») номи б-н машҳур. Лекин бу 2 асар саҳиҳ ҳадисларни тўла камраб олмаган. Қолган 4 имомнинг ҳадислари қуйидагилар: Абу Довуднинг «Сунан»и, Термизийнинг «Саҳиҳ»и, Насайининг «Сунани Кубро» асари ва Ибн Можа-нинг «Сунан» ҳадислар тўпламидир.

КУЗАТИШ МЕТОДИ – объектив борлиқдаги нарса-ҳодисаларни тизимли, узлуксиз, батартиб, мукаммал идрок қилиш жараёни; психологик-пед. тадқиқотлардаги асосий эмпирик методлардан бири. Психологик-пед. ҳодисани мақсадга қаратилган тизимли ўрганишда муайян шароитларда улардаги хусусий ўзгаришлар ва уларнинг сабабларини аниқлаш мақсадида қўлланилади: воқеликни таълим жараёнида идрок қилиш имкониятини берадиган пед. тадқиқот мет.и; текшириш, билишга қаратилган пед. ф-ят.

К. м. пед. ва психология фани доирасида ўтказиладиган амалий тадқиқотларда, таълим жараёнида қўлланилади. Узок муддатли, даврий, муайян жараён, ҳодисани таҳлил қилиш, бир марталик турлари мавжуд. Таълим соҳасида бир марталик кузатувга бир ўқитувчининг дарсини иккинчи ўқитувчи томонидан кузатилиши, даврий кузатувга ўқитувчининг бирор-бир ўқувчи (синф ёки мактаб жамоаси)ни ўқув йили давомида кузатиши, узок муддатли кузатувга эса узлуксиз таълимнинг муайян босқичи (мактаб-гача таълим, бошланғич таълим ва ҳ.к.)да ўқувчини мақсадли кузатиш мисол бўлиши мумкин. Кузатиш кенг маънода табиий пед. ҳодисалар ва жараёнларда-

ти ўзгаришларни қайд этиш тарзида ҳам амалга оширилиб, пед. соҳасида муҳим мет. сифатида қўлланилади. К. м. да махсус жиҳозлар, лаб. анжомлари ҳамда муайян техник воситалар ёрдамида турли эксп. тадқиқотларнинг натижалари олинади. Натижаларнинг объективлиги ва ҳаққонийлиги уни олиб борувчининг профессионал салоҳияти, К. м. дастурининг мақсадга мувофиқ тарзда ишлаб чиқилганлиги, натижалар таҳлилида тўғри йўл тутилгани ҳамда қузатувнинг мунтазамлигига боғлиқ.

КУЗАТУВЧАНЛИК – кишининг нарсалар-ҳодисалар хусусиятлари, жумладан, уларнинг ташқаридан унчалик кўзга ташланмайдиган, эътибор тортмайдиган жиҳатлари ҳамда рўй берган ўзгаришларни тез пайқай билиш ва тўғри аниқлай олиш қобилияти. К.нинг шаклланиши кўп жиҳатдан шахснинг музикавчанлигига боғлиқ.

К. инсон ф-ятининг барча соҳалари, асосан, билиш жараёнига дахлдор тармоқларда жуда зарур. Одамдаги ҳар қандай индивидуал хусусият сингари К. ҳам алоҳида шуғулланиш ва махсус машқлар ёрдамида ҳаётий тажриба ортиши натижасида шаклланади, ривожланиб, такомиллашиб боради. Шахсда К.ни шакллантириш ва ривожлантиришга болалиқдан эътибор қаратиш лозим.

Кичик ёшдаги болаларда К., асосан, билиш жараёнида шакллантирилади. Нарса ва ҳодисаларнинг алоҳида хусусиятларини, улардаги ўхшаш ва фарқли томонларни пайқашга қаратилган махсус машқлар бу жиҳатдан жуда фойдалидир. Мактаб ёшидаги болаларда К.ни шакл-

лантириш ўқув жараёнининг қандай йўлга қўйилиши, жумладан, кўرғазмаларни қуроллардан фойдаланилиши, табиат ҳодисаларини қузатиш, кимё, биол. сингари фанлардан лаб. ишлари ўтказилиш даражасига боғлиқ. Ота-оналар ва ўқитувчилар болаларда К.ни шакллантиришга доим эътибор қаратишлари, уларга айнан шу хусусиятни сингдирадиган махсус топшириқлар бериб боришлари лозим.

КУМУЛЯТИВИЗМ (лот. – cumulatio тўпланиш, кенгайиш) – фан фал.сидаги методологик концепция. Унга кўра, билимнинг ривожланиши ҳақиқий билимлар йиғиндисига аста-секин янги ҳолатларнинг қўшилиб бориши йўли б-н содир бўлади. Билим ривожининг бундай соддалаштирилган тушунчаси ундаги узлуксизликни мутлақлаштиради, сифат ўзгаришларини, эскирган, рад этилган билимларни чиқариб ташланишини истисно этади. К. тавсифий табиатшунослик тажрибасини танқидсиз умумлаштириш ва дедуктив фикр юритиш идеали сифатида вужудга келади. Ривожланишнинг метафизик концепцияси б-н боғлиқ бўлган билиш тажрибасининг узлуксизлиги ғояси ва адашишни билишнинг соф субъектив лаҳзаси сифатида тушунилиши К.нинг гносеологик асоси бўлиб хизмат қилади. К.нинг эмпиристик (тажрибавий) кўринишида билимнинг ортиши унинг эмпирик мазмунининг кўпайиши б-н айнан (У. Уэвелл, И. Лакатос) деб тушунилади; рационалистик кўринишида эса билим ривожини мавҳум тамойиллар ва назарий тушунтиришларнинг шун-

дай кетма-кетлигики, унда ҳар бир кейинги таркибий қисм ўз ичига аввалгисини олади (неокантчилар, неопозитивистлар) деб талқин қилинади. Ҳоз. замон фан методологиясида бир-бири б-н тенглаштириб бўлмайдиган назариялар ҳақидаги тезис, шунингдек, билим ривожланишининг диалектик концепцияси К.га қарши қўйилади.

КУНДАЛИК ДАФТАР – ўқувчиларнинг давомати, ўзлаштириши, хулқи тўғрисидаги маълумотлар ҳамда мактабнинг ота-оналар б-н алоқаси қайд этиладиган ва ўтиладиган дарсларнинг ҳафталик жадвали акс этадиган пед. восита. К. д. 1-синфда ўқитувчи, 2–4-синфларда ота-оналар, 5-синфдан бошлаб ўқувчининг ўзи томонидан юритилиши мақсадга мувофиқ бўлади. К. д. бола таълим-т-ясида ота-онага яқиндан ёрдам берувчи воситадир. Ота -она унинг тўғри ва сифатли юритилиши, ўқув фанларидан қўйилган баҳоларни назорат қилиб бориши керак.

К. д.да кун давомида олинган баҳолар ўқитувчи томонидан қайд этилади ва имзоси б-н тасдиқланади. Боланинг синф жур.ида барча предметлар (жумладан, жисмоний т-я, меҳнат, расм ва б.) бўйича қайд этилган баҳолари унинг К. д.да акс этган бўлиши керак.

К. д. ўқувчининг ҳар кунги ўзига хос иш режасидир. К. д.га эътиборли муносабат бирор ишни тартибли ва аниқ бажариш одатини мустаҳкамлашга ёрдам беради. Бошлангич синф ўқитувчиси ва 5–9-синфларнинг синф раҳбарлари К. д. ҳолатини доимо назорат этиб турадилар. Бола ўқишининг дастлабки йилларидан

бошлаб унинг К. дини ҳар куни кўриб чиқиш катталар учун одатга айланиши керак. Бу мактаб б-н оила ўртасида доимий ҳаракатдаги ўзига хос кўприк вазифасини ўтайди. Ота-оналар К. д.ни кўриб чиқиб, агар унда синф раҳбарининг имзоси бўлса, ҳар ҳафта имзо чекиб беришлари керак.

Оилада К. д.ни бола иштирокида кўриб чиқиш лозим; бунда фақат баҳоларга эмас, балки ундаги ёзувларга ҳам эътибор қаратилади ва ўқувчидан мазкур ҳужжатга жиддий ёндашиш талаб этилади.

КУН ТАРТИБИ – ўқув кунининг қатъий тарзда тақсимланган режаси.

КУРС (лот. *cursus* – югуриш, ҳаракат) – 1) олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ўқув даври, босқичи (мас., биринчи курс, иккинчи курс ва ҳ.к.); 2) бирор фан ва илм соҳасининг муайян доирадаги тугалланган баёни (мас., таълимнинг курс тизими); 3) ишлаб чиқариш ва бошқариш, фан, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларда ходимлар тайёрлаш ва малака ошириш шаклларида бири.

КУРС ИШИ – олий ўқув юртлари талабалари томонидан ўқув режасидаги умумқасбий ва махсус фанлар бўйича бажариладиган мустақил иш. К. и. проф.-ўқитувчилар раҳбарлигида талабаларда тўпланган назарий билимдан муайян масалани ечишда мустақил фойдаланиш кўникмасини ёки мавзунини чуқур ўрганиш мақсадида бажарилади. К. и. мавзуи ОЎЮ каф.ларида ишлаб чиқилади ва ҳимоя қилинади.

КУРС ЛОЙИҲАСИ – техника йўналиши бўйича кадрлар тайёрловчи ОЎЮ

Ўрта махсус ва касб-ҳунар коллежлари талаба ва ўқувчилари томонидан ўқув йили (курс, семестр) давомида бажаришга тўлиқ қилинган мустақил иш. К. л.да объект, жараён, режалаштириш ва ҳ.к.нинг жузъий бўлаги таҳлил қилинади, баъзи сифати ва кўрсаткичи янгидан лойиҳаланади. К. л. график қисм ва ҳисоб-тушунтириш қисмидан иборат. К. л.ни бажариш жараёнида талаба ва ўқувчилар технологик жараёнларни лойиҳалаштириш, ишлаб бажаришни ташкил этиш ва режалаштириш бўйича олган назарий билимларини мустақамлайдилар, и. т.да муайян гунаҳарликни ҳосил қиладилар, илмий-техника ва махсус ад.лар, намунавий лойиҳа ва б.дан фойдаланишни ўрганадилар. К. л.га тажрибали проф.-ўқитувчилар ва и.ч. етакчи мутахассислари раҳбарлик қиладилар. К. л. талаба ва ўқувчиларни битиришда малакавий иш ёки магистрлик диссертациясини мустақил бажаришга тайёрлайди.

КУРС РАҲБАРИ – олий ва ўрта махсус ўқув юртлирида муайян курсдаги таълим олувчилар гуруҳига раҳбарлик қиладиган проф.-ўқитувчи.

КУТТОБ (араб. < оромийча сўз) – алифбо ва Қуръон ўқитиладиган бошланғич мактаб. Ўрта асрларда К.лар кенг тарқалган, бугунги кунда эса Арабистон, Миср ва Тунисда мавжуд. Бошланғич «Қуръон ўқитилувчи») мактаб учун бошқа номлар (мактаб, мектеб ва б.) бўлган ва ҳозир ҳам бор. Унга жой сифатида бирон-бир жамоат биносининг ҳозирги ёхуд ҳовлисидадан фойдаланишган.

КУТУБХОНА – китоб, жур. ва газ.ларни тўплаш, сақлаш ва улардан фойдаланишни таъминловчи маданий-маъ-

рифий ва илмий-ёрдамчи муассаса; маълум бир гуруҳга оид китобхонларга мўлжалланган китоблар туркумининг номи. Ижт. тараққиётни белгиловчи омиллар орасида китоблар муҳим ўрин эгаллайди. Китоб мутолааси ж-ят аъзоларининг маънавий юксалишига, тафаккур доирасининг кенгайишига ёрдам берувчи асосий воситадир. Машҳур файласуф Дени Дидро «Ким китоб ўқишдан тўхтаса, билингки, у фикрлашдан ҳам тўхтаган бўлади», деб ёзган. Чунки инсониятнинг асрлар давомида тўплаган билим ва тажрибаси, тафаккур олами, маънавияти, аввало, китобларда акс этади. Шу боис китоблар азалдан муқаддас ҳисобланиб, улар асраб-авайлаб келинади. Мамлакатимизда К.лар қад. даврлардан бошлаб ф-ят кўрсатган, ж-ят тараққиётига таъсир кўрсатадиган алоҳида мавқега эга бўлган омил сифатида қадрланиб келинган.

Ёзувнинг пайдо бўлиши ва ҳужжатли манбаларни, айниқса, қўлёзма ва кейинчалик босма китобларнинг кўпайиши К.ларнинг юзага келиши ва ривожланишига шароит яратди. К.лар ёзма ёдгорликларни сақловчи хазина сифатида жуда қадимда пайдо бўлган. Мил. ав. 2-минг й. ликда сопол битиклари сақланган К.лар бўлган. Мил. ав. 7-а. ўрталарида Шарқдаги кўп саройларда, Қад. Миср ва Рим ибодатхоналари қошида К.лар бўлган. Қад. даврдаги К.лардан энг машҳури Александрия (Искандария) кутубхонасидир.

Ғарбий Европада илк ўрта асрларда монастр ва ибодатхоналар қошида К.лар ташкил этилган. Китоб босишнинг их-

тиро килиниши К.лар ривожланишида янги даврни бошлаб берди. Сарбонна, Гейдельберг ун-тлари қошида, Ватикан К., Париждаги Қироллик К.лари пайдо бўла бошлади.

Ўзбекистон ҳудудида мил. ав. 1-минг йилликнинг сўнгги асрларида дастлабки К.лар пайдо бўлган. Ҳукмдорлар саройларида ва ибодатхоналарда ташкил этила бошланган. Турон халқлари Миср, Эрон, Юнонистон ва уларга қўшни мамлакатлар б-н яқин алоқалар ўрнатган, ўша даврлардаги мавжуд қўлёмалар б-н ҳам таниш бўлган. Ўзбекистон халқларининг қад. ёзма ёдгорликлари сақланмаган. Берунийнинг хабар беришича, китоб хазиналари ва уларни сақловчилар турли истилолар даври (7–9-а.лар)да йўқ қилиб юборилган. 9–10-а.ларда Ўрта Осиёда фан ва маданият ривожланган. Бухоро, Самарқанд, Марв, Урганч ва б. йирик шаҳарлар ҳукмдорлари саройларида К.лар барпо этилган. Айниқса, Бухорода кўп К.лар мавжуд бўлганлиги ҳақида маълумотлар бор. Улардан энг машҳури, энг бой ва йириги Сомонийлар сулолавий К.си эди. Мадраса ва масжидлар қошида ҳам К.лар бўлган. Мўғуллар истилоси арафасида Марв ш.да 10 та йирик К. бўлганлиги ҳақида маълумотлар бор. 13-а.да Самарқанд, Бухоро, Фарғона, Балх ва б. шаҳарлар маданият марказлари олимлар тўпланадиган жой бўлиб, уларда йирик К.лар мавжуд эди.

14-а.нинг 2-ярмидан Марказий Осиёда маданий ҳаётнинг янгидан юксалиши К.ларнинг қайта тикланишида намоён бўлди. 14-а. охирида Шайх Муҳаммад Порсо умум учун очган маскан вақф

К.си тарзида 19-а. 40-й.ларигача ф-ят кўрсатган. Бухоро, Самарқанд, Қарши, Хива ва б. шаҳарлардаги катта мадрасаларда К.лар бўлган, уларнинг фондлари мадрасанинг қад. ва нуфузига қараб турлича бўлган. Баъзи тарихий манбаларда қайд этилишича, Беруний, Ибн Сино, Фирдавсий, Замахшарий, Умар Хайём кабиларнинг шахсий К.лари, Алишер Навоийнинг қимматбаҳо қўлёмаларга бой йирик К.си, Абдурахмон Жомийнинг шахсий К.си машҳур бўлган. 19-а. охири–20-а. бошларида Бухорода 3 та энг бой шахсий К. бўлиб, улардан қози Муҳаммад Шариф Садр Зиёнинг К.си бизгача тўлиқ сақланиб қолган. 20-а. бошларида маҳаллий ўзбек ва рус зиёллари генерал Жўрабек, Дукчи Эшон номи б-н машҳур Муҳаммадали халфа Собир ўғли, В. Л. Вяткин, врач Г. М. Семёнов, Абдурауф Фитрат ва б.нинг шахсий К.лари бўлган.

20-а.нинг 10–20-й.лари Туркистон ҳудудида 2 та халқ К.си, бир неча шаҳар К.лари мавжуд бўлган. Маҳаллий аҳоли вакиллари миллий йўналишдаги 2 та К. ва мадрасалар ҳузуридаги К.лардан фойдаланган. Шў К.лар ўз даврида дав. К.сини ташкил этишда асосий негиз бўлиб хизмат қилган. Ҳозирда оммавий, илмий ва махсус К.лар тизими шаклланган ва ф-ят кўрсатиб келмоқда.

К.ларнинг ж-ятдаги ўрни, мақсад ва вазибалари, унинг ижт. тузилма сифатидаги аҳамияти беқиёс. Мустақиллик йилларида маънавий-маърифий муассаса ҳисобланган К.ларнинг мавқеини ошириш, моддий-техник таъминотини мустаҳкамлаш, К.лар фондини мунта-

равийишда янги ад.лар б-н тўлдириш, электрон асарлар базаларини яратиш, кўрашга кенг китобхонлар оммасини жалб этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Бугунги кунда Ўзбекистонда 17 мингдан зиёд турли тили ва кўламдаги К.лар аҳолига зиёли маърифат тарқатиш йўлида хизмат қилмоқда.

КУЧАРОВ Амакбой (1932. 25. 9, Фойш тумани) – Ўзбекистон Республикасида ўқитувчиси (1997). Тошкент пед. ун-тининг кимё-биол. ф-тини тугатган (1964). Сирдарё туманидаги 11-ўрта мактаб ўқитувчиси (1957–67), директор вазифаларида ишлаган (1967 й.дан). КТМДни мактабда амалга ошириш мақсадида бир қатор тадбирлар ишлаб чиққан. Жумладан, мактабда ўқувчилар баътимини баҳолашнинг кўп балли тизимини жорий этган.

КЎЗИ ОЖИЗЛАР МАКТАБИ – кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар учун интернат мактаб типидagi махсус таълим-т-я муассасаси. К. о. м. кўрлар ва заиф кўрувчилар интернат мактабига асосланади. Ўзбекистонда биринчи марта 1920 й. ногирон (кар, кўр, ақли заиф) болалар учун интернат мактаби сифатида ташкил этилган. Тошкентда заиф кўрувчилар учун 20 ўқувчидан иборат мактаб 1922 й., алоҳида мослаштирилган интернат мактаби 1935 й. очилган. Кўрлар интернат мактабига мутлақо шаймайдиган, заиф кўрувчилар интернат мактабига 0,05% гача кўриш қобилятига эга бўлган болалар қабул қилинади. Кўр ва заиф кўрувчилар республика, вилоят ва шаҳар халқ таълими бошқармалари

томонидан ташкил этилган тиббий психологик-пед. комиссиялар томонидан кўрикдан ўтказилади ва ўқишга йўлланма берилади. Кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар учун махсус таълим-т-я Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни (1997) асосида амалга оширилади. К. о. м. Ўзбекистон Республикаси ХТВ тизимига киради.

К. о. м.да 9 й.га мўлжалланган таълим 10 й.да амалга оширилади. К. о. м.нинг бошланғич синфларида ўқиш махсус режа, дастур, дарслик ва ўқув қўлланмалари асосида, юқори синфларда оммавий мактабларнинг 5–9-синфлар дарсликларида фойдаланиб олиб борилади. К. о. м.да ҳар бир синфга 8 ўқувчи, заиф кўрувчилар интернат мактабига 10 ўқувчи қабул қилинади. Дарсликлар Брайл алифбоси (рельеф-нукта) асосида тайёрланиб босилади. Ўқув режаси, дастури, дарслик ва ўқув қўлланмалари Ўзбекистон Республикаси ХТВ Таълим марказининг махсус таълим бўлими томонидан тайёрланади. Мактабнинг 2-бўлимида ўқийдиган заиф кўрувчи болалар дарс жараёнида турли техника ва катталаштирувчи оптик воситалар, махсус ёриткичлардан фойдаланадилар. К. о. м. ўқувчилари доимий равишда кўз шифокори, невропатолог ва б. шифокорлар назоратида бўлади. К. о. м. хузурда мактабгача таълим бўлими мавжуд бўлиб, унда болалар махсус мактабда ўқиш учун тайёрланади. К. о. м.да махсус усуллар кенг қўлланилади. Асосий эътибор ожизлик оқибатларини тuzатиш, даволаш, фазовий тасаввур ва ориентацияни ўстиришга қаратилган

бўлади. Ўқишни тугатган ўқувчилар меҳнат қилиши ёки олий ва ўрта махсус ўқув юртига кириб ўқишни давом эттиришлари мумкин. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида 8 та кўрлар интернат мактаби, 2 та заиф кўрувчилар интернат мактаби мавжуд.

КЎНГИЛЧАНЛИК – инсон табиатидаги раҳмдиллик, мулойимлик, хушфёъллик, камсуқумлик, кечиримлилик каби сифатларни ифода этувчи хусусият, хатти-ҳаракат; кўнгилга хос муҳим сифатлардан бири. К. инсонга хос муҳим руҳий ҳолатлардан бири бўлиб, унинг марказида одамзоднинг қалби, кўнгли туришининг ўзиёқ унинг ж-ят ҳаётидаги аҳамиятини англатади.

Аксарият кўнгилчан кишиларнинг фарзандлари маънавияти кучли бадиий тафаккур соҳиблари бўлади. Улар орасидан санъаткор, шоир, ёзувчи, рассом, ўқитувчи каби касб-кор соҳиблари, кишилар дилини яхши тушунадиган «касб муҳандислари» етишиб чиқади. Айрим ота-оналар т-яда қаттиққўлликни муҳим санаган ҳолда, К.дан сақланиш лозим деб ҳисоблаб, қаттиқ янглишади. К. фақат фарзандларга нисбатан эмас, балки барчага бирдек қўлланилса, ўз самарасини беради.

КЎНИКМА – ўқувчи ёки талабанинг ўзлаштирган билимлари ва тажрибалари асосида муайян амалий ҳаракатни бажара олиш ф-яти. К.лар амалий ф-ятга, билимларни амалда қўллай билишга оид ф-ятнинг таркибий қисмидир. К. ф-ятнинг мақсади ва шароитларига мутаносиб равишда ҳаракатни муваффақиятли бажариш усулидир. У ҳамиша билимларга

асосланади, маҳорат (малака)нинг негизи ҳисобланади. К. мазмунан амалий (жисмоний) ва ақлий, шаклан оддий ва мураккаб турларга ажратилади. Амалий К.лар меҳнат ф-ятини амалга оширишга, ақлий К.лар билим олишга, уни ўзлаштиришга йўналтирилган бўлади. К.ларни билим б-н адаштирмаслик лозим, чунки билимлар воқелик тўғри акс этирилган ҳукм (мулоҳаза)ларда ифодаланади. К.лар кўпроқ ақлий ва жисмоний ҳаракатларда мужассамлашади.

КЎРGAЗМАЛИ ВОСИТАЛАР – таълимнинг кўрғазмали воситалари: табиат, ж-ят, нарса, ҳодисаларнинг табиий ёки бадиий ифодаси.

КЎRGAЗМАЛИЛИК – таълимнинг муҳим тамойили; дарсларда дидактик воситалардан фойдаланиш мет.си. Таълимда кўрғазмали куруллардан фойдаланиш ўқувчининг тафаккур даражасига кўра белгиланади. Кичик мактаб ёшидаги болаларда конкрет фикрлаш устун бўлиб, улар расм, жадваллар асосида нарса-воқеаларнинг моҳиятини чуқурроқ англайди. Кичик мактаб ёшидаги болаларда аниқ-образли, ҳаракатли-образли фикрлаш шакллариининг ривожланганлиги таълимда кўрғазмали куруллардан кўпроқ фойдаланишни тақозо этади. Ўқувчининг ёши улғайиб, ижт. тажрибаси оша борган сари, унда тафаккурнинг мавҳумлаштириш, умумлаштириш ажратиш каби сифатлари ривожланади. ўқувчи индуктив ва дедуктив хулосалар чиқаришни ўрганади. Катта мактаб ёшидаги ўқувчилар билимларни таъриф, аксиома, хулоса ва фаразлар шаклида қабул қиладилар. Бу ёшдаги болаларда

рационал, назарий фикрлашнинг ривожланганлиги кўрғазмали қуроллар турини белгилаштиришни тақозо этади. Бу даврда кўрғазмали қурол сифатида турли чизмалар, рамзий белгилар, диаграммалардан фойдаланиш имконияти вужудга келади. Ана шуларнинг барчаси кўрғазмалилик тамойилининг онглилик тамойили б-н тўғривий боғланганлигини исботлайди ва таълим-ён тавсифлашни талаб этади.

К. жуда кўп тортишувларга сабаб бўлган, узоқ тарихга эга таълим тамойилларидан биридир. Ўрта асрларда вербал таълим кенг тарқалган эди. Вербал таълимга кўра, нарса-ҳодисалар оддий сўз (нутк) воситасида изоҳланади, сўнгра ўрганилган нарсаларнинг расми, схемаси кўрсатилади. Бундай таълимда сўз биринчи ўринда туради. Таълимнинг маънавлиши «сўздан нарсага» шаклини олади. Унда «механик ёдлаш»га кенг ўрин берилади. Ҳатто Уйғониш даври гуманисти Э. Роттердамский (1467–1536) ўз пед. қарашларида бола олдин сўзни, кейин нарсани тушунсин, деб таъриф этган.

Вербал таълимни фан тарихида биринчи бўлиб инглиз файласуфи Ф. Бэкон (1561–1620) танқид қилган. Унинг сенсуалистик фал.сига кўра «билиш сезгилардан бошланади». У ҳодисаларни кузатиш, тажриба йўли б-н ўрганиш мумкин, деб ҳисоблаган.

Ф. Бэконнинг сенсуалистик фал.сини пед. назария ва пед. амалиётга биринчи марта Я. А. Коменский татбиқ қилди. У «Буюк дидактика» китобининг «Ҳаётни давом эттириш асослари» бобида К. тамойилини асослаган эди.

Шундай қилиб, Я. А. Коменскийдан К. Д. Ушинскийгача бўлган даврда К. тамойилининг иккинчи шакли «нарсадан сўзга» пайдо бўлади. Гарчанд К. тамойилининг «нарсадан сўзга» шакли боланинг хотирасига асосланган бўлсада, у ўқув-т-я ишларида улкан бурилиш бўлди.

Ахб. техн.си ривожланган ва таълимга жадал татбиқ этилаётган ҳоз. даврда К. тамойилини амалга оширишнинг учинчи шакли – «сўзни (нуткни) ахб. техн.си воситасида кўрғазмалиликка уйғунлаштириш» ғояси пайдо бўлди. Ҳоз. пайтда К. тамойилининг доираси анча кенгайди. Нуткни кўрғазмали ўқув қуроллари, дарслик ва мультимедиа воситалари б-н уйғунлаштириш К. тамойилини амалга оширишнинг асосий услубига айланмоқда.

К. тамойилига кўра, нарсаларни ўрганиш уларни кузатиш, сезишдан бошланади. Кузатиш, сезиш онгда далилларни тўплаш, нарсалар тўғрисидаги ҳиссий-конкрет тасаввурларни шакллантиришга олиб келади. Таълим жараёнида билиш ҳиссий-конкрет тасаввур ҳосил қилиш б-н чегараланмайди. Ўқитувчи ўқувчиларни қонун-қоида, таъриф, аниқликларни сезишдан уларнинг моҳиятини англашга, тасаввурлардан тушунча даражасида ўзлаштиришга олиб боради. Таълим жараёнида ҳиссий билишдан рационал билишга ва, аксинча, рационал билишдан ҳиссий билишга (далиллар тўплаш, тажрибалар орқали) ўтиш амалга оширилади.

КЎРСАТМАЛИ (НАМОЙИШЛИ)

МАЪРУЗА – маъруза дарсларини ўқитувчи томонидан дидактиканинг кўргазмалилик тамойили талабларига жавоб берадиган ҳолда ташкил этилганлигини ифодаловчи атама.

КЎЧИРМАЧИЛИК, плагиат – маънавий соҳадаги бузилишнинг бир кўриниши; бировнинг асари, кашфиёти ва б.ни кўчириб, ўзиники қилиб олиш. Бундай ўғрилиқ муаллиф ижозатисиз илмий, адабий, мусикий ёки бадиий асарни, китоб, дисс., рисола ва б.ни ўз номидан тўла ёки қисман бостириб чиқаришдан, кашфиёт ёки ихтирочилик натижаларини ўзиники қилиб олишдан иборат. К. бирон-бир кишидан касб ўрганиш, унга тақлид қилиш, турли ҳунармандчилик, рассомлик, деҳқончилик, чорвачилик ва б.нинг сирасорини билиб олиш ҳамда ўз ф-ятида қўллашдан фарқ қилади. У устозлар таж-

рибасидан фойдаланиш, бирон-бир халқ дав. ёки ж-ятда самара берган тараққиёт йўли ёки тамойилларини ўзида қўллаш ва ҳаётга татбиқ қилишдан ҳам фарқланади. Шу маънода, К. шахс маънавиятининг бузилиши, унинг кингир йўлларга киришини англатади. Ад.да бу ҳодиса адабий ўғрилиқ дейилади. К. ҳолати аниқланганида кўчирмачини судга бериш, етказилган маънавий зарарни қоплашга мажбур қилиш қонунчиликда ўз ифодасини топган. Жумладан, «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Қонунда «ҳуқуқ эгаси б-н шартнома тузмаган ҳолда асардан фойдаланилган тақдирда қоидабузар ҳуқуқ эгасига етказилган зарарнинг ўрнини, шу жумладан, бой берилган фойдани қоплаши шарт» экани кўрсатилган (46-модда). К. илм-фаңда олимлик одоби ва шаънига тўғри келмайдиган ф-ят тарзида ниҳоятда қораланади.

Л

ЛАБОРАТОРИЯ (лот. laboratorium < laborare – ишламоқ) – илмий текшириш-тажриба, тажрибалар, амалий машғулотлар таълим учун керакли аппарат ва асбоблар билан жиҳозланган илмий муассаса ва унинг бўлими ва улар жойлашган жой; илмий муассаса, вазирлик, корхона. ўқув юрти таркибидаги илмий, ишлаб чиқариш-назорат тажрибалари ва ўқув машғулотлари олиб борувчи мустақил муассаса ёхуд бўлим, бўлинма.

Юда Л. 3 турга ажратилади: ўқув Л. (тажриба ўқув фанларидан) – талабалар ва Л. машғулотлари олиб борилади; муаммоли Л.да асосий фанлар бўйича таълим илмий-техникавий изланиш масалалари ҳал қилинади; соҳа Л.сида халқ таълимининг муайян тармоғидаги долзарб масалалар ҳал этилади.

Муаммоли ва соҳа Л.лари корхона, корхона т-я муассасалари ва б. ташкилотларда ҳам бор. Ишлаб чиқариш-назорат тажрибалари дав. ва жамоат ташкилотлари таркибида тузилиб, ишлаб чиқаришга таълим тайин масалаларни текширади. Ишлаб чиқариш хомашёси ва тайин маҳсулотни назорат этиш Л. (заводларда), клиник Л. (даволаш муассасаларида), криминалистик Л. (тергов ва суд таълимларида), агрономик Л. (қишлоқ таълими ташкилотларида).

ЛАБОРАТОРИЯ УСУЛИ – таълим таълимчиларнинг ўқитувчи раҳбарлигида таълимдан белгиланган режа асосида

тажрибалар ўтказиши ёки амалий вазифаларни бажариши, шу жараёнда ўз билимларини янгилаш ва тушуниб етишишни таъминлайдиган таълим усули.

Л. у.ни қўллашдан кўзланадиган асосий мақсад таълим олувчиларга билимларни ўргатиш ва уни ривожлантиришдир.

Л. у.нинг вазифалари таълим олувчиларнинг: асбоб-ускуналардан фойдаланиш кўникма ва малакаларини эгаллаши; тадқиқотларни мустақил амалга ошириш йўллари танилаши ва маълум бўлган усулларни текшириши; натижаларни ўлчаш ва ҳисоблаш б-н боғлиқ амалий кўникма ва малакаларни эгаллаши; олинган натижаларни қайта ишлаш ва мавжудлари б-н таққослаши учун шароит яратишдан иборат.

ЛАБОРАТОРИЯ ВА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР РЕЖАСИ – ўқитувчининг касбий таълим мазмуни, тажрибалар ва амалий ишни бажариш ҳамда ўрганишга оид кўрсатмалар мажмуини ўз ичига олган ҳужжати. Унда машғулот мавзуси, ишнинг мақсади, унга ажратилган вақт, машғулот мавзусининг мазмуни, мазкур йўналишдаги ад.лар рўйхати ўз ифодасини топади.

ЛАБОРАТОРИЯ МАШҒУЛОТЛАРИ – олий, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва у. ў. т. мактабларида ўқувчи (талаба)лар мустақил бажарадиган амалий иш турларидан бири. Назарий билим-

ларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш. мустикал тажрибалар бажариш ма-лакасини ривожлантириш мақсадида ўтказилади. Тажриба учун керакли буюмлар, жиҳозлар, реактивлар ва б.ни тайёрлаш, тажрибанинг чизма-режасини тузиш, уни лаб. шароитида амалга ошириш ва тавсифлаш жараёнини ўз ичига олади. Табиий-илмий ва техника фанларидан дарс беришда кенг қўлланилади.

ЛАЁҚАТ (араб. – мувофиқлик, яроқлилик, яхши фазилат) – бирор ишга яроқлилик, қодирлик, қобилият, инсоннинг анатомик-физиологик хусусияти, қобилиятлар ривожининг асоси. Л. қобилиятнинг наслий мустаҳкамланган омили, қобилият ривожланишининг табиий замини. Муайян шароит мавжуд бўлганда Л. қобилиятнинг шаклланиши ва ривожланишини таъминлайди. Асаб анализаторларининг айрим туғма хусусиятлари Л.ни ташкил этади. Асаб тизимининг типологик хусусиятлари ҳам Л. сифатида намоён бўлиши мумкин. Муваққат нерв боғланишларининг таркиб топиш тезлиги, мустаҳкамлиги, диққатни тўплаш кучи, асаб тизимининг чидамлилиги, ақлий иш қобилияти ҳам Л.га боғлиқ. Шунингдек, биринчи ва иккинчи сигналлар тизимининг муносабати ҳамда тараққиёт даражаси Л. сифатида қаралиши мумкин. Сигналлар тизими ўртасидаги муносабат хусусиятларига қараб, рус олими И. Павлов олий нерв ф-ятининг учта махсус инсоний типини ажратиб кўрсатган: 1) бадиий тип – биринчи сигнал тизимининг нисбатан устунлиги. Бадиий

тип кишилари учун бевосита таассуротларнинг ёркинлиги, идрок ва хотиранинг образлилиги, хаёлнинг бойлиги ва жонлилиги, эмоционаллик характерли; 2) фикрловчи тип – иккинчи сигнал тизимининг нисбатан устун бўлиши. Фикрловчи типга мансуб кишилар анализ ва тизимлаштиришга, умумлашган, мавҳум тафаккурга мойил бўлади; 3) аралаш тип – иккала сигналлар тизимининг мувозанати. Муайян Л. мавжуд бўлганда болада мусиқий, адабий, бадиий-тасвирий, математик қобилият жуда эрта шаклланиши ва тез ривожланиши мумкин.

Инсонда қанчалик кучли Л. бўлмасин. агарда у муайян ф-ят б-н қатъий ва мунтазам шуғулланмаса, ундан етук мутахассис чиқмайди. Қобилиятга нисбатан Л. поливалентлилиги б-н ажралиб туради, яъни айнан бир хил Л. асосида турли хил қобилиятлар шаклланиши ва ривожланиши мумкин. Л. кўп кирралидир, шунинг учун ҳар бир қобилиятга муайян Л.и мос келади деб бўлмайди. Л. қанча кучли бўлса, инсондаги бурч ва масъулият туйғуси ҳам шунчалик қатъий бўлади. Шу асосда унда юксак маънавият ҳамда маърифат шаклланади.

ЛАЗАРЕВА Валентина Даниловна (1939. 27. 12, Оренбург вил.нинг Кваркено тумани) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). ТошДУнинг механика-мат. ф-тини тугатган (1965). Тошкент ш. Ҳамза туманидаги 43-мактабда (1965–70), 149-мактабда мат. ўқитувчиси бўлиб ишлаган (1970–98). У ўзининг дарс ўтиш услуби бойлиги

турли-туманлиги б-н ўқувчиларга стаҳкам билим ҳамда яхши т-я бериш-интилан.

ТАТОФАТ (араб. – мулойимлик, латифлик; хушмуомалалик; жозибадорлик) – инсонга хос бўлган маънавий фазилат. Унинг соҳиби одоби, кийиниш мадания-озодалиги, мулойим табиати, ҳар бир раҳбатдошига илтифоти билан ажралиб туради.

Л.ли кишининг сўзи, одоби гўзал, инсоний хислат ва фазилатларни ўзида жассамлаштирган бўлади, у кундалик ҳаётда учраб турадиган мураккаб масалаларни ақл тарозиси б-н ўлчайди ва тўғри хулоса чиқаради. Л., айниқса, инсонлар ва аёлларда сезилиб туради. Л. шу пунчаси Шарқ халқларида алоҳида қадимун-моҳиятга эга. Шунинг учун Шарқ аёлининг иффати, фаросати ва нақли ҳақиқати ўзига хосдир. Л. – аёлининг олий сифати. Қадим-қадимдан оналаримиз инсон кизларини оилада, ҳаётда ҳаёли, Л.ли бўлишига аҳамият беришган. Бугунги кунда таълим муассасалари ва оилаларда инсон кизлар т-ясида ушбу тажрибалардан фойдаланиш алоҳида пед. қимматга эга.

ЛИБЕРАЛ РАҲБАРЛИК – таълим муассасаси раҳбарининг мурасасозлик сифати (ингилчанлик)ка асосланган бошқариш усули. Мазкур усул (эркин иш юриш) таълим муассасаси раҳбарининг қарорларини тавсиялар шаклида бериши, педагог ходимларнинг ишига широк аралашуши б-н тавсифланади.

Бунда раҳбар ходимларига кенг ҳақда мустақиллик, тўла эркинлик бериши б-н бир қаторда уларнинг

ҳаракатларига кам эътибор қаратади ва назоратни сусайтиради. Либерал раҳбар пед. жамоада турли хил низолар келиб чиқишидан чўчийди, шунинг учун муассаса ф-ятини, асосий ишларни ўз оқимига ташлаб қўяди, шунингдек, ўз зиммасига масъулият олишни ёқтирмайди. Сунистеъмомликларга бевосита йўл қўйма-ҳам, ўзини билмасликка олади, ирода-сиз, ташаббуссиз бўлиб, ташқаридан кўрсатиладиган таъсирларга мойилли-ги кучли бўлганлиги сабабли юқоридан ёки қуйидан кўрсатилган тазйиқлар уни ҳаракатга келтириши мумкин. Танқидларни қабул қилади, лекин ундан хулоса чиқармайди, келишувчанлик асо-сида ф-ят кўрсатади, яъни ходимлар б-н ўзаро муносабатларни бузмаслик учун уларнинг барча талабларини бажаради. Одатда, пед. жамоада расмий ёки норас-мий гуруҳларни бошқарувчи бир-иккита фаол инсонлар мавжуд бўлади, айрим вазиятлар (жамоа аъзоларининг ўз ишига ижодий ёндашуви ва ижобий муносабат-лари) жамоа ф-ятини мувофиқлаштириб туради.

Мазкур услубда ф-ят кўрсатувчи раҳбарда ташаббуснинг йўқлиги ва юқори бошқарув органларининг кўрсат-маларини сўзсиз бажариши ҳамда раҳбарларнинг кўрсатмаларига асосан ф-ятни ташкил этиши унинг заиф то-монлари, катъиятсизлиги ва лоқайдлиги, низолардан, вазият кескинлашувидан чўчишини кўрсатади. Бу, ўз ўрнида, жа-моада тартибсизликлар келиб чиқиши, ходимларнинг хатти-ҳаракати усти-дан назоратнинг йўқолиши, гуруҳ-бозликнинг авж олиши ҳамда турли

муаммолар ҳатто таълим муассасаси ҳаётида муҳим аҳамият касб этувчи масалалар ҳам раҳбарнинг иштирокисиз ҳал этилишига олиб келади.

ЛИДЕР (инг. leader – етакчи, бошлик, раҳбар) – пед. жамоада ўзининг шахсий сифат, фазилатлари билан жамоа аъзоларига ўз таъсирини ўтказа оладиган шахс. Унда режалаш, ташкилотчилик, ўзига эргаштира олиш, назорат этиш каби қобилиятлар ривожланган бўлади.

ЛИДЕРЛИК – маълум бир гуруҳда ўзи раҳбарлик қилаётган йўналишларда шахслараро (норасмий) муносабатларни бошқариб, гуруҳ аъзоларининг кучли ва кучсиз (нозик) томонлари, ижобий ва салбий одатлари, шунингдек, уларнинг психологик хусусиятлари, кайфиятлари, мойиллиги, интилишлари ҳамда кизикишларини яхши билганлиги натижасида жамоани муайян йўналишга бошлашга йўналтирилган фаоллик.

ЛИДЕРЛИК (ЕТАКЧИЛИК) ТРЕНИНГЛАРИ – раҳбар ва етакчи шахслар учун зарур хулқ-атвор вариантлари (қўл остидагиларни рағбатлантириш ва б.)ни намоён қилишга йўналтирилган пед. жараён.

ЛИНГВОДИДАКТИКА – тилларни ўргатиш илми бўлиб, тил ўқитиш назарияси, тилшуносликни ўз ичига олган ва ўрганилаётган тилларни ўқитиш ҳақидаги фанни ифодаловчи атама.

ЛИЦЕЙ [фр. lycee, lyceum, Lykeion (Лицей) – Аристотель таълим берган Аполлон лицей ибодатхонаси ёнидаги ўрмон номидан] – кўпчилик дав.ларда ўрта таълим ўқув юрти. Ўзбекистонда академик

лицей – ДТСга мувофиқ ўқувчиларнинг имкониятлари ва кизикишларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг жадал интеллектуал ривожланишини, чуқур соҳалаштирилган, табақалаштирилган, касбга йўналтирилган ўрта махсус таълим олишини таъминловчи ўқув муассасаси.

ЛИЦЕНЗИЯ (лот. licentia – ижозат, рухсат) – 1) амалдаги қонунларга кўра муайян ф-ятни амалга ошириш учун дав. органлари томонидан бериладиган рухсат; 2) муайян шахсларга мавжуд, расмий тан олинган ихтиро, техника, ишлаб чиқариш сирлари ва б.дан фойдаланиш ҳуқуқини бериш; 3) пед. маънода: таълим бериш хизматларини амалга оширишга рухсат берувчи ҳужжат.

ЛИЦЕНЗИЯЛАШ – дав. ва нодавлат муассасаларга таълим хизматларини амалга ошириш ҳуқуқини бериш.

ЛОГОПАТИЯ – (logos ва юн. pathos – азоб, касаллик) – нутқнинг бузилиши нутқ аппаратининг турли камчиликлари натижасида сўздаги бўғинлар ёки бутун сўзни тўғрилиб такрорлаш, айрим сўзларни тўсатдан талаффуз қила олмай қолиш. Бунда эшитиш қобилияти сақланган ҳолда нутқда нуқсон кузатилади. Л. марказий асаб тизимининг органик касалликларида нутқ аппаратининг зарарланиши туфайли нутқда қузатиладиган барча бузилишларини англатади. Баъзи ҳарфлар (мас., «л», «р»)ни яхши талаффуз қила олмаслик ҳам Л.га киради. Ёзувда баъзи ҳарф ва хатта бўғинларни тушириб қолдириш ҳам Л. кўринишларидан биридир.

ЛОГОПЕДИЯ (logos ва юн. paideia – тарбиялаш, ўқитиш) – пед. фани тармоғи. Нутқдаги камчилик (дудуқлик, ривожланмаганлиги, ўқиш ва ёзувдаги нуқсон ва б.) сабаблари, уларнинг олдини олиш, тузатиш йўллари хамда нутқ ф-яти бузилиши механизмлари, аломатларини махсус таълим ва т-я воситасида ўрганеди. Нутқдаги нуқсонларни тузатиш масалалари дастлаб 17-а.да Европа мамлакатларида сурдопедияга қарата илмий ишларда тадқиқ этила бошланган. 19-а.нинг 2-ярмидан бу соҳага мустақил равишда, тиббиёт нуқтаи назаридан ёндашилди. Аста-секин нутқ ф-ятининг табиати ҳақидаги илмий таълиму таълим кенгая бориб, Л. йўналиши тубдан ўзгариб, унда пед. мазмун биринчи ўринга қўйиладиган бўлди.

20-а.га келиб Л. мустақил фан сифатида шаклланди, унинг мақсад ва вазифалари, методик асос ва тамойиллари, асосқа фанлар б-н алоқаси масалалари муҳофизат қилинди. Замонавий Л. мактабга қарата ёшдаги болалар Л.си, мактаб ёшидаги болалар Л.си, ўсмирлар ва катта ёшдагилар Л.сига бўлинади.

Л.нинг асосий мақсади нутқдаги нуқсонни бор шахсларни ўқитиш, т-ялаш ва қайта т-ялашнинг илмий асосланган усулларини ишлаб чиқиш, шунингдек, нутқ нуқсонининг олдини олишдан иборатдир.

Л. фан сифатида катта назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлиб, у тил ва нутқнинг ижт. моҳияти, боланинг таълиму таълим, лексик-грамматик тузилиши, артикулатив ва бутун рухий ф-яти узвий алоқалиги б-н белгиланади.

Л.нинг асосий вазифалари: нутқ бузилишининг турли шаклларида нутқ ф-яти онтогенезини ўрганиш; нутқ бузилишларининг кенг тарқалганлиги, келиб чиқиш сабаблари, механизмлари, тузилиши, аломатлари ва даражаларини аниқлаш; нутқий ф-яти бузилган болаларнинг ўз-ўзидан ва бирор мақсадга қаратилган ривожланиш динамикасини, нутқий заифликни уларнинг шахс сифатида етишувни, рухий ривожланиши, турли кўринишдаги ф-ятларини намоён қилиш, ўзларини тутишларига таъсирини аниқлаш; ривожланишда турли фарқлар бўлган болаларда (эшитиш, кўриш, фикрлаш қобилияти хамда таянч-ҳаракат аппаратининг бузилиши ҳолларида) нутқнинг шаклланиши ва бузилишлари хусусиятларини ўрганиш; нутқ бузилишларининг пед. диагностикаси тушунчаларини ишлаб чиқиш; нутқ бузилишларини тартибга солиш; нутқ бузилишини бартараф этиш тамойиллари, дифференциялашган метод ва воситаларини ишлаб чиқиш; нутқ бузилишининг олдини олиш тушунчаларини такомиллаштириш; логопедик ёрдамни ташкил этиш масалаларини ишлаб чиқиш.

Нутқдаги камчиликларнинг пайдо бўлиши, табиати, инсон руҳиятига таъсири турлича бўлади: алалия, афазия, дудуқланиш, дизартрия ва б. Улар билан жараёнини, атрофдаги кишилар б-н муомалани қийинлаштиради. Бу нарса боланинг ф-яти, юриш-туришида акс этади. Оғир нутқий бузилишлар эса инсоннинг ақлий ривожланишига, айниқса, олий нерв ф-яти даражаларига, шахснинг шаклланишига таъсир этади.

ди, унинг характеридаги тортинчоқлик, катъиятсизлик, одамовилик, номукам-маллик туйғуси каби салбий хусусиятларни келтириб чиқаради. Л.нинг вазифаси эса боланинг нутқидаги нуқсонларни бартараф этиб, унинг ҳар томонлама баркамол ривожланишини таъминлашдан иборат.

Л. нутқ бузилишини ўрганиш ва тузатишда нутқ б-н фикрнинг ўзаро боғлиқлиги ҳақидаги, бола ривожланишида умумий ва махсус қонуниятларнинг ўзаро муносабати тўғрисидаги назарий қоидаларга, нутқ ва ф-ятнинг ҳамоҳанг ривожланиши ҳамда руҳий камолотга эришишнинг ҳаракатлантирувчи кучлари ҳақидаги назарияга таянади. Л. умумий анатомия ва физиология, нутқ механизмлари, нутқ жараёнининг бош мияда содир бўлиши ҳақидаги, нутқ ф-ятида иштирок этадиган анализаторларнинг тузилиши ва ҳаракатга келиши тўғрисидаги билимлардан фойдаланади.

Нутқдаги нуқсонларнинг аломатларини, уларнинг этиологияси, механизмлари, нутқ ф-яти бузилиши таркибида нутқий аломат б-н нутқсиз аломатнинг муносабатини билиш учун Л. бошқа фанлар б-н, жумладан, тилшунослик, оториноларингология, психоллингвистика, умумий ва махсус психология, психодиагностика, невропатология, психопатология, олигофрения клиникаси, педиатрия б-н узвий алоқада иш олиб боради. Ўзбекистонда ёрдамчи мактаблар, болалар поликлиникалари, болалар боғчалари ва б. муассасаларга логопедик ёрдам кўрсатади. Нутқи заиф болалар учун алоҳида боғчалар, махсус мактаб-

лар мавжуд. Ўзбекистонда логопед ўқитувчилар пед. ОЎЮда тайёрланади. ЛОГОС (юн. logos – сўз, тушунча, фикр, қонун) – юнон фал.сидаги тушунчалардан бири. Дастлаб сўз, нутқ, тил, кейинчалик кўчма маънода – фикр, тушунча, ақл, мазмун, оламий қонун маъносини англатган. Л. атамасини юнон файласуфи Гераклит илмий муомалага киритган. У Л.ни оламий қонуният, оламнинг ақлий негизи сифатида ифодалайди. Л. антиқ дунёқараш учун ғоят муҳим ҳисобланган ва меъёр ғоясини билдирган. Л. ақл меъёрига мос келадиган тушунчадир. Мас. руҳдаги совуқлик таназзулнинг ибтидо-си саналса, ундаги қуруқлик, олов эса унинг Л.идир. Л.га хос жиҳат бу – барча нарсаларнинг ўзгаришда бўлиши. Л. одоб-ахлоқ муаммоларида ҳам устувор тамойилга амал қилади. Одамлар ўзаро тенг бўлиб туғилдилар, лекин амалда тенг бўла олмайдилар. Улардаги мажжуд тенгсизлик манфаатлар тенгсизлигининг оқибати ҳисобланади. Аксарият кишилар Л.га амал қилиб яшамайдилар, аксинча, ўзлари билганларича иштутадилар. Бундай кишиларнинг ҳаёти «болалар ўйини»ни эслатади. Инсоннинг бахт-саодати нафсни қондиришда эмас, аксинча, Л. талабидан келиб чиқиб фикр юритиш, ҳақиқатни излаш, табиатга монанд иш тутишдан иборатдир. Аристотелнинг фикрича, ички Л. (ҳал айтилмаган фикр) ва ташқи Л. (айтилган фикр) мавжуд. Гегель фал.сида Л. объектив тушунча ўрнида ишлатилади ва «оламий ақл» ҳисоблайди. Л. тушунчаси

ҳоз. замон фал. тафаккур тараққиётида ҳам қўлланилади.

ЛОЙИҲА – режа, мўлжал, ғоя. Пед. ф-ятни лойиҳалаш таълим соҳасига киритилган инновациялардан ўқитувчининг ўз ф-ятида фойдаланиш режаси, мўлжали, ғоясидир.

Ҳар бир Л. чуқур ўйланган ҳолда тузилиши лозим. Ўқитувчининг инн-он лойиҳаси лойиҳа концепцияси, тушунтириш хати, унинг мақсади, вазифалари, таълим жараёнига татбиқ этишдаги қарама-каршилиқлар, муаммолар, барозлар, ўқув вазиятининг таҳлили, ташқи ҳамда ички воситалари, инновацияларни қўллаш учун қандай имкониятлар мавжуд ва қайсиларини яратиш кераклиги, ж-ятнинг таълим олдига қўйган ижт. буюртмаси, ўқитувчи ф-яти муваффақиятини таъминловчи мезонлар, инновацияларнинг мазмун-моҳиятини ифодаловчи қисмлар, жумладан, моддий-техникавий, илмий-методик, иқтисодий таъминот, педагог ходимлар ф-яти бошқаруви, пед. ҳаракатлар ҳамда ф-ят эстикболларини башорат қилиш каби-ларни ўз ичига олиши лозим.

ЛОЙИҲАЛАШ МЕТОДИ – пед. ф-янинг прагматик йўналишга асосланган ҳолда таълим жараёнида ўқувчиларга бериладиган амалий топшириқларни лойиҳаловчи ва уларни ўқувчиларнинг бажаришлари жараёнида билим ва кўникмаларини намоён қилишларини таъминловчи таълим методи.

ЛОҚАЙДЛИК – лоқайд муносабат, ҳолат; бефарқлик; инсон, ж-ят, миллат ҳақида бепарво ва совуққонлик билан

ёндашишда намоён бўладиган маънавий иллат. Муайян шахснинг гоҳида ўз ҳаёти, ўзгалар ф-яти, атрофда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга бефарқлиги ва лоқайдлигини англатувчи тушунча. Ҳаётий позициянинг аниқ эмаслиги, долзарб вазифалардан ўзини олиб қочиш, эл-юрт, ж-ят ва миллат ташвишларидан четда туриш Л. белгиларидир. Шунинг учун оилада, таълим муассасаларида таълим олувчиларга Л.нинг салбий оқибатларини мунтазам тушунтириш, уларни эл-юрт манфаати йўлида фидокорлик кўрсатишга ундаш орқали лоқайдликка қарши курашиш мумкин.

ЛОКАЛ БАҲОЛАШ – таълим муассасаси ф-ятини такомиллаштириш, таълим-т-я жараёнини ташкил этиш ва бошқариш йўналишида маълум бир вазифани ёки унинг бир қисмини бажариш натижаларига асосланган баҳолашни ифодаловчи тушунча.

ЛОКАЛ ТАРМОҚ – муайян ҳудуд оралиғида жойлашган компьютерларда ўзаро ахборот алмашиш имконини берувчи тармоқ.

ЛОТИН АЛИФБОСИ – инсон, шахс дунёқараши, билим ва кўникмалари, тажрибаларини ёзма баён қилиш усули сифатида қад. Римнинг Лаций вил. (лотин сўзи ҳам шундан), хусусан, унинг марказий шаҳри ҳарфий ёзуви. Ғарбий юнон ёзуви асосида пайдо бўлган. Мил. ав. 9–8-а.ларда ҳоз. Италия ҳудудига кириб келган алифболи юнон ёзуви аста-секин ривожланиб, фақат мил. ав. 3–4-а.лардагина мустақил Л. а. вужудга келган.

Ушбу ёзувдаги энг қад. ёдгорликларда (мил. ав. 6–4-а.лар) ёзув йўналиши ўнгдан чапга, чапдан ўнгга йўналган бўлган, мил. ав. 4-а.дан кейингина чапдан ўнгга қараб ёзиш барқарорлашган. Бу даврдаги ёзувда тиниш белгилари бўлмаган, ҳарфлар бош (катта) ва кичик ҳарфларга ажратилмаган. Л. а.да дастлаб 20 та ҳарф бўлган, мил. ав. 1-а.дан бошлаб юнон тилидан кирган сўзларни ёзиш учун V, Z ҳарфлари қўллана бошланган. Бу алифбо ўрта асрларда қўплаб шакл ўзгаришларига учраган ҳолда ривожланишда давом этган. 11-а.да алифбога W ҳарфи, 16-а.да X ва V ҳарфлари киритилган. Кейинги ривожланиш даврида, китоб босиш ишлари йўлга қўйилгач, тиниш белгилари, диакритик белгилар пайдо бўлган, бош ва кичик ҳарфлар фарклана бошланган. Ҳоз. Л. а. икки хил типографик шаклга эга: асл лотин ҳарфлари (антиквар) ва гот ёзуви (фрактур). Уларнинг биринчиси, яъни лотин ҳарфлари энг қад. алифбога яқин бўлиб, ҳоз. амалиётда, асосан, ана шу ҳарфлардан фойдаланилади. Рим империяси кулагач, хусусан, 8-а.дан Л. а. Ғарбий Европадаги қўплаб халқларнинг ёзув тизимлари учун асос бўлган. Ҳоз. даврда дунё халқларининг 30–35 % Л. а.дан фойдаланади. Ўзбекистонда ҳам 1929–40 й.ларда шу алифбо асосидаги ўзбек ёзуви амалда бўлган. Мустақилликка эришилгач, Л. а.га асосланган ўзбек ёзуви қайта жорий этилди (қ. Ёзув). Бугунги кунда Ўзбекистонда лотин ва кирилл

алифболарига асосланган ўзбек ёзувидан тенг фойдаланилмоқда.

ЛУКРЕЦИЙ. Тит Лукреций Кар (мил. ав. тахм. 96 – 55. 15. 10) – римлик файласуф ва шоир. Л. ҳақидаги дастлабки биографик маълумотлар мил. 4-а.га тўғри келади, лекин уни ишончли деб бўлмайди. Л. фал.да Эпикурнинг давомчиси. Асосий фал. асари – «Нарсаларнинг табиати ҳақида» дидактик дoston. У қад. даврда материалистик фал. изчил баён қилинган ва тўла сақланган ягона асардир. Л. фикрича, атом илк материя сифатида нарсалар моҳияти негизини ташкил қилади. Атомлар хилма-хилдир. Фазо эса реал мавжуд. У нарсалардан ташқарида мавжуд, бўшлиқ, вақт эса жисмларнинг ҳаракати ва сукунати б-н бевосита боғлиқ. Ҳаракат бўшлиқда содир бўлади. Жисм ва бўшлиқ чексизликни ташкил этади. Ҳар қандай ҳаракат жисмларнинг ўзига хосдир. Ҳаракат сезгилардан яширин майда зарраларда бошланади. У туфайли катта жисмлар ҳаракатга келади. Л. атомларни сезги аъзоларимиз орқали кўрмаймиз, улар йўқ деган баъзи фикрларга жавобан. биз шамолни кўрмаймиз, лекин у доимо мавжуд-ку, дейди. Л. тилнинг келиб чиқиши, динларнинг пайдо бўлиши сабаблари ҳақида фикр юритган. Л. этикасида азоб-уқубатлар сабабларини бартараф этиш, мўътадиллик, руҳий хотиржамлик муҳим ўрин тутди. Л.нинг атомистик ғояларини 17–18-а. файласуфлари янада ривожлантирган.

ЛУКЪЯНОВ Юрий Васильевич (1934. 11. 7, Саратов вил. Энгельс ш.) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Ўзбекистон жисмоний т-я ш-тини тугатган (1964). 1964 й.дан Ур-тенч ш.даги 12-мактабда, қурилиш тех-никумида, 1982–98 й.ларда 94-интернат мактабда жисмоний т-я ўқитувчиси. У ўқувчилар б-н жисмоний т-я дарслари-

ни, соғломлаштириш ишларини замон талаби даражасида олиб борган.

ЛУҒАТ (араб. – тил. шева: сўз, ибора) – бирор тилдаги сўзлар маълум тартиб-да (одатда алифбо тартибида) жамлаб, изоҳлаб ёки бошқа тилга таржима қилиб берилган китоб; сўз; тилдаги барча сўзлар мажмуи; сўз бойлиги.

М

МАВЖУДЛИК (араб. – бор; нақд. бор бўлиш) – ихтиёрда ёки, умуман. воқеликда бор бўлиш. Фал. тарихида, одатда, мавжуд нарсаларнинг тафаккур ёрдамида акс эттириладиган ички моҳиятидан фарқли равишда, тажриба асосида эришиладиган, уларнинг ташқи томонларини ифодаловчи тушунча. Фал. даги борлиқ тушунчасининг синоними.

17–18-а. инглиз эмпиризми (Ж. Локк, Д. Юм) ҳар қандай билимнинг мавжудлигини тан олган. Янги давр рационализми (Р. Декарт, Б. Спиноза, И. Фихте, Г. Гегель) М. тушунчасини талқин этишда борлиқ ва тафаккурнинг айнанлиги таълимотидан келиб чиқади. М. бу ўринда моҳият эътибори қандайдир ақл б-н боғлиқ рационаллик сифатида талқин этилади. Бу нуқтан назарларни бирлаштиришга уриниш Г. Лейбниц ва И. Кант таълимотларида намоён бўлади. Лейбниц икки хилдаги ҳақиқатни тан олади: ақлнинг абадий ҳақиқати ва далиллар ҳақиқати.

Г. Лейбницнинг фикрича, улар ўртасидаги фарқ фақат инсон ақли чегараси (охири) учун мавжуд, оламий ақлда бу фарқ йўқ. Кант М.нинг онтологик аҳамиятини тан олади. «Нарса ўзида»ни мантикий хулосалар орқали чиқариб бўлмайди, ақл фақат расмий алоқаларни, ҳиссиёт эса унга ашё етказишини ҳисобга олсак, М.ни ҳеч бир ҳиссий ҳодисалардан мантикий келти-

риб чиқариш мумкин эмас. С. Кьеркегор қарашларида М. янги категория сифатида талқин этилади. У М.ни бевосита англаш мумкин бўлган инсон борлиғи сифатида рационализмга қарама-қарши қўяди. 20-а. Ғарбий Европа мамлакатларида тарқалган экзистенциализм (К. Ясперс, М. Хайдеггер, Ж. П. Сартр, Г. Марсель ва б.) таълимотида М. маркази ўринни эгаллайди ва инсоннинг ўз чегарасидан чиқувчи вазиятда трансценденталликнинг бир ҳолати сифатида талқин этилади. Экзистенциализм фал.сида М. нарсаларнинг моҳиятидан юқори турадиган, пайқаб бўлмайдиган, инсоннинг билиши ва амалиётига эриша олмайдиган тушунча сифатида таърифланади.

Экзистенциализм бўйича инсон ақл этиши мумкин бўлмаган М. б-н трансценденталлик ўртасидаги алоқа унинг охири, М. далилининг ўзида топилган. М.нинг охири ўлим, ҳаёт тугашининг эмпирик далили эмас, балки бутун инсон ҳаётига кириб борувчи, М. тарқибини белгиловчи бошланғич ҳолатдир. Ф. Аквинский фал.сида М. ва моҳият икки борлиқ (буюм ва субстанция) сифатида намоён бўлади. Борликни ф-я деб тушунган Аквинский, энг буюм воқелик Худо ва худонинг моҳияти унинг ўзи мавжудлигида амалга ошадиган деб ҳисоблайди. Бошқа барча яратилган оламда моҳият ва М. ўзаро мос келмайди. М. моҳиятнинг идеаллик чегарасидир.

алида нарса ва ҳодисалар моҳиятини тарнинг М.лигидан, яъни борлигидан тартиб бўлмайди.

МАВЛОНО (араб. – жаноб, ҳукмдор; жомий:) – Марказий Осиё, Афғонистон ва Покистонда энг юқори лавозимдаги кадрлар, ёзувчи, олим ва фозил китобларни, устозларни улуғлаб, уларнинг номларига қўшиб ишлатиладиган сўз. М. сўзи ҳурмат маъносиди шахс номларидан аввал айтилган (мас., М. Алишер Навоий, М. Жомий, М. Муқимий ва б.). Ўрта асрларда Марказий Осиёда қўлланилган.

МАВЗУ (араб. – жойлаштирилган; тўғиб чиқарилган; тема, сюжет) – и. т., баъдий асар, фикр-мулоҳаза юритиш, ҳақбат, маъруза ва шу кабилар учун танлов олинган объект.

МАВЛОНОВА Раҳима Абдураззоқовна (1930. 06. 10. Тошкент ш.) – пед. фанлари доктори (1990), проф. (1994), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи (1974). Тошкент пед. ин-тининг пед. ва психология факультетини сиртдан тамомлаган (1958). Тошкент ш.даги 3-ўрта мактабда бошланғич синф ўқитувчиси (1951), Ўзбекистон пед. фанлари и. т. ин-тида ассистент, к. ф. х., бўлим бошлиғи (1959–74), ТДПУнинг пед. ва психология факультетини декани (1975–84), «Бошланғич таълим методикаси» каф.си мудири (1984–2003). Ҳоз. вақтда ТДПУда ф-ят олиб бормоқда. 200 дан ортиқ дарслик, монография, ўқув ва методик қўлланмалар муаллифи.

«Буюк хизматлари учун» ордени б-н таъдирланган (2005).

МАВЛОНОВ Қурбонали (1932, Навоий вило.) – Ўзбекистон Республикаси халқ

ўқитувчиси (2001). Навоий шаҳридаги 5-мактабда 45 й. она тили ва ад.и фанидан дарс берган. Олий тоифали ўқитувчи.

М.нинг ташаббуси б-н мактабда она тили ва ад.ини чуқурлаштириб ўқитиладиган синфлар ташкил этилган. 10 дан ортиқ методик тавсияномалар, «Ҳаёт ўғитлари» шеърий тўплами, «Бу қайтар дунё» кисса ва ҳикоялари ҳамда «Ҳаётдан катралар» тўпламлари муаллифи. Мактаб б-н оила ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, уларни уйғунлаштириш соҳасида тажрибалари вил. ва туман миқёсида оммалаштирилган.

МАГИСТР – 1) айрим мамлакатларда бакалавр б-н фан д-ри ўртасидаги илмий даража; 2) бакалавр даражасидан фарқли равишда маълум ихтисослик бўйича юқори малакали, илм-фан соҳасида, ишлаб чиқаришнинг масъулиятли лавозимларида ф-ят юрита оладиган мутахассис; 3) таянч олий таълим курсидан сўнг қўшимча дастур асосида ўқиб, махсус имтиҳонларни топишган ва муайян мавзуда илмий ишни ҳимоя қилган шахс; 4) Ўзбекистонда «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва КТМДга мувофиқ ун-т, академия, ин-т ва б. олий таълим муассасаларида 2-босқич – магистратурани тугатганларга бериладиган даража.

МАГИСТРАНТ – магистратурада таълим олиш б-н биргаликда диссертация устида иш олиб борётган талаба.

МАГИСТРАТУРА (лот. magistratus – бошлик) – 1) кад. Римда дав. лавозими; 2) айрим дав.ларда суд маҳкамалари тизими; 3) кўп дав.ларда олий таълим босқичи; 4) Ўзбекистонда аниқ мутахас-

сислик бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, бакалаврият негизда таълим муддати камида 2 й. давом этадиган олий таълим босқичи. Магистрлик дастурини тугаллаб, илмий ёки илмий техникавий мазмундаги магистрлик дисс.сини ҳимоя қилгандан сўнг, битирувчиларга дав. малака аттестацияси яқунларига кўра магистр даражаси берилиб, уларга дав. томонидан тасдиқланган намунадаги, касб-ҳунар ва илмий ф-ят б-н шуғулланиш ҳуқуқини берадиган диплом топширилади. Ўзбекистон Республикасида М.ни биринчи марта 2001 й. 1828 киши битириб чиқди.

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ – «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва магистратура тўғрисидаги Низомга (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 30.10.1998 й.даги буйруғига илова) асосан магистрлик даражасини олиш учун ёзилган диссертация.

МАГЗУМОВ Пўлат Тешаевич (1938. 31.05 – Тошкент – 2015. 06. 05) – пед. фанлари д-ри (1992), проф. (1993). ТДПУнинг физика-мат. ф-тини умумтаълим физика ва меҳнат мутахассислиги бўйича таълимлаган (1964). 5-сонли ишчи ёшлар мактабида физика ўқитувчиси (1964). ЎзФАнинг ядро физика ин-тида илмий ходим (1964–67), «Миконд» заводида типли синов лаб.си бошлиғи (1967–69), Тошкент ш.даги 122-у. ў. т. мактабида директор (1969–73), Ўзбекистон пед. фанлари илмий текшириш ин-тида илмий ходим, меҳнат таълими бўлими бошлиғи, илмий ишлар бўйича директор муовини (1973–91), Республика касб-ҳунар ходимларининг малакасини оши-

риш ин-тида каф. мудири (1991–2000). Тошкент автомобил йўллари ин-ти «Педагогика ва психология» каф.си мудири (2000).

1978 й.да Ўзбекистон касб-ҳунар таълими аълочиси, 1985 й.да Халқ таълими аълочиси. М. бир неча дарслик, монография, ўқув ва услубий қўлланмалар муаллифи.

МАГНИТ МАКТАБ – таълим саноат корхоналари ва олий техника таълим муассасалари ҳамкорлигида белгиланган мутахассисликлар бўйича ташкил этиладиган ўқув муассасаси.

МАДАЛИЕВА Манзурахон Абдуллаевна (1947. 26. 08, Кўкон ш.) – Ўзбекистон Қаҳрамони (1997). Кўкон пед. ин-тининг тугатган (1965). Кўкон ш. 10-умумтаълим мактабида мат. ва информатика фани ўқитувчиси (1965–98).

М. математика таълимида ўзига хос мактаб яратган. У мактабда биринчи бўлиб мат. фани хонасини ташкил этиб унга фан тарихига оид асарлар, буюк аллома-математиклар сурат ва китобларини қўйган. Вилоятда биринчи бўлиб «Қизиқарли математика кечаси»ни ўтказган. Дарс беришда телевидение имкониятларидан кенг фойдаланишни йўлга қўйган. Ўзбекистон телевидениеси унинг сценарийсини «Билмасвой математика кечасида» номи б-н намойиш этган. Худди шундай кўрсатув Ал-Хоразмий таваллудининг 1200 йиллигига бағишланган халқаро илмий анжуман қанташчиларига ҳам намойиш этилган. М. дарсда кўргазмалар восита ва компютерлардан унумли фойдаланган. «Саҳнада – математика» китоби ва «Кўпбурчаклар

«...шоти ва Аҳмад» инсценировка-драматифи. М.нинг пед. тажрибалари республика миқёсида оммалаштирилган.

МАДАНИЙ АНТРОПОЛОГИЯ – кенг маънода, инсон маданиятининг шаклланиш қонуниятларини унинг антропологияси б-н қиёсий равишда ўрганувчи фан тармағи. М. а.нинг асосий объекти – инсоннинг маданияти. У инсоннинг мавҳум моҳиятини унинг маданиятида ташаб турган маданий муҳит орқали ўрганишга ҳаракат қилади. Бу тадқиқотнинг асосий наатиши 19-а.да В. Дильтейнинг тизимли назарияси таъсирида вужудга келган. 20-а.да Э. Гуссерль томонидан ташаб турган ушбу таълимотга эстетик равишда эстетик равиш, ҳар бир маданият ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, бу ўзига хослик унинг таркибий қисмлари ва элементларида акс этади. М. а. шаклланиши ва ривожланишига М. Вебер социологияси, Э. Кассирернинг рамзлар ҳақидаги таълимоти, К. Лоренц ва б.нинг жониворлар ва инсон хулқ-атворини ўрганишга қўшилган тадқиқотлари ҳам туртки берган. М. а. асосий жиҳатларига кўра, АКШда кенг тарқалган бихевиоризмга қаршилик. У шахснинг хулқ-атвори уни ташаб турган маданий муҳит таъсирида шаклланади, деган хулосага таянади. Бироқ бихевиоризм вакиллари ҳар бир маданиятни тавсифловчи хусусиятларни таърифлашга эътибор қаратган бўлса, М. а. эса маданиятга хос хусусиятлар масаласини кун тартибига қўйди ва асосий

диққат-эътибор хулқ-атворни ўрганиш масаласига қаратилди.

Ҳар бир маданиятни унинг ташувчилари томонидан стихияли, бетартиб қарорлар маҳсули сифатида талқин этилган маданий релятивизм М. а.нинг асосий хусусияти бўлиб қолмоқда. М. а. тарафдорларининг фикрига кўра, одамлар муайян хулқ-атвор, тафаккур усулини танлар экан, бу б-н бошқа барча хулқ-атвор, маънавий англаш усулларини рад этади. Шу боис улар, бир томондан, маданият ва маънавиятни ютуқ сифатида эътироф этса, бошқа томондан, уларни аллақандай «мавҳум бўшлиқ» тарзида талқин этади.

МАДАНИЙ БОЙЛИКЛАР – аждодлардан авлодларга ворисийлик асосида этиб келган, инсониятнинг бугуни ва келажаги учун қатъий аҳамиятга эга бўлган моддий ва маънавий бойликлар, бутун инсоният мулкини ташкил этувчи буюк маданий ва табиий ёдгорликлар. М. б. халқнинг, миллатнинг асрлар мобайнида ёзма манбалар ва халқ оғзаки ижодида ифодаланган, объективлашган ва субъективлашган нарса ва буюмларда акс эттирилган моддий, маънавий ф-ят маҳсулидир. Унда билим, тажриба, дунёқараш, маънавият ва маърифат уйғун тарзда муҳрланган. ЮНЕСКО ташкилоти 1972 й.да «Жаҳон маданий ва табиий ёдгорликларини сақлаш тўғрисида»ги Конвенцияни қабул қилган (1975 й.дан қучга кирган). Жаҳон маданий бойликлари рўйхатига жами 721 та маданий ва табиий ёдгорликлар киритилган. Улар орасида Ўзбекистондаги Хива (Ичан қалъа), Бухоро, Шаҳрисабз ва

Самарқанднинг тарихий марказлари ҳам бор. Конвенцияга мувофиқ Ўзбекистон ҳукумати номоддий маданий меросни авайлаб-асраш ва келгуси авлодларга етказиш учун мунтазам ғамхўрлик қилиб келмоқда.

МАДАНИЙ ИСЛОҲОТ – маданий янгилашни, ж-ятнинг бир сифат ҳолатидан юксакроқ янги сифат ҳолатига ўтиш жараёнида иқтисодий, ижт., сиёсий жабҳалар б-н бир қаторда маданият ва маънавият соҳасида ҳам туб ўзгаришлар ва ислоҳотларни амалга ошириш жараёни. Бунда ж-ят ҳаётининг барча жабҳаларида амалга ошириладиган туб ислоҳотлар маданий ҳаёт ва маънавият б-н уйғун ҳолда олиб борилиши объектив тараққиёт қонунияти сифатида намоён бўлади. Чунки ж-ят иқтисодий-ижт. асосларини ислоҳ этиш объектив равишда маданият соҳасини ҳам тубдан ўзгартириш ва қайта қуришни такозо этади. Тарихий тараққиёт жараёни, цивилизация ривожининг муайян босқичида маърифатпарварлик ҳаракатини (Франция, Англия, АҚШ, Голландия, Белгия, Германия ва б.), М. и., илм-фан, санъат ва ад.ни ривожлантириш орқали миллий озодликка, мустақилликка эришиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар (гандизм, жаҳидчилик) М. и.лар амалиётини жорий этиш босқичлари сифатида баҳолаш мумкин.

Собиқ мустабид тузум даврида «маданий инқилоб» деб аталган, аслида, маданият соҳасида зўравонлик ва босқинчиликдан иборат бўлган бузғунчи жараёнлар оқибатида азалий урф-одат, анъана ва қадриятларимиз, миллий ғуру-

римиз топталди, халқимизнинг минглаб асл фарзандлари: дав. арбоблари, олимлар, уламолар, зиёлилари қатағон қилинди. Бебаҳо илмий, маданий-маърифий меросимиз, неча минг йиллик тарихимиз ва маданиятимизга асосланган маънавий ҳаётимизга таъқиб ва тазйиқлар кучайди.

Мустақиллик туфайли мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳалари қатори маданият, маънавият, таълим-т-я соҳасида ҳам амалга оширилган кенг қўламли ислоҳотлар миллий ўзлигимизни англаш, кўҳна урф-одатлар ва анъаналаримизни тиклаш, улуғ аجدодларимиз қолдирган бой меросни ўрганиш ва кен тарғиб қилиш, уларнинг қадамжоларини обод этиш, илм-фан, санъат ва ад.ни ҳар томонлама ривожлантириш босқирасида беқиёс имкониятларни юзасига чиқармоқда. М. и.ларни ёшлар онгига етказиш, уларни аجدодларимиз меросига ҳурмат руҳида тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга.

МАДАНИЙ МЕРОС – авлодлар томонидан яратилган амалий тажриба, маънавий-ахлоқий, илмий, диний ва маданий қарашлар, халқ маданияти ва ижодида ифодаланган моддий ҳамда маънавий бойликлар. Ҳар бир даврда М. м. ривожига ўзига хос ҳисса қўшилган. Мак. қад. юнон маданияти доирасида яратилган фан, ад. ва санъат соҳасига оид негизий асарлар ва ёдгорликлар ҳозирга қад. инсониятни ҳайратга солиб келмоқда.

Мамлакатимизда мавжуд 4000 даврларга эришадиган моддий-маънавий обида умумжаҳон меросининг намунаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилган. Мустақиллик йилларида ана шу бебаҳо

М. м.ни тиклаш, уларни асраб-авайлаш ва бойитган ҳолда келгуси авлодларга етказиб бериш йўлида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, изчиллик билан давом эттирилмоқда. Самарқанд, Бухоро, Қўқон, Тошкент, Қарши, Термиз, Хива, Марғилон, Шаҳрисабз каби кўҳна шаҳарларимиздаги тарихий ёдгорликлар, масжиду мадрасалар, макбаралар, қадамжолар ҳам М.нинг ажралмас қисмидир. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, мустақил тузум даврида тақиқлаб қўйилган ҳаёт-одат, маросим ва анъаналар, исломий қадриятлар, миллий байрамлар қайта тикланди, ўзбек тили давлат тили мақомига эга бўлди, жаҳон ва миллий маданиятимиз ривожига катта ҳисса қўшган буюк сиймоларнинг қиллари тикланиб, асарлари ҳар томонлама ўрганилмоқда, қадамжолари қадим этилмоқда. М. м.имизни кўз карачиғидек асраб-авайлаш, бойитиш, авлод онгига улар ҳақидаги маълумотларни етказиш, улардан фахрланиш ҳиссини тарбиялаш орқали миллий ғурурни шакллантириш катта пед. маданиятга эга.

МАДАНИЙ-МАЪРИФАТ ИШ – кенг маънани маданий ва маърифий тарбиялаш. уларнинг умумий маданий савиясини ошириш, ижодий қобилиятларини ривожлантириш, бўш вақтларини қўнғинли ўтказишга кўмак берувчи тадбирлар тизими. М.-м. и. мазмуни, вазифаси, ҳаёти ҳар бир даврнинг ижт., сиёсий, маданий-маърифий, ғоявий хусусиятларига боғлиқ ҳолда шаклланиб ривожланади.

Ҳоз. кунда барча М.-м. и.нинг йўналиши ҳар бир кишига миллий истиқлол ғояси, миллий мафқурани сингдириш, баркамол инсонни вояга етказиш, ватанпарварлик, меҳр-оқибат, имону эътиқодни тарбиялашга қаратилган.

МАДАНИЙ ЭҲТИЁЖЛАР – одамнинг кундалик ф-яти инсоният маданиятининг маҳсулига боғлиқ эканлигини ифодаловчи, унинг илдизлари кишилик тарихининг сарҳадларига бориб тақалишини кўрсатувчи ҳодиса. Маънавий жиҳатдан ўринли бўлган эҳтиёж – одам яшаётган ж-ятнинг талабларига жавоб берадиган, ана шу ж-ятда қабул қилинган дидлар, баҳолар, муҳими, дунёқарашга мос келадиган эҳтиёжлардир. М. э. ўзининг даражаси, кишига қўядиган талабларига кўра жиддий фарқланади.

МАДАНИЯТ (араб. мадина – шаҳар, фаровон маскан, тараққиёт ўчоғи) – ж-ятнинг ишлаб чиқариш, ижт., маънавий-маърифий ҳаётида қўлга киритган ютуқлари мажмуи; ўқимишлилик, таълим-т-я кўрганлик, зиёилик, маърифат.

Кишилар ҳаёти ва ф-ятининг турли кўринишларида, шунингдек, улар яратадиган моддий ва маънавий бойликларда ифодаланади. М. тушунчаси муайян тарихий давр (антик М.), конкрет ж-ят, элат ва миллат (ўзбек М.и), шунингдек, инсон ф-яти ёки турмушининг ўзига хос соҳалари (мас., меҳнат М.и, бадий М., турмуш М.и)ни изоҳлаш учун қўлланилади. Тор маънода, М. атамаси кишиларнинг фақат маънавий ҳаёти соҳасига нисбатан ишлатилади.

Араблар кишилар турмуш тарзини икки турга: бадавий ёки саҳроий ҳамда маданий турмуш тарзига ажратишган. Бадавийлик кўчманчи ҳолда дашту саҳроларда яшовчи халқларга, маданийлик шаҳарда ўтроқ ҳолда яшаб, ўзига хос турмуш тарзига эга халқларга нисбатан ишлатилган.

Ўрта аср М.ининг буюк намояндалари Абу Али ибн Сино, Беруний ва б. шаҳар турмуш тарзини жамоанинг етуклик шакли сифатида талкин қилишган. Мас., Форобий фикрича, ҳар бир инсон ўз табиатига кўра, «олий даражадаги етукликка эришиш учун интилади», бундай етукликка фақат шаҳар жамоаси орқалигина эришилади. Унинг таъкидлашича, «маданий ж-ят ва маданий шаҳар (ёки мамлакат) шундай бўладики, бу мамлакатда ҳар бир одам касб-ҳунарда озод, ҳамма баббаравардир, кишилар ўртасида фарк бўлмайди, ҳар ким ўзи истаган ёки танлаган касб-ҳунар б-н шуғулланади. Одамлар чин маъноси б-н озод яшайдилар». Алишер Навоий етук ахлоқ, маърифатли ва адолатли ж-ят, жамоа масаласини қайд этиш б-н бирга, маънавий юксакликка эришишнинг асосий мезони деб инсонпарварлик ғояларига мувофиқликни тушунган.

19-а.нинг 2-ярмида майдонга келган демократик маърифатпарварлик ҳаракатининг намояндалари Муқимий, Фурқат, Завқий, Аҳмад Дониш, Аваз Ўтар, Комил Хоразмий ва б. халқни М.ли қилишнинг омили илм-маърифатни эгаллашда деб билишган. Улар ўрта аср жаҳолатига қарши халқ ўртасида илм-

маориф ва М.ни зўр эҳтирос б-н тарғиб қилишди.

19-а.нинг охири ва 20-а.нинг б.шида Туркистонда вужудга келган жадидчилик ҳаракати намояндалари Мунавварқори Абдурашидхонов, Махмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Садриддин Айни ва б. ўзларининг маърифатпарварлик ишлари б-н М. ривожига муҳим ҳисса қўшишди.

Европада М. дейилганда, дастлаб инсоннинг табиатга кўрсатилган мақсадга мувофиқ таъсири, шунингдек инсонга таълим-т-я бериш тушунган (лот. cultura – ерни ишлаш, парваришlash; русчадаги культура сўзи шундан олинган). М. фақат маънавий меъёр ва урф-одатларга риоя қилиш қобилиятини ривожлантиришни эмас, балки уларга риоя қилиш ишларини рағбатлантиришни ҳам ўз ичига олган. М.га бундай иккиёқлама ёки икки шув ҳар қандай ж-ятга хос (мас., Хитойда жэнь, Ҳиндистонда дхарма, Эллинлар «маданиятсиз» варварлар деб ўзларининг асосий фарқини «пайза» яъни «тарбияланганлик»да деб билдилар. Қад. Римнинг сўнгги даврида М. тушунчаси ижт. ҳаётнинг шаҳар турмуш тарзини ифодаловчи маъносини ҳам бойиган ва ўрта асрларга келиб тарқалган. Бу тушунча кейинчалик қилиб чиккан цивилизация тушунчасига яқин туради.

Европада маърифатпарварлик тарихида М. ва цивилизациянинг «таълим» вужудга келди (Ж. Ж. Руссо) «маданий» миллатларнинг бўлиши

лиги ва ахлоқий тубанлашганлигига тараққиётнинг патриархал босқичида бўлган халқлар ахлокининг соддалиги ва софлиги қарши қўйилди. Немис байласуфлари бу зиддиятли ҳолатдан таъкишнинг йўлини «руҳ» доирасидан, ахлоқий (И. Кант), эстетик (Ф. Шиллер, романтиклар) ёки фал. (Г. Гегель) аспект доирасидан қидирдилар. Улар бу аспект соҳаларини ҳақиқий М. ва инсон тараққиётининг омиллари деб билдилар. 19-а. охиридан бошлаб «локал цивилизация» (О. Шпенглер) деган қараш юз берди. Бу ғоя цивилизацияни муайян ж-ят тараққиётининг сўнгги босқичи сифатида олиб қаради.

Фан-техника тараққий топган шароитда кўпгина социолог ва маданиятшунослар М.нинг ягона ғоясини изчил амалга ошириш мумкин эмас, деган қондани илгари сурдилар. Бу полицентризм, Ғарб б-н Шарқнинг азалдан қарама-қаршилиги ва ижт. тараққиётнинг бошқа умумий қонуниятларини инкор этувчи назарияларида ўз ифодасини топди.

Фақат бир халқнинг ўзигина яратган соф М. бўлмайди ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Ҳар бир миллий М.нинг асосий қисмини шу миллат ўзи яратган бўлса-да, унда жаҳон халқлари яратган умуминсоний М.нинг улуши ва таъсири бўлади. М. ҳеч қачон синфий ҳодиса бўла олмайди. У барчага баравар хизмат қилади. Мас., санъат ва ад. дурдоналари, меъморлик обидалари, мақомлар, фан ашёлари ва б. барчага тегишлидир.

М. кишилар ф-ятининг фақат моддий натижалари (машиналар, техник ин-

шоотлар, санъат асарлари, ҳуқуқ, ахлоқ меъёрлари ва ҳ.к.)ни эмас, шу б-н бирга, кишиларнинг меҳнат жараёнида воқе бўладиган субъектив куч-қувватлари ва қобилиятларини ҳам ўз ичига олади.

Ишлаб чиқаришнинг 2 асосий тури – моддий ва маънавий ишлаб чиқаришга қараб, моддий ва маънавий М.га бўлинади. Моддий М. моддий ф-ятнинг барча соҳаларини ҳамда унинг натижалари (меҳнат қуроллари, тураржой, қундалиқ турмуш буюмлари, кийим-кечак, транспорт, алоқа воситалари ва б.)ни ўз ичига олади. Маънавий М.га онг, маънавият соҳалари қиради (билим, ахлоқ, таълим-тарбия, ҳуқуқ, фал., этика, эстетика, фан, санъат, ад., мифология, дин ва б.).

Ҳар бир ж-ят ўз М. типига эга. Ж-ятларнинг алмашилиши б-н М. типи ҳам ўзгаради, бироқ бу ҳол М. тараққиёти узилиб қолганини, эски М. йўқ бўлиб, маданий мерос, ўтмиш кадриятлардан воз кечилганини аңлатмайди. Зотан, ҳар бир янги ж-ят ўзидан илгариги ж-ятнинг маданий ютуқларини зарурий равишда мерос қилиб олади ва уларни ижт. муносабатларнинг янги тизимига киритади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ижт. ҳаётнинг барча соҳаларида бўлганидек, М. соҳасида ҳам туб ўзгаришлар юз берди. М.нинг ривожланиши учун ҳам шаклан, ҳам мазмунан кенг имкониятлар яратилди. Ўзбекистоннинг мустақил ривожланишга ўтиши миллий М.га синфий ёндашишдан, уни сунъий тарзда «ягона умуммаданият»га айланишдан сақлаб қолди. Таъкидлаш лозимки, мустақилликкача бўлган сўнгги

етмиш йил давомида М. ҳукмрон мафкура, мустабид тузум тазйиқида Ғарб М.ига таклид руҳида ривожланди. Иккинчидан, миллий М.нинг бой ўтмиши бирёклама ўрганилиб, унинг кўпгина бебаҳо дурдонларидан халқимиз бебаҳра бўлиб келди. Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида ж-ятни янгилаш соҳасида олиб борилаётган ислохотлар б-н бир қаторда М.ни юксалтиришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Халқимизнинг маънавий кадриятларига ҳурмат б-н муносабатда бўлиш, уларни асраб-авайлаш ва ривожлантириш, муқаддас динимиз, урф-одатларимизни, тарихий, илмий, маданий меросимизни тиклаш дав. сиёсати даражасига кўтарилди.

МАДАНИЯТ ВА МАЪНАВИЯТ ҶОҚЛАРИ – маданий масканлар, театр, кино, музей, кутубхона, санъат саройи, маданият ва истироҳат боғлари, маънавият ва маърифат маркази, болалар ва ўсмирлар ижод марказлари, оммавий ахборот воситалари, нашриётлар, таълим масканлари мажмуи. Кейинги пайтда улар сафига халқаро ва миллий-маданий марказлар, халқ амалий санъати б-н шуғулланадиган кичик корхоналар, фирмалар ва хусусий устахоналар, оила, маҳалланинг кўшилиши халқ оmmasининг ижт.-маданий ҳаётда фаол иштирокини таъминламоқда.

МАДАНИЯТСИЗ – маданияти йўқ, маданиятдан орқада қолган, маърифатсиз шахс сифатини ифодаловчи атама.

МАДАНИЯТСИЗЛИК – инсониятнинг моддий ва маънавий бойликлари, кашфиёт, янгилик, ижод намуналари,

маиший ва маънавий соҳаларда эришилган ютуқлар, кадриятлар, маданият ва маънавиятдан бебаҳралик ёки маданий бойликларга беписандлик, тарбиясизлик. М.ни таълим-т-я, маънавий-маданий, маърифий тадбирлар воситасида бартараф этиб, кишиларнинг маданий савиясини ошириш, юксалтириш лозим. Юртимизда маданият янгиликларини оммалаштириш ва кенг тарғиб этиш мақсадида театр, клуб, музей, кутубхона, марказ ва саройлар, турли хил маданият ўчоқлари, таълим-т-я муассасаларини барпо этиш ва улар ф-яти самарадорлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар ана шу мақсадни кўзлайди.

МАДАНИЯТ ФАЛСАФАСИ – маданиятнинг моҳияти, ривожланиш қонуниятлари, тараққиёт босқичлари ва истикболларини яхлит, бир бутун ҳодиса сифатида ўрганувчи фалсафий фан. М. ф. атамаси фанга 19-а. бошларида немис романтиги А. Мюллер томонидан киритилган. М. ф. фан сифатида ажралиб чиққани учун ҳам пед. б-н алоқадордир. Хусусан, фал. қонун ва категорияларни билиш шахс маданияти ва унинг ривожланиш муаммоларини назарий-методологик жиҳатдан тўғри ечиш учун замин яратади. Айни пайтда, М. ф. маданиятнинг хилма-хил кўринишларини таҳлил қилиш асосида фалсафа, пед. қонуният ва тушунчаларнинг мазмунан бойиши фал.нинг пед. б-н алоқасининг кенгайиши ва чуқурлашиши, у илгари суратланган хулоса ва қоидаларнинг бойиши ва такомиллашувига хизмат қилади. М. ф. ижт. тараққиётнинг субъектив, яъни

Инсон ф-яти б-н боғлиқ жиҳатларига
 1. Соҳида эътибор беради. М. ф.нинг
 2. Қадмети доираси шахс маданияти ма-
 3. Ҳаққлари б-н чекланган. М. ф. бошқа
 4. Ҳаққлар маълумотларидан фойдаланиш
 5. Ҳ-н бирга ўзининг эмпирик материалла-
 6. Ҳини йиғади ва таҳлил қилади. У ижт.
 7. Ҳуманитар фанлар, жумладан, пед. б-н
 8. Ҳам ўзаро яқин алоқада бўлиб, улар бир-
 9. Ҳбирининг категория ва тушунчаларидан
 10. Ҳеол фойдаланади. Мас., пед. фанидаги
 11. Ҳахс ф-яти, шахс тараққиёти, ворисий-
 12. Ҳик, пед. бошқарув каби тушунчалар-
 13. Ҳни ўзлаштириб маданий ф-ят, маданий
 14. Ҳараққиёт, маданий ворислик, маданий
 15. Ҳараёнларни бошқариш каби катего-
 16. Ҳрияларни ишлаб чиқади. М. ф. назарий
 17. Ҳаҳлил объекти сифатида жуда қадимий
 18. Ҳадизга эга. Шарқда Будда, Конфуций,
 19. Ҳрдушт, Ҳарбада антик фал.си намоянда-
 20. Ҳари қарашлари бунга мисол бўла олади.

Аммо узок вақт маданиятшунослик-
 21. Ҳа оид тадқиқотлар фал., тарих, антропо-
 22. Ҳогия каби фанларнинг таркибий қисми
 23. Ҳифатида ривожланиб келди. 19-а. охи-
 24. Ҳидан 20-а. бошларигача бўлган даврни
 25. Ҳ. ф.нинг фан сифатида шаклланишида
 26. Ҳуҳим босқич дейиш мумкин, чунки бу
 27. Ҳаврда М. ф.га муҳим ижт. ҳодиса сифа-
 28. Ҳида жиддий эътибор қаратилди. Жум-
 29. Ҳладан, Кант учун М. ф. тараққиёти, авва-
 30. Ҳю, ахлоқ тараққиёти бўлса, Гегель учун
 31. Ҳал. тараққиёти асосий ҳисобланади.
 32. Ҳумман олганда, немис мумтоз фал.
 33. Ҳни доирасида М. ф. ж-ят ва шахснинг
 34. Ҳаънавий ва сиёсий ривожланишининг
 35. Ҳуммий шакли сифатида талқин этила-
 36. Ҳди ва маданиятнинг турли шакллари ин-
 37. Ҳсон маданий эволюциясининг тарихий

босқичлари сифатида таҳлил қилинади.
 Бугунги кунда маданиятнинг моҳиятини
 таҳлил қилишга йўналтирилган бир
 қатор ёндашувларни ажратиш мумкин.
 Натуралистик ёндашувда маданият ин-
 сон табиати ривожланишининг табиий
 маҳсули, инсон табиати эволюцияси-
 нинг якуний босқичи деб ҳисобланса,
 мумтоз ёндашувда маданият инсон ва
 ж-ят маънавий ҳаёти б-н айнанлаш-
 тирилади, у табиатдан ташқаридаги,
 ғайритабиий ҳодиса сифатида талқин
 қилинади. Аксиологик ёндашувда ма-
 даният тушунчаси фақат қадриятларга
 нисбатан қўлланиши мумкинлиги таъ-
 кидланса, ф-ятли ёндашув доирасида
 маданият инсон ҳаётининг ўзига
 хос усули, ф-ят, унинг манба ва натижа-
 ларининг диалектик бирлиги сифатида
 эътироф этилади. Бундан ташқари, М.
 ф. семиотик, структуравий, постмодерн,
 антропологик ёндашувлар нуктаи наза-
 ридан ўрганилиши мумкин.

МАДДИЯ УСУЛИ (араб. мадд – чўзиш,
 чўзиб ўқиш) – бир ундошга бир унли
 товуш қўшиб, очик бўғин ҳосил қилиб
 ўқиш усули. Ушбу усулда ундош товуш-
 ларнинг номи бир-бирига қўшилмайди.
 Мас., $bo + a = ba$; $be + y = by$ каби. Маз-
 кур мет.да таълим қуруқ ёдлаш, кўриш
 хотирасига асосланади. М. унинг ҳижо
 усули (усули таҳажжи)га нисбатан афзал
 томони шундаки, унда ўқувчи маълум
 бир бўғиннинг ҳосил бўлиш жараёнини
 англаб етади.

Абдулла Авлонийнинг «Биринчи
 муаллим» (1912 й.дан 1917 й.гача нашр
 этилган) дарслиги М. у.да яратилган
 бўлиб, бу китоб шу мет.га асосланган

русча, татарча алифбе китоблари таъсирида тузилган.

Эски мактабларда қўлланилган М. у. Л. Толстойнинг «Азбука»сидан ижодий сабоқ олиш асосида вужудга келган. Бу усуллар кейинчалик таҳлил-таркиб усулининг яратилишида назарий ва амалий асос бўлган.

МАДРАСА (араб. – дарс ўқитиладиган жой, дарсхона) – исломда ўрта ва олий махсус диний ўқув юрти. Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида уламолар ва мактабдорлар, дав. идора ходимларини тайёрлаган. Ислом мамлакатларида М. ҳақидаги илк маълумотлар 10-а.га оид бўлиб, улар Хуросон ва Мовароуннаҳрда жойлашган. 11-а.дан бошлаб етакчи ўқув юртига айланган, бунгача таълим масжидлар ва хусусий уйларда, шунингдек, меҳмонхона, кутубхона, касалхоналарда олиб борилган.

Ўлкамизда қадимда таълим-т-я тизими уч боскич ҳамда унинг уч муассасаси: ибтидоий мактаб, ўрта ёки ўрта махсус маълумот берувчи мадраса ва мадрасаи олиялардан иборат бўлган.

Ўрта махсус таълим мадрасалари мадрасатун ҳарбия (ҳарбий билим юрти), мадрасатун муаллимин (пед. инти) шаклида, юқори боскич илм маскани – ун-тлар эса мадрасаи улум (илмлар М.си – дорилфунун) номи б-н мавжуд бўлган.

М.лар вақф ҳисобига таъсис этилган. Дав. миқёсидаги мадрасайи олиялар вақф мулкидан ташқари дав. хазинасидан ҳам таъминланган. М.лар ф-яти ҳамма вақт дав. аҳамиятига эга бўлган ва подшоҳлар, амирлар, хонлар эъти-

борида турган. М.да мударрислар ва б. хизматчилар маош, талабалар нафақа ўқув жиҳозлари (китоб, дафтар, қалам ва б.) ва тураржой б-н таъминланган. Худди ҳоз. етакчи ун-тларда бўлгани каби М.ларда ҳам иқтидорли, қобилиятли ёшлар мадраса хатимдан кейин мударрис сифатида олиб қолинган. М.лар 11–12-а.ларда Марказий Осиёнинг барча йирик шаҳарларида бўлган.

Марказий Осиёда М. махсус меъморлик иншооти сифатида қурилган Жумладан, Бухородаги Мир Араб М.си, Абдуллахон М.си, Абдулазизхон М.си Самарқанддаги Улуғбек М.си, Шердод М. ва б. таълим муассасаси сифатида алоҳида эътиборга молик бўлган.

М.га мактабни тутатган ўспиринти қабул қилинган. Талабалар ёши 10 дан 4 ёшгача бўлган. Улар М. ётоқхоналарида яшаш ҳуқуқига эга бўлган кундузги бўлим ва дарсларга эркин катновиртки бўлим талабалари тоифалари ажратилган. М. ўқув дастурининг умумий жиҳатлари 10–12-а.ларда ишлаб чиқилган ва кейинчалик такомиллашиб борган. Машғулотлар, одатда, сент.да бошланмай ойигача давом этган. Ёз ойлари ва мазон ойида таътилга чиқилган.

Марказий Осиёдаги М.ларда араб тилида ёзилган – Қуръон, ҳақ шариат қонунлари ўргатилган. Айри-айри М.ларда тиббиёт, аруз илми, фал., география ва б. фанлар ўқитилган. Ҳозир жаҳонда кўп хорижий мусулмон мамлакатларининг М.ларида диний таълим б-н билим дунёвий билимлар ҳам ўқитилади.

МАЖБУРИЯТ (араб. – мажбурлик; иложлик; бурч) – ғайриихтиёрий вазифа

Бурч ёки бирор мажбурий иш, ҳолат, вазифа, масъулият, ижтимоӣ ҳаёт иштирокчиларининг ўзаро муносабатларини ўқодалайдиган жиҳатларидан бири.

М. шахс, ж-ят, дав. ва индивидларнинг ўзаро алоқаларини тавсифлайди. Асосан шу муносабатларни белгиловчи меъёр талаблари доирасида субъект томонидан ўз ҳулқ-атвори ва унинг қиёбатлари, ҳаракат қилиш М.ининг ижт. аҳамиятини англаш, идрок этишишни билдиради. М.нинг ижт. меъёрлар қазмунига боғлиқ ҳолда маънавий-ахлоқий (ахлоқ меъёрлари), сиёсий (сиёсий меъёрлар), юридик (ҳуқуқий меъёрлар) ва б. турларини келтириш мумкин. Маънавий-ахлоқий М. бурч тушунчаси б-н узвий боғлиқ бўлиб, ҳар бир инсон томонидан ж-ят, ўз оиласи, яқинларига нисбатан маънавий бурчини теран ҳис этиш, ахлоқ талабларига қатъий риоя этган ҳолда ф-ят юритиш, Ватан тақдири учун масъулиятни чуқур англаган ҳолда ҳаракат қилишни англатади. Шу боис ҳар бир ўқувчи ва талаба-ёшларда М.га алоқли муносабат ҳиссини тарбиялаш ёрдамида аҳамиятга эга.

МАЖБУРИЙ ТАЪЛИМ – Ўзбекистонда таълим соҳасидаги дав. сиёсатининг асосий тамойилларидан бири. Бу тамойилга кўра, муайян ёшдаги барча болалар у. ў. т. ҳамда АЛ ёки КХҚда таълим олиш йўналишини танлаш ҳуқуқи ҳиссида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими олишлари дав. томонидан қонун ҳиссида мажбурий тарзда амалга оширилади. Ўзбекистонда М. т. 12 й. бўлиб, 1997 й. тўққиз йиллик у. ў. т. ҳамда уч йиллик

ўрта махсус, касб-ҳунар таълимидан иборат.

МАЖБУРИЙ-ИХТИЁРИЙ ТАЪЛИМ – таълим олувчиларнинг 9 йиллик мажбурий таълимни тугатгандан кейин ўз хоҳиш-иродаси ва интилишига қараб икки турдаги 3 йиллик ўқув юртлари – АЛ ва КХҚларида таълимни мажбурий-ихтиёрий равишда давом эттириши.

МАЖБУРЛАШ – муайян ф-ят ёки хатти-ҳаракатни мажбурий тарзда, зўр-лаб амалга ошириш. М. сўзи шахснинг ихтиёридан ташқарида, унинг хоҳиш-иродаси, интилишларига мос келмайдиган тарзда бирор ишни, хатти-ҳаракатни бажаришга йўналтиришни англатади. М. сўзи ҳам ижобий, ҳам салбий маънода қўлланиши мумкин. Ижобий маънода у шахсдаги салбий хислатларни М. йўли б-н бартараф этишни англатса, салбий маънода инсоннинг ўзи ва ж-ят учун номуносиб ишларни бажаришга ундаш маъносида қўлланилади.

МАЖБУРЛАШ МЕТОДИ – болага кучли тарбиявий таъсир кўрсатиш мақсадида қўлланиладиган мет. М. м.да бола талаб қилинаётган ёки буюри-лаётган ишни ўз ташаббуси б-н эмас, балки ўзи истамаган ҳолда бажаради. Мажбурлаш катталар иродасига сўзсиз бўйсунтиришни тақозо этади, шу боис бола итоаткор бўлиб ўсади деган ишонч катта аҳамиятга эга. Бу ўринда ота-оналар ва ўқитувчиларнинг болалар б-н бўладиган ўзаро муносабатлари хусусияти муҳим. Кичик ёшдаги мактаб ўқувчиси олдида ота-онанинг нуфузи баланд бўлганлиги учун у осонгина бўйсунди. Ўсмир учун ота-она нуфузи бироз пастроқ бўлади,

шунинг учун унинг бўйсунуши ота-онага бўлган шахсий муносабатига боғлиқ.

Оила т-ясида айрим нуқсонлар (мас., бола мунтазам равишда уйдаги ишларни бажаришдан ўзини олиб кочса, катталарга ёрдам кўрсатишда дангасалик қилса, уй вазифаларини яхши бажармаса ва х.к.) намоён бўлганда ота-она томонидан мажбурлашни амалга оширишга тўғри келади. Бу ҳолатда М. м. вақтинча чора бўлиб, у тушунтириш, ишонтириш, талаб қилиш, назорат этиш, рағбатлантириш б-н бирга олиб борилади.

М. м. ахлокий ёки жисмоний зулмага, ҳақоратлаш ёки эзишга айланмаслиги керак. У бошқа тушунчалар б-н бирга тўғри қўлланганда бола бажарилаётган ишнинг фойдалилигига ишонч ҳосил қилади ёки мунтазам равишда уни бажаришга ўрганиб қолади; натижада мажбурлашга зарурият қолмайди. Айрим ҳолларда М. м.нинг бошқача вариантини қўллаш мумкин. Мас., бола фавқуллодда қобилиятга эга бўлса-ю, уни ўзи англамаса ва ўз қобилиятини ривожлантиришни хоҳламаса, маълум вақт уни муайян ф-ят тури (мас., мат., мусиқа) б-н шуғулланишга мажбур қилиш фойдали. Албатта, болада шу ф-ят турига нисбатан нафрат уйғотмаслик учун буни яхши муомала ва эҳтиёткорлик б-н қилиш керак.

Мажбурлаш қисқа муддатли чора бўлиб, бола хоҳиши ва ташаббуси б-н ўзгариб туради. Афсуски, оила т-яси амалиётида М. м.ни ноўрин қўллаш ҳолатлари кўп учрайди. Бола ёш бўлган пайтда ота-оналар муайян ишнинг фойдалилиги тўғрисида тушунтиришни беҳуда деб ҳисоблайдилар ва болани

ўзларига бўйсунушга мажбур қиладилар. Натижада у муетакил фикрлаш ёки бирор ишни бажаришга одатланмайди. Ишга оқилона ёндашиш малакасига эга бўлмайди. Айрим ҳолларда ота-оналар ўз фарзандларининг қобилият ва имкониятларига ортиқча баҳо берадилар ва натижада бола катталар амбициясининг қурбонига айланади, уни қийнайдиған машғулотларга нафрат б-н қарайди. Мас., ота-оналар таъсирида мусиқа мактабини битирган бўлса, мусиқада кўнгли қолиб, ҳатто ҳаётининг охиригача мусиқа асбобига қўлини урмаслиги мумкин.

МАЖИДОВ СейфулҒабит (1867–1938) – қорақалпоқ халқининг таниқли шоири, маърифатпарвар, педагог олим, Қорақалпоғистондаги жадидчилик ҳаракатининг йирик вакили. М. Қозон губерниясининг Кўйик қишлоғида туғилган. Отаси Абдулмажид Абдураҳиб ўғли оилавий шароити туфайли Қорақалпоғистонга кўчиб келган вақт (1881)да СейфулҒабит яхши билимга эга зеҳнли, 14 ёшлардаги йигитча бўлган.

М.нинг оиласи 20-а. бошида Таллиқдан Қўнғирот ш.га кўчиб келган. Бу шароит маърифатпарварнинг Россия ва Татаристондаги воқелардан бохабар бўлиб туришга имконият туғдирган. У татар тилида чоп этиладиган жадидчилик ғоясини тарғиб қилувчи «Вақт кўёши», И. Гаспринский ташкил қилган «Таржимон» ва б. русча газ. ҳамда китобларни мутолаа қилиб турган.

М. 1921 й.да Қўнғирот округи халқ таълими бўлими бошлиғи этиб тайинлангач, кўплаб янги мактаблар очишга

хиссасини қўшган. Жаид мактаби-
да таълим олган ёшларни ўқитувчилар
ёрлайдиган қисқа курсларга юбориб,
ўқитувчи кадрларни етиштиришда фаол
қатнашган.

М. – қорақалпоқ тилидаги даст-
лабки мактаб дарсликлари муаллифи.
Қорақалпоқ тилидаги биринчи «Алиф-
бе», «Ўқув китоби», «Егдалар (катта-
лар) саводи» (1925) ва б. кўплаб мактаб
дарсликлари ҳамда дастурларини ярат-
ган. Таникли маърифатпарвар М. 1938
й.да шўро ҳукумати томонидан қатағон
қилинган.

МАЙЛ (араб. – қиялик; мойиллик; инти-
лиш) – кишининг нарса ёки ишга, бирор
эҳтиёжини қондиришга бўлган иштиёқи,
қизиқиши, интилиши, ҳаваси; мойиллик;
эҳтиёр; тирик организмнинг бирор
эҳтиёжини қондиришга интилиши. У
қўмсаш, ноаниқ ички дард, сабабсиз зе-
риқиш туйғулари тарзида кечиши мум-
кин. М. иродавий жараёнларга тааллуқли
бўлган интилиш, ҳавас, тилақ хоҳиш,
эҳтиёқ, ҳатто орзу кўринишларида ҳам
қуроён бўлади. У бажо келтирилган
қадирда кишига мамнуният бахш эта-
ди. М. кишидаги қобилият ёки эндигина
шаклланиб келаётган индивидуал хис-
сларнинг даракчиси сифатида эрта на-
зоён бўлади. М.ларнинг баъзилари ри-
вожланиб, шахсий эҳтиёж ва қизиқишга
эланани, баъзилари эса тормозланиб,
тамом барҳам топади ёхуд бирининг
қонини иккинчиси эгаллайди. Ижобий ё
қўбий, қучли ёки заиф, кўлами кенг ёки
тар. барқарор ё ўткинчи М.лар бўлади.

Одатда, майл-истак-ният-орзу ти-
лидан илҳом олинган бўғлиқликка эга. М.нинг

англанилган даражаси мойиллик деб
аталади. Мойиллик шахсни аниқ ф-ят
б-н шуғулланишга қўзғатувчи турт-
кидир. Мойиллик негизда ф-ятга
йўналтирилган барқарор эҳтиёж ва унга
тааллуқли кўникмаларни такомиллаш-
тиришга интилиш ётади.

М. ҳар доим ҳам қобилиятга мос
келавермайди. Мас., болада мусиқий
истеъдод бўлиши мумкин, аммо унда
ҳали мусика машғулотларига бўлган М.
шаклланимаган бўлади, машғулотларга
қаттиқ қизиқиш бўлмайди, улар зери-
карли ва ёқимсиз бўлиб туюлади. Айни
вақтда, у бошқа нарсага, мас., яхши ўйин
кўрсата олмаса ҳам, футболга қизиқиши
мумкин.

Аммо, одатда, қобилият ана шу М.
натижасида (зеҳн негизида) ривожла-
нади. Чунки болалар қизиқиш уйғотган
машғулот турлари б-н ҳар қуни соатлаб
шуғулланишлари мумкин. Бола бирор
машғулот тажрибасига эга бўлгандагина
ўзида муайян қобилиятни ривожлан-
тиради. Баъзан фарзандлари қайси
қобилиятни ривожлантириши керакли-
ги бўйича ота-оналарнинг ўз режалар-
и бўлади: айримлари бола, албатта,
математик олим бўлишини, бошқаси
мусикачи бўлишини хоҳлайди. Бу ерда
оддий қонуният инкор этилади: соғлом
ижодий шахсда қобилият М. асоси-
да ривожланади. Албатта, болани ўзи
қизиққан иш б-н шуғулланишга мажбур
қилиш мумкин, ҳатто бу соҳада муайян
муваффақиятларга эришади ҳам. Аммо
ҳар қандай ижод учун зарур бўлган
ички қизиқиш, ҳавас бўлмаса, бундай

«математик» ёки «муסיқачи»дан бирор-та янгилик яратувчи эмас, нари борса, малакали таклид қилувчи ҳунарманд чиқиши мумкин. Албатта, боладаги ҳар қандай қизиқиш унда чуқур М. пайдо бўлганлигини англамайди. Бола турли машғулотларда ўзини синаб кўриши керак. Бунда унга эркинлик бериш, изланишларини рағбатлантириш, ўзининг доимий М.ни топишга, очишга ёрдам бериш керак.

Бола бирор ихтисосликни эрта ва тез эгаллашини хоҳловчи ота-оналар шуни билишлари керакки, бирор иш, қайсидир касбга бўлган ҳақиқий, жиддий ҳавас фақат ўзини ўзи билишда бой тажрибага эга ва турли ишларда ўзини синаб кўрган кишида шаклланиши мумкин.

МАКТАБ (араб. – ўқиш жойи; ёзув столи; бўлим, идора) – ўқитувчи раҳбарлигида ёш авлодга савод ўргатиб, уни маълумотли қилувчи таълим-т-я муассасаси; касб, ҳунар, ихтисос ўрганиладиган ўқув юрти; илм-фан, санъат, адабиёт, ижт.-сиёсий ф-ят соҳасида бирор оқим, йўналиш; ўрганиш, тажриба орттириш, ўрнак олиш манбаи.

М.ни қуйидаги турларга бўлиш мумкин: а) бериладиган билимнинг харақтерига кўра – умумий ва профессионал; б) билимнинг кўламига кўра – бошланғич (ёки қуйи), ўрта, олий; в) кимнинг қарамоғида бўлишига қараб – дав., муниципал (жамоа) ва хусусий; г) ўқувчилар жинсига кўра – аралаш (ҳар икки жинсдаги ўқувчилар учун), аёллар ҳамда эрлар мактаби; д) динга нисбатан – дунёвий ва диний (конфессионал); е) болалар М.да бўлиш вақтига қараб –

қатнаб ўқийдиган ва тунаб қолинадиган М. (пансион, интернат ва ҳ.к.).

Ўзбекистонда М., асосан, дав. тасарруфида бўлиб, унда ўқиш бепулдир. Шуб-н бирга, ОЎЮда ўқиш қисман шартнома асосида ота-оналар маблағлари ҳисобига амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасининг 1997 й.да қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда КТМДда белгилаб берилганидек, Ўзбекистон мактабларида таълим ўқувчиларнинг она тилида олиб борилади. Барча М.ларда ўқувчи ва талабалар учун узлуксиз тарзда таълимнинг қуйи босқичидан юқори босқичига ўтиш таъминланган. У. ў. т.нинг асосий шакли дарс бўлиб, у анъанавий ва ноанъанавий турларга бўлинади. Ўрта махсус. касб-ҳунар, олий мактабларда маъруза ва амалий, лаб. машғулотлари шаклида ўтказилади.

Илк М.лар қад. Шарқ мамлакатлари (Хитой, Бобил, Миср ва б.)да пайдо бўлган; бу мамлакатлардаги ибодатхоналарда қохинлар ва қотиблар М.лари бўлган. Европада дастлабки мактаблар тахм. мил. ав. 6-а.да Юнонистонда, мил. ав. 4-а.да қад. Римда вужудга келган.

Марказий Осиёда бошланғич таълим берадиган М. мактабхона деб номланган. Марказий Осиёда М.ларнинг бир тури сифатида мадраса, қорихоналарни кўрсатиш мумкин. Мадраса ўрта ва олий типдаги М. ҳисобланган; қорихонада Қуръонни тиловат қилиш ўрганилган.

1876 й.дан гимназия, реал М., муаллимлар семинарияси ва б. турдаги М.лар очилган. Ўлкамиздаги рус М.ларининг

йримларида маҳаллий миллат болалари ҳам ўқиган. 19-а. охирларида маҳаллий миллат болалари учун рус-тузем мактаблари ташкил этила бошланган. Бу М.лар, асосан, чоризмнинг т.стамлакачилик сиёсатида хизмат кўрилган бўлса-да, ўлкада илғор ўқитиш усулларининг ёйилишида муайян даражада аҳамиятга эга бўлди. Шўро тугуми даврида М.лардаги таълим жараянининг ўзи ва ўқитиш услубиятидаги ўзгаришлар оқибатида билим беришда янги усулга келган нодемократик ҳамда ж-ят учун зарарли муҳит шунга олиб келди. Ш. ўқувчиларда мустақил фикрлаш ривожланмай қолди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, мактабларнинг моддий техника базасини ривожлантириш, улардаги илмий методик жиҳатдан таъминлаш жиҳасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Ўзбекистонда М. ишлари юксак кўрсаткичлар б-н ривожланмоқда. Бугунги кунда республикада 9698 та у. ў. т. мактаблари ф-ят кўрсатиб, уларда 4 520 826 нафар ўқувчилар тахсил олмоқда, улардан 2 181 079 нафари (48,2 %) эгалардир. Мазкур М.ларда 383 625 нафар ўқитувчилар ёш авлодга таълим-т-я бермоқда (2015).

МАКТАБ БИНОСИ – мактаблар учун қўлжалланиб қурилган махсус бино.

МАКТАБ ВА ҲАЁТ – Ўзбекистон Республикаси ХТВ муассислигида ташкил қилинган илмий-методик журнал. (2001). 1 й.да 8 марта ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Жур.да турли илмий-методик, дидактик, меъёрий ҳамда б.б. материаллари қуйидаги рўқнларда

чоп этилади: «КТМД амалда»; «Касб-хунарга йўналтириш назарияси ва амалиёти»; «Умумтаълим мактабларида психологик хизмат»; «Амалий психология»; «Дефектология ва тиббий хизмат»; «Инклюзив таълим»; «Ахборот технологиялари»; «Меҳнат таълими» ва ҳ.к.

Жур. умумтаълим мактаблари ўқувчиларини касбга йўналтириш, уларнинг ўрта махсус, касб-хунарга таълими тайёрлов йўналишларини онгли танлаш ва б. муаммоларга бағишланган илмий-методик тавсиялар, илғор пед. ва психологик тажрибалар, тадқиқотлар натижалари б-н таъминлашга хизмат қилади. Жур. саҳифаларида касб-хунарга йўналтириш, психологик-пед., дефектологик ва тиббий хизмат йўналишларидаги долзарб муаммолар ва уларнинг ечимлари мавзуларидаги илмий-методик ҳамда пед. йўналишдаги мақолалар, ўқув-методик тавсия ва йўриқномалар ёритилади. Адади 8500 (2015).

МАКТАБ ШИФОКОРИ – мактабларда ўқувчиларга тиббий хизмат кўрсатувчи тиббий ходим.

МАКТАБ ГИГИЕНАСИ – ўқувчилар саломатлигини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлашнинг омиллари ҳамда воситаларини ўрганувчи ҳамда ушбу мақсадда амалий чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқувчи фан соҳаси.

М. г. гўдакликдан бошлаб то 17–18 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирларнинг саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш масалалари б-н шуғулланади. Ҳаёт шaroити, ўқув-т-я ва меҳнатнинг ўсаётган организмнинг камол топиши ва саломатлигига қандай таъсир қилишини ўрганиш

ва шунга асосланиб, ёш авлоднинг соғлом ўсишига ҳамда ҳар томонлама тўғри ривожланишига ёрдам берадиган гигиена тадбирларини ишлаб чиқиш М. г.нинг вазифасидир. Унинг тавсияномалари шахсий, яъни ҳар бир айрим болага ва муайян болалар гуруҳига тааллуқли бўлиши мумкин. М. г. ташқи муҳит омилларининг бола организми, унинг ҳаёт ф-яти, таълим-т-ясига таъсирини ўрганади, ўсаётган авлоднинг баркамол ҳамда жисмоний ва маънавий жиҳатдан уйғун ривожланиши учун зарур бўлган чора-тадбирларни ишлаб чиқади.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ЁШИДАГИ БОЛАЛАР – 2 ёшдан 7 ёшгача бўлган болалар. Бу ёшдаги болалар психологиясида жуда тез сифат ўзгаришлари бўлади. Бола ривожланиш жараёнида ўз аждодлари томонидан яратилган ижт. тажрибани ўзлаштиради, атроф-муҳитдаги нарса ва ҳодисалар б-н мулоқотга киришади. Бу болада ф-ят майлларининг ривожланиши ёрдамида амалга ошириладиган хатти-ҳаракатлар, тил, одамлар орасидаги муносабатларни эгаллаб олиши, қобилиятларнинг ўсишида намоён бўлади. Бу жараёнда унга оиланинг катта ёшдаги аъзолари ва тарбиячилар яқиндан ёрдам берадилар. Асосан, шу даврдан бошлаб боланинг мустақил ф-яти кучаяди. Боғча ёшидаги болаларга бериладиган таълим-т-я уларнинг мураккаб ҳаракатларни ўзлаштириш, оддий гигиена, маданий ва меҳнат кўникмаларини шакллантириш, нутқини ривожлантириш ҳамда ижт. ахлоқ ва эстетик дидининг дастлабки куртакларини ҳосил қилиш давридир.

Боғча ёшидаги боланинг кўзга ташланиб турадиган хусусиятларидан бири унинг ҳаракатчанлиги ва тақлидчанлигидир.

Мактабгача таълим ёшидаги боланинг эҳтиёжлари ва қизиқишлари жадал равишда ортиб боради. Бу, аввало, кенг доирага чиқиш, муносабатда бўлиш, ўйнаш эҳтиёжларининг мавжудлигидир.

Боғча ёшидаги бола нутқни бирмунча тўла ўзлаштиргани туфайли унда ўзига яқин катта одамлар ва тенгдошлари б-н мулоқотга киришиш эҳтиёжи туғилади. У тор доирадан кенгроқ доирадаги муносабатларга интила бошлайди. У энди кўни-кўшниларнинг болалари б-н ҳам жамоа бўлиб ўйнашга ҳаракат қилади. ҳамма нарсани билиб олгиси келади, ҳар нарсани янгилик сифатида кўриб, буни ҳар томонлама билиб олишга интилади.

Боланинг ҳаётида ва унинг руҳий жиҳатидан ўсишида қизиқишлар катта аҳамиятга эга. Қизиқиш худди эҳтиёж каби болани муайян ф-ятга ундовчи омиллардан биридир. Шу боил қизиқишни билиш жараёни б-н боғлиқ бўлган мураккаб руҳий ҳодиса дейиш мумкин. Бола қизиққан нарсасини мумкин қадар чуқурроқ билишга интилади ва узоқ вақт давомида у б-н шуғулланишдан зерикмайди. Бу эса, ўз навбатида, боланинг иродаси, диққати эътибори ҳамда муҳим хислатларни ўстириши ва мустаҳкамлашига ёрдам беради.

Боланинг ёши улғайиб, мустақил ҳаракат қилиш имконияти ошгани сари унинг атрофидаги нарса ва ҳодисаларга оид дунёқараши кенгайиб боради.

У атрофидаги нарсалар дунёсини билиш жараёнида шу нарсалар б-н бевосита амалий муносабатда бўлишга интилади. Бу ёшда шу нарса характерлики, бола билишга ташналигидан атрофдаги ўзининг ҳадди сиғадиган нарсалари ёнгина эмас, балки катталар қиладиган, ўзининг кучи етмайдиган, ҳадди сиғмайдиган нарсалар б-н ҳам амалий муносабатда бўлишга интилади.

Т-ячи боланинг қайси хоҳиш ва талаби унинг ҳақиқий эҳтиёжини ифодалашини, қайси талаб ва истаги эса амалга етмайдиган шунчаки талаб эканлигини фарқ қилиши лозим. Бу талаб ва истакларнинг биринчисини қондириш, иккинчисини эса секин-аста, болага тушунтириб, рад қилиш керак. Энг ёш чоғида бола ижт. ҳаёт меъёрларига мувофиқ етмайдиган истак ва талаблар билдиришга ўрганиб қолса, катта бўлганда бо оdatини ташлаши анча қийин кечадди. Бола истакларини қондиришнинг бирдан-бир йўли ўйиндир. Шу б-н бирга бу даврда боланинг ривожланишида кўчиқ, расм чизиш, рақсга тушиш каби ж-ят турлари унинг ҳиссий ривожланишида муҳим аҳамиятга эга.

Бу даврда 2 яшар боланинг сўз бойлиги тахм. 250–300 тагача; 3 яшар боланики 1000–1500 тагача; 7 яшар боланинг сўз захираси 4000 тага етиши керак. Бунинг учун ота-она ва тарбиячилар ҳамкорликда боланинг нутқ бойлигини ўстириш, уларда сўз кўнолари ва нутқ товушларни бир-биридан фарқлаш кўникмаларини шакллантириш, уларнинг кундалик ф-ятлари

ҳамда ҳиссий кечинмаларини мунтазам рағбатлантиришлари керак.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ЁШИДАГИ БОЛАЛАР ЖАМОАСИ – муайян ўзаро муносабатлар тизими (ўйин, ҳаётий масалалар) ёки умумий машғулоти тури асосида бирлашган кичик ёшдаги болалар гуруҳи.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ – узлуксиз таълимнинг болаларни ақлий, маънавий, жисмоний ривожлантириш ва мактабга тайёрлашга йўналтирилган дастлабки бўғини.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ГИГИЕНАСИ – мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг ривожланиши ва соғлиғига ҳаётий шарт-шароитлар ҳамда пед. жараённинг таъсирини ўрганишга қаратилган мактаб гигиенасининг махсус тармоғи.

«МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ» – илмий-методик ойлик журнал. Муассиси – Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги. 1992-й. янв.дан чиқа бошлаган. 1995 й.да Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан «Мактабгача тарбия» жур. негизида «Соғлом авлод учун» жур.и ташкил этилган. 1999 й.дан «Соғлом авлод учун» жур. муассислигида «Мактабгача таълим» номи б-н «Соғлом авлод учун» жур.ининг илова нашри сифатида чикмоқда. Жур. ҳар ойда 1 марта чиқади.

Жур.нинг мақсад ва вазифалари мактабгача таълим ва т-яга доир барча масалаларни оила, дав. ва ж-ят, жамоатчилик муассасалари даражасида ўрганиш, кун тартибига қўйиш, муҳокама этиш, уларнинг илмий, методик ечимларини топишда кўмаклашиш, мактабгача таълим пед.

си назарияси, илми, амалиёти муаммоларини кенг ва ҳар тарафлама ёритиш, педагог ва психолог маҳорати масалаларини таҳлил этиш, мактабгача таълим мазмуни, шакллари ва тушунчаларини такомиллаштириш учун ижодий саъй-ҳаракат кўрсатиш, мулк шаклидан қатъи назар, барча мактабгача таълим муассасалари ф-ятини, олий ва ўрта махсус таълим соҳасидаги мактабгача таълим мутахассисларини тайёрлаш тажрибасини оммалаштириш, миллий ва умуминсоний кадриятлар, миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга кўмаклашишдан иборат.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МЕТОДИКАСИ – мактабгача таълим ёшидаги болаларни ақлий, маънавий, жисмоний жиҳатдан узлуксиз ривожлантиришнинг назарий ва амалий асослари, техникасини ўрганувчи ҳамда бўлажак мутахассисларга ўргатувчи, пед. фанининг алоҳида соҳаси.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ – дав. томонидан белгилаб берилган ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар ва мактабгача таълим муассасаларига қўйиладиган талабларга мувофиқ болаларга таълим-т-я бериш, уларга қараб туриш ва уларни парваришlash ҳамда соғломлаштиришга йўналтирилган таълим муассасалари.

Ўзбекистонда бу муассасаларга болалар яслиси, ясли-боғча, болалар боғчаси киради. М. т. м. 2 босқичдан иборат. 1-босқич болалар яслиси бўлиб, у 2 ёшдан 3 ёшгача бўлган болаларни камраб олади. Бу босқичда болаларга ақлий ва жисмоний ривожлантириш,

нутқини шакллантириш, уларни моддий борлиқ, атроф-олам б-н таништириш ҳамда гигиена масалалари бўйича амалдаги таянч дастур асосида таълим-т-я берилади. 2-босқич болалар боғчаси бўлиб, 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган болаларни камраб олади. Бу босқичда болаларнинг нутқини ривожлантириш, уларнинг маънавий камолотини таъминлаш, жисмоний жиҳатдан бақувват бўлишлари учун йўналтирилган таълим-т-я жараёни амалга оширилади. Жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун ҳам М. т. м. мавжуд бўлиб, улар махсус дастур ҳамда техник воситалар б-н таъминланган.

Ўзбекистонда М. т. м.нинг моддий техника базаси ҳамда методик таъминотини яхшилашга қаратилган бир қатор қарорлар қабул қилинган. М. т. м. учун яратилаётган дастур ва методик қўлланмалар пед. ва психология фанлари ютуқлари ҳамда дав. ва ж-ят талабларига таянган ҳолда яратилмоқда. Ўзбекистонда дав. ва нодав. М. т. м. мавжуд. Улар қайси ташкилот карамоғида бўлишидан қатъи назар уларни Ўзбекистон Республикаси ХТВ кадрлар б-н таъминлайди ва ф-ятига илмий-пед. жиҳатдан раҳбарлик қилади.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ПЕДАГОГИКАСИ – пед.нинг мактабгача ёшдаги болаларга таълим-т-я бериш ҳамда уларнинг шахсиятини шакллантириш қонуниятлари, тамойиллари, воситалари, шакл, усул ва тушунчаларини ўрганувчи соҳаси. М. т. п. бола психологияси, ёш анатомияси ва физиологияси, тиббиёт, гигиена, шунингдек, тилшунослик, на-

васат т-яси, ахлоқ фанлари б-н узвий боғлиқ. 19-а.нинг 2-ярмида умумий пед. дн ажралиб чиққан. Бу, бир томондан, психологиясининг ривожланиши ва шунинг алоҳида тармоғи сифатида насаён бўлиши б-н боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, аёлларнинг фабрика ва заводларга жалб этилиши натижасида болалар муассасаларининг вужудга келиши б-н боғланади. Инглиз утопик социалисти Ф. Оуэн биринчи бўлиб болаларга илқидан ижт. т-я бериш ғоясини асослаб берди ва ишчи болалари учун мактабга-ча ёшдаги болалар муассасасини очди. Кудди шу вақтдан бошлаб М. т. п. фан-нинг махсус тармоғи сифатида шаклланиб ва ривожлана бошлади. 20-а. бошлари-да эркин т-я жараёнида бола шахсиятини ривожлантириш ғояси кенг тарқалди.

М. т. п.нинг асосий вазифаси – мактабга-ча ёшдаги болаларга таълим-т-я беришнинг мазмун, шакл ва тушунчаларини ишлаб чиқиш. М. т. п.нинг методология асосини диалектик билиш назарияси ҳамда шахснинг эволюцион тарзда шаклланган этиш қонуниятлари, Ўзбекистон Республикасининг 1997 й.ги «Таълим тизимининг қонуни ва КТМД, ўзбекистоннинг маънавий-ахлоқий меросини ҳимоя қилиш ва тарғиб қилиш тўғрисида» қонуни ва КТМД, ўзбекистоннинг маънавий-ахлоқий меросини ҳимоя қилиш тўғрисида қонуниятлари ташкил қилади.

МАКТАБДАН ТАШҚАРИ ИШЛАР – болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ва ташкил этиш, уларнинг қобилият

ва лаёқатларини ўстириш, эҳтиёж ва қизиқишларини қондириш мақсадида мактабдан ташқари муассасаларда таълим-т-я ишлари ва маданий тадбирларнинг ўтказилиши.

МАКТАБДАН ТАШҚАРИ ТАЪЛИМ – узлуксиз таълим тизимининг бир бўғини бўлиб, ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларни ақлий, маънавий, жисмоний ривожлантиришга йўналтирилган таълим-т-я бериш жараёни.

МАКТАБДАН ТАШҚАРИ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ – 1) ёшларнинг мустақил билим олиши ва ривожланишини таъминлаш мақсадида ташкил этилган таълим муассасалари; 2) болалар ва ўсмирлар б-н мактабдан ташқари иш олиб борувчи ижт.-ташкилий ва ин-структив-методик муассасалар. Улар бугунги кунда «Баркамол авлод» болалар марказлари номи остида ф-ят кўрсатмоқда (қ. «Баркамол авлод» болалар марказлари).

МАКТАБ ДИРЕКТОРИ – умумий ўрта таълим мактабларида ўқув-т-я ва хўжалик ишларини бошқарувчи раҳбар шахс.

МАКТАБДОРЛИК – ўтмишда зиёлилар, маърифатпарвар шахслар томонидан ўз уйларида мактаб ташкил қилиниб, болаларга сабоқ берилиши.

МАКТАБ ЁШИ – ўқувчиларнинг мактабда ўқиш вақтини камраб олувчи ёш даври.

МАКТАБ ЖИҲОЗЛАРИ – мактабда таълим-т-я жараёнида фойдаланиладиган моддий-техник база.

МАКТАБ ИНСПЕКТОРИ – мактаб ўқув-т-я ишлари юзасидан дав. назоратини амалга оширувчи туман, вилоят халқ таълими бўлими, халқ таълими ва зирлиги ходими.

МАКТАБ ИСЛОҲОТИ – мактаб тизимини қонунчилик тартиби асосида қайта қуриш.

МАКТАБ ИЧИДА МАКТАБ – асосий ўқув юкламасининг маълум қисми ҳисобидан ташкил этиладиган кичик ёки ёндош мактаблар.

МАКТАБ КЛУБЛАРИ – 5–9-синф ўқувчиларининг фан, техника ва санъат соҳасидаги қизиқишларини кондиритишга мўлжалланган мустақил уюшмаси.

МАКТАБ КОНТИНГЕНТИ (лот. contingentens, contingentis – алоқадор, ёнмаён) – умумий ўрта таълим мактабларида таҳсил олаётган ўқувчилар сони.

МАКТАБ КУТУБХОНАСИ – ўқувчиларни зарур ўқув ва бадиий адабиётлар б-н таъминлаш мақсадида мактаб ҳузурида ташкил этилган кутубхона.

МАКТАБ МАДАНИЙ МАЪРИФИЙ ИШЛАРИ – мактабда ўқувчиларни ахлокий-маънавий тарбиялаш мақсадида ўтказиладиган тадбирлар.

МАКТАБ МАТБУОТИ – ўқувчи ва ўқитувчилардан иборат мактаб жамоаси томонидан тайёрлаб эълон қилинадиган ҳаваскорлик матбуот нашрлари. М. м. ўқувчиларнинг мустақил ижодий ф-яти шакли бўлиб, ўқувчилар жамоасини фаоллаштириш, уларни муайян мақсад сари йўналтириш хусусиятига эга. М. м. нинг деворий газ., ҳажвий газ., фотогазета, бюллетень, мактаб алманахи, кўлёзма жур. каби турлари мавжуд.

Мактаб деворий газ.си мактаб ҳаёти учун умумий бўлган муҳим масалаларни кўтариб чиқади. Синф, гуруҳ ва тўғарақларнинг деворий газ.лари ўз тузилмаларидаги ютуқ ва камчиликлар, муаммоларни ёритади. Фотогазеталарда мактаб ҳаётидан олинган лавҳалар тасвирланса, ҳажвий газларда ўтказиладиган мусобақаларда орқада қолаётган синфлар, айрим синфларнинг ўзлаштиришини ортга тортаётган ўқувчилар танқид қилинади. ўқувчилардаги ҳар хил нуқсонлар ҳажвий суратларда кулги остига олинади. Мактаб бюллетенида мактаб ҳаёти ва айрим ўқувчиларнинг эришган муваффақиятлари, кашфиётлари ҳақида мақолалар босилади. Мактаб алманахи ва кўлёзма жур.ларда болалар ижодида намуналар берилади.

Мактаб деворий газ.си муайян мактабнинг расмий нашри ҳисобланиб, мактаб жамоасининг умумий йиғилиши ҳамда пед. кенгаши олдида ҳисоб берилган ва уларнинг иродасини акс эттирадиган нашрдир. Бу газ.нинг алоҳида бир сони катта бир масалага, диққатга сазовор санага, машҳур тарихий сиймога бағишланиши ҳам мумкин.

Газ.нинг муҳаррири, унинг ўринбосари, бўлимларнинг масъул кишилари тахририятни ташкил этади. Мактаб деворий газ.си масъуллари ўқув йилининг бошида ўтказилган умумий йиғилишда бир ўқув йилига сайлаб қўйилади. Улар умумий йиғилишда ҳисоб берилди. Мактаб деворий газ.си ойда каминда бир марта чиқарилиши керак. Мактаб деворий газ.сига масъул бўлган ҳа

бир ўқувчи газетанинг ўз қисми учун қавоб беради. Газ.нинг умумий режаси бўлади.

Мактабнинг расмий деворий газ.синдан ташқари ҳажвий-танқидий, бадиий ёхуд эвристик йўналишдаги газ.лари ҳам бўлиши мумкин. Ижодий йўналишдаги газ.ларнинг чиқиши маъмурият томонидан белгиланмайди.

Синф деворий газ.лари синфдаги жамоатчи ва ижодкор ўқувчилар томонидан синф раҳбари бошчилигида шикарилади. Газ.га ном танлаш, рукнлар таъинлаш, жиҳозлаш, мақолалар б-н таъинлаш сингари ишлар ўқувчиларнинг қарали томонидан бажарилишига эътибор қаратиш зарур. Синф деворий газ.лари ойда бир, узоғи б-н чоракда бир марта чиқарилиши керак.

Ижодий тўғарақлар яхши йўлга қўйилган, замонавий техник воситалар б-н таъинланган мактабларда М.нинг алманах ва жур. каби шакллари ҳам фойдаланилади. Бунда мактабда ижодкор ўқувчи ва ўқитувчиларнинг мод намуналари, ўқувчиларнинг чет талларидан қилган таржималари, фольклоршунослик тўғарақлари иштирокчилари томонидан тўпланган оғзаки мод намуналари чоп этилади. Бу хил шрлардан реклама мақсадларида ҳам фойдаланиш мумкин. Ҳар бир мактабда ҳар бир синфда М. м.нинг бирор шакли бўлишига эришиш зарур. М.нинг сифатини таъминлаш учун синфда ўртасида танловлар, мусобақалар тасдиқ туриш, ғолибларни моддий ва маънавий рағбатлантириш лозим.

МАКТАБ МУЗЕЙЛАРИ – мактаб ўқув-пед. жамоаси ф-яти ва ҳаёти ҳақидаги муҳим ҳамда қимматли материаллар кўргазмаси ташкил этилган хона ёки хоналар.

МАКТАБ НАЗОРАТ ИШЛАРИ – ўқувчилар билим, кўникма ва малакаларини текшириш мақсадида улар томонидан бажариладиган ёзма, график ёки амалий ишларни назорат қилиш жараёни.

МАКТАБ НИЗОМИ – ўқув-т-я ва ташкилий-хўжалик ишларида мактаб ф-ятини тартибга солувчи қоидалар мажмуи.

МАКТАБНИНГ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ДИРЕКТОР ЎРИНБОСАРИ – директорнинг мактабдаги ўқувчи ва педагоглар жамоасини маънавий ва маърифий жиҳатдан тарбиялаш, уларнинг умумий маънавий савиясини юксалтириш, ижодий қобилиятларини ривожлантириш, бўш вақтларини самарали ўтказишга кўмаклашадиган тadbирларни ташкил этиш ва бошқаришга масъул бўлган ўринбосари.

МАКТАБ ПАРТАСИ – гигиеник ва пед. талабларга мувофиқ ясалган, ўқувчиларнинг дарс машғулотларида ўтиришига мўлжалланган мактаб мебелининг асосий турларидан бири.

МАКТАБ ПСИХОЛОГИ – мактаб пед. жамоасини ҳамда ўқувчилар ва ота-оналарни психологик билимларни эгаллашга жалб этиш, уларнинг психологик маданиятини оширишга қаратилган турли машғулотлар, ўқувлар, маърузалар, тренинглар, индивидуал суҳбатлар уюштириш каби ишларни амалга ошириш;

ўқувчилар, ўқитувчилар ва ота-оналарга психологик маслаҳат бериш, психологик ташхис, психологик коррекцияга оид тадбирларни ўтказиш; т-я ва ахлоқ ҳақида ўқитувчи ва мураббийлар билан ҳамкорликда махсус кечалар, давра суҳбатлари, кўрик-танловлар, коррекцион машғулотлар, психологик тренинглар ва ўқувчилар орасида тушунтириш ишларини ташкил этиш; шахс ва жамоага фаол руҳий таъсир ўтказиш (руҳий мувозанатлаштиришга оид тренинглар олиб бориш); ўқувчиларнинг лаёқати, кизиқиши ва қобилиятларини ташхис қилиш ҳамда уларнинг қобилиятларига мос касб-ҳунарларни онгли танлашларига кўмаклашиш кабиларни амалга оширишга масъул бўлган мутахассис.

МАКТАБ ПЕДАГОГИКАСИ – пед. фанининг умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларга таълим-т-я беришнинг назарий асослари ва қонуниятларини тадқиқ этадиган бўлими.

МАКТАБ УСТАХОНАСИ – умумий ўрта таълим мактабларининг меҳнат таълими дарсларида амалий машғулотлар ўтказиладиган ўқув хонаси.

МАКТАБ ФЕСТИВАЛИ – ўқувчиларнинг техника, адабиёт ва санъат, математика ва б. соҳаларда эришган ютуқларини рағбатлантириш мақсадида ўтказиладиган даврий шодиёна, байрам тадбири.

МАКТАБШУНОСЛИК – пед. фанининг мактаб ишларини бошқариш асослари, йўл, шакл, восита, усул ва тушунчаларини тадқиқ этиш б-н шуғулланувчи махсус соҳаси. Мактабни бошқаришнинг ўзига хос қирраларини очиб беради.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Давлат тили тўғрисида», «Таълим тўғрисида»ги қонунлар, КТМД, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва ХТВнинг таълим-т-я жараёни, шунингдек, ўқув муассасаларини ташкил этиш ва ривожлантириш тўғрисидаги қарорлари, илғор мамлакатлар ҳамда пед. фанида бу соҳада тўпланган тажрибалар асосий манбалари ҳисобланади. М. мактабни бошқариш ва унга раҳбарлик қилишнинг асосий тамойиллари, халқ таълими муассасаларининг ф-яти ва уларнинг мактаб пед. жамоаси ва хўжалик ҳаётига раҳбарлик қилиш тушунчалари, педагог ва ўқитувчиларнинг умумий ўқишларини ташкил этиш, умумий таълим мактаблари ҳамда уларнинг тармоқларини яратиш ва қуриш йўллари, мактаб биноларини лойиҳалаш ва қуриш, мактаб ер участкалари ва ҳудудларини барпо этишга қўйиладиган пед. талаблар, мактабларни молиялаш. уларни ўқув қуроллари б-н таъминлаш муаммолари, ўқув т-я жараёнларини бошқариш б-н шуғулланувчи халқ таълими муассасалари ф-яти, мактаб ишига раҳбарлик қилиш, мактаб моддий техника базасини яратишда ўқитувчиларга методик ёрдам кўрсатишни ташкил этиш, мактаб ички раҳбарлиги ишининг мазмун ва тушунчалари, замонавий янги мактаб ўқитувчисининг қиёфаси, халқ таълими муассасаларининг ҳисоботи ва ҳисобга олиш ишларини ташкил этиш. мактаб ишлари статистикаси каби масалаларни илмий жиҳатдан ёритиб беради.

М., биринчи навбатда, мактаблар тажрибаси ва уларнинг иш услубига

янади. Ривожланган мамлакатларнинг илғор иш тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш ҳам М.нинг муҳим вазифаларидандир. М. халқ таълими муассасалари ҳамда мактаб ходимларининг вазирлик ф-яти ва назарий хулосаларини тайёрлашга хизмат қилади. Кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш ҳам М.нинг муҳим масалаларидан бири.

МАКТАБ ЎЛКАШУНОСЛИК ИШЛАРИ – таълим олувчиларни уларнинг ҳаётган ҳудуднинг табиий шарт-шароити, саноати, ижт.-иктисодий ривожланиши б-н таништиришга қаратилган таълим-т-явий ишлар.

МАКТАБ ЎРТОҚЛИК СУДИ – йилини – мактаб Низоми ҳамда ички қоида-қоидалари, умумжамиyat ахлоқ қонуқий меъёрлари талабларини бузиш, уларга амал қилишдан бош тортган, назоратдан четда қолган ўқувчиларнинг ҳаракатларини таҳлил этиш, уларнинг сабабларини ўрганиш, хулосалар бундай ҳатти-ҳаракатларнинг барҳам қилишига кўмак берувчи чора-тадбирларни ишлаб чиқиш мақсадида ташкил қилинадиган дидактик ўйин тури.

МАКТАБ ЎҚУВ РЕЖАСИ – ярим ёки то'лиқ ўқув йилига мўлжаллаб тузилган мактаб ўқув-т-я, бошқарув-хўжалик ишлари ва б. тадбирлар тизими қайд этилган ҳужжат.

МАКТАБ ЎҚУВ-ТАЖРИБА УЧАСТКАСИ – мактаб ёш табиатшуносларининг тўғарак машғулоти ва олувчиларнинг ўқув ф-яти ташкиллаштирадиган мактаб қошидаги ер участкаси.

МАКТАБ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ МЕТОДИ – ўқувчиларнинг умумий миқдори, унинг ўсиши ёки камайиш сабаблари тавсифи. ўқувчиларнинг фанлар бўйича ўзлаштириш даражаси, синфда қолишнинг олдини олиш, рағбатлантириш ва жазолаш чоралари турлари, мактабнинг моддий техник базаси таҳлилини ифодаловчи атама.

МАКРОТЕХНОЛОГИЯЛАР – муайян таълим тармоқлари, соҳаси, таълим ёки т-я йўналиши, ўқув фанлари (умумпедагогик ва умумметодик даража)га хос бўлган пед. техн.лар.

МАЛАКА (араб. қобилиyat, истеъдод; хусусият, одат) – касбни, ишни яхши ўзлаштириш натижасида орттирилган тажриба, кўникма, маҳорат; ўқувчи ёки талабада муайян ўқув материали ва касбни чуқур ўзлаштириш натижасида ҳосил бўлган автоматлашган маҳорат; психологияда – муайян касб, ишни яхши ўзлаштириш натижасида орттирилган маҳорат. Одатда, бирон иш жараёнида ҳаракатлар англанган ёки англанмаган тарзда амалга оширилади. Ҳаракатни бажаришда онгнинг борган сари камроқ иштирок этиши туфайли иш ғайриихтиёрий равишда ижро этила боради, айрим майда қисмларга эътибор камаяди. Ҳаракатнинг қисман ғайриихтиёрий равишда бажарилиши туфайли унинг тузилишида айрим сифат ўзгаришлари юз беради. Ҳаракатни ҳиссий назорат қилиш, уни марказдан туриб бошқариш усуллари ўзгариб боради. Ҳаракат усуллари идрок этишдан дикқат холи бўлади ва у ҳаракат вазияти

ҳамда маҳсулига қаратилади. Натижада топшириқ равон, ортиқча куч сарфламай, тез ва сифатли бажарилади. М. ҳосил қилиш тезлиги унинг мураккаблик даражаси, кишининг ёши, индивидуал хусусияти, билими ва б. омилларга боғлиқ. Кишидаги малака, кўпинча, бошқа М. ҳосил бўлишига ёрдам беради. Бундай ҳолатга кўчиш дейилади. Баъзи ҳолларда эса мавжуд М. бошқа М.лар ҳосил бўлишига халакит беради. Бунга М.нинг интерференцияси дейилади. Узоқ машқ қилмаслик ва организмнинг меъёрий бўлмаган ҳолатлари (қасаллик, қаттиқ чарчаш, ҳаяжонланиш ва б.)да М. йўқолиши мумкин. Бу сабаблар бартираф этилиши б-н М. яна тикланади.

МАЛАКАВИЙ БИТИРУВ ИШИ (битирув малакавий иши) – олий таълим муассасалари бакалаврият босқичи талабаларининг ўз таълим йўналишлари бўйича 4 й. давомида олган назарий ва амалий билимларини мустаҳкамлаш, кенгайтириш ҳамда ўзлаштирган билимлари орқали муайян илмий, техникавий, иқтисодий, ишлаб чиқариш, ижт., маданий соҳалардаги муаммоларни ҳал этиш, ўз билимларини амалиётда қўллаш мақсадида тайёрлайдиган илмий иши. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2010 й. 25 июндаги «Олий таълим муассасаларида бакалаврларнинг битирув малакавий ишини бажаришга қўйиладиган талабларни тасдиқлаш тўғрисида»ги 225-сонли буйруғи М. б. и.ларини тайёрлаш ва бажаришга қўйиладиган талабларни белгилаб берувчи асосий меъёрий ҳужжат ҳисобланади. Маз-

кур буйруқда М. б. и.ни бажаришнинг мақсад ва вазифалари, мавзуси, бажарилиши, уни бажаришга раҳбарлик қилиш ва ҳимоя қилиш тартиблари тўлиқ баён қилинган.

МАЛАКАВИЙ ИШ – тингловчининг мустақил тадқиқот иши. У ҳоз. даврда таълим муассасалари олдига дав. ва ж-ят томонидан қўйилган талабларга жавоб бера олиши лозим. М. и. каф. томонидан тузилган Ҳайъат олдида ҳимоя қилинади. М. и. рефератдан тажриба-синов ишларининг олиб борилганлиги б-н фарқланади. Тингловчи таълим тарихи ва тарбиявий ишлар мет.сидан олган назарий билимларни амалиётга татбиқ қилади, и. т. ишларини амалга оширади.

Тингловчи М. и.ини ёзишда қўйидаги талабларга риоя қилиши лозим: танлаб олинган мавзуга ижодий-тадқиқий ёндашиши, кириш қисмида М. и. мавзусини асослаши, мавзуга доир ад.ларни муфассал ўрганиши, назарий билимларни бойитиши, таълим муассасасидаги мавзуга доир муаммоларни, бўшлиқни аниқлаши, илғор иш тажрибаларни ўрганиши, амалга оширилган тажриба-синов ишларини таҳлил қилиши, пед.фанидаги илмий хулосалардан унумли фойдаланиши, М. и.ни тўғри расмийлаштириши, ад.лар рўйхатини талаб даражасида шакллантириш кабилар.

М. и. бир неча босқичда бажарилади. Улар: мавзунини танлаш, тавсия қилинган ад.ларни ижодий ва танқидий ўрганиш таққослаш; тингловчи ўзи ўрганган ад.лар, тўпланган тажриба асосида лозим бўлса режага ўзгартириш киритиш муаммонинг амалиётдаги ҳолатини

ўрганиш; тажриба ишларини ўтказиш, мулоқотлаш; малакавий ишини тўғри расмийлаштириш. М. о.нинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, мақсад ва вазифалари, тадқиқот тушунчалари, объект, предмети, тадқиқот базаси, илмий янгилиги ва назарий аҳамияти очиб берилиши лозим.

МАЛАКА ОШИРИШ, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш – узлуксиз таълим тизими шартларидан бири, халқ хўжалигининг барча соҳасида ишловчи мутахассис ва раҳбар ходимларнинг касбий билими ва кўникмаларини янгилаш ҳамда чуқурлаштириш жараёни. Кадрларнинг рақобатбардошлик сифатлари ҳамда билими ва кўникмаларининг замон талабларига жавоб бера оладиган даражада бўлишини таъминлайди. М. о. ва қайта тайёрлаш ҳар бир ходимнинг ўз мутахассислиги бўйича сўнгги фан ютуқлари, янгиликлари б-н танишиш, уларни ўзлаштириш, янги амалий иш усуллари, шунингдек тажрибаларини ўрганишдан ташқиб илмий назарий ҳамда амалий тайёргарлик жараёни ҳисобланади. М. о. ва қайта тайёрлаш даврийлиги турли мутахассислар ҳамда раҳбар ходимлар учун турлича бўлиб, 2–5 й.да 1 марта, шулар учун ҳолларда бундан кескин муддатларда ўтказилади. М. о. ва қайта тайёрлаш шартларда, малака ошириш шартларидан ҳамда профессионал қайта тайёрлаш шартларига эга бўлган ўқув марказларида амалга оширилади. Мазкур жараён шунингдек чиқаришдан ажралган, қисман ажралган ва ажралмаган ҳолда бўлиши мумкин. Унинг шакли М. о. таълим му-

ассасаси томонидан таълим дастурининг мураккаблиги эътиборга олинган ҳолда ва буюртмачининг у б-н тузилган шартномаси асосидаги эҳтиёжларига мувофиқ равишда белгиланади. М. о. ва қайта тайёрлаш муддати турлича бўлиб, ҳар бир ҳолда қўйилган мақсад ҳамда вазифаларга мувофиқ белгиланади. М. о. ва қайта тайёрлаш таълим муассасаси ўқув жараёнини мақсадли ташкил этиш, таълим шакли, услублари, техн.сини қўллаш орқали тингловчиларга таълим дастурларини ўзлаштиришлари учун зарур шароитлар яратади. Мазкур дастурлар малака ошириш таълим муассасалари томонидан буюртмачи эҳтиёжларини, шунингдек, қўшимча касб таълими дастурлари мазмуни олдига қўйилган дав. талабларини эътиборга олган ҳолда ишлаб чиқилади, тасдиқланади ва амалга оширилади. Мутахассисларни профессионал М. о. ва қайта тайёрлаш жараёни якуний дав. аттестацияси б-н тугалланади. Аттестацияни ўтказиш тартиби таълимни бошқариш бўйича тегишли дав. органлари томонидан белгиланади. Ўқув режасининг барча талабларини бажарган, якуний дав. аттестациясидан муваффақиятли ўтган тингловчилар М. о. ва қайта тайёргарликдан ўтганлиги ҳақида белгиланган намунадаги диплом ёки сертификат олади. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

МАЛАКА ОШИРИШ ИНСТИТУТЛАРИ, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институтлари

– халқ хўжалигининг турли соҳаларида ишловчи мутахассислар ва раҳбар ходимларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимидаги ташкилий-методик ва ўқув маркази. Ўзбекистонда мутахассислар малакасини ошириш ин-тлари (ўқитувчилар малакасини ошириш ин-тлари, врачлар малакасини ошириш ин-тлари ва б.) 1930–40 й.ларда ташкил қилинган.

М. о. и. тингловчиларга фан ва техниканинг янги ютуқларини, режалаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг самарали тушунчаларини, шунингдек, ҳисоблаш техникаси, ишлаб чиқариш жараёнини механизациялаштириш ва автоматлаштириш воситалари ёрдамида олиб бориш, меҳнат ва бошқаришни илмий ташкил этиш каби масалаларни ўргатади; ўқув дастурлари, режаларини ишлаб чиқади, малака ошириш тизими учун ўқув ва методик ад.ларни тайёрлайди ҳамда нашр этади. М. о. и.ларида ўқишнинг асосий шакли кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш курслари ҳисобланади. Бундай курслар улардан кўзда тутилган мақсадни тўлиқ амалга ошириш учун тингловчилар ўзлаштиришлари зарур деб ҳисобланган ўқув режаси ва дастурининг ҳажмидан келиб чиққан ҳолда турлича белгиланади. Шу б-н бирга, долзарб мавзулар бўйича қисқа муддатли курслар, семинарлар ўтказилади. М. о. и.да ўқув машғулотлари маъруза, семинар, лаб. ишлари, амалиёт, илғор иш тажрибаларини ўрганиш, консультация ва б.дан иборат бўлиб, унда илғор пед. техн.дан кенг фойдаланилади. М. о. и.да кадрлар

малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш масалалари бўйича зарур меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилади, илмий-методик тадқиқотлар олиб борилади. М. о. и. ўз ф-ятларини 1997 й. 29 авг.да қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва КТМД асосида олиб боради.

Ўзбекистондаги йирик М. о. и. сирасига Ўзбекистон миллий ун-ти ҳузуридаги Олий пед. ин-ти, Тошкент врачлар малакасини ошириш марказий ин-ти, А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий ин-ти, Тошкент иқтисодиёт ун-ти ҳузуридаги Иқтисодиёт, бизнес, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ин-ти, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий ф-ят миллий банки ҳузуридаги Мутахассислар малакасини ошириш маркази киради.

МАЛАКА ТАВСИФНОМАСИ – бўлажак мутахассиснинг билими, касбий савиясига қўйиладиган асосий талаблар мужассамлашган меъёрий ҳужжат. Касб-ҳунарга ягона тариф, малака маълумотномаси (квалификацион тавсифнома) асосида тузилади. М. т. турли фанларнинг ўқув режаси ва дастурини тузиш учун асосий негиз ҳисобланади. Унда мутахассис муайян касбий ф-ятда онгли ва тўғри бажариши учун эгаллаши зарур бўлган билимлар мажмуаси ифодаланади. М. т. компьютерлар ишлаб чиқариш корхоналарининг малака маълумотномаси талабларига жавоб бериши керак. Унда касб ва ихтисосликларнинг аниқ номлари, техник ва махсус билимлар, меҳнат кўникмаси ва малакалари, ма-

лакани ошириш ва уни янгилаш бўйича йўл-йўриқлар ифодаланади.

МАЛАКА ТАЛАБЛАРИ – шахснинг муайян соҳада ҳосил қиладиган малака-сига қўйиладиган талаблар мажмуи.

МАМАДАЛИЕВ Исломжон Хайдарович (1948. 26. 1, Янгиқўрғон тумани) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). ТошДУнинг филология ф-тини тугатган (1984). Янгиқўрғон туманидаги 22-мактабда (1967–97), Янгиқўрғон ш.часидаги ихтисослаштирилган интернат мактабда ўзбек тили ва ад.и ўқитувчиси (1997 й.дан). Дарсда кўرғазмали қуроллар ва техника воситаларидан унумли фойдаланади.

МАМАДАЛИЕВА Саодатхон Расуловна (1954. 19. 4, Бувайда тумани) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Қўқон пед. ин-тининг ўзбек тили ва адабиёи ф-тини тугатган (1977). Бувайда туманидаги 5-мактабда болалар етакчиси (1973–77), она тили ва ад. фани ўқитувчиси (1977 й.дан). Дарсни ялғор пед. технологиялар асосида ўтади. Унинг ташаббуси б-н мактабда техника воситалари б-н тўлиқ жиҳозланган фан хонаси ташкил этилган.

МАМАДИЁРОВА Барчиной (1950. 15. 1. Зомин тумани) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1999). Тошкент пед. ин-тининг филология ф-тини тугатган (1973). Зомин туманидаги 66-мактабда (1973–75), Ширин ш.даги 4-мактабда рус тили ва ад.и ўқитувчиси (1975 й.дан). Ўқувчилар ўртасида тарбиявий ишлар олиб боришда юксак натижаларга эришган. Унинг синфдан, мактабдан ташқари тарбиявий ишлар бўйича

чош этилган методик қўлланмаси шаҳар ўқитувчилари учун намунавий дастур бўлиб хизмат қилмоқда.

МАМАНОВ Норқул Зиётович (1947. 20. 2, Тайлоқ тумани) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1999). СамДУнинг ўзбек ва тожик филол.си ф-тини тугатган (1973). Тайлоқ туманидаги 82-мактабда (1966–86), 47-мактабда она тили ва ад. фани ўқитувчиси (1986 й.дан). М. дарсларни «Рейтинг», «Бозор», «Саёҳат», «Семинар», «Мусобақа», «Суд» усулларини татбиқ этган ҳолда олиб боради ва кўрғазмали қуроллардан унумли фойдаланади.

МАМАРАСУЛОВ Саид (1943. 1. 5, Жиззах тумани) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1996). Тошкент пед. ин-тини тугатган (1969). Пахтақор туманидаги 7-мактабда (1969–76), Жиззах ш.даги 6-мактабда мат. ўқитувчиси (1976 й.дан). Тест саволлари асосида ўқувчилар билимини аниқлаш, янги пед. тех.ни ўқув жараёнига жорий этиш, ўқувчиларни баҳолашда рейтинг усулидан фойдаланишга катта аҳамият беради. Пед. ф-яти давомида ўқувчилари б-н бирга 2000 дан ортиқ кўрғазмали қуроллар тайёрлаган, мактаб мат.-информатика хонасини янгича талаблар асосида жиҳозлаган.

МАМАДАЗИМОВ Мамадмусо (1942, Жиззах) – пед. фанлари д-ри (2005), проф. (2007). ТДПУнинг физика-мат. факультетини тамомлаган (1963). Баландчақир қишлоғидаги 1-ўрта умумтаълим мактабида физика, мат. ва астрономия ўқитувчиси (1963–65), ТДПУнинг

«Назарий физика» каф.сида стажёр-тадқиқотчи (1966–67), Пулково обсерваторияси аспиранти (1968–70), ТДПУнинг «Назарий физика» каф.сида ассистентлик (1971), каф.да ўқитувчи. катта ўқитувчи, доц. (1978) ва каф. мудир (1978–86), ЎзМУнинг «Астрономия» каф.си мудир (1988–90), ТДПУнинг «Умумий ва эксп. физика» каф.си мудир (1997–98).

М. 200 дан ортиқ дарслик, монография, ўқув-услубий кўлланмалар, илмий-оммабоп асарлар муаллифи.

МАНБАЛАР УСТИДА МУСТАҚИЛ ИШЛАШ – муайян мавзунини мустақил ўрганиш, у ҳақида кўпроқ маълумот тўплаш мақсадида манбалар б-н ишлаш усули.

МАНГЕЙМ МАКТАБИ – 18-а.да Мангейм ш. (Германия)да қарор топган, сентиментализмга яқин бўлган ижодий йўналиш. Симфония ҳамда камер чолғу мусикаси (трио, квартет ва б.) жанрларининг шаклланишида муҳим ўрин эгаллаган. М. м. асосчиси – чехиялик композитор ва скрипкачи Я. Стамиц.

М. м. ижодкорлари бадний ҳиссиётларини ифодалашда мусикий динамика воситаларидан, ўзига хос топилмалардан кенг ва моҳирона фойдаланиб, Европа композиторлик мусикасида янги услуб яратишган, Вена классик мактаби шаклланишини тезлатишган.

МАНИПУЛЯЦИЯ (лот. manipulus – қўл ҳаракати) – одамда маълум мотивацион ҳолатларнинг (ҳиссиётлар, аттитюдлар, стереотиплар) фаоллашувига олиб келадиган коммуникацион таъсир. Бу таъсир одамни ҳар қандай хатти-ҳаракатга

ундаши мумкин. Айрим мутахассисларнинг таъкидлашича, М. психологик таъсир турларидан бири ҳисобланиб, кишини маълум хатти-ҳаракатларни амалга оширишга билвосита ундаш орқали бир томонлама ютукка эришиш мақсадида фойдаланилади. М.нинг хатарли жихати шундаки, у ички парокандалик, шахс яхлитлигининг бузилиши, унинг ташқи таъсирга берилиб кетишига сабаб бўлади. Америкалик психолог Р. Чардини М.нинг бир неча турини ажратиб кўрсатади. Мас., ёрдам сўраш, сотувчининг, рекламанинг харидорга таъсири, сиёсий тарғибот, болаларни тарбиялаш ва ҳ.к. Унинг фикрича, турли фондлар учун маблағ йиғувчилар, кўчада савдо қилувчилар, ишбилармонлар, савдо агентлари, реклама ходимлари ҳам М.дан кенг фойдаланади.

М.нинг таъсири ва оқибатлари айниқса, сохта диний ташкилотлар ақидапараст гуруҳлар, оммавий маданият тарғиботчилари ф-ятида яққол кўзга ташланади. Бунда, аввало, одамларнинг онгига таъсир этиб, уларнинг хатти-ҳаракати, индивидуал жисмоний ҳаётини бошқариш, тобелик ва бўйсунувчанликни шакллантириш, олаётган маълумотлардан ҳақиқий ҳолатни яшириш ёки уни бузиб кўрсатиш, танқидий маълумотларни тақиқлаш, тафаккур (ташкилот ғояси)ни мажбуран сингдириш, ҳодиса-воқеаларни ана шу ғоя нуктаи назаридан яхши ва ёмонга ажратиш, ҳиссиётлар (шахс ҳиссиётларини заифлаштириш, айбдорлик туйғусини сингдириш, гуноҳ, камчилик ва хатоларни расман тан олишга

ндаш, кўркув хиссидан фойдаланиш) назорат қилиш орқали ҳар қандай ҳақиқатни аниқлаш ва тафаккурни таъминлаш маъносини билдириши мумкин. Ҳақиқатни аниқлаш ва тафаккурни таъминлаш маъносини билдириши мумкин. Ҳақиқатни аниқлаш ва тафаккурни таъминлаш маъносини билдириши мумкин.

МАНТИҚ (араб. – нутқ, тил; сўзлаш) – тафаккур шакллари ва қонунларини ўрганишнинг фан. М. объектив олам қонунларини, тафаккурнинг мавжуд бўлиш шакллари ва таракқиётини, жумлаан, фикрлар ўртасидаги алоқадорликни таъминлайдиган қонун-қоидалар йиғиндисини ифодалайди. Ҳоз. илмий фаннинг фал. билишда М. атамаси тафаккур шакллари ва қонунларини ўрганишнинг маъносини кўпроқ ишлатилади. М. тафаккурнинг шаклланиш ва ривожланиш тарихига эга. М.қа оид дастлабки фикрлар Шарк мамлакатларида, хусусан, Грецияда, Индияда, Хитойда вужудга келган. Юнон фал.сида М. масалалари дастлаб Платоннинг «Табиат тўғрисида» асарларида, элейлик Зеноннинг апорияларида, Параклит таълимотида у ёки бу даражада кўриб чиқилган. М. атамасини илмий таълимнинг шунча сифатида қўллаган стоикларнинг фикрлаш ф-яти қонунларини тадқиқ қиладиган фан деб тушунишган. Стоикларга қараганда М. масалаларини ўрганиш илмий таълимнинг асосини тўғрилик ва ҳақиқатни аниқлашнинг турлича номлар б-н аташган. Юнон фал.сида М. масалаларини ўрганишнинг маъносини билдириши мумкин. Ҳақиқатни аниқлаш ва тафаккурни таъминлаш маъносини билдириши мумкин. Ҳақиқатни аниқлаш ва тафаккурни таъминлаш маъносини билдириши мумкин.

белгилаган. М. фанининг асосчиси Аристотель эса тафаккур ва унинг шакллари, қонун-қоидаларини тадқиқ қиладиган фан деб атаб, М.ни янги билимлар тўғрисида хулоса чиқариш ва ҳақиқатни исботлаш қуроли, чин билимни асослаб бериш тўғрисидаги фан сифатида талқин этган. М., Аристотель фикрича, ҳақиқатни, чин фикрни ёлғондан ажратиш учун хизмат қилиши керак. Унинг издошлари устозининг М.қа оид асарларини жамлаб, уни ифодалайдиган «органон» (юн. – билиш қуроли, асбоби) атамасини қўллашган. Мазкур атамани фикрни тўғри қилиш ва чин билимларни ҳосил қилиш воситалари ҳақидаги таълимотни ифодалаш учун қўлланилган. Кейинчалик Яқин ва Ўрта Шарк мамлакатларида ҳам М. илми шаклланиган. Марказий Осиёда ҳам М. мустақил фан сифатида таракқий этган. Бунда Форобий, Ибн Сино, Беруний, Умар Хайём, Алишер Навоий, Бедил ва б.нинг хизматлари катта бўлди. Форобий М.ни шундай таърифлайди: «Бу шундай бир санъатки, у ҳар доим одам нотикликда адашиб қоладиган бўлса, тўғри фикрлашга олиб келувчи ва ақл ёрдамида бирор-бир хулоса қилинадиган бўлса, хатолардан асровчи нарсаларни ўз ичига олади». «Бизнинг мақсадимиз ақлни у хатога йўл қўйиши мумкин бўлган барча ҳолларда тўғри тафаккурга етаклайдиган, унинг ёрдамида ҳар сафар хулоса чиқараётганда адашишга қарши эҳтиёт чораларини кўрадиган санъат – М. санъатини ўрганишдир». Ибн Сино фикрича, «ҳақиқатнинг нима эканлиги, қайси нарсанинг ҳақиқатга яқин экан-

лиги, ниманинг ёлғонлиги, ҳақиқат ва ёлғоннинг қандай хиллари борлиги М. ёрдамида аниқланади». У: «М. шундай бир қуролки, унинг талабларига амал қилиш ёрдамида инсон тафаккури хато ва ёлғондан сақлаб қолинади», деб таърифлайди. М. ҳақиқатни билиш тўғрисидаги маълум билимдан номаълум билимга ўтиш қоидалари, шакллари, усуллари ҳақидаги фан сифатида объектив оламни билиш учун хизмат қилади. Шу боис у пед. б-н яқин алоқадорликка эга. Чунки инсон тафаккури М. илмининг ҳам, пед.нинг ҳам ўрганиш объекти ҳисобланади.

МАНТИҚИЙ АМАЛЛАР, мантикий операциялар – берилган ҳадлари ва натижаси мулоҳаза (фикр)дан иборат амаллар. Берилган ҳадлар сонига қараб М. а. бир ўринли, икки ўринли ва ҳ.к. деб юритилади. Бир ўринли М. а. сони тўртта: берилган фикрдан қатъи назар, натижаси доим чин (айнан ҳақиқат) амал, натижаси доим ёлғон (айнан ёлғон) амал, натижаси берилган фикр б-н мос тушадиган амал ва, ниҳоят, берилган фикр чин бўлса, натижаси ёлғон, берилган фикр ёлғон бўлса, натижаси чин бўладиган амал. Сўнги мантикий амал бир ўринли М. а.дан энг муҳими бўлиб, у инкор амал дейилади.

МАНТИҚИЙ АСОС – фикрлаш жараёнида берилган мулоҳазанинг чинлигини асослаш учун келтирилган чин мулоҳазалар. Мулоҳазанинг ўзи эса мантикий натижа деб юритилади. М. а. б-н объектив, ҳақиқий реал асосни аралаштириб юбориш мумкин эмас. Асос ва натижа орасидаги

мантикий боғлиқликни сабаб ва оқибат алоқадорлигидан фарқлаш зарур.

МАНТИҚИЙ БОҒЛАНИШЛАР – фикрнинг қурилиши, яъни унинг таркибий қисмларининг боғланиш усулини ифодаловчи тушунча. У аниқ бир фикрнинг мантикий шакли ҳисобланади.

МАНТИҚИЙ ЁНДАШУВ – хаёл (та-саввур)да тарихий назария шаклидаги мураккаб динамик ҳодисани тасодифлар ва алоҳида муҳим бўлмаган далиллардан четлашган ҳолда тиклаш.

МАНТИҚИЙ ИЗЧИЛЛИК – пед. билим ва тушунчаларнинг узвий боғланган тадрижий тизими.

МАНТИҚИЙ ФИКРЛАШ – инсон томонидан кўриб, эшитиб, билиб. ҳис қилиб ва англаиб турган борлик воқелик ёки таассуротларнинг бошқалар учун ҳам тушунарли тарзда тафаккур этилишини англаувчи тушунча. М. ф. қобилияти барча соғлом инсонларга хос. Инсоннинг билиш ф-яти учун М. ф. универсал характерга эга. Тафаккур кўп қиррали, мураккаб, шу б-н бирга бир бутунни ташкил этадиган аклий жараёндир. Мантиқ деганда, инсонларнинг кундалик ф-яти, муносабатларида тартибли, аниқ, асосли, яъни мантикий ўйлай олиши тушунилади. Барча инсонларнинг фикрлаш қонуниятлари бир хил бўлганидан турли тиллардаги сўзларнинг маъносини тушуна оламиз. М. ф. инсоннинг илмий ва амалий ф-яти соҳасида муҳим аҳамият касб этади. М. ф.нинг олам ва ундаги воқеа-ҳодисалар, инсон ва табиат ўртасидаги муносабатларнинг моҳиятини теран англаш ҳамда шу асосда ҳаётни тўғри ташкил этиш борасида

ўрни бекиёс. Мантикийлик – тафаккурнинг, ёзма ва оғзаки нутқда фикрлаш усулларига амал қилиш жараёнидир. Бу жараёнда айният, зиддият, инкорни инкор қонунилари ўзаро уйғун ҳолда намоён бўлади. Айният қонуни ҳар бир нарсани ҳодисанинг айнан ўзига тенглигини, шаклда, сўзлашув ва матнларда такрор қатарни тўғри қўллашни билдиради. Зиддият қонуни бир вақтнинг ўзида ҳар бир воқеа-ҳодисани зидди бўлмаслигини назорат этади. Инкорни инкор қонуни эса муайян шароитда воқеа-ҳодисалар айнан қандай ҳолатда бўлиши ёки бўлмаслигини белгилайди. Инсоннинг нутқи, илмий-адабий, раҳбарлик ф-яти М. ф. б-н уйғун бўлиши зарур. Шундагина ф-ятнинг барқарор соҳаларида мантикий кетма-кетлик, изчиллик ва муайян самарага эришиш мумкин. Мантиксизлик – М. ф.нинг ақлсизлиги. М. ф. маънавий-маърифий соҳада муҳим аҳамият касб этади. Бу борани ф-ятни мантиқ қонуниятлари асосда ташкил этиш маънавий-маърифий қадриятларнинг изчиллиги, таъсирчанлиги ва самарадорлигини таъминлашга имконият қилади.

МАНҚУРТ – хотираси, ақл-идроки, инсонга хос хислат-фазилатлардан маҳрум этилган шахс. Ривоятларда кўра, асир тушган ёш ва бақувват инсонларнинг сочи қиртишлаб олиниб, қўлга янги сўйилган туянинг бўйин тешига қопланган ҳамда улар оёқ-қўли қийилган ҳолда бир неча кунга жазиранинг қўлида сувсиз, егуликсиз қолдирилган. Қўлдан қийилган тери қуриб, бош чаноғини қийилган қиссиши, янги ўсиб чиқаётган соч қийилганларининг мияга қараб ўсиши нати-

жасида асирларнинг кўпчилиги ҳалок бўлган, омон қолганлари эса хотираси, фикрлаш қобилиятини буткул йўқотиб, фақатгина ўз эгаларининг буйруғини ҳеч ўйлаб ўтирмай бажарадиган зомбига айланган; кўчма маънода ана шундай (манқуртга хос) хислат, хусусиятга эга бўлган шахс. Мустақил фикрлашдан маҳрум, итоаткор, жисмоний эҳтиёжнинг қулига айланган одамлар М. деб аталади. Шу боис истилочилар ўзлари қарам қилган халқни ўзлигидан маҳрум этиб, қулга айлантириш учун, аввало, уларни тили, тарихи, маънавий қадриятларидан маҳрум этиб, уларга ёт маданиятни сингдириш орқали унинг турмуш тарзи, менталитет ўзгартириб юборишни мақсад қилиб қўйган. Ҳоз. даврнинг долзарб муаммоларидан бири – миллий ўзлигини англаган, маънавий баркамол авлодни тарбиялашдир.

МАНСУРОВ Комил (1948. 11. 9, Тошкент тумани) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1999). Тошкент пед. ин-тининг бадиий-графика ф-тини тугатган (1971). Тошкент туманидаги 27-мактабда (1968–79), Юнусобод туманидаги 63-мактабда расм-чизмачилик фани ўқитувчиси бўлиб ишлаган (1979 й.дан). Дарс жараёнида илғор ва ноанъанавий иш усулларидан кенг фойдаланади. У раҳбарлик қилган «ёш наққошлар» тўғараги аъзоларининг расм, нақш ва уй-рўзгор буюмларига ишлаган нақш намуналари туман, шаҳар, республика миқёсидаги кўрик-танловларда совринли ўринларни эгаллаган. Унинг иш тажрибаси республика миқёсида оммалаштирилган.

МАНТИҚИЙ ПОЗИТИВИЗМ – неопозитивизмнинг бир кўринишини ифодаловчи тушунча. 20-а.нинг 20-й.ларида Вена тўғараги (В. Карнап, Ф. Франк, О. Нейрат ва б.) негизида вужудга келган. М. п. ғоясига кўра, ҳақиқий илмий фал. фақат фан тилини мантиқий таҳлил қилишга кодир. Ушбу таҳлил, бир томондан, метафизика (анъанавий фал.)ни четлаштиришга, иккинчи томондан, бевосита далилларни аниқлаш ёки илмий тушунчалар моҳиятини эмпирик тарзда текшириш мақсадида илмий билимнинг мантиқий тузилишини тадқиқ этишга қаратилган. Шу боис мазкур мет.дан пед. тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш имконияти мавжуд.

МАОРИФ – билим тарқатиш, таълим бериш; мамлакатдаги таълим-т-я ва маданий-маърифий муассасалар тизими.

МАРДЛИК – инсоннинг маънавий хислати, номардликнинг зидди, ор-номус, виждон ва садокатни, шахснинг олийжаноблигини ифодалайдиган тушунча; мард кишиларга хос иш, хатти-ҳаракатни англатувчи сўз. М. сўзи халқимиз ўртасида кенг қўлланилиб, миллатимизга хос фазилатни ифодалайди. Мард – эр киши, бир сўзли ва ҳар қандай ишни беғараз бажарувчи ор-номусли одам. М. эса жасорат, кўркмаслик, ботирлик каби сўзлар б-н маънодош. М. сўзи халқимиз онгида инсоф атамаси б-н ҳам уйғунлашиб кетган. Негаки мард кишида инсоф бўлади. Инсоф – бу адолат ва виждон амри б-н иш тутиш туйғуси, кишиларга муносабатда ҳалоллик, тўғрилиқ, тенглик, софдиллик ва ҳақиқатгўйликка амал қилишдир. М. фазилатига эга киши бу

сўз замиридаги маъно-мазмунни тараққий қилди, уни кадрлайди. Мард инсоф оғизларни ҳимоя қилади, камбағалларга ёрдам беради, забунларнинг кўнгилни кўтаради. Азаддан аждодларимиз М.ни юксак кадрлаб, эъзозлаб келган. Бу халқимизнинг оғзаки ижоди, бадиий асар намуналарида ўз ифодасини топган. Ёшларни М. руҳида тарбиялаш улар маънавиятини шакллантиришда алоҳида пед. аҳамият касб этади.

МАРДАНОВ Шуқурулло Қўлдошев (1952. 20. 05) – пед. фанлари д-ри (2006). Саратов пед. ин-тининг рус тили ва адабиёт-ини тамомлаган (1974). Жиззах пед. ин-тида ўқитувчи (1974–79), ТДПУ аспирант (1979–81), Жиззах пед. ин-тида ўқитувчи, катта ўқитувчи, каф. мудир, рус тили ва адабиёти ф-ти декани (1982–98), маънавий-марифий ишлар бўйича биринчи проректор (1998–2001), Жиззах вил. педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ин-ти ректори (2001–04), ЎзПФТИИ Пед.-психология бўлими бошлиғи (2005–07), бош илм. ходим (2007–10), лаб. мудир, директор ўринбосари (2011–14). Ҳоз. вақтда ЎзМУнинг «Педагогика ва умумий психология» каф.си проф.ри.

М.нинг 250 дан ортиқ илмий асарлари (шулардан 1 та дарслик, 5 та монография, 20 та илмий-услубий қўлланма, 20 дан зиёд илмий мақола) эълон қилинган. **МАРКЕТИНГ** (инг. market – бозор, бозордаги ҳаракат, фаолият) – корхонанинг товарлар ишлаб чиқариш ва сотиш ташкил этиш ҳамда бошқариш шакли. Пед. маънода таълим воситаларини сотиш ва сотиш б-н шуғулланадиган соҳа.

4-адамаси 19-а.нинг 60-й.ларида Макко-
арн томонидан киритилган. М. назарий
цепция ва тижорат ф-ятининг ўзига
ес ходисаси тарзида 20-а. бошларида
Шда илк бор қўлланилган. И. ч. ва
рмоянинг юксак даражада тўпланиши,
иқтисодиёт тармоқларида монополиялар
акронлиги, халқаро бозорда кескин
обатнинг вужудга келиши маҳсулот
тиш муаммосини объектив тарз-
биринчи ўринга чиқарди. 1908 йда
Шда М. муаммоларини ўрганадиган
ринчи ихтисослашган фирма пай-
бўлган. 1911 й.да эса ўша даврдаги
қатор йирик компаниялар тижорат
икотлари б-н шуғулланадиган даст-
ки бўлимларни очган. Компания-
хузурида бозорни ўрганиш, рекла-
харидорларга хизмат кўрсатиш ва
қаришнинг бошқа вазифалари б-н
уланадиган М. бўлимлари таъсис
ла бошланган. 1931 й.да Америка М.
ти, 1937 й.да эса Америка М. миллий
шмаси тузилган. 20-а.нинг 50–60-й.
ида халқаро М. федерацияси, жамо-
лик фикри ҳамда М. бўйича Евро-
ж-яти ва Европа М. академияси каби
халқаро М. ташкилотлари тузилган.

Бозорни билиш (истеъмолчиларни
томонлама ўрганиш, уларнинг дид
истакларини билиш), бозорга мосла-
ш. бозорга таъсир ўтказиш М.нинг
асий тамойилларидир. Шунингдек,
ни қўллаш б-н боғлиқ масалаларни
плекс равишда ўрганиш; маҳсулот
ртиментини режалаштириш; та-
ни ва савдога рағбат берадиган
бирларни шакллантириш; савдо ва
симот; бошқариш ва назорат қилиш

М. ф-ятининг мазмунини белгилайди.
Мутахассислар М.нинг 9 та асосий вази-
фасини кўрсатиб ўтади: режалаштириш
ва маҳсулотни яратиш; маҳсулотнинг нав
ва стандартларини белгилаш; маҳсулот
хариди ва уни гуруҳлаштириш; сотиш;
омборга жойлаш; транспорт хизмати; М.
ф-ятини молиялаш; хатарлар ва бозорга
оид ахб.лар тўплаш.

Ўзбекистонда 1980-й.лардан иқтисо-
диёт ўқув юртларида М. курслари
ўқитилган. М. масалалари б-н даст-
лаб С. Салимов, С. Фуломов, А. Бекму-
родов, Ж. Жалолов, М. Қосимова, Д.
Муҳитдинов, М. Насриддинова, Х. Раи-
мов ва б. шуғулланган.

Ҳоз. мамлакатимизда ф-ят кўрсата-
ётган тижорат банклари, йирик и. ч.
корхоналарининг аксариятида ва бар-
ча ОЎЮ, таълимни бошқариш б-н
шуғулланадиган муассасаларда М. бў-
лимлари ф-ят кўрсатмоқда. Келажақда
пед. М.ни ривожлантириш, таълим бо-
зори б-н боғлиқ муаммоларни ўрганиш
алоҳида долзарблик касб этмоқда.

МАРОСИМ (араб. – урф-одатлар,
удум) – диний ёки анъанавий урф-
одатлар муносабати б-н ўтказиладиган
тадбир, йиғин; расм-русум, анъанага
айланган намойиш; шахс, гуруҳ ва ж-ят
хаётидаги муҳим ходисаларни нишон-
лаш шакли.

Дастлаб М. диний тизимлар дои-
расида вужудга келиб, унда шахснинг
ижт. тизим б-н алоқалари ифодаланган.
Ҳоз. даврда М. асосан, маиший тур-
муш, сиёсий ва ижт. тизимлар ҳаётида
намоён бўлади. М. таркиби, одатда,
рамзий ҳаракатларнинг қатъий белги-

ланган изчил тартибидан иборат бўлиб, рақслар, кўшиқлар, расмлар, предметлар, матнлардан ташкил топади. М.нинг қуйидаги асосий турлари фарқланади: диний, фуқаролик, этник, сиёсий, дипломатик ва ҳ.к. М. турлари, кўпинча, бир-бири б-н уйғунлашиб, аралашиб кетади. Улар орасида диний М.лар қадимий бўлиб, бошқа турлари аста-секин улардан ажралиб чиққан. М.ни ўтказиш шахс ва гуруҳ ҳаётидаги муҳим воқеаларни нишонлашдан ташқари, унинг миқёси, унга сарф қилинган харажатлар ҳажми М. субъектининг ижт. мавқеи, бойлиги, даромади тўғрисида ҳам гувоҳлик беради. Қадим замонлардан одамлар М.ни фақат эътиқод ёки зарурат туфайли эмас, ўз мавқеи, бойликларини кўз-кўз қилиш, сохта обрў орттириш мақсадида ҳам бажара бошлаган. М.ларни ўтказишда ҳаддан ортиқ дабдабозлик, расмиятчилик ва ш. к. уларнинг кадр-кимматини туширишини, М.лар халқ маънавиятининг таркибий қисми, миллий ўзликнинг ифодаси эканлигини таълим муассасаларида ўқувчи ҳамда талабаларга тушунтириш лозим.

МАРҒИНОНИЙ Бурҳониддин, тўлик исми Абулҳасан Али ибн Абубакр ибн Абдулжалил ал-Фарғоний ал-Риштоний ал-Марғиноний (1123. 23. 9, Риштон тумани, Даҳбет қишлоғи – 1197. 29. 10, Самарқанд) – буюк фикршунос, ахлоқшунос ва имом. У Риштон, Марғилон, Бухоро, Самарқанд ва Моваруннаҳрнинг бошқа шаҳарларида исломий таълим олиб, ҳанафийлик мазҳабининг буюк фақиҳи сифатида ном

қозонган. М. шайхулисом даражасига кўтарилган.

М. ахлокий пед. қарашларини 1178 й.да ёзган «Китоб ал-Ҳидоя» (қисқача «Ҳидоя» – «Тўғри йўл»)да баён қилган. Ушбу китобда ўша замонларда мўмин-мусулмонлар дуч келадиган долзарб ҳаётий масалалар, жумладан, оилавий ва ижт. муносабатлар, инсоннинг бурч ва масъулият ҳиссига тааллуқли муаммоларни ёритган. Китоб бир неча тилларга таржима қилинган. Ушбу китобдан ОЎЮда ҳуқуқшунослик тарихини ўрганишда кенг фойдаланилади.

М. халқ орасида ҳидоят йўлининг сарбони деган юксак эътирофга сазовор бўлган. Шунингдек, у Вал-Милла (ислом динининг далили, исботи) деган шаръли номга ҳам лойиқ кўрилган.

М.нинг бизгача етиб келган асосий фикрлий асарлари қуйидагилар: «Нашр ул-мазҳаб» («Мазҳабнинг тарқалиши»), «Китоб ал-маносак ул-ҳаж» («Ҳаж маросимлари ҳақида китоб»), «Китоб ун-фил-фароиз» («Мерос ҳуқуқи бўйича китоб»), «Китоб ат-тажнийсу вал-мазийд» («Илми зиёда қилувчи китоб»), «Мухторот ун-навозил» («Мажмуъ ун-навозил») («Нозил бўлган нарсалар мажмуаси»), «Китоб ул-машойих» («Шайхлар ҳақидаги китоб»), «Мазийдун фи фуруъ ил-ҳанафия» («Ҳанафий мазҳабига қўшимчалар»), «Шарҳ ал-Жомий ал-кабир Муҳаммад аш-Шайбоний» («Муҳаммад аш-Шайбонийнинг «Ал-Жомий ал-кабир» асарига шарҳ»), «Бидоят ул-мубтадиъ» («Бошловчилар учун дастлабки таълим»), «Кифоят ул-мунтаҳий» («Яқунловчилар учун тугал таълим»

«Бидоят ул-мубтадиъ» асари учун ёзилган 8-ж.ли шарҳ, «Ҳидоя» («Кифоят ул-ғантахий») асари учун ёзилган 4-ж.ли шарҳ).

М.нинг «Китоб ул-фароиз» («Мажриятлар ҳақида китоб») асари ҳам мад. фикр таракқиётида муҳим ўрин эгаллади. Унинг асарларида адолатлик, ўз даврининг ҳуқуқий мезонлари асосида яшаш, ўзганинг мол-мулкига ҳақ олайтирмаслик, ҳаромдан ҳазар қилиш, инсоф ва диёнат, меҳр-оқибат ва ахлоқий тушунчалар устивор ўрин эгаллаган. М. ўз ҳаёти давомида ана шундай инсоний фазилатларга амал қилиб яшаган. Илму ирфон йўлидаги шайхлиги, камтарлиги ўз асарларида бирон марта ҳам «мен» деган сўзни қолдирмай, «бу заиф банда айтади», «бу ҳокисорлик б-н изоҳ беришида ҳам қўриқиб туради. М.нинг илмий мероси бугунгача аҳамиятини йўқотмаган. Жаҳондаги кўплаб ОЎЮда мусулмон ҳуқуқшунослиги фанлари М.нинг таълимоти асосида ўрганилади. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин унинг илмий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, асарларини чоп қилиш ишларига дав. микёсида эътибор қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ташаббуси б-н таваллудининг 910 йиллиги (ҳижрий 1000-на бўйича) кенг нишонланди (2000). Бу муносабат б-н Марғилон ш. марказида Бурҳониддин Марғиновичий ёдгорлиги мажмуи бунёд этилиб, унинг рамзий қабри бараси ўрнатилди.

М.нинг илмий мероси педагогларда ҳам алоҳида қизиқиш уйғотмоқда. Жаҳондаги кўплаб ОЎЮда мусулмон ҳуқуқшунослиги фани М.нинг фикр таълимоти асосида ўрганилади.

МАСЛАҲАТ (араб. – умум манфаати; фойда) – бирор ишни қандай қилиш ёки, умуман, нима қилиш кераклиги ҳақида йўл-йўриқ тарзидаги фикр, мулоҳаза; муайян шароитларни ҳисобга олган ҳолда психологик таъсир ўтказиш.

МАСЪУЛИЯТЛИЛИК (араб. – жавобгарлик, ҳисоб бериш) – бирор иш, хатти-ҳаракат оқибати, натижаси учун бўлган жавобгарлик. М. маънавий, ижт. ва маъмурий-ҳуқуқий соҳаларда кенг қўлланиладиган тушунча; маънавий нуктаи назаридан ёндашилганида – бурч; ижт. маънода – ж-ят ва б. олдидаги маънавий қарздорлик; маъмурий жиҳатдан, ижт. тартибга солишнинг турли меъёрларини амалга оширишни назарда тутувчи жамоатчилик назоратининг намоён бўлиши; ҳуқуқий ёндашувда эса, асосан, юридик жавобгарликни англатадиган серқирра ва кенг маъноли категория. Мазкур сўз пед. учун алоҳида аҳамиятга эга. Масъулият муаммосига фанда азалдан эркинлик ва зарурат категорияларининг ўзаро нисбати, шахс ҳулқ-атвори ва ф-ятининг маънавий-ахлоқий жиҳати нуктаи назаридан ёндашиб келинади. Шу маънода М. тушунчаси фал., ахлоқий, пед., психологик, юридик, ижт.-иқтисодий соҳаларга хос кўплаб масалаларнинг мураккаб мажмуини қамраб олади. Бу инсон ва ижт. борлик моҳиятининг мураккаблиги ва ранг-баранглиги б-н белгиланади. Ҳар

қандай одам ўзи учун муҳим бирон-бир мақсадга эришиш йўлида ҳаракат қилиш усулини танлашда ўз табиатига кўра эркин эканига қарамай, унинг шахсий ҳаёти бошқалар, умуман, ж-ят олдидаги масъулияти б-н узвий боғлиқ. Ж-ят эса ўз-ўзини асраш ва ривожланиш учун муайян ички тартибни шакллантириб, аъзоларининг номақбул қилмишларини амалда чеклашга мажбур. Одамларнинг хулқ-атвор меъёрлари б-н М. узвий алоқададир. Бу ҳолат ж-ятнинг барча аъзолари бир-бири ва ж-ят олдида маълум мажбуриятларни онгли ёки онгсиз равишда қабул қилиши, шунингдек, зарур ҳолларда уларни рўёбга чиқаришга тайёрлигида намоён бўлади. Тарихдан маълумки, ҳокимиятнинг барча бўғинлари барқарор ва масъулиятли бўлмаса, ж-ят изчил ривожланиши ва тараққий этиши мумкин эмас. Бу масала ҳоз. дунёда янада муҳим аҳамият касб этмоқда. Масъулиятга ахлоқ ва ҳуқуқ категорияси сифатида таъриф берилганида у шахснинг ж-ятга нисбатан ўз маънавий бурчи ва ҳуқуқий меъёрларни бажариши б-н тавсифланувчи алоҳида ижт. ва ахлоқий-ҳуқуқий муносабатни акс эттиради.

МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ – ахб. коммуникация техникаси воситасида амалга ошириладиган пед. жараён. М. т. техн. си – бу шахс б-н мустақил, лекин назорат қилинувчи белгиланган билимларни ўзлаштириш жараёнида мулоқот қилиш воситалари, шакллари ва тушунчалари йиғиндисидир. Унинг асосий бўғини телекоммуникация воситалари ва уларни етказувчи воситалар ҳисобланади.

МАСОФАВИЙ ЎҚИТИШ – ўқув машғулотларининг барчаси ёки кўп қисми телекоммуникацион ва замонавий ахборотлаштириш техникаси асосида олиб бориладиган масофадан туриб ўқитиш жараёнини ифодаловчи тушунча.

МАСОФАВИЙ ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ – инсон ва техник ресурсларни, уларнинг ўзаро алоқасини ҳисобга олган ҳолда таълим хизматининг яхлит тизимли жараёнини яратиш, қўллаш ва оммалаштиришдан иборат техн.; инсон бош мияси тўқималарининг модулли ташкил этилганлигига асосланган ўқитишнинг истикболли тизими; инсон ва техник ресурсларнинг ўзаро алоқаси ёрдамида амалга ошириладиган таълим жараёни.

МАТБОБОЕВ Неъматжон Султонович (1950. 30. 4, Учкўприк тумани) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1999). Фарғона пед. ин-тини тугатган (1972). Учкўприк туманидаги 30-мактабда ўқитувчи (1972–78), ёш табиатшунослар станциясида услубчи, директор (1978–82), Учкўприк туманидаги 29-мактаб ва «Зиё» иқтисод лицей-интернатида кимё-биология фани ўқитувчиси бўлиб ишлаган (1982 й.дан). М. кимё-биологиядан лаб. машғулотларини ўтказиш учун тўла шарт-шароит ярата олган. Лаб. машғулотлари учун ўқувчилар б-н бирга энг оддий асбоблар ясашга эришган. Унинг тажрибалари республика миқёсида оммалаштирилган.

МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ (араб. матбуот – босма асарлар, нашрлар) – дав., илм-фан, маданият ва б. соҳа арбобларининг кенг оммани қизиқти-

рувчи масалалар бўйича вақтли матбуот ходимлари б-н учрашуви, суҳбати. Пед. маънода педагогларнинг ўқувчилар жамоаси б-н муайян мавзу доирасида олиб борадиган суҳбат, савол-жавоб вазиятларини ўз ичига олган ўқитиш методи.

МАТЕМАТИКА ДАВЛАТ ТАЪЛИМ СТАНДАРТИ – мат. таълим мазмуни ва шбу ўқув предмети бўйича ўқувчилар аталлайдиган билим, кўникма ва малакаларга қўйилган талабларнинг дав. томонидан тасдиқланган эталони, модели.

МАТЕМАТИКА ХОНАСИ – мат. фанини ўқитишда дарс ва дарсдан ташқари машғулотларни самарали ташкил этиш мақсадида махсус жиҳозланган ўқув хонаси.

МАТЕМАТИКА ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ – мат. таълими назарияси ҳамда мет.си бўйича талабаларга муайян билим, кўникма, малакалар ҳосил қилишга йўналтирилган ўқув фани; пед.нинг алоҳида соҳаси.

МАТЕМАТИКА ЎҚУВ ФАНИ – (юн. mathematike, mathema – билим, фан) – энқ мантикий мушоҳада, ҳисоблаш амаллари б-н шуғулланадиган фан асосларини ўқитишга йўналтирилган ўқув фани.

МАТЕМАТИКАНИНГ ТАНЛАНГАН МАСАЛАЛАРИ КУРСИ – мат. таълим ўқувчиларга мат.нинг назарий муаммоларини ўргатишга қаратилган бўлими.

МАТЕМАТИК МОДЕЛЬ – математик ҳисоблар, белгилар ва ҳодисалар синининг тахминий намунаси, баёни.

МАТЕМАТИК МОДЕЛЛАШТИРИШ МЕТОДИ – лойиҳалаштиришга асосланган объектни ўрганиш усулини ифо-

даловчи тушунча. Замоनावий илмий билиш назариясида мақсадларга эришиш воситаси хизматини бажариб келган ва бажараётган усулларнинг бири моделлаштиришдир. Мазкур усул замоनावий фаннинг ҳамма соҳаларида, яъни мат., физика, биол., иқтисод, пед., тиббиёт, экология ва б. фанлардан тортиб ижт. фанларда ҳам билиш усули сифатида қўлланилади. Ҳоз. вақтда моделлаштириш мет.ининг инсон ф-ятининг ҳар қандай соҳасида у ёки бу даражада қўлланилмаслигини тасаввур қилиш қийин. Мазкур усул объектив дунёдаги нарса ва ҳодисаларни бевосита ўрганиш мумкин бўлмаган ва ўрганиш объекти мураккаб бўлган пайтларда самарали илмий восита ҳисобланади. Мас., шахснинг ривожланиши ва дунёкарашининг такомиллашуви, микро ва мегадунё ҳодисаларини билиш, ижт. ҳодисаларнинг моҳияти ва ривожланиш қонуниятларини бевосита идрок этиш орқали била олмайди. Шу боис мазкур ҳодиса ва жараёнларни қулай идрок этиш ва ўрганиш учун улар сунъий шаклда қайта ишлаб чиқилади. Мазкур жараён моделлаштириш жараёни ҳисобланиб, табиатдаги турли объектларнинг моделларини тузиш ва ўрганиш б-н боғлиқ. Моделларни таснифлаш масаласи илмий билишда гносеологик жиҳатдан фал. таҳлил қилиш предмети сифатида долзарб аҳамият касб этади. Моделларни таснифлаш фал. таҳлил ва тафаккур этиш предмети сифатида кам ўрганилган бўлиб, фақат анъанавий методологик таълимлар, кўрсатмалар нуқтаи назардан ёритилиб берилган. Мазкур масала ил-

мий билишда янги тадқиқот масаласи бўлмаса-да, хоз. кунгача ҳам назарий, ҳам методологик жиҳатдан мураккаб ва кўп компонентли ҳисобланиб, уни тадқиқ қилишда фақат методологик таъмоийил ёрдамида ўрганиш қутилган натижани бермайди. Чунки янги фанлар, объектларнинг юзага келиши ва моделларда акс эттирилган объект структурасининг мураккаблиги, белгиларнинг хилма-хиллиги моделларни таснифлаш масаласини янада нуқуррок тадқиқ этиш имкониятини яратади ҳамда мазкур муаммони ҳаққоний ёритишда янгича методологик ёндашув ва мезонларни ишлаб чиқиш заруриятини келтириб чиқаради.

Моделлаштириш бдеганда, моддий ва маънавий реал мавжуд тизимларни билишда мазкур тизимларнинг ташкил этилиши ва функционаллашуви таъмоийилларини қайта ишлаб чиқиш орқали яратилган муайян конструкцияланган аналог (модел) тушунилади. Бунда ўрганилаётган объектнинг оригинал ёки прототип, қайта ишлаб чиқилган объект — моделдир. Яъни бирор объект (оригинал)нинг бошқа объект (модель) ёрдамида хосса ва хусусиятларини тадқиқ этиш жараёни моделлаштириш жараёни б-н боғлиқдод н-о шиннатқў ва шннэт нннқб.

МАТЕМАТИК СТАТИСТИКА МЕТОДИ — статистик маълумотларни тўплаш, уларни тизимга солиш, қайта ишлаш ҳамда улардан илмий ва амалий хулосалар чиқариш усулларини ўз ичига олган атама. Статистик маълумотлар деганда муайян (микдорий) белгиларга эга бўлган мажмуаларнинг элементлари сони ҳақидаги маълумотлар ту-

шунилади. Бирор мажмуа элементларининг муайян белгилари тўғрисида шу ҳақдаги статистик маълумотларга қараб, у ёки бу хулосага келиш усули статистик усул дейилади. Бу усул илм-фаннинг жуда кўп соҳаларида кенг қўлланилади. Статистик усулнинг турли соҳалардаги татбиқларининг умумий жиҳатлари бирор гуруҳга кирувчи элементларни ҳисоблаш, миқдорий белгиларнинг тақсимотларини топиш, танламалар усулини қўллаш, бирор хулосага келиш учун зарур тажрибалар сонини эҳтимоллар назариясидан фойдаланиб топиш, миқдорий белгилар орасидаги боғланишларни аниқлаш кабиларни ўз ичига олади. Статистик усул кўп ҳолларда оммавий таснифлеҳодисаларни ўрганиш усули бўлгане учун эҳтимоллар назарияси бу усулнинг назарий асосини ташкил қилади.

МАТЕМАТИК ЎЙИНЛАР ВА БОШҚОТИРМАЛАР — болаларда дастлабки математик тасаввурларни шакллантиришга қаратилган дидактик воситаларни фойдаловчи атама.

МАТЁҚУБОВА София Ўруновна (1951. 28. 3, Урганч ш.) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1994). Запорожье пед. ин-тини тугатган (1972). 1972 й.дан Шеробод туманидаги 1-мактабда инглиз тили ўқитувчиси. Инглиз тили фанидан бошланғич синфлар учун дастур ишлаб чиққан.

МАТЁҚУБОВ Ҳабибулло (1926. 18. Урганч тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1996). Тошкент пед. ин-тини тугатган (1957). Янгибозор туманидаги мактабларда тарих

Ўқитувчиси, директор (1957–94), 10-линей-интернатда директор. Иш ф-яти давомида тарих дарсини кўргазмалар роллари ва техник воситалар асосида ўқишнинг турли мезонларини ишлаб чиққан. 1983 й. вилда биринчи бўлиб бу нуқтада ёпиқ телестудияни ишга туширган. Мактабда ўқувчилар билимининг рейтинг усулида баҳолашни жорий қилган, ўқитувчиларнинг иш ф-ятини баҳолашнинг диагностик таҳлилини ишлаб чиққан.

МАТЖОНОВА Бибисора Ўринбоевна (1950. 14. 1, Хўжайли ш.) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Воронеж пед. ин-тини тугатган (1973). Хўжайли ш.даги 6-сонли (1973–83), Ташиқтош ш.даги 6-мактабда рус тили ва адабиёт фани ўқитувчиси (1983–98), Ташиқтош ш. халқ таълими бўлими ҳузуридаги ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-пед. ташхис маркази раҳбари бўлиб ишлаган (1998 й.дан). Пед. ф-яти давомида ўқитишнинг ноанъанавий усуллари қўллаб, яхши натижаларга эришган.

МАТЖОНОВ (Матчанов) Сафо (1947. 01., Амударё тумани) – пед. фанлар доктори (1998), проф. (2004). Низомий юмидаги Тошкент пед. ин-тининг тарих-филол. ф-тини тамомлаган (1969), Амударё туманидаги 1-, 3-мактабларда рус тили ва ад. фанларидан дарс берган. «Ўқитувчи» нашриётида муҳаррир, келажикчилик ўзбек тили ва ад.и бўлими муҳаррири вазибаларида ф-ят юритган.

М. иштирокида «Ўқиш китоби» (4-синф), «Она тили ўқитиш методикаси», «Кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари

нутқини ўстириш», «Ўзбек адабиёти», «Бошланғич синф она тили дарсларини педагогик технологиялар асосида ташкил этиш», «4-синфда ўқиш дарслари» каби дарслик ва қўлланмалар нашр этилган.

М. маънавий-маърифий жабҳадаги илмий-ижодий ф-яти учун 2008 йда Халқаро «Антик дунё» академияси аъзолигига сайланган.

МАТН (араб. – елка; нутқнинг ёзувдаги ифодаси, текст) – ёзувда ёки босма ҳолда шакллантирилган муаллифлик асари ёки ҳужжат; босма нашрнинг расм, чизма ва изоҳларсиз асосий қисми.

МАТОНАТЛИЛИК (араб. – мустаҳкамлик, қатъийлик; салобат) – белгиланган мақсадга эришиш йўлида учрайдиган қийинчилик ва тўсиқларни енгиб ўтишда сабр-тоқат б-н қилинган хатти-ҳаракат ва шахс хулқ-атворида хос кучли иродани ифода этувчи хислат. Матонатли инсон ҳар қандай мураккаб вазиятда чексиз сабот ва чидам, қатъият б-н муваффақиятсизликдан чўчимасдан, таъна-маломатлар, бошқаларнинг қаршилигига қарамай, кўзлаган эзгу мақсадга эришиш учун руҳий ва жисмоний кучини тўлиқ сафарбар эта олади. Жаҳон ва Ватанимиз тарихида қалбида ана шундай жасорат, улкан М. ҳисси ниҳоятда кучли бўлган инсонлар ҳар қандай мураккаб вазиятда ҳам адолат ва ҳақиқат йўлида ўзини аямай, эл-юрт учун қандай ибратли ишларни амалга оширганини кўриш мумкин. Шу боис аждодлар ибрати асосида ёшларни матонатли бўлишга ундаш алоҳида пед. қимматга эга.

МАТРИЦА УСУЛИ (нем. matrize, лот. matrix, matricis – бачадон; она; манба, рўйхат) – маълумотларни матрица, яъни учбурчак шаклида жойлаштириш усули; мат.да ихтиёрий элементлардан тузилган тўғри бурчакли жадвал. Матрица элементлари йўл (сатр) ва устунлар бўйлаб жойлашади. Сатр ва устунлар, кўпинча, умумий атама б-н «Матрица каторлари» дейилади.

МАФКУРА (араб. – фикрлар мажмуи) – муайян ижт. гуруҳ, қатлам, миллат, ж-ят, дав. манфаатлари, орзу-истак ва мақсад-муддаолари ифодаланган ғоявий-назарий қарашлар ҳамда уларни амалга ошириш тизими. Унда манфаатлар ифодаланаётган куч ва қатламларнинг ўтмиши, бугуни ва истикболи ўз ифодасини топади. Инсоният тарихида турли халқлар ва ижт. кучларнинг ғоявий раҳнамолари, мутафаккир ва арбоблари, ўзларининг манфаат ва мақсадларидан келиб чиқиб, М.вий таълимот ва дастурлар ишлаб чиқишган. М. муайян диний, фал. таълимот асосида яратилади, маълум илмий қараш ва ахлоқий тамойилларга таянади. М.лар ўз моҳияти ва таъсир кучига кўра, ж-ятни бирлаштириши ёки уни бири-бирига карама-қарши тарафларга бўлиб юбориши, дав.нинг жаҳондаги обрў ва мавқеини ошириши ёки тушириши, халқларни юксакликка кўтариши ёки таназзулга дучор этиши мумкин. Юксак мақсадлар, бунёдкор ғояларга асосланган М. ижт.-иқтисодий тараққиётга туртки бўлади, маънавиятни юксалтиради, инсонларни улуғвор ишларга сафарбар этади. Озодлик, эркинлик, мустақиллик, тинчлик, ҳамкорлик ғоялари асосида

шаклланган, эзгу мақсадларга хизмат қиладиган М. бунёдкорлик хусусиятига эга. Вайронкор ғоялар асосида шаклланган М. эса ж-ят тараққиётига ғов бўлади, миллат ва халқларни асратга солади. Бундай М.лар хукмрон, мустабид, тажовузкор, босқинчилик, экстремистик, акидапарастлик шаклларида намоён бўлади. Собиқ шўро даврида М.га умуминсоний қараш шаклланмаган, бунга йўл қўйилмаган. Унга тўғри ва холисона баҳо бериш имкони мустақиллик туфайли вужудга келди. Шу боис мустақилликнинг илк йилларидан ўқувчи ва талаба ёшлар онгига мустақиллик мафкурасини синдириш соҳасида кенг қўламли ташкилотлар, чора-тадбирлар амалга оширилди. Мустақиллик М.нинг илмий назарий ҳамда пед. асослари яратилди.

МАФКУРАВИЙ БАРҚАРОРЛИК – узил-кесил, қатъий ўрнашган мафкурага амал қилиш жараёни. Бунда мафкурага ҳеч қандай ўзгариш таъсир қилмайди, ж-ят аъзолари онгида қатъий ўрнашган бўлади, уларни барқарор ривожланишга ундайди.

МАФКУРАВИЙ БЕҚАРОРЛИК – қатъилик ж-ятига хос муайян хусусиятлардан бири; мафкуравий соҳадаги тамойилларнинг қарор топмаганлиги ва доимий эмаслиги. Бу тушунча баъзан ижт. ҳаётда мафкураларнинг алмашиб туриши жараёнини изоҳлаш учун ҳам қўлланилади. М. б., асосан, дав. тизими бир ижт.-иқтисодий тузумдан бошқасига ўтиши даврида юзга келади. Шу нуқтаи назардан, М. б. муайян тарихий шароитда юзага келган ғоявий ўзгарувчан ҳолат дейиш мум

зин. Ж-ятнинг янгиланиш босқичларида, одатда, эски тузум, эски турмуш тарзи б-н бирга ўша тузум мафкураси ҳам юзтубан бўлади ва бу маълум даражада М. б.ни юзага келтиради. Мафкуравий бўшлиқ ва М. б. ҳамоҳанг, чунки бундай пайтда вазиятдан фойдаланиш илинжида турли ғаразли мақсадларни кўзлаган мафкуралар ҳам бош кўтаради. Агар шундай ҳолатда эҳтиётсизликка йўл қўйилса, ж-ят ҳалокат ёқасига келиб қолиши, М. б. пайдо бўлиши мумкин. Доимо турли ёт мафкуралар б-н янгидан шаклланаётган миллий мафкура ўртасида муросасиз кураш боради. Бу кураш томонларнинг зараро вақтинчалик муваффақиятлари тарзида кечиши мумкин. Бундай бекарорлик ижт. ҳаётга салбий таъсир кўрсатади.

МАФКУРАВИЙ БЎШЛИҚ – ж-ят, дав. ва меҳнат жамоалари, таълим муассасаларида вужудга келган вазият, ижт. муҳит, тарбиявий-мафкуравий ишларнинг заифлашиб қолиши. Бундай шароитда фуқаролар онги ва ф-ятида турли миш-мишлар, сафсаталар устуворлик қила бошлайди. Кишилар хатти-ҳаракати ва руҳиятида сусткашлик, доқайдлик кайфияти ҳукм суради. Шу боис ёшлар маънавиятида М. б. вужудга келмаслиги учун уларнинг қалби ва онгида соғлом ҳаёт тарзи, миллий ва умуминсоний кадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғусини шакллантириш оила ва таълим муассасаларининг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

МАФКУРАНИНГ ВАЗИФАЛАРИ – миллатлар ва дав.лар, турли ижт.-сиёсий кучларнинг ўз ғоявий тизимларини яратиш ва тарғиб қилишдан кўзлаган мақ-

сад-муддаolari ҳамда ўз мафкуралари орқали ҳал қилиши лозим бўлган вазифалари мажмуи. Ҳар қандай мафкура бир қатор муҳим вазифаларни бажаради: а) муайян ғояни кишилар онги ва руҳиятига сингдириш; б) аҳолининг турли гуруҳларини бирлаштириш; в) кўзланган мақсад ва ниятларга эришиш учун кишиларни сафарбар этиш; г) уларни маънавий-руҳий рағбатлантириш; д) аҳолини, айниқса, ёшларни ғоявий тарбиялаш ва уларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш; е) бошқа мафкуравий ва ғоявий таъсирлардан ҳимоя қилиш.

Юксак ғояларга асосланган, манфаатлар ва фикрлар хилма-хиллигини эътироф этадиган мафкуравий тизимлар тараққиётга элтади. Тор миллий ё синфий талаб-эҳтиёжларни бошқа халқлар ёки гуруҳлар ҳисобига кондиришини ният қилган мафкуралар охир-оқибат барбод бўлади, ўз тарафдорларини таназзул ва ҳалокатга дучор этади.

МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТ – шахс, ижт. гуруҳ, миллат, ж-ятни турли зарарли ғоявий таъсирлардан ҳимоя қилишга хизмат қиладиган ғоявий-назарий қарашлар ва кадриятлар тизими. Иммунитет (лот. *immunitas* – озод бўлиш, қутулиш), тиббий нуқтаи назардан, организмнинг доимий ички муайянлигини сақловчи, уни турли зарарли ташқи таъсирлардан ҳимоя қилишга кодир реакциялар мажмуидир. Маънавий нуқтаи назардан эса, иммунитет – турли ёт, бузгунчи мафкуралардан ҳимоя қилувчи эзгу ғоялар мажмуи. Ҳар бир

шаҳсада М. и.ни шакллантириш зарур. М. и. ҳар бир авлод учун ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, у шакллантирилган ж-ятдагина мафкуравий дахлсизлик таъминланади. М. и.нинг асосий ва биринчи элементи – бу билим. Буюк давлатчилик шовинизми ёки агрессив миллатчилик мафкураси тарафдорлари ҳам муайян «билим»ларга таянади. Шу боис М. и. тизимидаги билимлар объектив бўлиши, воқеликни тўғри ва тўлиқ акс эттириши, инсон маънавиятини бойитиши ва ж-ят тараққиётига хизмат қилиши ҳамда Ватан ва миллат манфаатлари б-н узвий боғлиқ бўлмоғи керак. М. и. тизимининг иккинчи асосий элементи ана шундай илғор билимлар замирида шаклландиган баҳолар, қадриятлар тизимидир. Зеро, билимлар қанчалик объектив ва чуқур бўлса, унинг замирида юзага келган қадриятлар ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади. Зеро, қадриятлар М. и.нинг имкониятларини белгилаб беради ва зарарли ғоялар йўлида мустаҳкам қалқон бўлиб хизмат қилади. Аммо билимлар ва қадриятлар тизими мавжудлигининг ўзи М. и.нинг моҳиятини тўлиқ ифода эта олмайди. Чунки бу икки элемент М. и.нинг учинчи муҳим элементи – ижт. иктисодий, сиёсий ва маданий-маърифий соҳалардаги мақсадлар тизими б-н боғлиқ. Ана шундай аниқ мақсадлар тизими бўлмас экан, инсон, миллат ёки ж-ят гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона мафкуравий тазйиқларга дучор бўлаверади.

Бугун турли мафкуравий ва ғоявий таъсирлар авж олганлигини назарда тутиб, ёшларда миллий мустақиллик мафкурасини шакллантириш, уларнинг

рухий баркамоллиги, мустаҳкам мафкуравий этикодини таъминлаш шарт.

МАФКУРАВИЙ МУАММОЛАР – ғоявий бекарорликка чек қўйиш, мафкуравий бўшлиқни тўлдириш, мафкуравий таҳдиднинг оддини олиш, мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш б-н боғлиқ масалалар мажмуи. М. м. ж-ят ҳаётининг бир тарихий босқичидан иккинчисига ўтиш даврида жиддий аҳамият касб этади. Дунёда ранг-баранг дунёқарашлар, турли миллий, диний, сиёсий оқимларнинг ўзига хос ғоялари мавжуд. Уларнинг баъзилари ўзаро уйғун ҳолда бир-бирини тақозо этса, айримлари бир-бирига мутлақо зид. Ғоялар, мафкуралар кураши натижасида дунёнинг айрим минтақаларида оммавий қирғинлар, фожиалар юз бераётган бўлса, бошқа дав.ларнинг юксак даражада ривожланаётганини кузатиш мумкин. Бу эса ҳар қандай ж-ят ёки дав.нинг тақдири кўп жиҳатдан М. м.нинг қандай ҳал қилинишига боғлиқлигини кўрсатади. М. м. ичида мафкуравий хавф, таҳдидни бартараф этиш муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга. Ҳоз. кунда жиддий мафкуравий хавф сифатида диний экстремизм, миллатчилик, шовинизм, маънавий қашшоқлик, ахлоқсизликни тарғиб қилишга асосланган ғоявий қарашлар тизими ва амалиётини кўрсатиш мумкин. Бу хавф ва таҳдидларни бартараф этиш масаласи ҳам М. м. доирасига киради. Республикамизда муайян М. м.ни ҳал қилиш йўлида самарали ишларни олиб борилиши б-н бирга миллий тараққиётга хизмат қиладиган, халқнинг дунёқарашига мос бўлган соғлом мафкурани шакллантирилмоқда.

МАФКУРАВИЙ ПЛЮРАЛИЗМ (лот. pluralis – хилма-хиллик, ранг-баранглик) – ижт.-сиёсий ҳаётда турли қатлам, партия, гуруҳлар манфаатларини фойдаловчи ғоявий ранг-баранглик, қарашлар ва фикрлар хилма-хиллигини англатадиган тушунча. Мамлакатда илғор ғоялар, мафкуралар қанча бўлса, яъни М. п. ҳукмрон бўлса, тараққиётнинг самарали йўлини танлаб олиш имконияти шунчалик кенг бўлади. Фикрий кураш мафкураларнинг маъно ва мазмун жиҳатдан бойишига, бир-бирини тўлдиришига хизмат қилади. М. п. ижт. тараққиётга хизмат қиладиган навидан-янги ғояларнинг пайдо бўлиши, турли халқ, элат, миллат ва сиёсий гуруҳларнинг манфаатлари умумий ҳаётда рўёбга чиқишига шароит яратади. Муқаррар равишда кўппартиявийлик тизимини такозо этади. Сиёсий партиялар эса ўзлари мансуб бўлган қатламлар, сиёсий гуруҳларнинг манфаатлари, интиқилишлари, орзу-умидларини умумлаштирадиган ҳолда уни ўз ҳаракат дастурлари билан рақобат қилишга қаратилиб қилади.

МАФКУРАВИЙ ПРОФИЛАКТИКА – ижт. ин-тлар томонидан амалга ошириладиган турли шаклдаги ғоявий-т-явий, маънавий-мафкуравий ишлар мажмуи. М. п. бутун ғоявий т-я тизимини қамраб олади ҳамда у ғоявий бўшлиқни бартараф қилиш, мафкуравий парокандаликнинг олдини олиш ёки бирор-бир ҳудуд, қатлам, гуруҳни ёт ва зарарли ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш мақсадида амалга оширилади. Бунда ғоявий таъсирнинг хилма-хил усул ва йўлларидан фойдаланилади, турли воситалар қўлланилади. М. п. тез-

кор ва қисқа суръатларда ёки аста-секин, босқичма-босқич амалга оширилиши мумкин. Биринчи ҳолатда зудлик б-н чора-тадбирлар қўллаш лозим бўлса, иккинчисидо доимий ва собитқадамлик б-н иш олиб бориш кўпроқ натижа беради. Мафкуравий иммунитет тизимини шакллантиришда маънавий таълим-т-я тизими таянган М. п.нинг ўрни қатта. Зеро, у ёт ғоялар кириб келишининг олдини олиш ва уларни йўқотишга қаратилган чора-тадбирларга таянади. Таълим-т-я ва тарғибот-ташвиқот тизими М. п.ни амалга оширишга ёрдам беради. Соғлом мафкурани кишилар қалби ва онгига сингдиришга хизмат қиладиган ижт. тузилмалар, оила, мактаб, маҳалла, дав. ва жамоат ташкилотлари ҳам унда ўз ўрнига эга. Шунингдек, Ватан, халқ манфаатлари, дўстлик ва биродарлик, ўзаро ҳурмат ва бағрикенгликни тарғиб-ташвиқ этувчи бадиий ад. намуналари ҳамда санъат асарлари, турли кўриниш ва мазмундаги маънавий-маърифий тадбирлар М. п.ни амалга ошириш шакллари дидир.

МАФКУРАВИЙ ТАСАВВУР – мафкуравий таъсирнинг инсон онгидаги инъикоси. Бундай инъикос турли шаклларда ўз ифодасини топади ва инсон хотирасида узоқ вақт сақланиб қолади. Ушбу мафкуравий образлар инсоннинг кундалик амалий ф-ятида ўз ифодасини топади. М. т. ижт. онгнинг муҳим элементи бўлиб, мафкуравий ф-ятнинг мазмун-моҳиятини ижт. воқеаликнинг хаёлий образи б-н боғлайди. Айни пайтда, мафкуравий ф-ят, хаёлий образлар б-н яқиндан иш кўриш, ўзаро алоқадорлик механизминини яратиш им-

конини беради. М. т. ижт. мухитнинг таъсири остида одамлар кўрсатган турли-туман ф-ят туфайли ҳосил бўлади. Бундай ҳолат ж-ятда ҳамиша маълум мақсад томон йўналтирилган мафкуравий тизим мавжуд эканлигидан далолат беради. Ўз навбатида, худди шу ҳолат М. т. ж-ятда мавжуд мафкуравий тизим – мафкуравий ин-тлар, мафкуравий муассасалар маҳсули эканлигини инкор этмайди. М. т. ҳосил бўлишида ж-ятдаги турли синф, табақа ва гуруҳларнинг ижт. тажрибаси ҳам катта аҳамиятга эга. Шунингдек, М. т. бошқа мафкуравий муассасаларнинг зарарли тарғибот ва ташвиқотларидан химоя қилувчи «буфер» вазифасини ҳам бажаради. Шу боис таълим муассасаларида тизимли тарзда ўқувчи ҳамда талаба ёшларда мафкуравий тасаввур ҳосил қилиш асосида уларнинг мафкуравий дунёқарашини ривожлантириш алоҳида пед. аҳамиятга эга.

МАФКУРАВИЙ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ – инсон, ижт. гуруҳ, миллат, ж-ят дунёқарашини шакллантиришга, уларни муайян мақсадларни ифода этадиган ғоявий билимлар б-н қуроллантиришга йўналтирилган пед. жараён. Ж-ятдаги ҳар бир ижт. куч ёки аҳоли қатламлари ўз манфаат ва мақсад-интилишларини ифода этувчи ғоялар тизимини яратгач, бошқа гуруҳларни ҳам шу ғоялар таъсирига тортишга, ўз тарафдорлари сафини кенгайтиришга ҳаракат қилади. Ғоялар адолатли ва ҳаққоний бўлиб, кўпчиликнинг талаб-эҳтиёжларига мос келса, бу соҳадаги т-я воситалари таъсирчан, т-ячилар эса фаол ва фидойи бўлса, кўзланган мақсадга

эришилади. Ж-ят, халқ ҳали ўз манфаатларини англаб етмаган, ўз мафкурасини шакллантириб, мақсадлари сари сафарбар бўлмаган ҳолларда бегона ва зарарли ғоялар таъсирига тушиш эҳтимоли ортиб боради. Бу эса М. т.-т.ни йўлга қўйиш, соғлом мафкура тамойилларини аҳоли қалби ва онгига муттасил сингдиришни долзарб вазифага айлантиради. Ўзбекистон шароитида М. т.-т.нинг асосий вазифаси – халқимизнинг озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлидаги асрий орзу-истаклари мақсадларини, миллий мафкурамизнинг моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунтириш, айниқса, ёшлар онгига сингдиришдан иборат. М. т.-т. жамятда, авваламбор, оила, МТМ, мактаблар, лицей, коллежлар, ОЎЮ, оммавий аҳб. воситалари жамоат ташкилотлари, маҳаллаларнинг биргаликдаги ф-ятини тақозо этади. Узлуксиз таълим тизими М. т.-т.ни олиёборувчи асосий бўғиндир, зеро, мафкуравий мақсадларни кишилар, айниқса, ёшлар онгига сингдириш вазифаси, асосан ана шу тизим орқали амалга оширилади.

МАФКУРАВИЙ ТАЪСИР – мафкуравий жараённинг энг муҳим структураларидан бири. М. т. икки асосий – тўғри, бевосита ва ўзаро алоқадорликка асосланган билвосита шаклларда амалга оширилади. М. т. самарадорлиги унинг объекти ва субъектига, чунончи, М. т. самарадорлиги М. т. ўтказилиши лозим бўлган кишилар (объект)нинг маълумот даражаси, маданый савиясига боғлиқ бўлса, ўз навбатида, М. т. ўтказётган идоралар тарбиявий муассасалар, тарғибот ва

ташвиқотчилар (субъект) амалга ошираётган мафкуравий тадбирлар мазмуни ва шаклига, мафкура тарғиботчиларининг касбий маҳоратига, уларнинг инсоний фазилатлари, хислатларига боғлиқ. М. т. ўтказилиши лозим бўлган кишиларнинг маълумот даражаси, маданий, ахлокий, ҳуқуқий, сиёсий савияси қанча баланд бўлса, М. т. самарадорлиги шунча юқори бўлади. Ўз навбатида, М. т. самарадорлиги унинг объекти ва субъекти орасидаги ўзаро алоқадорлик механизмининг мустаҳкамлигига ҳам боғлиқ. Бундай ўзаро алоқадорлик механизмининг мазмунида ўзаро таъсир тамойили устивор ўрин эгаллаши керак. Бундай ҳолатда ҳар бир киши М. т. доирасига тушади ва ўша таъсир асосида ф-ят кўрсата бошлайди.

МАФКУРАВИЙ ТИЗИМ – мафкуравий ишларни бошқариш, ж-ятнинг турли ажт. ин-тлари: оила, мактабгача таълим муассасалари, умумий таълим мактаблари, ўрта махсус ва ОЎЮ, меҳнат жамоалари, маҳалла кенгашлари, жамоат ташкилотлари, маданий-маърифий уюшмалар тарбиявий имкониятларини мувофиқлаштириш, тартибга солиш, уларни ягона мақсад томон йўналтириш омиллари (иш вақти ва ишдан кейинги бўш вақт), воситалари (фан, ад., санъат, матбуот, радио, телевидение, кино, музей ва х.к.), услублари (тушунтириш, ишонтириш, мажбур қилиш) ва усулларининг талаҳида, жамоавий, оммавий) яхлит бир бутун уюшмаси. Шунингдек, М. т. мафкуравий таъсир йўналишлари (ақлий, маънавий-ахлокий, ҳуқуқий) ва унинг асосий соҳалари (меҳнат, жисмоний,

эстетик, экологик, жинсий ва х.к.)ни ҳам қамраб олади. М. т. яхлит уюшма бўлиб, доимо ўзгариб туради. Ушбу тизим самарадорлиги мафкуравий таъсир жараёнининг узлуксизлиги, табақалашганлиги, комплекс ёндашувга эгаллиги б-н боғлиқ. М. т. доирасидаги мафкуравий ишлар таъсирчанлиги, ҳозиржавоблигини оширишда аҳоли турли табақаларининг ўзига хос миллий-психологик, минтақавий, касбор, ёш, жинс б-н боғлиқ хусусиятларини инобатга олиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

МАФКУРАВИЙ ТОЛЕРАНТЛИК (БАҒРИКЕНГЛИК) – хилма-хил қараш, интилиш, ёндашувга эга бўлган ва турли мафкуравий мавқеда турувчи кучларнинг ж-ят ва миллат манфаатлари йўлида ҳамкорлик қилиши, эзгу мақсадларни кўзлаб, ҳамжиҳат ф-ят юртишини ифодаловчи тушунча. 1995 й. 16 нояб.да Парижда ЮНЕСКОнинг 28-сессиясида қабул қилинган «Бағрикенглик тамойиллари» Декларацияси Ер юзидаги барча мамлакатларда М. т.ни шакллантиришнинг умумназарий асосидир. М. т. ғояси ж-ятда асрлар давомида шаклланиб келган бунёдкор ғоялар, эзгу ниятлар ва мақсадларнинг руёбга чиқиши учун замин тайёрлайди. Ҳоз. даврда М. т. ғояси ж-ятдаги барча қатлам, ижт. гуруҳ ва миллатларнинг эзгулик йўлидаги ҳамкорлигини назарда тутди ва мамлакатда тинчлик, барқарорликни мустаҳкамлашнинг муҳим шарти ҳисобланади. Ўзбекистонда барпо этилаётган ж-ятимизнинг сиёсий-ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилган ва кўпчилик томонидан кўллаб-қувватланаётган бугунги кунда, эзгу мақсадларга йўналтирилган маф-

кура ф-яти учун бир хил шароит ҳамда имкониятлар яратилмоқда.

МАХСУС ИНТЕРНАТ МАКТАБЛАР

– жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болалар ва ўсмирларнинг у. ў. т. муассасалари. Вазифаси – ривожланишида нуқсони бўлган болалар ва ўсмирлардаги нуқсонларни тузатиш, бартараф этиш, уларнинг шахсиятини ҳар жиҳатдан ривожлантириш ва амалий ф-ятга тайёрлаш.

Ўзбекистон Республикасида М. и. м. халқ таълими тизимида бўлиб, ХТВ ихтиёрида. Улар мактабларнинг умумий тамойиллари асосида ташкил қилинади, лекин тузилиши, таълим-т-я тушунчалари жиҳатидан ўзига хос хусусиятларга эга. Бундай мактаблар махсус ўқув режа ва дастурлар асосида ишлайди. Эшитиш, кўриш қобилияти ва акли заиф болалар учун алоҳида дарсликлар тузилади.

М. и. м. да таълим олий маълумотли бакалавр-дефектолог, дефектология йўналиши бўйича магистр (сурдопедагог, тифлопедагог, олигофренопедагог, логопед)лар томонидан амалга оширилади. Ўқувчилар М. и. м. да умумий маълумот олиш б-н бирга хунар ҳам ўрганади. М. и. м. болалар ва ўсмирлардаги нуқсонларга қараб ҳар хил турларга бўлинади ва ўзига хос таълим тушунчаларидан фойдаланади.

МАХСУС КУРС – муайян ўқув фанига хос, ихтисослаштирилган ўқув курси. Бунда таълим олувчиларнинг танловига кўра тор мавзулар ўргатилади.

МАХСУС ПЕДАГОГИКА – жисмоний ва руҳий ривожланишда нуқсони бўлган болаларни тарбиялаш ва ўқитиш

ҳақидаги фан. М. п. жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болаларнинг ўзига хос ўқув-таълим ф-ятларини ҳисобга олган ҳолда, педнинг умумий принциплари асосида ривожланади. М. п.нинг бош вазифаси жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болаларнинг таълим-т-ясини ташкил этишнинг назарий ва амалий асосларини яратиш ҳамда шунга мос дефектолог кадрларни тайёрлаш. шунингдек, болаларни психик-пед. ва клиник жиҳатдан ўрганиш, нуқсон сабабларини аниқлаш, пед. таснифлаш ва турларга ажратиш, махсус таълим-т-я муассасалари шароитида болаларга индивидуал муомала қилиш, нуқсонли болаларни жисмоний меҳнатга тайёрлаш каби масалаларни ишлаб чиқишдан иборат. М. п. қандай нуқсондаги болаларни ўрганишига қараб сурдопед., олигофренопед., тифлопед., логопедия каби соҳаларга бўлинади. Буларнинг ҳар бири умумий пед. тармоғини ва барчаси биргаликда дефектологияни ташкил этади. Ўзбекистонда М. п. бўйича муайян ишлар амалга оширилган Жумладан, пед. ин-тларининг дефектология ф-тлари учун Қ. Қ. Мамедов, М. И. Соатов ва П. М. Пўлатова томонидан «Олигофренопедагогика асослари», Л. Р. Мўминова ва М. Й. Аюпованинг «Логопедия» қўлланмалари яратилган. Бундан ташқари, С. А. Айтметова, М. Й. Аюпова, Д. А. Гордиенко, Қ. Қ. Мамедов, Л. Р. Мўминова, П. М. Пўлатова, В. С. Раҳмонова, М. И. Соатов, Р. Шомахмудова ва б.ларнинг жисмоний ёки руҳий ривож-

ганишида нуқсони бўлган болаларнинг нуқсонларини аниқлаш, тўғрилаш ва бартараф этишнинг назарий ва амалий масалаларига бағишланган кўлланма, дастур, маъруза матнлари чоп этилган, клубий тавсия ва мақолалари эълон қилинган.

МАХСУС СТРАТЕГИЯ – таълим муҳассасида пед. жараёнлар самарадорлигининг пасайиб кетмаслиги, ўқувчи талабалар ўзлаштириш даражасининг давлат таълим стандартлари талаблари даражасидан тушиб кетмаслиги, шу билан бирга, тажрибали, билимли, фидойи раф. -ўқитувчиларнинг таълим муассасаларига жалб этиш мақсадида узоқ муддатга тузиладиган истиқболли режа.

МАХСУС-СЕГРЕГАЦИОН ТАЪЛИМ – муайян нуқсони бўлган болаларни алоҳида ўқитиш жараёни.

МАХСУС ТАЪЛИМ – ихтисослик бўлишича малакали ишларни бажариш учун зарур билим ва амалий кўникмалар мажмуи.

МАХСУС ҚОБИЛИЯТ – билимларни қўллаш баробарида ижодий ф-ятида оқсак натижаларга эришишни таъминлашга қаратилган шахс хусусиятлари тизими.

МАШВАРАТ (араб. – кенгаш, кўрсатма, кўл-йўрик) – кенгашиш, маслаҳатлашиш жосида амалга ошириладиган иш жараёнини англатувчи тушунча. М. асосида ж-ят аъзоларининг сиёсий ва ижт. таълолиги намоён бўлади. Ҳоз. пайтда М. сўзининг ўрнига кўпроқ кенгаш, маслаҳат сўзлари қўлланади. Таълим-т-я жараёнида ёшларимиз онгига ана шу таъёб ибораларни сингдириш, ижт., маъ-

навий ва ахлокий аҳамиятини тушунтириб бориш муҳим аҳамият касб этади.

МАШҚ (араб. – ҳуснихат, расм чизиш учун намуналар) – бирор ф-ятни пухта ўзлаштириш ёки сифатини яхшилаш мақсадида уни кўп марта такрорлаш. Мас., ўқиш, ёзиш. М. таълимда кўникма ва малакалар ҳосил қилишда муҳим ўрин тутди. М.нинг самарали бўлиши учун унга онгли равишда ёндашиш, шу жараёни бажаришда мавжуд шароитни ҳисобга олиш, йўл қўйилган хато, камчиликларни англаш ва уларни тuzатиш йўлларини билиш керак. Бунда оддий ҳаракатдан аста-секин мураккаб ҳаракатни бажаришга ўтиш, такрорлаш вақтларини тўғри таксимлашнинг аҳамияти катта. М.да такрорлашлар орасидаги вақт қисқа ва, аксинча, кишини чарчатадиган даражада жуда узоқ ҳам бўлмаслиги керак. М.лар, одатда, мактабда ҳар бир ўқув фанида, синф ва мактабдан ташқари ишларда ўтказилади. Мактабда М.лар ўқувчиларни мустақил ишлаш, ижодий қобилиятларини ўстиришга ёрдам беради.

МАЪЛУМОТ (араб. – ахборот, хабарлар; билим) – шахснинг ўқиш, ўрганиш натижасида ўзлаштирган билим, кўникмалари ҳажми, йўналиши ва даражаси. М. таълим-т-я ҳамда мустақил билим олиш жараёнида олинади ва инсоннинг онгли ф-яти жараёнида ўзлаштириб борилади. Ушбу жараён боланинг фикрлаш қобилияти шаклланишидан бошлаб дастлаб оилада, сўнгра узлуксиз таълим тизимининг турли босқичларида таълим-т-я олиш давомида амалга оширилади. Узлуксиз таълим тизимининг

хар бир босқичида тегишли таълим стандартлари ҳамда ўқув дастурлари б-н белгиланган ҳажм ва йўналишдаги М. ўзлаштирилади. М.ни ўзлаштириш жараёнини ташкил қилишнинг асосий шакли таълим-тарбиявий машғулотлардан иборат. Бунда М. олувчилар – талаба, ўқувчи, шогирд, бу жараёнга раҳбарлик қилувчилар ўқитувчи, мураббий, устоз деб номланади. М. олиш манбаи дарслик қўлланма, кўшимча ад.лар, ОАВ, объектив воқелик ҳамда мантикий тафаккур жараёнидан иборат.

Шу б-н бирга, М. – аниқ бир ёшдаги шахсларда билим, иқтидор ва кўникмаларнинг ўзлаштирилганлиги, уларнинг интеллектуал қобилияти ўсганлиги ҳамда улар асосида илмий дунёқараш, шахсий сифатлар шаклланганлиги, ижобий кучлари ва қобилиятлари қай даражада ривожланганлигини англатади.

МАЪЛУМОТЛИЛИК – шахсий сифат кўрсаткичи, яъни шахснинг ривожланиш даражаси, унинг тажрибаси, кўникма ва малакаларни қай даражада ўзлаштирганлиги, улардан фойдаланиш ҳамда улар ёрдамида янги билим, кўникмаларни эгаллаб, тўлдириб бориш лаёқати.

МАЪЛУМОТЛАР БАНКИ – маълумотларни мужассамлаштирган портал.

МАЪЛУМОТЛАР МОДЕЛИ – ахб.ларни мужассамлаштирувчи лойиҳалар.

МАЪЛУМОТЛАРНИНГ ИЕРАРХИК МОДЕЛИ – маълумотларнинг изчил тизимини ифодаловчи лойиҳалар.

МАЪЛУМОТЛАРНИНГ РЕЛЯЦИОН МОДЕЛИ – маълумотларнинг жадвал кўринишида ифодаланиши ва уларни

қўллаш учун тайёрлаб қўйилган ҳолати.
МАЪЛУМОТЛАРНИНГ ТАРМОҚЛИ МОДЕЛИ – маълумотнинг бошқа поғонадаги маълумот б-н икки ёки ундан ортиқ марта боғланадиган тури.

МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ – 9-а. 1-ярмида Халифа Маъмун ар-Рашид (813–833) томонидан Бағдодда ташкил этилган илмий марказ. Дастлаб «Байт ул-ҳикма» («Билимлар уйи») деб аталган. Академияда Хунайн ибн Исоқ, Собит ибн Курра, Хубайш, Бахтяшу, Қусто ибн Лука Баахбаккий, Яҳё ибн Адий, Исоқ Дамашкий, Масаржувайхлар оиласи, Навбахт, Ибн Муқаффа, Ибн Можжа, Ибн Вахшиялар томонидан юнон, яҳудий, санскрит, сурёний, форс тилларидан жуда кўплаб илмий-адабий, фал.-ахлоқий, дидактик асарлар араб тилига таржима қилинган ва уларга шарҳлар ёзилиб, мусулмон дунёсига ёйилган. Айни шу таржима ва шарҳлар туфайли юнон, ҳинд олимлари асарлари бизгача етиб келган. М. а. қошида Бағдоднинг аш-Шаммасия маҳалласида биринчи расадхона (828), Дамашк яқинидаги Косион тоғида расадхонанинг бўлими қурилган (831). Расадхонага дастлаб марвлик Абу Али Яҳё ибн Мансур, кейинчалик Муҳаммад Хоразмий раҳбарлик қилган. М. а.да Хоразмий б-н бирга Холид ибн Малик Марваррудий, Аббос ибн Сайд Жавҳарий, Аҳмад ибн Абдуллоҳ Марвазий, Аҳмад Фарғоний, Абу Фазл Ҳамид ибн Васеъ ибн Турк Хутталий, Абу Юсуф Ёқуб ибн Саббоҳ Киндий ва б. кўплаб ўртаосиёлик олимлар ижод қилиб, турли фанлар ривожига катта ҳисса қўшишган.

11-а. бошида Хоразм пойтахти Гурганж (хоз. Кўҳна Урганч) ш.даги илмий марказ ҳам М. а. деб номланган.

МАЪНАВИЙ БОЙЛИКЛАР – кишилик ж-яти таракқиёти жараёнида кўплаб авлодлар тафаккури ва ақл-заковати б-н яратилган маънавий мерос, кўҳна тарихий ёдгорликлар. М. б. ёш авлодни баркамол шахс сифатида тарбиялашда асосий восита бўлиб хизмат қилади.

МАЪНАВИЙ БУРЧ – инсонга хос бўлган юксак маънавий фазилат, ахлокий майл-истакларнинг ҳис-туйғуларда акс этиши. М. б. шахсни баъзан ҳузурхаловат, турмуш лаззатларидан маҳрум этиши мумкин бўлиб, у таълим-т-я жараёнида инсон тафаккурига сингдирилади ёки оилавий, миллий анъаналар тарзида қабул қилинади. Инсоннинг М. б.и унинг маънавияти, руҳияти, тафаккурига ижобий таъсир кўрсатган, т-ясида муҳим аҳамият касб этган нарса, ҳодиса ва шахсларга нисбатан маънавий қарздорлик туйғусидир. Бурч кишининг к-ят, дав. ва одамларга нисбатан муносабати, улар олдидаги мажбуриятини ифодалайди. М. б. – виждон, эътиқод, масъулият каби тушунчалар б-н узвий боғлиқ. М. б. инсон ҳаёти ва ф-ятининг барча соҳаларида, ҳар бир хатти-ҳаракатида намоён бўлади. У нафақат масъулиятни, балки ҳар қандай ишга виждонан ёндашишни, эътиқодда собитликни тақозо этади. Бунинг учун инсон, аввало, ўз бурчини чуқур ҳис этиши, ҳар бир хатти-ҳаракатида ана шу мезонга таяниши лозим. М. б. туйғуси халқимизнинг бир неча минг йиллик тарихи, ота-боболаримизнинг амалий тажрибаси негизи-

да шаклланиб, сайқал топиб келган. Шу боис бу туйғуни ҳар бир ёш авлод онги ва қалбига сингдириш лозим.

МАЪНАВИЙ ВОРИСЛИК – миллий-маънавий қадриятлар, урф-одат, анъана, ғоялар, тажриба ва билимларнинг авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтиши, маънавиятнинг узлуксиз жараён сифатидаги ўзгарувчанлиги ҳамда авлодлар ўртасида маънавий ришталарнинг узвий боғлиқлиги. Бу жараён инсоният таракқиёти давомида тўпланган маънавий бойликларни яхлит ҳолда авлодларга етказишга, кишиларнинг дунёқараши, маданий савияси, билими ва маънавиятининг бойишига хизмат қилади. Ворислик (мерос) маҳаллий ёки умумдунёвий шаклларда намоён бўлади. Ворисликнинг маҳаллий шаклида маданиятнинг касбий, миллий, этник ва б. жиҳатлари ифодаланса, бутун инсониятнинг маънавий мулкига айланган бойликларда М. в.нинг умуминсоний шакли намоён бўлади. Аждодларимиз кейинги авлодларга мерос қолдириш учун халқ оғзаки ижоди, санъатнинг барча турларидан кенг фойдаланган. Техника ва техн.нинг тараккий этиши б-н М. в.нинг янги самарали усуллари: кино ёки магнит тасмага муҳрлаш, комп. хотирасига жойлаш ва ҳ.к. вужудга келди. Ижт. таракқиётнинг турли босқичларида маънавий меросни ворисийлик анъаналари асосида авлоддан-авлодга етказиш имкониятлари ижт.-иқтисодий, сиёсий, ғоявий омиллар б-н белгиланган.

МАЪНАВИЙ ЕТУКЛИК – шахснинг инсоний кадр-қимматни ҳамма нарсадан устун қўйиши, энг муҳим масалаларни

ҳал этишда ақл-идрок асосида иш юри-тиши.

МАЪНАВИЙ ЖАСОРАТ – ер юзидаги барча ўлмас обидалар, инсоният ҳаётини тубдан ўзгартириб юборган жамики улуғ кашфиёт ва ихтиролар, мумтоз санъат ва ад. дурдоналарини яратган ҳамда мардлик ва қахрамонлик намуналарини кўрсатган инсонларнинг мислсиз ақл-заковати ва юксак маънавий салоҳияти. М. жда инсоннинг ўз ҳаётини маънавиятини ўстириш ва юксалтиришга бағиш-лаши, кишиларни эзгу йўлга бошлаш мақсадида ҳар қандай ф-ят б-н маънавий жиҳатдан алоҳида намуна кўрсатиши каби хислатлар ўз ифодасини тоиади.

МАЪНАВИЙ ЗАИФЛИК – маънавий ҳаёт ходисаси, ж-ят, дав. ёки халқнинг маънавий масалаларда уюшқоклигининг мавжуд эмаслиги, маънавиятга етарли эътибор берилмаганлиги, т-я соҳасида лоқайдликка йўл кўйилганлиги натижасида содир бўладиган ижт.-ғоявий ожизлик ҳолати. М. з. халқ оммасининг туб манфаатлари ва кўнглидаги орзу-интилишларини ифода этадиган, уни тараққиёт сари, улкан мақсадлар йўлида жипслаштирадиган миллий ғоянинг, илмий асосда ташкил этилган, пухта ўйланган ва мунтазам олиб борилаётган маънавий т-я тизимининг яратилмагани ёки ижт. ҳаётда амалий ифодасини топмаганлиги натижасида ҳосил бўлади. Моддий ва М. з. ўзаро алоқадор тушунчалар бўлиб, бири иккинчисини тақозо этади. М. з. кўп ҳолларда маънавий беқарорлик ва парокандаликка олиб келиб, ҳатто ж-ят ёки дав.нинг инкирозига сабаб бўлади. М. з. миллатнинг бирдам-

лиги, дав.нинг қудратига путур етказадди, унинг тараққиётини орқага суриб юборади.

Мустақилликнинг илк йилларидан мамлакатимизда халқ маънавиятини юксалтириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Ўзбек халқининг юксак маънавияти тушунтириш ва ишонтириш, таълим-т-я ва маърифат йўли б-н фикрлар ранг-баранглигини сақлаб қолган ҳолда М. з.ка барҳам берадиган қудратли куч сифатида намоён бўлади.

МАЪНАВИЙ ЗАРАР – инсоннинг ор-номуси, кадр-қиммати ва ф-яти, обрў-эътибори, ж-ятдаги урф-одатлар, қадриятлар, турмуш тарзи, умуман, эзгу дунёқарашга зид бўлган ф-ят, хатти-ҳаракат ва муносабатлар. М. з. инсон онгида шаклланган сифат жиҳатидан ижобий характердаги ақлий-руҳий муносабатларга тесқари таъсир кўрсатилганда юзага келадиган натижани ифодалайди. М. з. инсон дунёқарашини ўзгартириб, маънавиятсизликка алоқадор хусусиятларнинг намоён бўлиши, руҳий оламга салбий таъсир кўрсатиш ёки маънавият асосларига бефарқ бўлиб қолишига олиб келиши мумкин. М. з. шахс томонидан шахсга ёки ж-ятга, ж-ят томонидан шахсга ёки ж-ятга етказилиши мумкин бўлган зиёндр. М. з.нинг шахс томонидан ж-ятга етказилиши маълум бир шахс томонидан тарғиб қилинган, аслида, маҳаллий маданият унсурларига қарши турувчи ва охир-оқибатда уларнинг йўқотиб юборилишига олиб келувчи мафкуравий ғояларнинг бошқалар томонидан ҳақиқат, тўғри йўл деб қабул қилиниши ёки шунга мажбур этили-

ига асосланади. Бундай М. знинг шахс томонидан ж-ятга етказилиши, синикса, оғир ва ўрнини коплаб бўлмас ҳукотишларни келтириб чиқаради. Шу боис ёш авлод онгига М. з. ва унинг салбий оқибатларини сингдириш орқали унга қарши иммунитетни шакллантириш мақсадга мувофиқ.

МАЪНАВИЙ ИДЕАЛ – шахс ва ж-ят маънавиятини шакллантирувчи, йўналтирувчи ва ҳаракатлантирувчи, уни савоб ишлар, бунёдкорликка сафарбар қилувчи эзгу ғоя, орзу-мақсад ва ижобий намуналар мажмуини ифодаловчи тушунча. Идеал (франц. ideal, лот. idealus) ўзи қиёфа, мезон, мукамаллик маъноларини англатади. М. и. атама сифатида орзу-интилишларнинг олий мақсадини ифодалайди. У ижт. аҳамиятга эга муҳим ахлоқий категория ҳисобланади. Бугунги ж-ятимиз ривожи М. и.ни шакллантириш ва уни ж-ят маънавий муҳитининг асосий негизи сифатида қабул қилишни тақозо этмоқда. Чунки халқнинг ҳаётининг маънавияти б-н узвий боғлиқ бўлиб, ж-ят ахлоқининг илдизи – миллат тарихи б-н узвий алоқадор ҳодиса. Инсон ёшлиқдан азалий анъана ва урф-адатлар таъсирида камолга етади. Бу борада оила, маҳалла ва таълим-тарғиловчи ташкилотлардаги маънавий муҳитдаги таълимий таъсир ва барқарорлик муҳим ўрин тутади. М. и. орзуси аждодларимиздан бизга ўтиб келаётган, қон-қонимизга сингиб кетган муқаддас туйғудир. Аждодларимиз аклий етуклик, руҳий поклик, жисмоний баққуватлик ва, албатта, ахлоқий камолотга жуда катта эътибор қаратиб, бундай шахсларни иде-

аллар тимсолида кўрганлар. Олимларнинг тадқиқотларига кўра, инсоният ўз ахлоқий тараққиёти давомида учта идеалга интилиб келган. Булар: эркинлик, тенглик ва қардошлиқдир. Инсоннинг маънавий тараққиётида эркинлик, тенглик ва қардошлиқ принциплари муҳим ўрин тутади, улар идеалнинг категориал тушунчалари бўла олади. Чунки фикр, ахлоқ ва ф-ятда эркин бўлган инсонгина ўзлигини англаб етади. Ўзлигини англаган инсон барча кишиларнинг ўзаро тенглигини ҳис этади. Бу тенглик тамойилининг қарор топишидир. Одамларнинг бир-бирини ўзаро тенг деб билишлари уларни ягона мақсад сари бирлаштириб, фаол ҳаракатга ундайди, бу қардошлиқ тамойилининг намоён бўлишидир. Бошқача айтганда, ўзлигини англаган киши бошқалар ҳам унга тенг, қардош эканини идрок этади ва ўзгалар ҳаётига дахл қилиш ўзига ҳам катта зарар келтиришини тушунади.

М. и. инсоннинг ўзлигини англаб етишига тўртки берувчи эзгулик ғоясидан озиқланади. Ўзликни англаш б-н инсоннинг моҳияти кашф қилинади. Ҳоз. кунда М. и.нинг категориялари аниқ белгиланган эмас. Аксарият мутахассисларнинг фикрича, М. и.нинг ахлоқий категориялари қаторига эзгулик, эътиқодлилиқ, эркинлик тушунчаларини киритиш мумкин. Уларнинг зидди ёвузлик, эътиқодсизлик ва мутелиқдир. М. и. ж-ятда соғлом ахлоқий муҳитни вужудга келтириш ва кишилар дунёқарашини бойитиш, тафаккурини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

МАЪНАВИЙ ИЛЛАТЛАР – ж-ятда ўрнатилган ижт., маънавий, ахлоқий, ҳуқуқий, маданий меъёр ва коидаларга зид бўлган хатти-ҳаракатлар. М. и. маънавий носоғломлик, маънавиятсизлик, инсон ижт.лашувининг заифлашиши, таълим-т-я жараёнида йўл қўйилган камчиликлар оқибатида вужудга келадиган маънавий бузилиш ходисасидир. М. и. сирасига ёлғончилик, адолатсизлик, ҳурматсизлик, лоқайдлик, бепарқлик, дангасалик, бюрократизм, туҳмат, ҳасад, хоинлик, ўғирлик, иккиюзламачилик, қатъиятсизлик, виждонсизлик, ҳаёсизлик, уятсизлик ва ҳ.к.ни киритиш мумкин. М. и. ж-ят маънавияти каби тарихий тараққиёт давомида шаклланади, янги-янги кўринишларда намоён бўлади. 21-а.да Ғарб мамлакатларида гиёҳвандлик, бир жинсли никоҳ, бесоқолбозлик, лесбиянлик каби инсонийликка хос бўлмаган иллатлар кўзга ташланмоқда. М. и. иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маданий, маънавий ва рухий омиллар, шарт-шароитлар таъсирида вужудга келади.

МАЪНАВИЙ МАДАНИЯТ – инсоннинг маънавий хусусият ва хислатлари, ж-ятнинг маданий даражасини акс эттирувчи тушунча. М. м. ж-ят ва ўз-ўзини тарбиялаш жараёни, шахснинг хатти-ҳаракатлари ва қиёфасида маънавият тамойиллари қанчалик чуқур сингиб кетганлигини намоён этади. М. м. «моддий маданият» тушучасидан фарқ қилади, аммо у б-н боғлиқ равишда ва ўзаро алоқада намоён бўлади. Агар маънавият тушунчаси барча маънавий нарсалар ва хусусиятларни – инсониятнинг ижодий,

илмий, фал., ҳуқуқий, бадиий, диний, ахлоқий ва б. тасаввурлари, тушунчалари мажмуини англатса, М. м. ана шу тушунча, билим ва тажрибаларнинг кундалик ҳаётда қўлланишини англатади. Турли омиллар, ҳаётий тажриба, т-я, ахлоқий маърифат, санъат, ад. кабиларнинг таъсирида шахс муайян даражада ўз онги, хулқ-атворида ж-ятдаги М. м.ни мужассамлаштиради. Шахс хатти-ҳаракатларида намоён бўладиган М. м. унга турли вазиятларда ўзини маънавий жиҳатдан қандай тутиши кераклиги борасида кўмаклашувчи тажрибаларни сингдиради. Шунингдек, М. м. инсон онгининг бетиним ижод қилиб турувчи жиҳатлари – ечими мураккаб бўлган қийин вазиятларда муайян қарор қабул қилишга ёрдам берадиган маънавий тафаккур, хис-туйғу каби омилларга ҳам суянади. М. м. кишининг ҳаракатлари, воқеликни баҳолай олиш салоҳияти, ахлоқий билим ва тажрибалари, улардан фойдалана билиш қобилияти, яхши-ёмон, ижобий-салбий вазиятларни фарқлаш ва ҳ.к. омиллар б-н ҳам боғлиқ. Ҳар қандай шароитда маънавий-ахлоқий меъёрларга содиқ қолиш, ўзгалар ташвишига шерик бўлиш, ахлоққа доир тажрибаларни амалда қўллай олиш, шахсларро мулоқотда ижобий фазилатларни намоён эта олиш ҳам М. м. даражасини кўрсатиши мумкин. Зеро, ҳар қандай мураккаб вазиятда инсон номига гард юқтирмайдиган хатти-ҳаракатлар қилган шахснигина ахлоқан етук, маънавияти бой инсон дея оламиз. Масаланинг бошқа томони – моддий ва М. м.нинг ўзаро алоқаси, бир-бирини такозо қилиши

б-н боғлиқ. Инсоннинг тўлақонли ҳаёти учун ниҳоятда зарур бўлган мактаблар, кутубхоналар, театр ва б. маданият ўчоқлари тармоғини кенгайтириш, уларнинг моддий шарт-шароитини яхшилаш ҳамда ф-ятини такомиллаштириш ҳам бу борада ижобий натижалар беради. Мустақиллик йилларида ислохотлар ва барча режаларда маданият, маърифат, т-я ва спортни ривожлантириш, бу соҳаларда хизмат килаётган кадрларни чинкам зиёлилар сифатида тарбиялаш, маънавий бойликларни яратадиган кишиларга ғамхўрлик қилиш, уларнинг самарали ф-яти учун зарур моддий-маънавий шароитларни яратиш, ёш авлоднинг маданий-маънавий т-ясига юксак жавобгарлик ҳисси б-н ёндашиш масаласига эътибор қаратиш энг устувор йўналишлардан бирига айланди.

МАЪНАВИЙ МЕРОС – маънавий таваққиёт маҳсули, инсон ақл-заковати б-н яратилган, келажак авлодни эзгу тараққиёт сари етаклаш хусусиятига эга бўлган, кишилар онги ва дунёқарашининг тасвиши, оламни билиш ва ўзлаштириш борасидаги саъй-ҳаракатларига куч-қувват берадиган, аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган азалий кадриятлар мажмуи. М. м. келгуси авлодлар амалий ф-яти, тафаккур тарзида қандай аҳамият касб этишига кўра яқка шахс, алоҳида гуруҳ ёки муайян миллат вакилларига тегишли бўлиши мумкин. Улар маълум миллий тилда яратилгани, миллий маданий-маънавий анъаналар, қарашларни тасвир этиришига кўра миллатга, маълум бир ҳудудда истиқомат қилувчи турли миллатларни қамраб олиши хусусиятига

кўра ж-ятга, маълум бир дав. ҳокимияти амал қилиб турган даврда яратилганига кўра дав.га, инсоният тарихида тутган ўрнига кўра цивилизацияга хос бўлиши мумкин. Шунингдек, М. м. бир вақтнинг ўзида миллат, дав., минтақа ва бутун инсониятга тегишли бўлиши ҳам мумкин. Мас., Имом Бухорий, Имом Термизий, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Баҳоуддин Нақшбанд, Алишер Навоий, Муҳаммад Заҳириддин Бобур ва б.нинг илмий, бадиий мероси жаҳон цивилизацияси ва маданиятидан ўрин олган бебаҳо М. м. ҳисобланади. М. м. моддий меросдан фарқли равишда оламда ва инсоннинг ички дунёсида рўй берган, бераётган ёки бериши мумкин бўлган интеллектуал ва психологик ҳолатлар, хатти-ҳаракатлар, амалий ф-ят ва унинг натижаларини англашга кенг имкониятлар яратиши б-н кадрлидир. Шу б-н бирга, М. м.ни моддий меросга қарама-қарши қўйиб бўлмайди. Чунки бизгача етиб келган моддий мерос инсоннинг онгига таъсири нуқтаи назардан, айни вақтда, М. м.га айланиши ҳам мумкин. Мас., тарихий обидалар моддий меросга мансуб бўлсада, улардаги муҳандислик, безак ишлари, қурилиш тарихи, бунёдкорлари ва б. жиҳатларига кўра М. м.га айланади. Шу каби инсониятнинг ёзма манбаларда акс этмаган қўплаб табиий кўникмалари М. м. тарзида аждодлардан авлодларга ўтиб келади. Ёзув М. м.ни сақлаш ва бойитиш борасидаги инсоният эришган энг катта ютуқ ҳисобланади. Ёзув туфайли ҳоз. илм-фанда инсон тараққиёти, жумладан, М. м.ининг 5000 йилдан ортиқ тарихи, Ер ва коинот жисмларининг бир неча милли-

он йиллик даври ҳақидаги маълумотлар жамланган. Кишилар онги, ички дунёси, тафаккур тарзи, хис-туйғуларига таъсир этиб, уларни бойитиш, ривожлантириш, янги ғоявий йўналишларда бошқариш М. м.нинг асл моҳиятини ифодалайди. Шунингдек, бугунги кунда М. м.нинг одамлар ҳаёт тарзига чуқур таъсир этадиган кадрият сифатида аҳамияти тобора яққол намоён бўлмоқда.

Урф-одатлар, анъаналар, халқ оғзаки ижоди, фан, ад., санъат ва б. ҳам М. м. таркибида муҳим аҳамият касб этади. Республикамизда уларнинг ҳар томонлама тараққиёти учун кенг имкониятлар яратишга устувор вазифалардан бири сифатида қаралади.

МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР

– кенг оммани маънавий ва маърифий жиҳатдан тарбиялаш, уларнинг умумий маънавий савиясини юксалтириш, ижодий қобилиятларини ривожлантириш, бўш вақтларини самарали ўтказишга кўмак берувчи тадбирлар тизими. М.-м. и. мазмуни, мақсад ва вазифалари ҳар бир замон ҳамда маконнинг ижт., сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий, ғоявий, мафкуравий хусусиятларига чамбарчас боғлиқ ҳолда шаклланади. М.-м. и. тушунчаси кенг маънода ўқув муассасалари, таълим-т-я масканлари, клублар, ахб.-ресурс марказлари, маданият ва истироҳат боғлар ф-ятини камраб олади. Бунда музей, кинотеатр, театр ва б. маданий-маърифий муассасалар, шунингдек, ОАВ муҳим ўрин тутати. Асрлар ўтиши б-н М.-м. и. муассасаларининг кенг тармоғи ташкил этилиши, уларнинг ўсиши ва такомиллашуви б-н унга

раҳбарлик қилиш жараёни ҳам мукам-маллашиб борган. Инсон дунёқарашини шакллантириш, маънавий-ахлоқий т-я. ғоялар тарғиботи, иқтисодий билимларнинг илмий-техникавий тарғибот-ташвиқоти, эстетик ва жисмоний т-я. бадий ҳаваскорлик, маданий дам олишни ташкил этиш, ёш истеъдодларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш М.-м. и.нинг турли йўналишларидир. Эзгулик ва меҳр-оқибат, улуғворлик ва гўзаллик, виждонлилик ва меҳр-шафқат, бошқаларга ҳурмат ҳамда табиат б-н уйғунликни сақлаш каби маънавий хислатлар ҳар бир кишига аста-секин, тадрижий равишда М.-м. и. орқали сингдириб борилади. М.-м. и. жараёнида ўқув ва маданий-маърифий муассасаларда анъанавий шакллар (сухбат, мулоқот, маъруза, спектакль, концертлар, шеърхонлик) б-н бирга мавзули кечалар, китобхонлар конференциялари ва б. тадбирлар уюштирилади. Республиканинг барча виллари, йирик шаҳар ва туманларида ф-ят юритаётган маънавий-маърифий муассасалар иштирокида катта халқ сайиллари, ҳосил байрамлари, Мустақиллик. Наврўз, Меҳржон байрамлари, «Шарк тароналари» халқаро фестивали, хонандалар, раққосалар, энг яхши касб усталарининг кўрик танловлари, «Ўзбекистон Ватаним маним», «Энг улуг, энг азиз». «Келажак овози» ва б. кўрик-танловлар ўтказилмоқда. Юртимизда маънавий-маърифий муҳитни янада яхшилаш. ибратли анъана ва кадриятларни тарғиб-ташвиқ этиш борасида қўллаб тадбирлар ташкил этилмоқда. Шу мавзуда илмий-оммабоп, публицистик асарлар.

кужжатли фильмлар ва телекўрсатувлар намойиш этилиб, турли кўргазмалар ташкил қилинмоқда. Бу соҳадаги М.-м. и.нинг йўналиши ёш авлод онги ва калбига миллий ғояни сингдириш, баркамол авлодни шакллантириш, эзгулик, бағрикенглик, инсонпарварлик, меҳр-экибат, иймон-эътиқодни тарбиялашга, маънавийнинг миллий-этник асослари ва замонавийликни уйғунлаштиришга қаратилган.

МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР САМАРАДОРЛИГИ – жойларда

эмалга оширилаётган маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлардан қутилган натижага эришиш; шу соҳа ходимларининг ф-яти ва тарбиявий салоҳиятидан унумли фойдаланиш даражасининг кўрсаткичи. М.-м. т. с.га эришиш учун маънавий-маърифий тадбирларни таълим жараёни б-н уйғунлаштириш ва улардан самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Таълим-т-я жараёнида М.-м. т. с.га таъсир ўтказувчи омилларнинг ҳаракат қилиш механизмлари ва хусусиятларини аниқлаш, улардан унумли фойдаланиш, маънавий-маърифий тадбирлар орқали ёшларни миллий ва умумбашарий қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш ғоят муҳим аҳамият касб этади. М.-м. т. с. юқори бўлиши учун уларни тайёрлаш ва ўтказиш жараёнида ёшларда т-я ва ўзини ўзи тарбиялаш ҳиссини шакллантириш ҳамда ривожлантириш ташкилотчилар ва педагогларнинг диққат марказида бўлиши лозим. Таълим тизимидаги маъруза, амалий машғулотларни маънавий-маърифий тадбирлар б-н уйғунлаштириш, бир томондан, таълим

самарадорлигини оширса, иккинчи томондан, таълим ва т-янинг узвийлигига хизмат қилади. Маънавий-маърифий тадбирларни тайёрлаш ҳамда ўтказишга ёшларни кенг жалб қилиш уларда ҳамдардлик ҳиссини уйғотади ва бу ҳолат ўтказилган тадбирнинг тарбиявий самарадорлигини янада оширади. Маънавий-маърифий тадбирлардан маънавий-ахлоқий т-яда самарали фойдаланишда ҳар бир шахснинг хусусиятлари, муайян воқеа-ҳодисага нисбатан фикри қай даражада шаклланишини ҳисобга олиш лозим. Таълим муассасаларида маънавий-маърифий тадбирларни режалаштириш, ташкил қилиш, тайёрлаш ва ўтказишга ёшларни кенг жалб қилиш, айниқса, мавзу танлаш, режа тузиш, сценарий тайёрлаш, тадбир ўтказиладиган хоналарни жиҳозлаш каби юмушларни ёшларнинг ўзига топшириш лозим. М.-м. т. с.нинг ошиши ўқув юрларида ўтказиладиган маънавий-маърифий тадбирларнинг режа ва сценарийлари проф.-ўқитувчилар ёки таълим муассасаси ходимлари томонидан тузилган тақдирда уларни талабалар муҳокамасидан ўтказиш ва муҳокама жараёнида билдирилган фикрларнинг инобатга олинishiга ҳам боғлиқ. М.-м. т. с.ни ошириш мақсадида ўқув юрларининг маънавий-маърифий муассасалар б-н ҳамкорлигини мустаҳкамлашнинг аҳамияти катта. Бундай ҳамкорлик, бир томондан, маданий-маърифий муассасаларни аудитория, томошабин б-н таъминлашга, иккинчи томондан, маънавий-маърифий тадбирларнинг таъсирчанлиги ва самарадорлигини оширишга

қўмаклашади. Қолаверса, М.-м. т. с. тадбирларнинг мазмунан миллий маънавий-ахлоқий кадриятлар, миллий ғоя ва маданиятимиз, маънавий меросимиз б-н уйғун ҳолда ҳамда замонавий шакллар ва интерактив усуллар асосида ташкил этилишига боғлиқ.

МАЪНАВИЙ ПОКЛИК – инсон маънавиятининг гўзаллиги, бойлиги, теранлиги, покизалигини тақозо этувчи, эзгу маънавий фазилатлар мажмуи. М. п. инсон дунёга келганидан то сўнгги нафасигача маънавий жиҳатдан қандай яшаб ўтиши кераклиги б-н боғлиқ билим, тажриба ва тасаввурлардан таркиб топади. Халқимиз минг йиллар мобайнида юксак маънавият ва эзгу ахлоқ шартшароитлари негизида т-яланиб келгани боис, бу борадаги тушунча, тасаввур, билим ва тажрибалар покиза турмуш тарзини белгилаган. Зеро, М. п., энг аввало, эзгулик ва покликдан таълим беради. Кундалик турмуш тарзидаги оддий тозалikka риоя қилиш, ҳар қандай юмушнинг мукамал адо қилинишигача ўтадиган вақт мобайнида бизга поклик-покизалик, озодалик, саранжом-саришталик тушунчаси асос бўлади. Ташқи озодалик ўз-ўзидан ички (маънавий) озодаликни, покликни тақозо этади. Халқимизнинг пок ниятли бўлиши, ниятни эзгуликдан бошлаб то якунигача покизаликка риоя қилиб келганлиги замирида ҳам тоза, пок ҳаёт нафаси мавжудлиги, ҳар қандай ишда адолат, ҳақиқат, ҳалоллик, ишонч-эътиқод каби тушунчаларга таяниши, бошқалардан ҳам шуни талаб қилишида катта тарбиявий ҳақиқат мавжуд.

МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ – юксак маънавиятни тарбиялаш воситаси, муайян шахс, жамоа, гуруҳ, ж-ят, миллатда жисмоний баркамоллик, руҳий, ахлоқий, маънавий етуклик каби сифатларни шакллантиришга қаратилган амалий таълим-т-я жараёни. Инсоннинг ж-ятда яшаши учун зарур бўлган маънавий хусусиятларни тарбиялаш унинг энг асосий кадрият сифатидаги моҳиятини таъминлайдиган кад. ва абдий кадриятдир.

Инсон ва ж-ятнинг мавжудлигини таъминлайдиган кадриятлар М. т. туфайли ажодлардан авлодларга ўтади. М. т. атамаси кенг маънода инсон шахсини шакллантириш, унинг ишлаб чиқариш ва ижт., маданий, маърифий ҳаётда фаол иштирокини таъминлашга қаратилган барча маънавий таъсирлар, тадбирлар, ҳаракатлар, интилишлар йиғиндисини англатади. Бундай тушунишда М. т. фақат оила, мактаб, болалар ва ёшлар ташкилотларида олиб бориладиган тарбиявий ишларни эмас, балки бутун ижт. тузум, унинг етакчи ғоялари, ад., санъат, кино, радио, ТВ, ОАВ ф-ятини ҳам ўз ичига олади. Шунингдек, кенг маънодаги М. т. тушунчаси таркибига бу соҳада таълим ва маълумот олиш ҳам қиради. Тор маънода, М. т. муайян шахснинг маънавий ривожини, дунёқараши, ахлоқий киёфасини, эстетик дидини ўстиришга йўналтирилган пед. ф-ятни англатади. Бундай М. т. оила ва таълим муассасалари ҳамда жамоат ташкилотлари доирасида амалга оширилади. Ҳар қандай М. т. таълим б-н чамбарчас боғлиқ ҳолдагина мавжуд бўлади. Чунки таълим ва маълумот олиш жараёнида шахснинг билими

кўпайибгина қолмай, балки маънавий-ахлоқий сифатларининг қарор топиши ҳам тезлашади. Шу боис ота-боболаримиз қадимдан бебаҳо бойлик бўлмиш илму маърифат, таълим-т-яни инсон камолоти ва миллат равақининг энг асосий шarti деб билган.

М. т.да гоё ва ғурурни юксалтиришга хизмат қиладиган тимсоллар, рамзларнинг ҳар бири катта бир дарслик, қучли т-я воситаси ҳисобланади. Бундан ташқари, буюк аждодлар таваллуд саналарини нишонлаш ҳам маънавий ва тарихий аҳамиятга эга. Бундай маросимларни ўтказиш орқали ёшлар янги кадриятлар асосида т-яланади, улар қалбига тарихни англаш ва қадрлаш, ўтмишга ҳурмат б-н ёндашиш, уларни асраб-авайлаш, шу халққа мансублиги б-н ғурурланиш туйғулари сингдирилади. Умуман олганда, маънавий жиҳатдан кхши т-я олган шахс ўз ақли, тафаккури, меҳнати, масъулияти б-н онгли равишда, эвод ва ҳур фикрли инсон бўлиб яшайди.

МАЪНАВИЙ ТАЪСИР – муайян киши, миллат ёки ҳодисаларнинг бошқаларига таъсири. М. т. кенг кўламли мураккаб тушунча бўлиб, у ўз ичига т-янинг кўп-лаб турлари (ахлоқ. ҳуқуқ, нафосат ва б.) асосидаги ўзаро таъсир масалаларини камраб олади. М. т. тушунчасини икки хил талкин этиш мумкин: 1) ҳар қандай инсон, унинг камолоти М. т. маҳсулидир; 2) инсон, халқнинг ўзи ҳам бошқалар учун М. т. манбаидир. Чунки ҳар бир киши атрофдагилардан ёки ўзидан олдин ўтган аждодлардан таъсирланади. Бу таъсир гоҳ муайян меросни қабул қилиш орқали амалга ошса, гоҳ ундан чекиниш

ёки инкор этиш орқали юз беради. Шу боис М. т. оддий, доимо ҳам тезда намоён бўладиган, аниқ кўриниб турувчи ҳодиса эмас, балки жуда мураккаб жараён бўлиб, турли одамлар, халқлар, маънавий муҳитлар орасида ҳам, бирор миллат ҳамда қардош халқлар доирасида ҳам ўзаро таъсир тарзида амал қиладди. Бирок М. т.нинг юқоридаги кўринишлари асосида индивидуал таъсир ётади.

МАЪНАВИЙ ТУБАНЛИК – шахснинг тарбиясидаги нуқсон ва иллатлар, маънавий жиҳатдан тарбияланмаганлигини намоён этувчи салбий хусусиятлар мажмуи. М. т. инсонларнинг ахлоқий фазилатига қарама-қарши, тесқари бўлган хусусиятлар, умуминсоний ҳулқ-атвор меъёрларидан оғиш натижасида келиб чиқадиган нохуш жиҳатларни ифодалайди.

МАЪНАВИЙ ФАЗИЛАТЛАР – инсоннинг маънавий қиёфаси, ижт. ҳаёт, онг ва муносабатлар б-н боғлиқ бўлган, ж-ят тараққиёти ва турмуши таъсирида шаклланган маънавий хусусият ва хислатларининг умуминсоний ҳамда миллий феъл-атвор кўринишлари. Шахснинг М. ф.и унинг иймон-этикоди асосида ҳалол-поклик, меҳр-шафқат, адолат ва ҳақиқатгўйлик, ватанпарварлик, катталарга ҳурмат ва кичикларга иззатда бўлиш, камтарлик қабиларда намоён бўлади. М. ф. эркак ва аёл, ота-она ва фарзандларга мос ўзига хослик жиҳатларига ёки касбий хусусиятларга эга. Шарқ халқларида М. ф.ни тарбиялашнинг муҳим мезони «Ўзингга нимани раво кўрсанг, ўзгаларга ҳам шуни раво кўргин» деган ҳикматда мужассамлашган. М. ф. инсоннинг шахс сифати-

даги ф-ятида ҳам, унинг Ватан ва халқ олдидаги масъулиятини ҳис этишида ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ж-ят маънавий тараққиётининг ўзига хос мезони сифатида хизмат қилади.

МАЪНАВИЙ ХАВФСИЗЛИК – инсон, халқ ва ж-ят аъзоларининг маънавий хуружлар, ғоявий таҳдидлардан ҳимояланиш тизими. М. х. миллий хавфсизликнинг таркибий қисми сифатида умуммиллий манфаатларни ҳимоя қилишга йўналтирилган ф-ятдир. М. х. деганда, миллий манфаатларни таъминлаш эҳтиёжи боис вужудга келадиган ва ж-ят аъзолари маънавий, ғоявий-руҳий ҳаётининг барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ф-ят ва узлуксиз жараён тушунилади. М. х. маънавий кадриятлар ривожини таъминлаш, уларни ташқи таҳдидлардан ҳимоя қилишга йўналтирилиб, маънавиятдаги руҳий, психологик, ахлоқий жиҳатларнинг уйғунлигини таъминлайди. Маълумки, инсон маънавиятига қарши қилинган таҳдид куролли хуружларга нисбатан кўпроқ таъсир кучига эга. Шу боис, бундай таҳдидларнинг олдини олиш учун миллий тараққиётнинг барқарорлигини таъминлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ҳар қайси мамлакатда ж-ят аъзолари манфаатларини ҳимоя қилишда М. х. масалалари устувор аҳамият касб этади. М. х.ни таъминлаш мақсадида аҳоли ва ёшлар онгида юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги ғояларига садоқат туйғусини шакллантириш муҳим пед. аҳамиятга эга. Бу эса, ўз навбатида, аҳоли М. х.ини таъминлаш, ёшларда турли таҳдидларга

қарши маънавий иммунитетни шакллантириш имконини беради.

МАЪНАВИЙ ЭҲТИЁЖЛАР – дав. ж-ят ва шахснинг барқарор турмушида моддий эҳтиёжлардан бошқа маънавий талаблар, манфаатлар ва эҳтиёжларини қондиришга бўлган интилиши. М. э. ижт., сиёсий, фал., илмий, ахлоқий-пед., диний, ҳуқуқий ва б. йўналишларда аник намоён бўлади. Шу боис М. э. ижт. онг шаклларига таянадиган фаол ҳаракат асосида таъминланади. М. э.нинг қондирилмаслиги ж-ят барқарор ҳаётида турли бузғунчи ғояларнинг пайдо бўлишига олиб келиши, дав. ва ж-ят ҳаётига жиддий хавф туғдириши мумкин. Бундай вазиятда М. э. тарзида намоён бўлган талаблар ва манфаатларнинг босқичма-босқич қондирилиши б-н ижт. муаммоларни бартараф этиш мумкин. Халқимиз турмуш тарзида М. э. кадр ва кадрлаш мезонлари орқали намоён бўлади. Ж-ят ва инсоннинг ижт. алоқаларида кадр-қиммат, ор-номусга нисбатан қилинган нотўғри муносабат ёки ҳаракат маънавият мезонларига зиддир. М. э.нинг моддий эҳтиёжлар б-н ўзаро уйғунлиги ҳар бир даврнинг мазмун-моҳиятини белгилайдиган тарихий зарурат ҳисобланади. Ҳоз. кунда мамлакатимиз аҳолиси барча моддий ва М. э.ини таъминлашга қаратилган туб ўзгаришлар, инсон манфаатига хизмат қиладиган ислохотлар, бозор иқтисодиётига асосланган адолатли ж-ят, кучли демократик ҳуқуқий дав. қуриш йўлидан босқичма-босқич илгарилаб бормоқда.

МАЪНАВИЙ ЯНГИЛАНИШ – маънавиятнинг ўзгариши, ривожланиши ва бойиб бориши жараёни. Кишилар ҳаётида, умуман, ж-ятда юз бераётган воқеа-ҳодисалар шахс онги ва маънавиятида муайян ўзгаришларни келтириб чиқаради. Иккинчи томондан, маънавият воқеликдаги ўзгаришларнинг келиб чиқиши ва содир бўлишига катта таъсир кўрсатади. Янгиланиш – маънавиятнинг туб моҳияти б-н боғлиқ ҳодиса. Агар маънавият янгиланиб, бойиб турмаса, ҳудуд тез орада эскириб, тараққиётга ҳалакит беради. Ж-ят тараққиётидаги бурилиш, туб ислохотлар даврида маънавиятда ҳам жиддий ўзгаришлар юз беради ва, айни пайтда, маънавиятнинг ж-ятда юз бераётган жараёнларга таъсир кучаяди. Бундай вазиятда М. я. суръатлари ҳам тезлашади. Мустақилликдан сўнг унутилаётган миллий маънавий кадриятларни тиклаш, уларни ёшлар, аҳоли онгига сингдиришга катта эътибор берилди. М. я.га катта эътибор берилиши халқнинг онги, турмуш тарзи, ж-ятдаги воқеа-ҳодисаларга муносабатининг ўзгаришига кучли таъсир ўтказди. Маънавиятни янгилаш соҳасида амалга оширилаётган сиёсат мамлакатда ижт.-сиёсий барқарорликни таъминлашнинг муҳим омилига айланди.

М. я. – мураккаб ижт.-сиёсий жараён. Эски тузум сарқитлари маънавиятда муайян давргача сақланиб қолади ва кишиларнинг хулқ-атвори, турмушига ўз таъсирини ўтказади. Бундай ҳолат фанда маънавият амбивалентлиги деб аталади. Бу маънавият таркибида бир пайтнинг ўзида бир-бирига мос келмайдиган, ўзаро

зид тушунча ва тасаввурларнинг маълум бир вақт мобайнида ёнма-ён мавжуд бўлиб туришини англатади. Маънавиятдаги бундай зиддият оғир кечади. Мамлакат осойишта тараққиёт даврини бошдан кечираётган пайтда маънавий амбивалентлик деярли бўлмайдиган ёки жуда паст даражада бўлади. Тараққиётдаги бурилиш давларида эса амбивалентлик кўпроқ намоён бўлади. Бу ҳолатни шахс маънавияти ва хулқ-атворида янгиликларга ҳозиржавобликни шакллантириш асосида бартараф қилиш мумкин.

МАЪНАВИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ, маънавий ўзини ўзи англаш – кишининг ўз руҳи ва қалбини идрок этиши; ижт. даражада халқнинг ўзига хос руҳий-маънавий бирлиги. М. ў. а. ҳуқуқий демократик дав. ва фуқаролик ж-ятини шакллантиришга бел боғлаган халқимиз, айниқса, ёшларда юксак маънавиятни шакллантириш жараёнининг таркибий қисми, тарихий хотирани тиклаш, ўтмиш авлодларга муносиб бўлиш, улар қолдирган маънавий меросни асраб-авайлаш ва такомиллаштириш омилларини ифодаловчи тушунча. М. ў. а. ж-ят ижт.-сиёсий ҳаётини демократлаштириш ва янгилаш, янги тафаккурни шакллантиришнинг асосий воситаларидан биридир. Маълумки, шахсда кўплаб ижт.-инсоний фазилатлар б-н бирга М. ў. а. хусусияти ҳам мужассам бўлади. Бу ғоят кўп қиррали, мураккаб, айни пайтда, зиддиятли ижт. ҳодиса бўлгани учун унга комплекс ёндашиш талаб этилади. М. ў. а. кенг маънодаги миллий ўзликни англашнинг таркибий қисмидир. Шу боис М. ў. а. миллий тараққиётнинг

нафақат белгиси, худди шунингдек, мақсади ҳамдир. М. ў. а. ижт. феномен сифатида миллий тараққиёт мақсади б-н уйғунликда талкин этилиши зарур. М. ў. а. субъект (шахс, миллат, халқ) нинг экзистенционал борлиқда ўзининг тарихий-маданий, ижт.-ахлоқий диний-рухий, бадиий-эстетик қадриятлари, борликни билишда гносеологик тажрибаларига эга эканини идрок этишидир. М. ў. а.да «халқ руҳи», «халқ қалби» деган тушунчалар муҳим ўрин тутади. Шу боис маънавият муаммоларини тадқиқ этган мутахассислар «руҳ», «қалб» категорияларига мурожаат қилади. Миллий ўзликни англашга тааллуқли ҳодиса сифатида эса М. ў. а. маълум бир миллат вакилларининг қалбига, руҳига яқин умумий бойликлар, қадриятлар, тасаввурлар, анъаналар, рухий-маънавий ҳолатлар асосида кишиларни халқ, миллат сифатида бирлаштиради, уларга хос умумий белгиларни шакллантиради.

М. ў. а. тушунчаси маънавият б-н узвий боғлиқ. Маънавиятнинг бош хусусияти ва вазифаси шахсда ахлоқий меъёрларга амал қилиш, инсонпарварликни шакллантиришдир. М. ў. а. шахснинг маънавий дунёси ва шаклланиши каби мураккаб, гоҳо зиддиятли кечадиган, ҳар доим ҳам бир мезон, меъёрлар б-н ўлчанавермайдиган ҳодисадир. Унинг намоён бўлиши ва шаклланиши ҳар доим ҳам шахснинг, ҳатто муҳитнинг ихтиёрида бўлавермайди. Уларга кўзга кўринмас ижт. муносабатлар, умумий-ахлоқий меъёрлар, тарихан шакланган анъаналар, урф-одатлар, халқаро вазият, ахб.лар оқими каби омиллар ҳам

таъсир этади. М. ў. а. маънавиятнинг шаклланиш жараёни каби шахснинг бутун умри давомида кечиши мумкин. Аммо бу маънавиятда ҳам, М. ў. а.да ҳам, шахснинг маълум бир халқ, миллатга тааллуқли эканлигини англатувчи барқарор хусусият, белгилар мавжуд эмаслигини англамайди. Халқни халқ, миллатни миллат қилиб турган белгилар унинг асрлар давомида шаклланган барқарор тарихий-маданий қадриятлари (тили, турмуш тарзи, анъаналари ва б.) б-н муштаракликда намоён бўлади. М. ў. а.нинг ўзгариши ана шу барқарор миллий-маданий асоснинг нисбий ўзгариши ифодасидир. Миллий-маданий асослар маънавиятда, миллий ўзликни англашда сақланиб қолади, акс ҳолда шахс ҳам миллат ҳам ўзлигини, ўз хусусиятларини йўқотади. Халқ, миллатнинг шаклланиши б-н бирга М. ў. а. ҳам шаклланиб боради. М. ў. а. негизида маънавий камолотга етишга интилиш ётади. Маънавий камолотни назарда тутган киши тинмай ўз устида ишлайди, мукамалликка интилади, маълум бир идеалга етишга мақсад қилиб қўяди.

МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАР – ж-ят аъзоларини тарбиялаш, уларнинг маънавий баркамоллигини таъминлашга хизмат қиладиган қадриятлар тизими. М. қ. деганда, инсон т-яси ва камолотида муҳим аҳамиятга эга, ж-ят ва шахс маънавиятини юксалтирувчи, тафаккуривожиди бекиёс аҳамият касб этадиган қадрият шакллари тушунилади. М. ў. а. муайян шароитларда шаклланади ва ш-маънода миллий муҳит уларни яратиб ҳамда саралашнинг асосий манбаидир.

М. қ.ни англаш кишининг ўз миллати, юрти, элига тегишли қадриятларни асраб-авайлашга, Ватан истикболига қатта умид б-н қарашга ундайди, ўзига ишонч ва ҳурматни мустаҳкамлайди. Миллат М. қ.ини қанчалик асраб-авайласа, унинг тараққиётида маънавий ва моддий омиллар уйғунлиги шунчалик мустаҳкам ва барқарор бўлади. Фанда М. қ.нинг қатор вазифалари ўрганилган. Улар, аввало, ж-ят аъзоларини ўзини ўзи тарбиялаш, аждодлардан мерос қадрият ва идеалларга муносиб бўлишга ундайди. Бу жараёнда икки хил ҳолат кузатилади: 1) М. қ. ж-ят аъзолари томонидан энгли тарзда яратилади, яъни одамлар ўзларида мавжуд маънавий меъёр ва мезонлар ҳақидаги тушунчалар асосида уларга мос келадиган қадрият ва идеалларни яратади. Бундай саъй-ҳаракатлар ж-ят аъзоларининг маънавий фаоллигини оширади, излаш, изланиш ва яратувчанликка чорлайди; 2) ж-ят аъзолари томонидан ўзлаштирилган билим, турли урф-одат ёки бошқа маданий-маърифий тадбирлар жараёнида олган таассуротлари ҳам маънавий қадриятларнинг такомиллашувига хизмат қилади. М. қ.нинг шаклланишида ҳар икки ҳолатнинг ҳам таъсири кузатилади. М. қ. ижт. онг шаклларига мос келадиган маданий, маърифий, ахлоқий, диний, ҳуқуқий, илмий қадрият каби турларга бўлинади. Улар инсоннинг ақли, камолоти, дунёни билиш мақсади, билимларининг ҳақиқатга мос келиш даражасини аниқлаш мезони ёки бирор идеал тарзида ҳам намоён бўлади. М. қ.нинг яна бир муҳим жиҳати – уларнинг баъзилари инсоният тарихи давомида аста-секин шаклланади

ва такомиллашиб боради. Улар миқдори ва сифатининг ортиши ж-ят аъзоларининг тафаккур даражаси юксалиши ҳамда инсоният тараққиёти қанчалик илгарилаб кетганлигининг кўрсаткичидир. М. қ. ва қадрият мезонлари миллат маънавияти ва унга мансуб кишиларнинг хулқ-атворини тартибга солиш ҳамда тўғри йўналтириш вазифасини ҳам bajaradi. Бундай ўзига хос маънавий бошқаришнинг самарадорлигига эришиш ниҳоятда муҳим. Зеро, М. қ.и бўлмаган миллат йўқ. Миллат – М. қ.нинг соҳиби, яратувчиси ва асраб-авайлаб сақлаб турувчидир. Миллатнинг таназзули М. қ.нинг таназзулидир. М. қ. миллатнинг тарихи, яшаш тарзи, бугуни, келажаги, урф-одат ва анъаналари, уни ташкил этган авлодлар тафаккури, ижт. қатламлар, миллий онг, тил ҳамда миллий маданият б-н узвий боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Ўзбекистонда мустақилликдан кейин М. қ.га эътибор кучайди. Зеро, М. қ. мамлакатимиз мустақиллиги, халқимизнинг иродасини мустаҳкам қиладиган, унга куч бағишлайдиган асосий омиллардан биридир. Халқимизнинг асрлардан-асрларга мерос қолиб келадиган М. қ. узок тарихий жараёнда шаклланиб, ривожланиб келган. Бизнинг М. қ.имиз 3 минг йиллик тамаддун б-н узвий боғлиқ бўлиб, улар миллатимиз шаклланган макон ва она юртга эҳтиром, авлодлар хотирасига садоқат, қатталарга ҳурмат, муомалада мулозамат, ҳаё, андиша ва ҳ.к.да ўз аксини топади. М. қ.имизда жаҳоннинг бошқа халқларига ўхшамайдиган урф-одат, расм-русум, маросим ва анъаналар кўплаб учрайди.

МАЪНАВИЙ ҚАРАМЛИК – инсон ва ж-ят онгу тафаккурининг бўйсундирилиши, қарам этилиши, маънавий тамойилларнинг заифлашуви, мустақил ривожланиш имкониятларининг чекланганлиги, таракқиётдан ортда қолиш, ўзгаларнинг ғоявий-мафкуравий тазйиқи оқибатида содир бўладиган салбий ҳолат ва жараён. М. қ. тушунчасини инсон, шахс, фуқаро, оила, миллат, халқ ва мамлакатга нисбатан қўллаш мумкин. М. қ. нинг энг «нозик» жиҳати шундаки, у дунёқараш ва руҳият б-н боғлиқ жараёндир. Ўзга давларга М. қ. ҳолатига тушиб қолган миллат сиёсий мустақилликни қўлга киритганидан кейин ҳам узоқ вақт давомида бу қарамлик асоратларидан қутулиши мураккаб кечади. М. қ.дан қутулиш жуда машаққатли бўлиб, вақт ва катта фидойиликни талаб этади. Зеро, қарамлик – бу ўзгалар хоҳиш-иродасига бўйсунуш, уларнинг кўрсатмалари б-н ҳаёт кечириш демақдир. Шу маънода, М. қ. ўзгаларга маънан бўйсунуш, итоат қилиш, фикран ва қалбан мутеликка мубтало бўлишдир. Шахснинг М. қ.и ботиний салоҳият ва иймон-эътиқоднинг заифлиги, ироданинг мажруҳлигида намоён бўлади. Миллатнинг М. қ.и эса унинг ўзлигини намоён этиш туйғусидан маҳрум, ўзга миллатларга тобе бўлишига олиб келади. Шу жиҳатдан М. қ. миллатни ҳалокатга маҳкум этадиган даҳшатли омил. Мустабит тузум даврида халқимиз М. қ.ка маҳкум этилган эди.

М. қ.дан қутулиш учун ёш авлодга маънавий қадриятларимизни синдириш, уларни маънан етук қилиб тарбиялаш лозим.

МАЪНАВИЯТ (араб. – ахлоқий ҳолат: барча ахлоқий нарсалар, хусусиятлар) – инсониятнинг фал., ҳуқуқий, илмий, бадиий, диний, ахлоқий ва б. тасаввурлари, тушунчалари мажмуи. М. атамасининг асосида «маъно» сўзи ётади. Маълумки, инсоннинг ташқи ва ички олами мавжуд. Ташқи оламига унинг бўй-басти, кўриниши, кийиниши, хатти-ҳаракати ва б. киради. Ички олами эса унинг яшашдан мақсади, фикр юриштиши, орзу-истаклари, интилишлари, хис-туйғуларини ўз ичига олади. Инсоннинг ана шу ички олами М.дир. М. унга руҳий озиқ ва қудрат бағишлайди. М. маърифат ва маданият б-н узвий боғлиқ. Инсон М.и таълим-т-я ёрдамида шакллантирилади. Унга муттасил ўқиш, ўрганиш, тажриба орттириш орқалигина эришилади. М. қанчалик бойиб борса, ж-ят ва миллат шунчалик раванқ топади. М.ли одам яшашдан мақсад нималигини аниқ билади, умрини мазмунли ўтказиш йўлини излаб топади, муомала қилиш маданиятини эгаллайди, ҳар бир масалага инсоф ва адолат нуктаи назаридан ёндашади. Ватанни севиш, ватанпарварлик инсон М.ини белгиловчи асосий омиллардан биридир. М. камол топган ж-ятларда қобилият, истеъдод эгалари шу ж-ятнинг, миллатнинг юзи, ғурури, обрў-эътибори ҳисобланади. М.ли ж-ятда ақл, соғлом фикр, адолат ва яхши хулқ устувордир. Бундай ж-ятда халқнинг эртанги кунга ишончи кучли бўлиб, турли иллатлар барҳам топади. Миллатнинг асрлар давомида шаклланган илдизлари, унинг тарихий тажрибалари ва ижт.-маданий ривожисиз М.не

тасаввур қилиш қийин. Ўзбекистонда М. ва маърифатни кўтариш, тарғиб қилиш, бойитиш мақсадида Республика «Маънавият ва маърифат» маркази ташкил этилган. Таълим муассасаларида М. асослари фани ўқитилади. Шахс М.ини бойитиш соҳасида и. т.лар олиб борилмоқда.

МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ – Ўзбекистоннинг таълим тизимида жорий этилган ўқув фани. Ушбу фан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 й. 23 апр.даги «Маънавият ва маърифат жамоатчилиқ марказини тузиш тўғрисида»ги, 1996 й. 9 сент.даги «Маънавият ва маърифат жамоатчилиқ маркази ф-ятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги, 1999 й. 3 сент.даги «Республика Маънавияти ва маърифат кенгашини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 й. 24 июндаги «Маънавий ва маърифий ахлоқотларни янада чуқурлаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ барча таълим муассасаларида ўқитила бошланди. М. а. фанини ўқитишдан кўзланган мақсад юксак маънавиятли ёш авлодни тарбиялашдир. Бу, ўз навбатида, мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш борасида қўйилаётган асосий вазифалардан биридир. Мамлакатимизда 2002 й.дан шу соҳа мутахассислари тайёрлана бошланди, 15 дан ортиқ ОЎЮда миллий ғоя, маънавият ва ҳуқуқ асослари йўналиши бўйича мутахассислар етиштириб берадиган ф-тлар шаклланди. Мактабларнинг 7–9-синфларида

миллий ғоя ва маънавият асослари фани жорий этилди. М. а. фани доирасида маънавиятнинг мазмун-моҳияти, категория ва тушунчалари, уларнинг ўзаро муносабатлари ва хусусиятлари, маънавиятнинг таркибий қисмлари, ривожланиш хусусиятлари, маънавият ва иқтисоднинг ўзаро алоқадорлиги, маънавиятда миллийлик ва умуминсонийликнинг намоён бўлиши каби масалалар ўрганилади. Шу б-н бирга, Марказий Осиё фал. тафаккурида маънавият ва маърифат масалалари, Ислом Каримов асарларида маънавий баркамол инсонни тарбиялаш ғоялари, ватанпарварлик, инсонпарварлик ва ўз миллатига садоқат мезонлари, иймон, диёнат, адолат, меҳр-шафқат, эътиқод, поклик, ҳалоллик ва вафодорлик каби фазилатлар, миллий ўзликни англаш, уни мустаҳкамлаш ва миллатлараро тотувликни таъминлаш қабилар ҳам М. а. фанининг асосий мавзулари ҳисобланади. М. а. фани доирасида маънавий саводхонлик, қонунга итоаткорлик, дав. тизимида ҳурмат, фуқаролик бурчига садоқат каби мавзулар, шахс маънавиятини ривожлантириш омиллари ва воситаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ ВА МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИ ДАВЛАТ ТАЪЛИМ СТАНДАРТИ – ўқув фани мазмуни ва ушбу ўқув предмети бўйича ўқувчилар эгаллайдиган билим, кўникма ва малакаларга қўйилган талабларнинг дав. томонидан тасдиқланган эталони, модели.

МАЪНАВИЯТ ХОНАСИ – маънавият фанини ўқитишда дарс ва дарсдан

ташқари машғулотларни самарали ташкил этишга мўлжаллаб маҳсул жихозланган ўқув хонаси.

МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ УЙҒУНЛИГИ – маънавиятнинг маърифий жараёнлар б-н узвий алоқадорлиги, инсон маънавиятининг у томонидан ўзлаштириладиган билим, амалий тажриба ва кўникмалар ҳосил қилиниши, шахснинг илмий-ижодий камолоти б-н боғлиқлиги; муйаян шахс, ижт. гуруҳ, ж-ят ва дав. ҳаётига хос ф-ятда, урф-одат ва анъаналари, таълим-т-я тизимида маънавий омилларнинг билим ва тафаккур ривожини б-н муштараклиги. М. ва м. у. ўзбек халқининг кўп минг йиллик тарихида доимо унинг энг кучли ўзига хос хусусияти бўлиб келган. Қадим-қадимдан Ўзбекистон цивилизацияси асосини маънавият, маърифат ва ахлоқ қадриятлари ташкил этган ва бу тушунчаларни бир-биридан алоҳида тасаввур қилиб бўлмайди. М. ва м. у. ж-ят, халқ камолотининг бош омилларидан биридир. Маърифат ҳам, ўз навбатида маданият, маънавият тушунчалари б-н чамбарчас боғлиқ. Маърифат – маънавиятга олиб келадиган йўл, уни шакллантирувчи воситадир. М. ва м. у. тарихи ж-ят тарихининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланиб, у маънавий қарамликни бар-тараф этувчи куч, инсонга ақлий, руҳий қувват бахш этадиган омил сифатида намоён бўлади, кишиларни жаҳолат чангалидан қутқаради, бузуқ, ёмон, гуноҳ ишлардан қайтаради, эзгу хулқ ва одоб эгаси бўлишга кўмаклашади. М. ва м. у. га эришган инсон ўзлигини англаш, эркин ва озод ж-ятда яшаш, мустақил дав.

имизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб, обрўли ўрин эгаллаши учун фидойилик б-н курашади.

Маънавият сермазмун тушунча бўлиб, маориф уни ёйиш, кишилар онги ва калбига сингдириш воситасидир. Маънавиятни ҳаётга сингдириш фақат маориф орқалигина эмас, маърифат ўчоқлари, турли ижодий уюшмалар, ташкилот, муассасалар, ОАВ ва б. тизимлар орқали амалга оширилади. Бу эса М. ва м. у. ни таъминлайди, халқ маънавияти ва маърифатининг юксалишига имкон беради. М. ва м. у. йўлида ҳар ким ўз иқтидори, истеъдоди, қобилияти, интилишига яраша маълум даражага эришади. Маънавий камолот ж-ятда фақат тор доирада қолиб кетса, маънавий-маърифий даража умумижт. ижобий, илғор ҳаракатларга чорловчи ўзгаришларга олиб келмас. ҳаёт уйғунлиги, мувозанати бузилади. Шу боис маърифат тарқатиш йўли б-н сиёсат ва иқтисод соҳаларида умумижт. ўзгаришлар содир бўлишига эришиш маънавият аҳлининг масъулияти, маънавият, маърифатни тарғиб-ташвиқ этиш ҳар бир зиёлининг виждон ишидир. Чинакам маърифатли инсонларгина ўз юртини тараққий топтириш, уни кўп қорачиғидек асраб-авайлашга, дунёда ўзига муносиб ўрин эгаллашга қодир бўлади. Бу эса устоз ва мураббийлар ота-оналар, бутун ж-ят зиммасига катта масъулият юклайди.

МАЪНАВИЯТ КАТЕГОРИЯЛАРИ – инсон камолоти ва ж-ят тараққиётининг асосини ташкил этадиган маънавий мезонлар ва тамойилларни, шу соҳага хос нарсалар ва ҳодисалар, воқеалар ва жараёнлар

ни акс эттирадиган энг муҳим ва умумий тушунчалар тизими. Бу тушунчалар маънавиятнинг мазмун-моҳияти, унинг бошқа соҳалардан фарқи, ўзига хос хусусиятлари ва намоён бўлиш шакллари ни яққол ифодалайди. Улар шу соҳадаги нарса ва ҳодисаларнинг айрим, алоҳида жиҳатларини эмас, балки, умуман, инсоннинг маънавий ва руҳий оламига, ғоя, ахлоқ, маърифат, маданият, дин ва б.ларга хос умумий белги, алоқа ва муносабатларни ҳам акс эттиради. Маънавият категориялари маънавий ҳаётни чуқур ва мукамал ифодалаши, унинг барча соҳаларида амал қилиши б-н бу каби бошқа тушунчалардан фарқ қилади. Шу боис ушбу соҳага алоқадор ҳар бир аниқ тушунчанинг хусусияти ва белгиларини англашда М. к.га асос ва мезон сифатида мурожаат этилади. Категорияларнинг мазмун-моҳиятини тўғри тушуниш ва уларни таснифлаш, ҳар бир фан, қолаверса, инсоният ҳаёти ва ижт. тафаккур ривожини учун ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Маълумки, категорияларни биринчи бўлиб Аристотель таърифлаб берган ва бу ижт. фикр тараққиётида муҳим аҳамият касб этган. Ўша даврдан бошлаб фал. ўз қонунлари, тамойиллари, категория ва тушунчаларига эга фанга айланган.

МАЪНАВИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРАДИГАН МЕЗОНЛАР – инсон онгига таъсир кўрсатадиган, унинг дунёқараши, тафаккур тарзини муайян йўналишга соладиган, ўзгартирадиган, ж-ят, миллатга хос маънавий, маданий ва моддий асослар, анъаналар, қадриятлар, мерос, турмуш тарзи, ғоялар ва қарашларни умум-

лаштирувчи тушунча. М. ш. м.ни шартли равишда бир неча гуруҳга бўлиш мумкин: 1) миллат, халқ, давлатчилик, маданият, меъморий ёдгорликлар ва б.ни қамраб олувчи тарих, минг йиллар давомида ривожланиб келаётган қишлоқ ва сув ҳўжалиги б-н боғлиқ аграр маданий анъаналар, географик шарт-шароитга алоқадор тарихий муносабат ва б.ни ифодаловчи моддий мерос; 2) халқимизга хос бир неча минг йиллик диний эътиқод, таълим-т-я, шунингдек, барча илм-фан соҳалари ва улар ривожига муҳим ўрин тутган мутафаккирлар ҳамда уларнинг асарлари, халқ ижодини қамраб олувчи маданий мерос; 3) халқимизга хос анъана, урф-одат, маросим ва байрамлар, турмуш тарзи б-н боғлиқ бошқа маданий омиллар; 4) халқ қадриятлари, тафаккур тарзи, мафқураси, унга хос маънавий хусусиятлар, ғоялар, руҳият ва ўзаро ижт. муносабатлар; 5) ҳоз. ж-ятимизда бевосита амалий ф-ят юритаётган, инсон т-ясида катта таъсирга эга, умуман, маънавий дунёқараш шаклланишида алоҳида аҳамият касб этадиган таълим-т-я масканлари, ОАВ, кутубхона, театр, санъат саройлари ва б. таъсир воситаларини ўз ичига олади. Маънавиятни юксалтириш масаласи ҳар бир давр ва ж-ятга хос бўлиб, бунда дав. ва ж-ят олдиди маънавиятни шакллантирадиган ва унга таъсир ўтказадиган барча омил ва мезонларни чуқур таҳлил қилиб, уларнинг бу борада қандай ўрин тутишини яхши англаб олиш мақсади ҳам туради. Ҳар қайси халқ ёки миллатни унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда

тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллар сифатида хизмат қилади. Миллий маънавиятимизда халқ оғзаки ижоди муҳим ўрин тутиб, у миллатимизнинг ўзлигини, бағрикенглик, матонат, олийжаноблик, вафо ва садоқат каби эзгу фазилатларини ифода этади. М. ш. м.дан яна бири – диннинг аҳамияти беқиёс. Дин азалдан инсон маънавиятининг таркибий қисми сифатида одамзоднинг юксак идеаллари, ҳақ ва ҳақиқат, инсоф ва адолат тўғрисидаги орзу-армонларини ўзида мужассам этган, уларни барқарор қоидалар шаклида мустаҳкамлаб келаётган ғоя ва қарашларнинг яхлит бир тизимидир.

Ҳар бир илмий янгилик, яратилган кашфиёт бу янгича фикр ва дунёқарашга туртки беради, маънавият мезонлари шаклланишига ўзига хос таъсир ўтказиши. Шу нуқтаи назардан, буюк боболаримизнинг ибратли ҳаёти ва ф-яти, бемисл илмий-ижодий кашфиётлари бугун ҳам жаҳон аҳлини ҳайратга солмоқда. Бундай ноёб ва бебаҳо бойликни ҳар томонлама чуқур ўрганиш, унинг маъно-мазмунини авлодларга етказиш масаласи барча учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири беқиёс. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади. Боланинг характери, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар

– яхшилик ва эзгулик, олийжаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида қарор топиши табиий. Шунингдек, ўзбек маҳаллалари азалдан чинакам миллий қадриятлар маскани бўлиб келган. Ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувлик, эҳтиёжманд, ёрдамга муҳтож кимсалар ҳолидан хабар олиш, етим-есирларнинг бошини силаш, тўй-томоша, ҳашар ва маъракаларни кўпчилик б-н бамаслаҳат ўтказиш, яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам бирга бўлиш каби урф-одат ва анъаналар, авваламбор, маҳалла муҳитида шаклланган ва ривожланган. Ўзини ўзи бошқарув тизимининг бу ноёб усули қадим-қадимдан ж-ят ҳаётида муҳим ўрин тутган. Ҳар қайси хонадон, маҳалладаги маънавий иқлим ва вазиятни англамоқчи бўлган киши бу борадаги ҳақиқий манзаранинг ёрқин ифодасини, аввало, маҳалла ҳаётида яққол кўра олади. М. ш. м.дан яна бири илму маърифат, таълим-т-я бўлиб, уларга инсон камолоти ва миллат равақининг энг асосий шарти сифатида қаралган. Келажак пойдевори билим даргоҳларида яратилади. Халқнинг эртанги куни қандай бўлиши фарзандларнинг бугун қандай таълим-т-я олишига боғлиқ. Бунинг учун ҳар қайси ота-она, устоз ва мураббий ҳар бир бола тимсолида, аввало, шахсни кўриши, таълим ва т-я ишини уйғун ҳолда олиб бориши талаб этилади.

МАЪНАВИЯТНИНГ АНЪАНАВИЙЛИГИ ВА ТАДРИЖИЙЛИГИ – аж-додларнинг асрлар мобайнида тўплаган маънавий қадриятларини ворисийлик

асосида авлодларга узатиш, маънавий меросда тарихий мезонлар ва ижт. ҳаёт талабларига мувофиқ тадрижий равишда мунтазам бойиб ёки янгиланиб борадиган жараёнларнинг намоён бўлиши. М. а. ва т. маънавий тафаккурнинг босқичма-босқич, даражама-даража ўсиши, анъанавийлик, яъни ворисийлик касб этиши сифатида вужудга келади. Халқнинг тарихий хотираси, маънавиятига ҳурмат б-н қараш, аввало, маънавиятга айланган анъана ва маросимларда ўз ифодасини топади. Одамлар турмуш тарзи, моддий ва маънавий ҳаёти ривожланиш жараёнида муайян ижт. тартиб-қоидалар, ахлоқ меъёрлари, урф-одат, маросим ва б. анъана сифатида ўзини намоён этади. М. а. ва т.ни: а) ижт. тарихий ҳодиса; б) ж-ят ҳаётидаги жараёнларнинг таркибий қисми; в) кишиларнинг моддий, маънавий ҳаёти ва ф-ятини белгилаш мезони; г) ж-ят ва одамларни бошқаришнинг омилларидан бири сифатида тавсифлаш мумкин. Шу маънода М. а. ва т. ёшларни тарбиялаш, уларга кекса авлод ҳаётий тажрибаларини ўргатиш воситаси ҳамдир. Ҳар бир даврнинг ўз маънавият тизими бўлиб, у вақт ўтиши б-н ўзгариб, мазмунан бойиб боради, баъзи шакллари трансформацияга учрайди, айримлари йўқолади, янгилари шаклланади. Бу жараёнлар бирданига эмас, аста-секин, тадрижий равишда юз беради. Шунингдек, бир замоннинг маънавияти иккинчисига мос келмаслиги ҳам мумкин. Улуғ аждодларимизнинг зардуштийлик ёки буддавийлик негизида шаклланган маънавиятидан ислом негизида шаклланган маъ-

навияти муайян даражада фарқ қилади. Халқимизнинг бугунги маънавияти эса шўро тузуми давридаги маънавиятдан ажралиб туради. Истиқлол туфайли маънавий меросни чуқурроқ ва кенгроқ ўрганиш, маънавий қадриятларга янги мазмун бағишлаб, қайта тиклашдан кўзланган мақсад ўтмишга сифиниш эмас, балки маънавиятнинг миллий-этниқ асосларига суяниб, ундан фойдаланиб олға силжиш, тараққиётнинг янги босқичига чиқишдир. Бугун халқимиз маданий меросига умуминсоний ва миллий қадриятларни ўзлаштириш, маънавиятни юксалтиришга фойдаси тегувчи маънавий бойлик сифатида, халқнинг асрий маънавий тажрибаси, анъаналарини билиш, тадрижий давом эттириш, ривожлантириш нуқтаи назаридан ёндашилмоқда. М. а. ва т.га илмий ёндашувнинг мезонлари – ўтмиш қадриятларига ҳурмат, инсонпарварлик, ватанпарварлик, халқчиллик, тараққийпарварликдан иборат бўлиб, улар умуминсоний характерга эга. Одатда, давр талабига жавоб бера олмай қолган удум, расм-русум ва анъаналар унутилиб, ўтмишга айланади. Маънавиятнинг анъанавийлиги ва тадрижийлиги инсон ф-ятининг ҳамма соҳаларида намоён бўлади. Бу борада маънавий ҳодисаларни, асосан, икки турга бўлиш мумкин: а) анъанага айланган хайрли (бунёдкор) маросимлар, ишлар, ф-ят йўналишлари. Бундай маънавият шакллари ижт. тараққиёт, миллий равақ ва инсон камолоти учун муҳим аҳамиятга эга; б) ўтмишдан мерос қолган зарарли маросимлар, ишлар, ф-ят йўналишлари.

Булар ҳар доим инсон онги ва руҳини кашшоклаштириб, унинг маънавий такомиллашувига, ижт. тараққиёт ва инсон камолотига тўсқинлик қилади. Тарихий жараёнлар, ижт. тараққиётнинг олға боришига, соғлом авлод равнақиға хизмат қиладиган ҳамда муайян халқ оммасининг туб манфаатларига мувофиқ келадиган маросим, урф-одатлар, турмуш ва тафаккур тарзи хайрли, эзгу анъанавийлик воситасида ривожланади ва қадриятга айланади. Шу тариқа маънавий тараққиёт тадрижийлик қонунига мувофиқ содир бўлади. Ҳеч бир давр маънавий мероси бутунлигича, тақлид тарзида бошқа даврга кўчмайди. Уни ҳар бир авлод ўз ҳаёти тажрибаси б-н бойитади ёки янгилайди. Аммо халқ руҳи, маънавияти, турмуш тарзида шундай маънавий асослар борки, уларни турли ижт. тўнтаришлар ҳам йўқ қилолмайди. Мас., ўзбек халқининг оилага садоқат, кексаларни иззат-хурмат қилиш, меҳмондўстлик, андишалилик, бағрикенглик фазилатлари шулар жумласидандир. Қадимдан юртимизда зардуштийлик, буддавийлик, насронийлик, яҳудийлик, ислом динлари ёнма-ён яшаб келган, маънавият марказлари ҳисобланган шаҳарларда ибодатхона, масжид, черков, синагогалар ҳамжихатликда ф-ят кўрсатган. Уларда турли миллат, элат ва динга мансуб халқлар, қавмлар ўз диний амалларини эмин-эркин адо этишган, турли байрамларни биргаликда нишонлашган. Ўзбекистон тарихининг энг мураккаб, зиддиятли, оғир даврларида ҳам турли дин вакиллари орасида можаролар бўлмаган. Бу – халқимизнинг

бағрикенглик борасида катта тажрибага эгалигидан далолат. Бу улкан маънавий анъана тадрижий равишда ривожланиб, истиқлол даврида ҳам тараққиёт ва барқарорликка хизмат қилмоқда. Демак, маънавий меросда минг йиллар қаърига бориб тақаладиган миллий-этноасос тарихий-маънавий ўзак ва ижт. ҳаёт талабларига мувофиқ тадрижий равишда доим бойиб ёки янгиланиб борадиган устки қатламлар мавжуд. Шунингдек, маданий меросда ўз даври учун фойдали, қолган давр талабларига тўғри келмайдиган жиҳатлар ҳам бўлиши мумкин. Аслида, тарихийлик б-н замонавийлик, эскилик б-н янгилик, инкор б-н ворислик ўртасидаги очиқ ёки яширин жараёнлар ижт. тараққиётнинг асосини ташкил этади. Зиддиятни инкор этиш тараққиётни ҳам инкор этишдир. Бу зиддиятни батамом бартараф этиш мумкин эмас, аммо уни тадрижий равишда маънавий тараққиётга йўналтириш мумкин. М. а. ва т. ўзини шахс, ижт. гуруҳ, элат миллатнинг қундалик ҳаёти, яъни турмуш тарзида ҳам ифода этади. Турмуш тарзининг моҳияти, мазмуни ва намоён бўлиш шакллари кишиларнинг моддий ва маънавий ҳаёти, меҳнати, соғлиги, хулқ-атвори б-н белгиланади. Муайян элат ва миллатнинг моддий ва маънавий ҳаёти уларнинг яшаш жойлари б-н боғлиқ ҳолда шаклланади ва даврлар мобайнида янгиланиб, тадрижий равишда ўзгариб боради. Халқимиз қадим-қадимдан ўз ҳаёти ва ф-ятида катталарга ҳурмат, камтарлик, меҳнатсеварлик, меҳмондўстлик, бағрикенглик, софдиллик сингари фазилатлар т-ясига алоҳида

этибор бериб келган. Бундай фазилатлар миллий урф-одат ва анъаналарда, қандалик ҳаёт тарзи, миллатлараро, динлараро муносабатлар, умуман, маънавиятда акс этади. Халқимиз ҳаётида одо-б-илоқ меъёрлари асосидаги расм-русум, одат ва анъаналарнинг аҳамияти беқиёс. Ўзбек халқи азалдан жамоа бўлиб яшаб, маҳалла, қўшничилик удумига қатъий эътибор қилиб келган. Фарзандларини юксак маънавиятли, ҳунарли ва уй-жойли қилиш ота-оналар ф-ятининг энг муҳим вазифасига айланган. Одамлар, ҳудудсан, ёшлар одоб-ахлоқи, улар амал қиладиган тамойиллар ҳамини жамоа этиқолатида б-н бўлган. Ушбу тамойиллар М. а. ва т.нинг асосий мезонлари ҳисобланади. Ф-ятида бугун ҳам ж-ятимизнинг маънавий юксалиши, юртимизда истиқомат қиладиган барча миллат ва элат вакиллари баҳамжиҳат яшаши ва меҳнат қилиши, фарзандларимизни баркамол инсонлар қилиб тарбиялашга ҳизмат қилиб келмоқда.

МАЪНАВИЯТНИНГ ИНДИВИДУАЛ ШАКЛЛАРИ – ҳар бир инсоннинг қадри, ҳақ-ҳуқуқлари, эркинлиги, бурж-масъулияти, ижт., иқтисодий ва сиёсий жараёнлардаги ўрнини, унинг ж-ят, проф-муҳит ва бошқа кишиларга таъсири, ҳаётдаги мавқеи, ахлоқий қиёфаси, таълиқишлари, талаб ва эҳтиёжлари б-н боғлиқ маънавият шакллариининг шахсий (илоҳида, якка) даражада намоён бўлиш ҳусусиятлари. Муайян шахс маънавия-тининг индивидуал шакллари хилма-хил тарзда намоён бўлади. Бу, авваламбор, ш-нинг табиат, ташқи оламда рўй бераётган жараёнларга нисбатан муносабати,

ушбу жараёнлардаги ўрни ва ф-ятида, турли ирқ, миллат, ижт. қатламларга мансуб бўлган, ранг-баранг мақсадлар ва маънавиятга интиладиган кишиларга муносабатида яккол намоён бўлади. М. и. ш. ҳар бир шахснинг ўзи, оила, турмуш, жамоа ва ж-ятдаги ўрнига нисбатан муносабатида, ж-ятда моддий ва маънавий бойликларни яратиш жараёнига қўшаётган ҳиссасида ҳам кўзга ташланади. Шу б-н бирга, шахснинг сиёсий ўзгаришлар, ж-ятни демократлаштиришдаги иштироки, қандай эзгу мақсадларни кўзлаётганлиги б-н боғлиқ ф-яти ҳам муҳим аҳамиятга эга. Юксак техн., ишлаб чиқариш ва бошқариш воситаларининг замонавий талабларга ҳозиржавоблиги, бу борадаги шахс малакаси, қобилияти ва кўникмаларини такомиллаштиришга интилиши ҳам М. и. ш.нинг асосий кўрсаткичларидир. Табиий баркамоллик, жисмонан соғломлик, иқтисодий талаб ва эҳтиёжларни ахлоқий камолоти ва амалий ф-яти б-н уйғунлаштира олиши, нафосати, билими, қобилияти, истеъдоди, иқтидори ва улардан қандай мақсадларда фойдаланаётгани ҳам М. и. ш.нинг даражасини белгилайди. М. и. ш. тизимида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин: а) ҳар бир инсоннинг табиий-тарихий қадриятлари; б) ахлоқий қиёфаси, нафосати ва гўзаллиги; в) меҳнати ва иқтисодий маданияти; г) индивидуал камолоти ва ижт. мавқеи; д) қобилияти ва истеъдоди; е) дини, эътиқоди, ҳис-туйғулари. Инсон маънавиятининг табиий-тарихий жиҳати унинг биологик жонзот, тирик мавжудот сифатидаги яшаши, сиҳат-саломатлиги, ҳаёт кечириш

даврлари (болалик, ўсмирлик, кексалик) б-н боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Бундай табиийлик одам зотининг ҳар қандай авлоди, кавми, миллат ва элатига тегишлидир. Инсоннинг ахлоқий қиёфаси, нафосати ва гўзаллиги б-н боғлиқ маънавий шакллари ўзаро уйғунликда намоён бўлади, улар умуминсонийликнинг шахс қиёфаси б-н боғлиқ индивидуал даражасини ифодалайди. Ахлоқий қиёфа, нафосат ва гўзаллик б-н боғлиқ шахсий маънавиятнинг ҳар бир шакли кишиларнинг ж-ятдаги бирор типини ажратиб кўрсатиш учун асос бўлиши мумкин. Бу шакллар эса ниҳоятда хилма-хил: шахс умри ва ҳаётининг маъноси, яъни яшашдан мақсад, хотира, мерос, ворислик, орзу-умид, бахт-саодат ва б.; шахснинг атроф-муҳит, ватан, давр, оила ва турмуши, севги-муҳаббати, ота-она ва фарзандлари, турмуш гўзаллиги ва б. билан боғлиқ маънавий шакллари; шахснинг эркинлиги, озодлик, тенглик, эътиқод, аҳб. олиш, мулкка эғалик қилиш, яшаш, дахлсизлик б-н боғлиқ маънавий; шахсий масъулият, яъни ижт. заруриятни англаши, унга амал қилиши, тартиб-интизоми, ор-номуси, бурчи, виждони, кадр-қиммати ва б.; шахснинг нафосати, маънавий гўзаллиги, эстетик туйғуси, диди, маданияти, ўзи, ўзгалар, табиат ва ташқи муҳитга нисбатан муносабатига алоқадор маънавий шакллари. Маънавиятнинг шахсий даражада ифодаланиши нисбий хусусиятга эга бўлса-да, аммо у алоҳида кишилар, уларнинг ҳаёти, ф-яти, ж-ятдаги мавқеи ва ўрнини белгилашда катта аҳамият касб этади.

МАЪНАВИЯТНИНГ МИЛЛИЙ АСОСЛАРИ – муайян миллат, элатнинг ўзига хос хусусиятлари, анъана ва урф-одатлари, кадриятлари, дунёқараши, тафаккур тарзини шакллантирадиган маънавий асослари. М. м. а. миллатнинг тарихи, тараққиёти ва бугунги ривожланиш даражасининг ажралмас таркибий қисмидир. Ўзбекистон халқи ўз маънавиятининг миллий-этник асосларини, тарихий ва маданий кадриятлари ва ўзига хос ижобий анъаналарини минг йиллар мобайнида асраб-авайлаб, бойитиб келмоқда. Тарихимиз шундан далолат берадики, энг мураккаб даврларда ҳам халқимизнинг оғир синовлардан ўтиши, ҳаётнинг турли синовларига мардона дош бериб, қадди-қоматини тик тутиб яшашига катта мадад бахш этадиган куч – юксак маънавий ва адолатга интилиш туйғуси бўлган. Адолат туйғуси, ўз даврининг ҳуқуқий мезонлари асосида яшаш, ўзганинг мол-мулкига кўз олайтирмаслик, ҳаромдан ҳазан қилиш, инсоф ва диёнат, меҳр-оқибат ва б. эзгу тушунчалар бугун ҳам маънавий ҳаёт асосларини ташкил этади. Турли этнос вакилларига ҳурмат б-н қараш, баҳамжиҳат яшаш, динлараро бағрикенглик, дунёвий билимларга интилиш, ўзга халқлар илғор тажрибаларини ва маданиятини ўрганиш каби хусусиятлар ҳам халқимизда азалдан мужассам. Шу б-н бирга, миллий характерга хос мурувват, андиша, ор-номус, шарму ҳаё, ибо-иффат, меҳмондўстлик, бағрикенглик каби фазилатлар ўзбеконини М. м. а.ни ташкил этади.

МАЪНАВИЯТНИНГ ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ – ўзбек халқининг маънавий тараққиёти, миллий тафаккур пойдевори, халқ маънавиятининг шаклланиши ва такомиллашуви жараёнини ифодаловчи тушунча. Халқимиз маънавиятининг тарихий илдизлари заминимизда яратилган қад. тош битиклар, ривоят ва афсоналар, ҳикоят ва дostonларга, яъни халқ оғзаки ижодига бориб тақалади. Спитамен, Алпомиш, Гўрўғли, Тўмарис ва Широқ тўғрисидаги ривоят ва дostonларда ватанпарварлик, мардлик, дўстлик, садоқат, вафо, халқ ва юрт озодлиги учун фидойилик руҳи бадиий тасвирланган. М. т. и. мавзуси диний дунёқарашлар ва уларнинг энг қад. шаклларида ҳам ўз аксини топган, ҳар бир дин ўзига хос маънавият тизимини яратган. Ана шу динларнинг асосий китобларида муайян маънавий тизимлар ўз ифодасини топган. М. т. и. такомиллашиб боргани сари, улардаги маънавий тушунчалар тизими ҳам янги кирраларини намоён қилган. «Авесто»да халқимизнинг ўша даврдаги маънавияти, маданияти, урф-одат ва қадриятлари ёритилган. «Авесто» зардуштийликнинг асосий китоби бўлгани сабабли унда бу диннинг маънавий тушунчалар тизими ҳам ўз ифодасини топган.

МАЪНАВИЯТНИНГ ТАРИХИЙЛИГИ ВА ЗАМОНАВИЙЛИГИ – маънавиятнинг шаклланиши, тарихий тараққиёт жараёнида тадрижий тарзда такомиллашуви, инсоният ҳаёти ва ижт. муносабатларида қарор топиб бориши ҳамда ҳар бир давр ва шароитда ижт. турмуш талаб-эҳтиёжларини ўзида ифо-

да этган ғоявий куч сифатида янгилашиб, ижт. тараққиётнинг кундалик талабларига мослашган ҳолда намоён бўлиши. Кишилиқ ж-яти тарихида маънавиятнинг замонавийлашуви модерн дейилади. Ж-ят ижт. тараққиётида юз берувчи узлуксиз ўзгаришлар М. т. ва з.нинг асосий манбаидир. Шу маънода, маънавият инсоннинг ўзлигини англаши б-н бошланган ва доимо содир бўладиган маънавий комиллик сари интилишидир. Бу ҳол ҳар бир тарихий даврда халқ ва миллатнинг ўзига хос маънавияти шаклланишига олиб келади. Маънавиятнинг тадрижий тараққиёти қуйидагича даврлаштирилган: 1) қад. маънавий тараққиёт; 2) ўрта асрлар даври маънавияти; 3) янги давр маънавияти; 4) истиқлол даври маънавияти. Маънавиятнинг такомил босқичлари шартли бўлса-да, улар орасида ўзаро алоқадорлик ва ворисийлик мавжуд. Ҳар бир даврда маънавият кишилиқ ж-яти тараққиётини таъминлашга хизмат қилган ва авлоддан-авлодга энг илғор ғоя ва одат, маросимларни мерос қолдирган. Булар халқ оғзаки ижоди, афсона ва ривоятларда, деҳқончилик ва чорвачилик анъаналарида, урф-одат ва расм-русумларида ўз аксини топган маънавият шакллари тарзида намоён бўлади ҳамда миллий ва жаҳон динлари, илм-фан, ад. ва санъат ривожига асос вазифасини ўтайди. Шу тариқа М. т. ва з. жараёнлари бугунги миллий маънавиятимизнинг шаклланиши ва такомиллашувида ажодларимиз меросининг ўрни беқиёс эканлигини кўрсатади.

МАЪРИФАТ (араб. – ахлоқий ҳолат; барча ахлоқий нарсалар, хусусиятлар) –

инсониятнинг фал., ҳуқуқий, илмий, ба-
дий, диний, ахлокий ва б. тасаввурлари
ва тушунчалари мажмуи; табиат, ж-ят ва
инсон моҳияти ҳақидаги билимлар, маъ-
лумотлар, таълим-т-я ва маориф тизими
мажмуини ифодаловчи тушунча.

Тор маънода М. билимли, маълу-
мотли, маънавиятли инсонга нисбатан
қўлланади. Кенг маънода кишилар-
нинг билими, маданиятини оширишга
қаратилган маориф ва таълим-т-яга ҳам
М. деб қаралади. Бу сўз илму ирфон маъ-
носида ҳам ишлатилади. М. тушунчаси
билим ва маданиятни ёйиш ҳамда юксал-
тиришнинг барча турлари ва соҳаларини
камраб олади. «Авесто»да М. эзгулик-
нинг намоён бўлиши, эзгу фикр ва эзгу
сўзнинг амалга ошиши тарзида талқин
қилинган. Қад. Юнон-рим фал.сида М.
сўзи тафаккур ва соф билим дея ифода-
ланган. Аристотель билимни инсоннинг
энг лаззатли ва эзгу ф-яти деб таъриф-
лаган. Платоннинг: «Мукамал билим-
нинг, яъни мен эгаллаган билимнинг
бирдан-бир тури мен ўзим билмаган нар-
саларни билишимдир», деган қарашлари
замирида ўрганиш, билимларнинг чек-
сизлигини англатувчи ҳақиқат ётади.
Буюк аждодларимиз Имом Бухорий,
Имом Мотуридий, Ҳаким Термизий,
Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд
каби алломалар бекиёс маърифатлари
б-н умуминсоний маданиятларнинг ри-
вожланишига улкан ҳисса қўшганлар.
Ҳаким Термизий «Китоб байан ал-илм»
номли рисоласида М.ни нур, ёруғликка
қиёслаган. Беруний, Ибн Сино, Амир
Темур, Улуғбек, Навоий ва Бобур М.ни
илм, амал, одоб тушунчалари ўзаро

боғлиқ хислатлар деб ҳисоблаган. Улар-
га кўра, кишининг одоби, ҳулқи унинг
М.и б-н чамбарчас боғлиқ бўлиб, инсон
қанчалик М.ли бўлса, унинг ҳулқи шун-
чалик яхши ва мукамал ҳисобланган.
Роғиб Исфаҳонийнинг фикрича, илм.
амал, адаб юксак унвонга, олийжаноб
насабга ва бойликка тенгдир. Бу учта
унсурга Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам катта
эътибор қаратилган. Ғарбда М. деганда
ижт. тафаккурнинг 17–18-а.ларга келиб
капитал устувор бўлган муносабатлар
даври б-н боғлиқ маданий-мафкуравий
ва фал. ҳаракатлар тушуниланган. Бун-
да саноатлашув йўлига кираётган ҳар
қандай дав.нинг маданий ривожланиши-
да М. қонуний босқич саналади. М.нинг
муайян мамлакатда намоён бўлиши,
унинг миллий хусусиятларидан қатъи
назар, бир қанча умумий хусусиятлар
б-н ажралиб туради. Бу хусусиятлар си-
расига ж-ятнинг кенг қатламларини ма-
даният ва билимга ошно этиш зарурияти
б-н боғлиқ бўлган демократизмни; инсон
ақлининг чексиз имкониятларига бўлган
ишончни англатадиган рационализм-
ни; тарихий оптимизмни; фан ва ж-ят
тараққиётига, тарихий ривожланишнинг
ягона мақсадларига бўлган ишончни
киритиш мумкин. Ана шу маънодаги
М. илк бор Францияда вужудга келган.
18-а.нинг бошларида вужудга келган М.
1789 й.ги Француз инқилоби бошланиб,
абсолютизм кучли инқирозга учраган
шароитда ривожланди. Франциядаги М.
даврининг етакчи намоёндалари ораси-
да Вольтер, Монтескье, Ж. Мелье бор.
18-а.нинг 40-й.ларидан Ламетри, Дидро,
Кондильяк, Руссо, Тюрго, Гельвеций

ва Гольбах каби мутафаккирлар М.ни ривожлангирди. Француз М.чи файласуфларининг илғор қарашлари, умуман, М.чилик тафаккурининг мазмунини кўп жиҳатдан белгилади ва фал.нинг кейинги ривожланишига сезиларли даражада таъсир кўрсатди. Нисбатан кечроқ – 18-а. ўрталаридан бошлаб М. йўлига Германия кирди. Бу даврда Германияда Виланд, Лессинг, Гердер, Клопшток, Гёте, Шиллер каби атоқли мутафаккирлар яшаб ижод қилди. Улар Кант, Фихте, Шеллинг ва Гегелнинг фал. қарашларига кучли таъсир кўрсатди ва моҳият эътибори б-н уларга замин ҳозирлади. М. тушунчаси б-н боғлиқ М.чилик Фарбда 18-а да яхлит оқим сифатида шаклланган бўлса, М. атамаси машҳур немис файласуфи Иммануэл Кантнинг «Маърифат нима?» номли мақоласидан (1784) сўнг илм-фанда узил-кесил қарор топган. Фарб тарихий ва фал. фанида М. деганда инсон ақл-идрокининг куч ва билимлари тантанасига чексиз ишонч англашилган. Янги даврда Туркистонда маърифат-парварлик ғояларининг тарқалиши Гулханий, Аҳмад Дониш, Огахий, Нодира, Увайсий, Анбар отин, Муқимий, Фурқат каби ижодкорлар номи б-н боғлиқ. Миллий уйғониш даври бўлиб тарихга кирган 20-а. бошларида жадидчилик ҳаракати кенг қулоч ёйди. Бехбудий, Авлоний, Тавалло, Сидқий Хондайлиқий, Сўфизода, Фитрат, Абдулла Қодирий, Чўлпон сингари ёзувчи ва шоирлар халқнинг ижт. онгини М. асосида тарбиялаш учун фидойилик кўрсатди. Жадидларнинг олиб борган барча ишлари – матбуотнинг йўлга қўйилиши, «усули жадид» макта-

би назарияси ва амалиёти, театр санъати – халқ М.ини бойитишга хизмат қилган. Мамлакатимиз истиқлолга эришгандан сўнг ҳақиқий М.ни тиклаш ва тараккий эттириш учун кенг имкониятлар яратилди. Халқимиз М.ини янада ошириш, юксак маънавият тамойиллари асосида М.ли ёш авлодни тарбиялаш бу соҳадаги энг устувор вазифага айланди. Илм-фан, маориф, таълим-т-я тизимини янада такомиллаштириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга қаратилган қонунлар, қарорлар ва фармонлар ижросини таъминлаш мамлакатимизни мазкур йўналишда жаҳоннинг илғор мамлакатлари сафига қўшилишига хизмат қилмоқда.

«МАЪРИФАТ» – маърифий ва ижт.-сиёсий газета. Ҳафтада 2 марат чиқади. Муассислари: Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмалари марказий қўмитаси. Дастлаб 1931 й. 4 июлда «Маданий инқилоб», 1938 й. 25 янв.дан «Ўқитувчилар газетаси» номларида чоп этилган. 1991 й.дан ҳоз. номда. 1941 й. 1 июлдан 1946 й. 9 мартгача газ. вақтинча ўз ф-ятини тўхтатган. Газ. таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва КТМДда кўзда тутилган масалаларни мунтазам ёритади. Газ. турли рукн ва саҳифаларда мамлакатимизнинг бугунги таълим тизими ҳаётидан ҳикоя қиладиган мавзуларда ҳар хил материаллар эълон қилади. Газ.да ёш авлод онгида миллий истиқлол ғоясини шакллантириш ва уларни ватанпарварлик руҳида тарбия-

лаш мавзуида «Миллий истиқлол ғояси» рукни ташкил этилган. Ушбу рукнда берилаётган мақолалар таълим ходимлари учун энг зарур услубий манба бўлиб хизмат қилмоқда.

МАЪРИФАТЧИЛИК – маданият ва маънавий соҳасида Ғарбда 17-а. охири – 18-а. бошларида, Шарқда 19-а. охири – 20-а. бошларида майдонга келган, негизини фан, билим имкониятларига ишонч ташкил этган оқим, йўналиш.

Маърифатчилар билимлар ёрдамида ижт. ҳаётдаги номуносивликлар ва камчиликларни бартараф қилиш мумкинлигига ишонишган. Шу нуқтаи назардан, М.ни мафкуравий, ижт.-фал. оқим дейиш мумкин.

МАЪРИФАТЛИ ШАХС – ўқимишли киши, зиёли, илмли, ориф, фозил, олим, муаллим, устоз, мураббий, ахлоқан комил инсон. Маърифатли инсон кўпроқ маориф соҳасида қўлланади. Бироқ Маърифатли инсон сўзи ўзагида ориф сўзи ҳам борлиги учун бу бирикмани нафақат таълимда, балки барча соҳалардаги илмларни эгаллаган ва ахлоқ меъёрларини ўзлаштирган кишиларга нисбатан қўлланади. Маърифатли инсоннинг зидди жоҳил, саводсиз, беадаб инсондир. Маърифатли инсон комил инсон б-н тенглаштирилади. Маърифатли инсонлар – маънавий таянчидир. Ж-ятни маърифатли инсонларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Ж-ят элитасини, афкор оммасини М. ш.лар белгилайди.

МАЪРИФАТПАРВАРЛИК – ж-ят ҳаёти, унинг маънавий-маърифий соҳаларида намоён бўладиган жаҳолатга, ижт.-сиёсий жоҳилликка зид бўлган ижт.-фал.

ва оммавий-демократик ҳаракатларни ифодаловчи тушунча.

МАЪРУЗА (араб. – ёзма арз, ариза; хабарнома) – бирор мавзуда кўпчилик олдига айтилган (сўзланган) нутқ.

М. пед. жараённинг асосий шакллари-дан бири бўлиб, маълум бир мавзу бўйича назарий маълумотлар бериш мақсадида ташкил этилади. М. танланган мавзу йўналишида фан ва техника ютуқларини очиб бериш, унга алоқадор мураккаб саволларга тингловчилар эътиборини қаратиш, саволларга жавоб топишига эришиш ҳамда уларда ижодий фикрлашни шакллантириш асосида уларнинг фаол анланган ф-ятини мувофиқлаштиришга хизмат қилиши зарур.

М. машғулотида мавзунини ўрганишдан кўзланган аниқ мақсадни таъкидлаш, ўрганиладиган мавзунинг мазмун-моҳиятини тушунтириш б-н бир қаторда, мустақил таълим жараёнида ўрганиладиган мавзулар ҳамда тарбиявий муносабатлар жараёнида муҳим аҳамиятга эга тушунчалар б-н боғлаб ўргатилиши зарур. Бунда диалог, савол-жавоб, қайтариш, зиддиятли вазиятлар, ўхшатишлар ва б. усуллардан унумли фойдаланиш ўзига хос аҳамият касб этади.

МАЪРУЗА-КОНФЕРЕНЦИЯ – талабалар билимидаги нуқсонларни йўқотиш ва улар тайёргарлиги даражасини ташхислашга мўлжалланган маърузалар йиғиндиси.

МАЪРУЗА-МАСЛАҲАТ – мунозара устиворлик қиладиган, амалий йўналишга эга бўлган мавзуларни ўрганишга мўлжалланган маъруза тури.

МАЪРУЗА МАТНИ – муайян мавзуда таълим олувчилар аудиториясида ўқиладиган нутқнинг ёзма матни.

МАЪРУЗА МЕТОДИ – муайян мавзунинг ўқитувчи томонидан оғзаки, изчил баён қилинишини ифодаловчи мет.

МАЪРУЗА-СУХБАТ – ўқув жараёнида талабаларни фаол жалб этишга қаратилган, уларни ўқитувчи б-н самарали суҳбатга киришишини таъминловчи маъруза шакли.

МАЪРУЗА-СЦЕНАРИЙ – икки ёки ундан ортиқ ўқитувчилар томонидан олдиндан тайёрланган сценарий асосида ўтказиладиган маъруза.

МАЪРУЗА-ТАДҚИҚОТ – умумий муаммо мавзунинг асосий йўналишлари бўйича хусусий билиш топшириқлари ёрдамида аниқланишига мўлжалланган маъруза шакли.

МАЪРУЗАЛАР КУРСИ – фаннинг ўқув дастури бўйича, ундаги барча маърузаларнинг асосий мазмунини қисқа ёритган, бирламчи янги билимларни олишга қаратилган, фойдаланиладиган асосий ва қўшимча ад.лар кўрсатилган, ўз-ўзини назорат қилишга оид саволлар туркуми, мавзуга тегишли таянч атама ва иборалар келтирилган нашр.

МАЪМУРИЙ МЕНЕЖМЕНТ – таълим муассасаларида бошқарувчи тизим ичидаги муносабатлар, унинг ривожланиш қонуниятлари, тамойиллари, усул ва услубларини ўрганадиган бошқаришнинг махсус қисмини ифодаловчи тушунча.

Таълим муассасалари маъмурияти ф-ятини ташкил этиш, режалаштириш, тартибга солиш, мувофиқлаштириш, мо-

тивация қилиш (ундаш) ҳамда раҳбарликни оқилона уюштириш усулларини ўз ичига олади.

МАЪҚУЛЛАШ (маъқул араб. – оқилона; мантикий; тушунарли – талаб-истакка тўғри келадиган; мақбул) – ўқув жараёнида таълим олувчиларнинг ўқув ф-яти, хатти-ҳаракати, билдирган фикрларига нисбатан ўқитувчининг ижобий муносабати.

МАҚОЛА (араб. нутқ; кичик асар) – тўплам, журнал, газета ва шу каби учун ёзилган ёки уларда босилган, ҳажми унча катта бўлмаган илмий ёки публицистик асар. М.да ижт. ҳаёт ҳодисалари чуқур таҳлил қилиниб, назарий ва оммавий жиҳатдан умумлаштирилади, дав. сиёсати, иқтисодиёт, техника, фан ва маданиятда эришилган ютуқлар, педагогларнинг илғор иш тажрибалари оммалаштирилади, шунингдек, ж-ятдаги нуқсонлар танқид қилинади, муаммолар ўртага ташланади.

МАҶОМ [араб. – вазият, мавқе; жой, ўрин; товушлар қатори, куй (оҳанг) тузилиши] – 1) мусулмон Шарқи мусиқасида мусиқий оҳанг, куй йўли, тартиби, шакли ва жанри. Дастлаб муайян баландликдаги товушни ҳосил этиш учун торли чолғунинг дастасида бармоқ б-н босиладиган жой, парда маъносида ишлатилган. Кейинчалик Шарқ мусиқа назарияси ривожланиши жараёнида М.нинг мазмун доираси тобора кенгайиб, бир-бирига нисбатан боғлиқ бошқа маъноларни ҳам англата бошлади: лад тузилмаси, лад тизими; муайян пардалар заминиде вужудга келган куй-оҳанглар; шакл, жанр; бир қисмли ёки туркумли чолғу ва ашула йўллари; мусиқий услуб ва б.

М.ларга оид назарий ва мусикий-эстетик масалалар Абу Юсуф Ёқуб ибн Исҳоқ Киндий, Форобий (9–10-а.), Ибн Сино, Ибн Зайла (11-а.), Сафиуддин Урмавий (13-а.), Маҳмуд Шерозий, Абдулқодир Мароғий (14-а.), Жомий, Зайнулобиддин Хусайний (15-а.), Нажмиддин Кавкабий Бухорий (16-а.), Дарвишали Чангий (17-а.) ва б.ларнинг мусикий рисолаларида тадқиқ этилган. Яқин ва Ўрта Шарқ мумтоз мусиқа назариясида 13-а.га қадар М.лар сони аниқ белгиланмаган. Сафиуддин Урмавий М. номларидаги парда тузилмаларини илмий таснифлаб, «Ўн икки мақом» тизимини ишлаб чиққан. Ушбу тизим бирмунча такомиллаштирилган ҳолда қарийб 17-а.га қадар қўлланиб келинган. «Ўн икки мақом» негизида кейинчалик ҳар хил миллий ҳамда минтақавий М. турлари ва туркумлари вужудга келди. Булар ўзбек ва тожикларда М. дейилса, туркман ва уйғурларда муқом, эрон халқлари, озарбайжон ва арманларда муром ёки дастгоҳ, туркларда мақам, араб халқларида мақам шаклида талаффуз қилинади. Халқчил, миллий-маҳаллий анъаналар таъсири остида М.ларнинг мусикий ва ижровий хусусиятлари янги хислатлар б-н бойиган ҳолда умумий сони, номланиши, тартиби ҳамда тузилишида муайян муштараклик ва тафовутлар мавжуд.

Ҳоз. кунда М.лар ўз салмоғи ва мазмуни б-н кўпгина мусулмон Шарқ халқлари мусиқа меросининг асосий қисмини ташкил этади. Улар шаклан ва услубан ранг-баранг оҳангдор куй ва ашула йўлларида иборат. Хусу-

сан, ўзбек мумтоз мусиқасида Бухоро Шашмақоми, Хоразм мақомлари, Фарғона–Тошкент мақом йўллари, шунингдек, ёввойи М., сурнай, дутор М. йўллари юзага келган. Миллий мусиқа меросининг салмоқли қисмини ташкил этган М. номидаги чолғу ва айтим мусиқа асарлари ўтмиш бастакорлик ижодиётининг мумтоз маҳсули бўлиб, асрлар давомида оғзаки анъанада сайқал топиб бизгача етиб келган. М.лар барча даврларда маънавий-ахлоқий, эстетик т-янинг бекиёс воситаси бўлган; 2) ўрин, жой; 3) мартаба, мавқе; 4) тасаввуфда ҳар бир суфий босиб ўтиши лозим бўлган босқичлардан бири ёки ҳар бири (аксар манбаларда тўрт мақом: шариат, тариқат, маърифат, ҳақиқат тилга олинади).

МАҚСАД (араб. – ният, юқори тилак интилиш) – эришиш, амалга ошириш учун кўзда тутилган нарса, мурод, муддао; инсон амалий ф-ятининг аввалдан фикран ўйланган натижаси. Мақсад инсонларга хос бўлиб, уни келажакнинг лойиҳаси деб таърифлаш мумкин. Эҳтиёж, манфаат, майл шахс ёки ижт. гуруҳ хулқ-атвори, ф-ятининг муҳим таркибий қисмлари бўлса, М. ф-я. йўналишини белгиловчи ҳодисадир. М.нинг шаклланишига субъектнинг эҳтиёж ва манфаатлари кучли таъсир ўтказди. М.нинг реал ва нореал, қисқа ва узоқ муддатга мўлжалланган, асосий ва иккинчи даражали каби турлари бор. Реал М.лар субъектнинг имкониятлари, атроф-муҳитнинг ҳолати ва объектив қонуниятларни ҳисобга олса, нореал М.лар фақатгина субъектнинг орзу

астакларини ифодалайди, атрофдаги ва-зиятни ҳисобга олмайди.

Реал М.лар субъектнинг имконият-лари, атроф-муҳитнинг ҳолати, мада-нияти ва маънавияти ҳамда объектив ҳо-нуниятларини ҳисобга олса, тюреал М.лар фақатгина субъектнинг орзу-астакларини ифодалайди, атрофдаги ва-зиятни ҳисобга олмайди. М.сизлик – бу мўлжалсиз, шунчаки бесамар қатти-ҳаракат. М.сиз яшаш – маъно-сиз, моҳиятсиз мавжудлик. М.сизлик инсоннинг орзу-ҳаваси, истиқболда ни-малар кутаётганига бефарқлигидир. М.сиз одам б-н мўлжалланган манзил-га бориб бўлмаганидек, ундай киши-нинг хатти-ҳаракатлари «бўйсунувчан, тобелиқдан», лоқайдлик ёки маъносиз «саркашлик»дан иборат бўлади. М.сиз, ғоясиз ҳар қандай одам турли-туман ғоявий-мафкуравий тажовузларга ча-линувчан бўлади. Бундай кишилар маъ-навий қиёфасининг чекланганлиги б-н ажралиб туради. Ж-ят ҳаётида жуда кўп жинойтлар ҳаётда аниқ М.га эга бўлмаслик оқибатида содир этилади. М.сизлик кўп ҳолларда ўсмирлик ва балоғат ёшидаги ёшлар орасида кўзга ташланади. Шу боис таълим муассасала-рида ўқувчиларга ўз олдига аниқ М.лар қўйиш кўникмасини ҳосил қилиш лозим.

МАҚСАДЛИ ТОПШИРИҚЛАР ОР-ҚАЛИ БОШҚАРИШ – ўқувчиларнинг имкониятлари ва бошланғич тушунча-лари даражасини инобатга олган ҳолда топшириқларни танлаш, тақсимлаш, уларнинг бажарилиш даражасини аниқ-лаш, таҳлил қилиш, объектив баҳолаш ва рағбатлантириш асосида таълим олувчи-

ларнинг эришиш мумкин бўлган ҳамда эришилган ютуқларга қизиқишини ри-вожлантириш орқали фаоллигини таъ-минлашни назарда тутати.

МАҚСАДЛИ МОТИВЛАШТИРИШ ФУНКЦИЯСИ – илгари сурилаётган мақсадга эришиш бўйича барча бош-қарув субъектларида қизиқишлар уйғо-тишга йўналтирилган тадбирларни ташкил этишни назарда тутадиган пед. ходиса. Мотивлаштириш ҳаракатлар ва тадбирларни етарли даражада таш-кил этиш учун зарур. Бунда мотивлар-нинг хусусиятларини ҳисобга олиш ло-зим бўлиб, қандай мотивлар бошқарув ф-ятини йўналтириши ва қайсилари са-марали ҳаракатлар режасини тузишга имконият яратишини билиш ўзига хос аҳамият касб этади.

МАҚТАНЧОҚЛИК – ўзини ўзи мақ-таш, мақтанишни яхши кўриш. Мақтан-чок одам шахс сифатида ўзига танкидий ва объектив баҳо бера олмайди, жа-моани ўзидан бездиради. У ўзини ўта яхши кўради, камчиликларини сез-майди, М.и б-н ҳузур-ҳаловат топади. Ўзини бошқалардан устун қўяди. Шу боис таълим муассасаларида педагог-лар мақтанчок болалар б-н алоҳида иш олиб бориши, уларда ўзларини объектив баҳолаш кўникмаларини ҳосил қилиши лозим.

МАҚТОВ ЁРЛИҒИ – ўқувчи ва ўқув-чилар гуруҳининг индивидуал ёки жа-моавий тарзда таълимда эришган му-ваффақиятларини рағбатлантириш учун бериладиган ёрлик.

МАҒРУРЛИК (мағрур араб. – ақлдан ажралган, алданган; ўзига бино қўйган,

кеккайган) – ўз кадр-қиммати, ғурурини сақлаган; ғурурли, мағрур бўлиш, мағрур ҳолат, ўзини ғурурли тутиш.

«МАҲБУБ УЛ-ҚУЛУБ» («Қалбларнинг севимлиси») – Навоий асари (1501). Асар 3 қисмли. Асарнинг 1-қисми 40 фаслдан иборат ва ҳар бир фаслда маълум бир соҳа, касб-кор б-н шуғулланувчи, яъни турли тоифадаги кишиларнинг феъл-атворлари, бажарадиган ишларининг яхши-ёмон жиҳатлари тўғрисида баҳс этади. Уларда дав. бошлиқлари, турли даражадаги дав. арбоблари, дин пешволари, мударрислар, савдогарлар, деҳқонлар, оддий ҳунармандлар тўғрисидаги фикрларни учратиш мумкин.

Асарнинг 2-қисмида инсонларга хос яхши феъллар ва ёмон хислатлар тўғрисида фикр юритилади. Мутафаккир кишиларнинг инсонийлик қиёфаларини кўрсатиб берадиган асосий хислатлар: каноат, сабр, тавозе ва одоб, инсонга муҳаббат тўғрисида сўз юритиб, уларнинг ижобий ва салбий жиҳатлари ҳақида ўз муносабатини билдиради. Бу хислатларнинг инсонларга келтирадиган фойдаси ва зарари тўғрисида тўхталади. Муаллиф ушбу хислатлар тўғрисида тўхталар экан, уларнинг ҳар қайси жиҳатларига тегишли фикрларни шеърый байтлар б-н исботлайди ва зарур ўринларда мазмунга мос ҳикоятлар келтиради.

«М. ул-к.»нинг 3-қисмида 124 танбеҳни баён қилган. Танбеҳларда келтирилган инсонларга хос хусусиятлар, фазилатлар ёки элатлар тўғрисида айтилган фикрлар ҳамда мулоҳазалар катта

ҳаётий тажрибалар маҳсули бўлиб, уларнинг баъзилари бугунги кунда шиорнизмга айланиб қолган, айримлари маънавий меросимизнинг бир бўлаги бўлган мақоллар сифатида ҳаётимизни безаб келмоқда. Асарнинг бу қисмида берилган танбеҳлар мазмунига кўра хилма-хил мавзуларни камраб олади. Жумладан, 97-танбеҳда ёшларга илм олишнинг аҳамияти тўғрисида тўхталиб ўтади.

Навоий ёшларни фақат илм олиш б-н чекланиб қолмасдан, ундан ҳаётда фойдаланиш, илмнинг самарасини ҳам кўриш лозимлигини уқтиради. У 89-танбеҳда т-янинг ўз вақтида ва ўринли бўлиши, унинг самараси кимни т-я қилишга ҳам боғлиқ эканлиги тўғрисида тўхталади.

Шунингдек, асарда келтирилган танбеҳларда саховат ва ҳиммат, яхшилик ва ҳожатбарорлик, мурувват кўрсатиш, инсонлар ўртасидаги вафо ва садоқат, ор-номус тўғрисидаги ибратли, оқилона фикрлар баён қилинган. Навоийнинг келажак авлодлар учун насихат тариқасида айтган фикрлари бугунги кунда ҳам алоҳида пед. қимматга эга. «М. ул-к.» Навоий асарлари тилини ўрганишда ҳам муҳим манба ҳисобланади.

МАҲОРАТ (араб. – моҳирлик, усталик, эпчиллик) – бирор иш, касб учун зарур ёки шу соҳада ортирилган усталик, санъат; моҳирлик.

М. – шахснинг тажриба орқали ортирилган хусусияти. Бирор соҳадаги мослашувчан кўникма ва ижодкорлик асосида ҳосил бўлган касбий кўникмаларнинг юқори даражаси, касбий моҳирлик. Бирор ф-ят соҳасидаги юқори даражада

эгалланган билим, кўникма, малакаларни амалиётда юкори сифат ва самарадорлик б-н қўллаш.

МАҲКАМОВ Улфат Илхомович (1942. 10. 05, Тошкент) – пед. фанлари д-ри (1999), проф. (2011). Тошкент ун-тининг (кечки бўлим) филол. ф-тини тамомлаган (1961–66). Ўзбекистон пед. фанлари и. т. ин-тида кичик илмий ходим (1968–71), аспирант (1971–73), пед. назарияси ва тарихи бўлими раҳбари (1979–87), Тошкент пед. ин-тида (ҳоз. ТДПУ) «Умумий педагогика» каф.си доц.и, «Тарбиявий ишлар методикаси» каф.си мудири (1987–92), к. и. х. (1992–95), А. Авлоний номидаги Халқ таълими ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ин-тида «Педагогика» каф.си мудири (1995–2000), Тошкент техника ун-тида «Педагогика-психология» каф.си мудири, проф. (2000 й.дан).

100 дан ортиқ илмий ишлар (2 та монография, 2 та дарслик 8 та ўқув кўлланма) муаллифи.

МАҲМУДОВА Олия Тешаевна (1939. 30. 9, Бухоро) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2002). Бухоро пед. ин-тини тугатган (1962). 1962 й.дан Жондор туманидаги 3-мактабда мат. ва чизмачилик фани ўқитувчиси. М. дарсларни янги пед. техн. асосида, техника воситаларидан унумли фойдаланган ҳолда ўтади. Унинг тажрибалари туман ва вил. миқёсида кенг оммалаштирилган.

МАҲМУДОВ Мэлс Ҳасанович (1944. 22. 11., Бухоро) – пед. фанлари д-ри (2004), проф. (2006). Ўзбекистон Республикаси халқ маорифи аълочиси (1980) Бухоро пед. ин-тининг пед. ф-тини та-

момлаган (1960–65). Бухоро пед. ин-тининг «Фалсафа» каф.сида ўқитувчи (1965–70), ТДПУ «Фалсафа» каф.си аспиранти (1970–73), ТДПУ «Фалсафа» каф.сида ўқитувчи (1973–74), Бухоро ун-ти «Фалсафа» каф.сида ўқитувчи ва доц. (1974–2003), «Фалсафа» каф.си мудири (1980–81; 1997–2003), Бухоро пед. ин-тининг бошланғич таълим ва мусика ф-ти декани (1981–86), Бухоро дав. тиббиёт ин-тининг «Ижтимоий фанлар» каф.си мудири (1991–93), Бухоро ун-ти пед. ва жисмоний маданият ф-ти декани (1993–2010).

М.нинг 100 га яқин илмий асарлари эълон қилинган.

МАҲМУДОВА Муяссар (1950. 10. 06, Самарқанд) – пед. фанлари д-ри (2007), проф. Ўзбекистон Республикаси халқ маорифи аълочиси (1992). Самарқанд хотин-қизлар пед. билим юртини (1967), Самарқанд пед. ин-тининг ўзбек тили ва ад.и ф-тини (1972) тамомлаган. Самарқанд ш.даги 18-ўрта мактабда ўзбек тили ва ад.и ўқитувчиси (1972–80), А. С. Пушкин номидаги Самарқанд вил. кутубхонасида методист (1980–87), Жиззах пед. ин-тининг «Педагогика ва психология» каф.сида ўқитувчи, катта ўқитувчи ва доц. (1987–97), Самарқанд чет тиллар ин-тида доц. (1997–99), «Мактабгача педагогика ва психология» каф.си мудири (1999–2001), мактабгача пед. ва психология ф-ти декани (2001–02), Самарқанд чет тиллар ин-ти илмий ишлар ва ахб. техн.си бўйича проректор (2002–08), Самарқанд дав. чет тиллар ин-ти «Педагогика ва психология» каф.си мудири (2008–12), проф.

100 дан ортиқ (2 та дарслик, 1 та монография, 3 та ўқув қўлланма, 2 та методик қўлланма, 2 та рисола, 80 дан ортиқ илмий мақолалар) илмий ишлар муаллифи.

«Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 15 йиллиги» эсдалик нишони б-н тақдирланган (2006).

МАҲМУДОВ Юсуп Ғаниевич (1950, Сурхондарё) – пед. фанлари д-ри (1994), проф. (1998). Тошкент пед. ин-тининг физика ф-тини тугатган (1971). Қумқўрғон туманидаги 2-мактабда ўқитувчи (1971–76), Сурхондарё вил. МОИнинг физика кабинети мудири (1976–77), Тошкент пед. ин-тида аспирант (1978–80), ЎзПФИТИнинг физика бўлимида кичик, катта, етакчи илмий ходим (1981–90), ТДПИда докторанти ҳамда ЎзПФИТИ ҳузуридаги физика, мат. ва информатика фанларини ўқитиш мет.си бўйича номзодлик илмий даража берадиган ихтисослаштирилган Кенгашнинг илмий котиби (1990–92), ЎзФПИТИнинг физика бўлимида бош илмий ходим ва ин-т қошидаги Ўзбекистон Республикасида психология, пед. ва хусусий фанларни ўқитиш мет.сини мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг илмий котиби (1993–96). ХТТХМОРИнинг Илмий кенгаш аъзоси ҳамда нашриёт-тахририят бўлими бошлиғи, «Касб педагогикаси ва психологияси» каф.си мудири (1966–98), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази таркибидаги «Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестацияси бошқармаси» бош эксперти (1998–2010),

Республика ихтисослаштирилган мусиқа ва санъат АЛда ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари (2010 й.дан).

М. 3 та монография, 4 та ўқув, 53 та ўқув-услубий қўлланма, жами 400 дан ортиқ илмий ишлар муаллифи.

МАҲМУДОВА Анора Мадаминовна (1942. 02. 05, Гурлан тумани) – Ўзбекистон Қаҳрамони (2004). Хоразм пед. ин-тини тугатган (1964). Гурлан туманидаги 1-умумтаълим мактабининг мат. фани ўқитувчиси (1964), Гурлан тумани 35-ҳунар билим юрти директори (1972). Гурлан тумани халқ таълими бўлими мудири (1984), тумандаги 5-умумтаълим мактаби директори (1986). «Меҳнат шухрати» ордени б-н тақдирланган (1999).

МАҲОРАТ КЎЧАСИ – ролларга бўлиниб ўйналадиган дидактик ўйин тури.

МАҲОРАТЛИ ПЕДАГОГ – ўқув-тарбия ф-яти техн.сини эркин бошқара оладиган, юқори натижаларга эришган пед. меҳнат намояндаси.

МАҲСУЛДОР ФАОЛИЯТ – инсон ўз ф-ятида доимо дуч келадиган янгилик ёки янги аҳб.лар натижасида вужудга келадиган самарали натижа.

МАҲТУМҚУЛИ (1733, Гурган дарёси соҳилидаги Ҳожиговшан қишлоғи – 1791) – туркман шоири ва мутафаккири. М. бошланғич таълимни оилада отасидан олган. Сўнг қишлоқ мактабида Ниёзсолиҳ мўлла қўлида ўқиган. М. дастлаб Халач атрофининг Қизилоёқ қишлоғидаги Идрисбобо мадрасасида, кейинчалик Бухоронинг Қўқалдош, Хиванинги Шерғозий мадрасаларида таҳсил олган. Низомий, Фирдавсий, Фузулий.

Навоий сингари шоирлар ижодидан баҳраманд бўлган.

М. бир қанча лирик шеърлар, лирик-эпик дostonлар, ғазал ва мухаммаслар ёзган. Бизгача унинг лирик, фал., панд-насихат характеридаги 10 минг мисрадан ортиқ шеърлари етиб келган. М. шеърларида халқнинг ҳаёти, урф-одатлари, ўз даврининг муҳим ижт.сиёсий воқеалари, шоирнинг ички кечинмалари теран ифода этилган.

М.нинг ишқ-муҳаббат мавзуидаги шеърлари оҳангдорлиги, чуқур фал. моҳияти б-н ажралиб туради. Инсон ва борлиқ, гўзал инсоний фазилатлар ва одоб-ахлоққа оид шеърларида ислом дини ҳамда тасаввуфий қарашлар таъсири яққол сезилади. Кўп шеърларига Қуръони карим оятлари, Ҳадиси шарифнинг мазмун-моҳияти сингдирилган. Шоир шеърларида пайғамбарлар, азиз-авлиёлар жуда кўп тилга олинади.

М. услубида халқ оғзаки ижодига яқинлик бор. Шоир халқнинг мақол ва маталларини, халқ тилига хос айрим унсурларни ад.га олиб киришда катта хизмат қилган. М. шеърляти барча туркий миллатлар, жумладан, ўзбекларнинг ҳам маънавий мулкига айланган. Шеърлари ўзбек тилига таржима қилиниб, нашр этилган, ҳофизлар томонидан кўйга солиб айтилади. М. ҳақида кинофильм, спектакль ва бадий асарлар яратилган.

МЕДИА ТАЪЛИМ – асосий қонунларни тушунишга ёрдам берадиган, оддий йўналишлардаги медиа ахборот тилини ўрганишга кўмаклашадиган, ўқувчилар бадий салоҳиятининг ўсиши, ривожланишига ҳисса қўшадиган, медиа мат-

нларни қабул қилиш, ўрганиш ва малакали таҳлил этиш кўникмасини шакллантиришга йўналтирилган таълим жараёни.

МЕДИТАЦИЯ (лот. meditatio – фикрлаш) – ақлий ф-ятни муайян бир нарсада тўлиқ жамлаш ҳолати. Бу жараён мууроқаба деб ҳам аталади. Ақл инсоннинг барча ҳис-туйғулари ф-ятини бошқариб турувчи субстанция ҳисобланади. Агар инсоннинг ақли муайян нарса (объект) ҳақидаги ўйлар б-н машғул бўлса, ақл бошқараётган ҳис-туйғулар ҳам ўзларининг бошқа ҳаракатларини тарк этиб, шу жараён б-н банд бўлади. М. жараёнида инсон ўзининг ҳиссиётлари орқали тасаввур қилиши мумкин бўлган объект (қиёфа) бўлиши шарт. М. б-н тасаввуфда пир ва муршидлар, шунингдек, йоглар шуғулланади. Йог олдиға қўйган мақсадларига мувофиқ, М. жараёни ҳар хил бўлади: дхян-йога, карма-йога, бхакти-йога ва ҳ.к.

МЕЗОНЛИ ТЕСТЛАР – синалувчининг муайян ўқув ёки касбий топшириқларни бажариш учун етарли ва зарур ақлий ҳаракатга оид билим, малакаларга эгаллигини аниқлашға қаратилган психологик ташхис мет.си.

МЕЗОТЕХНОЛОГИЯЛАР, модулли-локал технологиялар – ўқув-т-я жараёнининг айрим қисмларини амалға оширишға ёки алоҳида локал (кичик) дидактик, методик, тарбиявий вазифаларни ҳал этишға йўналтирилган техн.лар.

МЕЙЛИКОВ Нўъмон (1947. 25. 1, Китоб тумани) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Бухоро пед. ин-тини

тугатган (1968). Китоб туманидаги мактабларда физика фани ўқитувчиси, илмий бўлим мудир, мактаб директори (1968 й.дан), 1-лицей-интернатда илмий бўлим мудир ва физика фани ўқитувчиси (1996 й.дан). М.нинг ихтисослашган синфларни ташкил этиш, иктидорли ўқувчилар б-н ишлаш ва ўқувчиларнинг мустақил билим олишларида, дарсларни янги пед. техн. асосида ташкил этиш бўйича ўзига хос иш тажрибаси туман ва вил. миқёсида оммалаштирилган.

МЕЛИЕВ Абдуқодир (1947. 15. 3, Тайлоқ тумани) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1996). Душанба пед. ин-тини тугатган (1969). Тайлоқ туманидаги 47-мактабда тарих ўқитувчиси бўлиб ишлаган (1969 й.дан). Дарс жараёнида янги пед. техн.дан унумли фойдаланган. Унинг иш тажрибаси туман ва вил. миқёсида оммалаштирилган.

МЕЛИОРИЗМ (лот. melior – энг яхши) – фақат индивидуал камолот йўли б-н маърифатни юксалтириш орқали ж-ят ҳаётини ва бутун дунёни яхшилаш ҳамда мукаммаллаштириш мумкин деган ғояларни илгари сурувчи йўналиш.

19-а.да инглиз адабаси Ж. Элиот ва француз файласуфи Ж. Селли томонидан мулоқот муомаласига киритилган. Алишер Навоий, Аҳмад Дониш, Фурқат, Муқимий, Аваз Ўтар каби маърифатпарвар ватандошларимизни маълум бир фикр-мулоҳазалари нуктаи назаридан ушбу йўналиш тарафдорлари қаторига киритиш мумкин.

МЕЛАНХОЛИК – (лот. melancholia – қора сафро) – 1) депрессияга, ғамгинлик, тушкунлик кайфиятига мойил киши.

М.лар асаб тизимлари заиф, тезда ранжийдиган, таъсирчан, янги шароитга секин кўникадиган, бир қарорга келишлари ўта мушкул бўлган характер эгаларидир. Кўпинча уларнинг овозлари паст чиқади. Ҳаётда арзимас муваффақиятсизликка учрасалар ҳам, тез тушкунликка тушади. Шу боис бундай пайтда уларни қўллаб-қувватлаш керак.

М.лар мақсад сари интилсалар-да, бу йўлда учрайдиган тўсиқларни енгишга иродалари етмаслиги, асаблари дош бермаслигини билсалар, мақсадларидан осонликча воз кечишлари мумкин. Кундалик ҳаётда улар ҳар нарсага эътиборли ва эҳтиёткор бўлишади. Таваккал қилишни ёқтирмайди. Шу боис камданкам ҳолларда хавф-хатарга учрашади. М.лар гўзалликка интилувчан, истеъдодли, ижодкор гуруҳ вакиллари. Кўпгина буюк ёзувчилар, шоирлар, мусикачиларнинг темпераменти айнан мана шу гуруҳга мансуб бўлган; 2) Гиппократ таълимотида кўра, 4 мизожнинг бири. Юксак даражадаги таъсирчанлик ва ҳиссиётнинг нисбатан суст ифодаланиши.

МЕНЕЖМЕНТ (инг. management – бошқариш, ташкил этиш) – махсус бошқариш ф-яти; бошқариш тўғрисидаги фан. М. фанининг мазмуни бошқарув тизими ва бошқарув объекти орасидаги ўзаро муносабат бўлиб, унинг асосий вазифаси бошқарувнинг замонавий усуллари, раҳбарлик санъати сирларини ўрганишдан иборат. Бошқарув – танлов. қарор қабул қилиш ва унинг бажарилишини назорат этиш жараёнидир. Унинг асосий мақсади бозор муносабатлари

шароитида барча бўғинларда ишлай оладиган юқори малакали бошқарувчиларни тайёрлашдан иборат.

Ўзбекистонда М.нинг назарий асослари ва унинг асосий тамойиллари 14–15-а.лардан шакллана бошлаган. Амир Темур «Темур тузуклари»да дав., кўшин ва б.ни бошқариш санъати тўғрисида ўз қарашларини баён этган.

Айрим тадқиқотчилар М.ни кишилардан нафли самаралар олиш санъати деб ҳисоблайди. Мукамал М.нинг хос белгилари: ф-ятга, изланишга тарафдорлик; оддий тузилма ва камсонли ходимлар; истеъмолчига яқинлик; унумдорликни таъминлашда инсоннинг ҳал қилувчи ўрни; тадбиркорликни рағбатлантирувчи мустикал идора қилиш ҳуқуқи; асосий ф-ят турига бирламчи эътибор; ҳаммадан кўра яхшироқ таниш бўлган соҳага киришиш; эркинлик ва кучли назоратни бир-галикда қўллаш.

20-а.нинг ўрталарига келиб М. Ўзбекистонда тез суръатлар б-н ривожланди. Шунингдек, М. назариясидан таълим муассасаларини бошқариш асосларини яратишда ҳам фойдаланила бошланди. Таълимда М. бошқарув ресурслари, яъни пед. жамоани бошқариш, самарали ф-ят олиб бориш, муассаса ф-ятини такомиллаштириш, шунингдек, таълим жараёни иштирокчилари ф-ятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва ташкил этишдир.

МЕНЕЖМЕНТ ФАНИ – раҳбарларга бошқарув ф-ятини тўғри амалга ошириш, ходимлар ф-ятини самарали бошқариш ва мувофиқлаштиришда, шунингдек, корхона ва муассаса олдига қўйилган

мақсадларга ҳамда кўзланган натижаларга эришишда муҳим аҳамият касб этувчи қарорларни қабул қилиш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш, таҳлил қилиш ва объектив баҳолашни ўргатишнинг назарий амалий асосларини ўз ичига олган фан. Унинг асосий мақсади замонавий ижт.-иқтисодий шарт-шароитларда бошқарувнинг барча бўғинларида самарали ишлай оладиган юқори малакали менежерларни тайёрлашдан иборат.

М. ф. ижт.-иқтисодий, ижт.-ҳуқуқий, кибернетика ва б. фанлар б-н алоқадор. Менежмент фанининг тадқиқот объектига қуйидагилар киради: бошқариш назарияси ва амалиёти; бошқариш объекти ва субъекти; бошқариш тамойиллари ва усуллари; раҳбар маданияти; раҳбар ва лидер, уларнинг фазилатлари; раҳбар рейтинги; бошқаришда киришувчанлик ва қарор қабул қилиш; бошқарув функциялари; ходимларни бошқариш; жараёнларни бошқариш, самарадорликни бошқариш; ўз-ўзини бошқариш; ҳудудий бошқариш ва ҳ.к.

М. ф.нинг назарий асосини бир неча юз йиллар давомида тўпланган амалий тажриба натижалари ташкил этади, улар назарий жиҳатдан асосланиб, турли концепциялар, назарий ғоялар, иш принциплари ва услублари ишлаб чиқилган. М. ф. алоҳида фан соҳаси сифатида 19-а.дан шакллана бошлади. Бошқариш фанининг асосчиси – америкалик муҳандис ва тадқиқотчи Ф. Тейлор. Бошқариш тамойилларини Тейлорнинг замондоши француз олими Анри Файоль ишлаб чиққан.

1966 й.да Ўзбекистон Республикаси ФА Кибернетика ин-тининг ташкил қилиниши, академик В. К. Қобулов бошчилигида олиб борилган назарий, услубий, амалий и. т.лар республикада М.ф.нинг ривожланишига асос бўлди.

20-а. охири – 21-а. бошларида М.ф. Ўзбекистонда махсус фан сифатида ОЎЮда ўқитила бошланди. Менежментга доир тадқиқотлар йўлга қўйилди, дарсликлар яратилди.

МЕНТАЛИТЕТ (фр. mentaliti; лот. mens, mentis – ақл, идрок) – ж-ят, миллат, жамоа ёки алоҳида шахснинг тарихий таркиб топган тафаккур даражаси, маданий салоҳияти, уларнинг ҳаёт қонунларини таҳлил этиш кучи, муайян ижт. шароитлардаги ақлий қобилияти, руҳий қувватини ифода этувчи тушунча. Ж-ят, миллат ёки шахснинг М.и уларнинг ўзига хос миллий анъаналари, расм-русумлари, урф-одатлари, диний этикод ва қарашларини ҳам камраб олади. Ж-ят, миллат ёки шахснинг М.ини ўрганиш унга жиддий ёндашишни талаб қилади. Бунинг учун жуда кўп омиллар: ушбу миллат яшаб турган шарт-шароит, тарихий давр, унинг ўтмиши, миллатнинг руҳияти ва б. бир қатор жиҳатлар инобатга олиниши, бошқа миллатлар б-н киёсий таҳлил этилиши лозим. Ўзбек миллати М.ининг шаклланиш жараёни деярли уч ярим минг йиллик тарихга эга. Асрлар давомида ўзбек халқи муҳим савдо-сотик, илм-фан, меъморлик, ҳунармандлик ривожланган, Буюк ипак йўли ўтган ҳудудда яшагани сабабли, унинг М.и ўзига хос тарзда шаклланган.

Оламни идрок этишнинг ижт-маданий ва этник жиҳатлари М.ни шакллантиради ва унда сайқал топади. Дунёнинг турли чеккасида истиқомат қилувчи кишилар учун турлича М. ҳосилдир. Уни фикрлаш, ҳис этиш ва ишенишнинг чуқур манбаи сифатида тушунтириш мумкин. М. тил, анъаналар, одатларда, онгнинг ўз-ўзини бошқаришида намоён бўлади ва шу маънода у ижт онгнинг индивидуал онгдан юқори даражаси ҳисобланиб, кўпинча, муайян шахс томонидан идрок этилмайди ва таҳлил қилинмайди. Лекин унинг иродасида ҳоли тарзда ҳулқ-атвори ва нутқида ўз аксини топади. М. даражасида ўтмиш маданияти намоён бўлади. М. маълум даражада муайян мамлакат, сиёсий ҳаёт, этник ва маданий анъаналар, ижт алоқаларга боғлиқ. М. нисбатан муқим барқарор ҳодиса бўлса-да, унда оммавий онг, ижт-иқтисодий ҳаётдаги сиёсий жишлар ва ҳокимият шаклига боғлиқ ҳолда ўзгаришлар рўй беради. Халқ М.ни айниқса, фольклорда намоён бўлади. М. ижт. тарихнинг ажратмас жиҳати сифатида кишиларнинг тушунча ва тасавурлари орқали ифодаланади. Бу тушунча ва тасавурлар эса тил, ижт. муносабат, дин, маданият орқали кишилар онгига сингдирилади. Шу боис ўзбекона М.ни ўқувчилар онгига сингдиришда ўзбек тили, халқ оғзаки ижоди, халқнинг маданий бойликлари, санъати, анъаналари имкониятларидан пед. жараёнда самарали фойдаланиш талаб этилади.

МЕТАТЕХНОЛОГИЯЛАР – таълим соҳасидаги ижт. сиёсат татбиқи даражасидаги таълимий жараёни ифодаловчи техн.

МЕТАФИЗИКА (юн. *meta physiks* – физикадан сўнг) – борликнинг сезгилардан юкори турувчи тамойиллари ва умумий асослари тўғрисидаги фан. Физикада тадқиқотчи бевосита ҳиссий объектлар устида изланиш олиб борса, М.да тадқиқотчи сезгилар воситасида англаб олиш мумкин бўлмаган объектларни тадқиқ этади. М.нинг тадқиқот мавзуга кирувчи сифат, мазмун, моҳият, ходиса ва б. объектлар тўғрисида фикр юритганда уларни бевосита кўриб бўлмайди, улар бошқа нарса ва ходисаларнинг ўзаро алоқадорликлари жараёнида намоеён бўлади. Шу жihatдан тарихан М. атамаси, кўпинча, фал. атамасининг синоними сифатида ишлатилган.

М. атамасининг пайдо бўлиши Аристотелнинг «Метафизика» номли асари б-н боғлиқлиги ҳақидаги фикр фал. ад.ларда кенг тарқалган. Аммо Платон асарларида мустақил билиш мет.и сифатида ҳам учратиш мумкин. Аристотелнинг «биринчи фалсафа»га оид табиий-илмий масалаларни қамраб олган маъруза ва асарларини Андроник Родосский 14 китобга тўплаб, уни «Метафизика» деб номлаган. Аристотель тузган фанлар таснифида ўзининг аҳамияти, кадр-қиммати жиҳатидан биринчи ўринни борлик ҳақидаги фан эгаллайди. Аристотель уни «биринчи фалсафа» ёки теология (Худо ҳақидаги таълимот) деб атаган. «Биринчи фалсафа»да борликнинг материя ва шаклнинг аниқ боғланишига алоқадор бўлмаган жиҳати, асл илди-зи тадқиқ қилинса, «иккинчи фалсафа» (яъни физика)да бевосита сезгилар орқали сезиладиган аниқ объектлар

тадқиқ қилинади. Аристотель фикрича, М. инсоннинг субъективлиги б-н ҳам, инсон ф-яти б-н ҳам боғланмаган; у фанларнинг ичида энг қимматлиси, инсон ҳаётининг воситаси, қувончининг манбаидир.

Антик давр М.сини метафизиканинг асл намунаси дейиш мумкин. Даврлар ўтиши б-н М.га муносабат ўзгарди. Ўрта асрларда унга юксак ақлий билимни эътироф этган ҳолда борликни ақлий билишнинг олий шакли деб қаралган. Схоластика намояндалари эса М.га Худони билишга имкон берувчи билим сифатида қарашган. Ўрта асрларда, ҳақиқатан ҳам, М. фал. тушунчаларнинг ривожланишига, фал. фанининг такомиллашувига сабаб бўлди, оламнинг яхлит манзарасини яратишга туртки берди. Ҳар қандай таълимнинг, хусусан, дидактиканинг мағзини ташкил этувчи мет. бўлиб хизмат қилди, фал.нинг тушунчаларини бойитди. Янги даврга келиб, М. табиатшуносликнинг бағрига сингиб кетди.

Бу фанлардаги билиш (гносеологик) муаммоларини тадқиқ этишдан борликнинг моҳиятини тадқиқ этувчи онтологик муаммоларни таҳлил этишгача М. асосий фал. йўл-йўриқ бўлиб хизмат қилади. Аммо у, бир томондан, ўрта асрлардаги диний схоластика намояндаларининг деистик, пантеистик танқидларига, иккинчи томондан, кейинги даврларда скептицизм, сенсуализм, механицизм вакилларининг шафқатсиз танқидига учради. Немис мумтоз фал.си вакиллари ҳам М.ни тадқиқот объекти ва предметига эга бўлмаган фан сифатида, догматизмда айблашди. Ге-

гель М.ни диалектикага қарама-қарши турувчи мет. деб таърифлади.

М. тушунчаси Марказий Осиё мутафаккирлари таълимотида ҳам ўз ифодасини топган. Ибн Сино таърифига кўра. М. борлик тўғрисидаги таълимотдир. Унинг фикрича, М. борлиқнинг 4 турини ўрганади: 1) жисмоний (моддий) ликка эга бўлмаган объектлар – илоҳий мавжудотлар ва Аллоҳни; 2) илоҳийлиги камроқ бўлган, материяга қандайдир алоқаси бор объектлар (осмон жисмлари, уларни ҳаракатга келтирувчи кучлар)ни; 3) объектларнинг моддийлик б-н бирлашишини, баъзи ҳолларда эса улардан эркин ҳолда мавжуд (субстанция, хусусият, зарурият, имконият) бўлишини; 4) моддий объектлар ва тушунчалар материя б-н доимо боғлиқликда бўлган жисм табиатига эга эканлигини.

Ҳоз. замонда М. хилма-хил талқин этилишига қарамасдан, уни инсон борлигининг энг умумий асосларини ўрганувчи фал. дидактик таълимот дейиш мумкин. М. воқеликка ёндашиш, уни ўрганиш услуби, метидир. Воқеликни фақат тўхтовсиз ўзгариш, ривожланиш жараёнида тадқиқ этиб бўлмайди. Шу боис воқеликнинг муайян қирраси, томони, ҳолати, жиҳатини воқеликдан ажратиб ўрганишда, уни мавҳумлаштириш, умумлаштириш, идеаллаштиришда М.нинг тадқиқот мет. идан фанда фойдаланилади. М. билиш мет.и, воқеликни англашда методологик мўлжал бўлиши мумкин. Бу мет.дан бошқа тушунчалар б-н умумий бирликда фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

МЕТОД (юн. methodos – билиш ёки тадқиқот йўли, назария, таълимот) – таълим жараёнида тақдим этилган амалий ва назарий билимларни эгаллаш. ўзлаштириш, ўргатиш, ўрганиш, билиш учун хизмат қиладиган йўл-йўриқлар. усуллар мажмуи; табиат ва ж-ят ҳодисаларини билиш, тадқиқ қилиш усули.

М.нинг келиб чиқиш тарихи инсонларнинг амалий ф-ятига бориб тақалади. Бирор ишни бажариш М.ини эгаллаган киши шу ишни бошқаларга нисбатан осон, тез ва соз бажара олади. М.ни эгалламаган инсон эса бу ишни бажариш учун кўп вақт ва куч сарфлайди. М. амалий ёки назарий шаклда бўлиши мумкин. Инсоннинг амалий ф-ятига оид М.лар ҳам воқеликка хос бўлган қонуниятларни англаб етиш. билиб олишга бориб тақалади. М.лар ҳақидаги таълимот фанда методология деб аталади. Инсон дастлаб атрофдаги нарса ва ҳодисаларни кузатиш, уларни бир-бирига таққослаш, ўхшатиш, фарқ қилиш асосида воқелик ҳақида билимларини тўплаб борган. Воқелик ҳақидаги фанлар ривожланиши б-н фанларда қўлланиладиган йўл-йўриқлар, М.лар ҳам такомиллашган. Фаннинг амалий (эмпирик) ва назарий М.лари вужудга келди.

Фан М.ларининг асосий мазмунини амалиётда синалган илмий назариялар ташкил этади. Ҳар қандай илмий назария моҳияти жиҳатидан М. функциясига эгадир. М., ўз навбатида, янги илмий назариялар ва қонуниятларнинг очилишига восита бўлади. Шу нуқтаи назардан, М. б-н илмий назария, функциясига

кўра, бир-биридан фарқ қилувчи илмий амал ҳисобланади.

Фал. ва пед. тарихида илмий М.нинг моҳиятини тадқиқ этиш, янги-янги М.ларни кашф қилиш алоҳида аҳамиятга эга. Ҳар қандай буюк илмий кашфиётларга нисбатан олимнинг бирор янгиликни очишда қўллаган илмий М.и кўпроқ аҳамиятга эгадир, чунки бошқа кашфиётчилар ҳам шу олим қўллаган илмий М.га таяниб қўплаб янгиликларни очиши мумкин.

Билиш М.лари воқеликни қамраб олиши жиҳатидан 3 турга бўлинади: ялпи умумий билиш М.лари – ҳамма фанларда ва билишнинг барча босқичларида ҳам қўлланиладиган умумий ва универсал М.лар – методология; умумий билиш М.лари – бир қанча ёки барча фанларда қўлланиладиган ва билишнинг муайян босқичи (эмпирик, назарий ёки эмпирик босқичдан назарий босқичга ўтиш чегараси)да қўлланиладиган билиш М.лари; хусусий ёки махсус М.лар – айрим фан доирасида қўлланиладиган билиш М.лари.

Форобий, Хоразмий, Беруний, Ибн Сино ва б. фан М.ларини ривожлантиришган. Хоразмий олимларни учга бўлиб: «Уларнинг бир қисми илмий кашфиётларни очишда қўлланиладиган йўл-йўриқ ва усулларни ишлаб чиқиб, бошқа олимларнинг илмий изланишларини осонлаштиради», деб ёзганида, айнан шу М.ларни ишлаб чиқувчи олимларни назарда тутган.

Яқин давр Европа файласуф олимлари ҳам М. тараққиётига салмоқли ҳисса қўшишган. Ф. Бэкон, Г. Галилей, Р. Де-

карт, Г. Лейбниц сингари файласуфлар М.лар ҳақида махсус асарлар ёзишган.

Ҳоз. замон фанларида қўплаб умумий, хусусий илмий М.лар қўлланилади. Айниқса, кейинги асрда моделлаштириш ва математик М.ларнинг янги шакллари ривожланди, кибернетик моделлаштириш ва комп. моделлаштириш М.лари ж-ятнинг қарийб барча соҳаларида кенг миқёсда қўлланилмоқда.

Тушунчалар – пед. жараёнда муҳим аҳамият касб этиб, таълим-т-я ф-яти субъектларининг ўқув ҳаракатларини ташкил этиш ва уларни мувофиқлаштиришда қўлланиладиган таъсир этиш йўллари, усулларининг мажмуидан иборат. Таълим-т-я тушунчалари асосини таъсир кўрсатиш механизми ташкил этади.

Пед. жараёнларга татбиқ этиладиган тушунчалар илмий хулосалар, тажрибалар ва и. т.лар натижаларига асосланиб танланади ҳамда уларнинг бу жараёндаги ўзига хос хусусиятлари инобатга олинади. Пед. жараёнларга, энг аввало, таълим оловчига самарали таъсир кўрсатувчи, яъни уларда ўқув майллари ни шакллантирувчи, маълум бир тушунчаларни ўзлаштиришда самарали деб топилган тушунчалар ва ёндашувларни қўлланиши таълим-т-я жараёнида ўзига хос аҳамият касб этади.

МЕТОДИКА (юн. *methodiks*) – 1) бирор ишни бажариш, амалга ошириш, адо этиш тушунчалари, усулларининг йиғиндиси; 2) ўқитиш усуллари ҳақидаги таълимот. Пед. фани соҳасида маълум ўқув фанини ўқитиш қонуниятларини тадқиқ қилади.

МЕТОДИСТ (инг. methodists, юн. methodos) – 1) мет. мутахассиси; 2) муайян ўқув предметини ўқитиш мет.си бўйича мутахассис.

МЕТОДИК БИРЛАШМА – мактабда фан ўқитувчиларининг ўз устида мунтазам ишлаши, назарий билим ва амалий кўникмаларини ошириб боришини ташкиллаштирадиган кенгаш. Мактабда фан М. б.си ишига илғор, катта тажрибага эга фан ўқитувчиси раҳбарлик қилади. М. б ф-яти ишлаб чиқилган режа ҳамда «Умумий ўрта таълим мактаби фан методик бирлашмалари тўғрисида Низом» асосида олиб борилади.

МЕТОДИК ИШЛАР – ўқитувчиларга методик ёрдам кўрсатиш ва уларнинг методик малакаларини ошириш йўналишидаги чора-тадбирлар мажмуи.

МЕТОДИК КЎРСАТМА – муайян фаннинг ўқув дастури бўйича курс ишлари (лойиҳалари), лаб. ва амалий ишларни бажариш тартиби аниқ ва батафсил ифодаланган ҳамда ушбу фан бўйича таълим олувчиларда зарур амалий кўникмалар ҳосил қилишга мўлжалланган, таълим муассасалари кенгашлари тавсияси асосида нашр этиладиган кичик ададли тарқатма материал.

МЕТОДИК ТАВСИЯЛАР – таълим ва т-янинг самарали усулларини амалда татбиқ этиш бўйича қисқа ва аниқ баён этилган таклифлар мажмуидан иборат методик нашр. М. т.да ўқув жараёнига ўқитишнинг интерактив усуллари, пед. техн.дан амалда фойдаланиш бўйича тавсиялар назарий-амалий намуналар асосида лойиҳалаштирилган ҳолда тақдим этилади.

МЕТОДИК ХИЗМАТ – таълим тизимида мактабгача, умумий ўрта, мактабдан ташқари, махсус мактаб таълим муассасалари педагогларининг соҳавий билим, малакаларини такомиллаштириш, пед. маҳоратини ошириш, уларга амалий ёрдам кўрсатиш, таълим-т-я самарадорлигини кўтаришда узлуксиз методик хизмат кўрсатиш тартибини ифодаловчи тушунча.

МЕТОДИК ҚЎЛЛАНМА – ўқитувчилар (проф.-ўқитувчилар) ва билим олувчилар учун мўлжалланган, унда бир дарснинг мақсади, дарс ўтиш воситалари ва улардан фойдаланиш усуллари, дарснинг мазмуни, амалий машғулотлар, қўшимча топшириқлар ва б. ҳақида тавсиялар баён қилинадиган, таълим муассасаларининг илмий (пед.) кенгаши тавсияси асосида чоп этиладиган нашр.

МЕТОДОЛОГИЯ (юн. methodos – билиш ёки тадқиқот йўли, назария, таълимот ва logos – сўз) – умуман, илмий мет. ҳақидаги, хусусан, айрим фанларнинг тушунчалари ҳақидаги таълимот, тадқиқотчининг назарий-амалий пед. ф-ятини ташкил этиш тамойиллари, у амал қиладиган меъёрий-ҳукукий, назарий-фал. ёндашувлар, қонуниятлар, қарашлар йиғиндиси.

М. тушунчалар ҳақидаги таълимот ёки умумий билиш мет.и сифатида ҳақ тавсифланади. М. тушунчаларга ва умумий воқеликка қандай ёндашиш йўлини ўргатади. Воқеликнинг муайян қисми, бирор жиҳатини ўргатувчи М.га метафизикани, воқеликнинг тизимли ривожланиш, ўзгариш жараёни ва уни ташкил этувчи элементлар ўртасидаги ўзар

алоқадорликларни акс эттирувчи М.га диалектикани, воқеликда рўй берувчи кескин, ҳалокатли ўзгаришлар, ноизчил ривожланиш жараёнларини ўрганишда қўлланиладиган М.га синергетикани мисол сифатида кўрсатиш мумкин.

М.га илмий билишнинг, воқеликни англаш ва ўзгаришнинг алгоритми сифатида ҳам қараш мумкин. М. тараққиётига Сократ, Аристотель катта ҳисса қўшишган. Форобий шарқона фикрлаш услуби нуқтаи назаридан Аристотель асарларини шарҳлаган. Бундай шарҳлар Аристотель меросини ўрганишда методологик асос бўлган. М. ҳақида Ф. Бэкон, Р. Декарт, Ж. Локк, Г. Галилей ва б. европалик олимлар махсус китоблар ёзишган. Шунингдек, М. ривожига И. Кант, И. Фихте, Ф. Шеллинг, Г. Гегель улкан ҳисса қўшишган. Гегель диалектик М.нинг асосларини ишлаб чиққан. 20-а. да синергетик, структуралистик ва герменевтик М.лар фал.да энг обрўли фал. М.лар сифатида ном қозонди, изчил ва комплекс ёндашиш М.лари эса инсоннинг барча ҳаётий жараёнларида кенг қўлланилмоқда.

Бугунги кунда синергетика М.си оламнинг чигал муаммоларини тадқиқ этишда, ҳалокатли портлашлар, тартибсиз ўзгариш жараёнларининг моҳиятини тушуниб етишда, оламнинг вужудга келишини илмий асослашда кучли эвристик билиш қуроли вазифасини ўтамоқда. М.нинг икки даражаси фарқланади: 1) инструментал даража. Бунда фикрлаш ва амалий операцияларнинг ўтишини таъминловчи талаблар шакллантирилади, фикр ва ҳаракатнинг

мазмунини эмас, балки йўналиши белгиланади; 2) конструктив даража. У билимни ривожлантириш, унинг янгича мазмун касб этишига эришишни назарда тутаяди.

20-а.нинг 2-ярмига келиб, билиш услубларининг билиш жараёни, субъект савияси, ўрганилувчи объектларга боғлиқлиги аниқланди. М. асосларининг ижт.-тарихий, ижт.-илмий, инсоний, шахсий, маданий заминлари мавжудлиги қайд этилди. Инсонлар ф-яти турлари доимо ўзгариб туриши, янгиланиши М.нинг шартлилиги, ўзгарувчанлигини аниқ-равшан кўрсатмоқда. Билиш услубларининг янгиланиши, категория ва тушунчаларнинг ўзгарувчанлиги ҳамда янгиланишнинг ижт., маданий-тарихий асослари, моҳияти, билиш услублари динамикаси каби масалалар М. тушунчасида ўз аксини топди. Умуман, М. тизимини фал. тушунчалар, ғоялар ташкил этади. Фал. М. билиш жараёнини таҳлил қилиш б-н чегараланмасдан, балки ижт. борлиқни янгилаш ва ривожлантириш муаммоларини очишда ҳам ёрдам беради.

МЕТОДОЛОГИК ЁНДАШУВ – пед. жараён ва унда қатнашувчилар ф-ятини ташкил этишнинг етакчи тамойилларидан бири. Техн.нинг турли жиҳатлари учун турлича тамойиллар (мажмуавий ёндашув) амал қилиши мумкин. Уларнинг, айниқса, кенг тарқалганлари: гуманистик, тизимли, гуруҳли, шахсга қаратилган, вазиятли, алгоритмик, ижт.-маданий, ахб.ли, мажмуавий, воситали, волеологик, топшириқли, амалий йўналтирилган, тактик, тадқиқотчилик, детерминистик, коммуникатив, манипулятив, интеграл, индивидуал, ф-ятли,

стратегик, ижодий, синергетик, диагностик ёндашув ва б.

МЕХАНИК ЁДЛАШ – матннинг маъносини тушунмасдан, қуруқдан-қуруқ ёдлашдан иборат ф-ят.

МЕХАНИК ХОТИРА – материалнинг маъносини тушунмаган ҳолда ёдда сақлаб қолувчи хотира.

МЕХАНИЦИЗМ – объектив воқеликдаги барча нарса, ходиса ва жараёнларнинг ўзгариши ва ривожланишини механика қонунлари б-н изоҳловчи дунёқараш. 18-а.ларда мумтоз механика шаклланиши, ривожланиши ҳамда механика қонунларининг мутлақлаштирилиши таъсирида оламнинг механик манзараси вужудга келган. М. таълимотига кўра, табиатдаги барча нарсалар, атомлардан тортиб сайёраларгача ўзгармас унсурлардан таркиб топган механик тизимдан иборат ва бу унсурларнинг ҳаракати механика қонунлари б-н белгиланади.

МЕЪЁР (араб. – ўлчов; андаза) – расмийлаштирилган, умум томонидан қабул қилинган, барча учун мажбурий ҳисобланган, қонун ҳукмига кирган тартиб-қоида; объектнинг сифат ва миқдорий жиҳатдан ўзаро боғлиқлигини англатадиган, мазмун ва шакл, имконият ва воқелик ўртасидаги зарурий уйғунлик таъминланишини ифодалайдиган фал. тушунча.

М. тушунчаси дастлаб қад. Ҳиндистон, Хитой ва Юнонистондаги фал. қарашларда ўз ифодасини топган. Марказий Осиё мутафаккирлари (Ибн Сино, Беруний ва ш. к.) асарларида ҳам М. тушунчаси таҳлил этилган. Улар ўз асарла-

рида табиий ва маънавий-руҳий М.га оид фикр-мулоҳазаларни билдиришган. М. фал. категория сифатида Гегель фал.сида атрофлича таҳлил этилган. Ҳар қандай объектнинг сифати муайян миқдор (моддий тизимларнинг хусусиятлари, унсурлари, сони ва ҳ.к.) б-н узвий боғлиқлиги асосида белгиланади. Уларнинг талабларига риоя қилиш кундалик турмушимизда ҳамда билиш жараёнида кўзланган мақсадга эришишимизга имкон беради. М.лар илмий билишда қоидаларни, услубларни, ҳуқуқий соҳада ҳуқуқий меъёрий ҳужжат (мас., қонун, кодекс, буйруқ ва ш. к.)ларни, ахлоқ-одоб М.ларини ва б. соҳалардаги меъёрий фикрларни ифодалайди. Уларнинг билишдаги ва амалиётдаги аҳамияти ана шу б-н белгиланади. М. доирасида миқдор ўзгаришларининг чегараси мавжуд. Ушбу чегарадан (миқдор ўзгаришлари, унсурларининг катта-кичиклиги, дискретлиги, даврийлиги, боғланиш тартиби, тузилиши, ҳаракати ва ҳ.к.) хатлаб ўтилганида, объект бошқа шаклда намоён бўлиши мумкин. М. объектнинг сифат ўзгаришлари, ўз навбатида, миқдорий ўзгаришларга олиб келади. М. мусикада ритм, гармония, меъморликда ансамбль ва ҳ.к. асосини ташкил этади. Ж-ятда М. категорияси муҳим илмий-назарий ва амалий аҳамиятга эга.

МЕҲМОНДОРЧИЛИК ОДОБИ – инсонларнинг юксак инсоний ва самимий фазилатлари асосида қурилган меҳмонга бориш ва меҳмон қутиш борасидаги ўзаро мулоқоти ва муносабатларида амал қилинадиган одоб-ахлоқ талаблари, муайян тартиб-қоида ва удумлар.

Ўқувчи-ёшларда М. о.га оид меъёрларни таълим жараёнида турли пед. воситалар ёрдамида сингдириш талаб этилади.

МЕҲНАТ ДАВЛАТ ТАЪЛИМ СТАНДАРТИ – меҳнат таълими мазмуни ва ушбу ўқув предмети бўйича ўқувчилар эгаллайдиган билим, кўникма, малакаларга қўйилган талабларнинг дав. томонидан тасдиқланган эталони, модели.

МЕҲНАТ ИНТИЗОМИ – шахснинг меҳнат жараёнида амал қилиши шарт қилиб белгиланган, дав. қонунлари, ташкилот меъёрий ҳужжатлари ва қонунларда акс этмаган, лекин шахс маънавий, ахлоқий муносабатларидан келиб чиқадиган тартиб-қоидалар, меҳнат ваколати, бурч ва эркинликларни қамраб олувчи тушунча. М. и.ни йўлга қўйишда ҳар бир ж-ятдаги кадриятлар, урф-одатлар, маънавият, маданият, меҳнатга муносабат, мафкура каби омиллар эътиборга олинади. Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йиллариданок М. и. мамлакатимизда фуқаролик ж-яти ва ҳуқуқий дав. қуриш борасидаги стратегик мақсадларнинг таркибий қисмларидан бирига айланди. Шу боис бевосита демократик тараққиётнинг барча тамойилларига риоя қилган ҳолда М. и. масаласида дав. томонидан қабул қилинадиган қарорларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва бажаришда жамоатчилик фикридан самарали фойдаланишга эътибор берилмоқда. Бу борада ж-ятнинг барча тизимида самарали иш олиб боровчи меҳнат жамоаларининг ўрни муҳим. М. и. б-н боғлиқ ташаббускорлик, ташки-

лотчилик ишлари раҳбар ходимларнинг эътиборида туриши М. и.ининг таъминланишида муҳим ўрин тутди. Бу эса раҳбар бошқараётган жамоанинг маънавий иқлимига боғлиқ бўлиб, одамларда меҳнатга бўлган муносабат ва саъй-ҳаракатларнинг фаоллашувига катта ёрдам беради. М. и.ни мустаҳкамлашда ҳар бир ходимнинг маънавий жиҳатдан юксаклиги, ишга ҳалол муносабатда бўлиши, ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва соғлом муҳитни вужудга келтиришда муҳим ўрин эгаллайди.

МЕҲНАТ МАКТАБЛАРИ – ўқувчиларни меҳнат ф-ятига йўналтириш ва таълимни ишлаб чиқариш меҳнати билан бирлаштиришга асосланган таълим муассасаси.

МЕҲНАТСЕВАРЛИК – маънавий фазилат сифатида шахснинг ишчанлиги, меҳнатни, ишни хуш кўриши. Унинг натижалари эришилган ютуқ, қўлга киририлган ҳосил ёки маҳсулотнинг миқдори ва сифати б-н ўлчанади. М.нинг зидди ялқовлик, дангасалик, танбаллик, боқимандаликдир. Ҳар қандай ж-ятда ёшларни М. руҳида тарбиялашга ҳаракат қилинади. Чунки меҳнат қилмайдиган одам бошқалар ҳисобига кун кечиради, у оила, жамоа ва ж-ят тараққиётига халақит беради. М. меҳнатнинг ҳар қандай турига нисбатан намоён бўлмаслиги ҳам мумкин. М.нинг шаклланиши фақат шахснинг ички сифатларига эмас, ж-ятда мавжуд ижт. муносабатлар, меҳнат ва маҳсулот тақсимоли тамойилларига ҳам боғлиқ. М.нинг қай даражада ёйилиши, унинг ижт. кадриятга айланиши кўп жиҳатдан меҳнатнинг хусусият-

ларига боғлиқ. М. шижоат ва ғайрат б-н қилинаётган меҳнат жараёнида яққол намоён бўлади. Ёшларни жуда кичиклигидан бошлаб М.ка ўргатиш муҳим вазифалардан биридир.

МЕҲНАТ ТАРБИЯСИ – т-янинг муҳим тури, шахсни шакллантиришнинг зарур шартларидан бири бўлган пед. жараён. М. т. шахсни ҳар томонлама ривожлантиришнинг ажралмас қисмидир. У шахсда ижт. фойдали меҳнатга ички эҳтиёж, интизом, батартиблик, ташкилотчилик, ташаббускорлик, ишчанлик, ишнинг кўзини билиш сингари сифатларни қарор топтиришга хизмат қилади. Меҳнат инсон эҳтиёжларини қондиришнинг биринчи ва асосий воситаси бўлгани учун М. т. т-янинг бошқа ҳамма турларидан олдин пайдо бўлган.

М. т. жуда кенг фал.-пед. категория бўлиб, «меҳнат таълими», «касбга йўналтириш», «политехник таълим», «касб таълими» сингари тушунчаларни ўз ичига олади. М. т. бериш ҳамма замонларда ҳам ж-ят тараққиётининг асоси, ёшларни ҳаётга тайёрлашнинг энг муҳим воситаси бўлиб келган. М. т., аввало, оилада бола ўзини англай бошлаши б-ноқ амалга оширилади. Жумладан, чақалоқлар гўдаклик босқичига ўтишлари б-н уларга дастлабки М. т. берилади. Шундай қилинмаса, бола фақат истеъмомлигига айланиб қолади, натижада у ношуд ва ялқов, маънавияти кемтик шахс бўлиб шаклланади.

Болаларга М. т. беришда боғча, мактаб сингари ижт. пед. муассасалар катта ўрин тутади. Чунки бу муассасаларда М. т. илмий асосда тегишли му-

тахассислар томонидан уюштирилади. М. т.ни ташкил этишдаги асосий жиҳат шундаки, у болаларнинг ёш хусусиятлари, руҳий, аклий ва жисмоний имкониятларига мувофиқ бўлиши лозим. Боланинг имкониятларидан енгил М. т. уларни зериктиргани каби уларнинг имкониятларидан оғир топшириқлар болаларни бездириши мумкин. М. т.ни амалга оширишда тизимлилик ва интизом бўлишига қатъий амал қилиниши зарур. Акс ҳолда, ҳар қандай қобилиятли бола ҳам етарлича М. т. ололмайди. Ёш улғайгани сари меҳнат мажбуриятлари кенгайибгина қолмай, топшириқни бажариш сифатига қўйилган талаблар ҳам ўзгаради, боланинг топшириқларни бажаришга масъулияти ортади. Болаларни бошлаган ишини охирига етказиш, ишни муваффақиятли бажаришдан завқланишга ўргатиш лозим. М. т.да болаларнинг меҳнат қилиши учун шароит яратиш бериш муҳим аҳамиятга эга. Меҳнат машғулоти учун алоҳида вақт ажратиш, болаларнинг ёши, кучи ва имкониятига қараб уларни асбоб-ускуналар (куракча, хаскаш, гулчелак, қайчи) б-н таъминлаш лозим. Бола қилаётган ишдан қувониши керак. Боладаги ахлоқий меҳнат фазилатларини яхши тарбиялаш кўпроқ оилада хўжаликни тўғри ташкил қилишга боғлиқ. Хўжалик ишлари тўғри ташкил қилинган оилада ҳамиша саранжом-саришталик ҳукм суради. Бундай оиладаги меҳнат мажбуриятлари ҳар бир оила аъзосининг кучи, имкониятига қараб тақсимланади, оғир ишлар биргеликда бажарилади.

Боғча ёшидаги болалар меҳнатига баҳо бериб бориш уларда меҳнатга нисбатан ижобий муносабатни тарбиялашда катта аҳамият касб этади. Болалар кучлари етадиган ишларни бажараётганларида кўп хатоларга йўл қўйишлари мумкин. Лекин бу болаларни меҳнатга жалб қилмаслик керак дегани эмас. Болаларга бирон юмуш буюрилганида уни қандай бажараётганликларини назорат қилиш, сабр б-н тузатиш керак. М. т. учун мактаб даври энг қулайдир. Биринчидан, ўқиш жараёни – оғир ақлий жисмоний меҳнат. Мактабга ўз вақтида келиб кетиш, ўқиш ёзишни ўрганиш, берилган билимларни эгаллаш учун ўқувчиларга М. т. берилган бўлиши керак. Чунки ўқув топшириқларини бажариш, дарс ўзлаштириш, ўғитларни такрорлаш, ёзма ишлар бажариш, керакли матнларни ёдлаш, кўчирмалар олиш, луғатлар б-н ишлай олиши учун ўқувчи муайян интизомга риоя этиши, ташкилотчилик қобилияти ва ишчанлик хусусиятига эга бўлиши, ишнинг кўзини билиши керак. М. т.да, меҳнат таълими ва касбга йўналтириш жараёнларининг ҳам ўрни катта. Чунки бу жараёнларда ўқувчилар бевосита тегишли меҳнат кўникмаларини эгаллаш ва уларни мустақил равишда қўллаш босқичини ўтайди. Шунингдек, улар шу аснода қайси меҳнат йўналиши ўзига мос эканлигини билиб оладилар. Шу боис меҳнат таълими имкон қадар хилма-хил бўлиши ҳамда ўқувчиларнинг ақлий, жисмоний имкониятлари ва гендер хусусиятларига мувофиқ келиши зарур.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва КТМД (1997 й. 29 авг.)га мувофиқ, ўрта махсус таълим босқичининг мажбурий бўлганлиги ўқувчиларга М. т. беришда алоҳида аҳамият касб этади. Чунки бу босқич тўлиқ касбга йўналтирилган бўлиб, касб-хунар коллежлари ўқувчилари бевосита ўзлари танлаган касбларга доир кўникма ва малакаларни шакллантирсалар, АЛ ўқувчилари келажакда эгаллайдиган касбларнинг назарий асосларини эгаллайдилар. Олий таълимнинг бакалавриат ва магистратура босқичларида М. т. бевосита касб таълими б-н бирга амалга оширилади. Болаларнинг ўқув режасида кўзда тутилган меҳнат амалиётини ўташларини тўғри ташкил этиш, уларни болалар, ўсмирлар ижодиёти саройлари, уйлари, клублари ва марказлари қошидаги тўғарақларга кўпроқ жалб этиш ёш авлоднинг комил шахслар сифатида шаклланишида муҳим аҳамият касб этади.

МЕҲНАТ ТАЪЛИМИ – технологик ва меҳнат таълим-т-ясининг ёш авлодда меҳнатга, ижт. ҳаётнинг маълум бир соҳасига доир билим, кўникма, малака ҳамда одатларни таркиб топтириш ва ривожлантиришга йўналтирилган тури.

МЕҲНАТ ТАЪЛИМИ ИНСТРУКТАЖИ (йўриқномаси) – ўқувчининг амалий машғулот ўташ даврида риоя қилиши зарур бўлган кўрсатмаларига ўқитувчи томонидан бериладиган изоҳ.

МЕҲНАТ ЭСТЕТИКАСИ – эстетик категория сифатида инсоннинг ижт. ва индивидуал ишлаб чиқариш жараёнида гўзалликка нисбатан муносабати. Инсон меҳнатининг эстетик хусусиятлари

илк бор Сукрот суҳбатлари, Аристотелнинг «Поэтика»си, Витрувининг «Меъморчилик ҳақида ўн китоб» асарларида тадқиқ этилган. Европанинг индустриал таракқиёт даврига хос М. э. муаммолари И. Кант томонидан фал. таҳлил қилинган. Шу б-н бирга, мумтоз эстетикада ишлаб чиқариш эстетикаси амалиёт б-н узвий боғлиқ алоҳида йўналиш сифатида қарор топган. М. э. ж-ят моддий неъматларини ишлаб чиқариш шароитлари ва унинг натижаларини эстетик ўзлаштириш жараёнини англатади. Илмий-техника таракқиёти ишлаб чиқариш жараёнларини эстетик таъминлаш заруратини вужудга келтирди. Натижада М. э.да янги тармоқ – дизайн (безак) санъати ажралиб чиқди. М. э. моддий-бадий маданиятнинг аниқ шакли, меҳнатни нафосат қонунлари асосида ташкил этишдир. М. э. ишлаб чиқариш жараёнларида ходимларнинг иш муҳитини эстетик безаш, меҳнат маҳсулотларини бадий жиҳозлаш, гўзаллик тамойиллари асосида меҳнат унумдорлигини оширишга қаратилган ф-ятни ўз ичига олади. М. э. санъат назарияси б-н диалектик боғлиқ ҳолда ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида гўзаллик қонуниятларининг қарор топиши, эстетик дид ва туйғуни шакллантиришга хизмат қилади. М. э. ж-ят маънавиятининг ажралмас қисми сифатида инсоннинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишида зарур тарбиявий воситадир.

МЕҲНАТ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ – меҳнат таълими назарияси ҳамда мет.си бўйича талабаларда муайян билим, кўникма, малакалар ҳосил қилишга йўналтирилган ўқув фани; меҳнат ўқи-

тиш мет.си хусусий пед.нинг алоҳида соҳаси.

МЕҲНАТ ЎҚУВ ФАНИ – ўқувчиларга меҳнат турлари, уни илмий асосда ташкил этиш, меҳнат қилиш маданияти асослари, касблар, уларнинг турлари ҳақида маълумот берадиган, уларни муайян касб-ҳунарга йўналтирадиган ўқув фани.

МЕҲРИБОНЛИК – кишиларнинг ўзаро муносабатларида меҳр-оқибат кўрсатиш, бир-бирига қайишиш, ёрдамлашиш, хушфезллик, ёрдамга муҳтож одамларга кўмак кўрсатиш б-н боғлиқ эзгу хатти-ҳаракатларни қамраб оладиган фазилат. Маъно-мазмунига кўра, М. шафқат, эзгулик, олийжаноблик, сажоват, инсонийлик каби ҳис-туйғуларга яқин туради. М. – халқимизнинг қонқонига сингиб кетган эзгу фазилатлардан бири. Чунки ўзбек халқи азалдан меҳрибон, болажон, ҳеч кимдан ёрдамни, кўмак-далдасини аямайдиган халқ сифатида танилган. Халқимиз меҳр-оқибатлилик, бир-бирига далда бўлиш, оғир дамларда муҳтож кишиларга ёрдам қўлини чўзиш, ҳатто етти ёт бегонадан ҳам меҳр-шафқатни дариғ тутмаслик каби ҳислатлар ниҳоятда улуғлагани боис менталитетимизга сингиб кетган фазилатлардан ҳисобланади.

МЕҲРИБОНЛИК УЙЛАРИ – етим ва ота-оналари ёки бошқа қонуний вакилларининг васийлигисиз қолган болалар учун дав. томонидан очилган ижт.-пед. муассаса.

М. у. етим ёки қонуний васийлар қарамоғида бўлмаган болалар, ота-оналари суд ҳукми б-н ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган, ота-оналари воз кеч-

ган болалар учун ташкил қилинган. М. у. да 3 ёшдан 16 ёшгача бўлган соғлом болалар яшаши ва тарбияланиши учун зарур шароитлар яратилади. М. у. да тарбияланувчиларни ўқитиш ва боқиш тўла дав. таъминоти асосида белгиланган тартибда амалга оширилади. М. у. 3–7 ёшли болалар учун болалар боғчаси тартибида болалар уйи сифатида ф-ят кўрсатади. 7–16 ёшли болалар учун у. ў. т. мактаби тартибида иш олиб боради. М. у. да тарбияланувчиларнинг мактаб ўқув дастурини тўлиқ ўзлаштиришлари, уларда меҳнат кўникмаларини шакллантириш ва мустаҳкамлаш, жисмоний камол топишлари, ахлоқий ҳамда эстетик т-я олган баркамол шахслар бўлиб етиштирилиши таъминланади. Шунингдек, юқоридаги мақсадларга қаратилган маънавий-маърифий, маданий-оммавий тадбирлар амалга оширилади.

М. у. Ўзбекистонда дастлаб 1918 й. етимхоналар асосида болалар уйи номи б-н ташкил этилган. 2-жаҳон уруши йилларида жангчиларнинг болалари учун махсус болалар уйлари очилиб, уларда Украина, Белоруссия, Литва, Латвия, Эстония, Москва, Ленинград ва б. шаҳарлардан келтирилган болалар т-яланган. Мазкур муассасалар 1995 й. дан М. у. деб юритила бошланди.

МЕХР – ҳолис ва таъмасиз яхши кўриш, севги-муҳаббатнинг теранлашган шаклини ифодаловчи тушунча. М. кишилик ж-ятининг маънавий тараққиётида шаклланган ахлоқий фазилат бўлиб, индивидуаллик хусусиятига эга. М. кишиларнинг шахсий, оилавий ҳамда этник бирлиги, мақсад ва манфаатларни

амалга оширишда эзгулик йўлидаги ижт. муносабатидир. Айрим олимлар М. қад. даврда табиат кучларига қарши туриш, инсоннинг ижт. ҳамкорлиги зарурияти натижасида вужудга келган ижобий ҳис-туйғу деб ҳисоблашади. Бироқ М. туйғусини даврийлаштириш унчалик ҳам тўғри эмас, чунки у инсон яратилганидан буён унинг табиатига хос ҳислатдир. Абу Наср Форобий М. деганда фозил одамларга хосликни тушунса, Абу Райҳон Беруний назарида, инсоннинг олий фазилати ўзгалар ҳақида ғамхўрлик, айниқса, камбағалларга М-мурувват кўрсатишида намоён бўлади. Ўрта аср Европасида эса М. одамларнинг ижт. ҳаётда ўзаро бир-бирига ёрдам бериши, ўзгаларнинг моддий ва маънавий аҳволига эътибор б-н қарашнинг ижт. меъёри сифатида қарор топган. Ж-ят тараққиётида М. шахснинг ўзгалар б-н биргаликда турмуш кечиришидаги ижт. ҳамкорлик, етим-есир, бева-бечораларга беғараз моддий ва маънавий ёрдам кўрсатишга қобиллик, аниқроғи, сахийлик маданияти сифатида шаклланган. Ўзбекистонда ж-ятни янада демократлаштиришда М. баркамол инсоннинг фазилати, миллий ғоянинг тарихий-фал., ахлоқий-ғоявий манбаидир. У инсоннинг дав. ва ж-ят муносабатларида турли миллат ва динга мансуб кишилар б-н бунёдкорлик ишида ўзгаларга фойда келтириш қобилятидир. М. инсонга хос барқарор туйғу бўлиб, шахснинг келажак авлодлар бахт-саодати йўлидаги беғараз фаол хатти-ҳаракати ҳисобланади. М., ўз моҳиятига кўра, ахлоқий тушунча бўлиб, муҳаббатга

нисбатан жамоавий бирликни таъминлашдаги ўзаро алоқаларнинг мураккаб қисмини англатади. Чунки М. шахснинг ўзгаларга бегараз ёрдамини, ўзгалар гам-ташвишига ҳамдардлигини англатади. У ижт. бирдамлик ифодаси сифатида кишилик ж-яти учун жуда зарур. Азалдан одамлар икки тоифа – «қонқариндош» ва «бегона»га бўлиниб яшаб келади. Бунда М. баъзан маънавий мезон бўлади. М. ижт. яқинликнинг муҳим ахлоқий жиҳатидир. Ж-ят тараққиётида қонқариндошлик бир оила, маҳалла, қишлоқ, туман, вил. ва миллат доирасида намоён бўлади. Марказий Осиё халқлари турмуш тарзида деҳқончилик табиат б-н бевосита боғлиқ бўлиб, жамоавий меҳнатни такозо этган. Бу ҳол одамлар орасида ўзаро ички қалб бирлиги туйғусини ўстирган. Шу боис М. оқибат икки жиҳатни, яъни шахснинг ўз қавми аъзоларига моддий ёрдам кўрсатиш б-н бирга, уларнинг маънавий гам-ташвишларига ҳамдардлик қилишга тайёр туриш фазилатини мужассамлаштирган.

МИЗЯКОВА Валентина Степановна (1935. 9. 10, Волгоград вил.) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1999). Ставрополь пед. ин-тининг биол. ф-тини тугатган (1965). Қорачой-Черкасияда бошланғич синф ўқитувчиси (1946–78), Учқудуқ ш.даги 2-мактабда (1978–89), 9-мактабда биол. ўқитувчиси (1989 й.дан). Вилоят мактаблари ичида энг яхши деб тан олинган биол. кабинетини жиҳозлаган. Мактабда боғ яратган ва қишда синф шароитида турли мевалар етиштиришни йўлга қўйган. Синфда 200 дан ортиқ турли кўرғазмали

курол ва экспонат тўплаган. М.нинг ўқувчиларнинг биол. фанига бўлган қизиқишларини ўстириш, уларни она-табиатни севишга ўргатиш, биол. фанини ҳаёт б-н боғлаб ўқитиш, таълим жараёнида илғор пед. техн.дан самарали фойдаланиш соҳасидаги тажрибаси туман ва вил. миқёсида кенг оммалаштирилган.

МИКРОТАЪЛИМ – ўқув материали бўлимларининг кичик қисмларини маълум кетма-кетликда ишлаб чиқаришга татбиқ этиш тизими.

МИКРОТЕХНОЛОГИЯ – ўзаро ва индивидуал таъсир ҳамда тор ҳажмдаги тезкор топшириқларни ҳал этишга қаратилган техн.

МИЛЛАТ (араб. – халқ; дин, мазҳаб) – кишиларнинг ягона тилда сўзлашиши, яхлит ҳудудда истиқомат қилиши, муштарак иқтисодий ҳаёт кечириши, умумий маданият ва руҳиятга эга бўлиши асосида тарихан ташкил топган барқарор бирлиги.

М. – тил, маънавият, миллий ўзликлари билан англаш руҳияти, урф-одат, анъана ва қадриятлар ягоналиги асосида муайян ҳудудда яшовчи иқтисодий алоқалар б-н боғланган мустақил субъект сифатида ўзига хос моддий ва маънавий бойликларни яратувчи кишиларнинг этник бирлиги. М. маълум ҳудудда барқарор яшаб, тарихий тараққиёт давомида ривожланиб, кишиларнинг маънавий-руҳий салоҳият ягоналиги асосида шаклланади. У инсониятнинг дунёга келиши ва тараққиётининг маҳсулидир. М.нинг шаклланиши ва ривожланишида моддий омиллар муҳим аҳамиятга эга бўлади, аммо улар М. абадийлиги

ни таъминлашнинг охириги имконияти эмас. Улар М. тараккиёти учун зарурий шарт ҳисобланади. М.нинг абадийлиги, барқарорлигини таъминлашнинг асосий омили унинг ички маънавий-руҳий салоҳиятидир. М.ларнинг ички-руҳий салоҳияти, яратувчилик қобилияти, матонати, тинимсиз меҳнати, тадбиркорлиги ва ўзига ҳослигини ривожлантириш асосида ҳоз. замон цивилизацияси юзага келган. Мутахассисларнинг фикрича, Ер юзида уч мингга яқин М. бўлиб, инсониятнинг ўртача 96 фоизини бирлаштиради. Қолган 4 фоизи элат ва қабилалардир. Ҳар бир М. аҳолиси бир неча ўн мингдан бир неча юз миллионгача боради. М.лар беш гуруҳга бўлинади: 1) буюк М.лар – хитойликлар (аҳоли сони 1 млрд 250 млн дан ортиқ), ҳиндлар, америкаликлар, руслар, японлар (ҳар бири 100 млн дан 300 млн гача аҳолига эга); 2) катта М.лар – инглизлар, французлар, испанлар, немислар, турклар ва б. (50 млн дан 100 млн гача); 3) йирик М.лар – ўзбеклар, португаллар, поляклар, эфиоплар ва б. (10 млн дан 50 млн гача); 4) ўрта М.лар (1 млн дан 10 млн гача); 5) кичик М.лар (бир неча ўн мингдан бир млн гача). Жаҳондаги 27 М. ер юзи аҳолисининг қарийб 75 фоизини ташкил қилади. Аввало, М. тушунчасига масъулият б-н ёндашиш зарур. Ўринли-ўринсиз ишлатиб, ўқувчи ёки тингловчини чалғитиб қўйиши ҳам мумкин. Мас., М. атамасини диний маънода ишлатиб, мусулмон М.и, ислом М.и дегувчилар ҳам бўлган ва ҳозир ҳам бор. Бутун Ер юзидаги бир ярим миллиардга яқин ислом динига эътиқод қилувчилар

бир М. вакилларида иборат эмас, улар орасида араблар, туркий ва форсий халқлар б-н бирга, Ғарбда инглиз, француз, немислардан тортиб, Шарқда япон, индонезиялик, малайзиялик, африкаликлар ҳам бор. Ислом дунё динларидан бири, унга эътиқод қилувчилар иркий жиҳатдан ҳам турлича. Мусулмонларни ягона ислом М.и деб эмас, балки Аллоҳ таолонинг бандалари, Ҳазрат Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васалламнинг умматлари деб тушунмоқ жоиз. Мусулмончилик – умматлар бирлиги. Айни пайтда, нуфузи 200 миллиондан ошиб кетган барча туркий халқларни ягона турк М.и деб ҳисоблаш ҳам ғайриилмийдир. Буларнинг барини ўқ томири бир қардош ва тилдош халқлар дейиш ҳақиқатга яқинроқ. Ягона ўқилдиздан тарқалган халқларнинг бир-биридан йироқлашиш жараёнлари қанчалик узоқ давом этган бўлса, уларнинг бирлашиш жараёни ҳам шунча давом этиши мумкин. Туркий халқларнинг маданият, санъат, ад., илм-фан, савдо-сотик ва б. соҳалардаги ўзаро алоқаларининг кучайиши улар ўртасида қардошлик алоқаларининг мустаҳкамланишига хизмат қилади. М. масаласига янада ойдинлик киритиш мақсадида турли қитъа ва мамлакатларда яшовчи М.лар ва халқларга оид мисолларга мурожаат этиш мумкин.

Маълумки, ўзбек халқи келиб чиқиши жиҳатидан туркийдир. Илк ёзма манбаларимиз Урхон ҳоқон Энасой бўйларида дав. қургани ҳақида битилган бўлса, Аҳмад Югнакий, Маҳмуд Кошғарий, Юсуф Хос Ҳожиблар ёзма адабий тилимизнинг тамал тошини

қўйишган. Ягона миллий адабий тилимиз 12-а.даёқ шаклланиб бўлган эди. Бунга Аҳмад Яссавийнинг «Ҳикмат»лари яққол исбот бўла олади. «Ҳикмат» тили 16-а.да яшаган Бобур тилига ҳам, 20-а. адиблари Абдулла Қодирий ва Чўлпон тилига ҳам ўхшаш. Алишер Навоий эски ўзбек адабий тилининг шухратини бутун дунёга ёйди. Аниқ далиллар ёрдамида ўқувчи-ёшларга М.имизнинг шонли йўли ҳақидаги маълумотларни етказиш, шу асосда уларда миллий ғурурни тарбиялаш узлуксиз пед. жараённинг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади.

МИЛЛАТПАРВАРЛИК – инсоннинг ҳаёти ва ф-яти давомида ўз миллатининг ўзига хос жиҳатларига ҳурмат ва садоқат руҳида қараши, миллий менталитет, урф-одат, тафаккур тарзини чуқур ҳис этган ҳолда, миллатнинг ҳар томонлама тараққий топишига хизмат қилиши ва у б-н боғлиқ дунёқарашнинг намоён бўлишини ифодаловчи тушунча. М., маълум маънода, ватанпарварлик тамойилининг янада муайянлашган шакли. Зеро, миллатни севиш – кенг маънода Ватанни севиш дегани. Ватансиз миллатнинг бўлиши, унинг расмана эркин ва бахтли яшаши мумкин эмас. Бироқ М.ни миллатчилик б-н қориштириб юбормаслик лозим. Миллатчилик ўз миллатини ажратиб олиб, унга «буюк»лик мақомини беришга интилиш бўлса, М. бошқаларни камситмаган ҳолда, ўз миллати равнақи учун курашиш, бу йўлда, лозим бўлса, ўз ҳаётини ҳам фидо қилиш демакдир. Чунки ўз миллатини чин дилдан севмаган одам ҳеч қачон бошқа миллатларни сева олмайди. Асл миллатпар-

вар миллий ўзлигини англаб етган инсондир, у ўз миллати б-н фахрланади, у б-н бутун жаҳонда фахрланишни истайди. М. тамойили асосида миллий ғоя ётади, у миллатни севиш амалиётининг илмий-назарий асоси сифатида майдонга чиқади. М. инсоният тараққиётида миллатларнинг ўрни ва аҳамиятини тўғри тушуниш, Ер юзининг ҳар бир бурчагида мавжуд миллатларни тили, турмуш тарзи, ирки, ташқи кийфаси, урф-одатлари, дини, маданиятининг ўзига хос томонларидан қатъи назар, ҳурмат қилиш, уларнинг озодлиги, тенглиги, гуллаб-яшнаши учун шарт-шароитлар яратиб бериш тарафдори бўлишдир. М. ҳар бир кишидан миллатлар ва миллий муносабатлар соҳасида чуқур билимли бўлишни, улар инсоният тарихида, унинг моддий ва маънавий маданиятининг шаклланишида, ҳоз. замон цивилизациясининг ривожланишида жиддий мавқега эга эканлигини билишни тақозо этади. М. барча миллатларга баробар ҳурмат б-н қараш демакдир. Ўз миллатини бошқалардан афзал кўриб, унга имтиёзлар беришни талаб қилиш ёки, аксинча, ўзиникини улуглаб, ўзганинг тили ва маданиятига бефарқ қараш М. қоидаларига зиддир. Шу б-н бирга, М. барча миллатларни, уларнинг фарқ ва тафовутларини ҳисобга олмай туриб тенглаштиришнинг инкор этади. Ҳар бир миллатга бўлган муносабат уларнинг истиқомат қилиб турган муайян шароитлари, тарихи ва шу асосда бошқа миллатлар б-н ўзара муносабатларига боғлиқ. Миллатлар ҳам инсонлардек хилма-хил ва турли-туман бўлганлиги боис, ҳар бир миллат-

га нисбатан муносабатларда ниҳоятда эҳтиёткорлик, муомала маданияти ва эътибор талаб қилинади. Ҳар бир инсоннинг миллатпарварлиги, аввало, унинг ўз миллати, тили, маданияти, анъаналари, урф-одатлари ва расм-русумларига бўлган муносабатида намоён бўлади, Лекин М. бу доирада чекланиб қолмайди, бошқа миллатларни ўз миллати б-н тенг кўради. Ўзбекистоннинг юксалиши ҳар бир инсоннинг М. тамойилига содик бўлишига ҳам боғлиқ. Чунки дав.имизнинг келажаги, биринчи навбатда, халкимизнинг уюшқоклиги, гурури, тадбиркорлиги ҳамда худудимизда истиқомат қилиб турган ҳар бир кишининг миллати, дини, тили ва эътиқодидан қатъи назар, умуммиллий го я атрофида жипслашувига боғлиқ. Ўзбекистонда истиқомат қилаётган 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари ана шундай йўлдан бормоқда. Шу маънода, муस्ताқиллик йилларида миллатлараро ҳамкорликнинг мустаққамланиши мамлакатимизда демократик ҳуқуқий дав. ва фуқаролик ж-яти қуриш б-н бир қаторда М. туйғусини янада такомиллашувига хизмат қилади.

МИЛЛАТЛАРАРО МУЛОҚОТ МАДАНИЯТИ – шахснинг бошқа халқларга уларнинг вакиллари б-н билвосита ёки бевосита мулоқот тарзида намоён бўладиган одоб-ахлоқ мажмуи. Миллатлараро мулоқот кишилиқ маданиятининг таркибий қисмидир. М. м. м. миллатлараро муносабат жараёнида намоён бўлади. Бу жараёнда ўз миллатининг вакили сифатида муайян ижт. ва зифани бажаради. Натижада шахс ижт.

лашув жараёнида ўз халқи узок тарихий ривожланиш жараёнида тўплаган маънавий кадриятлар, одоб-ахлоқ, муомала маданияти, мезонларини ўзлаштиради. Икки миллат, икки маданият, икки тилга мансуб кишилар ўртасидаги мулоқотда ана шу фарқлар намоён бўлади. Бу – объект ҳолат. Агарда суҳбатдошлар бир-бирига яқин, фаол борди-келди қилиб келаётган халқлар вакилларида иборат (мас., ўзбек, тожик, козоқ, қирғиз, туркман ва х.к.) бўлса, фарқ, асосан, тилда намоён бўлади. Бир-биридан жуғрофий жиҳатдан узок масофада яшаётган миллатлар вакиллари ўртасидаги мулоқотда бир-бирини англаш мураккаброқ кечади. Улар нафақат бир-бирининг тилига тушунмайди, балки имо-ишораларнинг ўзига хослиги туфайли бир-бирининг хатти-ҳаракатларини ҳам тўғри талқин эта олмайди. Бу эса баъзан тушунмовчиликларга олиб келиши мумкин. Мас., Лотин Америкаси ва Европа халқлари вакиллари мулоқот пайтида суҳбатдошининг кўзларига тик қараб туради, Осиёда эса суҳбатдошнинг кўзига тик қараб туриш беадаблиқ ҳисобланади. Шу боис турли миллатларга мансуб кишиларнинг бир-бирининг урф-одат, анъана ва кадриятларини билиши, уларга нисбатан юксак ҳурмат-эҳтиром М. м. м.нинг ривож ва такомиллашувига ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Шу боис узлуксиз таълим тизимида ўқувчи-ёшларда М. м. м.ни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК – миллатлараро аҳиллик, халқаро дўстлик; миллий истиқлол мафқурасининг асо-

сий ғояларидан бири; муайян ҳудуд, дав.да турли миллат вакилларининг баҳамжиҳат яшashi, ҳамкорликда ф-ят юритиши. Ер юзидаги 1600 дан ортиқ миллатдан бор-йўғи 200 га яқини ўз давлатчилигига эга. Бундай шароитда бутун дунёда М. т.ни таъминлаш учун уларнинг манфаатлари, руҳияти, интилишларини мунтазам ўрганиб бориш, сиёсий-ижт. ҳаётда буни доимо эътиборга олиш зарур. Жаҳон тажрибаси М. т.ни таъминлашга бирёклама, юзаки ёндашув жиддий муаммолар келтириб чиқариши мумкинлигини кўрсатади. Хусусан, дав.га ўз номини берган миллат б-н ўша жойда яшайдиган бошқа миллат ва элат вакиллари ўртасидаги муносабатлар жиддий эътиборни талаб қилади. Акс ҳолда, ж-ят ҳаётидаги тинчлик ва барқарорлик издан чиқиши мумкин. Бу масала бизнинг мамлакатимиз учун ҳам жуда муҳим. Ўзбекистон ҳудудида қадимдан кўплаб миллат ва элат вакиллари баҳамжиҳат истиқомат қилиб келган. Улар ўртасида асрлар давомида миллий низолар бўлмагани халқимизнинг азалдан бағрикенглигини кўрсатади. Миллатлараро муносабатларда уйғунлик вужудга келган мамлакатларда кўп миллатлилик ж-ятнинг сиёсий-иқтисодий ривожланишига самарали таъсир этади. М. т. ғояси умумбашарий қадрият бўлиб, турли халқлар биргаликда истиқомат қиладиган минтақа ва дав.лар миллий тараққиётини белгилайди, шу жойдаги тинчлик ҳамда барқарорликнинг кафолати бўлиб хизмат қилади. Бугун Ер юзида 7 млрд.дан зиёд аҳоли мавжуд. Ўзбекистон ҳудудида эса 130 дан ортиқ

миллат ва элат вакиллари яшамоқда. Ҳар бир миллат ўз тили, дини, маслағи, қадриятлари, анъаналарига эга. Шу боис мазкур маънавий омилларнинг амал қилиши М. т.нинг муҳим шартидир. Дав.лар бу борада кўп миллатли (полиэтник) ва бир миллатли (моноэтник) таркибга эга бўлиб, ҳар бири ўзига хослиги б-н бир-биридан фарқ қилади. Ҳар бир мамлакатда турли миллат вакилларининг мавжудлиги азал-азалдан унга ўзига хос табиий ранг-баранглик бахш этиб келган. Ҳар бир миллатнинг умумий манфаатлари б-н бирга ўзига хос қадриятлари ҳам бор. Умумий қадрият ва хусусий манфаатлар бир-бирига зид келиб қолиши ёки уйғун бўлиши мумкин. Бунда муайян мамлакатдаги миллий сиёсат муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон каби кўпмиллатли мамлакатда турли миллатлар манфаатларини уйғунлаштириш, улар орасида тотувликни таъминлаш тараққиётнинг ҳал қилувчи омилларидан бири ҳисобланади.

Юртимизда 130 дан ортиқ миллий-маданий марказлар ишлаб турибди. Уларнинг турли йўналишлардаги ф-яти, биринчидан, ўз вакилларини миллий тарих, урф-одат ва анъаналардан хабардор қилишга, иккинчидан, халқнинг ўз-ўзини англашига таъсир этиб, М. т.нинг мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда.

МИЛЛАТЧИЛИК – миллий маҳдудлик ва мақтанчоқликни тарғиб ва ташвиқ қилишга асосланган, ўз миллати кучқудрати ва салоҳиятига чуқур ишонч ва ўзга миллатларга ишончсизлик руҳи б-н йўғрилган назария ва амалиёт; миллат айир-иш; ўз миллатининг ҳақ-ҳуқуқларини

Бошқа миллат ҳақ-ҳуқуқларидан юқори қўйиш, ўз эҳтиёжлари ва манфаатларини ўйлаб, бошқа миллат ёки бошқа халқлар закиллариининг эҳтиёж ва манфаатларини назар-писанд килмаслик. М. миллий бикиклик, миллатпарастликка асосланиб, миллий низо, ихтилофларга сабабчи бўлади, ж-ят ҳаётини, тинчлик ва барқарорликни издан чиқариши мумкин. М. ва тажовузкор М. тушунчаларини фарқлаш лозим. М. ўз миллати манфаатларини юқори қўйишга интилиш орқали бир миллатни улуғлаб, бу б-н миллий тотувликка хавф туғдирса, тажовузкор М. ж-ятдаги ҳамжиҳатликка очикдан-очик қарши чиқади. Тажовузкор М. шовинизм, буюк давлатчилик шовинизми, иркчилик, фашизм ғоялари б-н узвий боғлиқ. Демократик ж-ятда бундай М. кўринишларига йўл қўйилмайди. М. ижт. воқелик ва унда кечаётган жараёнлар миллат тарихий тараққиётнинг бош субъекти, миллий муносабатлар эса ижт. муносабатларнинг асосий тури деган нуқтаи назардан келиб чиқиб баҳоланадиган жойда ва вақтда шаклланади. М. тушунчасига юқоридаги каби мазмун бериш кенг тарқалган бўлса-да, унинг қамров доирасини турлича талқин қилиш ҳоллари мавжуд. Ҳоз. даврда айрим тадқиқотларда «миллатпарастлик», «миллатпарварлик» ва М. тушунчалари мазмунини фарқлаш тўғрисидаги фикрлар билдирилмоқда. Хусусан, миллатпарастлик «миллатларнинг тенглигини инкор этиш, ўз миллатини бошқа миллатлардан устун қўйиш, унга имтиёзлар яратишга интилиш, ўз миллатига сажда қилиш, унга ҳолисона баҳо беролмас-

лик, камчиликлари ва нуқсонларини сезмаслик», миллатпарварлик эса «миллатларнинг тенглигини тан олиш, барчасига баробар ҳурматда бўлиш, ўз миллатига, унинг тили, маданиятига бефарқ бўлмаслик» сифатида талқин қилинади. Бундай ёндашувда М. «капитализм даврида мустамлакалар ва метрополиялар, қолоқ ўлкалар ва илғор давлар, озод халқлар ва мустабидлик исканжасидаги халқларга бўлиниб кетиш шароитида юзага келган зиддиятларни бошқа миллатлар манфаатларидан ўз миллатининг манфаатларини юқори қўйиб ҳал этишга интилувчи сиёсий оқим» дея таърифланади. Таълим олувчиларга у ёки бу тушунчанинг моҳиятини изоҳлаб бераётганда унинг кундалик ҳаётда ва муомалада қандай маънода қўлланишига эътибор бериш ва ҳисобга олиш мақсадга мувофиқлигини уқтириш лозим. Шу нуқтаи назардан, М. тушунчаси ўзбек тилида кўпроқ салбий мазмун касб этишини, жонли тилда ва илмий муомалада ҳам «миллатпарастлик» тушунчаси деярли ишлатилмаслигини эътиборга олиш талаб этилади. Ғарб ижт. фикрида М. тушунчасига позитив мазмун бериш кенг тарқалган. Хусусан, М.ни миллий давларнинг шаклланиши, пайдо бўлиши, империяларнинг барбод бўлиши жараёнида шаклланган сиёсий принцип сифатида талқин қилиш бунга мисол бўла олади. Бугунги кунда айрим этносларнинг иқтисодий, сиёсий ва б. кўринишдаги салбий ташқи таъсирларга жавоби сифатида чиқадиган ҳаракатлари, шу жумладан, кўпгина халқларнинг чуқурлашиб бораётган интеграция ва глобаллашув

жараёнига қаршилик кўрсатиш йўлидаги уринишлари ҳам аксарият ҳолларда М. деб баҳоланади.

М. хилма-хил мазмун ва шаклда бўлиши мумкин. Хусусан, катта ёки кичик миллатлар томонидан бошқа миллатларни ассимиляция қилишга қаратилган ёки миллий маҳдудликка йўналтирилган М.ни фарқлаш лозим. Миллий келишмовчиликлар ва низо-лар келиб чиқишига сабаб бўлувчи та-жовузкор М. б-н бир каторда ундан-да хавфлироқ бўлган яширин, нозик М. ҳам мавжуд. Ориё кавмига мансуб бўлмаган халқларни жисмонан йўқ қилиш мақсадини кўзлаган нацистлар фашизмида ўзининг энг мудҳиш қиёфасини намоён этган ҳолда М. ирқчилик б-н қўшилиб кетган. Ташқи жиҳатдан ил-мийлик ниқобига ўралган, ўз миллатини бошқалардан фарқ қиладиган ўзига хос хусусиятлар, бой маданият ва маънави-ятга эгаллиги, ўзга миллатлар характери, маданиятининг ибтидоийлиги ҳақидаги қарашларда эса нозик М. намоён бўлади. Бундай кўринишда у миллий манфаатлар-нинг ифодачиси, миллий ўз-ўзини ан-г-лашнинг намоён бўлиш шакли сифа-тида тақдим этилади. Унинг турли ижт. қатламларга тортилиши мумкин бўлган энг содда кўриниши маиший М.дир. Ўзига хос этно-ижт. бирлик бўлган мил-лат ва улар ўртасидаги муносабатлар мавжуд экан, маиший М. у ёки бу да-ражада сақланиб қолаверади. Қандай шаклда чиқмасин, М. ортида моҳият эътибори б-н ўзга халқлар ва маданият-ларни камситиш, уларга менсимаслик б-н муносабатда бўлиш ётади. Бундай

қарашлар аксарият ҳолларда миллатнинг тарихий ривожланиши давомида рўй берган (баъзан рўй бермаган) адолатсиз-ликларда ҳам муайян халқларни айбдор қилишга уринишлар б-н омухта ҳолда чиқади. Умуман олганда, М. миллатни бошқа миллатлар б-н турли соҳалардаги муносабатлардан маҳрум қилиб, уларни маънавий қашшоқлашувига олиб келади ҳамда ўзаро душманлик, келишмовчи-ликлар учун замин яратади. М. туйғулари бутун миллатни қамраб олган ва дав-тузилмалари томонидан бундай кай-фиятлар қўллаб-қувватланган пайтда эса у миллатлараро муносабатларнинг жиддийлашуви, ўзаро ишончсизлик туйғуларининг илдиз отиши, мавжуд муаммоларни ҳал этишнинг чўзилиб ке-тиши ва доимий беқарорлик ҳолатининг сақланиб қолишига сабаб бўлади. Шу боис ёшларнинг миллатчилик кайфи-ятларига берилишдан асраб-авайлаш уларга мазкур ҳодисанинг зарарли оқибатлари ҳақида ўз вақтида тасаввур ҳосил қилиш пед. жараённинг муҳим ва-зифасидир.

МИЛЛИЙ АНЪАНАЛАР – миллат ҳаётининг турли соҳаларида намоён бўладиган тушунчалар, белгилар, хусу-сиятлар, қадриятлар, ф-ят турлари, одат-лар ва хислатларнинг авлоддан-авлодга ўтиши ҳамда мерос бўлиб қолишини ифодаловчи тушунча. М. а. умуминсоний аънаналарнинг бир миллат даражасида намоён бўлишидир. Улар орқали ҳар бир миллатнинг муайян даврдаги ўзига хос хусусияти, ҳаёт тарзи, маданияти, фани, ад.и, санъати ва б. соҳаларда эришган натижалари ва ютуқлари бошқа даврда

яшайтган авлодларга етказилади. М. а. ранг-барангдир. Уларда ҳар бир миллатга хос хусусиятлар намоён бўлади. М. а. миллатни бирлаштириш, авлодлараро ворисликни таъминлаш воситасидир. Муайян М. а.ни бажаришда кишилар ижт. келиб чиқишидан қатъи назар, бир хилда ҳаракат қилади. М. а.да миллатнинг бетакрорлиги, миллат ҳаётининг ўзига хослиги, ворисликнинг муҳим миллий жиҳатлари намоён бўлади. Ҳар бир халқ ўз М. а.ининг соҳиби, уларнинг сақловчисидир. Миллатнинг ҳар бир авлоди М. а.ни ўтмишдан келажакка етказиб берувчи инсонлар руҳида т-яланиши керак. Миллатнинг таназзули М. а.нинг ҳам таназзулидир.

М. а. барча миллатларда мавжуд, аммо улар ҳар бир миллатда ўзига хос ва бетакрордир. Ишлаб чиқариш жараёнини ташкил қилишда М. а.ни инobatга олиш бу соҳадаги муваффақият гаровидир. Асрлар мобайнида шаклланган, авлоддан-авлодга ўтиб келаятган М. а.имиз мамлакатимизда амалга оширилаятган ислохотларнинг муҳим омилига айланди ва миллий ғоя б-н уйғунлашиб, бунёдкорлик ва яратувчанлик ишларига хизмат қилмоқда.

МИЛЛИЙ БИҚИҚЛИК, миллий маҳдудлик – ўз миллатини ўзга миллатлардан узоқлаштириш, унинг ўзига хослигини ҳимоя этишни тор тушуниб, миллий худбинликни жорий қилиш, ўз миллатининг ўзга миллатлар б-н эркин алоқада бўлишига путур етказиш. М. б. ҳоз. замондаги иктисодий, сиёсий ва маданий-маънавий алоқаларнинг моҳиятини тушунмаслик ва уни юза-

ки талкин этиш маҳсулидир. Ҳоз. замон тараққиёти шундайки, миллатлар, минтақалар, қитъалар, мамлакатлар ва халқлар ўзаро муносабатларга киришиб, ҳар томонлама яқинлашмасдан ривожлана олмайди. Ана шундай яқинлашиш ва б. мамлакатлар ҳамда халқларнинг энг яхши ютуқларини ўзлаштириш ҳар бир миллат гуллаб-яшнашининг зарурий шартидир. Барча ривожланган давлар ва миллатлар шу йўлдан бормоқда. Аммо бундай ўзлаштириб олиш ижодий равишда амалга оширилмоғи ва ўзлаштираятган миллатнинг ўзига хослиги, унинг тили, маданияти ва анъаналарига путур етказмаслиги керак. Шунингдек, М. б. миллатларнинг ўзаро тенглиги, миллий маданиятларнинг бир-бирини тўлдириб келишини инкор этиб, ўз миллатини бошқа миллатлардан устун кўриб, бошқа миллатларнинг ҳақхуқуқлари, маданияти ва маънавиятини ўзлаштириш ҳисобига ўзининг миллатига улкан имтиёзлар яратишга интилиш, унинг манфаатларини бошқа миллатлар манфаатларидан афзал кўриш, ўз миллатига сажда қилиб, унга ҳамду санолар ўқиш, кўқларга кўтариб, унга холисона баҳо беролмаслик, мавжуд камчиликлар ва нуқсонларини сезмаслик ва кўрмасликдир. М. б. ҳам миллатпарастлик сингари миллатнинг ўсиши, гуллаб-яшнаши учун энг кўп қийинчиликлар туғдирувчи, унинг ривожига тўсиқ бўлувчи омиллардан биридир. М. б. руҳи б-н суғорилган киши гўёки ўзича ўз миллатига жон-жаҳди б-н хизмат қилаётгандек кўринади, лекин у миллат таназзули учун хизмат қилаётганлигини

Ўзи ҳам гоҳида сезмайди. Чунки у ўзининг карама-қарши фикрлари ҳамда ножоиз хатти-ҳаракатлари б-н ўз миллатини бошқа миллатлардан, жаҳон ҳамжамиятидан узоқлаштиради, миллатнинг ривожини сустлаштиради. Ҳоз. замон фани, техника ва техн.си шундай суръатлар б-н ривожланмоқдаки, бундай шароитда ўз миллати учун самарали хизмат қилмоқ учун М. б. қобиғидан чиқиб, барча миллатлар б-н яқиндан муносабатда бўлиш, улардаги фан-техника, ижт. ҳаётни ташкил қилишнинг самарали янгилекларини қабул қилиб олиш зарур. Ўз миллати учун жон куйдирувчи киши миллатининг ютуқ ва тарихий хизматларидан фахрланади, аммо ҳар қадамда унга танқидий кўз б-н боқиб, доғларни тозалашга, нуқсонларни бар-тараф қилишга интилади, бу жараёнда фаол катнашиб, шу орқали ўз миллатининг ривожлантиришини тезлаштиради. М. б. иллатига дучор бўлганлар, демократик, маърифатпарвар ҳамда инсонпарвар кучлардан фарқли ўлароқ, ўз миллатининг манфаатларини бошқа миллатлар ҳақ-ҳуқуқларидан юкори кўйиб ҳал этишга интилувчилардир.

Ўзбекистоннинг янада равнак топишини истайдиган ҳар бир фуқаро юртимизда миллатлараро ҳамжихатликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоғи лозим.

МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ МАФКУРАСИ – миллат ва дав.нинг мустақил ривожланишини таъминлашга қаратилган ғоявий-назарий карашлар тизими. Миллий ғоя Ўзбекистонда яшовчи барча миллат ва элат вакилларининг туб манфаат-

лари, халқимизнинг асрлар мобайнида интилиб келган орзу-истаклари, олийжаноб мақсад-муддаоларини ўзида мужассам этади. Халқимиз асрлар мобайнида эзгу ният қилиб келган мустақилликни сақлаш ва мустаҳкамлаш ҳар бир Ўзбекистон фуқаросининг муқаддас бурчидир. Бунинг учун барча бир ёқадан бош чиқариб, муқаддас она-Ватаннинг ҳаётий манфаатларини юракдан ҳис этган ҳолда уларни рўёбга чиқариш учун фаол ҳаракат қилиши, курашиши зарур. Бу жараён халқимизнинг манфаатлари, уларни ўзида мужассам этадиган миллий ғояни англаш б-н боғлиқ ҳолда кечати. Ватан манфаати ҳар бир фуқаро манфаатлари б-н узвий боғланган. Чунки Ватаннинг ободлиги халқнинг фаровонлигига боғлиқ. Фуқароси бадавлат мамлакатгина моддий ва маънавий жиҳатдан тўқиб бўлади. Шундай экан, миллий ғоянинг муҳим тамойилларидан бири инсон кадр-қимматини ҳар томонлама юксалтириш, халқ фаровонлигини оширишда иборат. Бунга эришиш учун халқимиз юртимиз фуқароларининг ҳамжихатлиги ва бирдамлигини мустаҳкамлаш талаб этилади. Бу вазифа эса М. и. м.нинг моҳиятини ташкил этади. М. и. м. ҳар бир кишининг ж-ят ҳаётидаги ф-ят, юрти, миллати, ўзи ва оиласи олдидаги бурчи ва масъулиятини қай даражада ҳис этаётгани ва бажараётганини белгилайдиган маънавий мезондир. М. и. м. куйидаги умумбашарий кадриятларни эътироф этади ва улардан озиқланиш қонун устуворлиги, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва ҳурфикрлик; турли миллат вакилларини ҳурмат қилиб, улар б-н баҳамжихат

яшаш; диний бағрикенглик; дунёвий билимларга интилиш, маърифатпарварлик; ўзга халқларнинг илғор тажрибаси ва маданиятини ўрганиш. Мустақилликнинг илк йиллариданоқ Ўзбекистон ҳукумати томонидан М. и. м.нинг назарий жиҳатдан ишлаб чиқилиши, уни халқ орасида кенг тарғибу ташвиқ қилиш, ҳар бир фуқаро онгига мустақиллик мафқурасининг мазмун-моҳиятини сингдириш, истиқлол йўлига мос ва хос ўзбек миллий мафқурасини илмий асосда яратиш каби вазифалар амалга оширилди. М. и. м. юртимизда яшовчи ҳар бир фуқаро халқимизнинг юксак маъавияти, анъана ва удумлари, бобокалонларимизнинг ўлмас меросидан озикланади, адолат ва ҳақиқат, эркинлик ва мустақиллик ғоялари ҳамда халқимизнинг ишонч-эътиқодини акс эттиради. Юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади. Ж-ят аъзоларини, аҳолининг барча қатламларини Ўзбекистоннинг буюк келажagini яратишга сафарбар этади. Миллати ва динидан қатъи назар, фуқароларимизнинг қалбида она-Ватанга муҳаббат, мустақиллик ғояларига садоқат ва ўзаро ҳурмат туйғусини қарор топтиради. Жамоатчилик қалби ва онгига фикрлар хилма-хиллиги, виждон эркинлиги тамойилларига риоя қилган ҳолда маърифий йўл б-н сингдирилади. М. и. м.нинг асосий тамойиллари қуйидагиларда намоён бўлади: мамлакатнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг ҳудудий яхлитлиги ва сарҳадлар дахлсизлигини таъминлашга ёрдам бериш; қонун устуворлиги, демократия ва ўз-ўзини бошқаришнинг ҳаётда мустаҳкам ўрин

эгаллаётганига асосланганлик; миллий ва умуминсоний қадриятларнинг уйғунлигига таяниш; халқаро ҳуқуқ қоидаларига мос келиш. М. и. м.нинг асосий сифатлари – унинг мазмун-моҳияти, мақсад ва вазифалари ҳамда намоён бўлиш хусусиятларида ўз аксини топади. Ўзаро узвий алоқадорликда намоён бўладиган бу талаблар қуйидагилардан иборат: тарихий хотирани уйғотиш, ўтмишдан сабоқ чиқариш ва ўзликни англаш мезони бўлиш; халқимизни туб мақсадлари ифодаси ва ж-ят аъзоларини бирлаштирувчи ғоя вазифасини ўташ; инсон қалби ва онгига ижобий таъсир этадиган тушунча ва туйғулар, гўзал ва ҳаётий ғоялар тизимини ўзида мужассам этиш; ҳар бир фуқаронинг эзгу ниятларини рўёбга чиқаришига имкон берадиган энг мақбул йўлни кўрсата олиш; миллат, халқ ва жамияни бирлаштирувчи куч, юксак ишонч-эътиқоднинг манбаи бўлиш; Ўзбекистонда яшовчи барча халқ, миллат, элат, ижт. қатлам ва дин вакилларига бирдай тааллуқли бўлиш; мамлакатимиз аҳолиси онги ва қалбида «Ўзбекистон – ягона Ватан» деган туйғуни юксак даражада шакллантиришга хизмат қилиш; турли миллат, қатлам, дин вакиллари, сиёсий партия ва ижт. гуруҳлар мафқурасидан устун турадиган социал феномен – ижт. ҳодиса мазмунига эга бўлиш; бирон-бир дунёқарашни мутлақлаштирмаслик ёки бирон-бир куч, партия ёки гуруҳ қўлида сиёсий қуролга айланмаслик; ҳар қандай илғор ғояни ўзига сингдириш ва ҳар қандай ёвуз ғояга қарши жавоб бера олиш; субъективизм, волонтаризм каби иллатлардан холи ва жамоатчиликнинг

холис фикрига таянувчи объектив мафкура бўлиш; сўз б-н ишни, назария б-н ҳаётни бирлаштира олиш; давр ўзгаришларига қараб, ўзи ифодалайдиган ғоя, манфаат, мақсад-муддаоларни амалга оширишнинг янги-янги воситаларини тавсия эта олиш, яъни янгича вазиятга тез мослашадиган ҳозиржавоб ва ижодий бўлиш. М. и. м. ана шу қайд этилган сифатларга эга бўлган тақдирдагина ж-ят ҳаётида етакчи маънавий-маърифий омилга айланиши ва кутилаётган муҳим вазифаларни бажара олиши мумкин. М. и. м.нинг асосий тамойиллари унинг амал қилиши жараёнида ўзига хос тарзда намоён бўлади. Бунда унинг мафкура сифатидаги умумий ва хусусий тамойилларини кўрсатиш мумкин. М. и. м.нинг, умуман, мафкура тушунчасига хос хусусиятлари, мақсад ва вазифалари, амал қилиш тамойиллари мавжуд. Бу борада унга ижт. воқеликнинг инъикоси экани, ж-ят тараққиётининг муайян босқичига мос келиш, ҳаёт ҳодисаларини акс эттириш, амалга ошириладиган тарғибот ва ташвиқот тизими сифатида намоён бўлиш каби умумий тамойиллар хосдир. Шу б-н бирга, М. и. м. Ўзбекистонда озод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт яратишга қаратилган умуммиллий ҳодиса сифатида бир қатор тамойилларга ҳам эга: мамлакатнинг мустақиллигини мустаҳкамлашга хизмат қилиш; дав.имизнинг худудий яхлитлиги ва сарҳадлари дахлсизлигини таъминлашда ёрдам бериш; қонун устуворлигини таъминлаш; демократия ва ўзини ўзи бошқаришнинг ҳаётда мустаҳкам ўрин эгаллашига асосланиш; миллий ва умуминсоний

қадриятларнинг уйғунлигига таяниш; халқаро ҳуқуқ қоидаларига мос келиш; иқтисодий плюрализм ва хилма-хил мулкчиликнинг эркин шаклланишини таъминлаш; дав.нинг бош ислоҳотчи экани ва мамлакатда ижт. барқарорликнинг таъминланганига таяниш; виждон эркинлиги ва фикрлар ранг-баранглиги муҳитини шакллантириш; ўтиш даврида аҳолининг ижт. ҳимояланганлиги, ж-ят ҳаёти барча соҳаларининг эркинлашуви, ислоҳотларнинг тадрижийлиги жараёнларига хизмат қилиши. Мазкур тамойилларнинг барчаси бир-бири б-н чамбарчас алоқада ва боғлиқликда намоён бўлади. Бу, ўз навбатида, уларнинг республикамизда яшовчи барча миллат ва элат вакилларининг умумий манфаатлари, халқимизнинг асрлар мобайнида интилиб келган орзу-идеаллари, олийжаноб мақсад-муддаоларини ўзида мужассам этиши б-н белгиланади. Шу боис узлуксиз таълим тизимида таълим олувчи ёшларга миллий истиқлол мафкураси, унинг ўзига хос жиҳатлари, тамойилларини сингдириш алоҳида пед. аҳамиятга эга.

МИЛЛИЙ ИФТИХОР ТУЙҒУСИ – миллатга хос моддий ёки маънавий ютук, муваффақият б-н фахрланиш туйғуси. У инсон маънавий камолотининг қирраларидан бирини намоён этади. Миллий ифтихор ўз халқининг асрлар давомида яратиб келган барча моддий ва маънавий бойликлари, тарихий мероси, урф-одатлари, анъаналари, одоб-ахлоқи, турмуш тарзи, юксак маънавияти, барча тарихий ютуқлари ва сабоқларига чексиз ҳурмат ва эъзоз б-н муносабатда бўлиш, авайлаб-асрашни ифодаловчи тушун-

чадир. Миллатининг истиқболи учун кайғурмайдиган, ўз халкининг тарихи, миллий кадриятлари, тили, манфаатларини билмаган, кадрламаган, миллий мансублигини унутган кишиларда миллий ғурур ҳам, миллат б-н фахрланиш ҳам, миллатпарварлик ҳам бўлмайди. Бундай инсонларни маънавий жиҳатдан баркамол инсонлар дея олмаймиз. Миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш маънавий ҳаётимиздаги устувор вазифалардан биридир. Инсон табиатига ўзини муайян ижт. гуруҳ, катлам, тоифа, миллат, дав., минтақа, давр ёки сулола б-н боғлаш хосдир. Шу боис шахс ўз қавми, миллати ва давлининг эришган ютуқларидан қувониш, уни янада бойитиш ва келажак авлодларга қолдиришга интилиши табиий маънавий ҳодисадир. Халқлар, миллатлар тарихий тараққиётининг туб бурилиш давларида ж-ятнинг янгилалиши туфайли миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш миллий давлатчилик қурилиши б-н бевосита боғлиқ бўлиб қолади. Миллий маънавий-маданий кадриятларни атрофлича ва батафсил ёшлар онги, қалбига етказиш, уларни аждодлар яратган маънавий бойликлар б-н озиклантириш миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш омилдир.

МИЛЛИЙЛИК – муайян халқ, миллатга хос бўлган, унинг бошқалардан фарқини кўрсатувчи хусусиятлар мажмуи. М. миллатнинг тарихи, кадриятлари, анъаналари, маданияти, яшаш тарзида яққол намоён бўлади. М.ни билиш ва англаш учун миллатлар ўртасидаги фарқ ва тафовутларни ўрганиш б-н бирга, уларни

яқинлаштирувчи жиҳатларга жиддий эътибор бериш зарур. Чунки бошқа миллатларнинг ютуқ ва ижобий тажрибасини ўрганиш, уларни ўзлаштириш М.ни бойитади ва ривожлантиради. Инсоният тарихида 20-аср М.нинг ўсиши, миллий давлатчилик тамойили устуворлик касб этгани б-н характерланади. Бу асрда мустамлакачилик тизими барбод бўлди, ўнлаб янги мустақил дав.лар шаклланди. Ўзбекистон ҳам мустақилликни қўлга киритиб, ўз миллий давлатчилик анъаналари, урф-одатларини тиклади. Мамлакатимизда маънавий тараққиёт умуминсонийликнинг устуворлиги ва миллий кадриятларга садоқат тамойилларининг устунлигига асосланади. Халқнинг маънавий-руҳий тикланиши иқтисодий ислохотларнинг ижт. негизидир. Келажак авлоднинг баркамол руҳий дунёси, уларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, жисмонан соғлом бўлиши учун зарур пед. чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳам амалиётга татбиқ этиш талаб этилади.

МИЛЛИЙ МАФКУРА – ижт. мафкура шаклларида бири, муайян миллатнинг этнососиал бирлик сифатида мавжудлиги ва ривожланиши, эркин ва озод тараққиётини асослаш, таъминлашга қаратилган ғоявий-назарий қарашлар тизими. М. м.нинг ўзагини Ўзбекистондаги турли миллат ва элат, дин ва эътикод вакиллари мамлакатимизда озод ва обод ватан барпо этиш учун бирлаштириш, халқларни ўзаро ҳурмат ва ҳамкорликка чорлаш, олийжаноб мақсадларни қўзлаш каби умуминсоний тамойилларга айланган ғоялар ташкил этади. М. м. ўзлигимиз,

мукаддас анъаналаримизни англаш туйғулари, халқимизнинг кўп асрлар давомида шаклланган эзгу орзулари, ж-ятимиз олдига қўйилган олий мақсад ва вазифаларни ифода этади. М. м. ҳар қандай миллатчиликдан, бошқа элат ва халқларни менсимаслик, уларни камситиш кайфияти ва қарашлардан холидир. У ж-ятимиздаги инсонларнинг эътиқоди ва дунёқарашидан қатъи назар, уларнинг барчасини ягона мақсад атрофида бирлаштирадиган, халқимиз ва дав.имиз дахлсизлигини асрайдиган, эл-юртимизни буюк истиқбол сари чорлайдиган маънавий омилдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси плюрализм, фикр ва қарашлар эркинлиги тамойилларини тўлиқ таъминлайди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12-моддасида «Ҳеч қайси мафкура дав. мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас», дейилган. Мафкурада бўшлиққа йўл қўймай, М. м.ни халқимиз онгига сингдириш замон талабидир.

МИЛЛИЙ МАЪНАВИЙ ТИКЛАНИШ – у ёки бу миллат ҳаётида тарихий тараққиётнинг маълум босқичига келиб мустақилликни қўлга киритиши натижасида миллий ривожланиш борасида бой берилган имкониятлардан фойдаланиш, ўтмишда яратилган барча моддий ва маънавий бойликларни миллий ривожланишга йўналтирилган умуммиллий ф-ят. М. м. т. деганда қарамлик ҳолатига тушиб қолган миллатнинг бой маънавий бойликларидан ўз тараққиётида фойдаланишдан маҳрум этилган ва мустақиллигини қўлга киритиш шарофати б-н улардан фойдаланган ҳолда

ривожланишда фаоллик кўрсатишдаги умуммиллий ҳаракат тушунилади. Агар миллат қарамлик ҳолатига тушмаган бўлса, М. м. т. вазифасини эмас, балки миллий маънавий ривожланиш вазифасини изчиллик б-н амалга оширади. М. м. т. миллатнинг қарамлик ҳолатига тушиб қолиши оқибатида ўзининг мавжуд миллий маънавий салоҳиятидан фойдалана олмаслиги ва ўз мустақиллигини қўлга киритиши натижасида улардан фойдаланишга қаратилган ф-ятнинг эҳтиёжи сифатида юзага келадиган жараён ҳисобланади. Худди ана шу жараён ўзбек миллати ҳаётида содир бўлди. Ўзгаларга қарамлик йилларида топталиб келинган миллий урф-одат, анъана, қадриятларимиз мустақиллик туфайли қайта тикланди ва улар бугунги кун миллий маънавий ривожланишимизга асос бўлмоқда.

МИЛЛИЙ-МАЪНАВИЙ ҚИЁФА – ж-ятдаги турли этнос, халқ, миллатга хос умумий миллий хусусиятлар (негизлар) асосида тарихан шаклланган, уларнинг турмуш тарзи, тили, урф-одат ва анъаналари, қадриятларига хос ва мос бўлган умумий миллий-маънавий хусусиятлар, фазилатлар мажмуаси. М.-м. қ. ҳар бир ж-ятга хос бўлган муҳим тарихий, фал., ижт.-сиёсий хусусият саналади. М.-м. қ. тарихан таркиб топган миллий анъана, урф-одат, расм-русум, таомилларни ўзида мужассам этади. М.-м. қ. айнан бир халққа тегишлилиги боис унинг турмуш тарзи, тарихи, фал.си, ижт. ҳаётини ифодалаш б-н бирга ж-ятнинг ўзига хос интеллектуал салоҳиятини белгилайди. Ўзининг М.-м. қ.сини йўқотмаган, асл ҳолича

саклаган халқ ўзлигини, ўз миллийлигини кадрлаган ҳисобланади. М.-м. к. халқларни бир-биридан ажратиб турувчи ўзига хос муҳим хусусиятдир. Дунёда қанча халқ бўлса, уларнинг ҳар бири ўзига хос, бетакрор М.-м. қ.га эга. Ўзбек халқининг М.-м. қ.си бағрикенглик, меҳмондўстлик, болажонлик, кечиримлилик, содалик, меҳнаткашлик, андишалилик, қаноатлилик, одоблилик, ориятлилик, некбинлик, эътиқодлилик сингари фазилатларда мужассамлашган. Мазкур фазилатлар авлоддан-авлодга мерос сифатида ўтиб, халқимиз М.-м. қ.сининг мазмун-моҳиятини ифодалайди. Шу нуқтаи назардан таълим муассасаларида ёшларда миллий қиёфани шакллантириш соҳасида тизимли иш олиб бориш мақсади устивор бўлиши керак.

МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТ – муайян миллатнинг табиий, тарихий ва ижт. ривожланиш жараёнида яратган моддий ва маънавий бойликлари, у яшаётган ҳудуд, маданий мерос, миллий маданият, тил, миллий онг, миллат тарихи, ўтмиши, турмуши ва яшаш тарзи, ҳаётининг тартиб-қоидалари ҳамда бу б-н боғлиқ миллий хусусиятлар мажмуи. М. м. умуминсоний кадриятлар тизимида миллатга хос энг умумий жиҳатларни акс эттиради. М. м. тизимининг қуйидаги таркибий қисмларини ажратиб кўрсатиш мумкин: 1) миллатнинг генофонди, табиий бетакрорлиги, ўзига хослиги, тарихий ўзгарувчанлиги ва ижт. ранг-баранглиги; 2) миллат тарихи, ўтмиши, келажоги ва маънавий мероси; 3) миллий ҳудуд, ж-ят ва ундаги жараёнлар, моддий ва мада-

ний яшаш шароитлари, иқтисодий асос ва ижт. устқурма б-н боғлиқ жиҳатлар; 4) урф-одат, анъана, маросимлар, турмуш тарзи ва б.даги миллийлик, улар б-н боғлиқ ўзига хос хусусиятлар; 5) миллий тил, миллий маданият ва маънавият, миллий онг ва миллий рух, миллий туйғулар ва ғоялар. Бу кадриятлар муайян миллат кишилари учун умумий бўлиб ҳисобланади. Шу боис ёш авлод қалби ва онгига мазкур кадриятларни сингдириш лозим. Бунда ўқув-т-я жараёни имкониятларидан самарали фойдаланиш керак.

МИЛЛИЙ МЕНТАЛИТЕТ (лот. mens – ақл, тафаккур, фикрлаш тарзи) – миллий онг ва ф-ят характерини ифодаловчи тушунча. М. м. миллатнинг анъаналари, маданияти, ижт. тузилмаси ва турмуш тарзи асосида шаклланади ва, ўз навбатида, миллий анъаналар, маданият ҳамда турмуш тарзига акс таъсир кўрсатади. М. м.ни ташкил этувчи компонентлар онгсиз равишда шаклланади ҳамда ажодлардан авлодларга ўтиб боради. Унинг икки томони мавжуд: М. м.нинг консерватив томони ажодлардан авлодларга ўзгаришсиз ўтиб боради ва миллий анъаналарнинг мустақамлигини таъминлайди; М. м.нинг ўзгарувчан томони эса миллий тараққиётнинг асосини ташкил этади. М. м. ижт. ин-тлар ва ижт.-иқтисодий муҳитга қараганда нисбатан секинроқ ўзгаради. Шу боис айрим ҳолларда ижт.-сиёсий янгиланиш жараёнига тўсиқ сифатида намоён бўлиши ҳам мумкин. М. м.нинг ўзгартирилиши миллат ривожи учун замин яратади, бу борадаги янгилликларни миллий онг ва тафаккурга киритади.

МИЛЛИЙ МЕРОС – тарихий тараққиётнинг ўтмишга айланган босқичида муайян миллатнинг аجدодлари ақлзаковати, қобилияти ва меҳнати б-н яратилган барча моддий ва маънавий бойликлар мажмуи. Ҳар бир миллатнинг М. м.и ўша миллат томонидан яратилган моддий, маънавий ва б. барча турдаги меросни камраб олади. Уларнинг айримлари умумжаҳон характерига эга бўлса, баъзилари шу миллат эътиборидаги мерос саналади. М. м. миллатнинг тафаккури, даҳоси, дунёқараши, яратувчанлик салоҳиятининг маҳсулидир.

МИЛЛИЙ ОНГ – ҳар бир миллат ёки элатнинг узоқ тарихий тараққиёти, турмуш тарзи, маънавий-диний эътиқоди, маданий ривожига жараёнида шаклланган дунёқараши, тафаккури, эътиқод ва ишонч туйғуларини ифодаловчи тушунча. М. о. муайян миллатга мансуб шахснинг ижт. ишлаб чиқариш ф-яти, бошқа миллатлар б-н мулоқоти жараёнида пайдо бўлади. У тил б-н узвий боғлиқ. Тилда ифода этилган буюм, ҳодиса ва рақамлар М. о.да ўз ифодасини топади ва субъектив образлар тарикасида билимга айланади. Шу боис миллат шаклланиш жараёнининг дастлабки босқичлариданок аجدодлар яратган мерос, ғоя ва тушунчаларни тил орқали ўзлаштириб, онгига сингдириб боради. М. о. алоҳида миллий муҳитда содир бўлади. Унинг шаклланишига тўпланган билимлар, сиёсий ва ҳуқуқий ғоялар, санъат ва маданият ютуқлари, ахлоқ, дин ва ижт. руҳият, умуман, ж-ят онги таъсир кўрсатади. М. о. тарихий тажрибани, аждодлар қолдирган билимлар ва тафаккур,

мантиқ усулларини ўзига сингдириб олгач, воқеликни ўзлаштиради, вазифаларни ўртага қўяди, келажак лойиҳаларини тузади, миллатнинг бутун амалий ф-ятини белгилайди. М. о. ижт. пед. ф-ят жараёнида шакллантирилади, М. о. ҳам, ўз навбатида, унга бевосита таъсир ўтказади, уни белгилайди ва тартибга солади. Миллат, ўз орзу-мақсадларини рўёбга чиқариш жараёнида табиатни, ж-ятни ва ўзини ўзгартиради. Собик тузум даврида М. о. ғайримиллий сиёсат туфайли чекланган эди. Миллатларнинг онгини, руҳини мустақкамлаш ва раванқ топтириш ғоясини ишлаб чиққан шахслар миллатчи сифатида кораланган. Мустақиллик даврида М. о. аждодларимиз қолдирган маънавий-маданий меросга ва кадриятларимизга таяниб, миллий ғурур ва ифтихорни барчанинг қалбига сингдириш омилига айланди. М. о. миллий маънавиятнинг таркибий қисми сифатида муайян ахлоқий, ҳуқуқий, илмий, мафкуравий кадриятларга асосланган эътиқоддир. М. о. мазмун-моҳияти миллатнинг ўз-ўзини англаш даражаси б-н белгиланади. Бошқа миллатларнинг тарихи, маданияти, миллий хусусиятлари ва манфаатларига ҳолисона баҳо бера олиши учун миллат, авваламбор, ўз-ўзини англамоғи, тарихи, келажаги, манфаатларини чуқур тушуниб етмоғи лозим. Чунки ўзлигини англаган, М. о.и камол топаётган миллатгина бошқа миллат манфаатларига тўғри муносабатда бўлиб, уларга ҳолисона баҳо бера олади. М. о. миллий бирлик ва бирдамлик туйғуси шаклланишининг асосидир. М. о.нинг бу хусу-

сияти мустакиллик шароитида ёшларни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Миллий бирлик, бирдамлик М. о.нинг белгиси сифатида миллатпарварликни англатади. М. о.нинг ана шу хусусияти туфайли инсонда масъулият туйғуси шаклланади. У ўзининг маълум миллат вакили эканини ҳис этган ҳолда унинг манфаатларини онгли равишда ҳимоя қилади ва шу йўлда фидойилик кўрсатади. Миллатпарварлик ва масъулият туйғуси кучли бўлган инсон миллатнинг равнаки ва истиқболи йўлидаги эзгу мақсадларига эришади. Ана шундай хусусиятларга эга инсонларга эҳтиёж кучайган ҳоз. даврда М. о. аҳоли, айниқса, ёшларда миллатпарварлик ва масъулият туйғусини янада камол топтиришга имкон берадиган асосий омиллардан бирига айланмоқда.

МИЛЛИЙ РАҚС ВА ХОРЕОГРАФИЯ ОЛИЙ МАКТАБИ – хореография, рақс санъати соҳасида юқори малакали мутахассислар тайёрлайдиган таълим муассасаси. Тошкент Хореография билим юрти 1947 й. 14 сент.даги 1480-сонли Қарорга асосан Тошкент ш.да ташкил этилган. Ушбу билим юртида хореография санъатининг мумтоз ва миллий рақс турлари бўйича мутахассислар тайёрланган. Билим юртида Уста Олим Комилов ва Тамарахоним етакчилигида ўзбек хореография санъатининг ривожига жуда катта ҳисса қўшган санъаткорлар таълим олганлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 й. 8 янв.даги ПФ-1695-сонли «Ўзбекистонда миллий рақс ва хореография санъатини ривожлантириш

тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1997 й. 21 фев.даги 101-сонли Қарорига биноан А. Қодирий номидаги Тошкент маданият ин-тининг хореография бўлими ва Ўзбек хореография билим юртлири негизида Тошкент миллий рақс ва хореография олий мактаби ташкил этилиб, хореография соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлай бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ўрта махсус касб-ҳунар таълим тузилмаси ва уни ташкил этиш тизимини КТМД талабларига мувофиқ равишда такомиллаштириш, мутахассислар тайёрлаш сифатини оширилиши ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2001 й. 12 июндаги 253-сонли ва 2003 й. 29 окт.даги 473-сонли қарорлари ҳамда ўрта-махсус касб-ҳунар таълими марказининг 2004 й. 27 янв.даги 16-сонли буйруғининг бажарилишини таъминлаш мақсадида хореография билим юрти хореография коллежига ўзгартирилди.

Бугунги кунда Олий мактабда 1 ф-т, 3 каф. ф-ят кўрсатмоқда. 2 та таълим йўналиши бўйича бакалаврлар ва 2 та мутахассислик бўйича магистрлар тайёрланмоқда.

Олий мактабни тамомлаб кетган мутахассисларнинг кўпчилиги мамлакатимиз маданий масканлари ва ижодий-бадий жамоаларда ф-ят кўрсатмоқдалар.

МИЛЛИЙ РАССОМЛИК ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ – Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 й. 23 янв.даги «Ўзбекистон Бадиий академиясини ташкил этиш ҳақида»ги Фар-

мони, Вазирлар Маҳкамасининг 1997 й. 11 мартдаги 131-сонли Қарорига асосан Маннон Уйғур номидаги Тошкент санъат ин-тининг (ҳоз. Ўзбекистон санъат ва маданият ин-ти) рассомлик ф-ти негизда Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн ин-ти ташкил топди.

Ин-тда юқори орган ҳисобланган Илмий Кенгаш доимий ф-ят кўрсатади ҳамда ўқув жараёни, таълим-т-я масалаларини янада такомиллаштириш, каф. ва ф-тларнинг илмий, ижодий ф-яти, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар б-н ишлаш жараёнини мувофиқлаштиради. Илмий Кенгаш таркиби ректор ва проректорлар, проф.лар, Ўзбекистон Бадиий академияси академиклари, Ўзбекистон халқ рассомлари, ф-т деканлари ва каф. мудирларидан иборат.

Ин-т қисқа вақт ичида ўз йўналиши ва анъаналарига эга бўлди. Дастлаб, рангтасвир, амалий санъат, графика йўналишлари бўйича ихтисос кадрлар тайёрланган бўлса, кейинчалик, санъатшунослик, 1997 й.дан дизайн, 2001 й.дан менежмент, касбий таълим йўналишлари бўйича бакалаврият босқичида мутахассис кадрлар тайёрланди. 1999 й.дан магистратура босқичида таълим бериш йўлга қўйилиб, 2002 й.дан олий малакали илмий, илмий-педагог кадрлар тайёрлаш мақсадида аспирантура, 2010 й.дан тадқиқотчи-изланувчилар ин-ти, 2013 й.дан к. и. х.-изланувчилар ин-ти ташкил этилди.

Бугунги кунда соҳалари бўйича тайёрланаётган графика, рангтасвир,

ҳайкалтарош, кулол, таъмирлаш бўйича мутахассислар, дизайнерлар, санъатшунослар, музейшунослар, арт-менежер ва касбий педагоглар мамлакатимиздаги турли жабҳаларда ф-ят кўрсатмоқда.

Ин-тда 4 ф-т (тасвирий санъат, амалий санъат, санъатшунослик, дизайн), 17 каф. (дастгоҳли рангтасвир, маҳобатли рангтасвир, театр беаги рангтасвири, дастгоҳ ва китоб графикаси, бадиий кулолчилик, меъморий ёдгорликлар беагини таъмирлаш, ҳайкалтарош, реклама ва амалий графика, чизматасвир, тасвирий санъат тарихи ва назарияси, музейшунослик, менежмент ва информатика, либос дизайни, интерьерни лойиҳалаш, пед. ва касбий таълим. ижт. фанлар, тиллар ва ад.) ҳамда малака ошириш ва қайта тайёрлаш бўлими ф-ят кўрсатмоқда. Таълим муассасасида реалистик мактаб анъаналарини ривожлантириш ва ўзига хосликни сақлаб қолиш мақсадида проф.-ўқитувчилар томонидан «Устоз сабоқлари» («Мастер класс»), ўқув-услубий қўлланмалар, дарслик, ўқув қўлланмалар, каталог ва мультимедиялар ҳамда бошқа ахб. ресурслари яратилмоқда.

МИЛЛИЙ РУҲ – миллатнинг ички руҳий ҳолати, кечинмалари, ҳис-туйғулари, маънавий дунёси, ўй-фикрлари, мақсад ва маслаги ҳамда кайфияти. Ер юзидаги ҳар бир миллат ўзига хос иродаси, ҳис-туйғу, дид, ҳулқ, феъл-атвордан иборат маънавий оламига эга. М. р. узоқ тарихий давр мобайнида шаклланадиган жараён бўлиб, у миллат таракқиётида ҳаётбахш манба бўлиб

хизмат қилади. Миллат тараққиётида маънавий ва моддий омиллар қанчалик зарур бўлса, М. р. шунчалик муҳим аҳамиятга эга. Унинг ўзига хос хусусиятларини билиш айна вақтда ж-ятда мавжуд бўлган катор муаммоларни ҳал қилишга, миллат ижт.-сиёсий ҳаёти жараёнларининг ўзига хослигини аниқлаш ва уларга тўғри муносабатда бўлишга имкон яратади. М. р. тарихан, объектив ва субъектив омиллар таъсирида секин-аста шаклланади. Объектив омиллар жумласига миллат яшаётган ҳудуднинг майдони ва ҳаёт кечиришга қулайлиги, табиий шарт-шароитлар, ер ости ва ер усти бойликларининг мавжудлиги, аҳоли сони, ҳайвонот ва ўсимлик оламининг хилма-хиллиги, сув манбаларининг кўплиги, қуёшли кунларнинг миқдори ва ҳ.к.ни киритиш мумкин. Субъектив омиллар эса аҳолининг саводхонлик даражаси, одамларнинг бир-бири б-н ўзаро манфаатли муносабатлар ўрната олиши, мамлакат ичида барча миллатлар, динлар, ижт. гуруҳлар ва б. табақалар вакилларининг ҳамжихатлиги, иноқлиги, ҳамкорлиги ва ҳ.к.ни қамраб олади. Ҳоз. замон ривожланган дав.лар ва миллатларнинг тараққиётга эришгани объектив ва субъектив омилларнинг уйғунлашгани ҳамда ишчанлик, ташаббускорлик, тadbиркорлик, топқирлик б-н ишга солингани, ҳаёт суръати ва М. р. юқори даражада бўлгани б-н изоҳланади. Айна вақтда, ж-ят тараққий этган сари субъектив омилларнинг аҳамияти ортиб бормоқда.

Мустақиллик даврида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохот ва

ўзгаришлар туфайли халқимизга хос М. р. инсон ва ж-ят тараққиётида ҳал қилувчи кучга айланди. Мамлакатимиз ҳаётини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишга М. р.ни янги поғонага кўтариш мустақилликнинг энг муҳим вазибаларидан биридир.

МИЛЛИЙ УРФ-ОДАТЛАР – миллатнинг турмуш тарзига сингиб кетган, унинг шаклланиши ва ривожига хизмат қиладиган ижт.-маданий ҳаётида ўз аксини топган, доим такрорланиб турадиган хатти-ҳаракат, кўпчилик томонидан қабул қилинган ҳулқ-атвор қоидалари ва қўникмаларнинг ифодаси. М. у.-о. халқимизда ўзига хос ўзбекона тарихий хусусиятларга эга бўлиб, анъанавий ва замонавий кўринишларда намоён бўлади. М. у.-о. алоҳида олинган шахс ва миллат доирасида шаклланиб боради. М. у.-о. ва анъаналар ҳар бир миллатда ўзига хос тизимни ташкил этади, халқ томонидан турмуш тарзининг зарурий шарти сифатида қабул қилинади. М. у.-о.га бефарқлик кишини, миллатни ўзлигидан узоқлаштиради. М. у.-о.да ватанга, миллатга бўлган ҳурмат-эътибор ва садоқат мужассамлашади.

МИЛЛИЙ ЎЗЛИК – шахс ф-ятида муҳим ўрин тутувчи, унинг ж-ятдаги маънавий камолотида, фуқаролик ж-ятининг моддий-маънавий асосларини мустаҳкамлашда улкан аҳамиятга эга тушунча. Ўзликни англаш туфайли инсон ўтмишини хотирлайди, бугуни б-н таққослайди, ҳулоса чиқаради ва шу асосда келажакка нигоҳ ташлайди. Яъни ўзликни англаш инсонни шахс

даражасига кўтариб, маънавий камолот сари етаклайдиган рухий кучдир. Ана шу жиҳатлар бевосита ж-ятнинг маънавий ривожига ўзига хос аҳамиятга эга бўлади. «Шахс миллий ўзлигини англаши» тушунчасининг таркибий қисмлари қуйидагилар: миллат (этнос)га мансубликни, унинг инсоният тараққиётидаги тарихий ўрнини англаш; миллий ғоя ва кадриятларга садоқат; миллатнинг эҳтиёжлари ва манфаатларини англаш, унинг ривожланиш йўллари билиш; миллий тараққиётга хизмат қилиб, ж-ятда фуқаровий бирликни таъминлашга ҳисса қўшиш. М. ў.ни англаш – муайян этносга хослик, ўз аجدодларининг ижобий ф-ятидан фахрланиш, ўтмишга, миллий кадрият ва урф-одатларга ҳурмат-эҳтиром, ўз миллати ва юртдошларининг ютуқларидан рухланиш, ўз ф-ятини миллат ва инсоният тамаддуни ривожига қаратиш, ушбу жиҳатларни ҳар томонлама тарғиб этишдир. Демак, М. ў.ни англаш ижт.-тарихий шаклланиш жараёнига ижобий муносабатда бўлиш, ўз этник гуруҳининг ўзга этник гуруҳлар б-н умумий жиҳатлари ва ўзига хос этноспецифик хусусиятларини чуқур идрок этиш б-н бир қаторда, ўз этник гуруҳининг ўзга этнослар доирасидаги ўрни, мавқеи, манфаат ва ғоялари ҳамда миллий-тарихий кадриятларига ижобий муносабатда бўлиш; ҳар бир этнос миллий менталитетининг шаклланиши ва ривожланишида тарихий-маданий омиллар таъсирини идрок этиш, ўзликни англаб, ўзга этник гуруҳ вакиллари тарихи, маданияти, урф-одат ва анъаналарига ҳурмат б-н

қараш; ўз миллий-худудий бирлигида истикомат килувчи миллатдошлари тақдири, уларнинг ўтмиши ва келажакига, юртнинг равнакига масъулиятни чуқур ҳис этиш б-н бир қаторда, бошқа мамлакатларда яшовчи миллатдошларининг ҳам тақдирига бефарқ бўлмастик каби жиҳатларда ўз ифодасини топади. М. ў.ни англаш халқнинг ривожланиш йўналишини унинг халқаро микёсда ўзаро ҳамкорлик ва бирдамлиги ҳамда умумий фуқаролик менталитетининг шаклланишида Ўзбекистон ж-ятини янги сифат босқичидаги ҳамжиҳатликка йўналтиради. Ушбу мақсадни туб миллат манфаати б-н бир қаторда ж-ятдаги барча гуруҳлар манфаатларини ҳам ҳисобга олган ҳолда изчиллик б-н амалга ошириб бориш миллий тараққиётни таъминловчи асосий омилдир.

МИЛЛИЙ ЎЗ-ЎЗИНИ АНГЛАШ – ҳар бир миллат (элат)нинг ўзини реал мавжуд субъект, муайян моддий ва маънавий бойликларнинг ифодаловчиси эканлиги, ягона тил, урф-одат, анъана, кадриятлар ва дав.га мансублигини, манфаат ҳамда эҳтиёжлар умумийлигини тушуниб етиши. М. ў.-ў. а. миллат шаклланишининг муайян нисбий, юқори босқичи, мезони ҳисобланади. Миллат ўзига хос бўлган урф-одатлар, анъаналар, кадриятларни шакллантириши ва дав. атрофига бирлашиши мумкин. Аммо унинг М. ў.-ў. а. даражасига кўтарилиши мураккаб жараён ҳисобланади. Чунки у миллат вакиллари муайян манфаатларидан умуммиллий манфаатларни устун қўя билишлари б-н боғлиқ. М. ў.-ў. а. миллий онгдан фарқ

килади. Миллий онг ҳар миллатнинг ягона тили, урф-одатлари, анъаналари, кадриятлари ва маънавиятининг пастдан юкорига, оддийдан мураккабга томон ривожланиб боришининг муҳим мезони ҳисобланади. Ўз навбатида, миллий онгнинг ривожланиб бориши ҳар бир миллатни ўз-ўзини англаш даражасига кўтаради. Миллий онг миллатнинг ўзига хослиги асосида ривожланиб боришидаги кўрсаткич бўлса, М. ў.-ў. а. манфаатларни ҳимоя қилишда ҳаракатга келувчи ички маънавий-руҳий салоҳиятдир. М. ў.-ў. а. реал куч сифатида миллат шаъни, кадр-қиммати, обрў-эътибори, ор-номуси поймол этилганда ёки миллатнинг моддий ва маънавий манфаатларига зид ва зўравонлик ҳаракатлари юзага келган ҳолларда намоён бўлади. Шаъни, кадр-қиммати, ор-номуси, обрў-эътибори ва манфаатлари поймол этилган миллат вакиллари қайси лавозимда хизмат қилиши, бой ёки камбағал бўлишидан қатъи назар, ягона умум-миллий куч бўлиб бирлашадилар ҳамда ўзликларини ҳимоя қиладилар.

Демак, М. ў.-ў. а. миллат манфаатларини ҳимоя қилувчи омил ҳисобланади. Бундан ташқари, у фақат миллат манфаатларини ҳимоя қилиш б-н чекланмайди, шунингдек, миллатни «ҳаракатга» келтиради ва бирлаштириб туради. Хусусан, миллат тараққиёти жараёнида иқтисодий, ижт.-сиёсий соҳаларда юзага келадиган муаммоларни ҳал қилишда М. ў.-ў. а. омили миллатни бирлаштиради ва умумий мақсадлар сари ҳаракатга ундайди. У ҳар қандай миллат учун етак-

чи белги ҳисобланиб, ўзининг қудратли салоҳияти б-н миллат учун зарур, асосий ўзига хос белгилари тизимида етакчи ўринни эгаллайди. М. ў.-ў. а. миллат абадийлигини таъминлашнинг ҳам муҳим омилдир. Чунки бу салоҳият миллатнинг ўзига хослигини ва манфаатларини ҳимоя қилиб туради. М. ў.-ў. а. у ёки бу миллатнинг ўзга миллатлардан ажралиб кетишига олиб келмайди, балки ўзлигини англаган миллатларнинг маърифатли ҳамкорлиги мустаҳкамланиб боришига ёрдам беради. М. ў.-ў. а. канчалик мустаҳкам бўлса, унинг ўз муаммоларини ҳал қилиш имконияти ҳам шунчалик кенгайди. Шу боис мустақиллик шароитида ўзбек халқининг ўз-ўзини англашини ривожлантириш дав. сиёсати даражасига кўтарилди. Ўз-ўзини англаган миллатнинг миллий бирлиги ҳам мустаҳкам бўлади. Миллий бирлик, ўз навбатида, миллат абадийлигининг барқарор муҳим шарти ҳисобланади.

Бугунги кунда ўзбек миллатининг ўз-ўзини англаши жадал ривожланмоқда ва бунинг натижасида миллий тикланишимиз, миллат сифатида жаҳон цивилизациясида муносиб ўрин эгаллаш имкониятларимиз кенгаймоқда.

МИЛЛИЙ ҒОЯ – миллатнинг ўтмиши, бугуни ва истиқболини ўзида мужассамлаштирган, унинг туб манфаатлари ва мақсадларини ифодалаб, тараққиётга хизмат қиладиган ижт. ғоя шакли; мустақиллик йилларида шаклланган, ўзига хос фал. асоси, илмий-назарий ва тарихий илдизларга эга яхлит таълимот; муайян миллат ҳаётига мазмун бахш этади-

ган, уни эзгу мақсад сари етаклайдиган фикрлар мажмуи.

М. ғ. ж-ят ижт.-сиёсий тараққиётини таъминловчи миллий омил сифатида намоён бўлади. Аждодларимиз инсоният тараққиётининг барча босқичларида ж-ят аъзолари тафаккурига эзгулик ва бунёдкорликка чорловчи ғояларни сингдириб келганлар. Мас., «Авесто»даги ғоявий концепция – «Эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амал» тамойили бунинг ёркин далилидир. М. ғ. ўз моҳиятига кўра, халқ, миллат тақдирига дахлдор, қисқа ёки узок муддатда ҳал этилиши керак бўлган вазифалар ва мўлжалларни ҳам акс эттиради. Муайян ғоянинг М. ғ. сифатида майдонга чиқиши миллатнинг мавжуд ҳолати б-н бевосита боғлиқ. Чунки ана шу негизга таянган ҳолдагина у миллатнинг қисқа ёки узок вақтда эришиши лозим бўлган мақсадларини тўғри ифодалай олиши мумкин. Ҳар бир халқ ўз тарихининг бурилиш нуқталарида, аввало, мафкура масаласини, унинг ўзагини ташкил этадиган, ўзига хос бирлаштирувчи ядро вазифасини ўтайдиган ижт. ғояни шакллантириш муаммосини ҳал қилади. Мамлакатимиз учун М. ғ. ҳақидаги масаланинг бугунги амалий аҳамияти шундаки, биз янги ж-ят куриш даврини бошдан кечирмоқдамиз. Айнан шундай пайтда аҳолининг турли катламлари манфаатларини ҳимоя қилувчи хилма-хил қарашлар шаклланиши мумкин. Бундай шароитда миллат ва ж-ятнинг пароканда бўлиб кетишига асло йўл қўйиб бўлмайди. Акс ҳолда, сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий ислохотлар ўз аҳамиятини йўқотади, мустақиллик йўлида ғовлар пайдо бўлади.

М. ғ.ни ёшлар онгига сингдиришда таълим-т-я ва маданий-маърифий муассасаларнинг ўрни беқиёсдир. Ушбу ташкилотлар орқали М. ғ.да устувор йўналишлар сифатида белгилаб берилган кадриятлар тарғиботига эътибор қаратиш, ушбу жиҳат халқимизнинг миллий ўзлигини англаб, мустақилликни мустаҳкамлаш ишига сафарбар қилинишида муҳим ўрин эгаллайди. М. ғ.нинг ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ёшлар қалбига инсонпарварлик ва одамийлик фазилатларини, умминсоний кадриятларни сингдиришда аҳамияти катта.

МИЛЛИЙ ҒУРУР – шахс, ижт. гуруҳнинг муайян миллатга мансублигидан фахрланиш ҳисси. Бу туйғу ўзини ўзи англаш шаклларида бири бўлиб, аждодлар қолдирган моддий, маънавий мерос, ўз халқининг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси, кадр-қиммати, обрў-эътиборидан фахрланиш ҳиссини ифодалайди. У шахс ва ижт. гуруҳ хулқ-атворини муайян тарзда йўналтирадиган тартибга солади. М. ғ. қуйидаги шаклларда намоён бўлади: миллатнинг ютуқлари, обрў-эътибори б-н фахрланиш, унинг муаммоларига бефарқ қараб турмаслик; ўз элига, миллатига жонкуяр бўлиш; ўз миллатининг моддий, маънавий меросини асраб-авайлаш; халқ одалари, анъаналари, кадриятларини ҳурмат қилиш, уларни бойитиш ва такомиллаштириш; ўз миллатига меҳр-мухаббатини амалий ф-ятда намоён этиш. М. ғ. маънавий таркибида муҳим ўрин тутаяди. М. ғ. миллатнинг ўтмишда фан, ад., санъат

ривожига кўшган ҳиссаси, буюк алломалари, атоқли саркардалари ф-яти б-н боғлиқ бўлади. М. ғ.и бўлмаган кимса бошқа миллатларга бош эгувчи космополитга, манқуртга айланади. М. ғ.нинг предмети ва мазмуни, яъни қандай шахслар, қандай воқеа-ҳодисалар б-н фахрланаётгани шу миллатнинг мазкур даврдаги маънавий қиёфасини кўрсатади. Халқлар тарихида шундай даврлар бўлиши мумкинки, унда миллатчилик, шовинистик, ҳатто фашизм ғоялари устуворлик қила бошлайди. Бундай даврларда М. ғ. предмети салбий ҳодисалар: мактанчоқлик, бошқа миллатларни пастга уриш, ўз миллатининг бошқа миллатларга нисбатан устунлигини тарғиб этиш каби иллатларда намоён бўлади. Бундай ҳоллар миллат ўзига ўзи танқидий кўз б-н қарай олмай қолган вазиятларда юз беради.

Соғлом М. ғ. ўзга миллатга мансуб кишиларга ҳам ҳурмат-эҳтиром кўрсатишни такозо этади. Бундай туйғуга эга маънавий етук киши миллийликни миллатчиликдан, ҳақиқий М. ғ.ни миллатпарастликдан фарқлай олади, бошқа миллат вакиллариининг иззат-нафси ва ғурурини камситмайди. Шу боис ёшларда М. ғ.ни шакллантириш алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, шу асосда уларда миллий мустақиллигимиздан фахрланиш, мамлакатимизда озод ва обод Ватан, фаровон ва эркин ҳаёт қуриш йўлида фаол меҳнат қилиш, жаҳон ҳамжамияти ютуқлари, замонавий технадан фойдаланишга бўлган иштиёқини тарбиялаш лозим. Бу эса, ўз навбатида,

ёшларнинг кучи, салоҳияти, бунёдкорлик ф-ятини кўп жиҳатдан белгилайди, уларда соғлом М. ғ. туйғусини шакллантириш учун тинмай изланишга сафарбар этади.

МИЛЛИЙ ҲИС-ТУЙҒУ – муайян мамлакат фуқароларининг ижт. воқеликда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни ҳис этиш, унга бўлган муносабат б-н боғлиқ руҳий-психологик кечинмалар кўриниш ва шакллари мажмуини ифода этувчи тушунча. У миллий руҳият, маданий-маънавий мерос, урф-одат ва анъаналар, тарихий тажриба б-н боғлиқ ҳолда миллат менталитетида яққол намоён бўлади. Турли халқлар ва миллатларда бундай ҳис-туйғуларнинг намоён бўлиш шакллари ўзига хосдир. Бу бир қанча объектив ва субъектив омиллар б-н белгиланади. Ж-ятдаги турли қатламларда ҳам ўзига хос тарзда намоён бўлади. Мас., ёшлар М. ҳ.-т.да рационаллик б-н бирга ҳиссий ўзгарувчанлик, максимализм, онгсиз-руҳий ҳаракатларга мойиллик сезилса, ҳар қандай масалага холислик, вазминлик ва мушоҳада б-н оқилона ёндашиш ҳисси ёши улуғларга хос сифатлардир. Мавжуд шарт-шароит, ҳар бир кишига хос темперамент хусусиятлари, миллий-маданий мерос, қадриятларга бўлган муносабат ҳам М. ҳ.-т.га таъсир кўрсатади. Ортиқча эҳтиросларга берилмаслик, босиқлик, ақлга таяниб иш кўриш М. ҳ.-т.ни ифодаловчи муҳим жиҳатларидир. М. ҳ.-т.га мавжуд шарт-шароит б-н ҳисоблашмасдан ҳаддан ташқари эрк бериш воқеа-ҳодисаларнинг ноҳолис баҳоланишига сабаб бўлиши

мумкин. Умуман олганда, М. х.-т. муайян миллатнинг узоқ давр мобайнида шаклланадиган ва ўзгариб борадиган ўзига хос хусусияти бўлиб, уни эътиборга олиш воқеа-ҳодисаларни баҳолашда, уларга муносабат билдиришга ўзига хосликни яққол намоён этади.

МИЛЛЬ Жон Стюарт (1806. 20. 5, Лондон – 1873. 8. 5, Авиньон) – инглиз файласуфи, психолог, социолог ва иқтисодчи. Ўзи яратган индуктив ва дедуктив мантиқ тизими б-н машҳур («Силлогистик ва индуктив мантиқ системаси» асари). Инглиз фал.сидаги классик эмпиризм анъаналарини давом эттирган ва уни позитивизм сифатида ривожлантирган. М. 19-а.нинг йирик позитивистларидан бири. М. таълимотига кўра, фал. асосини фақат муайян сезги ва бўлиши мумкин бўлган сезгилар ҳақидаги тасаввурлар реал мавжуд деб белгилловчи психология ташкил этади. М. Аристотель силлогизмини инкор этади. У ташқи дунёни ўхшаш сезгиларнинг доимий имкониятидир, деб таъкидлайди. М. билишнинг ягона манбаи тажриба, билишнинг бўлиши мумкин бўлган ягона усули индукциядир, у мантикий хулоса ва математик аксиомалар асосида ётади деб ҳисоблайди. М. фанларни табиат ҳақидаги фанлар (тарих фанини ҳам табиат ҳақидаги фанлар таркибига киритишга ҳаракат қилади), руҳ – психология ҳақидаги фанлар, этология, ж-ят ҳақидаги фанларга ажратади. М. фикрига кўра, этика фанининг вазифаси – ж-ятни ахлоқий жиҳатдан қайта тузиш, яъни шахс

ва ж-ят ўртасида қониқарли муроса ўрнатишдир. Ахлоқий кадриятлар туғма интуитив (ёки априор), ўзгармайдиган эмас, балки, аксинча, тажрибага асосланган ва ўзгарувчандир. М. учун одоб-ахлоқнинг олий мақсади – имкон борича инсонларни бахтли қилишга эришишдир. Ушбу ахлоқий тамойиллардан келиб чиққан М. олий, илоҳий моҳиятни диний нуқтаи назардан қабул қилади, ammo фазодаги ҳодисалар унинг фикрича, худонинг чексиз қудратига ишончни қийинлаштиради. М.нинг психология, ахлоқ-одоб, сезгилар, инсоннинг билиш ф-яти ҳақидаги қарашлари пед. фани учун алоҳида аҳамиятга эга.

МИМАНСА (санскритча – тадқиқ қилмоқ) – қад. ҳинд фал. мактабларидан бири. Мил. ав. 2-а.ларда пайдо бўлган. Асосчиси мутафаккир Жайминий. Жайминий «Миманса-Сутра» номли асар ёзиб қолдирган. М. вакиллари ташқи оламнинг реаллигини тан олишган. Ташқи оламнинг реаллигини тан олишнинг бирдан-бир исботи – сезги аъзоларимиз орқали моддий оламни ҳис этишдир. М. вакиллари саккизта категория ҳақида фикр юритишган. Булар: ҳаракат (карма), тааллуқликлик (самавия), куч (шакти), ўхшашлик (садриния), сонлар (санкхия), субстанция (дравия), сифат (адрелита), контакт (санъйога). Улар оламда сабаб ва оқибат ҳукмрон эканлигини эътироф этишган. Оламда ҳамма нарса ўзаро алоқадорликда, ўзаро боғлиқликдадир. Умумийлик – куч потенциал энергия маъносида тушунилиб, у сабаб замири ичида яширинган бўлади. Мас., уруғдан ўсимлик униб чиқади,

яъни куч потенциал қувват орқали амалга ошади. Оламнинг мавжудлиги ва уни билишда М.чилар дуалистик позицияда туришган. Уларнинг фикрича, руҳ абадий чексиз субстанция бўлиб, у тана б-н боғлиқ. Руҳ тана б-н бирга ўлмай, балки бир танадан иккинчи танага кўчиб ўтади. Оламда қанча тана бўлса, шунча руҳ бор. Оламни билишнинг энг ҳақиқий йўли – ведаларнинг муқаддаслигини тан олишдир. Уларнинг фикрича, барча мавжуд нарсалар билим манбаи ҳисобланади. Улар билишни икки босқичга бўладилар. М.чилар фикрича, ҳиссий қабул қилишдан ташқари, билишнинг яна бешта манбаи ҳам мавжуд. Булар куйидагилар; мантикий билим (анумана), қиёслаш (упамана), асосий қоида қилиб олиш (артхапада), қабул қилмаслик (анупалабдха), ведаларнинг муқаддаслиги (шабда). М.чилар, шунингдек, тил ва тафаккур, сезги ва унинг аҳамияти ҳақида ҳам бир қатор ғояларни илгари суришган. М.чилар таълимоти ўзининг метафизик жиҳати б-н ҳам ажралиб туради. М.чиларнинг моддий дунёни ҳимоя қилиши, унинг замон ва маконда абадий ва чексизлигини тан олганликлари кейинги даврда фал. ривожига катта ҳисса бўлиб кўшилди. М.чиларнинг қарашлари пед. фикр тараққиёти учун ҳам ўзига хос аҳамият касб этади.

МИРЗА (араб-фор. – амирзода сўзининг қисқарган шакли) – 1) ёзув-чизув ишларини олиб борган лавозимли киши, котиб; 2) саводли, ўқимишли киши.

МИРЗАҲМЕДОВ Ботир Мирзараҳимович (1938. 10. 07, Тошкент) – пед.

фанлари д-ри (1981), проф. (1982). Низомий номидаги Тошкент пед. ин-тининг физика-мат. ф-тини тамомлаган (1961). Тошкент пед. ин-тининг физика каф.сида катта лаборант, ўқитувчи (1963–64), Москва вил. пед. ин-тининг «Физика ўқитиш методикаси» каф.сида тадқиқотчи-стажёр (1964–68), Тошкент пед. ин-тининг «Физика ўқитиш методикаси» каф.си катта ўқитувчиси (1969), каф. доц.и (1970), Тошкент пед. ин-ти қошидаги тайёлов бўлими бошлиғи (1970), «Физика ўқитиш методикаси» каф.си доц.и (1971), физика ф-ти декани (1976–78), Москва ш.даги Таълим мазмуни ва ўқитиш методикаси и. т. ин-ти докторанти (1978–80), Тошкент пед. ин-ти Физика ўқитиш методикаси» каф.си проф. (1982–85), Абдулла Авлоний номидаги Халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий ин-ти ректори (1985–89), шу б-н бир вақтда жамоатчилик асосида Ўзбекистон Республикаси Педагоглар ж-яти раиси (1985–93), Тошкент пед. ин-тининг «Умумий педагогика» каф.си мудири (1990–92), ЎзПФИТИи Қишлоқ мактаблари мураммолари бўлими етакчи илмий ходими (1992), мазкур ин-т Физика, мат. ва ҳисоблаш техникасини ўқитиш мазмуни ва усуллари бўлими бошлиғи (1993–97), ТДПУ «Физика ва уни ўқитиш методикаси» каф.си проф. (1997 й.дан).

300 дан ортиқ илмий-услубий ишлар, дарсликлар муаллифи.

Ўзбекистон Республикаси халқ маорифи аълочиси (1963), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходи-

ми фахрий унвонлари б-н тақдирланган (1985).

МИРЗО ХЎҚАНДИЙ (тахаллуси; асл исми Хайруллахон Саид Носир ўғли Мирзо (1880, Қўқон – 1943, Тошкент) – шоир ва маърифатпарвар. Қўқон мадрасасида Сулаймонкули Рожийдан ад., ҳуснихат, муаммодан сабоқ олган. 1910 й.да янги усулда мактаб очиб, ўқитувчилик қилган. 1912 й.дан мазкур мактаб қошида «Маърифат» номли кутубхона ва нашриёт ташкил этган. «Тухфат ул-атфол» («Болалар совғаси»), «Турки аввали илм» («Дарс раҳбари»), «Раҳбари алифбо» каби дарсликларни таржима қилиб, нашр эттирган. «Гулшани Мирзо», «Гулшани хаёл» номли дарсликлар тузган. Форс тилидан «Мушук ва сичқон» ҳикоясини, Абдураҳмон Жомийнинг «Рисолаи муаммо»сини таржима қилган. 1916 й.да Вайнер матбаасида «Жумбоқ мажмуаси» номли топишмоқлар тўпламини нашр эттирган. **МИРҚОСИМОВА** Марғуба Мирқобиловна (1960. 31. 01, Тошкент) – пед. фанлари д-ри (1996), проф. (2007). Тошкент ун-ти (ҳоз. ЎзМУ)нинг ўзбек тили ва ад.и ф-тини тамомлаган (1981). Тошкент пед. ин-ти Ўзбек адабиёти каф. си лаборанти (1981–82), Тошкент пед. ин-тида аспирант (1982–85), Сирғали тумани 268-мактаб она тили ва ад. фани ўқитувчиси (1986–89), ТДПУ Ўзбек тили ва адабиёти ўқитиш методикаси каф.си доц.и (1990–98), Шайхонтохур туман ҳокимлиги маънавий-маърифий ишлар бўйича ҳоким муовини (1999–2000), Беруний номли ТДТУ «Тиллар» каф.си

мудирини (2000–06), ТДПУнинг «Ҳозирги ўзбек адабиёти» каф.си мудирини (2006–10), «Ўзбек адабиёти» каф.си проф.и (2010 й.дан). 100 дан ортиқ илмий ишлар муаллифи.

МИФ (юн. mifhos – афсона, ривоят, асотир) – ибтидоий давр кишилари онги ва тушунчасида инсон, табиат, ж-ят ва коинотнинг пайдо бўлиши б-н боғлиқ воқеалар, шунингдек, табиат ва ж-ят ҳодисаларининг акс этиши. Ибтидоий инсонлар табиат ва ж-ятда содир бўладиган воқеа ва ҳодисаларнинг асл сабабларини тўғри англаб етмаган ва уларга қандайдир ташқи қудрат ифодаси деб қараган. Мас., яшин ва момақалдироқ, ёнгин, тўфон, довул, zilzilalar, қуёш ва ойнинг тутилиши, думли юлдузнинг учиши ва б. ибтидоий одамлар тасавурида гайритабиий таассурот қолдирган. Ибтидоий кишиларнинг табиат кучлари олдидаги бундай ожизлиги, уларнинг сир-асрорларини билмасликлари оқибатида ой, қуёш ва юлдузларга, айрим ҳолларда олов, сув, қушлар ва ҳайвонларга, тоғ-тош ва ҳ.к.га жонли, муқаддас нарсалар деб қараш, уларга сиғиниш, топиниш ҳоллари урфга айланган. Бундай ҳодисаларни ибтидоий кишилар, одатда, икки тоифага, яъни дўст ва душман кучларга, яхшиёмон, оқ ва қорага бўлиб тасаввур этганлар. Ана шундай тасаввурлар маҳсули бўлган М.да табиат ва ж-ят ҳодисалари, шунингдек, гайритабиий ҳодисалар афсонавий қаҳрамонлар, девлар, аждаҳо, қушлар, баҳайбат ҳайвонлар, жин, пари ва ҳ.к.нинг тимсолида умумлаштирилиб

тасвирланган. Бундан ташқари, уларда ибтидоий инсоннинг ўзига хос ожиз томонлари б-н бирга, улкан жасорати ва қаҳрамонлиги, айниқса, яхшилик ва эзгуликнинг ёмонлик ва ёвузлик устидан, ёруғликнинг зулмат устидан ғалабасига бўлган чуқур ишонч туйғуси, олийжаноб мақсад ва интилишлари ўз ифодасини топган. Ўзининг ғоявий-бадий мукамаллиги ва чуқур инсонпарварлик йўналишлари б-н муҳим ва қимматли маданий-маърифий кадрятлар қаторидан мустахкам ўрин эгаллаган М. намуналари мавжуд. Улар қад. шумер-аккадларнинг «Гилгамеш» ҳақидаги эпоси, Гомернинг «Илиада» ва «Одиссея», ҳиндларнинг «Маҳобҳорат», «Рамаяна» «Панча тантра» («Калила ва Димна»), тибет-мўғулларнинг «Гэсэр», Марказий Осиё халқларининг «Гўрўғли», «Алпомиш», «Манас», «Қирқ қиз» ҳамда Гершасп Элибек, Каюмарс, Жамшид, Эрхубби, Тўмарис, Широқ, Сиёвуш, Рустам ва б. ҳақидаги афсоналари, қалмиқларнинг «Жангар», қад. исландларнинг «Эдда», грузинларнинг «Амираниани» ва б. кўплаб фольклор асарларидир. Мифология – М.ларни ўрганувчи фан сифатида ижт. онг шаклларида бири ва кишиларнинг табиий ва ижт. ҳодисаларнинг моҳиятини англашда илк босқич ҳисобланади. Ибтидоий жамоа даврида дунё, асосан, мифологик образлар орқали тасаввур қилинган. Бу жараён дунёнинг ибтидоси ва интиҳоси тўғрисидаги тасаввурларни қамраб олишни мақсад қилиб қўймайди. Бундай тасаввурларнинг туб асосида ки-

шиларнинг теварак атрофдаги нарса ва ҳодисалар тўғрисидаги билимларининг ўта саёзлиги ва табиий муҳитдан ажратган ҳолда тасаввур этмаганлиги ётади. Мифологик тасаввурлар дунёни мифологик образлар орқали англаш жараёни сифатида объект б-н субъект ўртасида, ижт.лик б-н табиийлик ўртасидаги муносабатларнинг ўта содда ифодаси бўлиб, ўз навбатида тотемизм, фетишизм, анимизм, шомонизм, афсунгарлик ва б. қатор шаклларда намоён бўлади. М.лар ва маросимлар ибтидоий маданиятнинг ажралмас таркибий қисмлари ҳисобланиб, улар, ўз навбатида, назарий қарашлар б-н амалий тажрибаларнинг яхлитлигини ўзида мужассамлаштиради. М.лар дунёни ғайритабиий образлар орқали тасаввур этадиган диний дунёқарашнинг ҳам дастлабки кўриниши бўлиб, у кишиларда мавҳум тафаккур, фантазиянинг шаклланаётганидан дарак беради. Дунёни М. образлари орқали англаш жараёнида иккита ёндашувни учратиш мумкин. Мас., 18-а. француз маърифатпарварлари Б. Фонтенел, Вольтер, Дидро, Монтескье ва б. М.ни кишиларнинг ваҳшийлик, ёввойилик даври б-н боғлиқ ҳолда тушунтиришга интилган. Улар М.ларнинг инсоният маънавияти ривожига аҳамиятини инкор этишга уринган. М.ларга халқларнинг маънавий тараққиёти учун асос сифатида баҳо берувчи романтизм руҳидаги қарашлар Гердер томонидан асос солинган илмий концепцияда ўз ифодасини топган. М.нинг мазмун-моҳиятини тўлиқ очиб бера олмаган. 20-а. бадий

ад.ида мифологик образлардан унумли фойдаланиш оркали халқларнинг муайян даврдаги ҳолати, ички дунёси, маънавий такомил босқичларини тўларок баён қилишга интилиш кучайди. Ўзбек халқи ҳам ўзининг қадимий мифологик образлари оркали дунёни англаш жараёнидаги ўзига хослик миллий тафаккуримизнинг шаклланишида муҳим асос бўлиб хизмат қилаётганини инкор этиб бўлмайди. Энг қад. мифологик образлар Пархат, Ардахива, Франхрасйон (Афросиёб) образлари б-н боғлиқ асотирлар бугунги кунда ҳам ўқувчи-ёшларга миллий ўзликни англатишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

МНЕМОНИКА (юн. – эслаб қолиш санъати) – 1) эсда олиб қолишни осонлаштирувчи усуллар йигиндиси; 2) махсус чизма ва шартли белгилар ёрдамида муайян тушунча ва маълумотларни эслаб қолиш; 3) таянч сўзларни ажратиш воситасида мантиқийлик ёки анланганлик нуқтаи назаридан хотирада маълумотларни сақлашга қаратилган услуб ва воситалар мажмуи. Эслаб қолиши керак бўлган нарсаларни маъно жиҳатидан гуруҳларга бўлиб туриб эслаб қолиш, ўзлаштириш лозим бўлган маълумотнинг хотирада сақланиши. Мазкур тушунча дидактика учун муҳим аҳамиятга эга.

МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ – ўқув-т-я муассасаларини зарур ускуналар, инвентарлар, ашёлар, таълимнинг техникавий, дастурий ва дидактик воситалари б-н жиҳозлаш, таълим жараёнини компьютерлаштириш, таълим муассаса-

ларини капитал таъминлашни ифодаловчи тушунча.

МОДЕЛ (фр. modele < лот. modulus – ўлчов, меъёр) – таълим-т-я жараёнларининг барча шакллари ўзаро боғлиқлигини таъминловчи, белгиланган мақсад ва вазибаларнинг йўналишини ифодаловчи ва кўзланган натижаларга эришишни таъминловчи ўзаро боғлиқ бўлган ва бир-бирини ўзаро тўлдирувчи компонентлардан иборат тизимлашган шакл.

Таълим-т-я жараёнини ташкил этишда муҳим аҳмиятга эга бўлган талаблар асосида ишлаб чиқилган, самарали ҳисобланган тушунчалардан фойдаланишни ифодоловчи, мазкур жараёни ташкил этиш босқичлари ва функциялари акс эттирилган таълим-т-я жараёнларини ташкил этишда қўлланиши мумкин бўлган андаза.

МОДЕЛЛАШТИРИШ МЕТОДИ – ўқув материаллари ёки таълим мазмунини яхлит тизимга келтириш.

МОДЕРАТОР (лот. – чеклайман, бардош бераман) – давра столини олиб борувчи мутахассис. М. муҳокама қилинаётган масаланинг билимдони, мустақил фикрига эга ва бетараф бўлиши лозим.

МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ (фр. modernisation, moderne – янги, замонавий) – таълимни замонавий талабларга мувофиқ такомиллаштириш мақсадида хилма-хил ўзгартиришларни амалга оширишдан иборат ижт. пед. жараён. Пед.да М. тушунчаси таълим тизимини назарий-методологик тадқиқ этишни назарда тутди. Ўзбекистон таълим тизимида даст-

лабки М. ҳаракатлари мустақилликнинг илк йилларидан бошланди. Дастлаб Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, фанларни ўқитиш концепцияси, узлуксиз таълим концепцияси, дарсликларнинг янги авлодига қўйиладиган талаблар, 1997 й.га келиб эса янги таҳрирдаги ТТҚ, КТМД яратилди ва шу асосда миллий талаблардан келиб чиққан ҳолда таълим тизими унинг илмий методик асосларини модернизациялашнинг 3 босқичли тизими амалиётга жорий этилди.

МОДИФИКАЦИЯ [фр. modification] – кўриниш, тур ёки янгиликлар асосида такомиллаштириш.

МОДУЛ – ўқув материали ёки таълим мазмунини ўзаро уйғунлаштирилган намунаси; ўқув ахб.ининг мантикий бўлакка бўлинган қисми; фаннинг фундаментал тушунчасини тақдим этувчи муайян жараён ёки қонун бўлими, муайян мавзу доирасида ўзаро боғлиқ тушунчалар гуруҳи.

М. атамаси пед.га информатикадан ўтган 20-а.нинг 60-й.ларида кириб келган. У турли ахб. тизимларида қўлланиладиган конструкциялар, уларнинг мослашувчанлиги, қайта қурилишини таъминловчи таркибий қисмларни ифодаловчи атама. М. атамаси байналмилал характерга эга.

М. ўқитиш назариясида муайян миқдордаги ахб.лар ва ҳаракатлар ҳамда уларнинг таълим олувчилар томонидан мустақил ўзлаштирилишини англатади.

МОДУЛЛИ ДАРАЖА – пед. техн.ларни тасвирлаш қўламига мувофиқ танлан-

ган бирламчи модулларнинг ўз таркиби қанча модуллардан иборатлигини ифодаловчи кўсаткич.

МОДУЛЛИ ДАРС – ўқувчиларни ҳар томонлама ривожлантиришга хизмат қиладиган, шахсга йўналтирилган таълим жараёнида қўлланиладиган усуллар, тушунчалар ва техн.ларни ажратиш ва улардан фойдаланиш имкониятларини очиш талаб этиладиган дарс.

МОДУЛЛИ ТАЪЛИМ – модуллаштирилган ўқув дастури асосида ташкиллаштириладиган ўқитиш жараёни.

МОДУЛЛИ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ – таълим жараёнини модуллар (ўқув предмети ва унинг бўлимлари мазмунини тартибга солиш, таълимнинг муайян босқичидан бошлаб бўлинмайдиган касбий ф-ятни мантиқан тугалланган қисмларга ажратиш) асосида лойиҳалаштирилган тизим.

Модулли таълим бир қатор гоёларга асосланган ҳолда амалга оширилади. Улар: ўқувчиларнинг ўзлари билимларни ўзлаштиришлари, ўрганишлари, ўқитувчи эса уларнинг ўқув ф-ятини бошқариши лозим. Бу жараёнда ўқитувчи ўқувчиларни ўқув ф-ятига йўналтириши, уларда мазкур ф-ятга нисбатан мойилликни ҳосил қилиши, уларнинг ўқув ф-ятини ташкил этиши, мувофиқлаштириши ва маслаҳатлар бериши керак. Ушбу техн. пед. назарияси ва амалиётида тўпланган барча илғор тажрибаларни ўзида мужассамлаштирилади.

МОДУЛЛИ ЎҚИТИШ – ўқитишнинг изчил тизим асосида амалга оширилади-

ган тури. ЮНЕСКО лугатида унга оид бир катор тушунчалар тақдим этилган: модулли мет., модулли тайёрлаш, модулли жадвал, модулли ёндашув кабилар.

Модулли ёндашув ўқув материаллини жиҳозлаш ва унинг қисмларини яқунланган бирликлар шаклига келтиришни ифодалайди. Ўзининг дастлабки шаклида М. ў. 20-а.нинг 60 й.ларида бошланиб, таълим инглиз тилида амалга оширилдиган мамлакатларда кенг тарқалган. Унинг ўзига хослиги таълим олувчиларнинг ўқув дастури асосида қисман ва тўлиқ тарзда мустақил ишлашини таъминлашдан иборат. Шу б-н бирга, М. ў. ўзида машғулотларнинг яхлит режаси, ахб.лар банки ва дидактик мақсадга эришишга хизмат қиладиган методик кўрсатмаларни мужассамлаштиради. Бу жараёнда ўқитувчининг вазифаси ахб.ларни назорат қилувчиликдан маслаҳат берувчилик, мувофиқлаштирувчиликка қадар бўлган жараёни қамраб олади.

Бугунги кунда М. ў. фақат олий таълим тизимида амал қилмоқда. М. ў. жараёнида муайян пед. техн.дан фойдаланиш талаб этилади. Бироқ мазкур техн.ни саралаш, улардан М. ў. жараёнида фанлар кесимида фойдаланиш механизмларини ишлаб чиқиш пед.да ўз ечимини кутаётган вазифалардан бири ҳисобланади.

М. ў.да ўқув жараёнини табақалаштириш, оптималлаштириш, муаммоли таълимни ташкил этиш назарияси ва амалиётида тўпланган барча тажрибалар мужассамлашади. Модулли таълимни ташкил этиш принциплари, қонунқоидаларида ўқув жараёнини амалга

оширишга асос бўладиган тушунчалар ва шакллар ўз ифодасини топади. М. ў.нинг назарий асослари П. Ю. Цявичене, С. Я. Батишев, К. Я. Вазина, Н. Н. Суртаева, Т. Н. Шамовалар томонидан ишлаб чиқилган. М. ў.нинг ўзига хос жиҳати шундан иборатки, бу жараёнда ўқувчилар тўлиқ мустақилликка эришган ҳолда модуллар б-н ишлаш асосида ўқув-билув ф-яти олдига қўйилган асосий мақсадга эришиш имконига эга бўлишади.

М. ў.нинг ўзига хослиги унинг бошқа ўқитиш тизимларидан фарқини намоён қилишидадир. Улар: 1) ўқув жараёнининг мазмуни яқунланган мустақил блоклар сифатида намоён бўлади. Мазкур мазмунни ўзлаштириш таълим мақсадига мувофиқ тарзда амалга оширилади. Дидактик мақсадлар ўқувчилар учун шакллантирилиб, нафақат ўзлаштириладиган ўқув материаллари қўламини, балки уни ўзлаштириш даражасини ҳам белгилаб беради. Шу б-н бирга, ҳар бир ўқувчи ўқитувчи томонидан қай даражада унумли ҳаракат қилиш, зарур ўқув материалларини қаердан топиш ҳақида ёзма шаклда кўрсатма олади; 2) ўқувчи ҳамда ўқитувчи орасидаги мулоқотнинг шакли ўзгаради. У модул ҳамда шахсий индивидуал мулоқот шаклида амалга ошади. Айнан модуллар ўқув-т-я жараёнини субъект-субъект муносабатлари асосида ташкил этиш имконини беради; 3) ўқувчи ўқув жараёнининг аксарият қисмида мустақил ишлайди. Улар ўз ф-тларини режалаштириш, мустақил ташкил этиш, на-

зорат қилиш ва баҳолашга ўрганадилар. Бу эса ўқувчига мазкур ф-ят жараёнида ўз-ўзини англаш имконини беради. Улар ўзлаштирган билимлари даражасини мустақил аниқлайдилар, ўз билим, кўникмалари орасидаги бўшлиқни кўра оладилар. Ўқитувчи ҳам ўқувчиларнинг ўқув-билув ф-ятларини модулли бошқариш имкониятига эга бўлади. Муҳими, ушбу бошқарув муайян мақсадга йўналтирилади. Бунинг учун педагоглар таълим техн.идан мақсадга мувофиқ тарзда модулли фойдаланиш тажрибасига эга бўлишлари керак; 4) ёзма тарздаги аниқ модуллер ўқитувчиларга ўқувчилар ф-ятини индивидуаллаштириш имконини беради. Бу ўринда яқка тартибдаги маслаҳатлар бериш, ёрдам кўламини кенгайтириш масаласи назарда тутилмайди. Бунинг учун, биринчи навбатда, ўқитувчилар модулли дастурга эга бўлишлари керак. Ушбу дастур мужассамлашган дидактик мақсадлар ва модуллер мажмуидан иборат бўлиши лозим.

Мазкур модуллер қўйилган мақсадга эришишни таъминлашга хизмат қилиши зарур. Бундай дастурни тузиш учун ўқитувчи ўқув курсининг асосий илмий ғояларини ажрата олиши керак. Шундан кейингина ўқув мазмуни ва ўқув блокларини мазкур ғоя атрофида таркиблаштириш талаб этилади. Шу асосда мужассамлашган дидактик мақсад шакллантирилади. Дидактик мақсад ўзининг иккита даражасига эга: ўқувчиларнинг ўқув материалларини ўзлаштиришлари ва ўзлаштирилган билимлардан амали-

ётда фойдалана олишлари. Шунингдек, истикболдаги ўқув материалларини ўзлаштириш ҳам назарда тутилади. Дастур ўз номига эга бўлиши керак. Сўнгра мужассамлашган дидактик мақсаддан интеграллашган дидактик мақсад ажратилади ҳамда модуллер шакллантирилади. Чунки ҳар бир модуль ўзининг интеграллашган дидактик мақсадига эга. Мазкур мақсадларнинг ечимлари йиғиндиси мужассамлашган дидактик мақсадларга эришишни таъминлайди. Модуль таркибига таълим мазмунининг йирик блоклари киритилади. Шу боис ҳар бир уйғунлашган дидактик мақсад хусусий дидактик мақсадларга бўлинади. Улар негизида ўқув элементлари ажратилади. Ҳар бир хусусий дидактик мақсад битта ўқув элементи мувофиқ келади. Натижада эса мақсадлар дарахти шакллантирилади. Мазкур дарахт:

- а) юқори қатлам – модулли дастур учун мужассамлашган дидактик мақсад;
- б) ўрта қатлам – модуль қуриш учун зарур бўлган интеграллашган дидактик мақсад;
- в) қуйи қатлам – ўқув элементларини қуриш учун зарур бўладиган хусусий дидактик мақсадлардан иборат.

Бунинг учун педагоглар М. ў.нинг назарий асослари ва тамойилларидан, биринчи навбатда, мақсадли белгилаш принципидан хабардор бўлиши лозим. Модуллерни уч типга ажратиш мумкин:

- 1) билиш – фан асосларини ўрганиш жараёнида фойдаланилади;
- 2) операцион – ф-ят усулларининг шаклланиши ва ривожланишини таъминлайди;
- 3) аралаш – ҳар бир босқичда қўйилган мақсадга

эришишга хизмат қиладиган техн.ни танлаш ва улардан фойдаланиш талаб этилади.

Таълим амалиётида кўпроқ аралаш модуллардан фойдаланилади.

М. ў.нинг етакчи тамойилларидан бири мужассамлашган, интеграллашган ва хусусий мақсадларни уйғунлаштириш принциpidир. Хусусий дидактик мақсадларнинг ечимига эришиш муайян модулнинг интеграллашган дидактик мақсадига эришиш имконини беради. Барча модулларнинг интеграл дидактик мақсадларининг ечими мужассамлашган дидактик мақсадларга эришишни таъминлайди.

Ўқувчиларнинг ўқув ф-ятини бошқаришда алоҳида ўрин тутадиган принциплардан бири тескари алока принциpidир. Маълумки, ҳар қандай бошқариш назорат, таҳлил ва тузатиш ёрдамида амалга оширилиб, ўқувчиларнинг ўз ф-ятларини мустақил бошқаришлари, ўрганишлари б-н уйғунлаштирилган ҳолда амалга оширилади.

МОДУЛЛИ ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ – ўқитишнинг изчил тизим асосида амалга ошириладиган тушунчалар мажмуи. Модулларни ўқув жараёнига аста-секинлик б-н киритиш лозим. Аънавий ўқув жараёнини модулли ўқитиш б-н боғлаш мумкин. 5–9-синфларда маърузалар тўлиқ тарзда модуллар б-н боғланади. Модул тизими б-н ўқувчиларнинг ўқув-билув ф-ятини ташкил этишнинг барча шакллари, усуллари, тушунчалари, техн.си жуда яхши қоришиб кетади. Жумладан, ўқувчилар

б-н яккама-якка ишлаш, жуфтликларда ишлаш, гуруҳ бўлиб ҳамкорликда ишлаш усули кабилар.

Модул мақсадли, функционал тармок ҳисобланади. Ушбу тармок ўзида ўқув жараёни мазмуни ва юкори даражадаги яхлитлик тизимида уни ўзлаштириш техн.сини мужассамлаштиради. Шу тарика, модуллар модулли ўқитиш воситаси сифатида намоён бўлади. Унинг таркибига ҳаракатнинг мақсадли режаси, ахб.лар банки, дидактик мақсадга эришишга методик раҳбарлик қилиш кабилар киради. Айнан модул ўқитиш дастури сифатида намоён бўлади. Унда ўқув мавзусининг индивидуаллаштирилган мазмуни, ўргатиш тушунчалари, мустақиллик даражаси, ўқувчилар ўқув-билув ф-ятининг мароми ўз ифодасини топади.

Маълумки, М. ў. т. ўзига хос вазибаларга эга: ўқувчиларда ўқув топириқларини мустақил ечишга оид тушунча ва илмий-амалий кўникмаларни ҳосил қилиш; ўқувчиларда ижодий ф-ят усуллари ҳақида тасаввур ҳосил қилиш; ўқув материали б-н эркин мулокотга киришиш; ўқув материаллари устида мустақил ижодий фикрлаш кабилар.

Модулли ўқитиш жараёнида муайян техн.ни қўллашда ўқитувчилардан бир қатор қоидаларга амал қилиш талаб этилади: муаммоли вазиятларни ҳосил қилиш; муаммони ечиш жараёнида ўқувчилар дуч келадиган асосий тушунчаларни изоҳлаш; муаммони мустақил ечиш йўлларини кўрсатиш ва ҳ.к. Бу жараёнда ўқитувчи маслаҳат ва

тавсиялар бериш мет.идан фойдаланиши керак.

МОДУЛ ТЎПЛАМИ – пед. техн.ларни унинг бирор даражасидан бошлаб тасвирлаш мақсадида битта модул сифатида шаклланган бир нечта модуллар йиғиндиси.

МОДУЛЛАШТИРИШ – пед. техн. материалларини модулларга ажратиш жараёни.

МОДУЛЛИ ЎҚУВ АХБОРОТИ – 1) ўзаро уйғунлашган ўқув ахб.лари; 2) алоҳида ахб.лар блокдан иборат, кичик мақсадларга мос ҳолда муайян вазиятлардан ташкил топган ўқув жараёни.

МОЙИЛЛИК – шахснинг ички интилиш, майли.

МОНИТОРИНГ [монитор + ing (инглиз тилида ҳаракат номи кўшимчаси – кузатиш, назорат қилиш)] – 1) бирон-бир жараённи унинг қутилган натижа ёки дастлабки тахминга мувофиқлигини аниқлаш мақсадида доимий кузатиб бориш; 2) муайян воқеликни текширувчи, назорат этувчи ва унинг натижаларини умумлаштирувчи жараён.

МОНОЛОГИК НУТҚ – ўқувчи ёки талабанинг ўзгаларга қаратилган нутқи.

МОНОГРАФИЯ (моно + юн. ёзаман) – 1) бир муаммо ёки мавзунини ёритишга бағишлаб ёзилган илмий асар; 2) и. т.лар натижалари асосида яратилган босма нашр.

МОТИВ – 1) инсонни ўқишга ёки муайян ҳаракатларни бажаришга ундовчи турли сабаблар йиғиндиси; 2) ўқувчининг маълум эҳтиёжларни қондириш б-н боғлиқ ф-ятга мойиллиги.

МОТИВЛАШТИРИШ – таълим олувчилар ф-ятини маълум эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда психологик таъсир этиш йўллари б-н мақсадга йўналтириш.

Пед. жараёнларда дав., ж-ят, шахс. фан ва ишлаб чиқариш эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда субъектларнинг хатти-ҳаракатлари, ф-ятини мувофиқлаштириш, эришиш зарур бўлган мақсадлар йўналишида проф.-ўқитувчилар ва ўқувчи-талабаларнинг ҳамкорликдаги ф-ятини ташкил этиш, уларнинг фаоллигини ривожлантириш самарадорлиги кўп жиҳатдан М.га боғлиқ.

Таълим муассасаларида ташкил этиладиган пед. жараёнларда қулай таълимий муҳитни шакллантириш учун зарур шарт-шароитларни яратишда субъектларнинг эҳтиёж ва имкониятларини ўрганиш асосида уларнинг ф-ятини такомиллаштириш ҳамда ривожлантириш зарур ва мазкур жараёнда мотивлаштириш ўзига хос аҳамият касб этади.

М. ташаббусларни ишлаб чиқиш ва таҳлил қилиш учун шарт-шароитлар яратиш, субъектларнинг ф-ятини мувофиқлаштириш, ижт. амалиёт ва таълим эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда натижаларнинг самарадорлигини таҳлил қилишни ҳамкорликда ташкил этиш, ўқувчи-талабаларда ўқув мотивларини шакллантириш орқали амалга оширилади.

М. – ўқувчи-талабаларни ўрганилаётган мавзу ва тушунчаларни ўзлаштиришга жалб қилиш ҳамда таълим беришнинг самарали механизмларини яратиш, ўқувчи-талабаларда мазкур ту-

шунчаларни ўрганиш учун кизиқишлар вужудга келтирувчи ижобий мотивларни шакллантиришдан иборат.

Манфаатлар уйғунлашуви ва эҳтиёжларни қондириш йўналишида белгиланадиган мақсадни танлаш ва унга эришиш жараёнида тасаввур ўзига хос аҳамият касб этади, яъни ўқувчи-талабаларни маълум бир ф-ятга ундовчи, ҳаракатга келтирувчи мотивларнинг аҳамияти ва таъсири уларнинг тасаввурлари орқали синовдан ўтади. Мотивларнинг ўқувчи-талабалар томонидан қабул қилинишида уларнинг асосланганлиги ва таъсирчанлиги муҳим аҳамият касб этади. Мотивларнинг ишончлилиги, таъсирчанлиги ва аҳамиятини асослаш орқали ўқувчи-талабаларга таъсир кўрсатиш М.ни ифодалайди.

М. маълум бир эҳтиёжлардан келиб чиқиб, ўқувчи-талабалар ф-ятини психологик таъсир этиш йўллари б-н мақсадга мувофиқ йўналтиришдир. М. жараёнида талаба эҳтиёжлари ёки талабаларнинг умумий манфаатларини ифодаловчи эҳтиёжларни инобатга олиш зарур, чунки М. эҳтиёжларнинг қондирилиши асосида амалга оширилади.

М. таълим-т-я жараёни иштирокчиларининг хатти-ҳаракатларига йўналиш беради, эришиш зарур бўлган мақсадларни белгилайди. М. таълим-т-я жараёни иштирокчиларининг ҳамкорликдаги ф-ятини ривожлантириш, такомиллаштириш йўналишида ҳаракатга келтирувчи динамик жараён ҳисобланади.

МОТИВАЦИЯ – инсон ф-ятини бошқаришда унинг ахлоқий майлларидан фойдаланиш.

МОТИВАЦИОН КЎНИКМА – шахс мотивларининг йиғиндиси ва унинг ижодий илмий меҳнатга лаёқатлилигининг энг муҳим белгиси.

МОТУРИДИЙ, Абу Мансур ал-Мотуридий, тўлик исми Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн Муҳаммад Абу Мансур Мотуридий (870 – Самарқанд – 944) – ўрта асрларда кенг тарқалган калом илмининг мусулмон оламидаги машҳур назариётчиларидан бири, йирик фақиҳ (мусулмон қонуншуноси) ва муфассир (Қуръони карим тафсирчиси), ислом оламида кенг танилган илоҳиётчи мутафаккир.

М. бизнинг давримиз учун ниҳоятда зарур бўлган эътиқод илми – муқаддас динимизни қандай тушуниш ва унга қандай амал қилиш таълимотини янада ривожлантирган. Исломи динининг инсонпарварлик моҳиятини халқнинг миллий урф-одатлари, асрий анъаналари б-н уйғунлаштирган. М.нинг диний ғояларни ғаразли мақсадлар йўлида қуролга айлантириш, мутаассиблик ва жоҳиллик ботқоғига ботиб қолиш қанчалик хатарли эканини асослаб бергани, айниқса, муҳим. Мутафаккирнинг ушбу ғояларини таълим муассасаларида ёшлар онгига етказиш муҳим аҳамиятга эга.

МОҲИЯТ ВА ҲОДИСА – фал. тушунчалар. Моҳият нарсаларнинг ички мазмуни бўлиб, уларнинг турли-туман хоссалари ва муносабатларини яхлит

акс эттиради. Ҳодиса нарсанинг бирор тарзда зоҳир бўлиши, ташқи мавжудлик шаклидир. Инсоннинг билиши дастлаб ҳодисаларни билишдан бошланади, сўнг унинг моҳиятини тушуна бошлайди. Моҳият нарсаларни чуқур таҳлил қилиш натижасида, амалиёт жараёнида билиб борилади. Фаннинг вазифаси борлиқдаги ҳодисаларни уларнинг белги ва хусусиятлари остида ётган моҳиятни излаб топишдан иборат. М. ва ҳ. тушунчалари инсон билимлари тизимининг ҳамма соҳаларига тегишли бўлиб, дунёни билишнинг методологик воситаси ҳисобланади. Нарсаларнинг доимо ўзгариб ва ривожланиб туриши жараёнида уларнинг моҳияти, шунга мос тарзда ҳодисалар ҳам ўзгариб туради. Моҳиятдаги ҳар қандай жузъий ўзгариш муқаррар равишда ҳодисада ифодаланади.

МУАЛЛИМ (араб. – таълим берувчи) – турли йўналиш ва даражадаги таълим тизимида ўқувчига амалий таълим-т-я бериш ишларини амалга оширадиган мутахассис. Шунингдек, М.ларга нисбатан домла, устоз, ўқитувчи ёки педагог атамалари ҳам қўлланилади. М.лик энг қадимий касблардан бири ҳисобланади. Боиси, инсон фақат таълим-т-я туфайли ижт. меъёр ва одоб-ахлоқ қоидаларини ўзлаштиради, маънавий-маърифий жиҳатдан ривожланади ва такомиллашади. Тамаддуннинг Оссурия, Бобил, Миср, Туркистон, Ҳиндистон, Хитой сингари қадимий ўчоқларида топилган тарихий-маданий обидалар гувоҳлик беришича, бу ўлкаларда М.лик бошқа

соҳаларга қараганда катта имтиёзларга эга касб ҳисобланган. Қад. Юнонистонда фақат озод кишиларгина М.лик қилишга ҳақли бўлган. Мас., Рим империясидаги ўқув даргоҳларида М.лар император номидан тайинланадиган дав. амалдорлари саналган. Ўрта асрларга келиб, Ғарб мамлакатларида М.лик б-н, асосан, черков ходимлари шуғулланган, шаҳарларда дунёвий мактаблар ташкил топгач, хунармандчилик цехлари ва савдогарлар гилдиялари томонидан таклиф этилган ёлланма М.лар пайдо бўлган. Техника тараққий этиб, илм-фан кўлами кенгайиши б-н М.лик энг оммавий касблардан бирига айланди. Чунки таълим олмаган одам техника воситаларидан фойдалана олмас эди. Шу боис кўплаб мактабларни ташкил этиш ва М.ларни тайёрлаш эҳтиёжи пайдо бўлди. 18–19-а.ларда бой-бадавлат оилаларда мураббий, гувернёр сингари уй М.ларидан фойдаланиш урфга айланди. Шарқ мамлакатлари, жумладан, Туркистон ўлкасида ҳам М.лик энг кадрли ва обрўли касб ҳисобланиб, бу соҳа эгалари устоз дея эъзозланган. Ўлкага ислом дини кириб келиши б-н ҳар бир маҳаллада масжид ва ҳар бир масжид қошида мактаб ташкил этилган. 19-а.нинг охиридан, яъни ўлкада маърифатчилик ҳаракати пайдо бўлиши б-н М.ликнинг савиясига эътибор кучайди. Туркистонда анъанавий М.лар б-н бирга, Европа мамлакатларидан ўзлаштирилган усулларда дарс берадиган янги М.лар ҳам ф-ят кўрсата бошлади. Бу ҳол, айниқса, жадидчилик ҳаракати авж олган кезларда анча кенг

ёйилди. М.лар савиясининг ошганлиги миллат руҳиятида уйғониш юзага келишига, тараққиётнинг бир қадар тезлашувига олиб келди. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, мамлакатда М.лар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Ўзбекистонда М. ун-тлар, пед. ўқув юртларида тайёрланади. Мамлакатда ўқитувчилар малакасини ошириш тизими жорий этилган, ҳар бир М.га ўқитувчилар малакасини ошириш ин-тларида бепул пед. ва методик ёрдам олиш имконияти яратилган. Мамлакатда ҳар йили 1 окт. – Ўқитувчилар ва мураббийлар куни умумхалқ байрами сифатида нишонланиши, «Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими» сингари фахрий унвонларининг жорий этилиши муаллим-устозларга нисбатан юксак-эҳтиром ифодасидир.

МУАЛЛИФ (араб. – яратувчи, ижодкор) – муайян баъдий, илмий ёки публицистик асар, лойиҳа, ихтиро соҳиби ва бошқа ижодкорлар.

Мамлакатимизда муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида қатор қонунлар қабул қилинган; М. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги бўйича, асар ёки кашфиёт кимнинг ижодий меҳнати б-н яратилган бўлса, ана шу фуқаро асар М.и деб эътироф этилади. Асардан даромад (фойда) олиш мақсадида фойдаланганлиги ёки ундан фойдаланиш бундай мақсадга

қаратилмаганлигидан қатъи назар, асар фойдаланилган деб ҳисобланади. Асарнинг мазмунини ташкил этувчи қоидалар (кашфиётларни, бошқа техникавий, иқтисодий, ташкилий ва ш. к. ечимлари)ни амалий қўлланиш асардан М.лик ҳуқуқи маъносида фойдаланганликни англатмайди. М. ёки ҳуқуққа эга бўлган бошқа шахс шартномага, шу жумладан, очик савдода тузилган шартномага биноан асардан фойдаланиш борасидаги барча ҳуқуқларни ўзга шахсга бериши (фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиши) мумкин. Асардан фойдаланиш ҳуқуқи бир шахсдан бошқа шахсга универсал ҳуқуқий ворислик тартибида ўтади. Ҳуқуқ эгаси бошқа шахсга асардан муайян доирада фойдаланиш учун рухсатнома бериши мумкин. Ундай рухсатнома асардан уни дастлабки шаклида фойдаланиш учун ҳам, қайта ишланган шаклида, хусусан, таржима, нусха кўчириш, аранжировка тарзида ва ш. к. усулларда фойдаланиш учун ҳам талаб қилинади. Асардан фойдаланишнинг ҳар бир усули учун ҳуқуқ эгасининг махсус рухсатномаси талаб қилинади. М.лик ҳуқуқи ижодий ф-ят натижасига нисбатан, унинг мақсади, кадр-қиммати, ифодаланиш усулидан қатъи назар, татбиқ этилади. Асар оғзаки, ёзма шаклда ёки уни идрок этиш имконини берадиган бошқа объектив шаклда ифодаланган бўлиши лозим. М.лик ҳуқуқи эълон қилинган (ошкор қилинган, чоп этилган) асарларга нисбатан ҳам, эълон қилинмаган асарларга нисбатан ҳам татбиқ этилади. М.лик ҳуқуқи ғоялар,

концепциялар, тамойиллар, тизимлар, таклиф қилинаётган ечимлар, объектив мавжуд кашфиётларга нисбатан татбиқ этилмайди.

МУАЛЛИФЛИК ДАРСЛАРИ – муайян бир муаллиф томонидан ишлаб чиқилиб, лойиҳалаштирилган дарслар.

МУАЛЛИФЛИК МАКТАБИ – муайян муаллиф ва муаллифлар гуруҳи томонидан ишлаб чиқилган илғор психологик-пед. концепцияга асосланган экспериментал ўқув-т-я муассасаси.

МУАММО (араб. – жумбоқли, сирли, ғалати; тушунилиши кийин, бошқотирма) – мавжуд билимда ўз ечимини топмаган ва ҳал этиш усули номаълум бўлган масала. Шу боис М.ни қўйиш ва ҳал қилиш мавжуд билимлар доирасидан четга чиқиш, ечимининг янгича усули ва услубларини кидиришни такозо этади. Қандай М.ларни илгари суриш, уни муҳокама қилиш характерини амалий ф-ят ва билишга бўлган эҳтиёжлар белгалаб беради. М.ни муваффақиятли ҳал қилишнинг зарур шартларидан бири уни тўғри қўйиш ва аниқ баён қилишдан иборат. Машҳур немис олими В. Гейзенберг айтганидек, тўғри қўйилган савол М.ни ечишнинг ярмидан кўпрогини ташкил этади. М.ни тўғри қўйиш учун М.ли вазиятни аниқ тасаввур қилишнинг ўзи етарли эмас. Бунинг учун М.ни ҳал қилишнинг турли усул ва воситаларини ҳам олдиндан кўра билиш керак. М.ларни қўйишда кишиларнинг ҳаётий тажрибаси, билимлари ва иқтидори муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, одатда, кўп ҳолларда янги М.лар илмий билиш

муайян соҳасининг йирик мутахассислари, бой тажрибага эга ва чуқур билимли олимлар томонидан илгари сурилади ҳамда кўпгина ҳолларда узоқ йиллар давомида тадқиқ қилинади. М.ни танлаш маълум бир даражада тадқиқотнинг умумий йўналиши ва хусусиятларини белгилаб беради. Албатта, М.нинг илгари сурилиши, аввало, амалий ф-ят эҳтиёжларига боғлиқ. Чунки фақат амалий ф-ятда кишиларнинг эҳтиёжлари ва мақсадлари б-н уларни ҳал қилиш воситалари ўртасидаги зиддият яққол номоён бўлади, илмий изланиш предмети аниқланади. Шу асосда билиш олдига аниқ вазифалар қўйилади. Илмий М., одатда, маълум бир назария доирасида вужудга келади. Назария кейинчалик илгари сурилиши мумкин бўлган М.ни умумий ҳолда белгилаш ва уни тўғри танлашга ёрдам беради, Шунингдек, ҳар бир М. маълум бир назария ёрдамида ҳал қилинади. Баъзи ҳолларда, М. мавжуд назарияни янгилаш, М.ни ечишга мослаштиришни талаб қилади. М.ни ечиш учун дастлабки тайёргарлик ишлари амалга оширилади. Улар қуйидагилардан иборат: а) мавжуд назариялар доирасида тушунтириб бўлмайдиган далил ва ходисаларни аниқлаш; б) М.ни ечиш ғоя ва методологиясини таҳлил қилиш ҳамда уларга баҳо бериш; в) М.ни ҳал қилиш шакли, мақсади ва олинган натижани текшириш йўллариини белгилаш; г) М.нинг негизи б-н уни ечиш учун илгари сурилган ғоялар ўртасидаги алоқанинг хусусиятларини кўрсатиш. Мазкур ишлар амалга оширилгач, М.ни ечишга

бевосита киришилади. М.нинг ечилиши нисбий характерга эга. Бошқача айтганда, ўрганилаётган ходисанинг барча томонларини қамраб олиб бўлмаслиги боис М.нинг мутлак тўлик ечимини топиш қийин. Шу боис илмий изланиш давомида янги М.лар вужудга келиши ва у мавжуд М.ни бошқача талқин қилишни такозо этиши мумкин. Баъзи М.лар ҳозиргача ўз ечимини топмаган. Бу ҳол бу каби М.лар ечиб бўлмаслигини эмас, балки уларни мавжуд услуб ва воситалар ёрдамида ҳал этиб бўлмаслигини англатади ва шу тариқа М. ечимининг янги воситаларини излашга ундайди ва унинг ечимига олиб борадиган илмий изланишлар давом этади.

МУАММОЛИ БАЁН – 1) таълим усулларида бири; 2) маъруза машғулотларида монолог тарзда, семинар машғулотларида эса диалог тарзда амалга ошириладиган таълим усули.

МУАММОЛИ ВАЗИЯТЛАР – дарсда муаммоли ҳолатлар, дақиқаларни ҳосил қилиш жараёни. М. в.лардан фойдаланиш таълим жараёни субъектлари учун фойдали бўлиб, уларни муайян муаммо устида мустақил фикрлаш, масалаларни таҳлил қилиш, масъулиятни ҳис этиш, уларни ечиш устида мустақил ф-ят кўрсатиш, мазкур муаммо устида шахсий нуктаи назарини шакллантириш, гуруҳ ва жамоа бўлиб ишлаш, ф-ятни режалаштириш ва ривожлантиришга ўргатади.

МУАММОЛИ ВАЗИЯТНИ ЯРАТИШ – ўқувчиларни муаммолар устида ишлашга жалб этишни назарда тутиб, улар-

да ижодий ҳамда танқидий фикрлаш кўникмасини ривожланишига имкон берадиган вазиятлар.

МУАММОЛИ ДАРСЛАР – ўқувчилар олдида ўқув муаммоларини юқори илмий ва методик савияда қўйиш, мазкур ўқув муаммоларидан самарали фойдаланишга эришиш, ўқувчилар ф-ятини муаммоларни ҳал этишга йўналтиришдан иборат пед. жараён.

МУАММОЛИ МАЪРУЗА – муаммолар баёнини ўз ичига олган, таълим олувчиларнинг эътиборини муаммоларга қарата оладиган маъруза.

МУАММОЛИ САВОЛЛАР – ўқувчилар олдида муаммо қўйишни назарда тутиб тузилган саволлар.

МУАММОЛИ ТАЪЛИМ – ўқитувчи раҳбарлигида муаммоли вазият вужудга келтирилиб, мазкур муаммо ўқувчиларнинг фаол мустақил ф-яти натижасида билим, кўникма ва малакаларни ижодий ўзлаштириш ҳамда ақлий ф-ятни ривожлантиришга имкон берадиган таълим жараёни.

МУАММОЛИ ТОПШИРИҚЛАР – ўқувчиларни турли даражадаги муаммоларнинг ечимини топишга ундайдиган топшириқлар мажмуи.

МУАММОЛАР ТАҲЛИЛИ – муаммоларни чуқур таҳлил қилиш асосида уларга ечим топиш мақсадини назарда тутган ф-ят.

МУАММОЛИ ЎҚИТИШ – муаммолар таҳлилини ўз ичига олган муаммоли вазиятлар яратиш орқали илмий билимлар мантиғини намоиш этадиган ўқитиш жараёни.

МУВАФФАҚИЯТ ҚОЗОНИШ ВАЗИЯТЛАРИ – ўқувчиларнинг ақлий ҳаракатларини ривожлантирувчи, муваффақият қозонишга ундовчи ва қисман муаммоли кўринишдаги вазиятлар.

М. қ. в. ўқувчиларда ўқув жараёнига нисбатан ижобий муносабатнинг ривожланиши ва уларни фаоллаштириш учун қулай шароит яратади. Уларда ижодий ф-ят тажрибасини ҳосил қилади. Бу жараёнда ф-ят субъектларида қуйидаги сифатлар шакллантирилади: ўқув ф-ятига нисбатан ижобий муносабат, қийинчиликларни бартараф этиш, ўқитувчилар томонидан таклиф этилган мароқли муваффақият ҳисси; қувонч туйғуси, ўқув вазифаларини ечиш жараёнида интеллектуал кўтаринкилик; ўқувчиларнинг ўзлари танлаган қийинчиликларни бартараф этишдан қониқиш туйғуси; ўз билим, кўникма ва малакаларининг етарли даражада эмаслигини англашлари; мустақил билим олишга нисбатан барқарор эҳтиёжнинг шаклланиши кабилар.

М. қ. в. ўқувчиларнинг барқарор ҳиссий ҳолатларида амалга оширилиб, уларнинг ўқув жараёнига киришиш майлларини йўналтиради. Ўз ўқув ф-ятлари натижаларига нисбатан онгли муносабатни таркиб топтиради. Шу тариқа, муваффақият вазияти ўқувчиларда ўқув жараёнига нисбатан ижобий муносабатни шакллантиради. Натижада ўқувчилар ўқув жараёнида фаоллик кўрсатишади ва ривожланади. Уларда ўз-ўзини билиш, мустақил билим олиш ва шаклланиш истаги вужудга келади.

Қийинчиликларни бартараф этишнинг муҳим воситаси ҳам таълим жараёнида ўқувчиларнинг муваффақият қозониш истагини қондиришдир. Мазкур вазиятни моделлаштириш ўқитувчидан катта билим ва маҳоратни талаб қилади. Бу жараёнда вазият ўқувчиларнинг муваффақиятларини таъминловчи шароитларнинг йиғиндиси сифатида намоён бўлади. Ўқувчиларнинг муваффақиятлари эса мазкур вазиятнинг натижаси ҳисобланади.

Педда ўқувчиларни интеллектуал ривожлантиришнинг ягона, барча томондан тан олинган воситалари ва тушунчалари мавжуд эмас. Бундай фикрни ўқувчиларнинг муваффақиятларини таъминловчи вазиятлар ҳақида ҳам айтиш мумкин. Бир қарашда ўқитувчининг ўқувчиларнинг муваффақият қозонишларини таъминловчи вазиятларни ташкил этиши уларнинг билим, кўникма ва малакаларни имкон қадар тўла ўзлаштиришлари учун етарлидек туюлади. Чунки бундай вазиятларда ўқувчилар муваффақият қозонадилар ва ўз ютуқларидан қониқиш ҳиссини туядилар. Натижада уларда ўқиш, изланиш, янгидан-янги билимларни эгаллаш, меҳнат қилишга нисбатан ижобий муносабат қарор топади.

Ўқувчиларни муваффақият қозонишга ундовчи вазиятларни мазмун жиҳатдан бойитиш учун ўқитувчи қуйидагиларнинг муҳимлигини алоҳида англаб этиши лозим: муваффақиятга интилиш ўқувчиларни ўз кучларига ишонишга ундайди; муваффақиятдан

қувониш ҳиссини туйиш учун ўқувчилар қайта-қайта ютуқларга эришишга интиладилар; муваффақиятли ф-ят натижасида вужудга келадиган ижобий кечинмалар ўқув-т-я жараёнида қулайликни ҳис этиш имкониятини вужудга келтириб ўқувчиларда атрофдагиларга нисбатан ижобий муносабат, бирдамлик ва ўзаро ҳамкорлик ҳиссини таркиб топтиради.

Ўқувчиларнинг муваффақиятларини таъминлашга йўналтирилган вазиятларни ўқитувчилар ўқув-т-я жараёнида кенг қўламда ташкил этишлари лозим. Шу боис бундай вазиятларни изчил, тизимли тарзда яратиш мақсадга мувофиқ. Мас.: ўқувчиларни ўқув ф-ятига йўналтириш тартиби. Бунда ўқувчилар ўқув топшириқларини ечишга руҳан тайёрланади; ўқувчиларга турли операцияларини бажариш учун қулай имконият яратилади, мазкур жараёнда улар аниқ ечимлар топиш учун қулай дидактик имкониятларга эга бўлади; олдиндан башорат қилинган натижалар б-н эришилган натижалар ўзаро киёсланади, бу жараёнда ўқувчиларда ўз ўқув меҳнатларининг натижаларига нисбатан онгли муносабат, руҳий қувват таркиб топтиради.

Ўқувчиларни муваффақият қозонишга ундовчи вазиятларнинг афзаллиги шундаки, бу жараёнда ўқитувчи ҳар бир ўқувчининг мустақил ишини таҳлил қилади, уларнинг ютуқ ва камчиликларини аниқлайди ва асослаб кўрсатади. Шунга кўра, ўқитувчи ўқувчилар келажакда бажаришлари лозим бўлган топшириқларнинг мазмуни ва қўламини белгилайди. Натижада ўқувчиларнинг

интеллектуал тараққиётлари таъминланади.

Ўқувчиларни муваффақият қозонишга ундовчи вазиятлар уларнинг ўқувбилув ф-ятларини тўғри ташкил этиш ва кенгайтириш учун муҳим аҳамиятга эга. Бу, ўз навбатида, ўқувчиларни келажакда катта ишларни бажариш, ютуқларга эришишга сафарбар этади. Ўқувчиларни муваффақият қозонишга ундовчи вазиятлар уларда фаол билим олиш, ижод қилиш кўникмаларини ривожлантиради.

Муваффақиятга ундовчи вазиятлар ўқувчиларда барқарор ҳиссий ҳолатнинг вужудга келишини таъминлаб, уларни ўқув жараёнида муваффақият қозонишга ундайди, ўқув жараёнларида фаоллик кўрсатишларини таъминлайди.

МУВОФИҚЛАШТИРИЛГАН ЁНДАШУВ – пед. жараёнлар самарадорлигини ошириш, кўзланган мақсадга эришишда субъектлар фаоллигини таъминлашга жалб этиладиган сарф-харажатларнинг меъёрдан ортмаслигини таъминловчи, субъектларнинг имконияти, қобилияти ва бошланғич тушунчаларига ҳамда мавжуд вазият ва шарт-шароитларга мос келувчи, энг қулай бўлган, пед. жараён ҳамда унинг таркибий тузилишини қайта ташкил эта оладиган тизимни вужудга келтиришга қаратилган ҳаракатлар.

МУДАРРИС (араб. – дарс берувчи, ўқитувчи, муаллим) – мадраса ўқитувчиси. М.лар муайян илоҳиёт фанидан дарс берган. Ҳозир мадраса ва диний ун-тларда фақат диний илмлардан эмас, дунёвий фанлардан дарс берувчилар ҳам М. деб аталади.

МУЖАССАМЛАШТИРИЛГАН СТРАТЕГИЯ – пед. жараёнларни илмий асосда ташкил этишнинг барча йўналишларини қамраб олган ҳамда таълим муассасанинг яхлит ф-ятини ўзида жамлаган мўлжал.

МУЗОКАРАЛАР – ихтилофларни хал қилиш усули сифатида тактик усулларнинг мажмуидан иборат бўлган, қарама-қарши томонларнинг ўзаро макбул ечимга келишларига қаратилган ф-ят.

«МУЗЁРАР» МЕТОДИ – илик муҳит яратиш, фаолликни ошириш ёки пасайтириш, диққатни жалб этиш, жамоани жипслаштириш, таълим бериш, ижодкорликни рағбатлантириш имкониятларига эга бўлган кичик ижт. психологик тренинг.

«Музёра»ни ўтказишда қуйидаги қоидаларга қатъий амал қилиш талаб этилади: камида 10 дақиқа вақт сарфланиши, гуруҳдаги барча таълим оловчилар бирдек иштирок этишлари, хавфсиз бўлиши, такрорланмаслиги керак.

МУЛЛА (араб. – ўқимишли, тақводор одам) – Ўрта Шарқ, Марказий Осиё мамлакатларида мусулмон ахлоқ-одобининг билимдони, дин хизматчиси, диний мактаб ўқитувчиси; саводли, илмли одам.

МУЛЛАВАЧЧА (араб-фор. – мулланинг боласи) – 1) мадраса талабаси; 2) мулла, уламоларнинг болалари.

МУЛОЙИМЛИК (араб. – мос, мувофик, қулай; одобли, хушхулк) – 1) мулойим ҳолат; 2) шахсий сифат.

МУЛОҚОТ (араб. – учрашиш, кўришиш, қабул қилиш) – инсонларнинг маълум жамоа ёки гуруҳда ҳамкорликдаги

ф-ятлари жараёнида вужудга келадиган эҳтиёжлардан бўлиб, уларнинг ўз ф-ятлари давомида ўзаро муносабатларга киришиш жараёнини ифодаловчи, инсонларга хос хусусият.

Инсонларнинг барча ф-ятлари давомида ўзаро муносабатлар, таъсир этиш шаклларини ўз ичига оладиган мазкур тушунча уларнинг ўзаро бир-бирини тушунишлари, ҳамкорлик қилишлари ҳамда ўзаро ахб. алмашинишлари учун зарур. М. – ўқувчининг ижт., руҳий ривожланишининг муҳим омилларидан биридир. Фақат катталар б-н алоқа натижасида ўқувчилар инсониятнинг ижт.-тарихий тажрибасини ўзлаштириш имкониятига эга бўлади. Натижада улар инсониятга хос сифатларни эгаллайди.

МУЛОҚОТ ЖАРАЁНИ – одамлар орасида ахб. алмашиниш, суҳбатдошининг ички дунёсига кира билиш, ўзаро фаол алоқа ва уйғунлик, инсон инсонни идрок этиши каби ҳолатларнинг мажмуи сифатида ифодаланадиган тушунча.

Ҳар бир инсонда мулоқот қилиш учун мустақил тарзда шакланган эҳтиёж мавжуд бўлади. Бу эҳтиёж ўз-ўзини ва бошқаларни билиш эҳтиёжи бўлиб, муайян натижани келтириб чиқаради.

3 ойликдан бошлаб болаларда мулоқотга бўлган эҳтиёж таркиб топа бошлайди. Шахслараро мулоқотнинг катта аҳамияти уларнинг вазифаларини бажаришидадир. Мазкур вазифалар қуйидагилардан иборат: 1) М. жараёнида кишилар орасида ахб. алмашиниши амалга ошади. М.нинг ахб. ва алоқани таъминловчи муайян вази-

фаси инсон ф-ятининг турли шакллари б-н боғлиқлик даражаси б-н изоҳланади; 2) М. бошқарувчилик, алоқа ўрнатувчилик вазифасини ҳам бажаради. М. жараёнида хулқ-атвор қоидалари, майллари, мақсадлар, воситалар таркиб топади ва уларга амал қилиш меъёрлари ўзлаштирилади, хатти-харакатлар баҳоланади, кадриятларнинг ўзига хос тадрижий тизими қарор топади, инсонни ижт.лаштириш даражаси вужудга келади; 3) М. жараёнида инсон ўзининг аҳамиятини англайди ва ҳис этади. Шу боис инсоннинг М.га тўғри йўналтирилиши шахснинг шаклланиши йўлида муҳим манба бўлади.

МУЛОҚОТ МАДАНИЯТИ – шахснинг юксак даражадаги мулоқот меъёрларини ўзлаштирганлиги ва кўникмаларига эгаллиги.

МУЛОҚОТ МАТНИ – матнни қабул қилиш ва тушуниш, матн нима ҳақда эканлиги, нима мақсадда яратилганлиги, коммуникатив фикрни очиш мақсадида тилнинг қандай воситасидан фойдаланганлиги, ўйлаган фикрни амалга ошира олганлигини билишдан иборат матн.

МУЛОҲАЗА (араб. – кузатиш, назорат; изоҳ; фикр билдириш; танбех) – кишининг нарса, воқеа, ҳодиса ва ҳолатлар ҳақидаги фикри ёки ҳукми. Фикр ёки ҳукм – ақлий ф-ят тури, одам мияси ва онгининг маҳсули. Бироқ М., онгнинг атроф-муҳитга, борлиққа муносабати натижасида вужудга келади. Шу боис М.нинг тўғри ёки нотўғрилиги унинг мавжудлик, борликни қандай акс эттириши орқали аниқланади. М. интуиция

б-н ҳам боғлиқ. Интуицияда инсон нарса, воқеа-ҳодиса ва ҳолатларнинг қандай кечишини олдиндан билиши, фаҳмлаши мумкин. Бироқ унинг асосини ижт. амалиёт, катта ҳаётий тажриба ташкил этади. Шу боис интуиция ҳам, худди онг каби, кишининг узоқ йиллик изланишлари ва амалий тажрибаси маҳсули сифатида, М.ни юзага келтиради. Мантиқшунослиқда М. қуйидагича тасниф қилинади: 1) тасдиқловчи ёки инкор этувчи М.; 2) якка, жузъий ва умумий М.; 3) шартли, фарқловчи ва қатъий М.; 4) эҳтимолий, мавжудий ва зарурий М. Агар фикр ҳолатнинг, нарсанинг маълум бир сифатларини тан олишга қаратилган бўлса, у тасдиқловчи М., агар фикр бу сифатларни рад этишга йўналтирилган бўлса, инкор қилувчи М. дейилади. Нарса, воқеа ва ҳолатлар ўзларининг якка, жузъий ва умумий хусусиятларига эга. Якка хусусият айнан шу нарсага тааллуқли, айнан шу ҳолатда намоён бўлади. Агар бу хусусият бошқа нарсалар, воқеа-ҳодиса ва ҳолатларга ҳам тааллуқли бўлса, у гуруҳ, тоифа, туркумга хос бўлган жузъий хусусиятларни юзага келтиради. Агар бу хусусият бир гуруҳ, тоифа, туркум доирасидан чиқиб, бошқа гуруҳ, тоифа ва туркумларга ҳам тааллуқли бўлса, у ҳар хил доираларга оид умумий хусусиятга айланади. Бу хусусиятлар ўз кўринишларига мос М.ни уйғотади, шартли М. фикрни бирор нарса, воқеа, ҳодиса ва ҳолатлар б-н шартли тарзда боғланиб келишидан ҳосил бўлади. М., субъектив нуқтаи назардан шахсий, гуруҳли, кўриниши

жиҳатидан субъектив ва объектив, мавзулари бўйича илмий, бадиий, диний, фал. каби турларга бўлинади. М. би-лиш назарияси ва матншунослик, пед. соҳаларида алоҳида аҳамиятга эга.

МУСТАҚИЛ МАЪЛУМОТ – авлодлар тажрибасини, фан-техника ютуқларини ўз ички туйғулари асосида мустақил ўрганишга қаратилган ҳаракатлар мажмуининг натижаси. У инсоннинг шахсий қобилиятларини ривожлантириш жараёни ҳисобланади. М. м. инсон шахси ривожланиши, тажрибаларни эгаллашида қулайликлар яратади.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ – инсоннинг ўзи танлаган манбалар ёрдамида авлодлар тажрибаси, фан-техника ютуқларини ўрганишга йўналтирилган индивидуал ҳаракатлар жараёни. Бунда инсоннинг ички дунёси, ҳис-туйғулари, мустақил фикрлаш қобилияти муҳим аҳамият касб эади.

МУСТАҚИЛЛИК ТАФАККУРИ – Ватанни севиш, унга эътиқодли ва садоқатли бўлиш; республикамиз Конституцияси ва қонунлари, дав. рамзлари, умуминсоний қадриятлар ва миллий урф-одатларни ҳурмат қилиш; мамлакатимизда амалга ошириладиган ислохотлар ва ривожланишларга ҳамда уларнинг натижаларига қизиқиш ва эътиборли бўлиш; тинчлик, мустақиллик, эркинлик ва бағрикенгликнинг аҳамиятини тушуниб етиш; тарихни билиш ва вазиятларга кўра ўтмишни ва бугунги кундаги ҳолатни объектив баҳолаш; мустақилликнинг қадрига етиш ва фахрланиш, келажакка ишонч б-н яшаш ва

ижод қилиш; Ватани, ота-онаси ва ёру дўстларига садоқатли бўлиш; шахслараро ва табиат б-н бўлган муносабатларда фаол ва адолатли бўлиш, ўзлигини англаш, ўзини ва бошқаларни ҳурмат қилиш; ўзини ўзи бошқара олиш, умуммиллий манфаатларни ўз манфаатларидан устун қўя олиш; эскиликдан янгиликка, оддийдан мураккабга қараб ривожланаётган мустақилликни мустаҳкамлаш, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилиш жараёнларида фаол иштирок этиш йўналишларида бой тасаввур ҳамда тушунчаларга эга бўлишдан иборат ф-ят.

МУСТАҲҚАМЛАШ – ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкорлигида амалга ошириладиган ҳамда эгалланган назарий билимларнинг, шакллантирилган амалий кўникма ва малакаларнинг хотирада сақланиш даражасини ошириш учун амалга ошириладиган машқлар тизими, таълимда қўлланиладиган мет. Таълим жараёнида янги мавзунини ўтишдан олдин, таълимнинг бир босқичидан иккинчисига ўтишда билимларни мустаҳкамлашга йўналтирилган таълимий тадбирлар (ўтилганларни сўраш, савол-жавоб ўтказиш, тест синовлари ўтказиш ва б.) олиб борилади. Бу билим, кўникма ва малакаларнинг мустаҳкам бўлишининг асосий омилларидан биридир. М.нинг ишончли воситаларидан бири мунтазам тарзда янги билимларни эгаллашда олдингиларидан унумли фойдаланишдир.

Таълим амалиётида эгалланган билимларни М.нинг бир неча шаклидан фойдаланилади: ёзма иш ёздириш,

саволларга ёзма жавоб бериш, қисқача савол-жавоб, тест топшириқлари, лаб. топшириқлари, амалий ишлар ва б. М.ни пед. тадбир сифатидаги асосий вазифаси ўтилганларни шунчаки қайтариш эмас, балки М. воситасида янги билимларни эгаллаш учун замин яратиш, ўқувчиларда улардан амалий фойдаланиш малакаларини таркиб топтиришдан иборат. М. воситасида ўқувчиларнинг ўтилган дарс материални қанчалик ўзлаштиргани аниқланади. Шундай ҳолатларда М.нинг юқорида санаб ўтилган шакллари воситасида камчиликлар бартараф этиб борилади. Билимларни М. олдин ўтилган мавзуларни қайтариш орқали ҳам амалга оширилади. Бу тадбир ўқув йилида ўтилган материалларни мантикий кетма-кетликда ўзлаштириш, билим, кўникма ва малакаларни М., уларни умумлаштириш ва бир тизимга келтириш мақсадида амалга оширилади. Бунда билимларни механик тарзда ёдлашга эмас, балки онгли тарзда ўзлаштиришга урғу бериш талаб этилади.

Ўтилган материалларни М.да ўқитувчи ўқувчиларнинг мустақил равишда мавзуга алоқадор материалларни турли қўшимча манбалар (қўшимча ад.лар, луғатлар, энциклопедиялар, интернет материаллари ва б.)дан излаш малакаларини таркиб топтиришга алоҳида эътибор қаратиши лозим.

МУЛЬТИМЕДИА (инг. мульти + лот. медиа – ўрта, марказ; воситалар, тадбирлар) – ахборот узатишнинг хилма-хил воситалари (матн, овоз, жонлантирилган ва график тасвир ва б.)ни камраб олувчи техн. ва шундай техн.дан фойдаланувчи дастурлар ва комп. воситалари.

МУЛЬТИМЕДИЯЛИ ДАРСЛАР – матн, овоз, жонлантирилган ва график тасвирлардан иборат воситалар ёрдамида ташкил этилган дарслар.

МУЛЬТИМЕДИЯЛИ ЎҚУВ КИТОБЛАРИ – битта ахб. ташувчи воситага жамланган (мас., CD-ROM дискига) матнли, овозли, статик-динамик ва видеотасвирли маълумотлардан ташкил топган ўқув китоби.

«МУМТОЗ ДЕБАТЛАР» ЎЙИНИ – мунозара иштирокчиларининг муҳокама этилаётган муаммо ҳақида тўғридан-тўғри қарши фикрлар билдиришига асосланиб, олдиндан тайёрланган ишни талаб қиладиган дидактик усул.

Ўйинга тайёргарлик муайян матн (тезис) тайёрлашдан бошланади. Мавзу танлашда унинг «яхши», яъни ижобий мазмунда бўлишига эътибор бериш керак. Танланган мавзу дебат иштирокчилари учун қизиқарли ва долзарб бўлиши, гуруҳ катнашчиларига ўз фикрларини асослаш учун етарлича далиллар тўплаш имкониятини бериши, мавзу аниқ шаклга эга бўлиши, тадқиқотчилик ф-ятига ундаши, таълим олувчиларни қўллаб-қувватлаш учун мос ижобий мазмунга эга бўлиши талаб этилади.

МУМТОЗ ТАЪЛИМ – уйғониш даврида антик маданиятга қизиқишнинг кучайиши натижасида таркиб топган. Европада қадимий юнон ҳамда лотин тили ва маданиятини ўрганишга қаратилган у. ў. т.нинг асосий йўналишларидан бири.

МУНАВВАРҚОРИ, Абдурашид-хонов Мунавварқори (1878, Тош-

кент – 1931. 23. 4, Москва) – адиб ва шоир, Марказий Осиеъ жадидчилик ҳаракатининг йўлбошчиси, 20-а. ўзбек миллий матбуоти ва янги усулдаги миллий мактаб асосчиси, янги миллий театр ташкилотчиларидан бири. Отаси Абдурашидхон Сотиболдихон ўғли мударрис, онаси Хосият отиноий бўлган.

М. оилада учинчи ўғил бўлиб, катта акалари Аъзамхон (1872–1919) ва Муслимхон (1875–1954) муаллим бўлишган. Отасидан ёш етим қолгани туфайли дастлабки таълим-т-яни онасидан олган. Сўнг ўз даврининг машҳур ўқитувчиси Усмон домладан илми қироат ва тажвидни ўрганиб, хофиз Қуръон бўлган. 1885–90 й.ларда Бухородаги Мир Араб мадрасасида таҳсил олган, аммо таҳсилни охирига етказмай, Тошкентга қайтиб, имомлик ва муаллимлик б-н шуғулланган. Эшонкули додхоҳ мадрасасида таҳсилни давом эттирган. 1901 й.да усули жадид мактабини очган ва шу мактаблар учун махсус ўқув дастурини тузган, дарсликлар ёзган. 1904 й.дан ижт.-сиёсий, маданий ҳаётга аралаша бошлаган. 1906 й.дан «Тараққий» газ.сида адабий ходим бўлган ҳамда ношир ва муҳаррир сифатида «Хуршид» газ.сини ташкил этган. «Шухрат» (1907), «Тужжор» (1907), «Осиеъ» (1908) газ.ларини ғоявий бошқарган ва адабий ходим вазифасини бажарган. Сўнг «Садойи Туркистон» (1914–15) газ.сида масъул муҳаррир муовини, «Ал-Ислох» жур. (1915–17)да махфий муҳаррир, «Нажот» ва «Кенгаш» (1917) газ.ларида масъул муҳаррир.

М. – турли ж-ят ва уюшмалар ташкилотчиси. У «Жамияти Имдодия» (1909), «Турон» (1913), «Туркистон кутубхонаси» (1914), «Умид» (1914), «Мактаб» (1914), «Кўмак» (1921) ж-ят, ташкилот, ширкат ва уюшмаларида муассис, муовин, раис, аъзо. Шўролар ҳукумати даврида Халқ дорилфунуни шўросининг раиси, Туркистон Маориф халқ комиссарлиги турк шўъбасининг иш юритувчиси (1918), Тошкент шаҳар маориф нозири, Шарқ халқлари съезди (1920, Боку) делегати ва ҳайъати аъзоси. Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР) Маориф назирлиги вақф бўлими бошлиғи (1920–21), Тошкент шаҳар ижт. т-я бўлими мудир (1921), Академик марказ раиси (1922), Навоий номидаги мактаб, Наримонов номидаги пед. техникуми, аёллар пед. ин-тида муаллим (1923–25), Самарқанд ш. музейида илмий ходим, Ўзбекистон осори-атикаларни сақлаш қўмитасининг Тошкент-Фарғона бўлимида масъул котиб (1927–28).

М. бир қанча дарслик муаллифидир. Унинг «Адиби аввал» (1907), «Адиб ус-соний» (1907), «Усули ҳисоб», «Тарихи қавм турк», «Тажвид» (1911), «Ҳавойижи диния», «Тарихи анбиё», «Тарихи исломия» (1912), «Ер юзи» (1916–17), 4 қисмдан иборат «Ўзбекча тил сабоқлиги» (Шорасул Зуннун ва Қаюм Рамазон б-н бирга, 1925–26, 4-қисми мусодара қилинган) дарсликлари бир неча марта чоп этилган.

М. 1929 й. 6 нояб.да қамоққа олиниб, Москва ш.даги Бутирка қамоқхонасида қатл қилинган ва Ваганкова қабристонига

дафн этилган. 1991 й.да расман реабилитация килинган.

МУНЗИМ, Мирзо Абдулвоҳид Бурҳонов (1875, Бухоро – 1934, Душанбе) – маърифатпарвар шоир, дав. ва жамоат арбоби. М. дастлабки таълимни эски мактабда олган. 19-а.нинг 90-й.ларидан Мунзим тахаллуси б-н маърифий шеърлар ёза бошлаган, кейинчалик амалий ф-ятида ҳам маърифатпарварлик б-н шуғулланган. 20-а.нинг биринчи ўн йиллигида М. янги усулдаги мактаб очиш учун ҳаракат қилган. Бухородаги дастлабки жадид мактабининг очилиши ҳам унинг номи б-н боғлиқ. У 1908 й. Самарқандга бориб, жадид мактабларидаги ўқитиш услубини Махмудхўжа Бехбудий ва Абдукодири Шуқурийдан ўрганган ҳамда шу йили ўз ҳовлисида жадид мактаби, 1909 й.да эса катта ёшдагилар учун кечки мактаб ташкил этган.

Бухорода 1909 й.дан шаклланган жадидлар ташкилоти аввал маърифатпарварлик ишларини олиб борган. М. бу ташкилот ишига фаол қатнашиб, шу йили Мукамил Бурҳонов, Садриддин Айний б-н биргаликда «Тарбияйи ат-фол» («Болалар тарбияси») махфий ж-ятини тузишда иштирок этган. Бу ж-ят бухоролик маърифатпарварлар ва ҳурфикрли зиёлилар ўртасида илғор демократик ғояларни тарғиб этиб, халкнинг сиёсий онгини уйғотишда катта аҳамият касб этган.

1917 й. фев. инқилобидан сўнг Бухоро жадидлари М. бошлиқ эски жадидларга, Ф. Хўжаев ва А. Фитрат бошлиқ

янги жадидларга бўлинади. Биринчи гуруҳнинг асосий ф-яти маърифатпарварлик бўлса, иккинчи гуруҳ кенг ислохотлар тарафдори эди. Кейинчалик бу икки гуруҳнинг бирлашуви натижасида «Ёш бухороликлар» партияси тузилиб, М. унга раис этиб сайланади.

1918 й.дан 1920 й.нинг сент.игача М. Тошкентда яшайди. Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР) тузилгач, у аввал Марказий ижроия кўмитаси раисининг ўринбосари, кейинчалик Халқ маорифи нозири, Соғлиқни сақлаш нозири лавозимларида ишлайди.

Халқ маорифи нозири лавозимида ишлаган М. 1922 й. июнида миллий кадрлар, хусусан, муҳандислар тайёрлаш мақсадида бир гуруҳ бухоролик ёшларни Германияга юбориш тўғрисидаги БХСР ҳукумати қарорининг қабул қилинишига катта ҳисса қўшади. Шу қарорга, асосан, у мазкур ишни ташкил этиш бўйича комиссия раиси этиб тайинланган эди. 1922 й.нинг ёзида М.нинг шахсан ўзи бухоролик 44 кишини Германияга олиб бориб, Берлиндаги ўқув юртларига жойлаштиради.

МУНИС Хоразмий (тахаллуси; асл исми Шермуҳаммад Амир Авазбий ўғли) (1778 – Хива яқинидаги Қиёт қишлоғи – 1829) – шоир, тарихнавис, таржимон, хаттот ва маърифатпарвар. М. кўплаб шеърлар, тарихий асарлар ёзиш б-н бир қаторда савод чиқаришни енгиллатиш ва ҳуснихат санъатини ривожлантириш масалаларига бағишланган «Саводи таълим» (1804) шеърый рисоласини ёзган.

МУНОЗАРА (араб. – баҳс, мубоҳаса, тортишув, назорат) – ўқувчи, талаба ва ўқитувчилар орасидаги ўзаро фикрлар тортишуви.

МУНОЗАРА ДАРСЛАРИ – ўзаро фикрлар тортишувига асосланган ўқув жараёни.

МУНОСАБАТ (араб. – муносиблик, мувофиқлик, жоизлик) – 1) кишилар ўртасидаги алоқа, муомала; 2) кишининг воқеликка, воқеликдаги нарсаларга, ҳодисаларга қарashi, ёндашиш тамойили; 3) муайян тизимдаги элементларнинг жойланиш характери ва уларнинг ўзаро боғлиқлигини ифодаловчи фал. тушунча.

Умуман олганда, нарса ва ҳодисаларнинг сифатлари, хоссалари, улар орасида мавжуд бўлган М.лар орқали намоён бўлади. М.лар турли-туман ва хилма-хил бўлади. Мас., сабаб ва оқибат, бутун ва қисм, шакл ва мазмун, ички ва ташқи ва б. М. категорияси қонун тушунчаси б-н чамбарчас боғланган. Илмий билишда ҳам нарса ва ҳодисалар орасидаги муҳим, зарур, барқарор М.лар ўрганилади. М. тушунчаси «алоқадорлик», «ўзаро таъсир», «ўзаро боғлиқлик» тушунчалари б-н яқин. Фалсафий ад.ларда бу тушунча «алоқадорлик» б-н бир хил мазмунга эга ёки ундан кенгроқ мазмунга эга деган фикрлар мавжуд.

М.лар моддий ва идеал бўлади. Ж-ятда кишиларнинг ф-яти жараёнида юзага келган ўзаро М.лар ижт. М.лар саналади. Ж-ятдаги М.лар энг мураккаб М.лар ҳисобланади. Таълим жараё-

нида ўқувчи б-н ўқувчи, ўқитувчи б-н ўқувчилар орасидаги М.лар эса ижт.-пед. характерга эга. Пед. жараёндаги М.ларни инсонпарварлик тамойили асосида шакллантириш ж-ятни демократлаштириш ва инсонпарварлаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун, биринчи навбатда, ўқитувчи ва ўқувчилар орасидаги М.лар ўзаро тенглик, инсонпарварлик, демократия тамойиллари асосида ташкил этилиши керак.

МУНОФИҚЛИК (араб. мунофиқ – иккиюзламачи, муғамбир) – сўзи б-н иши бир-бирига тўғри келмаслик, носамимийлик, иккиюзламачилик, сўзидан қайтишни ифодаловчи салбий ахлоқий сифат. Ҳалоллик, тўғрилиқ, самимийлик тушунчаларига зид.

М. маънавий-ахлоқий категория, муайян инсон ф-ятида қатъий ахлоқий тамойилларнинг шаклланмаганлиги, унинг маънавий-руҳий жиҳатдан беқарорлиги, феъл-атворида ижобий ахлоқий меъёрлар камол топмаганлиги ва амалий ф-ятида ўзига хос номутаносиблик мавжудлигидан далолат беради. М.ни келтириб чиқарадиган асосий сабаблардан бири таълим-т-ядаги нуқсонлар, ёшлар т-ясига бўлган эътиборсизликдир.

МУОМАЛА (араб. – ўзаро муносабат, алоқа) – кишилар б-н муносабат, сўзлашув ва шунингдек, иш, хизмат ва б. соҳалар б-н боғлиқ алоқаларни ифода этувчи тушунча. Халқимизда одамлар б-н тўғри, оқилона М. қила билиш маданият, олийжаноблик аломати, деб ҳисобланади. М. маданиятида халқимизга хос кўплаб гўзал фазилатлар намоён бўлади.

МУОМАЛА ОДОБИ – инсонлараро мулоқотда намоён бўладиган одоб-ахлоқ белгиси бўлиб, сўзлашув маданиятини тартибга соладиган ҳамда шахс хулқи гўзаллигини акс эттирадиган маънавий-ахлоқий хусусиятни ифодаловчи тушунча. М. о. да хушфёллиқ, хушмуомалиқ, ҳаё-иболилиқ, беозорлиқ, ширин сўзлик, очик кўнгиллилик сингари ахлоқий меъёрлар муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, ўзида юксак маданиятни мужассам этган кишилар муомаласида ҳаё, андиша ва иболилиқ яққол кўзга ташланади. Маърифатли, баркамол инсонлар ҳаёли ва вафодор кишилардир. Вафосизнинг жабри қанча бўлса, ҳаёсизнинг шаллақилиги, бетгачопарлиги, беандишалиги ҳам шунча озор келтиради. Бундан ташқари, мулоқимлик ҳам М. о.нинг муҳим сифатларидан саналади. Муомаланинг асосий манбаини сўз ташкил этади. М. о.га кўра, яхши-ёмон сўз инсоннинг руҳиятига бевосита таъсир кўрсатади: яхши сўз б-н муомала қилинса – яхшилик топилади, ёмон сўз б-н муомала қилинса – ёмонлик. Маданиятликнинг энг муҳим унсурларидан бири М. о.дир. У, моҳиятан, ўзаро ҳамкорликнинг шаклларида бири. Инсонлар бир-бири б-н ҳамкорлик қилмасдан, ўзаро тажриба алмашмасдан, бир-бирига таъсир кўрсатмасдан яшаши қийин. Муомала – одам учун эҳтиёж, заруратдир. М. о. бошқа кишилар кадр-киммати, иззатини жойига қўйишни, анъанавий ахлоқий-меъерий талабларни бажаришни тақозо этади. Унинг энг ёркин, сермазмун ва ифодали тарзда намоён бўлиши сўз,

нутқ воситасида рўй беради. Сўзлаш ва тинглай билиш, суҳбатлашиш маданияти М. о.нинг муҳим жиҳатларини ташкил этади. Шу боис М. о., энг аввало, ширинсуханлик, камсуқумлик, босиқлик, хушфёллиқ сингари ахлоқий меъёрларда намоён бўлади. Ахлоқий баркамолликка эришиш М. о.ни эгаллашдан бошланади. М. о.нинг яна бир «кўзгуси» – бу инсоний қараш, нигоҳ, сўзсиз ҳаракатлар. Маълумки, одамнинг қарашиди, юз ифодасиди, қўл ҳаракатларида унинг тил орқали ифодаланмаган, сўзга айланмаган ҳиссиёти ўз аксини топади. Чунончи, суҳбатдошининг гапини охиригача эшитмай, қўл силтаб кетиш – муомаладаги маданиятсизликни англатади. Баъзан қараб қўйишнинг ўзи сўздан ҳам кучлироқ таъсир кўрсатади. Умуман олганда, М. о. кишиларнинг бир-бирига таъсири, т-я ва ўз-ўзини тарбиялаш воситаси сифатида шахслараро муносабатларда муҳим аҳамият касб этади. Шу сабаб ёшларимизда М. о.ни шакллантириш пед. фани олдида турган муҳим вазифалардан ҳисобланади. Бунда педагоглар, ота-оналар ва атрофдагиларнинг таъсири катта.

МУОМАЛАНИНГ АХБОРОТЛАШ-ГАНЛИГИ – таълим олувчилар ўртасида роллараро ва шахслараро муомалада рўй берадиган ғоят турли-туман хусусиятга эга ўзаро ахб. алмашиниш жараёнини ифодаловчи тушунча.

МУРАББИЙ (араб. – тарбиячи) – ёшларга ахлоқ-одоб, касб-хунар, илм-фан соҳаларини ўргатиш, санъат, спорт машғулотларига раҳбарлик қилиш ф-яти б-н шуғулланадиган шахс.

МУРАББИЙЛИК – оила, маҳалла, таълим-т-я муассасаларида, меҳнат ва жамоат ташкилотларида амалга ошириладиган пед. ф-ятни ифодаловчи атама. Болалар ва ўсмирларнинг турли ёш давларида мураббийлик турлича мазмун ва йўналишда амалга оширилади. Гўдаклик ва боғча ёши давларида боланинг нутқ, ахлоқ-одоби ва илк дунёкарашини шакллантиришга ота-она, т-ячи ва энагалар мураббийлик қилади. Мактаб, АЛ, КХК, ОўЮда педагог ўқитувчилар, ишлаб чиқариш корхоналарида эса ўз касбини пухта эгаллаган, педагоглик кўникмаларини ўзлаштирган, уста номини олган тажрибали устозлар мураббийлик қиладилар. Ўзбекистон Республикасида энг яхши мураббийларга «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» фахрий унвони таъсис этилган.

МУРАТОВА Раҳимахон (1950. 10. 12, Қувасой ш.) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Фарғона пед. ин-тини тугатган (1973). Қувасой шаҳридаги 2-мактабда немис тили ўқитувчиси бўлиб ишлаган (1973 й.дан). Дарсларни янги пед. техн. асосида ташкил этган. Унинг тажрибаси туман ва вил. микёсида оммалаштирилган.

МУРИД (араб. – эргашувчи) – ихтиёрлий равишда издан борувчи, шогирд. Тасаввуфда тарикат муршидларидан дарс олувчи шогирд маъносида ишлатилади. М. шайх, пир, муршид олдида ўз зиммасига муайян мажбуриятлар олади, улар б-н пинҳона ишончли муносабатлар ўрнатади ва уларнинг иродасига

бўйсунди. Умуман, М. атамаси суфий ва ҳатто оддий мусулмон маъноларини ҳам англатади.

МУРОДОВ Нормон (1947) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2001). Бухоро ш.даги 24-кўзи ожиз болалар махсус интернат мактабнинг олий тоифали мат. ўқитувчиси бўлиб ишлаган.

Таълимни кўзи ожиз болаларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб янги пед. техн. асосида ташкил этиш соҳасида катта тажриба тўплаган. М. нинг тажрибалари республикадаги махсус интернат мактабларнинг мат. ўқитувчилари орасида кенг оммалаштирилган. Унинг кўплаб ўқувчилари Республика олимпиадаларида ғолиб бўлган. У интернат мактабда мат. ҳамда шахмат-шашка тўғаракларига раҳбарлик қилган.

МУРОДОВ Ҳотамтой (1929. 13. 5, Нурота тумани) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1998). Самарқанд ун-тининг геогр. ф-тини тугатган (1953). Нурота туманидаги 2-мактабда геогр. ўқитувчиси, директорнинг ўқувтарбиявий ишлар бўйича ўринбосари (1953–99). М.нинг география фанини ўқитишда маҳаллий материаллардан кенг фойдаланиш, ўқувчиларда ўлкани севиш, унинг табиат, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига меҳр-муҳаббат уйғотиш, уларга экологик т-я бериш соҳасидаги тажрибаси вил. ва республика микёсида кенг оммалаштирилган.

МУРОЖААТ ҚИЛИШ (араб. мурожаат – кўриб чиқиш, таққослаш, солиштириш, бирор нарсани сўраш, ишни қайта

кўриш) – бирор иш, илтимос, чақирик ва шу кабилар б-н бировга қарата оғзаки ёки ёзма сўз айтмоқ.

Сухбатдошга номи, фамилияси, отасининг исми, лавозими ёки касбий белгисини тилга олиб, юзланишда намоён бўлади. Мурожаат: 1) самимийликнинг одатдаги ифодаси ва сухбатдошга билдирилган ҳурмат; 2) муайян хабар кимга аталганлиги, мазкур мурожаат кимга йўналтирилганлигини кўрсатиш; 3) муайян кишига ошкора эътибор, мурожаат этувчининг шахсга иш юзасидан ёки бошқа мақсадда субъект сифатида кизикканлиги; 4) сухбатдошда ижобий ҳиссиёт ва ундан қаноатланиш туйғусини уйғотиш; 5) ўзаро ҳурмат ҳиссини ифодалайди. Шунга кўра, мурожаат нутқ одоби, самимийлик бурчига амал қилишгина эмас, балки мулоқотни бошқаришнинг психологик йўсини ҳамдир. Исми, отасининг исмини айтиб қилинган мурожаат (Д. Карнеги таъкидлашича, ўз исмини эшитиш инсон қулоғи учун энг ёқимли мусиқани тинглаш б-н баробардир) ишга алоқадор ишончли муҳитни вужудга келтиради.

МУРШИД (араб. – йўл кўрсатувчи) – тасаввуфда тариқат одобларидан сабоқ берувчи пир, шайх ва устоз.

МУСАЕВ Ҳамид (1933, Пастдарғом тумани) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1994). Самарқанд ун-тини тугатган (1955). Пастдарғом туманидаги 6-, 46-, 31-мактабларда (1955–1962), 1-мактабда она тили ва ад. фани ўқитувчиси бўлиб ишлаган (1962 й.дан). Пед. ф-яти давомида дарсни таш-

кил этишнинг янгича, илғор усуллари-ни яратган, пульт бошқаруви ёрдамида ишлайдиган техника воситалари б-н жиҳозланган она тили ва ад. хонаси ташкил қилган. Унинг иш тажрибаси вил. ва республика миқёсида оммалаштирилган. **МУСЛИМОВ** Нарзулла Алиханович (1961. 29. 03, Қозоғистон) – пед. фанлари д-ри (2007), проф. (2009). ТДПУ индустриал педагогика ф-тининг умумий техника фанлари ва меҳнат ўқитувчиси мутахассислигини тамомлаган (1982). Тошкент пед. ин-ти лаборанти, катта лаборанти, илмий ходими (1984–87), «Меҳнат таълим методикаси» каф.си ўқитувчиси (1987–88), Бутуниттифоқ Пед. фанлари академиясига қарашли меҳнат таълими ва касб танлашга йўллаш илмий-текшириш ин-ти аспиранти (1988–91, Москва), Тошкент пед. ин-ти «Меҳнат таълими методикаси» каф.си ўқитувчиси (1991–92), «Ишлаб чиқариш асослари» каф.си мудири (1992–97), касб таълими ф-ти декани (1997–2008), магистратура бўлими бошлиғи (2008–09), илмий ишлар бўйича проректор (2009–12), ТДПУ ҳузуридаги педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази директори (2012 й.дан).

М.нинг 180 га яқин илмий маколалари ва ўқув ад.лари (6 монография, 3 дарслик, 12 ўқув қўлланма, 26 ўқув-методик қўлланма, 8 электрон дарслик ҳамда электрон таълим ресурслари учун патент идорасидан олинган гувоҳномалар) эълон қилинган.

«Мустақилликнинг 15 йиллиги» қўқрак нишони б-н тақдирланган (2006),

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими аълочиси (2011).

МУСОБАҚА – икки ва ундан ортик инсонларнинг бир ф-ят (иш, топширик, вазифа ва х.к.)ни нечоғлик сифатли, самарадор ҳамда тезкор бажаришини аниқлаш жараёнини ифодаловчи атама.

МУСТАҚИЛ БИЛИМ ОЛИШ – таълим муассасаларидан ташқарида мустақил равишда олинган билим.

МУСТАҚИЛ ИШ – ўқувчи ва талабаларга дарсдан ташқари бериладиган таълимий топшириқлар.

МУСТАҚИЛ ФИКР – бошқаларнинг фикридан мустақил ва ўзга таъсирлардан холи хулоса, ҳукм ва мулоҳазалар, инсоннинг дунёқараши ва ақлий салоҳиятини ифодалайдиган тушунча. М. ф. инсонда дастлаб оилада шакллана бошлайди. Шахснинг улғая бориши натижасида у таълим муассасаларида пед. восита ва усуллар ёрдамида тўлиқ шакллантирилади. М. ф. миллий онг, миллий ўзликни англаш, миллий ғурур, миллий маънавият тушунчалари таъсирида шаклланади. Ҳар бир ж-ят ўз аъзолари онгида М. ф.ни шакллантиришдан манфаатдор бўлади. М. ф.ли кишилар ўзи яшаётган ж-ят б-н фаол ижт.-сиёсий муносабатга кириша олади, ўзининг ж-ят олдидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини теран англаб, уни амалга оширишга лаёқатли бўлади. М. ф. шахс, гуруҳ ва ж-ятнинг барча аъзоларига хос хусусият саналади. Ж-ятда бундай шахсларнинг кўпайиши унинг тараққиётига хизмат қилади. М. ф.га эга одам ўз дунёқараши, ақлий салоҳияти орқали ж-ятнинг асо-

сий мақсадини чуқур англаб, ўз ф-ятини шу асосда йўналтиради. Бундай шахс теварак-атрофидаги ҳар қандай воқеа-ҳодисаларга нисбатан онгли муносабатда бўлади. У ҳар бир ҳаракатини мулоҳаза б-н амалга оширишга ўрганади. М. ф.га эга шахсни турли мақсадларда ўз измига бўйсундириш мумкин бўлмайди. Чунки у ўзининг қатъий ҳаётий позицияси ва мушоҳадасига эга. Фикр қарамлиги унинг учун ёт нарса. М. ф. ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг муҳим омили ҳисобланади. Чунки М. ф.га эга бўлган шахснинг иродаси кучли, эътиқоди собит бўлади, у ҳар қандай алдов ва иғволарга кўнмайди, пуч ва ҳавойи фикрларга берилмайди. М. ф.ли шахсда юксак маънавият ва маърифат уйғунлашган бўлади. М. ф. шаклланишида билим ва кўникмалар муҳим аҳамият касб этади. Бугунги Ўзбекистон таълим тизимининг устувор йўналишларидан бири ҳам М. ф.ли шахсларни шакллантиришдир.

МУСУРМАНОВА Ойниса Мусурмановна (1952, Самарқанд) – пед. фанлари д-ри (1994), проф. Мусурманова Ушинский номидаги Самарқанд хотин-қизлар пед. билим юртини (1970), Самарқанд ун-тининг ўзбек ва тожик филол.си ф-тини тамомлаган (1975). «Пастдарғом ҳақиқати» газ.сининг таҳририяти адабий ходими (1975), Пастдарғом тумани ўқувчилар уйи директори (1975–80) ЎзПФИТИда кичик, сўнг к. и. х. (1980–88), Низомий номидаги Тошкент пед. ин-ти «Умумий педагогика» каф.си катта ўқитувчиси, доц.и, докторанти ҳамда

ин-тга қарашли ХТБИА (халқ таълимини бошқаришнинг илмий асослари), «Одобнома» каф.си, «Оила» илмий лаб.си мудири (1988–95), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хотин-қизлар ишлари бўлими мудири, оила, оналик ва болаликни ижт. муҳофаза қилиш котибияти мудири (1995–98), Республика «Оила» илмий-амалий Маркази директори (1998–2000), Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ижт. масалалар ва бандлик қўмитаси раиси ҳамда «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси бошқаруви раиси (2000), Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раис ўринбосари (2002–05), ЎзДЖТУнинг «Педагогика ва психология» каф.си мудири, проф. (2005 й.дан), шунингдек, «Ойдин ҳаёт» Республика соғлом турмуш тарзи тарғиботи маркази (нодавлат нотижорат ташкилот) раҳбари (2004-й.дан).

300 га яқин илмий, методик ишлар муаллифи.

М. I даражали «Соғлом авлод учун» ордени (1999), «Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги» ва «Ўзбекистон мустақиллигининг 15 йиллиги» кўкрак нишони б-н тақдирланган.

МУСИҚА ДАВЛАТ ТАЪЛИМ СТАНДАРТИ – мусиқа таълими мазмуни ва ушбу ўқув предмети бўйича ўқувчилар эгаллайдиган билим, кўникма, малакаларга қўйилган талабларни дав. томонидан тасдиқланган эталони, модели.

МУСИҚА ДАРСЛАРИ – ўқувчиларга мусиқа асосларидан таълим-т-я беришга мўлжалланган дарслар.

МУСИҚИЙ ПЕДАГОГИКА – пед. фанининг мусиқа таълими назарияси ва мет.сини ўрганадиган тармоғи.

МУСИҚИЙ САВОДХОНЛИК – мусиқага оид билим, кўникма ва малакага эга бўлиш.

МУСИҚИЙ ТАРБИЯ – ўқувчиларда мусиқий лаёқат ва кўникмалар, мусиқага меҳр-муҳаббат, ракс ва кўшиқларни ифодали ижро этиш маҳоратини таркиб топтиришга йўналтирилган пед. жараён.

МУСИҚА ТАЪЛИМИ – ўқувчиларга мусиқа асосларидан чуқур билим, кўникма ва малака ҳосил қиладиган ўқув жараёни.

МУСИҚА ХОНАСИ – мусиқа фанини ўқитишда дарс ва дарсдан ташқари машғулотларни самарали ташкил этишга мўлжаллаб жиҳозланган ўқув хонаси.

МУСИҚА ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ – 1) мусиқа таълими назарияси ҳамда мет.си бўйича талабаларга муайян билим, кўникма, малакалар ҳосил қилишга йўналтирилган ўқув фани; 2) мусиқа ўқитиш мет.си хусусий пед.нинг асосий соҳаси.

МУСИҚА ЎҚУВ ПРЕДМЕТИ – ўқувчиларга бадиий-мусиқий таълим-тарбия беришга қаратилган ўқув предмети.

МУСИҚА ТўГАРАКЛАРИ – ўқувчиларнинг мусиқага оид билим кўникма ва малакаларнинг чуқурлаштиришга хизмат қиладиган машғулотларни ўтказишга мўлжалланган пед. жараён.

МУСТАҚИЛЛИК (араб. – тобе эмаслик, ихтиёри ўзидалиқ, қарам эмаслик) – инсоннинг эркин ва озод, ўз ихтиёри

б-н бошқаларга бўйсунмасдан иш юрита олиши, миллат, дав. ва ж-ят ҳаёти, уларнинг таракқиёти, устувор мақсад ва вазибаларини мустақил тарзда амалга оширишилини англатадиган тушунча. М. барча жабҳалардаги ҳар қандай камситиш, тобеликни инкор этади. ўзаро ҳурмат, бир-бирини кадрлаш, миллий ва умумбашарий кадриятларга таяниб иш кўриш, кенг дунёқараш ва эркин тафаккур асосида яшаш, фикрлаш, ўз ҳаётини эмин-эркин ўзи ташкил этиш имконияти ва амалиётини билдиради. М. ҳар бир халқ, миллат, фуқаронинг ўз истеъдоди ва имкониятларини эркин тарзда намоён этиши учун зарур шарт-шароитларни яратишга йўл очади. М. шахс, оила, гуруҳ, жамоа, миллат, ҳудуд, дав., умуминсониятга мансуб даражаларга бўлинади. 18–20-а.лар инсоният тарихида мустамлакачилар асоратига тушиб қолган халқларнинг мустақил дав.лар тузиш учун курашлари даври бўлди. Шимолий Америка аҳолисининг М. учун кураши 1776 й.нинг июлида «Мустақиллик декларацияси»ни қабул қилиш б-н якунланди. 18-а.нинг 90-й.ларидан 19-а.нинг 1-чорагигача бўлган даврда Лотин Америкаси халқлари испан, португал, француз мустамлакачиларига қарши курашиб, бирин-кетин ўзларининг мустақил дав.ларини барпо этди. 1830 й.да Юнонистон усмонли турклар империясидан ажралиб, ўз М.ига эришди. 18–19-а.ларда дунёнинг қарийб ярмини ўз мустамлакаларига айлантирган Буюк Британия истибдодига қарши олиб борилган курашлар натижа-

сида 1876 й.да Канада, 1901 й.да Австралия, 1910 й.да Жанубий Африка, 1921 й.да Ирландия, 1947 й.да Ҳиндистон ва Покистон халқлари ўз М.ини қўлга киритди. 1991 й.да Ўзбекистон ўз М.ини қўлга киритди ва миллий давлатчилигини тиклади. М. халқимизнинг иродаси, ўзбек миллати ҳақ-ҳуқуқи, унинг цивилизацияга қўшган ва қўшаётган бетакрор ҳиссасини жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилиши ҳамдир.

МУСТАҚИЛ БИЛИМ ОЛИШ – расмий ўқув даргоҳларидан ташқари, ўз ихтиёри, ташаббуси ва қизиқишлари асосида билим олишга йўналтирилган ф-ят. Мазмун-моҳияти б-н сиртки таълимга яқин келади. М. б. о. ҳар қандай шахс ривожланишидаги асосий шартлардан бири ҳисобланади. У одамда мавжуд бўлган ирсий, биологик ақлий ва ҳиссий имкониятларни кенгайтириш ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади. М. б. о. таълим тизи-мида баркамол шахсни шакллантириш ф-ятининг ажралмас қисми саналиб, таълим-т-я жараёнида олинган билимларни чуқурлаштириш, кенгайтириш ва янада пухтароқ ўзлаштиришга ёрдам беради. М. б. о.нинг асосий усули илмий, илмий-оммабоп, сиёсий, ўқув, бадиий ва б. адабиётларни мустақил равишда ўқиб ўрганишдир. Мустақил ўқиш, илм олиш, шу б-н бирга, санъат ва бадиий ад. б-н танишиш шахс таракқиётини таъминловчи омиллар мажмуи сифатида кишининг ўз-ўзини тарбиялашида муҳим ўрин тутади. Газ.-жур.лар б-н танишиб бориш, интернет тармоғидан

самарали фойдаланиш, радио ва телевидениедаги ахб.лардан хабардорлик махсус ташкил этилган маърузаларга қатнаш, музей, кўргазма, кино, театрларга бориш, билимдон кишилар, муайян соҳа мутахассислари ва амалиётчилар б-н мулоқотлар М. б. о.нинг манбалари ҳисобланади.

М. б. о. кўникмасининг шаклланишида мактаб катта ўрин тутди. Мактабда болаларга бериладиган барча топшириқлар кейинчалик болаларни М. б. о.га йўналтиришга қаратилмоғи лозим. Чунки мактаб таълими инсон ҳаётининг муайян даврини камраб олади. М. б. о. эса узлуксиз давом этадиган жараёндир. М. б. о. кўникмасининг пайдо бўлиши ва малакага айланиши, биринчи навбатда, ўқувчининг мустақил ишларни бажариши б-н боғлиқ. Дарсда ўқитувчи болаларга ҳар хил йўналтирувчи топшириқлар беради. Ўқувчиларни М. б. о.га йўналтиришда дарсда ва дарсдан ташқари вақтларда қилинадиган маърузалар, ахб.лар, ҳар хил мавзудаги рефератлар катта аҳамият касб этади. Турли саёҳатлар, лаб. ва тажриба ишлари жараёнида ўқувчиларда кузатиш, таққослаш ва умумлаштириш кўникмаси шаклланади. М. б. о.га йўллашда ота-она, ўқитувчи ва кутубхоначиларнинг ҳамкорликда болаларни китоб ўқишга йўналтира олишлари катта аҳамиятга эга. Мактабларда кутубхона дарслари ташкил этилиб, каталоглар, китоблар, маълумотномалар ва ёрдамчи ад.лардан фойдаланиш йўллари ўргатилиши керак. Ўқувчиларнинг М. б. о. малакасини ривожлантиришда синф ва мактабдан ташқари ишлар, тўғарак

ва уюшмалардаги машғулотлар муҳим аҳамият касб этади.

Мактабда шаклланган М. б. о. кўникмаси АЛ. касб-ҳунар коллежлари ва ОЎЮда ривожлантирилади, чуқурлаштирилади. Семинар дарслар, қизиқишлар бўйича тўғараклар, студиялар, талабаларнинг илмий-амалий конференциялари бунга кўмаклашади.

МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ПЕДАГОГИКАСИ – мустақиллик йилларида вужудга келган пед. парадигмага асосланган назарий эмперик ёндашувларни ўз ичига олган пед.

МУСТАҚИЛЛИК ДАРСЛАРИ – ўқувчи ва талабаларга Ўзбекистон Республикаси истиқлоли учун кураш тарихи, унинг мазмун-моҳияти, бунёдкор ғоялари, ҳоз. куни, истиқболи тўғрисида аниқ ва мукамал билимлар беришга бағишланган дарслар. Бундай дарслар Ўзбекистондаги таълим муассасаларида дастлаб 1991 й.да жорий қилинган. Ўзбекистондаги барча узлуксиз таълим муассасаларида янги ўқув йилнинг биринчи дарси ҳар йили 2 сент.да М. д. б-н бошланади. М. д. махсус режа ва дастур асосида ташкил этилади. М. д.нинг ўқув дастурларига киритилиши ёшлар онгида мафкуравий бўшлиққа ўрин бермаслик, уларда ғоявий, мафкуравий иммунитетни шакллантириш, уларни ж-ят олдидagi ўз вазифаларини фидойилик б-н амалга оширишга йўналтириш имкониятини беради. 2001 й.дан М. д. бутун ўқув йили давомида «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фанининг бир қисми сифатида ўтказиладиган бўлди.

М. д.да «Ватан мустақиллиги учун кураш тарихидан», «Ватан мустақиллигининг қўлга киритилиши», «Огоҳ бўлайлик», «Жамиятни демократлаштириш йўлидан», «Тараққиётнинг ўзбек модели», «Маънавий-маданий юксалиш йўлидан», «Ватан хавфсизлигининг таъминланиши», «Халқаро ҳамкорлик» каби мавзулар бўйича машғулотлар ўтказилади.

МУСУЛМОН МАКТАБЛАРИ – республикаимиз ҳудудда 20-а.нинг бошларигача ф-ят кўрсатган диний мактаблар. М. м.да таълим тизими беш тоифага бўлинган эди: 1) қуйи мактаб – ўғил болаларга савод ўргатиладиган 4 йиллик мактаб; 2) далоилхона мактаби – (намоз) ёд олдириб ўргатиладиган мактаб; 3) қорихона – Қуръон ёд олинладиган ва уни қироат б-н ўқиш ўргатиладиган мактаб; 4) интернат мактаб – ҳам диний, ҳам дунёвий фанлар ўқитилиб, ўрта маълумот берилладиган ўрта мактаб; 5) мадраса – ўрта асрга оид диний фал. ва ислом ҳукуки, араб тили грамматикаси ва мантиқ илмлари ўқитилладиган олий диний мактаб.

МУСТАҚИЛ ТАДҚИҚОТЧИЛИК ФАОЛИЯТИ – ўқув ф-ятининг тадқиқотчиликка йўналтирилган тури.

МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШ – ҳаётдаги воқеа, ҳодиса ва жараёнларга ўз нуқтаи назарига таяниб, эркин ёндашиш ва муносабат билдириш салоҳияти; шахсликнинг муҳим белгиси. Руҳияти, ҳиссиётлар олами озод бўлган кишидагина М. ф. мавжуд бўлади ва уни ўз

вақти ҳамда ўрнида билдириш ички эҳтиёжга айланади. Шу боис ўқувчи ҳамда талаба-ёшларни М. ф.га ўргатиш таълим тизимининг асосий вазифаларидан бири. Таълим олувчиларни М. ф.га ўргатиш учун уларни баҳс мунозарага чорлаш, диалогга киришиш, дўстона мулоқот ўрнатиш, дунёқарашларини кенгайтириш талаб этилади.

МУСТАҚИЛ ЎҚУВ ҲАРАКАТЛАРИ – индивидуал ёки гуруҳли ф-ят жараёнида ўқувчилар томонидан ўқитувчининг кўмагисиз мустақил бажариладиган ўқув ҳаракатлари.

МУСТАҚИЛ ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ – гуруҳли ф-ят ёки баҳс-мунозаралар жараёнида амуайян муаммонинг ечими ҳақида айни бир ўқувчи ёки ўқувчилар гуруҳи томонидан мустақил тарзда қарор қабул қилиш ф-яти.

МУТАФАККИР (араб. – фикрловчи) – илм эгаси, бир ёки бир нечта фан соҳасини эгаллаган, янги йўналишлар, кашфиётлар яратган олим, фавқулудда зеҳн ва заковат, энг юқори ва ҳар тарафлама ривожланган, чуқур фикрлайдиган истеъдод соҳибини англаувчи атама. Унинг иш қобилияти ва ф-яти бениҳоя юқори даражада бўлади, ўлмас ва улкан мерос қолдиради. М. кўп соҳаларда янги даврни бошлаб беради, улар яратган маънавий бойликлар тарихда бурилиш нуқтаси бўлиб хизмат қилади. М.ларнинг бутун ф-яти ва яратган асарларидан дунёдаги барча халқлар манфаат кўради. Уларнинг номлари боқийдир, токи инсоният бор экан, улар халқлар

хотирасида яшайверади. Муҳаммад Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Марғиноний, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий ва б. аждодларимиз буюк М.лардир.

МУТАХАССИСЛИК (араб. – бирор соҳада ихтисос олган, ихтисос эгаси) – бирор касб доирасида маълум бир ф-ят тури учун махсус тайёргарлик ва иш тажрибалари орқали эришилган зарурий билим, кўникма ва малакалар мажмуаси.

МУТЛАҚ, а б с о л у т – шак-шубҳасиз, шартсиз, ҳеч қандай шарт-шароитларга боғлиқ бўлмаган чекланмаган, поёнига етган, мукамал деган маъноларни билдирувчи тушунча. Нисбий тушунчасининг тескараси.

МУТЛАҚЛИК ВА НИСБИЙЛИК – фал. тушунчалар. Мутлақлик мутлақ тушунчасига тегишлидир. Нисбийлик – мутлақликнинг акси. Барча нарса ва ҳодисалар, улар ҳақидаги билимлар вақтга, шароитга боғлиқ, вақт ўтиши, шарт-шароитлар ўзгариши б-н нарса ва ҳодисалар, улар ҳақидаги билимлар ҳам ўзгаради. Нисбийлик ҳар қандай билимнинг вақтга, шарт-шароитга боғлиқлигини, у қотиб қолган, ўзгармас эмаслигини англатади. Аммо нисбийликни мутлақлаштириш мумкин эмас. У релятивизмга олиб боради. М. ва н. объектив жараённинг бир-бирига боғлиқ бўлган икки томони бўлиб, уларни қарама-қарши кўйиш ҳам мумкин эмас.

МУҚОБИЛЛИК (араб. муқобил – қарши турувчи, қарши, зид; ўрнини алмаштирувчи) – икки нарса ёки ҳодисадан бирини танлаш имконияти. Ўзбек тилида муқобил сўзи юқоридаги маънони беради. М. тамойили даставвал, формал мантиқда икки ҳукмдан бирини танлаш ёки улардан битта ҳулоса чиқаришда ишлатилган. М. фал. тамойил бўлганлиги боис, у таракқиёт тамойили б-н боғлиқ. Ижт. соҳада М. рақобат, зиддият ҳолатини юзага келтириш, кишиларда икки ёки бир неча имкониятдан бирини танлаш имкониятини яратишда қўлланилади. Мас., муқобил дарсликлар, унда икки дарсликдан бирини, афзалроғини танлаш вужудга келади.

МУҚОБИЛ ДАРСЛИКЛАР – икки ёки ундан ортиқ вариантларда яратилган дарсликларни ифодаловчи тушунча.

МУҚОБИЛ МАКТАБЛАР – эркин тарзда бошқа мактаб билан ёндош ҳолда ф-ят кўрсатадиган ўқув муассасаси.

МУҚОБИЛ ТЕХНОЛОГИЯЛАР – ўзаро бир-бирига яқин бўлган, икки ёки ундан ортиқ техн.лар.

«МУҒАЛЛИМ ҲЕМ УЗЛУКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРИЎ» – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2002 йил 4 октябрдаги №264-б сонли фармойиши асосида ташкил қилинган илмий-методик журнал. 2006 й.дан буён чиқа бошлаган. Таъсисчилари: Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ ва ЎзПФТИ Қорақалпоғистон филиали. Йилда 6 марта чиқади. Адади 2000 дона.

Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими соҳасидаги илк жур. ҳисобланади. У таълим-т-я соҳасидаги илғор пед. техн., иш-тажрибалар, илмий янгиликлар, пед. соҳасида эришилган илмий ютуқлар, КТМД мақсад ва вазифаларини тўла амалга оширишга хизмат қилади.

МУҲАДДИС (араб. – ҳадис ривоят қилувчи) – ҳадисларни тўплаш, саралаш ва шарҳлаш билан шуғулланган илоҳиётчи. Муҳаммад (с. а. в.) вафотларидан кейин ҳадисларни тўплаш кенг анъанага айлана бошлаши натижасида илоҳиётчиларнинг бир қисми бу соҳада ихтисослашган ва улар М.лар деб ном олган. Ҳадис тўплamlари ислом анъанасида эътибор қозониб, М.лар (мас., Имом Бухорий, Муслим ибн Ҳажжож, Ибн Можа ва б.) ислом тарихида машҳур бўлган. Исролда Ҳадис Қуръондан кейинги иккинчи манба ҳисобланади.

МУҲАММАДИЕВ Қарши (1932. 20. 07, Шўрчи тумани) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Бухоро пед. ин-тини тугатган (1962). Шўрчи туманидаги 10-умумтаълим мактаби она тили ва ад.и ўқитувчиси (1954–97). У ўзининг пед. ф-яти давомида дарсларни янги пед. техн. асосида ташкил этиш, ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш ф-ятини ривожлантиришда кўргазмалли воситалар ва ноанъанавий усуллардан фойдаланиш, она тили ва ад. хонасини янги услубда безаш соҳасида ўзига хос тажриба тўплаган. Унинг пед. тажрибалари туман ва вил. миқёсида кенг оммалаштирилган.

МУҲАММАДРАСУЛ Расулий (1884–1935) маърифатпарвар, педагог. Тошкентдаги Бекларбеги мадрасасида ўқиган. 1907 й.дан рус-тузем мактабларида дарс берган. 1917 й.дан мактабларда ўқитувчилик қилган, саводсизликни тугатишда фаол иштирок этган. Рус-тузем ва янги усулдаги мактаблар учун дарсликлар («Раҳбари форсий», «Қироати форсий ёхуд мунтахаби гулистон», «Болалар боғчаси») ёзган. «Раҳбари форсий» китоби (1911, 1914, 1917 й.ларда нашр этилган)да форс тили қоидалари ўзбек тилида баён этилган. «Қироати форсий ёхуд мунтахаби гулистон» (1916) хрестоматия китобида қиска-қиска форсча матнлар 56 дарсга бўлиб берилган, баъзи форсча сўзларга ўзбекча изоҳ берилган. «Болалар боғчаси» алифбе китоби бўлиб, товуш усулида тузилган. Унинг 2-нашри 1917 й.да Тошкентда чикқан. Бу дарсликда К. Д. Ушинский, Л. Н. Толстой, С. М. Граменицкийларнинг ўқув китобларидан таржималар берилган.

МУҲАММАДАМИН ибн Муҳаммадкарим (1894–1941) – тошкентлик маърифатпарвар. Унинг «Туркча қоида», «Жуғрофияи риёзий», «Раҳбари аввал» номли дарсликлари мавжуд. «Туркча қоида» дарслиги 1913 й.и Тошкентда Ғуллом Ҳасан Орифжонов тошбосмахонасида чоп этилган. Унда ибтидоий мактабларнинг 2–4-синфларида ўзбек тилини ўқитиш қонун-қоидалари ҳақида бошланғич маълумот берилган. «Туркча қоида» «Раҳбари форсий» аса-

ридан ижодий ўрганиб ёзилган бўлиб, «Туркча қоида»да феъллар уч замонга бўлиб берилган. Шунингдек, дарсликда тиниш белгилари баёнига ҳам ўрин ажратилган.

«Туркча қоида»да имлони ўргатишга алоҳида эътибор берилган. Дарсликда ҳар бир қоидадан кейин, машқлар келтирилган. Муаллиф рус, форс, араб тилидаги грамматика китобларидан фойдаланган. Шу боис дарсликда ўзбек ўқувчилари тушунмайдиган сўз ва атамалар учрайди. Ушбу дарслик ўзбек тили грамматикасини яратиш соҳасидаги дастлабки уринишлардан бири бўлганлиги учун ҳам муҳим аҳамиятга эга.

МУҲИТ (араб. – ўраб олган, ихота этилган) – ҳаёт, ф-ят кечадиган табиий ёки ижт. шароитлар мажмуи.

МУҲИДДИНОВ Аҳмаджон (1951, Хўжаобод тумани) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Фарғона пед. ин-тининг мат. ф-тини тугатган (1974). Хўжаобод туманидаги 1-умумтаълим мактабида мат. ва чизмачилик фани ўқитувчиси (1974–95), шу мактабнинг ўқув бўлими мудири бўлиб ишлаган (1995 й.дан). У дарсларни янги пед. техн. ёрдамида ўтишда ўзига хос тажриба тўплаган. Таълим муассасасида янги-ча пед. муҳит ярата олган. М.нинг тажрибалари туман ва вил. миқёсида кенг оммалаштирилган.

МУҲИДДИНОВ Маҳмудали (1926. 01. 03, Фарғона тумани) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1992). Фарғона пед. ин-тини тугатган (1951).

Фарғона ва Қува туманларидаги мактабларда она тили ва ади ўқитувчиси, мактаб ўқув бўлими мудири (1943–56), Фарғона вил.и педагог ходимлар малякасини ошириш ин-тида она тили ва ад. бўлими бошлиғи (1956 й.дан). 10–11-синфлар учун «Ўзбек тили» дарслигини тайёрлашда иштирок этган; «7–8-синфларда она тили дарслари» қўлланмаси ва «Тажрибалар кўзгуси» тўплами муаллифи.

МУҲИДДИНХЎЖА ҚОЗИ (1841 – Тошкент – 1902 й. март) – ўзбек маърифатпарвари. Сўнгги Тошкент қозикалони – Ҳакимхўжанинг ўғли. Тошкент, Бухоро мадрасаларида таҳсил олган. Тошкентнинг Себзор даҳасидаги Исахонхўжа мадрасасида мударрислик қилган. 1880 й.лар бошида Сатторхон, кейинроқ Фуркат б-н янги ўзбек маърифатпарварлигига асос солишда қатнашган, замонавий илм-фан, техника ва илғор маданият тарғиботи б-н шуғулланган.

МУҲОКАМА МЕТОДИ (араб. – судлашиш, даъволашиш, ҳукм қилиш) – бирор хулосага келиш учун кўпчилик таълим олувчиларнинг фикрини олиш, фикрлашиш, ҳар томонлама ўйлашишга қаратилган мет.

МУЎДИНОВ Аҳмаджон Раззокович – (1955. 15. 04, Учқўрғон тумани) Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Наманган пед. ин-тини тугатган (1977). 1977 й.дан Учқўрғон туманидаги 38-гимназияда мат. ўқитувчиси. Пед. ф-яти давомида замон талабига

мос мат. хонасини жиҳозлаган, янги пед. техн. асосида ноанъанавий дарслар ташкил қилиб, ўқувчиларнинг мантикий фикрлаш салоҳиятини ривожлантиришга эришган.

МЎМИНОВ Абдурахмон Абдукодирович (1946. 16. 09, Тошкент) Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2001). Ўзбекистон жисмоний т-я ин-тини тугатган (1971). Тошкент ш. Миробод туманидаги 328-умумтаълим мактаби жисмоний т-я ўқитувчиси бўлиб ишлаган (1968–2001). У ўқувчиларни жисмоний ривожлантириш мақсадида дарсларни ноанъанавий усулларда ташкил этиб, ўзига хос мактаб яратган. Унинг пед. тажрибалари туман ва шаҳар миқёсида кенг оммалаштирилган.

МЎМИНОВ Каримжон (1938, Андижон) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2003). Балиқчи туманидаги 29-мактабнинг олий тоифали кимё-биол. фани ўқитувчиси. М. методик тавсиялар ва қўлланмаларнинг муаллифи. Унинг иш тажрибалари ва пед. ф-яти туманда оммалаштирилган.

МЎМИНОВ Турди (1948. 5. 03, Қарши тумани) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1998). Қарши пед. ин-тининг ўзбек тили ва ад.и ф-тини тугатган (1971). Касби тумани халқ таълими хузурида ташкил этилган етакчилар тайёрлаш курсида ўқитувчи (1971–79), Қарши туманидаги 12-умумтаълим мактаби ўзбек тили ва ад.и ўқитувчиси бўлиб ишлаган (1979 й.дан). М. дарсда ёшларга ватан туйғуси, миллий қадриятлар ва

мафқурани сингдиришда янги услубларни қўллаган. Унинг иш тажрибалари ва пед. ф-яти туманда оммалаштирилган.

МЎМИНОВА Лола Раҳимовна (1943, Андижон) – пед. фанлари д-ри (1992), проф. Москва пед. ин-ти дефектология ф-тининг логопедия мутахассислигини тамомлаган (1970). Логопед, бошланғич синф ўқитувчиси (1970–79). Тошкент пед. ин-ти қошидаги Ўзбекистондаги болалар боғчаси ва мактабларида болаларга рус тилини ўргатиш бўйича и. т. лабораториясида к. и. х., лаборатория мудири (1979–84), Тошкент пед. ин-ти дефектология ф-ти «Олигофренопедагогика ва логопедия» каф.сининг ўқитувчиси, доц.и, к. и. х.и (1985–86), дефектология ф-ти декани (1986–98), педагогика, дефектология ва бошланғич таълим ф-тининг декани (1998–99), «Олигофренопедагогика ва логопедия» каф.сининг к. и. х.и (1989–91), каф. доц.и (1991–2000), «Дефектология» каф.си мудири (2000–01). Ҳоз. вақтда ТДПУ проф.

200 дан ортиқ илмий ишлар муаллифи.

МЎМИНОВА Ҳалима (1950. 20. 12, Бўстонлик тумани) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1998). Тошкент пед. ин-тини тугатган (1974). Чирчиқ ш.даги 2-умумтаълим мактабида (1972–77), 21-мактабда бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб ишлаган (1982 й.дан). М. бошланғич таълим жараёнини янги пед. техн., ноанъанавий ўқитиш усуллари ёрдамида ташкил этиб, ўқувчиларнинг билиш даражаларини ривожлантиришга

эришган. Унинг иш тажрибалари ва пед. ф-яти туманда оммалаштирилган.

МУЪТАДИЛЛИК (араб. – қадди-қомати келишган, расо; мутаносиб; ўртача, ўртамеъна) – ўртача. ҳаммага маъқул ва зият, ҳолатни ифодаловчи тушунча. М. ибораси ижт. маънода қўлланганда инсоф, диёнат тушунчасига мос келади. Ху-

сусан, у Шарқ фал.сида шундай талқин этилади. Бу маънода М. кишининг муайян ж-ят ахлоқ меъёри нуктаи назаридан ўз хулқ одобини назорат қилиши ва холисона баҳолашидир. М. виждонли одам, жамоанинг ж-ятга ва б. кишиларга нисбатан ўз хулқ-атвори учун маънавий жавобгарлик ҳисси ҳамдир.

МУАЛЛИФЛАР РЎЙХАТИ

Алланиязов Арман Бахитович
Ахмедова Насибахон Қобилжоновна
Аъзамова Малоҳат Нажимовна
Дилова Наргиза Ғайбуллаевна
Жумаева Феруза Сайидовна
Жўраев Рисбой Ҳайдарович
Иброҳимов Санжар Ўринбоевич
Маҳмудова Дармонжон Бозорбоевна
Маъмуров Баҳодир Бахшуллаевич
Миралиева Дилафруз Тоҳировна
Музаффарова Феруза Баҳриддиновна
Неъматов Шуҳрат Эргашович
Отақулова Наргиза Алижоновна
Раҳимова Шаҳодат Озодовна
Рўзиев Фарҳод Жўраевич
Сафарова Рохат Ғайбуллаевна
Собинова Нозима Собиржоновна
Сулаймонов Аскарали

Сулаймонова Гулчеҳра Тоғаймуродовна
Сулаймонова Нигора Аскаралиевна
Султонова Венера
Тожибоева Ҳилолаҳон Маҳмудовна
Тошева Нурзода Тоштемировна
Турғунов Собитхон Тошпўлатович
Ўринова Нилуфар Маҳмадовна
Холматова Зироат Анваровна
Худойберганова Тожиҳол Қўчқоровна
Юнусова Шарофат Маҳмудовна
Юсупова Феруза Ирисқуловна
Каландарова Меҳрибон Камоловна
Қорахонова Ойсара Йўлдошевна
Қосимова Дилдора Ҳошимовна
Қўчқорова Феруза Маҳаммаатқосимовна
Ғаффорова Мафтуна Эркиновна
Ҳасанова Гулноз Қосимовна



ISBN 978-9943-07-397-5



9 789943 073975